

А. ИНОЯТОВ

**ХАЛҚАРО
ХУСУСИЙ
ҲУҚУҚ**

**ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ
ҲУҚУҚ**



Китоб Очiq Жамият Институти –
Кумак Жамгармасининг Ўзбекистондаги
ваколатхонаси кўмагида chop этилган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

*Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик
мутахассислиги бўйича таълим олаётган
талабалари учун
дарслик*

18/17

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi

Юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор **Ҳ. Б. Бобоев**, юридик фанлари доктори, профессор **М. Х. Рустамбоев**, юридик фанлари доктори, доцент **О. Оқюлов** ва юридик фанлари номзоди, доцент **А. Р. Раҳмановларнинг** умумий таҳрири остида

Муаллифлар таркиби:

ю.ф.н., доц. **Х. Т. Азизов** — XIII боб; ю.ф.н., доц. **И. Ю. Кан** — XVIII боб; ю.ф.д., доц. **О. Оқюлов** — VIII, IX, X, XI боблар; ю.ф.н., доц. **А. Р. Раҳманов** — XX боб; ю.ф.д., доц. **М. Х. Раҳмонқулов** — III боб; ю.ф.д., ЎЗР ФА академиги, профессор **Ҳ. Р. Раҳмонқулов** — Кириш, I, II боблар; ю.ф.н., доц. **К. К. Рашидов** — XIV боб; ю.ф.д. **Ш. Н. Рузиназаров** — XVI, XVII боблар; ю.ф.н., доц. **Б. Б. Самархўжаев** — IV, V, VI, XXI боблар; ю.ф.н., доц. **Б. Н. Тошев** — VII боб; ю.ф.н., доц. **З. С. Убайдуллаев** — XXIII, XXIV, XXV боблар; ю.ф.н., доц. **В. Э. Умаралиев** — XIX боб; ю.ф.н., доц. **С. С. Хамраев** — XII, XV, XXII боблар.

Маъсул муҳаррир:

Юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, профессор **Ҳ. Р. Раҳмонқулов**.

Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик.
// Ҳ.Р. Раҳмонқулов ва бошқ. / Ҳ. Б. Бобоев, М. Х. Рустамбоев, О. Оқюлов, А. Р. Раҳмановларнинг умумий таҳрири остида. — Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002 йил, 448 б.

Халқаро хусусий ҳуқуқ дарслиги Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун мўлжалланган.

ББК 67.412.2 (5У) я 73

Очиқ Жамияти Институти — Кўмак Жамғармаси дарслик мазмуни учун масъулиятни ўз зиммасига олмаган.

КИРИШ

XX аср охириги ўн йиллигининг бошида жаҳон сиёсий харитасида янги давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди ва у сўзсиз равишда барча давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Албатта ўзбек халқи ўзининг минг йиллик бой давлатчилик тарихига эга. Бироқ бу тарих XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб, Россия империясига қарамлик ва мустабид иттифоқ даврида анча хира тортиган, узилиш вужудга келган эди.

Бу узилишнинг барҳам топиши ўзига хос тарихий адолат тантанаси ҳисобланади. Одатда кўп ҳолларда бирор давлат мустақиллигининг шаклланиши, уни юридик расмийлаштириш ва бошқа давлатлар томонидан тан олинishi зиддиятлар, курашлар билан ўнлаб, юзлаб йиллар давом этади. Мамлакатимизда бу жараён ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатдан кескин зиддиятларсиз рўй берди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, Ўзбекистон мустақиллиги халқимиз томонидан ҳам, ўзга халқлар томонидан ҳам исталган натижа эди. Иккинчидан, давлат мустақиллигини ҳуқуқий расмийлаштириш изчиллик қоидаларига тўла мувофиқ равишда И.А. Каримов бошчилигидаги раҳбарият томонидан амалга оширилди. Шу сабабли ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий шаклланиш жараёнини яна бир эшлаш талабалар учун ҳам, бошқа ўқувчилар учун ҳам ибратлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан 1990 йил 20 июнда “Мустақиллик Декларацияси”¹ қабул қилинди. Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг Олий идораси республикамизда яшовчи ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни ўзининг бош мақсади деб билиб, Ўзбекистон халқининг келажаги учун тарихий маъсулиятни ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократик тамойилларга асосланиб республикамизнинг Давлат мустақиллигини эълон қилди. Ўзбек давлатчилиги ривожигаги ушбу оламшумул тарихий воқеани республика фуқаролари билан бирга тараққийпарвар жамоатчилик зўр шодлик ва кўтаринки руҳ билан кутиб олди.

¹ Совет Ўзбекистони. 1990 й. 21 июн.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 й. 11-сон, 245-м.

Маъмур Декларацияга асосланиб Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1991 йил 31 августда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги Асослари тўғрисида”²² қонун қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўлиқ субъекти бўлиш имкониятини эришти. Мустақилликнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган қонуни билан юридик жиҳатдан мустақамланди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақил давлат сифатида - 1992 йил 3 декабрда ўз халқининг хоҳиш-иродасини акс эттирувчи, моҳияти ва мазмуни жиҳатдан янги Конституциясини қабул қилди. Ушбу Конституция Республикада рўй берган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шунингдек мустақиллик йўлида эришилган ютуқларга яқин ясади ва ўзининг I-моддасида “Ўзбекистон — суверен демократик республика” деб тасдиқлади ва унинг мустақил давлат бўлишига қонуний асос солди.

Ўзбекистон Республикасида мустақил давлатчиликнинг тикланиши президент сайлови ва давлат мустақиллиги тўғрисидаги савол бўйича референдум ўтказилиши билан юридик жиҳатдан янада мустақамланди. Овоз бериш учун тарқатилган бюллетенларда “Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилинишини қўллаб-қувватлайсизларми” деб қўйилган саволга сайловчиларнинг 98,2% ижобий жавоб беришди. **Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилиниши умумхалқ томонидан қўллаб қувватланди.**

Мустақилликка бағишланган олий мақомли қонунларда ва ўтказилган умумхалқ референдумида ўзбек халқининг эрки-иродаси, орзу-истаклари мужассам ифодаланди. Инсоннинг камолоти, унинг эркинлиги, юксак турмуш даражаси, фаровон ҳаёти ва фаол меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мазкур олий мақомли ҳужжатларнинг мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида дунёдаги деярли барча нуфузли катта давлатлар тан олди ва дипломатик муносабатлар ўрнатди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонни тан олган давлатларнинг сони 150 дан ошиб кетди, уларнинг 80 дан кўпи билан дипломатик муносабатлар ўрнатилиш тўғрисида шартномалар имзоланган.

Ўзбекистон халқаро майдонда дадил қадам ташламоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг Хавфсизлик Кенгаши 1992 йил 29 январда Ўзбекистонни БМТ аъзолигига қабул қилишни тавсия этди. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон ҳозирги замонда дунёда энг нуфузли халқаро ташкилот — БМТга аъзоликка қабул

қилинди. Бу кун Ўзбекистон ҳаётида энг улуғ, унутилмас тарихий кунлардан бири десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк даврида кўпгина обрўли халқаро жамиятлар, иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан савдо - иқтисодий муносабатларни ўрнатди. Республиканинг ишончли, истиқболли ҳамкор сифатида обрў-эътибори анча мустаҳкамланди.

Мустақил давлат — Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини шакллантиришда халқаро жамоатчилик томонидан тан олинган тамойилларга амал қилган ҳолда, аввало, ўз куч қудратига, маънавиятига, ўтмиш аждодлар ва авлодлар меҳнати билан яратилган ўз халқининг салоҳиятига таянмоқда. Бу — ташқи муносабатларда очик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларига риоя этишдан дарак беради.

Янги жамиятни барпо этиш йўлида Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, иқтисодни мафкурадан халос этиш, тadbиркорликни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асосида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишни жадал амалга оширмоқда.

Мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистон халқаро сиёсий, иқтисодий муносабатларда мустақил субъект сифатида қатнашмас эди. Совет ҳокимияти даврида нашр этилган адабиётларда собиқ социалистик республикаларнинг халқаро муносабатларда ҳуқуқ субъекти эканлиги ҳақида таъкидлаб ўтилди. 1977 йилдаги СССР Конституциясининг 80-моддасига биноан “Иттифоқдош республика чет давлат билан алоқа боғлашга, улар билан шартномалар тузишга ҳамда дипломатия ва консуллик вакилларни айирбошлашга, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга ҳақлидир” дейиларди. Лекин амалда Белорусия ва Украинадан бошқа бирон бир республика чет давлатлар билан дипломатик, консуллик муносабатларини ўрнатишга ёки чет элда ўзларининг ваколатхоналарини очишга эриша олмаган. Масаланинг бундай ҳал қилиниши сабабли собиқ социалистик республикаларда ҳуқуқ тизимининг алоҳида соҳалари сифатида халқаро ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ фанлари устида илмий тадқиқот ишлари деярли олиб борилмади, ушбу соҳалар юридик ўқув юртларида ўрганилмади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва жаҳон ҳамжамиятида халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида тан олиниши халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ фанлари устида илмий изланишлар олиб бориш учун имконият яратди ва бу фанларни ўрганиш учун зарурият оша бошлади.

Хусусий мулк асосида бозор муносабатларининг таркиб топиши, чет эл мамлакатлари ва уларнинг жисмоний ва юридик шахслари билан ижтимоий - иқтисодий алоқаларнинг Ўзбекистонда тобора ривожланиши хусусий ҳуқуқ фанини ўрганишни ва ушбу фан устида илмий изланишларни амалга оширишни устувор вазифа қилиб қўйди. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, 1999 йил сентябрда Тошкент давлат юридик институти таркибида биринчи бор “Халқаро хусусий ҳуқуқ” кафедраси ташкил қилинди.

Нашр этилган адабиётларда халқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети, тузилиши, манбалари, чет элликлар мулкнинг ҳуқуқий ҳолати, қўшма корхоналар, интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқини халқаро муҳофаза қилиш, коллизия ва бошқа масалалар бўйича баҳс-мунозаралар, турли фикрлар мавжуд.

Талабалар учун халқаро хусусий ҳуқуқ фанини ўрганишда қийинчилик туғдирадиган яна битта масала шундан иборатки, ушбу фан бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий - услубий адабиётлар жуда ҳам кам. Бундай аҳвол талабаларга таълим олиш, диплом ишларини ёзиш, ушбу мавзуларда илмий семинар ва конференциялар ўтказиш, маърузалар тайёрлаш учун қийинчиликлар туғдиради.

Тақдим қилинаётган ушбу дарслик ўзбек тилида биринчи марта “Халқаро хусусий ҳуқуқ” кафедраси аъзолари иштирокида ёзилди. Унда халқаро хусусий ҳуқуқ фани бўйича ўқув дастурининг асосий мавзуларини ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Масалан, халқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети, тузилиши, манбалари, коллизия нормалар ва уларни тадбиқ қилиш тартиби, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати, фуқаролик - ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчисининг сифатида давлатнинг ҳуқуқий мақоми, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш, ашёвий ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий битимлар, шартномалар, халқаро муносабатларда низоларни суд, арбитраж тартибида ҳал қилиш ва халқаро ҳуқуққа тааллуқли бошқа масалалар ёритиб берилди.

Муаллифлар жамоаси ушбу дарсликка киритилган мавзуларни ўрганиш ва пухта ўзлаштириш талабаларнинг юрист - мутахассис сифатида шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди, бу эса уларнинг келгуси иш фаолиятида мустақил мамлакатимиз — Ўзбекистон Республикаси, унинг фуқаролари ва юридик шахслари манфаатларини халқаро ва халқаро-хусусий муносабатларда фаол ҳимоя қилишларига негиз бўлади, деб умид қилади.

I БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТУЗИЛИШИ ВА МАНБАЛАРИ

1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ тушунчаси ва унинг оммавий ҳуқуқдан фарқи

Халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқ тизимида ўқув дарслиги ва юридик фаннинг бир тармоғи сифатида тан олинган алоҳида соҳа ҳисобланади. Ушбу соҳа халқаро ҳаёт шароитида юз берадиган хусусий, яъни фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан тартибга солинадиган, шунингдек оилавий ва меҳнат муносабатларини ўз ичига олади. Ушбу муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишининг тартибга солиниши ҳамда низо чиққан тақдирда уларнинг ҳал қилиниши ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига (1158-м.) халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар “чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар” сифатида таърифланади. Лекин бу етарли эмас. Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг кенг тарқалган кўринишларда бўлиши, чет эл ҳуқуқи субъектларининг турли давлат фуқаролигига мансуб бўлиши, объектларининг турли давлатлар ҳудудида жойлашган бўлиши, ушбу муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун асос бўлган юридик фактларни муайян мамлакат ҳуқуқи орқали баҳолаш, низоларни муайян ҳудудда ва ўз вақтида олдини олиш, бартараф қилиш, ҳал этишни талаб қилади. Халқаро ҳаётда бунга ўхшаш масалаларнинг турлари ҳар хил бўлиши мумкин, уларни бирон бир рўйхат билан чеклаб ҳам бўлмайди, шунинг учун улар муносабатларни турли шароитда, турли равишда мураккаблаштириб юборилиши учун сабаб бўлади.

Хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг мураккаблашишида баъзи халқаро шартномалар алоҳида ўрин эгаллайди. Булар қаторига, масалан 1928 йилдаги Бустаманте Кодекси (халқаро хусусий ҳуқуқ Кодекси), 1980 йилдаги Халқаро олди-сотди шартномалар тўғрисидаги БМТнинг Конвенцияси, 1988 йилдаги Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги Конвенция, Халқаро ҳаво йўлларига тегишли баъзи қоидаларни бир-хиллаштириш тўғрисидаги 1929 йилдаги Варшава Конвенцияси ва бошқалар кирadi. Ушбу манбалар воситасида чет эл элементи билан му-

раккабиланган муносабатлар, товарларни халқаро олди-сотди, халқаро молиявий лизинг, халқаро ҳаво йўлларида йўловчилар ва юкларни ташини тўғрисидаги тушунчалар, уларни тартибга солиш тартиб ва қоидалари белгиланқди.

“Халқаро ҳуқуқ”, “халқаро хусусий ҳуқуқ” тушунчалари турли маънога эга. “Халқаро ҳуқуқ” давлатлар, ҳокимият органлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, яъни оммавий-ҳуқуқий манфаатлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар мажмуидан иборат. “Халқаро хусусий ҳуқуқ” фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалардан ташкил топган бўлиб, ушбу муносабатларнинг доираси, таркибий қисмлари бирон-бир мамлакат чегараси билан чекланиб қолмайди, халқаро ҳаёт кўламида табиий ҳодиса сифатида ривож топади.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг Халқаро ҳуқуқ (оммавий ҳуқуқ)дан фарқи яна шундан иборатки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган низолар оммавий ҳуқуқ қоидаларига ўхшаб дипломатик йўл билан эмас, балки фуқаролик даъво қўзғатиш йўли билан суд ёки арбитраж органларида кўрилади.

“Халқаро ҳуқуқ” ва “Халқаро хусусий ҳуқуқ” нормалари воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бўлишидан қатъи назар, улар ўртасида узвий боғланиш мавжуд. Турли давлатлар жисмоний ва юридик шахслари иштирокида “халқаро хусусий ҳуқуқ” нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар вужудга келиши учун мазкур жисмоний ва юридик шахслар давлатларининг ўртасида “халқаро ҳуқуқ”, яъни оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар ўрнатилган бўлиши керак. Умуман олганда халқаро ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг вужудга келишида бошланғич ягона асос бор. Бундай асослар қаторига халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойиллари ва нормалари, жумладан давлатларнинг мустақиллиги тан олиниши, халқаро низоларнинг тинчлик йўли билан ҳал қилиниши, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқларининг барча томонидан ҳурмат қилиниши, халқаро мажбуриятларнинг виждонан, бекамикўст бажарилиши ва бошқа умумбашарий тамойиллар киради.

Халқаро ҳуқуқнинг умумбашарий тан олинган тамойиллари ва қоидалари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 2000 йил майдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги ва 1995 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунлар ўзига хос моҳияти билан “Халқаро ҳуқуқ” ва, шунингдек, “Халқаро хусусий ҳуқуқ” соҳаларининг мазмуини, тузилишини ва таркибий қисмини белгилаш учун хизмат қилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ учун бошланғич ягона асос халқаро шартномалар каби умумий манбалар билан ифодаланади. Халқаро шартномалар давлатлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилиш билан бирга халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқаро ҳамкорликни БМТ Уставида назарда тутилган мақсад ва тамойилларга мувофиқ ривожланишини таъминлашга ёрдам беради.

Юридик адабиётларда халқаро ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ фанларининг ўзаро алоқаси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Масалан, И.П. Блищенко, Л.Н. Галенская, С.Б. Крилов (РФ), М. Геновски (Болгария), Моренс Кинтана (Аргентина) қарашларига кўра халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг бир қисмидан иборат, Хосе де Йагунас Мессия (Испания) эса халқаро хусусий ҳуқуқ қисман халқаро оммавий ҳуқуқ ва қисман миллий ҳуқуқ тизимлари нормаларини ўз ичига олади деб таърифлайди, А. Маматқулов (Ўзбекистон) халқаро хусусий ҳуқуқни алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида тан олмайди, халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро оммавий ҳуқуқ билан алоқаси янада чуқурлашиб бориши мумкин, деб таъкидлайди.

Ҳар бир ҳуқуқ соҳасини унинг бирон бир асосий ҳуқуқ тармоғининг бир қисми ёки мустақил тармоқ ёинки турли ҳуқуқ соҳалари нормаларидан ташкил топган ҳуқуқий мажмуа эканлигини аниқлаш учун ушбу соҳа нормалари воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятларига эътибор бериш лозим. Шундай ҳуқуқ соҳалари борки, уларнинг аксарият кўпчилиги қонунчилик соҳасида ҳам, ўқув жараёнида ҳам, фан соҳасида ҳам алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида тан олинган (масалан конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи ва бошқалар), шу билан бирга баъзи ҳуқуқ соҳалари борки, улар мустақил тармоқ сифатида тан олинмасда, лекин улар бўйича фаннинг алоҳида соҳаси сифатида илмий тадқиқот ишлари олиб борилади, ўқув юртларида алоҳида фан сифатида дарсликлар яратилади ва машғулотлар олиб борилади. Булар қаторига хўжалик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, банк ҳуқуқи ва бошқаларни киритиш мумкин. Халқаро хусусий ҳуқуқ ҳам маълум даражада шулар қаторига киради, лекин у ўзининг нормалари воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусияти ва доираси билан улардан фарқ қилади. Унинг нормалари воситасида фақат битта давлат ичидаги ва ушбу давлатнинг миллий қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатлар эмас, балки унинг доирасидан четга чиқадиган, яъни турли давлатлар ўртасидаги, шунинг билан бирга давлат миллий қонун - қоидаларига бевосита тааллуқли бўлган ва уларда назарда тутилган муносабатлар тартибга солинади. Демак, бунда алоҳида ва махсус тартибга солинадиган ташқи ёки халқаро муносабатлар ҳақида гап боради. Бирон-бир мамлакат фуқаросининг ҳуқуқий

мақомининг бошқа мамлакатда белгиланиши ёки унинг асарининг ушбу мамлакатда чоп этилиши, турли транспортда (ҳаво, темир йўл, автомобил) юк ва йўловчиларни чет элга ташилиши, чет эл фирмаси билан биргаликда корхоналар ташкил этилиши, муайян давлат фуқаросининг бошқа давлат фуқароси билан никоҳдан ўтиши ва бошқа шахсий, мулкӣ масалалар ва ушбу масалалар юзасидан содир бўлган низоларни ҳал қилиш ва бошқа турли муаммоларни тартибга солиш муайян давлатнинг ички миллий қонунлари билан эмас, балки халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари ёрдамида амалга оширилади.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларга эътибор берган ҳолда тегишли ҳулосага келадиган бўлсак, халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқ соҳаси билан узвий боғлиқ эканлиги инкор қилинмайди, шунинг билан бирга уни халқаро ҳуқуқнинг фақат бир қисми деб ҳам бўлмайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ давлатнинг ички турли ҳуқуқ соҳалари (фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва ҳ.к.) нормаларидан, шунингдек коллизия, яъни турли давлатлар нормаларининг тўқнашишидан ташкил топган алоҳида ҳуқуқ соҳасидан иборат. Унинг табиати ва предмети ифодаловчи жиддий ва фундаментал муаммолар устида изланишлар, муҳофазалар, тортишувлар узлуксиз давом этмоқда. Ушбу масала бўйича ҳурматли талабалар ўз фикрларини билдиришларини мамнуният билан қабул қиламиз.

Халқаро хусусий ҳуқуқ фанини ўрганишда маълум даражада қийинчиликлар мавжуд. Чунки ушбу фан бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий-услубий адабиётлар етарли эмас. Ушбу фанни ўрганишда умумий ҳуқуқ назарияси фани, масалан, ҳуқуқнинг замон ва макон бўйича, қонун ҳужжатларининг маълум ҳудуд доирасида қўлланиши ҳақидаги тушунчалар билан халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ва албатта, фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик процесси фанларида мужассамланган қоида ҳамда тушунчаларга дуч келамиз.

Шунинг учун халқаро хусусий ҳуқуқ фанини ўзлаштиришда талабаларга енгиллик туғдириш мақсадида юқорида зикр этилган ҳуқуқ соҳалари олдин ўтилади.

2-§. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети

Умумий қоидага биноан ҳар қандай алоҳида ҳуқуқ соҳасининг предмети, ушбу соҳанинг мазмунини ташкил қилувчи ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари ва ушбу тартибга солишнинг методи, яъни усули билан ифодаланadi. Ушбу умумий қоидадан халқаро хусусий ҳуқуқнинг пред-

метини аниқлашда ҳам фойдаланиш лозим. Ушбу ҳуқуқ нормалари билан ташқи савдо, ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж, пудрат, хизмат кўрсатиш (ҳаво, денгиз, темир йўлларида юк ва йўловчилар ташиш), молиявий, кредит, ҳисоб-китоб, комиссия, суғурта, тижорат ва бошқа турли тадбиркорлик фаолиятлари бўйича Ўзбекистон ва чет давлатларнинг фирмалари, компаниялари, бирлашмалари ўртасида вужудга келадиган муносабатлар тартибга солинади. Бундай муносабатлар қаторига фан ва техника, интеллектуал мулк объектлари, ижодий фаолият натижалари ва бошқа маданий қимматликлар (масалан, санъат ва маданият соҳасидаги асарлар, кашфиётлар, кинофильмлар, архитектура лойиҳалари ва ҳ.к) дан фойдаланиш бўйича ўрнатилган турли хил алоқалар ҳам киради. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасига, шунингдек Ўзбекистон ва чет эл фуқароларининг никоҳдан ўтиши, васийлик ва ҳомийлик, фарзандликка олиш, ворислик ва бошқа шахсий, мулкый муносабатларга асосланган алоқалар ҳам киради.

Юқорида келтирилган муносабатлар ўз хусусиятлари, яъни ушбу муносабатларнинг ҳақ эвазига амалга оширилиши, тарафларининг шахсий манфаатларини қондиришга қаратилган бўлиши, тарафларининг тенг ҳуқуқлиги жиҳатдан фуқаролик ҳуқуқи нормалари воситасида тартибга солинадиган муносабатларга ўхшашлиги бор, лекин улар вужудга келиши асослари, уларда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва амалда қўлланиши доираси билан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қилади ва шунинг учун ҳам ФКнинг 1158-моддасига мувофиқ “Чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар” деб аталади. Бунга сабаб, ушбу муносабатларда, масалан, товарларни экспорт ва импорт қилиш бўйича, турли лицензия битимлари ва нашриёт шартномаси, чет эл фуқароси билан никоҳдан ўтиш ёки уни бекор қилиш ва ушбу никоҳдан бўлган болалар учун нафақа ундириш, чет элда жойлашган фирманинг мол-мулки ҳисобидан зарарни ундириш ёки уни национализация қилиш, чет элда яшаётган шахснинг вафотидан кейин мерос очилиши каби муносабатларда турли давлатларнинг фуқаролари ва ташкилотлари иштирок этади. Ушбу муносабатларда чет эл элементининг мавжудлиги, яъни уларда турли давлат фуқароларининг, ташкилотларининг иштирок этиши уларни одатда фуқаролик ёки оила ҳуқуқи нормалари билан битта давлат ичида тартибга солинадиган муносабатлар доирасидан четга чиқариб юборади ва натижада халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қўллашга олиб келади.

Юридик адабиётларда халқаро хусусий ҳуқуқ предметининг табиати икки: алоҳида ҳуқуқ соҳаси, ҳуқуқ нормалари мажмуаси каби кўринишларда ифодаланади.

Биринчи кўринишда қараганда халқаро хусусий ҳуқуқ, биринчидан халқаро оммавий ҳуқуқдан, иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқидан фарқланади, бунда у мазмуни ва табиати жиҳатидан ҳуқуқ соҳаси сифатида тан олинади (Л.А.Лунц, Г.К. Матвеев, И.С. Перетерский). Иккинчи кўринишда ҳуқуқшуносликнинг бир соҳаси, яъни турли ҳуқуқ соҳаси нормаларидан ташкил топган мажмуа, илмий тадқиқот соҳаси, юридик олий ўқув юртларида ўрганиладиган ўқув дарслиги сифатида тан олинади (В.П. Звекон). Чет эл мамлакатларида халқаро хусусий ҳуқуқ предметининг табиатини таърифлашда турли фикр билдирилади.

Баъзи мамлакатларда халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасининг таркибий қисми фақат коллизия (тўқнашувчи) нормалардан ташкил топиши мумкинлиги, бошқа чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатини, халқаро фуқаролик процессини тартибга солувчи нормалар (масалан, чет эл элементлари билан мураккаблашган муносабатлар бўйича низоларнинг қайси судга тааллуқлилиги, чет эл фуқароларининг процессуал ҳуқуқ ва бурчлари, чет эл суд ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги нормалар) халқаро хусусий ҳуқуқ эмас, бошқа ҳуқуқ соҳалари (давлатнинг ички ҳуқуқ соҳалари)га тааллуқли эканлиги ҳақида фикр юритилади. Ушбу мамлакатларда, масалан Германия, Франция, Венгрия, Болгарияда халқаро хусусий ҳуқуқ одатда халқаро коллизия ҳуқуқ деб юритилади.

Ҳуқуқ фани соҳаси сифатида халқаро хусусий ҳуқуқ коллизия ва моддий ҳуқуқни қўллашнинг умумий қоидалари билан бир қаторда халқаро фуқаролик процессига оид масалаларни ҳам ўрганади. Чет эл элементи билан мураккаблашган халқаро мулкӣ муносабатлар содир бўлганда фақат қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ эмас, балки ушбу ҳуқуқни белгиловчи ваколатли орган, шунингдек муайян ишни (низони) кўришнинг процессуал шакли ва тартиби ҳақида муаммолар вужудга келади.

Чет эл элементларига ва халқаро аҳамиятга эга бўлган, шунингдек низоли ишни кўришга қаратилган процессуал ҳуқуқнинг нормалари халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг таркибий қисмини ташкил этади, дейиш мумкин. Шундай экан чет эл фуқаролари ва фуқароларни бўлмаган шахсларнинг, чет эл ташкилотларининг, чет эл давлатининг, халқаро ташкилотларининг, ажнабий давлат, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг ва улар мансабдор шахсларининг фуқаролик ишларини олиб бориш соҳасида юзага келадиган процессуал тартиб ва қоидалар ҳақидаги масалалар, фуқаролик ишларининг халқаро судловга тегишли бўлиши масалалари, чет эл адлия муассасаларининг мурожаатлари, суд топшириқларини бажариш масалалари, фуқаролик ишлари бўйича чет эл судларининг қарорларини тан олиш

ва уларни ижро этиш ва бошқа масалалар халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасига тааллуқлидир. Халқаро тижорат арбитраж масалалари ҳам ушбу соҳага алоқадордир.

Юқорида келтирилган масалалар процессуал ҳуқуқ нормаларига тегишли бўлишидан қатъи назар, улар пировард натижада, халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади, шунинг учун улар халқаро хусусий ҳуқуқ фани томонидан ўрганилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг бир қисми, вужудга келиши, тан олиниши ва қўлланишига хос хусусиятлари халқаро аҳамиятга эга, чунки улар халқаро шартномалар тузиш, конвенциялар, декларациялар қабул қилиш йўли билан ташкил топади. Иккинчи қисми давлатнинг ички қонунлари (масалан, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекс, Ер кодекси, Ҳаво кодекси ва бошқалар)га асосан ташкил топади. Ушбу нормалар пировард натижада халқаро муносабатларнинг қандай вазиятда бўлиши, давлатнинг халқаро сиёсий, халқаро иқтисодий ҳолати, турли соҳалар бўйича халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши даражаси билан белгиланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг ҳар бир мамлакатда ташкил топишида бундай нормаларнинг халқаро миқёсда ташкил топиши каби кенг доирадаги турли муҳим ички ва ташқи манфаатлар ҳисобга олинади. Лекин бунда жамиятнинг моддий ҳаёт шароитини ҳисобга олиш ва уни халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларида акс эттириш ички давлат ҳуқуқ нормаларига нисбатан анча мураккаб тус олади. Чунки ички давлат ҳуқуқ нормаларида ушбу давлатнинг муайян ижтимоий шароити, сиёсий ва иқтисодий манфаатлари ўз аксини топади. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларида эса халқаро муносабатларга оид тан олинган удум ва одат, ўрнатилган қоидалар, унинг позицияси, чет эллик фуқаролар ва юридик шахсларнинг халқаро ҳуқуқий мақоми, яъни турли давлатлар ва уларга мансуб шахсларнинг хусусий манфаатлари ўз аксини топади.

Демак, халқаро хусусий ҳуқуқ алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида ҳуқуқ тизимида ўзига яраша жой эгаллайди. Унинг мазмуни давлатнинг ички ҳуқуқий нормалари ва коллизия (тўқнашувчи) нормалар билан тартибга солинадиган нормалардан ташкил топади. Унинг предмети ушбу нормалар билан тартибга солинадиган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эллик юридик шахслар иштирокидаги (давлатлар ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши мумкин) чет эл элементи билан мураккаблашган мулкӣ, шахсий, номулкий, оилавий, меҳнат муносабатларидан ва процессуал ҳаракатлардан иборат.

Халқаро хусусий ҳуқуқ фанининг предмети, шунингдек унинг номи ҳам бошқа ҳуқуқ фани соҳаларига қараганда кўпчилик учун таниш эмас, алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида унчалик тан олинмаган. Бунга сабаб, халқаро хусусий ҳуқуқ фан сифатида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шакллана бошлади ва бошқа ҳуқуқ фанлари билан таққослаганда энг ёш ҳуқуқ фани деб ҳисобласа бўлади. Сўнги йилларда халқаро хусусий ҳуқуққа бўлган эътибор анча кучайди. Бунга асосий сабаб сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг дунё миқёсида кенг кўламда ривож топиши ва Ўзбекистоннинг ушбу жараёнда фаол қатнашишдан иборат.

3-§. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг тузилиши (таркибий қисмлари)

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаси муайян ҳуқуқ нормалари таркибидан ташкил топган бўлиб, бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқ қилади. Агар бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари билан ички давлат аҳамиятига эга муносабатлар тартибга солинса, **халқаро хусусий ҳуқуқ эса алоҳида соҳа сифатида ва аҳамияти жиҳатдан бирон бир давлат ҳудуди доираси билан чекланмайди, бинобарин у турли давлатлар фуқаролари, ташкилотлари, давлатлар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар йиғиндиси ёки мажмуасидан ташкил топади.**

Ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган қоидалар, улар воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятларига қараб **халқаро хусусий ҳуқуқ фани умумий ва махсус қисмларга бўлинади.** Шу билан халқаро хусусий ҳуқуқ ўзининг таркибий тузилиши жиҳатидан фуқаролик ҳуқуқи каби пандект хусусиятига эга. Чет эл элементи билан мураккаблашган оилавий ва меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган нормалар халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига нисбатан қуйи тизимни, яъни халқаро шароитда вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларга нисбатан қўшимча бўлган нормалардан ташкил топади. Халқаро хусусий ҳуқуқ таркиб топган шундай нормалар ҳам борки, улар юқори даражада тизимга солингани билан алоҳида ажралиб туради. Улар жумласига, масалан, ҳаво ва денгиз йўлларида юк ташиш ва савдо юрғатиш, халқаро меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган нормалар кириши мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқ фанининг умумий қисми чет эл ҳуқуқи нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш, хусусий ҳуқуқ тушунчаларига суд ёки бошқа давлат органлари томонидан ҳуқуқий баҳо бериш, чет эл ҳуқуқи

нормалари мазмунини аниқлаш, учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш, ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллаш, хусусий ҳуқуқ нормаларининг турлари, халқаро шартномалар, коллизия (тўқнашувчи) нормалар тушунчаси, коллизия нормаларни изоҳлаш ва тадбиқ қилиш, ҳуқуқни қўллашда ўзаролик муносабати ва реторсиялар қўлланиши ҳақидаги умумий қоидалардан ташкил топади.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг махсус қисми таркиби жиҳатдан ички давлат фуқаролик ҳуқуқи фанининг бўлимлари таркибий қисмига даярлик мос келади. Мазкур қисмининг мазмуни шахслар, шахсий номлуқ ҳуқуқлар, интеллектуал мулк, битимлар, вакиллик, даъво муддати, ашёвий ҳуқуқлар, шартнома мажбуриятлари, шартномадан ташқари мажбуриятлар, ворислик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ институтларидан ташкил топади. **Ушбу институтларда мужассам топган нормалар воситасида қуйидаги масалалар тартибга солинади:**

а) халқаро фуқаролик муносабатларда қатнашувчи чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахсларининг ҳуқуқ лаёқатини белгилаш;

б) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатларини чет эл мамлакатларида ҳимоя қилиш;

в) халқаро хусусий ҳуқуқ муносабатлари иштирокчиси сифатида давлатнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш;

г) давлат, халқаро ташкилот, улар вакиллари ва мансабдор шахсларнинг чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши;

д) муаллифлик ҳуқуқини халқаро муносабатларда муҳофаза қилиш асослари, унинг тушунчаси ва институтлари, Ўзбекистон Республикаси муаллифларининг ҳуқуқларини чет эл мамлакатларда муҳофаза қилиш;

е) интеллектуал мулк объектларининг халқаро муомалада бўлишининг ўзига хос хусусиятлари ва тартиби, интеллектуал мулк бўйича халқаро конвенциялар, битимлар. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг субъектлари ва уларнинг ҳуқуқлари;

ж) ашёвий ҳуқуқларнинг, жумладан инвестицияга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиш асослари ва уларни амалга ошириш тартиби;

з) ташқи иқтисодий битимлар, уларнинг тушунчаси, шакли, уларга тадбиқ қилинадиган ҳуқуқ;

и) юklar ва йўловчиларни турли транспорт воситасида халқаро ташиш қоидалари;

к) халқаро ҳисоб-китоблар ва кредитлар бўйича ўзаро муносабатлар;

л) шартнома ва шартномадан ташқари мажбуриятлар;

м) оила муносабатлари: никоҳдан ўтиш, никоҳни бекор қилиш тартиби, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик;

н) меҳнат муносабатлари соҳасида коллизия масалалар;

- о) низоларнинг суд, арбитраж тартибида ҳал қилиниши;
- п) халқаро хусусий муносабатларда нотариал ҳаракатларнинг турлари, аҳамияти ва тартиби ва шу каби халқаро аҳамиятга эга бўлган масалалар.

Юқоридида келтирилган асосий қисмлар, институтлар ва масалалар билан бир қаторда халқаро хусусий ҳуқуқ фанига тааллуқли бўлган унинг яна қатор қуйидаги тармоқлари мавжуд:

а) чет эллик ишчилар ва мутахассисларнинг ҳуқуқ лаёқатини тартибга солиш тўғрисидаги халқаро меҳнат ҳуқуқи;

б) Ўзбекистон ва чет эллик фирмаларнинг ташқи иқтисодий ва бошқа тижорат билан боғлиқ алоқаларини тартибга солишга қаратилган халқаро молия ва кредит ҳисоб-китоб ҳуқуқи;

в) чет эл фуқароларини ҳаво ва темир йўллари орқали, шунингдек автомобиль транспорти, дарё, денгиз кемаларида ташиш тартиби ва қоидалари ҳақидаги ҳуқуқ ва ҳ.к.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ушбу тармоқлари аҳамияти ва вазифаси жиҳатдан халқаро оммавий ҳуқуқнинг баъзи махсус тармоқлари билан ўхшаш томонлари бор. Бунга мисол учун чегара ва нейтрал сув ҳавзаларидан фойдаланиш тартиби ва халқаро муносабатларнинг бошқа масалаларини тартибга солиш бўйича махсус қоидалардан иборат бўлган халқаро денгиз ҳуқуқини келтириш мумкин. Халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро оммавий ҳуқуқлар атамаларининг ўхшашлиги уларни бир-бири билан аралаштириб юбориш учун асос бўлмайди. Чунки улардан бири турли давлатларнинг фуқаролари, фирмалари, компаниялари ўртасидаги, иккинчиси — давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Бу ерда “халқаро” деган сўз икки хил маънода, яъни хусусий ҳуқуқ талқинида ёки оммавий ҳуқуқ талқинида қабул қилиниши керак.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасининг тузилиши (таркибий қисми) ҳақида гап юритар эканмиз, унинг предмети ҳақида берилган фикрга, қисман бўлсада, қайтишга ва якуний хулоса чиқаришга тўғри келади. Маълумки ҳар қандай ҳуқуқ соҳасининг таркиби пировард натижада унинг предмети билан ифодаланади. Халқаро хусусий ҳуқуқ ўзининг табиати жиҳатдан, биринчидан, ички давлат фуқаролик ҳуқуқи соҳасига ўхшаш бўлса (иккала соҳа нормалари ҳам мулкий ва мулк билан боғлиқ шахсий муносабатларни тартибга солишга қаратилган); иккинчидан, ушбу фуқаролик -ҳуқуқий муносабатлар маълум даражада чет эл элементлари билан мураккаблашган, ички фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан фарқ қиладиган, ўзига хоё алоҳида хусусиятларга эга бўлган соҳадан иборат.

Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб, халқаро хусусий ҳуқуқ алоҳида ҳуқуқ соҳаси бўлиши билан бирга, фуқаролик ҳуқуқи билан халқаро

ҳуқуқ соҳалари ўртасида уларни бир-бири билан боғлаб турувчи вазифасини бажарувчи соҳа десак ҳам муболаға бўлмайди. У фуқаролик ҳуқуқи билан унинг томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ, халқаро ҳуқуқ билан чет эл белгилари, яъни элементлари билан боғлиқ бўлган, ташқи кўринишдан эса халқаро алоқаларга ўхшаш бўлган, лекин субъекти ва мазмуни жиҳатдан улардан фарқ қиладиган ҳуқуқ соҳасидан иборатдир.

Фуқаролик ҳуқуқи соҳаси ва халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаси табиати жиҳатдан бир-бирига ўхшаш муносабатлар асосида ташкил топган бўлиб, халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши натижасида уларда мазмунан ўзгариш юз берди, халқаро хусусий ҳуқуқ нисбий мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида намоён бўла бошлади. Лекин аслида ушбу ҳуқуқ соҳаларининг нормалари чет эл элементлари билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солишда биргаликда ҳаракат қилади. Халқаро хусусий ҳуқуқдаги коллизия (тўқнашувчи) нормалар фуқаролик ҳуқуқидаги (оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик процессуал ҳуқуқи) моддий нормаларига ҳавола қилади, муносабатларнинг турлари ва шаклларига қараб уларнинг қайси бирини қандай шароитда қўллаш кераклигини кўрсатиб туради ва бунинг натижасида улар иштирокида маълум даражада умумий (биргаликда) қоида ташкил топади, муайян шароитда вужудга келган айнан муносабатга нисбатан қўлланади. Бундай алоқанинг хусусияти ҳақида Л.А. Луиц шундай дейди: моддий-ҳуқуқий нормага ҳавола қилувчи (яъни қайси норманинг қўлланишини кўрсатувчи) коллизия норма ушбу моддий-ҳуқуқий норма билан биргаликда фуқаролик муомалада қатнашувчилар учун тартибга солувчи меъёрни вужудга келтириши фан томонидан доимо ҳимоя қилиниб келинган¹. Ушбу фикрга А.Б. Левитин қўшилмайди. Унинг фикрича коллизия нормалар чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солмайди, уларнинг вазифаси асосан қўлланиши зарур бўлган бирон бир давлатнинг ички моддий ҳуқуқи нормасини кўрсатишдан, яъни унга ҳавола қилишдан иборат. Коллизия норма воситасида вужудга келган муносабатларни келажақда тартибга солиниши маълум ҳуқуқий соҳанинг моддий-ҳуқуқий нормаси воситасида амалга оширилади.²

Бизнинг фикримизча, фуқаролик-ҳуқуқий ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини бир-биридан ажратиб, ёки уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди, фуқаролик-ҳуқуқ нормаларисиз халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг иложи бўлмаганидек, кол-

¹ Луиц Л.А. Международное частное право. М. 1970, 153-бет.

² Левитин А.Б. К вопросу о предмете международного частного права. "Правоведение", 1950. № 3, 96-бет.

лизион, яъни халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларисиз моддий ҳуқуқ нормаларини халқаро мулкӣ, мулк билан боғлиқ шахсий, оилавий, меҳнат муносабатлари ва процессуал ҳаракатларга нисбатан қўллаб бўлмайди, улар биргаликда вазифани бажаришга қаратилади. Демак халқаро хусусий ҳуқуқнинг тузилиши унинг нормалари воситасида тартибга солинадиган муносабатларни табиати жиҳатдан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига ўхшаш бўлган, муайян институтлардан, фойдаланиш мақсади, вазифаси ва қўлланиш доираси бўйича турли ҳуқуқ нормаларининг ягона мажмуаси сифатида ташкил топган алоҳида ҳуқуқ соҳасидан иборат. Тартибга солинадиган муносабатлар характери, уларнинг моҳияти, мазмуни, уларда қатнашувчи субъектлар ва улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра халқаро хусусий ҳуқуқ соҳа сифатида умум ҳуқуқий тизимда алоҳида ўрин эгаллайди.

I БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халқаро хусусий ҳуқуқ тушунчаси ва унинг аҳамияти ҳақида нима дейиш мумкин?
2. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро оммавий ҳуқуқдан фарқи ва ўзаро боғлиқлиги нимадан иборат?
3. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети қандай муносабатлардан ташкил топади?
4. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари воситасида тартибга солинадиган муносабатларда чет эл элементлари билан мураккаблашган муносабатлар қандай даражада ўз аксини топади?
5. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида коллизион нормаларни қўллаш учун қандай асослар мавжуд?
6. Коллизион усулида тартибга солиш қандай жиҳатлари билан моддий - ҳуқуқий тартибдан фарқ қилади ва улар ўртасида умумийлик мавжудми?
7. Нима сабабдан халқаро процессуал ҳуқуқ масалалари халқаро хусусий ҳуқуқ фани томонидан ўрганилади?
8. Халқаро хусусий ҳуқуқ фанининг тузилиши қандай кўринишлари билан фуқаролик -ҳуқуқий ва бошқа ички давлат ҳуқуқ соҳаларининг тузилишидан фарқ қилади?

Тавсия этилган адабиётлар

Ануфриева Л.П. Международное частное право. В 3-томах. Т.1 Общая часть: Учебник, М.: БЕК, 2000.

Богуславский М.М. Международное частное право. Учебник, 3-е изд., М.: Юрист, 1998.

Богуславский М.М. Международное частное право. Практикум. М.: Юрист, 1999.

Звеков В.П. Международное частное право. Курс лекции. М.: Издательская группа "Норма - ИНФРА", 1999.

Луиц Л.А. Курс Международного частного права. В 3-х томах, Т. 1 Общая часть. М.: 1973.

Международное частное право (Под редакцией *Г.К. Дмитриевой*. М.: Юрист), 1993.

Международное частное право (Под редакцией *Г.К. Матвеева*. Киев), 1985.

Международное частное право (Под редакцией *Н.И. Марышевой*. М.: "Инфра-М"), 2000.

Перетерский И.С., Крылов С.Б. Международное частное право. М.: Гос.юр.-издат, 1959.

Скаридов А.С. Международное частное право. Учебное пособие, СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 1998.

II БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ

1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларининг умумий тавсифи

Давлат ҳокимият органларининг иродаси ўз ифодасини топган ҳуқуқий нормаларнинг шакллариغا, назарий жиҳатдан, ҳуқуқ манбаи дейилади. Амалда бундай шакллар қонун, фармон, қарор, низом ва бошқа турлардаги қонун ҳужжатларидан иборат.

Ҳуқуқнинг мазмуни муайян ҳуқуқ нормаларидан ташкил топади, унинг ташқи кўриниши эса тегишли шакллардан иборат. Ушбу шакллар манба сифатида у ёки бу ҳуқуқ соҳасининг таркибини, тузилишини белгилайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ тузилиши жиҳатдан унинг таркибини белгиловчи манбалар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, халқаро шартномалар, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси тан олган халқаро одатлар, удумлар ва бошқа ҳужжатлар халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбалари ҳисобланади.

Демак халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари икки тарафлама, давлатнинг ички ва ташқи миқёслари бўйича аҳамиятга эга. Бундай бўлиш ушбу манбалар воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятлари билан ифодаланади, масалан, халқаро миқёсда вужудга келадиган мулкӣ, оилавий, меҳнат муносабатларини тартибга солишга нисбатан ички давлат қонунлари (Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси) ва чет эл давлат қонунлари (халқаро шартномалар, конвенциялар ва ҳ.к.) тадбиқ қилинади. Ички ва ташқи давлат қонунларининг тадбиқ қилиниши албатта коллизия нормалар иштирокида, яъни уларни қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида баъзи давлатларда бўлганидек суд прецеденти (тажрибаси) ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинмайди, яъни суд қарорлари масалани кўришда ҳуқуқ манбаи бўла олмайди. Лекин шу билан бирга жамиятни бошқаришда демократик шаклларнинг кенг кўламда тараққий этиши жараёнида қонунчиликни ривожлантириш соҳасида суд тажрибасига бўлган эътибор маълум даражада ошиб бормоқда.

Республика Олий Суди қарорларини ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинishi ёки олинмаслиги ҳақида турли фикрлар мавжуд. Шўролар ҳокимияти даврида суд практикаси масалалари бўйича Олий Суд Пле-

нуми қуйи суд поғоналарига раҳбарий тушунтиришлар (руководящее разъяснение) бериш ваколатига эга эди. Бундай раҳбарий тушунтириш мажбурий ҳисобланарди, судьялар қарорни нафақат қонун (кодекс)нинг тегишли моддалари, шунингдек бевосита раҳбарий тушунтиришларга асосан қабул қилардилар. Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда Олий суд Пленуми қарорларининг ҳуқуқий мақоми ҳақида қатъий бир фикрга келишилмаган эди. Кўпгина ҳолларда бундай қарорлар ҳуқуқ манбаи сифатида баҳоланарди. 1985 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳуқуқий ислоҳатларнинг амалга оширилиши туфайли Олий Суд Пленумининг ваколатларига ўзгартишлар киритилди, энди у суд практикаси масалалари бўйича раҳбарий тушунтириш эмас, фақат тушунтиришлар бериш ҳуқуқи билан чекланди. Бундай тушунтириш мажбурий эмас, унда суд практикасида қонунни тўғри қўллаш ҳақида гап юритилади. Кўп суд бўғиилари қарор ва ҳукмларни асосий манба - қонунга (кодексга) асосан қабул қилади, шунинг билан бирга муайян ишга нисбатан қонуннинг тегишли моддасини қўллашда Олий Суд Пленуми томонидан берилган тушунтиришга амал қилади. Демак Олий Суд Пленуми қарорлари ҳуқуқ манбаи бўлиб ҳисобланмайди. Шундай бўлсада адабиётларда ҳуқуқий нормани қўллаш бўйича Олий Суд томонидан берилган тушунтиришни манба сифатида тан олиниши зарурлиги ҳақида баҳслар йўқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 110-моддасининг 2-қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди “томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий”. Бу ерда Олий суд қарорлари ва ҳужжатларининг бажарилиши учун қатъий талаб қўйилиши ҳақида қоида назарда тутилмоқда. Суд тажрибаси масалалари бўйича Олий Суд Пленуми томонидан ҳуқуқий нормаларни қўллаш ҳақида тушунтиришлар бериш ваколати Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган.

Халқаро хусусий ҳуқуқ коллизия ҳуқуқ бўлишидан қатъи назар, ўзининг ички манбалари сифатида чет эл ҳуқуқи эмас, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий нормаларидан ташкил топади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси халқаро хусусий ҳуқуқи бошқа ички давлат ҳуқуқ соҳалари каби миллий, яъни Ўзбекистон давлатининг ҳуқуқи ҳисобланади. Коллизия нормага амал қилган ҳолда Ўзбекистон суди чет эл ҳуқуқини қўллаши мумкин, лекин бундай қўллаш Ўзбекистоннинг ички давлат ҳуқуқига асосан амалга оширилади.

Мавжуд чет эл элементи билан мураккаблашган муносабат моҳияти жиҳатдан коллизия нормага амал қилинган ҳолда фақат ички давлат ҳуқуқи эмас, балки чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллашни талаб қилади. Ўзбекистон суди томонидан чет эл ҳуқуқининг қўлла-

ниши муайян англашилмовчиликка сабаб бўлиши ҳам мумкин. Масалан, суд қарорни Ўзбекистон давлати номидан қабул қилар экан, шунинг билан у давлат, яъни халқ иродасини бажаради, чет эл ҳуқуқини қўллашда у кимнинг иродасини бажаради, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавоб шундан иборат: биринчидан, суд чет эл ҳуқуқи нормасини Ўзбекистон ички давлат қонунига асосан қўллайди, иккинчидан, қарорни Ўзбекистон давлати номидан қабул қилади ва шу йўл билан ўзга давлатни эмас, Ўзбекистон давлати иродасини бажаради. Масалан, Англия фуқароси (ёки Англияда яшаган Ўзбекистон фуқароси) уйда ёзилган васиятнома (домашнее завещание) қолдиради. Васиятно-манинг шаклини танлашда Англия қонунига амал қилади. Ушбу қонун бўйича, агар бундай васиятнома уни қолдирувчининг ўз қўли билан ёзилган бўлса ва икки гувоҳ томонидан тасдиқланган бўлса, бундай васиятнома ҳақиқий деб ҳисобланади. Ўзбекистон қонунидан фарқли ўлароқ бунда у нотариал тартибда ва бошқа шахслар томонидан тасдиқланиши шарт эмас. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1124 - моддасига мувофиқ васиятномалар ёзма шаклда тузилиб, нотариал тасдиқланиши ёки 1126-моддада назарда тутилган шахслар томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Васият бўйича очилган мерос мулки Англияда жойлашган бўлган-лиги туфайли суд васиятноманинг шаклини танлашда Англия ҳуқуқи нормасини қўллайди. Чунки суд бундай ҳолатда коллизия нормага амал қилади. Демак пировард натижада Ўзбекистон суди чет эл ҳуқуқи эмас, Ўзбекистон ҳуқуқига итоат этади ва унинг номидан қарор қабул қилади. Л.А. Лунц шунга ўхшаш масалаларни таҳлил қилар экан, шундай деб таъкидлаб ўтади: ҳар бир давлатнинг халқаро хусусий ҳуқуқи мавжуд - совет халқаро хусусий ҳуқуқи, Франциянинг халқаро хусусий ҳуқуқи, Англиянинг халқаро хусусий ҳуқуқи ва ҳ.к.¹. Бошқача фикр ҳам бор. Г.К. Тункиннинг таъкидлашича, халқаро хусусий ҳуқуқ — бу турли давлатлар миллий ҳуқуқ таркибига тааллуқли нормалар қисмларидан ташкил топган ҳуқуқ нормалари мажмуасидир.² Бизнинг фикримизча, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ички манбалари бўлиб “турли давлатларнинг” нормалари эмас, балки муайян давлатнинг ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Лекин ҳар томонлама мукамал таркиб топган халқаро хусусий ҳуқуқ амалда йўқ. Шундай экан турли давлатлар ўртасидаги алоқани, ҳамкорликни ва ўзаро муносабатларни боғлаб турувчи ва норма сифатида тан олинган умумий тамойиллар, ғоялар мужассам топган ҳуқуқ соҳаси ҳақида гап юрғазиш мумкин.

¹ Лунц Л.А. Международное частное право. Общая часть. М.: 1973, 45-бет.

² Международное частное право. Учебник для вузов. М. 1982, 11-бет.

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларига, яъни унинг ички (миллий) коллизия нормаларига бериладиган умумий тавсия юқорида берилган мулоҳазалардан иборат. Лекин ушбу ҳуқуқ соҳаси манбаи фақат юқорида кўрсатилган нормалар билан чекланмайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари шунингдек ўзида маълум даражада коллизия нормалар мужассам топган, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик, меҳнат, оила муносабатларини, процессуал ҳаракатларни тартибга солишга бағишланган халқаро шартномалар, битимлар, конвенциялар ва бошқа халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг турли бўлимларида, институтлари ёки алоҳида соҳаларида ички давлат ва шартномавий коллизия нормаларининг ҳажми бир хилда эмас. Фуқаролар иштирокида вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида (масалан, оила ва никоҳ, ашёвий - ҳуқуқий мерос ёки зарар етказилишидан келиб чиқадиган муносабатларда) кўпроқ ички коллизия нормалар қўлланилади, хўжалик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида (иқтисодий, савдо, фан-техника соҳаларида) аксинча, кўпроқ шартномавий коллизия нормалар учрайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбалари ичида бирхиллаштирилган (унифицированные) нормалар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай нормалар икки ёки ундан кўп давлатлар томонидан келишилган ва қабул қилинган моддий-ҳуқуқий ёки процессуал-ҳуқуқий характерга эга бўлган нормалардан иборат. Бирхиллаштирилган нормаларнинг табиати ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимларнинг таъкидлаб ўтишича, улар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари бўлиб ҳисобланмайди, бирхиллаштирилган нормалар бор жойда коллизия, яъни халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида соҳа сифатида мавжуд бўлиши учун асос қолмайди¹. Бошқа муаллифнинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасини ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш нуқтаи назаридан бирлаштирилган нормаларни алоҳида ҳуқуқ соҳаси эмас, балки халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган ўқув фани сифатида қабул қилиш керак.² Бизнинг фикримизча, бирхиллаштирилган нормалар ички давлат моддий ҳуқуқий нормаларидан фарқли ўлароқ, улар давлатлараро битимларнинг маҳсули ҳисобланади. Шундай экан бирхиллаштирилган нормалар ўзининг хусусияти билан миллий ҳуқуқнинг шартномавий манбаи ҳисобланади. Бирхиллаштирилган нормалар мазмуни жиҳатдан коллизия нормалардан иборат бўлиши мумкин. Бунга халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги кўпгина халқаро конвенцияларни ми-

¹ Грингольц И.А. "О задачах совершенствования правового механизма социально-экономической интеграции стран членов СЭВ". Правоведение, 1972. №1. 19- бет.

² Международное частное право. Киев. 1985 й. 26-бет.

сол келтириш мумкин. Бирхиллаштирилган нормалар давлатлар томонидан келишилган ва қабул қилинган нормалар сифатида халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасининг таркибий қисмида алоҳида ўрин эгаллайди.

2-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва халқаро хусусий ҳуқуқ

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари ичида Ўзбекистон Республикасининг Бош қонуни — Конституция муҳим ўрин эгаллайди.

Ижтимоий жамият ва давлат қурилиши асосий гоёлари ва тамойиллари ўз аксини топган конституциявий нормалар бошқа ҳуқуқ соҳалари каби халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг моҳиятини ва аҳамиятини белгилаб беради. Конституциянинг қуйидаги асосий қоидалари халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг мазмунини, аҳамиятини ифода этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди:

1. Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўз Конституциясининг 3-моддасига мувофиқ ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тuzилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини ўзи белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ушбу модда ўз моҳияти билан давлатнинг ҳақиқатда ҳам мустақиллигидан ва унинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект эканлигидан далолат беради. Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан ўрнатган муносабатлари хусусиятларига кўра оммавий ва хусусий аҳамиятга эга бўлиб, улар тегишинча халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

2. Ўзбекистон Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ мамлакатимизда “Конституция ва қонунларнинг устунлиги тан олинади”, 16-моддасининг 2-қисмига мувофиқ “Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив - ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”. Конституция ўз мақоми бўйича олий даражадаги кучга эга. Бу демак, биринчидан, у Ўзбекистоннинг барча худудларида бир текисда қўлланади, иккинчидан, Республиканинг барча қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари унга зид келиши мумкин эмас, учинчидан, барча давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар Конституция нормаларини ҳурмат қилишлари ва ўз фаолиятларини амалга оширишда ушбу нормаларга риоя қилишлари шарт.

3. Конституциянинг бошқа қонунларга нисбатан устунлигининг халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларининг турлари, шакллари ва мазмунини белгилаш билан боғлиқ масалаларга ҳам бевосита алоқаси бор. Умум тан олинган халқаро тамойиллар, халқаро ҳуқуқ, шунингдек

Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмига киради. Шундай экан халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасининг манбаини ташкил қилувчи ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Конституцияси нормаларига зид келмаслиги керак. Шунинг билан бирга Конституция асосида тузилган Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ҳам ўз таъсир кучига кўра юқори юридик мақомли ҳужжат ҳисобланади. **Агар Ўзбекистоннинг халқаро шартномасида бошқа қонун ҳужжатларига нисбатан ўзгача қоида назарда тутилган бўлса, халқаро шартнома билан белгиланган қоидага амал қилинади.** Халқаро шартномада икки ёки кўпчилик тарафларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топади. Унда назарда тутилган қоидалар ва шартлар албатта бажарилиши керак, акс ҳолда бажармаган тараф учун салбий ҳуқуқий оқибатлар вужудга келиши мумкин. Шуни ҳисобга олинган ҳолда халқаро шартномалар ички давлат ҳуқуқий ҳужжатларидан устун туриши қоидаси назарда тутилади. Масалан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (ФК) 7-моддасига мувофиқ “Агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади”. Бундай қоида мамлакатимизнинг бошқа қонунларида ҳам назарда тутилади. Масалан, Ўзбекистоннинг 1996 йил 29 августда қабул қилинган “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 1-моддасининг 3-қисмида шундай дейилади: “Башарти халқаро шартномада фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади”. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда ҳам бу ҳақдаги қоида назарда тутилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 17-моддасининг 2-қисмига мувофиқ “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”. Ушбу моддада давлат ташқи сиёсатининг асосий мазмуни халқнинг фаровон ҳаёти, манфаатини таъминлаш мақсадида унинг бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатиши учун тайёр эканлигидан далолат беради. Бундай алоқалар фақат сиёсий эмас, иқтисодий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Давлатлар ўртасида биргаликда корхоналар қуриш, инвестиция, кредит, товарлар олди-сотдиси, грант эълон қилиш асосида маълум лойиҳалар бўйича илмий-тадқиқотларни бажариш билан боғлиқ муносабатлар иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, бундай муносабатлар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

5. Конституциянинг 18-моддасига мувофиқ Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Шунинг билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистоннинг ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам давлат томонидан ҳимоя қилинади ва уларга ҳомийлик кўрсатиш кафолатланади.

Ўзбекистон фуқаролари уларга Конституциянинг 22-моддасига биноан берилган ҳуқуқ ва эркинликларга асосан чет эл мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширар эканлар, бу ҳуқуқ ва эркинликлар Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳимоя қилинади. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган барча мажбуриятлар ва уларнинг бажарилиши билан боғлиқ барча оқибатлар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

6. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари агар қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари билан тенглаштирилади ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар (Конституциянинг 23-м.).

Ўзбекистон фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари керак. Конституциявий тизим ва ахлоқ асосларини, бошқа шахсларнинг саломатлиги, давлат мудофааси ва унинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида зарурият туғилган тақдирда шахс ва фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари тегишли даражада чекланган бўлиши мумкин.

7. Ўзбекистон ҳудудида қонуний асосда яшаб турган ҳар қандай шахс, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга (Конституциянинг 28-м.).

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (Конституциянинг 44-м.).

8. Халқаро иқтисодий ва савдо муносабатларини ривожлантириш борасида Конституциянинг 53-моддасида назарда тутилган қоидалар алоҳида аҳамият касб этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва

ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Ушбу моддага биноан Ўзбекистонда хусусий ва давлат мулки асосида фуқаролар, юридик шахслар учун халқаро миқёсда тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга ошириш учун имконият яратилди. Тадбиркорлик соҳасидаги турли, яъни олди-сотди шартномаси, иншоотлар қуриш бўйича пудрат шартномаси, инвестициялар ажратиш йўли билан қўшма корхоналар таъсис этиш шартномаси, маиший ва моддий хизмат кўрсатиш шартномаси, ишлаб чиқариш ва хўжаликнинг турли соҳаларида халқаро миқёсда фуқароларни ишга жалб қилиш бўйича тузиладиган меҳнат шартномаси ва бошқа соҳаларда тузиладиган шартномалар бўйича вужудга келадиган муносабатлар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

3-§. Халқаро шартномалар

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан бўладиган муносабатларида халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбаи сифатида халқаро шартномаларнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Халқаро шартномада олдиндан ўз ифодасини топган нормалар давлатлар ўртасидаги муносабатларда ички давлат қонунларига нисбатан кўпроқ қўлланилади.

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган Қонунда¹ мужассам топган қоидалар халқаро шартномалар тўғрисидаги 1969 йилда қабул қилинган ва 1995 йил 24 февралда Ўзбекистон қўшилган Вена конвенциясига ва давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, шунингдек халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1986 йил Вена конвенциясига асосланади.

Халқаро шартнома деганда Ўзбекистон Республикасининг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишуви тушунилади. Халқаро шартномалар: шартнома, битим, конвенция, протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашуви деб номланиши ва шундай кўринишда тузилиши, шунингдек бошқача номланиши мумкин. Бундай шартномалар қоида тариқасида ёзма шаклда тузилади. Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги фаолияти халқаро шартноманинг объекти бўлиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 262-модда.

Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро шартномаларни тузиш ҳуқуқи давлатга тегишлидир. Бундай шартномалар куйидаги тартибда тузилади:

- Ўзбекистон Республикаси номидан — давлатлараро шартномалар.
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан — ҳукуматлараро шартномалар.
- Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари номидан — идоралараро шартномалар.

Мазкур шартномаларга асосан халқаро оммавий ҳуқуқ, шунингдек халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар вужудга келиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномаларнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормалари юқорида айтилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмига кирди. Лекин бундан халқаро хусусий ҳуқуқ манбаини ташкил қилувчи халқаро шартномалар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси учун мажбурий ва унинг эркидан, хоҳишидан қатъи назар ўз ҳолича мустақил равишда амалда, яъни ҳаракатда бўлади деган хулосага келиш мумкин эмас. Халқаро шартномаларни тузишда, мазмунини белгилашда ва бажаришда мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг эрки ўз ифодасини, топади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум этироф этилган тамойиллари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги Қонунга ҳамда шартноманинг ўз қоидаларига мувофиқ тузилади, бажарилади, тўхтатилади, тўхтатиб турилади ва денонсация қилинади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунини, Олий Мажлис қарорини қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорини, фармойишини чиқариш лозим бўлган ҳолларда манфаатдор вазирликлар ва идоралар Адлия Вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда шундай актни қабул қилиш тўғрисида белгиланган тартибда таклиф киритадилар.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг биринчи кунларидан эътиборин халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқий асосларини шакллантира бошлади. Бундай эътибор биринчи галда халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилди. Масалан, 1991 йил 14 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги ва 1991 йил 14 июндаги "Ўзбекистон Республикасида

чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунлари бунга яққол далилдир. Биринчи қонунда асосан ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий қоидалари ва бу фаолиятни амалга оширишнинг тартиби белгиланди. Иккинчи қонунда асосан чет эл инвестицияларини ривожлантиришни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва ташкилий масалалари белгилаб берилди. Ушбу қонунлар ва бошқа муҳим қонун ҳужжатлари Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатлар соҳасида халқаро шартномалар тузиши учун ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Украина, Франция, Грузия, Саудия Арабистони, Туркия Жумҳурияти, Россия Федерацияси, Словакия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Туркменистон, Қирғизистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Чехия Республикаси ва бошқа кўп давлатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузди. 1993 йил 22 январда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Конвенция қабул қилди. Ушбу Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил 6 майда ратификация қилди.

Халқаро шартномаларни тузишдан асосий мақсад бир давлат фуқаросининг иккинчи давлат ҳудудида мулкӣ ва шахсий ҳуқуқлари тан олиншини ва муҳофаза қилиншини таъминлашдан иборат. Шартномалар тузишда ҳар бир давлатнинг тенг ҳуқуқлиги ва мустақиллигини ҳурмат қилиш тамойилига амал қилинади. Шартномаларда адлия идоралари ўртасидаги ҳамкорлик, давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд органларининг ваколатларини ва ҳуқуқни тадбиқ қилишни белгилаш, чет эл фуқароларининг процессуал ҳуқуқларини белгилаш, ҳуқуқий ёрдам бериш ҳақидаги топшириқни бажариш, фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича қабул қилинган қарорларни тан олиш ва ижро этишни таъминлаш, ҳужжатларни қабул қилиш ва жўнатиш, жиноятчини топшириш ва жиноий ишлар бўйича керак бўлган бошқа ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби масалалар бўйича вужудга келадиган муносабатлар тартибга солинади.

Иккитомонлама халқаро шартномалар билан бир қаторда Ўзбекистон халқаро аҳамиятга эга бўлган кўптомонлама шартномалар, Конвенцияларга қўшилди ва уларни ратификация қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган қарори билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатларнинг раҳбарлари 1992 йил октябрда Бишкек шаҳрида имзолаган Депортация қилинган шахслар, кам сонли миллатлар ва халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш билан боғлиқ масалаларга доир Битим ратификация қилинди. Ушбу битим билан боғлиқ равишда шунӣ таъкидлаб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон Конституция-

сининг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда яшовчи барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Иқтисодий масалаларни ҳал қилишга бағишланган халқаро шартномалар алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон томонидан МДҲга аъзо бўлган бошқа давлатлар билан иккитомонлама ва кўптомонлама шартномалар тузилди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил 29 декабрдаги қарори билан 1993 йил 24 сентябрда Москва шаҳрида имзоланган Иқтисодий иттифоқ тузиш ҳақидаги Шартномани ратификация қилди. Олий Кенгаш ўша санадаги қарори билан 1993 йил 24 сентябрда Москва шаҳрида имзоланган Давлатлараро Евросиё кўмир ва металл бирлашмасини тузиш тўғрисида Битимни ратификация қилди. Ўзбекистон Республикаси томонидан 1994 йил 6 майда Ашҳабат шаҳрида 1993 йил 23 декабрда имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар корхоналари ва тармоқларининг ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг умумий шарт-шароитлари ва тартиби тўғрисидаги Битим ратификация қилинди. 1993 йил 24 декабрда Ашҳабат шаҳрида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудида аҳолини ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битим Ўзбекистон Республикаси томонидан 1994 йил 6 майда ратификация қилинди. 1994 йил 10 январда Тошкент шаҳрида ва 1994 йил 16 январда Бишкек шаҳрида имзоланган Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисидаги Шартнома 1994 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинди. 1994 йил 2 мартда Москва шаҳрида имзоланган Даромадлар ва мулкка иккиёқлама солиқ солмаслик тўғрисида Ўзбекистон Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасидаги Битим 1994 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан ратификация қилинди. Ушбу битим халқаро хусусий ҳуқуқ нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбалари ичида савдо шартномалари алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу шартномаларда Ўзбекистон учун бошқа давлатлар билан савдо шартномаларини тузишда фойдаланиш учун зарур бўлган умумий қоидалар назарда тутилади. Ушбу шартномалар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати белгиланади, савдо арбитражига тааллуқли масалалар бўйича қоидалар назарда тутилади.

1994 йил 15 апрелда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги томонидан Эркин савдо зоналари ташкил қилиш тўғрисида Битим ва унинг Протоколи (1994 йил 2 апрел) маъқулланди. МДҲ ташкил қилингандан

буён унинг иштирокчилари томонидан бир қанча шартномалар, битимлар тузилди, улар савдо ва иқтисодий соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш, давлат чегаралари ва денгиз иқтисодий зоналарини муҳофаза қилиш ва бошқа иқтисодий масалаларга бағишланади.

Халқаро савдо масалаларига оид алоҳида конвенциялар қаторига биринчи галда кўчар моддий ашёларнинг халқаро олди-сотдисига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1995 йилдаги Гаага Конвенцияси; Халқаро товарлар савдосида мулк ҳуқуқининг ўтишига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1958 йил Гаага Конвенцияси ва Халқаро олди-сотдига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1986 йил Гаага Конвенцияси ва бошқалар киради. Бир хил мазмундаги коллизияларга эга бўлган нормалардан ташкил топган ушбу конвенциялардан фарқли ўлароқ, 1964 йилда Гаагада товарларни халқаро олди-сотдиси тўғрисида бир хил мазмунга эга бўлган Қонун қабул қилиш ҳақида Конвенция тузилган эди. Ушбу конвенция амалда кенг қўламда қўлланилмади ва унинг ўрнига 1980 йили Венада товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Конвенцияси имзоланди. Ушбу Конвенция 1988 йил 1 январдан амалга киритилди. 1974 йилда Нью-Йоркда товарларнинг халқаро олди-сотдиси бўйича даъво муддати тўғрисида Конвенция тузилди ва унга нисбатан 1980 йилда Қўшимча протокол қабул қилинди. Ўзбекистон ушбу Конвенцияни 1996 йил 30 августда ратификация қилди. Ушбу протоколга асосан 1974 йилдаги Конвенциянинг айрим қоидалари товарларни халқаро олди-сотдиси шартномалари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси билан мувофиқлаштирилди. 1983 йилда Женевада бўлиб ўтган конференцияда товарларни халқаро олди-сотдисини бошқариш бўйича ваколатхона ташкил қилиш ҳақида Конвенция тузилди, 1988 йили эса Оттавада халқаро молиявий лизинг тўғрисида Конвенция тузилди. Ўзбекистон уни 2000 йил 26 майда ратификация қилди.

Ўзбекистон чет эл инвестицияларига доир Конвенцияларда қатнашади. Давлатлар ва чет эл шахслари ўртасидаги инвестицияларга оид низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Конвенция Вашингтонда биринчи марта 1965 йилда тузилган эди. 1992 йилда Сеулда чет эл инвестицияларининг суғуртаси бўйича халқаро агентлик ташкил қилиш тўғрисида Конвенция тузилди. Ўзбекистон иккала Конвенцияни 1994 йилда ратификация қилди. Ўзбекистон 1994 йил 17 мартда Вашингтон шаҳрида имзоланган инвестицияларга оид низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан ашёвий ҳуқуқлар ҳам ҳимоя қилинади, бу ҳақда Ўзбекистон тегишли конвенцияларни ратификация қилишда қатнашди. Масалан: 1995 йил 22 декабрда Олий

Мажлиснинг қарори билан 1970 йилда имзоланган Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб кетиш, олиб келиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгача беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги Конвенция ратификация қилинди; 1972 йилда имзоланган Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция 1995 йил 22 декабрда ратификация қилинди. Ушбу Конвенцияда назарда тутилган маданий бойликларни халқаро миқёсда ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 163-моддасининг 6-қисмида қуйидаги таҳрирда ўз аксини топди: “мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадний қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди”.

Транспорт воситалари орқали халқаро юк ва йўловчилар ташиш тўғрисида тузилган шартномалар ва қабул қилинган конвенциялар халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари сафида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳаво йўллари билан юк ташишга оид айрим қоидаларни бирхиллаштириш учун 1929 йили Варшавада имзоланган ва 1955 йил Гаагада унга киритилган аниқликлар ҳақида имзоланган Конвенцияга қўшилиш ҳақида 1995 йил 6 майда қарор қабул қилди. Темир йўл масалаларини тартибга солиш Берн халқаро конвенциялари орқали амалга оширилади. Юклар, йўловчилар ва багажларни темир йўл орқали ташишга оид Берн конвенцияларидаги қоидалар 1980 йили умумийлаштирилиб, янги таҳрирда Ягона Келишув қабул қилинди ва у 1985 йил 1 майдан амалга киритилди. Автомобил транспортида халқаро миқёсда юклар ташиш масалалари 1956 йилдаги юкларни халқаро автомобил транспортида ташиш тўғрисидаги Женева конвенцияси билан тартибга солинади. Юкларни халқаро турли транспорт воситаларида ташиш тўғрисида 1980 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияси қабул қилинди. Транспорт воситалари ёрдамида юк ва йўловчиларни ташиш турли давлатлар ҳудуди орқали амалга оширилиши мумкин. Шу масала ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон 1995 йил 22 декабрда Қитъа ичкарасидаги давлатларнинг транзит савдоси тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаи сифатида Гаага конвенцияларидан 11 туркуми оила ҳуқуқига тааллуқли. Булар жумласига: Никоҳни эътироф этиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги 1978 йил Конвенцияси; эр-хотиннинг мол-мулкига нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисида 1978 йил Конвенцияси; Никоҳ бекор қилинганлигини тан олиш ва эр - хотинни суд тартибида ажратиш тўғрисидаги 1970 йил Конвенцияси; болаларга бериладиган алимент мажбуриятлари бўйича

қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисида 1956 йил Конвенцияси; болаларга бериладиган алимент мажбуриятлари ҳақида қабул қилинган қарорларни тан олиш ва ижро этиш тўғрисида 1958 йил Конвенцияси ва шунга ўхшаш бошқа халқаро конвенциялар киради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида эълон қилинган тамойилларга мувофиқ, жамият барча аъзоларининг қадр-қимматини; тенг ва дахлсиз ҳуқуқларини эътироф этиш инсон эркинликларини таъминлашнинг асоси эканлигини эътиборга олиб, шунингдек болалар алоҳида ғамхурлик ва ҳимоя ҳуқуқига эга эканлигини тан олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Конституциясининг 64 - моддасига амал қилинган ҳолда 1992 йил 9 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди. Ушбу Конвенцияга асосан бола ҳуқуқи ва унинг манфаатлари унинг қайси давлат фуқаролигига мансуб бўлишидан ва қайси давлат ҳудудида истиқомат қилишидан қатъи назар баб-баравар ҳимоя қилинади ва тегишли кафолатлар билан таъминланади.

Ўзбекистон Оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги 1919 йили Женевада қабул қилинган ва 1952 йили қайтадан кўриб чиқилган 103-сонли Конвенцияга 1995 йил 6 майда қўшилди. Ўзбекистонда 2001 йилнинг оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши ва шу туфайли Ўзбекистон Ҳукумати томонидан тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши учун дастурлар қабул қилиниши Женева конвенциясида кўзда тутилган вазифаларнинг амалий ифодасидир. Оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ҳар томонлама мукамал ечимини топган. Кодекснинг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш” тўғрисидаги VIII бўлими халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаси учун бевосита манба деб ҳисобланиши мумкин.

Интеллектуал мулк масалаларига бағишланган халқаро шартномалар алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида интеллектуал мулк соҳасидаги бир неча халқаро жамиятларга, иттифоқларга аъзо бўлди, конвенцияларни ратификация қилди, битимларга қўшилди, шартномалар тузди. Ўзбекистон Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этувчи Конвенциянинг иштирокчиси, Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича 1883 йилдаги Париж Конвенциясининг қатнашчиси, Патент кооперацияси тўғрисидаги 1977 йилдаги Париж шартномасининг иштирокчиси, Товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги 1891 йил (1976 й.) Мадрид Келишувининг, Маҳсулот ишлаб чиқарилган жойнинг номи ҳимоя қилиш тўғрисидаги Лиссабон кенгашининг, Саноат наму-

наларини депонент қилиш бўйича Гаага келишувининг ва шунга ўхшаш қатор халқаро шартнома ва конвенцияларнинг иштирокчисидир.

1993 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Интеллектуал мулкнинг Бутунжаҳон ташкилоти (ВОИС)ни ташкил қилиш бўйича Париж конвенциясига ва Патент кооперацияси (РСТ) тўғрисидаги Декларацияга имзо чекди. 1993 йил 18 августда ВОИС Ўзбекистон Республикасининг ушбу конвенцияларга қўшилганлигини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси савдо маркаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид Келишувининг ҳам аъзоси ҳисобланади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га кирган давлатлар ҳудудида интеллектуал мулк соҳасида рўй бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон махсус битимга қўшилди ва саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги давлатлар: Россия Федерацияси (1995 й. 27 июн), Грузия (1996 й. 28 май), Қирғизистон Республикаси (1996 й. 24 декабр), Қозоғистон Республикаси (1997 й. 2 июн), Озарбайжон Республикаси (1997 й. 18 июн), шунингдек интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида, Украина (1998 й. 19 феврал) ва Туркия Республикаси (1998 й. 13 апрел) билан иккитомонлама шартномалар тузди.

ЎЗР Фуқаролик кодексига (IV бўлим 1177-модда), “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонунда (42-моддада), “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номи тўғрисида”ги Қонунда (35-модда), “Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар тўпламини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда (9-модда), “Селекция ютуқлари”тўғрисидаги Қонунда (2-модда) миллий тартиб тўғрисидаги махсус қоидалар назарда тутилади.

Халқаро шартномалар юзасидан вужудга келган низоларнинг судга тааллуқлиги, суд қарорларининг бажарилиши бўйича халқаро битимлар ва конвенциялар мавжуд. Бунга Европа иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг низоларнинг судга тааллуқлиги ва суд қарорларини ижро этиш бўйича 1968 йил ва 1979 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Брюссель Конвенциясини мисол келтириш мумкин. Европа эркин савдо ассоциациясига кирган Европа давлатлари 1980 йилда Лугано шахрида фуқаролик ва савдо масалалари бўйича ишларнинг судга тааллуқлиги ва суд қарорларини ижро этиш тўғрисида шартнома туздилар. 1954 йил 1 мартда Гаагада Фуқаролик процесси масалаларига доир Конвенция имзоланди. Ўзбекистон ушбу Конвенцияга 1995 йил 22 декабрда қўшилди. 1958 йил 10 июнда Нью-Йоркда Чет эл мамлакатлари арбитраж қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги Конвенция имзоланди. Ўзбекистон ушбу конвенцияга 1995 йил 22 декабрда қўшилди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар юзасидан вужудга келадиган баъзи масалаларни ҳал қилиш турли давлатлардаги консуллик муассасалари ваколатига тааллуқли ҳисобланади. Мустақилликка эришгач Ўзбекистон бошқа давлатлар билан бевосита алоқада бўлиш ва улар билан шартномалар тузиш, ушбу давлатларда ўзининг дипломатик ва консуллик ташкилотларини тузиш имкониятига эга бўлди. Шу ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон 1994 йил 6 майда қуйидаги Конвенцияларга қўшилди:

1. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена Конвенциясига;
2. Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенциясига.

Ҳозирги даврда халқаро хусусий ҳуқуқ қоидаларини кодификация қилишда, турли халқаро шартномаларнинг лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ташкилотларнинг ташаббус кўрсатиши тобора ошиб бормоқда. 1966 йилда халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТнинг махсус органи сифатида Комиссия (ЮНСИТРАЛ) ташкил қилинди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 17 декабрдаги қарорига мувофиқ Комиссиянинг вазифаси халқаро савдо қоидаларини бирхиллаштириш ва бир бирига мувофиқлаштиришга ёрдам беришдан иборат. Комиссиянинг вазифаси, масалан, янги халқаро конвенцияларни, халқаро савдо ҳуқуқи соҳасида намунавий ва мазмун жиҳатдан бир-бирига ўхшаш қонунларни тайёрлашга, халқаро савдо одатларини кодификация қилишга ёрдамлашишдан иборат бўлиб, бу соҳадаги ахборотлар, маълумотларни тўплаш ва уларни тарғиб қилишга қаратилган бўлиши назарда тутилади. Комиссия биринчи галда қуйидаги: товарларнинг халқаро олди-сотдиси, халқаро ҳисоб-китоблар, тижорат арбитражи каби мавзуларга эътибор берди. Тайёрланган лойиҳалар асосида қуйидаги конвенциялар қабул қилинди: Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги БМТнинг Конвенцияси; товарларнинг халқаро олди-сотдисида даъво муддатлари тўғрисидаги Конвенция; юкларни денгиз орқали ташиш бўйича БМТнинг Конвенцияси; ЮНСИТРАЛнинг Арбитраж регламенти, ЮНСИТРАЛнинг (Примирительный) Яраштириш регламенти ва бошқалар. 1985 йилда халқаро савдо арбитражи тўғрисида қонун, 1988 йилда халқаро ўтказма (переводный) ва халқаро оддий вексел тўғрисида Конвенция қабул қилинди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли конвенцияларни тайёрлашда халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича фаолият кўрсатувчи Гаага конференцияси ҳам шуғулланади. Ушбу конференциянинг биринчи сессияси таниқли Голландиялик юрист Т.М. Ассера ташаббуси билан Нидерландия ҳукумати томонидан 1893 йилда Гаагада ўтказилган эди. Унинг навбатдан ташқари ўтказилган иккинчи сессиясида халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига оид бирнеча лойиҳалар қабул қилинди. 1951 йилда Гаага конференциясининг доимий ҳуқуқий мақоми қабул қилин-

ди ва у 1955 йилдан бошлаб амалга киритилди. Конференция сессияси умумий қоидага биноан тўрт йилда бир марта ўтказиладиган бўлди. Сессияларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳукумат томонидан тузилган махсус комиссия, Конференциянинг доимий бюроси томонидан амалга оширилади. 1950 йиллардан бошлаб Конференция томонидан қабул қилинган кўзга кўринарли конвенциялар қуйидагилардан иборат: Фуқаролик процессуал масалалари бўйича 1954 йилдаги Конвенция; Фуқаролик ва савдо ишлари бўйича чет элда суд ва суддан ташқари берилган ҳужжатлар тўғрисидаги 1965 йилдаги Конвенция; Фуқаролик ва савдо ишлари бўйича чет элда исботловчи далиллар тўплаш тўғрисида 1970 йилдаги Конвенция; Адолатли суд процессида чет элда қатнашишни асослантириш тўғрисидаги 1980 йилдаги Конвенция ва бошқалар.

Америка қитъаси мамлакатлари 1975 йилдан бошлаб ҳар уч йилда халқаро хусусий ҳуқуққа бағишланган конференциялар ўтказиб туради. 1975 йилда Панамада биринчи конференцияда олтита конвенция, 1979 йилда Монтевидеода иккинчи конференцияда халқаро хусусий ҳуқуқнинг турли масалалари бўйича еттита конвенция қабул қилинди. 1984 йили Ла-Паседаги конференцияда қуйидаги тўртта конвенция қабул қилинди: халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати; вояга етмаганларни фарзандликка олиш бўйича коллизия он нормалар; чет эл суд қарорларининг юридик аҳамияти ва уларнинг қўлланиш доираси; чет элда исботловчи далиллар тўплаш тўғрисида Америка давлатлари ўртасидаги конвенцияга киритиладиган қўшимча протокол. 1989 йилда Монтевидеодаги конференцияда қуйидаги учта: шахсларни моддий таъминлаш мажбурияти тўғрисида; вояга етмаганларни бошқа мамлакатлардан қайтариб олиш тўғрисида; юкларни автотранспортда халқаро ташиш тўғрисида конвенциялар қабул қилинди.

1962 йилда Либревилда саноат мулки бўйича Африка-Малагасий бошқармаси ташкил қилиш бўйича битим имзоланди. Битимда ихтироларни, товар белгиларини ва саноат намуналарини рўйхатдан ўтказиш учун ягона нормаларни жорий қилиш назарда тутилди. Ушбу келишув қайтадан кўриб чиқилди ва унга 1977 йил қўшимчалар киритилди. Шунга ўхшаш битимлар 1978 йили бошқа Африка давлатлари ўртасида ҳам тузилди. Ҳуқуқий ёрдам ва исботловчи далиллар бўйича иккитомонлама битимлар тузиш учун Афро-Осиё ҳуқуқий маслаҳат қўмитаси битимнинг Намунавий нусхасини қабул қилди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги минтақавий аҳамиятга эга бўлган конвенциялар ичида Бустаманте кодекси алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу кодекс уни тузган таниқли Куба юристи исми билан аталади. 437 моддадан иборат бўлган ушбу кодекс халқаро хусусий ҳуқуқ масалалари бўйича ҳар томонлама мукамал ишланган халқаро

шартнома ҳисобланади. Кодекс 1928 йилда VI Панамерика конференциясида қабул қилинди, 15 та Марказий ва Жанубий Америка мамлакатлари томонидан ратификация қилинди.

4-§. Давлат ички қонун ҳужжатлари

Юқорида кўрсатилганидек, халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари халқаро битимлар, шартномалар, конвенциялар ва бошқа умум эътироф этилган ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда давлат ички қонун ҳужжатларидан ҳам ташкил топади. Буларга тавсиф беришдан олдин Ўзбекистон Республикасида хусусий ҳуқуқ қонунчилиги мавқеси билан боғлиқ қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим:

- Ўзбекистон қонунчилигида бошқа давлатларда, масалан, Австрия, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия, Швейцарияда бўлгани каби халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида қонун қабул қилинмаган. Чет эл элементлари билан мураккаблашган муносабатларни Ўз.Р. Фуқаролик кодексининг VI бўлимида мужассам топган коллизия нормалар билан тартибга солиш назарда тутилади.

- халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчиликнинг бошқа йўналишларида муайян ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд. Масалан, Ўзбекистондаги чет эл фуқароларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида, шунингдек давлат ва унинг мулкнинг иммунитетини (даҳлсизлиги) тўғрисида қонунлар қабул қилинмаган .

- меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига оид қоидалар қуйидаги ички давлат қонунларида акс эттирилган:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бош қонуни — Конституциянинг қатор қоидалари халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига тааллуқли. Масалан, умум эътироф этилган халқаро тамойиллар ва ҳуқуқ нормаларини, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини ва уларнинг устунлигини тан олиш, шунингдек уларга амал қилиш тўғрисидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган қоидалар юқорида таъкидланганидек Конституциянинг тегишли моддаларида ўз аксини топган.

2. Чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик - ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ ЎзР Фуқаролик кодекси ва бошқа ички давлат қонунлари билан белгиланади. Фуқаролик кодексида умумий ва махсус масалалар бўйича ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари жой олади.

Масалан: чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларга нисбатан қўлланидиган ҳуқуқни танлаш (1158-м); юридик тушунча-

ларга ҳуқуқий баҳо бериш (1159-м.); чет эл ҳуқуқи нормаларининг мазмунини белгилаш (1160-м); қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилиш (1161-м); қонунни четлаб ўтиш оқибатлари (1162-м); ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллаш (1163-м); ҳуқуқий тизимлари кўп бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш (1166-м.); жисмоний шахснинг шахсий қонуни (1168-м); жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари (1169-м); васийлик ва ҳомийлик (1174-м), юридик шахснинг қонуни (1175-м.); юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати (1176-м); Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахслари фаолиятининг миллий тартиби (1177-м.); чет эл элементи билан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда давлатнинг иштирок этиши (1178-м.); шахсий номулкий ҳуқуқлар, интеллектуал мулк (1179-118-м.м.), битимлар, вакиллик, даъво муддати (1181-1183-м.м.); ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ (1184-1188-м.м.); шартнома мажбуриятларига нисбатан ҳуқуқни танлаш ва қўллаш (1189-1192-м.м.); шартномадан ташқари мажбуриятлар (1193-1196-м.м.), ворислик ҳуқуқи (1197-1199-м.м.).

Юқорида келтирилган меъёрларда чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган коллизия нормалар кўзда тутилади. Коллизия нормалар ёрдамида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари, мазмуни, моҳияти ва ушбу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг шахсий қонун ҳуқуқи ва муомила лаёқатлари ҳисобга олинган ҳолда муайян муносабатларга нисбатан у ёки бу давлат, шунингдек умум эътироф этилган халқаро шартнома нормалари танланади ва қўлланади. Муносабатлар юзасидан вужудга келган ҳар бир масалани бевосита коллизия норма ҳал қилмайди, балки у моддий ҳуқуққа, фуқаролик-ҳуқуқий қоидаларга, тегишли қоидаларга ҳавола этиш орқали келиб чиққан масаланинг ечимини топишга ва ҳал этишга ёрдам беради.

3. Халқаро хусусий ҳуқуқ қоидалари 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган ва 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ҳам мавжуд. Кодекснинг VIII бўлимида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари (234-м.), Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган никоҳларни эътироф этиш (235-м.), Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ёки унинг ташқарисида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳдан ажратиш (236-м.), Ўзбекистон фуқароси бўлган болаларни чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка олиш (237-м), чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш (238-м.) каби масалаларга оид нормалар мужассам топилган.

Халқаро хусусий ҳуқуққа оид қоидалар Оила кодексининг фақат VIII бўлими моддалари билан чекланмайди. Унинг бошқа бўлимларда-

ги меъёрларида ҳам халқаро хусусий ҳуқуққа тегишли қоидалар мавжуд. Чет эл фуқаролари Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистон фуқаролари фойдаланадиган ҳуқуқ лаёқатига тенг эга бўлганликлари каби (Фуқаролик кодексининг 1169-моддаси) никоҳ лаёқатига ҳам эгадирлар. Никоҳ тузиш тартиби ва уни расмийлаштириш учун белгиланган шартлар (Оила кодексининг 13-17-моддалари) чет элликлар учун ҳам тааллуқлидир. Шунга кўра ана шу моддаларда белгиланган шартлар бузиладиган ва никоҳ тузишга монелик қиладиган (Оила кодексининг 16-м.) ҳолатлар бўлса, никоҳни қайд қилишга йўл қўйилмайди.

4. Халқаро хусусий ҳуқуқ муаммоларига тегишли бўлган қоидалар 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунда ҳам назарда тутилади. Бундай қоидалар қаторига қуйидагиларни мисол қилиб олиш мумкин: бошқа давлат фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳдан ўтиш ёки никоҳнинг бекор бўлиши ёхуд бир оила бўлиб яшаш шахсининг фуқаролигини ўзгартириш учун асос бўла олмайди (қонуннинг 6-м.), Ўзбекистон фуқаросининг чет элда яшаши, унинг фуқаролигининг тўхтатилишига олиб келмайди (7-м.), чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳимояси ва ҳомийлигида бўлади (8-м.), Ўзбекистон фуқаросини чет давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги (9-м.), Ўзбекистон фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублигини тан олинмаслиги (10-м.), Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича Ўзбекистон фуқаролигини олиш (12-модданинг 3-қисми), ота ёки онаси Ўзбекистон фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ёхуд ота-онаси номаълум бўлган болаларнинг фуқаролиги ва шунга ўхшаш бошқа масалаларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тегишли жиҳатлари мавжуд.

Фуқаролик — шахснинг ҳуқуқий мақоми сифатида қатор белгиларга эга. У, биринчидан, шахснинг қайси давлат ҳудудида бўлишидан қатъи назар, маълум бир давлатга мансублигини билдиради. Иккинчидан, бу мансублик давлат билан ўша шахс, фуқаро ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий боғлиқликни, алоқани билдиради. Учинчидан, давлат ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Фуқароликка оид бундай белгилар давлатнинг ички қонунлари нормалари ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг мазмунида ўз ифодасини топади.

5. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексининг V бўлимида мужассам топган моддалар билан чет эл фуқаролари ва ташкилотларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари (386-м.), фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари (387-м.), чет эл фуқаро-

лари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган низолар, шунингдек лоақал биттаси чет элда яшаб турган тарафлар ўртасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари Ўзбекистон судларининг судловига тааллуқли бўлиши (388-м.), чет давлатларга даъволар (389-м.), чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш тартиби ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судларига топшириқ билан мурожаат қилиши (390-м.), чет давлат суд ва арбитраж органларининг қарорларини ижро этиш (391-м.) ва бошқа халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига тааллуқли қоидалар назарда тутилади.

6. 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг V бўлими “чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни юритиш” масалаларига бағишланади. Ушбу бўлимда чет эллик шахсларнинг процессуал ҳуқуқлари (221-м.), ушбу шахслар иштирокидаги суд ишларини юритиш (222-м.), чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ваколатлари (223-м.), судлов иммунитетини (224-м.), чет давлат суди томонидан айтилган бир шахслар ўртасида, айтилган бир предмет тўғрисида ва айтилган бир асослар бўйича низолар юзасидан ишларни кўришнинг процессуал оқибатлари (225-м.), суд топшириқларини ижро этиш (226-м.) ва бошқа чет эл давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари фаолиятига тааллуқли қоидалар назарда тутилади.

7. Ички давлат қонунлари ичида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 декабрда қабул қилинган Нотариат тўғрисидаги Қонуни алоҳида ўрин эгаллайди. Унда назарда тутилган ва чет эллик шахслар масалалари бўйича нотариал ҳаракатларни амалга оширишни тартибга солишга бағишланган қоидаларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли томонлари мавжуд. Қонунда чет эл ҳуқуқи нормаларининг қўлланилишига алоҳида эътибор берилди (88-м.). Чет эл ҳуқуқи нормаларини қўлланишда нотариус Ўзбекистон қонунларига ва халқаро шартномаларга амал қилади. Нотариус чет эл фуқаросига тегишли бўлган мол-мулкни кўриқлаш ва меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳномалар бериш билан боғлиқ ҳаракатларни Ўзбекистон қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади (89-м.). Нотариус халқаро шартномалар талабларига мувофиқ тузилган ҳужжатларни қабул қилиб олади, шунингдек уларга бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклда тасдиқловчи устхатлар (апостил) ёзиш ҳуқуқига эга (91-м.). Тегишли ҳужжатларни тасдиқлашда, расмийлаштиришда нотариус бошқа давлатлар ақлия органлари билан ўзаро муносабатларда бўлиши мумкин (92-м.). Ушбу келтирилган мисоллардан маълум бўли-

шича, Нотариат тўғрисидаги қонун ички давлат қонуни сифатида чет эллик шахсларга нисбатан бевосита қўлланилади.

8. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган айрим қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган Ҳаво кодексида ҳам мужассам топган. Кодекснинг 1-моддасида Республиканинг қуруқликдаги ерлари ва сув ҳавзалари устидаги самовий ҳудудига Ўзбекистон тўла ва танҳо эгалик қилади дейилиши хорижий ҳаво кемаларининг Ўзбекистоннинг самовий ҳудудидан фойдаланишда халқаро шартномаларда ва Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларида ўрнатилган қоидаларига амал қилишга чақиради. Кодекснинг тегишли моддаларида ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари, Ўзбекистон самовий ҳудудидаги парвозлар, парвозларни амалга ошириш қоидалари, ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун мўлжалланган аэродромлар ва ҳаво йўллари, ҳаво кемаларининг халқаро парвозларни бажаришлари учун қўлланиладиган паспорт, божхона талаблари ва бошқа қоидалар назарда тутилади.

9. Ички давлатнинг халқаро хусусий ҳуқуқ манбаи сифатида Ўзбекистоннинг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган халқаро шартномалари тўғрисидаги Қонун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу Қонун асосида Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларни тузиш, бажариш, тўхтатиш, тўхтагиб туриш ва денонсация қилиш тартиби белгиланади. Ушбу Қонун ва Ўзбекистоннинг бошқа шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга асосланган ҳолда 1996 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон мамлакатининг барқарорлигини, собитқадам ривожланиши ва миллий хавфсизлигини таъминлаш имконини берадиган, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалик алоқаларига аҳборот, технология ва коммуникация жиҳатидан кириб боришига кўмаклашадиган давлатлараро тузилмаларга, шу жумладан иқтисодий тузилмаларга устувор аҳамият беради.

10. Ўзбекистоннинг ички давлат қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик муносабатларининг доираси кенг. Улар мазмуни жиҳатдан турлича, масалан, иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий ва ҳ.к. аҳамиятларга эга. Шунга кўра булар тўғрисидаги Ўзбекистоннинг қонунлари ҳам турлича номланади, масалан “Мулкчилик тўғрисида”, “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолотлари тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”, “Ҳўжалик ширкатлари тўғрисида”, “Маъсулияти чек-

ланган ва қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолотлари тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолотлари ва эркинлиги тўғрисидаги”, “Сугурта тўғрисидаги”, “Валютани тартибга солиш тўғрисидаги”, “Ер кодекси”, “Лизинг тўғрисидаги”, “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги”, “Ўзбекистоннинг давлат чегараси тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида”, “Темир йўл транспорти тўғрисида”, “Автомобил транспорти тўғрисида” ва ҳ.к.

II. Қатор давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари алоҳида қонунларда мужассам топган. Шунинг билан бирга махсус халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган Кодексга эга бўлган давлатлар ҳам бор. Бундай кодекс Австрияда (1978 й.), Венгрияда (1979 й.), Польшада (1965 й.), Туркияда (1982 й.), Руминияда (1992 й.), ГФРда (1986 й.), Швейцарияда (1987 й.), Лихтенштейнда (1997 й.) қабул қилинган. 1995 йил сентябрда Италиянинг халқаро хусусий ҳуқуқ ислоҳоти тўғрисидаги Қонуни амалга киритилди. 1982 йил Югославияда қабул қилинган маълум ҳуқуқий муносабатларда қонун ва чет эл ҳуқуқи нормалари ўртасидаги коллизияларни ҳал қилиш тўғрисидаги Қонун ҳозирги кунда Сербияда, Словенияда, Хорватияда, Черногорияда ҳаракат қилмоқда, АҚШнинг Луизиана штатида 1991 й. қабул қилинган халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонуни мазкур штатнинг Фуқаролик кодекси таркибига киритилди. Канаданинг Квебек провинцияси Фуқаролик кодексининг ўнинчи китоби халқаро хусусий ҳуқуқ масалаларига бағишланади.

Россия, Украина, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Испания, Португалия, Жазоир, Миср, Ироқ, Перу, Вьетнам, Мўғулистон ва бошқа қатор давлатларнинг Фуқаролик кодексларида халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормалари мужассам топган.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари махсус ушбу соҳага бағишланган Кодекс ёки Қонун, шунингдек Фуқаролик кодекслардан ташқари бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мавжуд. Бундай қонун ҳужжатлари қаторига Хитойнинг 1986 йилдаги фуқаролик ҳуқуқининг Умумий қоидалари, 1985 йилдаги халқаро хўжалик ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонуни кирали. Қонун Хитой ва чет эл ташкилотлари ўртасида барча чет эл иқтисодий, олди-сотди муносабатлари бўйича тузиладиган шартномаларга нисбатан қўлланилади. Ушбу Қонунни чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга бевосита қўлланидиган меъёрлардан иборат деб айтиш мумкин. Қонуннинг кўп нормалари диспозитив характерга эга.

АҚШ ва Англияда халқаро хусусий ҳуқуқ кодификация қилинмаган. Англияда хусусий ҳуқуқ бўйича Дайси курси кенг доирада тан олинган, АҚШда Америка ҳуқуқ институти томонидан тайёрланган конфликтлар тўғрисидаги қонунлар Тўплами ҳаракат қилади. Унинг биринчи тўплами 1834 йилда, иккинчиси — 1971 йилда нашр этилган. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари АҚШнинг Бирхилдаги савдо кодексига ҳам мавжуд. Ушбу кодексда қонунни макон ва замон бўйича қўллаш ҳақида қоидалар мавжуд. Чет эл суверенига тааллуқли масалалар АҚШнинг 1976 йилдаги чет эл давлатларининг иммунитетини тўғрисидаги Қонуни билан ҳал қилинади.

Англияда коллизия муаммоларга тегишли статус ҳуқуқининг қўлланиш доирасини кенгайтиши унинг маълум даражада Европа ҳамдўстлиги ва Гаага конвенцияларига аъзо бўлиши билан изоҳланади.

Чехияда 1963 йилда Чехо-Словакияда қабул қилинган халқаро хусусий ҳуқуқ ва процесс ҳуқуқи ҳақидаги Қонун ҳозир ҳам ҳаракатда. Францияда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуннинг лойиҳаси 1959 йилда тайёрланган эди. 1969 йили унинг асосида янги лойиҳа тайёрланди. Лойиҳа суд амалиётида қўлланиб келинган тамойилларга асосланади ва шунинг билан бирга халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли бўлган нормаларни суд амалиётида шакллантириш учун ҳам кенг имконият беради.

Германия фуқаролик қонунлар тўпламини амалга киргазиш тўғрисидаги қонунида маълум даражада коллизия нормалар мавжуд эди. Лекин ушбу нормалар, айниқса мажбурият ҳуқуқи соҳаси бўйича етарли даражада эмасди. 1986 йилнинг 1 сентябридан бошлаб халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида қонун амалга киритилди ва шу туфайли Германиянинг фуқаролик қонунлар тўпламини амалга киритиш тўғрисидаги Қонуннинг тегишли моддалари ўрнига бошқа меъёрлар ёки уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу Қонунда оила ҳуқуқи соҳасида судда кўрилиши учун тегишли бўлган тартибни белгиловчи нормалар ҳам назарда тутилган. Шунингдек унга шартнома мажбуриятига нисбатан қўлланидиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1980 йил Рим конвенциясида белгиланган тартиб киритилган. Натижада битимларнинг шакли, никоҳ тузиш ва уни бекор қилиш бўйича, болалар ҳуқуқи, ҳомийлик ва васийлик, мерос ҳуқуқи, мажбурият ва меҳнат ҳуқуқи ва процессуал масалалар бўйича қўлланиши керак бўлган коллизия нормаларнинг тизими ўрнатилди.

Японияда ҳам коллизия нормалар ўз ҳуқуқий асосларига эга. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги қоидалар 1989 йилда қабул қилинган ва 1990 йилнинг 1 январидан амалга киритилган қонунда назарда тутилди.

5-§. Одатларнинг аҳамияти

Муайян халқаро оммавий ёки хусусий муносабатларни тартибга солиш учун тегишли ҳуқуқий нормалар бўлмаган тақдирда, уларга нисбатан одат бўлиб қолган қоидалар қўлланади. Бундай қўллаш умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ манбаларида назарда тутилган нормаларга, қоидаларга, халқаро шартномаларга зид бўлмаслиги талаб қилинади.

Халқаро хусусий муносабатларни тартибга солишда одатлардан фойдаланиш учун улар кундалик халқаро таркиб топган, кенг миқёсда азалдан ва доимо қўлланиб келинган, халқаро жамоатчилик томонидан тан олинган, лекин қонунда назарда тутилмаган бўлиши керак. Бундай одатлар назарий жиҳатдан, шунингдек амалиётда ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбаи сифатида халқаро миқёсда эътироф этилади.

Давлатларнинг мустақиллик ва тенг ҳуқуқлик тамойилларига асосланган одатлар барча мамлакатлар учун мажбурий ҳисобланади. Бошқа масалалар, хусусий аҳамиятга эга бўлган одатлар фақат уларни бирон-бир шаклда тан олган давлатлар учун мажбурий бўлиши мумкин.

Халқаро-ҳуқуқий одатлардан ташқари савдо одатлари ҳам мавжуд, улардан мамлакатлар томонидан халқаро савдо ва айниқса денгиз орқали савдо соҳаларида кенг миқёсда фойдаланилади. Халқаро тижорат арбитраж судларида содир бўлган низоларни ҳал қилишда мавжуд савдо одатлари ҳисобга олинади.

Халқаро савдо амалиётида қабул қилинган одатлар арбитраж суди томонидан қуйидаги ҳолатларда қўлланилади: агар бундай қўллаш шартномада кўрсатилиб, низо ушбу шартнома юзасидан вужудга келган бўлса; агар тегишли низоли ҳуқуқий муносабатга нисбатан одатни қўллаш ҳақида бевосита ҳуқуқ нормасида назарда тутилган бўлса; агар одат қоидаларини қўллаш низо тарафлари бўлган давлатлар томонидан тузилган халқаро шартномаларга асосланган бўлса, шунингдек, агар одат қоидаларини қўллаш ҳуқуқий норма ёки шартномада ҳам кўрсатилмаган бўлиб, низоли муносабатнинг вужудга келиш шароити ва унинг хусусиятларига кўра одат қоидаларини қўллаш низоли тарафлар учун мақсадга мувофиқ ва халқаро муносабатларда инкор қилинмаган бўлса.

Халқаро одатнинг табиати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро Судининг Статуси, яъни мақомининг 38-моддасида ўз ифодасини топади. БМТ Уставининг ажралмас қисми бўлган ушбу ҳужжатда халқаро одат амалиётда синовдан ўтган ва ҳуқуқ нормаси сифатида умум эътироф этилган қоида сифатида тавсифланади.

Давлатлар ўртасида мазмуни ва шакли жиҳатдан бир хил бўлган муносабатнинг кўп йиллар давомида доимо такрорланиб туриши натижасида одатга айланган ҳаракатлар, шартлар юзга келиб чиқиши ва уларга риоя қилиш ҳам анъанага айланиб қолади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаи ҳисобланган одатлар кўпроқ моддий - ҳуқуқий характерга эга. Л.А. Лунц Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига маълум бўлган одатларнинг мазмунини талқин қилар экан, қонунлар коллизияси жуда ҳам кам масалалар бўйича халқаро хусусий ҳуқуқ манбаи ҳисобланган одатларга асосланиши, Коллизион ҳуқуқда баъзи истиснолардан ташқари, халқаро одатнинг аҳамияти бевосита давлатнинг суверенитети билан боғлиқ нормалар билан чекланиши ҳақида таъкидлаб ўтади¹.

Савдо соҳасидаги одатларнинг ташкил топишида тадбиркор ҳатти-ҳаракати, уларнинг ёзилмаган қоидаларга амал қилиш учун билдирган хоҳиш ва ҳаракатлари биринчи ўринда туради. Одат қоидаларини вужудга келтиришда давлат томонидан тан олинган ва тасдиқланган суд, арбитраж амалиёти, шунингдек одат нормаларини норасмий равишда кодификация қилувчи халқаро нодавлат ташкилотларининг фаол ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Улар томонидан тайёрланган ва ихтиёрий аҳамиятга эга бўлган қоидалар тўплами, агар уларга шартномада ҳавола қилинган бўлса, тарафлар томонидан қўлланилади.

Халқаро савдо соҳасида кўпроқ обрўга эга бўлган кодификациялар қаторига Париждаги Халқаро савдо палатаси (ХСП) томонидан тайёрланган савдо атамаларини шархлашнинг халқаро қоидалари — ИНКОТЕРМС киради. 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб 2000 йил ИНКОТЕРМСи ҳаракат қилади.

Халқаро савдо палатаси томонидан ҳужжатли аккредитивлар учун бирлаштирилган қоида ва одатлар ва инкассо бўйича бирхиллаштирилган қоидалар тайёрланган. Булардан фарқли ўлароқ ХСПнинг 1978 йилдаги шартномалар кафолатлари бўйича бирхиллаштирилган қоидаларда мижознинг биринчи талаби билан банкнинг кафолатлари киритилган эди. Шунинг учун 1992 йилда ХСПси томонидан биринчи талаб бўйича кафолат учун бирхиллаштирилган қоидалар қабул қилинди.

Юқорида келтирилган ХСП томонидан тайёрланган қоидалар ва шунингдек 1994 йилда Халқаро денгиз комитети томонидан тайёрланган умумий авария бўйича Йорк-Антверпен қоидаларининг ҳуқуқий аҳамиятига баҳо берилиши билан, уларнинг нодавлат даражасида амалга ошириладиган халқаро савдо одатлари сифатида қабул қилиниши кераклиги кўзда тутилади.² Товарларни халқаро олди-сотди соҳасида одат қоидаларига ҳавола қилиш товарларни халқаро олди-соттиси тўғри-

¹ Лунц Л.А. Курс международного частного права. 3 томлик. 1 том. Умумий қисм. Москва. 1973 й. 103-бет.

² Зыкин И.С. Внешнеэкономические операции: право и практика. М.: Международные отношения. 1994. 240-241 бет.

сидаги БМТ 1980 й. Конвенциясининг 9-моддасига асосланади. Ушбу моддага мувофиқ, тарафлар ўзлари шунга келишган ва амалиётда улар ўзаро муносабатларида қўлланиб келинган ҳар қандай одат билан боғлиқдирлар (демак риюя қилишга мажбурдирлар).

Савдо одатларини қўллаш ҳақида чет эл савдо арбитражи тўғрисидаги 1961 йилдаги Европа Конвенциясида, ЮНСИТРАЛ Арбитраж регламенти, БМТнинг ЕЭК (Европа иқтисодий комиссияси) Арбитраж регламенти қоидаларида ҳам назарда тутилади.

“Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Россия Федерацияси Қонуни 28-моддасининг 3-қисмига мувофиқ (третейский) холислар суд қарорини барча ҳолларда шартнома шартларига мувофиқ ва муайян битимга тўғри келадиган савдо одатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ички давлат қонуни сифатида халқаро хусусий ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Шундай экан унинг 6-моддасида “Иш муомаласи одатлари. Маҳаллий одат ва анъаналар” тўғрисида назарда тутилган қоидалар чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга, яъни халқаро хусусий муносабатларга тааллуқлидир. **Ушбу моддага мувофиқ тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасига мос келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қондаси, бирон бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати деб ҳисобланади.** Демак одат бу кенг қўламда такрор қўлланиб келган, жамоатчилик, шунингдек халқаро муносабатларнинг маълум турлари, чунончи, тадбиркорлик фаолияти соҳасида унинг иштирокчилари томонидан тан олиниши расм-русум бўлиб қолган хулқ-атвор қоидаларидан иборат. Шундай экан, бир давлат ҳудудида ёки халқаро миқёсда маълум шахслар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда алоҳида ўрнатилган ва уларнинг манфаатлари учун мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган ва қабул қилинган тартибни иш муомаласи одатлари деб бўлмайди. Бундай шахсий муносабатларда ўрнатилган тартиб мазмун жиҳатдан қандайлигидан қатъи назар, кўпчиликнинг манфаатлари учун жавоб берадиган ва одат сифатида эътироф этиладиган умумий қоидадан фарқ қилади. Бинобарин одат тунунчаси кенг маънода талқин қилиниши лозим.

Иш муомаласи одатлари ёки маҳаллий урф-одат ёзма шаклда ифодаланган бўлиши шарт эмас. Лекин тадбиркорлик соҳасида бундай ҳужжатлар йўқ ҳам эмас. Масалан, Ўзбекистон Савдо палатаси томонидан иш муомаласи одатлари ўрганилади ва манфаатдор шахсларга маълум қилиш учун нашр этилади. Шартномаларнинг намунавий шартлари эълон қилинишини ҳам ёзма шаклдаги иш муомаласи одатларидан иборат деб ҳисоблаш мумкин (ЎЗР ФКнинг 359-м.).

ЎзР ФҚнинг кўпгина моддаларида кўрсатилганидек, агар тарафларнинг муносабатлари қонун нормалари ва шартномада белгиланган бўлмаса, иш муомаласи одатларини қўллаш назарда тутилади (236, 238, 243, 246 ва бошқа моддалар), шартноманинг шартларини шарҳлашда ҳам иш муомаласи одатлари эътиборга олинади (363-м.). ФҚ 354-моддасининг 7-қисмида назарда тутилган қоидага биноан, агар шартнома шартлари тарафлар ўртасидаги келишув ёки диспозитив норма билан белгилаб қўйилган бўлмаса, тегишли шартлар қўлланиши мумкин бўлган иш муомаласи одатлари билан белгиланади.

Демак, Ўзбекистон Республикасида халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбалари сифатида халқаро шартномалар, ички давлат қонунлари ва халқаро одат тан олинади. Бизда суд ва арбитраж практикаси, шунингдек илмий таълимот (доктрина) халқаро хусусий ҳуқуқнинг манбаи деб ҳисобланмайди.

II БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва умум эътироф этилган тамойиллар халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларида қандай даражада мужассам топган?
2. Халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари тушунчасини қандай таърифлаш мумкин?
3. Суд ва арбитраж амалиётининг халқаро хусусий ҳуқуқ учун аҳамияти нималардан иборат?
4. Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларининг ташкил топишида халқаро шартномалар қандай аҳамиятга эга?
5. Ички давлат қонунларининг турлари ва уларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида тутган ўрни нималардан иборат?
6. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида қонун устуворлиги қандай равишда намоён бўлади?
7. Қайси давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ кодификация қилинган?
8. Халқаро одат деганда нимани тушунасиз ва одатлар қандай ҳолатларда қўлланилади?
9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида иш муомаласи одатлари ва маҳаллий одат ва анъаналар ҳақида қандай қоидалар назарда тутилади?

Тавсия этилган адабиётлар

Ануфриева Л.П. Об источниках международного частного права (некоторые вопросы теории). Московский журнал Международного права. 1994, №4.

Белов А.П. Международные договоры и иные документы по вопросам внешнеэкономической деятельности. Право и экономика. 1997. № 7-8.

Венская конвенция о праве международных договоров. Комментарий. М.: Юридическая литература, 1997. Составитель и автор комментариев *А.М. Талалаев*.

Дмитриева Г.К., Филимонова М.В. Международное частное право. Действующие нормативные акты. М.: 1999.

Звеков В.П. Международное частное право. Курс лекций. М.: Издательство НОРМА. 2000.

Зыкин И.С. Обычай и обыкновения в международной торговле. М., 1983.

Карташкин В.А. Права человека в международном частном и внутригосударственном праве. М., 1995.

Лукашук И.И. Международное право в судах государств. Санкт-Петербург, 1993.

III БОБ

КОЛЛИЗИОН ВА МОДДИЙ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

1-§. Коллизион норма тушунчаси ва аҳамияти

Чет эл элементлари билан мураккаблашган мулкӣ ва шахсий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ нормаларининг моҳиятини талқин қилиш ва уларнинг қўлланиши хусусиятларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Давлатлар, жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги алоқаларнинг сўнгги йилларда ниҳоятда кенг миқёсда авж олиши ушбу алоқаларнинг ҳуқуқий қоидаларини ўрганишни асосий вазифалардан бири қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси билан яқиндан амалий алоқа ўрнатмоқчи бўлган давлатлар ва юридик шахсларнинг сони йилдан йилга тобора ошиб бормоқда, Ўзбекистон ҳудудига ташриф буюрувчи жисмоний шахсларнинг сони ҳам борган сари кўпаймоқда. Халқаро алоқаларнинг кенгайиши натижасида суд, арбитраж, нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи ва бошқа давлат органлари ўз фаолиятларида халқаро хусусий ҳуқуқнинг мураккаб муаммоларига дуч келмоқдалар, коллизион нормалар ва уларни қўллаш билан боғлиқ қоидалар шундай мураккаб ва муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Коллизия — лотинча тўқнашувчи иш деган маънони беради. Лекин ушбу атама шартли характерга эга. Аслида қонунлар коллизияси, яъни улар ўртасида қўлланиши зарур бўлган қонунларни танлаш ҳақида гап юритилади. Суд ёки бошқа орган томонидан турли давлатлар қонунларини ўрганиш, изоҳлаш ва қиёслаш йўли билан чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатга нисбатан тегишли ҳуқуқ нормасини қўллаш тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши, халқаро мулкӣ ва шахсий муносабатларни тўғри тартибга солиш учун муҳим аҳамиятга эга. **Коллизион муаммо** — у ёки бу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўллаш учун тегишли бўлган ҳуқуқни танлаш муаммосидан иборат. Коллизион нормалар бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларига нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Лекин улар халқаро хусусий ҳуқуқнинг мазмунини ташкил қилади ва моддий-ҳуқуқ соҳаларидаги тўқнашувларни бартараф қилишда асосий вазифани бажаради.

Коллизион норма муайян муносабатга нисбатан қайси давлатнинг ҳуқуқи қўлланиши мумкинлигини кўрсатиб туради. Коллизион норманинг бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларидан асосий фарқи шундан иборатки, унинг воситасида қўлланиши учун керак бўлган ҳуқуқни кўрса-

тиш йўли билан коллизия муаммо бартараф қилинади. Масалан, Франциянинг қонуни бўйича 18 ёшга тўлган қиз ота-онасининг розилигисиз никоҳдан ўтиш ҳуқуқига эга эмас, Ўзбекистон қонуни бўйича 18 ёшга тўлган эркак ёки 17 ёшга тўлган аёл ихтиёрий равишда никоҳ тузишлари мумкин. Чет эл фуқароси билан Ўзбекистон фуқароси ўртасида тузиладиган никоҳнинг шартлари Ўзбекистон қонунлари билан белгиланади. Агар Ўзбекистонга ташриф буюрган француз қиз Ўзбекистон йигити билан ота-онасининг розилигисиз никоҳдан ўтган бўлса, бундай никоҳ қандай баҳоланиши керак, яъни у ҳақиқий ёки ҳақиқий эмас, деб топилиши керакми. Ўзбекистон қонуни бўйича ҳақиқий, лекин Франция қонуни бўйича бунинг акси, чунки қиз ота-онасининг розилигидан олган эмас. Бундай ҳолатда француз қизини Ўзбекистонда никоҳдан ўтказиш, яъни ушбу никоҳни қайд қилиш учун Франция қонунини қўллаш талаб қилинмайди. Бордию француз қизи ўз ватанига қайтиб борганидан сўнг никоҳдан ажралмоқчи бўлса, бунинг учун Франция қонунига асосан ота-онасининг розилигини олмаганлиги асос бўлиши мумкин. Демак, бундай ҳолатларда коллизия нормани аниқлаш ва унинг ёрдамида тегишли давлат ҳуқуқини қўллаш талаб қилинади. Никоҳ Ўзбекистон ҳудудига тузилгани учун у Ўзбекистон қонунига асосан қайд қилинади, никоҳни бекор қилиш эса Франция қонунига биноан Францияда амалга оширилиши мумкин.

Демак, коллизия норма ўз ҳолича масалани охиригача ҳал қилмайди, у тегишли қоида назарда тутилган қонуннинг моддий нормаларига ҳавола қилади, яъни кўрсатиб беради. Бундай моддий нормалар қонун ости ҳужжатлар эмас, балки фақат коллизия нормаларнинг манбаи ҳисобланувчи қонунларда назарда тутилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида бундай қонунлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси, Ҳаво кодекси, Фуқаролик процессуал кодекс ва конституциявий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонунлар киради.

Демак, коллизия норма - бу тегишли ҳуқуқий муносабатга нисбатан қайси давлатнинг ҳуқуқини қўллаш кераклигини белгилаб берувчи нормадан иборат. Коллизия норма ҳавола қилувчи, кўрсатиб берувчи норма характериға эга бўлганлиги тўғрисида, ундан фақат биронта моддий-ҳуқуқий норма, яъни масалани ҳал қилишга қаратилган қонуннинг моддий-ҳуқуқий нормаси билан биргаликда фойдаланиш мумкин. Коллизия норма билан моддий-ҳуқуқий нормалар биргаликда ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчилар учун тегишли бўлган хатти-ҳаракат қоидаларини яратади. **Халқаро хусусий ҳуқуқ таркибида коллизия ва моддий - ҳуқуқий нормаларни бирлаштириш икки хил метод (усул) ёрдамида, лекин характери жиҳатдан бир хил бўлган муносабатларни тартибга солади.**

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг таркибига халқаро битимлар нормалари билан биргаликда чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун махсус қабул қилинган ички давлат қонунларининг нормалари ҳам киради. Бундай ҳуқуқ нормалари қаторига, масалан: а) ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар; б) чет эл инвесторлари иштирокида биргаликда ташкил қилинган корхоналарнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи нормалар; в) чет эл инвестицияси бўйича ўрнатилган тартиб ва Ўзбекистон корхоналарининг чет эл инвестицияси билан биргаликда фаолиятини белгиловчи нормалар киради.

Юқорида келтирилган ва шунга ўхшаш бошқа ҳуқуқий нормаларда чет эл элементи билан боғлиқ муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита белгилашга қаратилган кўрсатмалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро жамоатчиликда мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинishi туфайли халқаро шартномалар, битимлардаги моддий-ҳуқуқий нормаларнинг кўлами унинг ички давлат қонунларида йилдан йилга ортиб бормоқда. Бундай нормаларга нисбатан адабиётларда бевосита нормалар (“прямые нормы”), бевосита тартибга солиш методи (“прямой метод регулирования”) деган атамалар ишлатилади. Ушбу атамалар асосан “коллизион норма”, “коллизион метод” деган атамаларга қарама-қарши солиштириш мақсадида қўлланилмоқда. Бевосита тадбиқ қилинадиган нормаларнинг аҳамияти жуда ҳам муҳим, чунки улар туфайли халқаро шартномаларда қатнашувчи тарафлар учун ягона қоида ўрнатилади ва тегишли аниқ масалалар бир хил тартибда ҳал қилинади. Лекин коллизион нормаларнинг ролини инкор қилиб бўлмайди. Чунки ҳар бир давлатнинг қонунларида ушбу давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий шароитининг ривожланиш даражаси, жамият тизимида ва уни бошқаришда демократик шакллариининг таркиб топиши, халқнинг урф-одати, менталитети ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа қирралари ўз аксини топади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 17-моддасининг 2-қисмига мувофиқ “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”. Ҳар бир давлат ўз манфаатларини кўзлаб халқаро муносабатларда қатнашади, бошқа давлатлар билан турли соҳада алоқалар ўрнатади.

Муайян давлат иқтисодиётини, маданиятини бошқа давлатларники билан солиштирилганда айнан ўхшаш бўлмаганидек ва унинг манфаатлари бошқа давлатлар манфаати билан мос келмаганидек, қонунларида ҳам бир хилликни таъминлаш ва бунга талаб қилиш мураккаб масалалардан ҳисобланади. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳам-

дўстлик, жамият ривожланишида тенгликка эришиш асосий мақсад қилиб қўйилишидан қатъи назар, ижтимоий ҳаёт соҳасидаги ва унинг маҳсули бўлган қонунчилик соҳасидаги мавжуд тафовутларни мутлақ бартараф қилиш учун вақт керак. Шундай экан, ҳар бир давлатнинг қонун-қоидаларида ўзига хос хусусиятлар ўз ифодасини топади. Улар ўртасида алоқалар ўрнатилар экан уларнинг манфаатлари кўзда тутилган қонун - қонидани инобатга олмасдан бўлмайди. Бундай манфаатларга путур етказмаслик, уларни бир-бирига яқинлаштириш ва умумий манфаатга эришиш мақсадида коллизия нормалар муайян масала бўйича мавжуд бўлган турли давлатлар қонун нормалари ўртасидаги номувофиқликни, тўқнашувни камайтириш ва бартараф қилишда муҳим вазифани бажаради.

2-§. Халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда моддий-ҳуқуқий нормаларнинг тутган ўрни ва аҳамияти

Савдо, ишлаб чиқариш, фан-техника, транспорт ва турли давлатлар ташкилотлари, компаниялари, фирмалари ўртасидаги алоқаларни тартибга солиш учун бир хил моддий-ҳуқуқий нормаларни яратишга уриниш фақат давлатларнинг ички қонунларида тафовутларни, зиддиятларни бартараф қилиш заруратидан кўра кўпроқ тобора ривожланиб бораётган турли соҳадаги халқаро муносабатларни тартибга солишда давлатлар ички қонунларининг талабга жавоб бермай қўйганлиги билан изоҳланади.

Моддий-ҳуқуқий нормалар ўз моҳияти жиҳатидан мазмуни бўйича бир хил қоидалардан ташкил топади ва халқаро хусусий муносабатларни тўғридан-тўғри, яъни ушбу муносабатларни бевосита, коллизия нормаларнинг иштирокисиз тартибга солишни таъминлайди. Моддий-ҳуқуқий нормалар ёрдамида давлатлараро мулкӣ, иқтисодӣ муносабатларни тартибга солишда барқарорлик ўрнатилади, турли давлатлар жисмонӣ ва юридик шахсларининг ҳуқуқӣ мақомини белгилашда, улар томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг асосларини, доирасини аниқлашда енгиллик туғдиради. Моддий-ҳуқуқӣ нормаларнинг объектлари мулкӣ, меҳнат ва оилавий муносабатлардан иборат бўлиши мумкин.

Моддий-ҳуқуқӣ нормаларга хос бўлган қоидаларни бирхиллаштириш халқаро шартномаларда назарда тутилган маълум соҳадаги муносабатларни махсус тартибга солиш учун имконият яратади. Бундай бирхилликни таъминлаш учун маълум масалалар бўйича махсус конвенциялар қабул қилинади. Масалан, 1929 йилда Варшавада имзоланган шартнома бўйича Ҳаво орқали халқаро ташишга тааллуқли айрим қоида-

ларни бирхиллаштиришга доир Конвенция қабул қилинди. Ушбу Конвенцияга 1955 йил 28 сентябрда Гаагада тузилган Протокол билан ўзгартиришлар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан Конвенцияга ва Протоколга қўшилиш ҳақида 1996 йил 27 декабрда қарор қабул қилинди.

Халқаро шартнома, битимлар тузиш ёки уларга ва конвенцияларга қўшилиш шунингдек, уларни ратификация қилиш ҳам турли хил муносабатларга оид қоидаларни маълум даражада бирхиллаштиришга олиб келади. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси фаол иштирок этмоқда.

Ҳозирги шароитда кўпчилик мамлакатлар бир хил бўлган моддий-ҳуқуқий нормаларни қўллаш доирасини тобора кенгайтириш йўлига ўтиб олганлар. Лекин бирхиллаштириш йўли билан халқаро ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг барча масалаларини қамраб олишнинг иложи йўқ, унинг муайян чегараси мавжуд. Кўп ҳолларда халқаро шартномаларга асосланган муносабатларда коллизия нормаларни қўллаш самарали натижалар бериши билан бир қаторда ушбу муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда коллизия нормаларни қўлламасликнинг иложи ҳам йўқ. Фуқаролар иштирокидаги муносабатларни тартибда солиш умумий қоида бўйича асосан коллизия метод воситасида амалга оширилади. Бундай ҳолларда бирхиллаштирилган коллизия нормалардан фойдаланиш ҳам мумкин, чунки бирхиллаштириш фақат моддий-ҳуқуқий нормалар эмас, балки коллизия нормаларга ҳам хосдир. Фуқаролик, оилавий, жиноят ишлари масалалари бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисида тузилган шартномалар ва келишувларда ҳам бирхиллаштирилган коллизия нормалар мавжуд.

Коллизия метод асосида тартибга солишнинг зарурияти қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, моддий-ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштириш жараёнида қоидаасиз, нормасиз очиқ қолган муносабатларни тартибга солиш учун ёрдамчи ёки қўшимча меъёр сифатида фойдаланиш учун, иккинчидан, халқаро ҳамкорликнинг алоҳида соҳаларида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш ва уни амалга оширишда асосий қоида сифатида қўллаш учун, учинчидан, баъзи сабабларга кўра моддий-ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш ва уларни қўллаш учун қийинчиликлар мавжуд бўлганлиги сабабли.

Нафақат халқаро шартномалар, шунингдек ички давлат қонун нормалари ҳам моддий-ҳуқуқий характерга эга. **Ички давлат қонун нормалари биринчи галда чет эл элементи билан мураккаблашган ва уларни тартибга солиш учун умумий ҳуқуқ нормалари жавоб беролмайдиган муносабатларни тартибга солиш учун қўлланилади.** Бу ўринда ички давлат қонуни махсус халқаро хусусий муносабатларни тартибга солиш учун қаратилган ҳоллар назарда тутилмоқда. Масалан, Хитой Халқ Республикасида ва Собик Чехо-Словакияда халқаро ҳўжалик

шартномалари тўғрисида махсус қонун қабул қилинган. Агар Чехо-Словакия қонуни бўйича унинг нормаларини қўллаш коллизион норма ёки тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлса, Хитой Халқ Республикасининг қонунида ушбу давлатнинг ҳуқуқ субъектлари чет эл давлати шахслари иштирокида тузиладиган барча шартнома муносабатларига нисбатан қўлланиши зарурлиги назарда тутилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаи сифатида моддий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг алоҳида соҳаларида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар Ўзбекистон Республикасида ҳам қабул қилинди. Булар жумласига умумий қоидалар назарда тутилган 2000 йил 26 майда янги таҳрири тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни киради. Ушбу Қонун мулкчилик шаклларида қатъи назар, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулки халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган нормаларига мувофиқ давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминлайди. Ушбу қонун ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари деб халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорликни, ташқи савдо фаолиятини, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолиятини белгилайди. Қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш ички давлат қонунлари билан бир қаторда Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари билан тартибга солиниши назарда тутилади. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижасида келиб чиққан низолар шартномада назарда тутилган тартибда ҳал этилади (30-модда).

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонунида ҳам банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳақида махсус қоидалар назарда тутилади. Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ марказий банкнинг бошқа давлатлар банклари ва кредит муассасалари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек банклар битимларига мувофиқ амалга оширилади.

Баъзи давлатларда инвестицияга бағишланган махсус Кодекс ёки чет эл инвестициялари ҳақида қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси ҳам бу масалага алоҳида эътибор берган ҳолда 1998 йил 30 апрелда “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ва “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунларни қабул қилди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишини кумаклашни мақсадида чет элнинг молиявий, моддий,

интеллектуал ва бошқа ресурсларини, хорижнинг замонавий технологияси ва бошқарув соҳасидаги тажрибасини жалб этишга ва улардан омилик билан фойдаланишга қаратилгандир. Ушбу Қонуннинг ўзига хос муҳим аломати шундан иборатки, унинг 15-моддасига мувофиқ чет эл инвестициялари турли, яъни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва табиат хавф-хатарларининг юз беришидан суғурта қилинади, чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган кафолатлар назарда тутилади.

1998 йил 25 декабрда қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ҳам чет эл элементларига оид муносабатлар ҳақида қоидалар назарда тутилади. Қонуннинг 1-моддаси 3-қисмига биноан чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чегаралари фақат Ўзбекистон қонун ҳужжатлари билан эмас, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан ҳам тартибга солинади. Мазкур модданинг 4-қисмига биноан, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Худди шунга ўхшаш қоида “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ва “Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида”-ги Қонунларнинг 2-моддаларида ҳам назарда тутилади.

Ўзбекистоннинг юқорида келтирилган ташқи иқтисодий фаолият банки, чет эл инвесторлари ва бошқа чет эл билан боғлиқ моддий-ҳуқуқий қонунлари чет эл элементлари билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солишга мўлжалланади. Ушбу муносабатлар ички давлат қонунлари, масалан, “Чет эл инвестициялари” ва “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва айниқса уларда назарда тутилган ва фақат ушбу муносабатларнинг хусусиятлари махсус ифода этилган инвестицияларни суғурта қилиш ҳақидаги нормалар билан тартибга солиниши мумкин. Лекин бундай тартибга солиш халқаро шартномага мос келиши керак, акс ҳолда бевосита халқаро шартноманинг қоидалари тадбиқ қилинади.

Юқорида келтирилган ички давлат қонунлари ва ушбу қонунларнинг объекти ҳисобланувчи муносабатлар бўйича Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ўз аҳамияти бўйича моддий-ҳуқуқий метод сифатида чет эл элементлари билан мураккаблашган муносабатларни бевосита тартибга солади.

Ички давлат қонунлари бундай мураккаблашган муносабатларга нисбатан, агар уларда халқаро шартномалардагиларга нисбатан бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, бевосита қўлланиши мумкин. Бу ерда чет эл элементлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга

солишда халқаро шартномаларнинг устунлиги ҳисобга олинади ва унинг тўғридан-тўғри, яъни бевосита қўлланиши назарда тутилади.

Чет эл элементлари билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солишнинг моддий-ҳуқуқий методининг устунлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

а) ушбу методдан фойдаланиш учун тузилган моддий-ҳуқуқий нормалар ўз мазмунига кўра чет эл элементи билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни бевосита тартибга солишга қаратилади. Ушбу метод воситасида махсус муносабатларнинг хусусиятларига мос келадиган ва ушбу муносабатларни тўлиқ қамраб оладиган ва уларга айнан ўхшаш қоидалар ёрдамида тартибга солиш назарда тутилади. Бундай тартибга солишда коллизион методга ўхшаб у ёки бу давлатлар қонунларида мужассам топган қоидаларга ҳавола қилинмайди, масала тўғридан-тўғри моддий-ҳуқуқий норма асосида ҳал қилинади, жуда ҳам кам ҳолатларда фуқаролик, оилавий ва бошқа муносабатларни тўлалигича тартибга солиш учун умумий норма сифатида ташкил топади. Бунга мисол тариқасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўртасида 1993 йилда Минскда қабул қилинган Ўзбекистон томонидан 1993 йил 6 майда ратификация қилинган “Фуқаролик, оилавий, жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияни келтириш мумкин. Ушбу Конвенция муайян давлатлар ўртасида тузилган халқаро шартномадан иборат бўлишига қарамай унда умумий аҳамиятга эга бўлган масалаларнинг тартибга солиниши назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда моддий-ҳуқуқий метод воситасида махсус тартибга солиш, коллизион метод воситасида эса умумий тартибга солиш қоидалари қўлланилади. Масалан, юқорида келтирилган Ўзбекистоннинг чет эл инвестицияларига бағишланган Қонунларининг нормалари моддий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, метод сифатида улар ушбу қонун мақсадига тааллуқли бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир. Фуқаролик Кодексининг VI бўлимида назарда тутилган коллизион нормалар умумий метод сифатида Фуқаролик кодексининг моддий-ҳуқуқий нормалари билан нафақат унинг 2-моддасининг 1-қисмида келтирилган муносабатларни ва унда келтирилмаган, лекин ўз хусусиятлари билан уларга монанд муносабатларни Кодекснинг моддий-ҳуқуқий нормалари воситасида тартибга солишга ёрдам беради, муайян муносабатлар бўйича давлатлар қонун нормаларида мавжуд номувофиқликларни бартараф қилишга хизмат қилади.

б) **Моддий - ҳуқуқий нормаларнинг афзаллиги яна шундан иборатки, уларнинг асосида бевосита тартибга солиш методи қўллаш муайян муносабатларнинг иштирокчилари учун анча қулай бўлган аниқлик туғдиради, яъни улар ва уларни тадбиқ қилувчи органлар учун қайси нормага асосан масалани ҳал қилиш кераклиги олдиндан маъ-**

лум бўлади. Масалан, 1993 йил 23 декабрда Ашгабат шаҳрида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар корхоналари ва тармоқларининг ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг умумий шарт-шароитлари ва тартиби тўғрисидаги Битим Ўзбекистон Республикаси томонидан 1994 йил 6 майда ратификация қилинди. Демак, ушбу Битим шартлари ушбу санадан бошлаб Ўзбекистон учун кучга кирди. Ушбу Битимда назарда тутилган шартлар унинг тарафлари ўртасида ўзаро келишилган ва аввалдан маълум. Шундай экан Битим тарафлари ўртасидаги муносабатлар коллизион метод қўлланмасдан бевосита тартибга солиш методи асосида амалга оширилади.

в) Моддий-ҳуқуқий нормаларни тузишда бевосита тартибга солиш методини қўллаш ҳуқуқий тартибга солиш қоидаларини белгилашда, коллизион методдан фарқли ўлароқ, шартноманинг бир томонлама манфаатга қаратилган бўлишидан сақлаб қолади, чунки унинг мазмунини ташкил қилувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек унинг тарафларининг муносабатларини тартибга солувчи қоидалар олдиндан келишилган ва белгиланган бўлади. Коллизион метод билан тартибга солишда иккала тарафнинг ҳам манфаатини доимо бир хилда ҳисобга олиб бўлмайди. Коллизион нормалар халқаро шартнома тузиш йўли билан яратилган тақдирда бу масала қисман ҳал бўлиши мумкин, лекин охиригача унинг ечимини топиш қийин, икки ёки кўпчилик давлатларнинг ички қонунларидаги қарама-қаршиликларга дуч келиш тугамайди. Муҳим иқтисодий масалалар бўйича халқаро шартномалар тузиш йўли билан муносабатларни бевосита тартибга солиш методига ўтиш моддий-ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштириш учун замин яратади. Шунинг билан бирга халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида моддий-ҳуқуқий нормаларнинг, ва айниқса, бирхиллаштирилган моддий-ҳуқуқий нормаларнинг яратилиши коллизион нормаларни бирхиллаштиришга бўлган эътиборни сусайтириб юбормасликни талаб қилади. Чунки Коллизион нормалар ҳозир ҳам, келажакда ҳам халқаро ҳўжалик, савдо, транспорт муносабатларини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

3-§. Коллизион нормаларни изоҳлаш, шарҳлаш ва тадбиқ қилиш

1. Ҳуқуқий нормаларни тўғри, аниқ ва бир хилда қўлланиш учун уларга изоҳ бериш, шарҳлаш мақсадга мувофиқ. Изоҳ давлат органлари, турли ташкилотлар ва алоҳида фуқаролар томонидан берилиши мумкин. Изоҳ беришдан асосий мақсад ҳаётда юз берган муносабатга қўлланиши зарур бўлган ҳуқуқий нормага расмий ва норасмий, илмий ва амалий равишда баҳо бериш, унинг мазмунини тушуниш, англаб етиш ва масалани тўғри, оқилона ҳал қилишдан иборат.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини изоҳлаш ички давлат қонуни нормаларига нисбатан анча мураккаб. Ички давлат қонуни нормалари аксарият ҳолларда моддий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, тегишли муносабатларга нисбатан, юқорида айтилиб ўтилганидек, тўғридан-тўғри, яъни бевосита қўлланилади. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари коллизион характерга эга бўлганлиги туфайли чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан бевосита эмас, балки билвосита, яъни турли давлатларнинг ҳуқуқ нормалари асосида уларга амал қилинган ҳолда қўлланилади. Бунда бир йўла турли давлатларнинг ҳуқуқ нормаларига, шунингдек уларда бўлган тўқнашувларни бартараф қилиш вазифасини бажарадиган коллизион нормаларга биргаликда изоҳ беришга тўғри келади. Бу анча мушкул ва муҳим масала, унинг тўғри ҳал қилиниши хусусий ҳуқуқ муносабатларида иштирок этувчиларининг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ.

Коллизион нормани изоҳлаш учун унинг таркибини ташкил қилувчи-ҳажми ва боғловчи элементларига ва бошқа барча юридик тушунчалари ва қоидаларига тўғри баҳо бериш керак. Баъзан ички давлат нормаларига турлича тушунча берилади, бу коллизион нормаларга изоҳ беришда қийинчи лик туғдиради.

Коллизион норманинг тузилиши ўз вазифасига кўра моддий-ҳуқуқий нормалардан фарқ қилади. **Ҳар бир коллизион норма икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми коллизион норманинг ҳажми деб аталади. Ушбу қисмида коллизион норма қўлланиши керак бўлган тегишли ҳуқуқий муносабатлар, яъни мулкӣ, номулкӣ шахсий оилавий муносабатлар, шартномага асосланган ёки асосланмаган муносабатлар ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар ҳақида гап юритилади. Коллизион норманинг иккинчи қисми турли равишда коллизион боғловчи қисм деб аталади. Боғловчи - бу муайян муносабатга нисбатан қўлланиладиган қонунни (ҳуқуқ тизимини) кўрсатувчи қисмдан иборат.**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиловчи ва боғловчи коллизион нормаларни қуйидаги моддаларда кўриш мумкин: фуқаролар иштирокидаги муносабатларни тартибга солишда жисмоний шахснинг қонуни (1168-м.), жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ (1169-м.), юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати (1176-м.), кўчар ва кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар (1184-м.), шартнома тузиш жойига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ (1189-м.), ташқи иқтисодий битимга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ (1181-м.), ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддатига тааллуқли ҳуқуқ (1182-м.), ворисликка доир қўлланиладиган ҳуқуқ (1187-м.) ва ҳоказо.

Коллизион нормалар ҳажми бўйича қандай муносабатларга нисбатан қўлланиши кераклиги ҳақида бир хил ёндашиш мавжуд эмас. Европа континенти ҳуқуқи, яъни Роман-герман мамлакатларининг ҳуқуқий тизими бўйича даъво муддати моддий ҳуқуқ институти сифатида баҳоланади. Ўзбекистон Фуқаролик Кодексининг 12-бобида ҳам шунга ўхшаш баҳо берилади. Ушбу давлатларнинг моддий ҳуқуқ нормалари даъво муддати масалалари бўйича коллизион нормаларнинг юзага келиши тан олинади ва коллизион нормага мувофиқ даъво муддатларига нисбатан Ўзбекистон ҳуқуқи ва чет эл мамлакати ҳуқуқи нормаларини қўллашга йўл қўйилади. Аммо Англия-Америка ҳуқуқ тизимларида даъво муддати моддий эмас, балки процессуал институт сифатида баҳоланади. Бундай баҳо бериш натижасида даъво муддати масаласи коллизион норма қўлланидиган доирадан ташқарига чиқазилади ва даъво муддатини ҳал қилиш суд ишини кўраётган мамлакат ихтиёрида бўлиши назарда тутилади. Даъво муддати процессуал ҳуқуқи институти деб қаралар экан, Ўзбекистон судида даъво муддати қўлланиши керакми ёки йўқми деган савол туғилади. ЎЗР Фуқаролик кодексининг 1183-моддасига мувофиқ даъво муддати мамлакатнинг тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланилаётган ҳуқуқи бўйича белгиланади. Демак, ушбу модда коллизион нормага амал қилади, даъво муддатини белгилашда ЎЗР Фуқаролик кодексининг фақат 12-бобидаги қоидалар эмас, балки бирон-бир, жумладан Англия ҳуқуқи нормалари ҳам қўлланилади. 1966 йилда Англиянинг “Хьюсон, Чэпмен энд Ко Лтд” фирмасининг Собиқ Иттифоқнинг “Экспортлес” бирлашмасига нисбатан кўзғатилган даъво бўйича ишнинг Чет эл савдо арбитражи комиссияси томонидан кўрилишида Англиянинг қонуни бўйича даъво муддатини қўллаш масаласининг устида тортишув бўлади. Битим Англияда тузилган бўлганлиги туфайли Чет эл савдо арбитражи комиссияси олти йиллик даъво муддатини қўллайди, совет давлати қонуни билан белгиланган уч йиллик муддатни инобатга олмайди. Арбитражнинг қарори даво муддати ўтиб кетгач ҳуқуқни қиёсий изоҳлаш ва уни тиклаш ҳақида талаб қилиб бўлмайди деган умумий тушунчага асосланади.

Муносабат иштирокчисининг, яъни жисмоний шахснинг яшайдиган жой қонунига, юридик шахс органи жойлашган жойнинг қонунига, шартнома тузилган жой қонунига ҳавола қилувчи, яъни кўрсатиш вазифасини бажарадиган боғловчи коллизион нормаларини изоҳлашда ҳам қийинчиликлар туғилади. Бир кўринишда тушуниш учун осон бўлган боғловчи нормалар уларга қандай изоҳ беришга қараб ҳар хил мазмундан иборат бўлган қарор қабул қилишга олиб келиши мумкин. Масалан, Европа қитъасининг кўпчилик давлатларида шартноманинг тузилган жойи деб оферент томонидан акцептни қабул қилиб

олган жой тушунилади. Англия ҳуқуқи бўйича “почта қутиси”, таълимоти қўлланилади, бунга кўра қаердан акцепт жўнатилган бўлса, ўша жой контракт тузилган жой деб ҳисобланади. Шундай қилиб контракт тузилган жойни белгилаш учун коллизион норма бўлишидан қатъий назар, ушбу жой турли давлатлар қонунларида қандай белгиланишига қараб турли хулосаларга келиш мумкин. Бу эса коллизион норманинг боғловчи қоидасини танлашда ва қўллашда маълум даражада қийинчиликлар туғдиради.

Қонун бўйича коллизион нормалар бир томонлама ва икки томонлама бўлиши мумкин. Коллизион нормани икки томонлама боғлашда судлов мамлакати ҳуқуқи ва шунингдек чет эл мамлакати ҳуқуқини қўллаш, коллизион нормани бир томонлама боғлашда эса, бир томоннинг ҳуқуқ нормасини қўллаш билан чекланади, амалда кўпроқ судлов мамлакати ҳуқуқини қўллаш юз беради. Коллизион нормани бир томонлама қўлланиш учун Ўз.Р. Фуқаролик кодексининг 1199- моддаси мисол бўлиши мумкин. Ушбу моддага биноан кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича Ўзбекистон Республикасининг реестрида қайд этилган мол-мулкка ворислик эса Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Бу ерда коллизион нормани бир томонлама қўллаш икки ҳолатда рўй бермоқда:

а) кўчмас мулк масалан, ер, қурилмалар, уй-жойлар, кўп йиллик ўсимликлар, дарахтлар ва ер билан узвий боғлиқ, бошқа мулклар қайси давлат ҳудудида жойлашган бўлса, ўша давлатнинг ҳуқуқини қўллаш;

б) мол-мулк кўчар ёки кўчмас бўлишидан қатъи назар, у Ўзбекистонда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса (масалан, дарёда фойдаланадиган катер ва қайиқлар, автомашина, трактор ва ҳ.к.) уларга ворислик Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Коллизион норманинг икки томонлама бўлишига мисол учун ЎзР Фуқаролик кодексининг 1197-моддасини келтириш мумкин. Мазкур моддага биноан мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, мерос тартиби мерос қолдирувчи охириги доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Бу ерда мерос қолдириш бўйича икки мамлакат ҳуқуқини қўллаш мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Коллизион нормалар ҳам моддий-ҳуқуқий нормалар каби императив (қатъий, мажбурий) ёки диспозитив (ҳавола этувчи) нормалардан иборат бўлиши мумкин. Коллизион норманинг диспозитив тарзга эга бўлган қисмини ўзгача қўллаш тўғрисида тарафлар битим бўйича ўзаро келишиб олган бўлишлари мумкин. Масалан, ЎзР Фуқаролик кодексининг 1181-моддасида битимнинг шакли бўйича Ўзбекистон Республикаси ёки бирон-бир чет эл давлати қонунларининг тадбиқ этилиши мумкинлиги белгиланади. Агар чет элда тузилган битим бўйича Ўзбеки-

стон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, унинг шаклига риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас. Демак битимнинг шакли чет мамлакат ҳуқуқига мос келишига йўл қўйилади.

ЎзР Фуқаролик кодексининг 1190-моддасида назарда тутилган деярлик барча коллизия нормалар диспозитив характерга эга. Масалан, олди-сотди шартномаси, ҳады шартномаси, ижара шартномаси, пудрат шартномаси ва бошқа қатор шартномалар бўйича қайси мамлакат ҳуқуқини қўллаш ҳақида тарафлар келишиб олган бўлишлари мумкин. Агар бундай келишув бўлмаган тақдирда шартномалар объектларининг хусусиятлари (масалан, кўчар ёки кўчмас мол-мулк) ҳисобга олган ҳолда у ёки бу давлатнинг қонунини қўллаш назарда тутилади. Лекин ушбу модданинг ўзида икки хил тоифадаги шартномаларга нисбатан тарафлар томонидан ҳуқуқни танлаш имконияти назарда тутилмаган. Ушбу модда 2-қисмининг 2-банди қуйидаги мазмунда: биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага ва қурилиш пудрат шартномасига нисбатан - ана шундай фаолият амалга оширилаётган ёки шартномада назарда тутилган натижалар яратилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади; 3- банди қуйидаги мазмунда: кимошди савдосида, танлов бўйича ёки биржада тузилган шартномага нисбатан - кимошди савдоси, танлов ўтказилаётган ёки биржа жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланиши белгиланади. Фуқаролик кодексининг 1191-моддасига мувофиқ чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади. Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган коллизия нормалар императив (мажбурий) характерга эга.

Фарб давлатларидаги ҳукмрон таълимот бўйича юридик тушунчаларга изоҳ бериш коллизия нормага асосан у ёки бу давлатнинг қонунини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал қилгунга қадар судлов мамлақати қонунига асосан амалга оширилиши керак. Агар коллизия нормага асосан чет эл қонуни қўлланиши назарда тутилган бўлса, изоҳ бериш суд томонидан ҳавола қилинган давлат қонунига асосан амалга оширилиши мумкин.

2. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига изоҳ бериш, яъни уларнинг тузилиши (ҳажм ва боғловчи қисмлардан ташкил топиши), ёки бир томонлама ёки икки томонлама, диспозитив ёки императив характерга эканлигини аниқлаш уларни муайян муносабатларга нисбатан тўғри қўллаш учун имконият яратади.

Бошқа давлатлар ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқ субъектлари билан ўрнатиладиган муносабатларни тартибга солишда умумий ҳуқуқий тушунчалар муҳим аҳамиятга эга. Коллизия нормалар чет эл ҳуқуқ тизими ва улар таъсирида вужудга келган субъектив ҳуқуқларининг чекланма-

ган доирада бўлишига қаратилади. Шундай экан ушбу нормалар ўз мазмунига кўра тегишли ҳуқуқ тизимларига нисбатан умумий бўлган атамалар, тушунчалар билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда коллизион нормалар тушунчаси ва атамалари мазмуни жиҳатдан муайян ички давлат ҳуқуқи тушунчалари ва атамаларига ўхшаш бўлмаслиги мумкин. Бизнинг қонуннинг коллизион нормаларида ишлатилган “ашёвий ҳуқуқлар” ёки “фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати” деган тушунчалар мазмуни жиҳатидан Фуқаролик кодексидаги шунга ўхшаш тушунчалар мазмунига мос келмаслиги мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1184-моддасидаги коллизион нормада берилган “Ашёвий ҳуқуқлар” тушунчаси мазмуни жиҳатидан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ўз ичига олади. Фуқаролик кодексининг 165-моддасидаги “ашёвий ҳуқуққа” берилган тушунча бўйича эса ушбу ҳуқуқнинг мазмунини мулк ҳуқуқи субъекти бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқлари, масалан, хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи ташкил қилиши мумкин. Демак, ашёвий ҳуқуқ тушунчасининг, мазмунида, унинг коллизион нормада ёки моддий-ҳуқуқ нормасида келтирилишига қараб фарқи борлиги кўриниб турибди. Шундай экан коллизион норманинг амал қилиш доираси (ҳажми) умумийлаштирилган, яъни турли ҳуқуқ тизимлари учун умумий бўлган юридик тушунчалар билан ифода этилган бўлиши керак. Коллизион боғловчи нормани таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда бошқача ҳолат юз беради: ҳуқуқни қўллаш ҳақидаги тўлиқ қоида аниқ кўрсатилмаса судлов мамлақати қонуни бўйича боғланиш ушбу мамлакатнинг ички (фуқаролик, оила, меҳнат) ҳуқуқининг тегишли институтларида берилган тушунчалардан фойдаланиш йўли билан таъминланади. Коллизион боғловчи норманинг тушунчаси айрим махсус ҳолларда қонуннинг ўзида берилади.

Ҳуқуқни қўллашда қарши томонга (обратная отсылка) ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш энг мураккаб масалалардан иборат. Бундай ҳавола этиш чет эл ҳуқуқини қўллашни англатади. Лекин Фуқаролик кодексининг 1161-моддасига мувофиқ ҳавола этиш коллизион нормани қўллаш эмас, балки моддий ҳуқуқ нормасини қўллаш йўли билан амалга оширилади. Агар Ўзбекистон қонуни ҳужжатлари чет эл ҳуқуқига ҳавола этсаю, чет эл ҳуқуқида тегишли муносабатларни тартибга солиш назарда тутилмаган бўлса, бундай ҳолда Ўзбекистон қонун ҳужжатларини қўлдамасликка асос йўқ. Чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда чет эл ҳуқуқи Ўз.Р. Фуқаролик кодексининг 1168-моддасига, 1169-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларига, 1171-ва 1174-моддаларига мувофиқ қўлланиладиган ҳолларда қарши томон сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола

этилади. Шунди ҳисобга олиш керакки, агар чет эл давлати ҳуқуқининг коллизия нормаси Ўзбекистон Республикаси қонун нормасини қўллашга ҳавола қилган бўлса, ушбу давлатнинг суди ёки бошқа тегишли органи Ўзбекистон Республикасининг қонунини қўллайди. Чунки шунга ўхшаш қоида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг коллизия нормасида назарда тутилади.

4-§. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ

Коллизия нормага эга бўлган деярлик барча ҳуқуқ тизимларида оммавий тартиб тўғрисида изоҳлаш мавжуд. Бундай изоҳлашдан асосий мақсад судлов мамлакатининг (масалан, Ўзбекистоннинг, агар масала, Ўзбекистон судига тааллуқли бўлса) оммавий тартибига тўғри келмайдиган чет эл қонунини тадбиқ қилишни ушбу мамлакат (Ўзбекистоннинг) коллизия нормаси билан чеклаб қўйишдан иборат. Бундай изоҳлаш йўли билан қонуннинг чекланиши олдиндан огоҳлантириб қўйилиши коллизия нормалар воситасида қўллаш учун ҳавола қилинадиган қонунлар доираси ноаниқ эканлиги билан боғлиқ.

ЎЗР Фуқаролик кодексининг 1164-моддасида назарда тутилган қоидага биноан “Чет эл ҳуқуқини қўлланиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди”. Шунга ўхшаш қоида Ўзбекистоннинг 1963 йилда қабул қилинган Гражданлик кодексининг 621-моддасида ҳам бор эди. Лекин унда, агар чет эл қонунини қўллаш чекланган тақдирда қайси мамлакатнинг қонунини қўллаш мумкин деган саволга жавоб йўқ эди. Бу саволга жавоб ҳам 1164-моддада берилди ва у қуйидаги қоида билан тўлдирилди: “Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади”. Демак чет эл қонуни Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган оммавий тартибга, ҳуқуқ-тартибот асосларига зид келган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи қўлланилади.

Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳга 1164 -моддада яна битта муҳим тушунтириш берилди. Шу билан ушбу изоҳни ўринсиз кенг қўлланишини олди олинди. Мазкур модданинг 2-қисмига биноан “Тегишли чет эл давлатнинг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизимидан фарқланишигина чет эл ҳуқуқи қўлланилишини рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасига биноан чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари ва халқаро шар-

тномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар. Чет эл фуқаролари Ўзбекистон фуқаролари фойдаланадиган ҳуқуқ лаёқатига тенг эга бўлганлари каби никоҳ лаёқатига ҳам эгадирлар. Никоҳ тузиш тартиби ва уни расмийлаштириш учун белгиланган шартлар (Оила кодексининг 13-17 - моддалари) чет эл фуқаролари учун ҳам тааллуқлидир. Шунга кўра ана шу моддаларда белгиланган шартлар бузиладиган ва никоҳ тузишга монелик қилувчи (Оила кодексининг 16-моддаси) ҳолатлар бўлса, никоҳни қайд қилишга йўл қўйилмайди. Масалан чет эл фуқаросининг қонуни бўйича унга икки ёки ундан ортиқ хотин олиш (полигамлик никоҳ) ҳуқуқи назарда тутилган бўлсада Ўзбекистон ҳудудида ва Ўзбекистон қонунига мувофиқ унинг иккинчи никоҳи қайд қилинмайди. Демак бундай ҳолларда Ўзбекистон қонуни қўлланилади. Лекин полигамлик никоҳда йўл қўядиган қонунга асосан тузилган бундай никоҳдан туғилган болалар учун Ўзбекистон суди қарори билан алимент ундириш мажбурияти бекор қилинмайди, чунки чет эл қонунига асосан чет элда туғилган болалар учун алимент ундириш қонунига Ўзбекистон қонунига зид келмайди.

Чет эл ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиши давлатимиз тузилиши, унинг ҳуқуқий-тартиботи асосларига, ўрнатилган оммавий тартибга зид эканлиги ҳолатини эмас, балки, бу асосларга, тартибга чет эл ҳуқуқининг зид келишини ва шунинг учун қўллаб бўлмаслигини англатади.

Оммавий тартиб тушунчаси суд тажрибасида ва кўпгина давлатларнинг таълимотида ўзининг мавҳумлиги билан ажралиб туради. Бунинг устига Фарб давлатларининг айрим юристлари фикрига кўра оммавий тартиб тушунчасининг аниқ эмаслиги унга хос бўлган ва уни ифодаловчи хусусият ҳисобланади. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳдан айрим судлар ўзга давлат ҳуқуқини четлаб ўтиш, баъзан умуман тан олмаслик мақсадида фойдаланадилар. Бундай тажриба ўтмишда ижтимоий-иқтисодий тизими турлича бўлган мамлакатлар ҳуқуқига нисбатан кўп ишлатиларди. Ушбу изоҳни қўллаш доирасини белгилаш кўпгина давлатларда тўлиғича суднинг хоҳишига топширилган эди. Бундай тажрибанинг давом этиши натижасида оммавий тартиб ва уни изоҳлаш тегишли даражада аҳамиятга эга бўлмай қолди.

Бизнинг қонунларимизда, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, баъзи бир ҳолларда чет эл қонунларининг Ўзбекистонда қўлланиши учун чеклашларга йўл қўйилади. Лекин шунга эътибор бериш керакки Ўзбекистон қонунлари билан чет эл давлатлари қонунлари ўртасидаги фарқланишлар оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳни тадбиқ қилиш учун ўз ҳолича асос бўлиши мумкин эмас, чунки ушбу изоҳни барча ҳолларда тадбиқ қилиш Ўзбекистонда чет мамлакатлар ҳуқуқининг қўлланишини умуман инкор қилишга олиб келиши мумкин.

5-§. **Ҳуқуқни қўллашда ўзаролик ва реторсиялар**

1. Ўзбекистон чет эл мамлакатлари билан иқтисодиёт, фан-техника, маданият ва бошқа соҳаларда алоқалар ўрнатишни изчиллик билан амалга оширомоқда. Чет эл мамлакатлари ҳам Ўзбекистон билан ушбу соҳаларда алоқалар ўрнатиш тарафдори. Алоқалар ўрнатишда ва уни ривожлантиришда тарафлар тенг ҳуқуқлилик тамойилига амал қилмоқдалар. Бундай тенг ҳуқуқлилик давлатларда қабул қилинган қонунларнинг амалда бўлишини ва ўзаро тадбиқ қилинишининг улар томонидан тан олиншида ҳам ўз аксини топмоқда.

Чет эл қонунлари асосида вужудга келган ҳуқуқлар Ўзбекистонда тан олинади. Бундай ҳолларнинг барчасида ўзаролик муносабати кенг маънода ўрнатилганлиги ҳақида гапириш мумкин. Халқаро хусусий ҳуқуқ таълимоти бўйича ўзаролик деярлик қисқа маънода, яъни маълум режим, тартиб белгиланганлиги (энг қулай ва миллий тартиб) ёки чет эл фуқароларига ва юридик шахсларига қандайдир ҳуқуқлар берилганлиги маъносида ҳам тушунилади.

Ўзароликнинг асосий моҳияти шундан иборатки, Ўзбекистонда чет давлат фуқаролари ва юридик шахсларига берилган маълум ҳуқуқлар Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахслари учун ушбу чет эл давлатида ҳам шунга ўхшаш ҳуқуқлардан фойдаланиш шарти билан берилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда ўзаролик икки, яъни моддий (материальный) ва расмий (формал) кўринишларда аён бўлади. Ўзаролик моддий ҳуқуқда Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларига чет элда берилган ва улар фойдаланмоқда бўлган маълум ҳуқуқлар ва ваколатлари ушбу чет эл фуқаролари ва юридик шахсларига Ўзбекистонда ҳам берилиши тушунилади. Ўзароликнинг расмий ҳуқуқда чет эл фуқаролари ва юридик шахсларига муайян давлатнинг маҳаллий қонунларида назарда тутилган ҳуқуқ ва ваколатлар берилиши, яъни уларнинг маҳаллий фуқаро ва юридик шахсларининг ҳуқуқий ҳолатига тенглаштириш тушунилади.

Ўзароликнинг расмий тартибда қўлланишига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида назарда тутилган қоида мисол қилиб олиш мумкин. Ушбу қоидага биноан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган ҳуқуқларга эга ва бурчларни адо этадилар.

Ўзароликда чеклашларга ҳам йўл қўйилади. Масалан, чет эл фуқаролари ўз давлатларида эга бўлган ҳуқуқларидан агар Ўзбекистон қонун ҳужжатларида тегишли ҳуқуқлар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида фойдаланиш учун талаб қила олмайдилар.

Ўзбекистоннинг чет давлатлар билан муносабатларида чет эл фуқаролари ва юридик шахсларига ҳуқуқий тизимнинг бир хил эмасли-

гини инобатга олиб, ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллаш халқаро шартномаларда фақат миллий тартиб ва энг қулай муҳит яратиб бериш мақсадида амалга оширилади.

Ҳуқуқни қўллашнинг ўзаролик моддий кўринишини асосан давлатлар ўртасида тузилган шартномаларда учратамиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Германия Федератив Республикаси билан инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида, Россия Федерацияси билан икки томонлама қўллаб-қувватлаш ва солиқдан озод қилиш тўғрисида, Франция билан эркин ҳаракат тўғрисида, АҚШ билан савдо муносабатлари тўғрисида, Эрон Исломи Республикаси билан халқаро автомобил ҳаракати тўғрисидаги битимларда ва бошқа масалалар бўйича давлатлараро тузилган шартномаларда ҳуқуқни ўзаролик моддий кўриниши асосида қўллашга амал қилинган.

2. Ҳуқуқни қўллашда ўзаролик билан бир қаторда, ўзаро жавоб тариқасида чеклашлар (реторсия)га ҳам йўл қўйилади. Агар бир давлат бошқа бир давлат ёки унинг фуқароларини ноҳақ камситиш йўли билан унга зарар етказиш учун қандайдур чора-тадбир қўллаган бўлса, бошқа давлат ҳам унга нисбатан шунга ўхшаш чекловлар, яъни чора-тадбирни жавоб тариқасида қўллаши мумкин. Бундай чора-тадбирни қўллашдан асосий мақсад биринчи давлат томонидан қўлланган чекловнинг бекор қилинишига эришишдан иборат.

Агар бизнинг давлатимизга, фуқароларимизга ёки юридик шахсларимизга нисбатан бошқа бир давлат томонидан камситиш тартибида қандайдир чекловлар жорий қилинган бўлса, Ўзбекистон ҳам ушбу давлат фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан жавоб тариқасида чеклов характерида эга бўлган чора жорий қилиши мумкин. ЎзР Фуқаролик кодексига умумий қоидага мувофиқ чет эл фуқаролари ва юридик шахслари Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахслари каби ҳуқуқ лаёқатида эгадирлар. Шунинг билан бирга Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ЎзР Фуқаролик кодексининг 1167-моддасида қуйидаги қонун ҳужжатлари қўйилган: “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқларига махсус чекловлар қўйган давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига жавоб тариқасида чекловлар (реторсиялар) белгилаши мумкин”.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан чеклов чоралари (реторсия)ни жавоб тариқасида маълум давлат (давлат органлари, фуқаролари, юридик шахслари)га нисбатан қўллаш камситмаслик тамойилининг бузилиши сифатида қаралмайди, яъни камситиш деб ҳисобланмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йил 6 май куни ратификация қилинган 1961 йилги Дипломатик алоқалар

тўғрисидаги Вена Конвенциясига биноан “чет давлати вакилликни аккредитация қилувчи давлат томонидан мазкур Конвенциянинг чеклов қоидаларининг қўлланиши” камситиш деб ҳисобланмайди. Ана шундай қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Божхона божи тўғрисида” ва “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунларида ҳам назарда тутилади.

III БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Коллизион норма тушунчасига таъриф беринг.
2. Халқаро хусусий ҳуқуқда коллизион норманинг қандай аҳамияти бор?
3. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида қандай моддий-ҳуқуқий нормалар бўлиши мумкин?
4. Коллизион нормалар қандай изоҳланади?
5. Икки томонлама ва бир томонлама коллизион нормалар нима билан фарқланади?
6. Коллизион нормада қандай асосий боғланишлар мавжуд?
7. Оммавий тартиб деганда нимани тушунасиз ва бундай тартиб қандай изоҳланади?
8. Ҳуқуқни қўллашда ўзароликни қандай тушунасиз?
9. Реторсиялар қандай ҳолларда қўлланади?

Тавсия этилган адабиётлар

Богуславский М.М. Международное частное право. М.: Международные отношения, 1994.

Вилков Н.Г. Унификация коллизионных норм в рамках СНГ./ Журнал Российского права. 1997, № 10.

Ерпылева Н.Ю. Коллизионные вопросы в современном частном праве./ Законодательство и экономика. 1998, №2.

Звеков В.П. Международное частное право. М.: Издательство НОРМА, 2000.

Международное частное право. Учебник под. ред. *Марышева Н.И.* М.: “Контракт”. 2000.

Тихомиров Ю.А. Согласованность и коллизии норм/ Московский журнал международного права, 1996, № 2.

Швыдок Н.Г. Международная унификация коллизионных норм семейного права/ Право и экономика, 1995, № 15-16.

IV БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚҚА БИНОАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1-§. Турли давлатларда чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатлари. Жисмоний шахснинг шахсий қонуни, ҳуқуқ ва муомала лаёқати

Асосий масалага ўтишдан олдин, бизнинг фикримизча, шуни таъкидлаш жоизки, ХХХ доктринасида “чет эл фуқаролари ҳуқуқи” иборасини учратиш мумкин. Бу ибора ривожланиш борасида, асосан оммавий ҳуқуқ доирасида чет эл фуқаролари учун махсус ҳолатни, мақомни барпо этишга қаратилган эди. Одатда “чет эл фуқаролари ҳуқуқи” уларнинг муайян мамлакатда жойлашиши, ишга кириши ва ҳ.к. вазиятлар бўйича тегишли тартиб-қоидаларда ўз аксини топгандир. “Чет эл фуқароларининг ҳуқуқи”ни, умуман олганда, чет эл фуқароларининг ҳуқуқини чеклашга қаратилган нормалар йиғиндиси сифатида тушуниш лозим деган фикр ҳам мавжуддир. Чеклашлар асосан жойдан жойга ўтиш, маълум бир касб билан шуғулланиш, кўчмас мулкка эгаллик қилишларга тегишлидир. Ҳозирги шароитда “чет эл фуқаролари ҳуқуқи” чет эл фуқаролари ва миллий фуқаролар орасидаги муносабатларни тартибга соладиган алоҳида ҳуқуқ соҳаси мавқеини сақлаб қолмаган. Чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати (*la condition des étrangers*) турли хил мамлакатларда анъанавий ХХХ доирасига киририлгандир. Булар Франция ва ҳуқуқ тизими француз ҳуқуқи таъсирида шаклланган мамлакатлардир. Кўпчилик мамлакатларда эса хусусан бу доирада тартибга солишни синчковлик билан амалга ошираётган мамлакатларда (ГФР, Австрия ва бошқ.), чет эл фуқароларининг ҳуқуқлари маъмурий ҳуқуқнинг таркибий қисми деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, чет эл фуқароларининг ҳуқуқи - чет эл фуқароларининг махсус ҳолатини (статусини) белгилайдиган нормалар йиғиндисидир.

Одатда “чет эл фуқароларининг ҳуқуқи” чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатини тор ва кенг маънода белгилайди. Тор маънода бу нормалар асосан маъмурий - ҳуқуқий характерга эгадир; улар чет эллик фуқаронинг ҳолати миллий фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатидаги фарқларга бағишлангандир. Кенг маънода эса ҳар томонлама қамраб олувчи барча нормаларнинг йиғиндисидир.

Ўзбекистон Республикасида, бошқа МДХ давлатлари сингари, “чет эл фуқароларининг ҳуқуқи” ҳуқуқ тизимида алоҳида ҳуқуқ соҳаси бўлиб ҳисобланмайди. Бунинг сабаби қуйидагича: тартибга солиш пред-

мети бўйича мазкур нормалар ҳуқуқнинг турли хил соҳаларига мансубдир (давлат, маъмурий, фуқаролик, меҳнат, оила, жиноят, процессуал ҳуқуқлари ва ҳ.к.)

Юқорида таъкидланганидек, “фуқаролар ҳуқуқи” қатор давлатларда ҳозирги вақтгача ХХХқа бевосита киритиларди. Бу ерда “фуқаролар ҳуқуқи” бўйича фуқаролик масалаларини тартибга солидиган нормалар йиғиндиси тушуниларди.

Фуқароликни белгилаш ҳар бир давлатнинг юрисдикция предмети ташкил этади. Бу ердан шундай ҳолат келиб чиқадики, ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги фуқароликни ўзи белгилайди: Франция фуқаролигини Ўзбекистон ҳуқуқи нормалари асосида ва, аксинча, Ўзбекистон фуқаролигини француз қонунчилиги асосида қабул қилиш мумкин эмас. Шахс фуқароликни олиши ва ундан маҳрум этилиши давлат розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас.

Фуқаролик ўзи қатор ҳолатларда аҳамиятли коллизия тамайил бўлиши мумкин. Лекин бизнинг ҳамда кўпчилик мамлакатларнинг доктриналари (таълимоти) бўйича бу ҳолат фуқаролик институтини ХХХ доирасига киритиш учун асос бўла олмайди.

Фуқаролик институти комплекс характерга эгадир: уни қисман давлат, қисман халқаро ҳуқуқ доирасига таълуқли деб ҳисоблаш мумкин.

ХХХ доирасида фуқаролик институти бўйича изланишларни амалга ошириш, И.С. Перетерскийнинг таърифи бўйича, “қўмаклашув характерга” эгадир. У “чет эл элементли” мулкӣ ва бошқа муносабатларнинг субъекти кимлигини, яъни у ушбу мамлакатнинг фуқаросими, чет эл давлатининг фуқаросими ёки фуқаролиги бўлмаган шахсми деган саволга аниқлик киритади¹.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳар бир шахс ўзининг миллий қонунига бўйсунди, унинг ҳуқуқий ҳолати айнан шу қонун томонидан белгиланади. Халқаро хусусий ҳуқуқда эса у ёки бу муносабат қатнашчиси албатта хорижлик бўлиши назарда тутилади. Чет эл фуқароси иккита - ўзининг ва у ҳозир бўлган давлатнинг ҳуқуқий тартибига бўйсундиши назарда тутилади. Ушбу иккиламчиликда чет эллик фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хослиги намоён бўлади. Демак, конкрет ҳуқуқий муносабатда чет эл фуқароси ҳуқуқий ҳолати қайси қонун билан тартибга солиниши катта аҳамиятга эгадир.

Бу масала жисмоний шахснинг шахсий қонуни тушунчаси орқали ҳам ҳал этилади.

Шахсий қонунни тадбиқ қилиш доирасига - жисмоний шахснинг фуқаролик ҳуқуқий ҳолати масалалари, унинг ҳуқуқ ва муомала лаё-

¹ Қаранг: Международное частное право: современные проблемы:-М.: ТЕИС, 1994, 119-125 бет.

қати, оила муносабатлари доирасида шахсий ҳуқуқлар, ворислик муносабатлари киради. Шахсий қонун икки вариантда қўлланилади: фуқаролик қонуни (миллий қонун) - *lex patriae* (*lex nationalis*) ва турар жой қонуни - *lex domicilii*. Фуқаролик қонунига мурожаат қилинган ҳолда, юқорида қайд этилган муносабатлар шахснинг фуқаролиги мансуб мамлакат ҳуқуқига бўйсунди. Турар жой қонунини қўллашда эса, шахснинг қайси давлат ҳудудида доимий ёки мунтазам равишда яшганлиги ҳисобга олинади ва шу мамлакат ҳуқуқи асосий ҳисобланади.

Шахсий қонунга боғланишларни назарда тутувчи коллизия нормалар республика қонунларида ҳам, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ҳам мавжуддир.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1168-моддасида шахсий қонунга мурожаат қилиш учун асос бўлган ҳолатларни кўрсатувчи умумий қоидалар акс эттирилган ва қуйидагилар мустаҳкамланган:

Жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади. Шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган тақдирда у қайси мамлакат билан энг кўп узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланади.

Фуқаролиги бўлмаган шахс қайси мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади.

Қочоқларга нисбатан эса уларга бошпана берган мамлакатнинг қонуни шахсий қонун ҳисобланади.

Шахсий қонунга ҳавола этиш, ЎЗР ФК 1169-моддасининг биринчи қисмига кўра, ҳуқуқий муносабатларнинг у ёки бу соҳасида жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ва муомала лаёқатларини белгилаш учун қўлланилади.

Жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати масаласига келсак, шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида ўзи фуқаро бўлган давлат қонунчилигига кўра муомалага лаёқатсиз ҳисобланувчи 18 ёшга етган чет эл фуқароси билан битим тузишда қандай нормаларни қўллаш керак? — деган савол туғилади.

Ҳозирги даврда барча мамлакатлардаги жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати қонунлар томонидан тартибга солинган бўлиб, ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати тушунчалари ёрдамида очиб берилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқ ва муомала лаёқати тушунчалари барча ҳуқуқий тизимларда ҳам мазмун жиҳатидан фарқланавермайди. Англия ва АҚШда муомалага лаёқат ва ҳуқуқий лаёқат битта - ҳуқуқий лаёқат (*legal capacity*) - термини билан белгиланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ҳозирда “пассив ҳуқуқий лаёқат” термини ҳам қўлланилмоқда. Бу термин мазмуни жиҳатидан ҳуқуқий лаёқат тушунчасига яқин, “актив ҳуқуқий лаёқат” “*aktive*

сарасити”, “ҳуқуқий хатти-ҳаракатни амалга оширишга лаёқат” (sarasity for performance of legal act) термини эса муомалага лаёқатли тушунчасига мазмунан яқин. Францияда, худди Англиядагидек каби муомала лаёқати ва ҳуқуқ лаёқати ўртасида кескин иборавий тафовут йўқ. Франция ФКнинг 3-моддасида “sarasite” термини қўлланилади ва бунда муомала лаёқати ва ҳуқуқий лаёқат тушунилади. ФФКнинг 488-моддасида вояга етган фуқаро фуқаролик ҳаётининг барча хатти-ҳаракатларига лаёқатли бўлиши тўғрисидаги норма акс эттирилган. Суд амалиётида ва юридик адабиётларда муомала лаёқати (sarasite d.exercice) ва ҳуқуқий лаёқат (sarasite de jouissance)¹ бир биридан ажратилади. Француз ва инглиз ҳуқуқидан фарқли равишда Германия фуқаролик Тузумида (ГФТ) учта термин қўлланилади: “ҳуқуқий лаёқат” (Rechtsfahigkeit), “муомала лаёқати” (Delitsfahigkeit) ва “ҳуқуққа хилоф ҳаракатга лаёқат” (Deliktsfahigkeit). Бундай фарқлаш Швейцария фуқаролик кодексига ҳам кузатилади.

60-йилларнинг ўрталарида ғарб давлатларининг кўпчилигида вояга етиш ёши 21 ёшдан 18 ёшга туширилиши тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган эди. Масалан, ГФТнинг 2 параграфи ёшининг 18-йили тугаган кунда вояга етган деб ҳисобланишини кўрсатади. Швейцарияда вояга етган деб 20 ёшга етган шахс ҳисобланади. Англияда инсон 18 ёшга тўлган кунидан бошлаб вояга етган ҳисобланади. АҚШнинг турли штатларида вояга етган деб 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган шахслар ҳисобланади. Шунингдек, турли мамлакатларда вояга етмаганларнинг муомала лаёқати ҳажми турличадир².

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 17 ва 22-моддаларига кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари тушунчалари куйидагича берилган:

Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқларига ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Жисмоний шахснинг битимлар ва зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятларга нисбатан фуқаролик муомала лаёқати битимлар тузилган ёки зарар етказилишидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзага келган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади.

¹ Гражданское и торговое право капиталистических государств. Отв. ред. Е.А. Васильев. - М.: Международные отношения. 1993, 63-бет.

² Ўша жойда. 69-бет.

Жисмоний шахснинг хусусий тадбиркор бўлиши ҳамда бу билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати жисмоний шахс хусусий тадбиркор сифатида рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади. Рўйхатга олиш мамлакати бўлмаганда, хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган асосий жой бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Жисмоний шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш суд қайси мамлакатники бўлса, шу мамлакат ҳуқуқига бўйсунди (ЎЗР ФКнинг 1169 - моддаси, 3-5 - қисми).

Шахсий номулкий ҳуқуқларга нисбатан бундай ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб учун асос бўлиб хизмат қилган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади (ЎЗР ФКнинг 1179 - моддаси).

Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш сўраладиган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади (ЎЗР ФКнинг 1180 - моддаси, 1 - қисми).

Ворисликка доир муносабатлар, мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, мерос қолдирувчи охирги доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. (ЎЗР ФКнинг 1197 - м.)

Кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича, Ўзбекистон Республикасининг реестрида қайд этилган мол-мулкка ворислик эса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади (ЎЗР ФКнинг 1199 - м.).

2-§. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва муомала лаёқати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 моддасида¹ қуйидагилар белгиланган: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади.

Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгиланган мажбуриятларни бажарадилар”.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаросининг ҳуқуқий ҳолати республика ҳудудида вақтинча яшовчи чет элликнинг ҳуқуқий ҳолатидан фарқланади.

Меҳнат фаолияти, турар жой билан таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш, таълим олиш каби соҳаларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари миллий

¹ Тошкент, “Адолат”, 1996 й.

фуқароларга тўла тенглаштириладилар. Ушбу шахсларнинг мақоми (ҳолати) Республикага вақтинча келувчи шахсларнинг мақомидан ажралиб туради.

ЎЗР ФКнинг 1169 - моддаси 2 - қисмига асосан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида унинг фуқаролари билан бир қаторда тенг ҳуқуқ лаёқатига эгадирлар.

Келтирилган ҳолат Ўзбекистон Республикасида чет элликларга миллий тартибнинг тақдим этилишини мустаҳкамлайди. Шу боис чет элликлар республикамизда ўзбекистонлик фуқаролар билан бир фуқаролик ҳуқуқий лаёқатидан фойдаланадилар. Бу дегани, Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаросининг фуқаролик ҳуқуқий лаёқати асосан Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланади.

Чет элликларга миллий тартибнинг тақдим этилишидан шу ҳолат ҳам келиб чиқадики, Ўзбекистон Республикасида чет элликлар маҳаллий фуқароларга берилган фуқаролик ҳуқуқларидан ўзга ҳуқуқларга даъво этолмайдилар; чет эл фуқароси унга имтиёзлар берилишини ёки маҳаллий қонундан истиснолар белгилашни талаб қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мустаҳкамланган ва чет элликларнинг фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига нисбатан қўлланувчи миллий тартиб қатъий характерга эга, яъни у чет эл фуқаросига ҳар бир маълум ҳолатда ўзароликни талаб қилмаган ҳолда тақдим этилади. Чет эл фуқаросининг турли соҳалардаги ҳуқуқини тартибга солувчи бошқа қонунчилик актлари ҳам ушбу тамойилдан келиб чиқади.

Чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир хил фуқаролик ҳуқуқий лаёқатларнинг тақдим қилиниши, одатда, чет эл фуқаросининг республикамизда турар жойга эга бўлиши билан боғлиқ эмас. Бироқ қонунда тўғридан тўғри кўзда тутилган айрим ҳолларда чет эл фуқаросига маълум ҳуқуқларнинг берилиши унинг Ўзбекистон Республикасида доимий равишда истиқомат қилиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг фуқаролар мулки тўғрисидаги умумий қоидалар чет эл фуқароларига ҳам тааллуқлидир. Чет элликлар, худди Ўзбекистон Республикаси фуқаролари каби ўзларига тегишли бўлган мулкка, албатта қонунда белгиланган чегарадан чиқмаган ҳолда эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилишлари мумкин.¹

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси “Мулкчилик тўғрисида” 1990 й. 31 октябр қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1993 й. 7 май, 1994 й. 23 сентябр, 1995 й. 6 май, 1996 й. 27 декабр қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

- Ҳуқуқ юридик информацион тизими. Ўзбекистон Республикасининг иқтисод қонунчилиги. 2002 й. 29 мартдаги версияси.

Бу ҳолат чет эл фуқаросига умуман тегишли бўлиши мумкин предметлар доираси ва чет элликнинг ўз мулк ҳуқуқларини амалга ошириш чегараларига тааллуқдир. Шу борада, қонунчиликда белгиланган қоидаларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча шахслар ва шу билан бирга чет элликлар ҳам риоя қилишлари зарур.

ЎЗР ФКнинг 1169 - моддасининг иккинчи қисми қонун томонидан чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларнинг берилиши борасида айрим истиснолар белгилаш имкониятини кўзда тутди.

Чет эл фуқароларига миллий тартибнинг тақдим этилиши, уларни нафақат фуқаролик ҳуқуқи соҳасида ўзбекистонлик фуқаролар билан тенглаштириш, балки, фуқаролик муносабатлари иштирокчилари сифатида уларга миллий қонунчилик қоидаларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни юклаш демакдир. Масалан, ЎЗР ФКнинг 1194 - моддасига асосан фуқаро (ёки ташкилот) ҳаёти, соғлиғи, мулкига зарар етказилиши оқибатида зарарни ундириш мажбуриятлари келиб чиқади. Бундай мажбуриятлар чет эл фуқароларига зарар етказилиши ҳолларида ҳам келиб чиқади.

Чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда таълим олиш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон Республикасининг ўқув муассасаларига қабул қилинган чет эл фуқаролари маҳаллий қонунларга асосан ўқувчи ва талаба ҳуқуқ ва мажбуриятларини оладилар.

Масалан, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги” Низомга¹ биноан олий таълим муассасаларига хорижий фуқароларни қабул қилиш ҳуқуматлараро битимларга мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикаси таълим массасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг розилиги билан тўлов контракт асосида амалга оширилади (11 - банд).

Шунга ўхшаш қоида 1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим массасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомда² ўз ифодасини топган (7 - банд).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой халқ Республикаси таълим вазирлиги ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим³ бўйича (1999 йил 8 ноябр)

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 июлдаги 342- сон қарорига Илова. - Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. - 1999 й., 12 сон.

² Ўша жойда.

³ Ҳуқуқ юридик информацион тизими. Ўзбекистон Республикасининг иқтисод қонунчилиги. 2002 й. 1 апрелдаги версияси.

“келишувчи/томонлар талаба, аспирант ва стипендия олувчи стажёрлар билан алмашадилар. Томонлар талаба ва аспирантларга уларнинг ўқув дастурини бажаришида тўлиқ имкон яратадилар.

Юбораётган тараф талабалар, аспирантлар ва стипендия олувчи стажёрларнинг ўз давлати пойтахтидан қабул қилувчи тараф давлат пойтахтигача ва орқага қайтиш учун транспорт харажатларини тўлайди, қабул қилувчи тараф эса ўз пойтахтидан ўқиш ва малака ошириш жойигача ва ўқиш тугагач, орқага қайтиш учун транспорт харажатларини тўлайди. Қабул қилувчи тараф талабалар, аспирантлар ва стажёрларни таълим олгани, ўқув қўлланмаларидан фойдаланганлиги, ётоқхонада истиқомат қилганлиги ҳамда тиббий ёрдам олгани учун харажатлардан озод қилади ҳамда уларга ушбу давлатда ўрнатилган тартиб ва миқдорда стипендия тўлайди”.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилаётган чет элликларнинг ҳориждаги билим юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом кучга эга. Ушбу саволлар тўғрисидаги қоидалар дипломларнинг эквивалентлиги тан олиниши ҳақидаги битимларда акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”¹ ги Қонунига асосан, ЎзР ҳукумати ва хорижий давлат ўртасидаги иккитомонлама битимлар асосида уларнинг давлат таълим стандартлари бир бирига тўғри келган ҳолда, таълим тўғрисидаги дипломларнинг ўзаро тан олиниши амалга оширилади.

1994 йилнинг 15 апрелида МДХ давлатлари ҳукуматлари ўртасидаги меҳнат миграцияси ва меҳнат қилувчи мигрантларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битимда² қуйидаги ҳолат бириктирилган: ҳар икки тараф таълим ҳақидаги дипломлар ва гувоҳномалар, унвон, даража, тоифалар берилиши тўғрисидаги керакли ҳужжатлар ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар, чиқиш тарафи ҳудудида белгиланган тартибда тасдиқланган ишга жойлаштирувчи тарафнинг давлат тилига ёки рус тилига таржима қилиш тартибини тан олади. Шундай қилиб, қайд қилинган ҳужжатларга нисбатан, масалан, улар РФ ҳудудида олинган ва Ўзбекистонда тан олиниши ва эквивалентлиги белгиланиши керак бўлса, ҳеч қандай қўшимча жараёнлар (ўзбек тилига таржима қилишдан ташқари) кўзда тутилмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон қонунлари ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив актлар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-

¹ Ҳуқуқ юридик информацион тизими. Ўзбекистон Республикасининг иқтисод қонунчилиги. 2002 йил 29 мартдаги версияси.

² Ўзбекистон Республикаси учун ушбу Битим 1995 йил 18 сентябрда кучга кирган. - Ўша жойда. Халқаро ҳуқуқ. 2001 йил 1 февралдаги ҳолат.

да жойлашган ташкилотларда меҳнат қилаётган чет эл фуқароларига ҳам тааллуқлидир. ЎЗР қонунлари ва халқаро шартномаларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно (бу ҳақда батафсил 22 - бобга қаранг).

Шу билан бирга чет эл фуқаросини ишга қабул қилиш жараёнида мустасноликлар, имтиёзлар ва чеклашларга йўл қўйилади, бу эса айнан мана шу иш фаолияти турига хос бўлган талаблар билан белгилади. Масалан, чет эл фуқаролари айрим лавозимларга тайинланиши ва маълум бир фаолият тури билан шуғулланишлари мумкин эмас. Бундай чеклашлар ЎЗР қонунларида кўзда тутилган. Уларга кўра фақатгина Ўзбекистон фуқароси бўлган шахс давлат хизматчиси, прокурор ва терговчи, судья, нотариус бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунига 25 ёшга тулган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77 - моддаси); Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90 - моддаси); Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади¹; прокурорлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан тайинланадилар²; туман (шаҳар), хўжалик суди, Қорақалпоқ Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди, Олий хўжалик судларига Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланиши мумкин³.

Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган судларга халқ маслаҳатчилари ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлишлари шарт⁴.

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисидаги” Қонуннинг⁵ 2 - модда 1-бандига биноан Ўзбекистон Республикасида нотариус лавози-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида 1993 й. 6 май Қонуни (5 модда). - Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Сон 8.-Т.: “Адолат”, 1994

² Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисидаги” 1992 й. 9 декабр Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1996 й. август, 1996 й. 27 декабр, 1997 й. 30 август, 1999 й. 20 август қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан), (48 модда). - Юридическая информационная система ПРАВО. Административное, уголовное законодательство. -2002 й. 29 мартдаги версияси.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” 1993 й. 2 сентябр Қонуни (Ўзбекистон Республикаси 1995 й. 31 август, 1996 й. 27 декабр қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) (62 модда, 1-3 бандлар). - Ҳана жойда.

⁴ 62 м. 6-7 бандлар. - Ҳана жойда.

⁵ 1996 й. 26 декабрда қабул қилинган. - Ҳана жойда.

мига Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Адвокатлик фаолияти ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” Қонунга¹ мувофиқ адвокатлик фаолияти билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари шуғулланишлари мумкиндир.

МДХ давлатлари фуқароларининг нафақа билан таъминланиши улар ўртасида 1992 йилнинг 13 мартда тузилган Битим² билан тартибга солинади. Ушбу битим фуқароларни нафақа билан таъминлашнинг барча, битим иштирокчилари бўлмиш давлатлар қонунлари билан белгиланган турларига тааллуқли. Шунга кўра, бу давлатларнинг фуқароларини нафақа билан таъминлаш, улар қайси давлат ҳудудида яшасалар, шу давлат қонунига асосан, нафақа тайинланиши эса турар жойига асосан амалга оширилади. Бундан ташқари ушбу масала бўйича иккитомонлама битимлар ҳам мавжуддир³.

Фикримизча, қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш ва болаларни тарбиялаш учун оилага олиш тўғрисидаги Низомга⁴ асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмиш болани фарзандликка олиш ёки тарбиялаш учун оилага олиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг⁵ 151 -167, 237 - моддалари ва юқоридаги Низом талабларига (27 - п.) риоя қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фарзандларини фарзандликка олиш, фақатгина Ўзбекистон Республикасида ўз дипломатик ваколатхоналарига эга бўлган давлатлар фуқароларига руҳсат этилади.

Бола фарзандликка олишни хоҳловчи шахсларни ҳисобга олиш ЎЗР Халқ таълими Вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бунинг учун дипломатик ваколатхонанинг илтимосномаси асосий шарт бўлиб хизмат қилади. У ўз ичига қуйидаги маълумотларни олган бўлиши лозим: бўлгуси фарзандликка олувчининг туғилиш санаси, турар жойи, исми, фамилияси, отасининг исми, унинг моддий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, тиббий муқаддима, оиладаги маънавий психологик иқлим, шунингдек оила аъзоларига тавсифнома (28 - банд).

¹ Ўша жойда

² Юридическая информационная система ПРАВО. Международное право. 2002 йил 1 апрелдаги версияси.

³ Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ҳукуматлари ўрталаридаги фуқароларнинг ижтимоий таъминотига бўлган ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги Келишув (1996 йил 28 май).- Ўша жойда.

⁴ 171-сонли 1999 й. 12 апрел Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига 3-сонли Илова.- Ўша жойда. Иқтисодиёт қонунчилиги. 2002 йил 29 мартдаги версияси.

⁵ Ўша жойда

ЎзР фуқароси бўлмиш ва ЎзР ҳудудидан ташқарида истиқомат қилувчи болани фарзандликка олувчи шахс қайси чет давлатнинг фуқароси бўлса, шу давлатнинг вақолатли органи томонидан расмийлаштирилган фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олиниши учун, ЎзР ҳудудидан ташқарига чиқишдан аввал бола ёки унинг ота-онаси истиқомат қилган шаҳар ёки туман ҳокими томонидан олдиндан берилган рухсатнома тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси консули Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўла туриб унинг ҳудудидан ташқарида истиқомат қилувчи болани фарзандликка олинишини расмийлаштириш ҳуқуқига эгадир.

Фарзандликка олиш жараёнида боланинг Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгиланган ҳуқуқлари поймол қилинган ҳолда, фарзандликка олиш фарзандликка олувчининг фуқаролигидан мустасно равишда амалга оширилмайди, акс ҳолда суд тартибида бекор қилинади (29 - банд).

3-§. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳуқуқий ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28 - моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сонли “ЎзР фуқароларининг чет элга чиқиш тўғрисидаги тартиби ҳамда ЎзРнинг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги” Қарори¹ билан тасдиқланган. Унда шундай дейилган:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари шахсий, жамоа ишлари бўйича, доимий яшаш учун, саёҳатчи сифатида, ўқишга, ишга, даволанишга, хизмат сафарига чет элга эркин чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳуқуқий ҳолати, улар ҳозир бўлган мамлакат қонунчилиги билан бирга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ҳам белгиланади.

Чет элда ҳозир бўлган Ўзбекистон фуқаролари Ўзбекистон Республикаси муҳофазасида бўладилар. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида кўзда тутилган: Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларининг ҳуқуқий муҳофазасини ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, ҳам ундан ташқарида кафолатлайди.

¹ Ўша жойда

Ўзбекистон Республикасининг Консуллик Уставида¹ белгиланганидек, консулнинг вазифаси - Ўзбекистон фуқароси қайси давлатда бўлса, шу давлат қонунлари томонидан берилган барча ҳуқуқлардан, шу давлат ва Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро шартномалардан тўла ҳажмда фойдаланиши учун чора кўриши керак. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳуқуқлари поймол этилиши консул томонидан аниқланган ҳолда, у, бу ҳуқуқларни қайта тиклаш учун чора кўриши керак.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳуқуқий ҳолати нафақат унинг ҳозир бўлган давлатнинг қонунчилиги билан, балки шу давлат ва Ўзбекистон Республикаси орасида тузилган иккитомонлама ва кўптмомонлама халқаро шартномалар томонидан ҳам белгиланади.

Шартнома тартибидаги ўзаролик асосида маълум ҳолатнинг тақдим этилиши, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг турли хил камситишлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини биртарафлама тартибда ўзгартиришларнинг олдини олиш мақсадига йўналтирилган.

Бу ерда, аввалам бор, БМТ томонидан эълон қилинган “Инсон ҳуқуқлари Декларацияси”² ни кўрсатиб ўтиш жоиз. Унга қўшилган кўп мамлакатлар ўз давлатлари ҳудудида инсонга асосий ҳуқуқ ва эркинликлар тақдим қилиш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг мамлакатимиз ташқарисидаги ҳуқуқий ҳолати, кўп ҳолларда, унинг чет давлат ҳудудига киришидан мақсади билан аниқланади.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси мамлакат ташқарисида қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин: вақтинча (шахсий ишлар, хизмат сафари, ўқиш, контракт бўйича меҳнат фаолияти) ёки доимий равишда яшаш (мамлакатда доимий равишда яшовчи чет эллик статусига эга бўлиш).

Ўзбекистон чегарасидан ташқарига вақтинчалик чиқаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг, аввалам бор, чет элда бўлиш муддати чегараланган ва хорижий мамлакат томонидан тақдим этилган кириш-чиқиш визасида қайд этилган бўлади. Айрим давлатлар, шунингдек, мамлакатга кираётган шахс ўзи билан бирга тиббий сугурта, маълум пул миқдори, бирон бир касалликка қарши эмланганлиги тўғрисидаги, масалан, СПИД билан касалланмаганлиги тўғрисидаги маълумотномаларга эга бўлишини талаб қилишади. Ишга ёки ўқишга кетаётганда, виза, керакли контракт мавжуд бўлган ҳолдагина берилади.

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 14-сон.-Т.6, “Адолат”, 1997 й.

² Сборник международных договоров. Нью-Йорк и Женева, Организация Объединенных Наций. 1994, — т. I/1 — 57-бет.

Айтиб ўтилганидек, ЎЗР фуқаросининг ҳуқуқий ҳолати, у қайси хорижий давлатда бўлса, шу давлат қонунчилиги билан белгиланади. Шунинг учун, ЎЗР фуқаросининг ҳуқуқий ҳолати турли давлатларда турлича бўлади.

Масалан, ички қонунлари шариат нормаларига асосланган бирон бир ислом давлатида бўлган ЎЗР фуқароси айрим ҳаракатлари учун (спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, тақиқланган кийимларни кийиш) жазоланиши ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ваҳоланки, худди шу ҳаракатлар учун Европа давлатида бўлган бошқа бир фуқароимиз ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди.

Бошқа томондан, мамлакатимиз ташқарисида бўлган ЎЗР фуқароси, бизнинг қонунчилигимизга умуман маълум бўлмаган ёки бизда тўғридан тўғри тан олинмайдиган мулк ҳуқуқларига эга бўлиши мумкин (масалан, қишлоқ хўжалик ерига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи) ва умуман, ЎЗР ФК билан белгиланган чеклашларга риоя этмаган ҳолда, хоҳлаган мулкка эгалик қилиши мумкин.

ЎЗР ФКнинг 1184- моддаси кўчмас ва кўчар мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланишини кўзда тутди.

Шунинг учун ҳам, мулкдорнинг ҳуқуқ доираси ашё жойлашган мамлакат қонуни томонидан белгиланадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет эл қонуни томонидан ўрнатилган тартибда ўзининг мулкига нисбатан барча ҳуқуқларни амалга ошириши мумкин ва маҳаллий органлар томонидан бериладиган ҳимоялардан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мулк ҳуқуқларини чеклашга ва уларни қонуний муҳофазадан маҳрум қилишга қаратилган барча уринишларга камситиш сифатида қаралади ва бу ҳолда фуқаро ушбу давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг консулига ёрдам сўраб, муурожаат қилиши мумкин.

Шу билан бир вақтда ЎЗР ФКнинг 1172-моддасига кўра “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади”.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бирон-бир хорижий давлат муассасасига, корхонасига ёки фирмасига ишга кириши вақтида тарафлар (яъни бизнинг фуқаро ва хорижий юридик шахс) ўртасидаги муносабатлар муассаса жойлашган давлат қонунлари билан тартибга солинади. Бу ҳол ЎЗР ФК нинг 1190-моддасида кўзда тутилган.

Бундан ташқари, хорижий фирмалар билан тузилган хусусий меҳнат контрактларига асосан чет элга ишга кетмоқчи бўлган ЎзР фуқаролари, мамлакатдан ташқарида ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида, ЎзР Меҳнат Вазирлигидан чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномани олдиндан олиб қўйишлари керак. Рухсатномани олиш тартиби ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сонли Қарори¹ билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда мутахассислик фаолияти тартиби тўғрисидаги” Низомда кўрсатилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг мулк, шахсий номулкий, оила, меҳнат ва процессуал ҳуқуқлари, миллий ҳуқуқ нормалари билан бир қаторда халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро одатлар, шунингдек фуқаро қайси давлатда бўлса, шу давлат ҳуқуқи билан тартибга солинади.

IV БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Турли давлатларда чет эл фуқароларининг ҳолати. Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати.
2. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари.
3. Чет элда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ҳуқуқий ҳолати.

Тавсия этилган адабиётлар

Фуқаролик, оила ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида МДХ Конвенцияси. Минск, 1993, 22 январ. - Юридическая информационная система ПРАВО. Международное право. 2002 й. 1 апрелдаги версияси.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 1993 й.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. - Т.: “Адолат”, 1996 й.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. - Т.: “Адолат”, 1996 й.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (1998 й. 30 апрел 1998 .). - Т.: “Адолат”, 1998 й.

“Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - 6-сон, Т.: “Адолат”, 1994 й.

¹ Ҳуқуқ юридик информацион тизими. Ўзбекистон Республикасининг иқтисод қонунчилиги. 2002 й. 29 мартдаги версияси.

Ўзбекистон Республикасининг Консуллик Устави (1996 й. 29 август). - Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №14. - Т.: “Адолат”, 1997 й.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 й. 30 август Қонуни. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №14. - Т.: “Адолат”, 1997 й.

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1997 й. 29 август Қонуни. - Юридическая информационная система ПРАВО. Экономическое законодательство РУз. Версия от 09.02.2001.

Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан N408 от 19.10.95. “О профессиональной деятельности граждан Республики Узбекистан за рубежом и иностранных граждан в республике” - Ўша жойда.

Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан N408 от 21 ноября 1996 “О порядке въезда, выезда, пребывания и транзитного проезда иностранных граждан и лиц без гражданства в РУз” - с изменениями от 16.04.99. - Ўша жойда.

Положение об усыновлении (удочерении) несовершеннолетних детей и принятии детей в семью на воспитание (патронат). - Приложение номер 3 к постановлению Кабинета Министров РУз от 12 апреля 1999 й. номер 171. - Ўша жойда.

Богуславский М.М. Международное частное право. - М.: Юристь, 2000. (3-изд, перераб. и доп.)

Гражданское и торговое право капиталистических государств. Отв. ред. *Е.А. Васильев*. - М.: “Международные отношения”, 1993.

Дадабаев Ю.Г., Рахимов Г.А. Международное частное право. Учебное пособие. Изд-во “Фергана”, 1999.

Звеков В.П. Международное частное право. Курс лекций. - М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА-М, 1999.

Лазарев Л.В., Марышева Н.И., Пантелеева И.В. Иностранцы граждане: правовое положение / Под ред. Н.И. Марышевой. - М.: Российское право, 1992.

Марышева Н.И. Иностранец: правовая защита. - М.: Известия, 1993.

Международное частное право. Отв. ред. *Марышева Н.И.* “Контракт”, “ИНФРА-М, 2000.

Международное частное право: современные проблемы. - М.: ТЕИС, 1994.

Правовое положение иностранных граждан в России. Сборник нормативных актов. - М.: Издательство БЕК, 1996.

Самархўжаев Б.Б. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Ўқув-методик қўлланма. - Т.: “Эльдинур” нашриёт уйи, 1999 й.

Ҳамраев С. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. - Т.: “Адолат”, 2000 й.

V БОБ

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1-§. Юридик шахсларнинг халқаро ҳўжалик муносабатларида иштирок этиши

Айтиб ўтганимиздек, мулкый муносабатларга чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида нафақат жисмоний, балки юридик шахслар ҳам қатнашишлари мумкин.

Ҳозирги замонда юридик шахсларнинг фаолиятлари фақатгина бир давлат минтақаси билан чегараланмаган. Капитал экспорти шундай ҳолатга олиб келадики, бир давлатда тузилган юридик шахс иккинчи давлатга бутунлай ёки қисман мансубдир. Монополияларнинг (трансмиллий компаниялар) асосий фаолиятлари эса умуман бир неча давлат минтақаларида амалга оширилади. Бундай монополиялар бир нечта гуруҳларга бўлинади. Биринчи гуруҳга чет элда кўпгина филиаллар, шўба корхоналарга эга бўлган миллий жамиятлар, трест, компаниялар киради (“Женерал моторз”, “Форд моторз”, “Интернейшл бизнес мэшинз”, “Фольксваген”, “Филипс”, “Нестле” ва бошқ.) Биринчи гуруҳнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ташкилотлар капитал бўйича миллий, фаолияти бўйича халқаро ташкилот ҳисобланади.

Иккинчи ТМК гуруҳига ҳам фаолият, ҳам капитал бўйича халқаро ҳисобланадиган трест ва концернлар киради (Англия-голландия нефть концерни “Ройял датч-Шелл”, Германия - Бельгия фото-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Агфа-Геверт” ва бошқ.).

Юқоридаги гуруҳларнинг умумийлиги шундан иборатки, улар юридик шахс сифатида бирон бир давлатда рўйхатга олинган (тузилган) бўлиб, бошқа давлатларда эса улар кўпгина филиал, бўлимлар, шўба корхоналарига эгадирлар.

Ва, ниҳоят, учинчи гуруҳга юридик шахс мақомига эга бўлмаган картел, синдикат, турли хил бирлашмалар киради¹.

Юридик шахслар (Juristische person, personne civile, personne morale, persone juridique, corporation, legal person, juridical person) - бу аввалам бор, турли хилдаги тадбиркорлик бирлашмалари бўлиб, улар ҳар бир давлатнинг иқтисодида муҳим роль ўйнайди.

Юридик шахс фақатгина ўзига мансуб бўлган мулкый ҳуқуқи ва мажбуриятлари соҳиби сифатида кўриб чиқилади, у таркибига кирувчи шахслардан мустақил равишда ва ўз номидан ҳаракат қилади.

¹ *Богуславский М.М.* Международное частное право: Учебник. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Междунар. отношения, 1994 й., 118 - бет.

Хўжалик юрителининг замонавий шароитларида юридик шахсларнинг фаолияти битта давлатнинг ўзи билан чегараланиб қолмайди ва бундай юридик шахсларнинг сони доимий равишда ўсиб бормоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, капитални экспорт қилиш, бир давлатда тузилган корхоналарни тўлиқ ёки қисман равишда бошқа давлат компанияларига тегишли бўлиб қолишига олиб келади, чунки йирик монополияларнинг асосий фаолияти бир вақтнинг ўзида бир неча мамлакатда амалга оширилади.

Юридик шахс тўғрисида аниқроқ ва кенгроқ тушунча олиш учун Ўзбекистон Республикаси моддий-ҳуқуқий нормасига, яъни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39 - моддасига мурожаат қиламиз: “Ўз мулкида, хўжалик юрителида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.”

Қонундаги шу тушунчани асос қилиб олиб ва ундаги асосий ўзига хос хусусиятларга эътибор қаратсак. Фикримизча, уларга қуйидагиларни киритса бўлади: албатта, мол-мулкнинг мавжудлиги (эгалликнинг уч турининг бири асосида), бу мол-мулкнинг алоҳида бўлиши ва мажбуриятлар юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб бериши ва мустақил баланс ёки сметага эга бўлиши. Мана шу асосий ўзига хос белгилар юридик шахс тушунчасини ифодалайди, унинг жисмоний шахс ёки давлат каби субъектлардан фарқини билдириб туради.

Бу борада миллий қонунчилик ҳамда доктрина (таълимот) Европа мамлакатлариникига ўхшашиб кетади. Бунда турли иборалар қўлланилса ҳам улар маъно жиҳатдан айнан бир ёки жуда яқин. Масалан, Англия қонунчилиги юридик шахсларга муносабатда уларга мустақил иш фаолияти олиб бориш тамойилини қўллайди ва бунинг натижасида уларда хилма-хил фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишга имконият туғилади.

Юридик шахслар асосан мулккий ҳуқуқи ва фаолиятининг хусусиятларига қараб таснифланади: шунга қараб улар бир неча гуруҳларга бўлинади.

Ғарб мамлакатларида юридик шахслар оммавий ҳуқуққа ва хусусий ҳуқуққа тегишли юридик шахсларга бўлинади. Бунда оммавий ҳуқуққа тегишли юридик шахсларга давлат, маъмурий-ҳудудий бўлинмалар, давлат муассасалари, савдо-саноат палаталари, айрим давлат корхоналари киритилади.

Германия ҳуқуқида (Германия Фуқаролик тузуклари) юридик шахслар иттифоқлар ва муассасаларга бўлинади. Иттифоқлар ўз навбатида хўжалик иттифоқлари ва нохўжалик иттифоқларига бўлинади.

Бунда йттифоқлар деб, икки ва ундан ортиқ муассасалар томонидан таъсис этиладиган турли хил ташкилотлар тушунилса, муассасаларга якка таъсисчи томонидан таъсис этиладиган юридик шахслар (хусусий фирмалар) киради.

Франция қонунчилиги юридик шахсларга классификация берар экан, уларни асосан хўжалик жамиятлари ва ассоциацияларга ажратади. Хўжалик жамиятлари - хусусий ҳуқуқ юридик шахслари, ассоциациялар эса - оммавий ҳуқуқ юридик шахслари ҳисобланади.

Англияда юридик шахслар корпорациялар (хўжалик фаолиятини юритувчи юридик шахслар) ва яккаҳоқим корпорацияларга бўлинади.

АҚШда юридик шахслар оммавий, нотижорат (non-profit corporations) ва тижоратчи турларига бўлинади¹.

ЎЗР ФКнинг 40-моддаси юридик шахсларни, уларнинг мақсадига қараб, тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган юридик шахсларга бўлиб кўрсатади. Ўз навбатида бу икки турнинг ҳар хил шаклларда мавжуд бўлиши кўзда тутилган. Шундай қилиб, тижоратчи ташкилотлар хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва бошқа қонун доирасидаги юридик шахслар бўлса, тижоратчи бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

2-§. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати, қонуни ва муайян давлатга мансублигини аниқлаш

Юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати тўғрисида фикр юритар эканмиз, унинг ҳуқуқ субъекти сифатида ўзига хослиги, жисмоний шахс, давлат ва бошқа ҳуқуқ субъектларидан фарқлаб турувчи хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилишни ўринли деб топдик.

Жамоа тузилмаларининг ҳуқуқ субъектлигини асословчи турли хил юридик шахсга мансуб назариялар мавжуддир. Улардан уйдирма (фикция) ҳамда реал назариялар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Уйдирма назарияси XIX аср немис юристи К.Ф. Савиньи номи билан боғлиқдир. Бу назария ҳуқуқнинг ҳақиқий субъекти сифатида фақат инсонни тан олади. Шунга қарамасдан позитив ҳуқуқ ҳуқуққа лаёқати бўлган шахсларнинг доирасини торайтириши ёки, аксинча, сунъий ҳуқуқ субъектлари ташкил қилиш эвазига, уни

¹ Қаранг: Гражданское и торговое право капиталистических государств: Учебник.-3-е изд., перераб. и доп. - М.: Междунар. отношения, 1993 й., 79—84- бет.

кенгайтириши мумкин. Бунга биноан, юридик шахс - оддий уйдирма орқали тузилган сунъий ҳуқуқ субъектидир. Мазкур субъект махсус юридик мақсадлар учун тузилади. Бу ерда юридик шахснинг ҳуқуқий муносабатларида ҳуқуқ субъектлигининг ягона эгалари - жисмоний шахслар - реал қатнашчилари бўла оладилар. Юридик шахс оддий уйдирма сифатида лаёқатли эмасдир. Бу ерда, шахслардан иборат бўлган, унинг органи лаёқатлидир. Демак, инсонларсиз органлар, органларсиз юридик шахс йўқ, унинг ҳуқуқий ва муомала лаёқати йўқдир.

Иккинчи, реал назарияси, XIX аср германиялик юрист Гирке номи билан боғлиқдир. Ушбу назарияга кўра давлат нормал ҳолатда фаолиятини амалга оширишга хизмат қиладиган юридик шахс ҳаётда реал ҳозир бўлувчи ҳуқуқ субъекти ҳисобланади.

Ушбу назариянинг замонавий тарафдорлари ҳуқуқий тартибот ҳуқуқ ва мажбуриятлар берган юридик шахсни алоҳида манфаатлар бирлиги деб қарашади. Узининг тузилмаси бўйича у алоҳида манфаатлар бирлигини ташкил этади. Бу ерда иттифоқнинг манфаати унинг ҳар битта аъзоларининг манфаатларидан ажралган бўлади¹.

Юридик шахсларнинг умумий ва махсус ҳуқуқ лаёқатлари мавжуд.

Умумий ҳуқуқ лаёқатида юридик шахс, жисмоний шахс сингари, фуқаролик ҳуқуқи эгаси бўлиши ва фуқаролик ҳуқуқи мажбуриятларини ўз зиммасига олиши мумкин. Албатта, фақатгина инсонга тегишли табиий хусусиятлар бундан мустасно.

Махсус ҳуқуқ лаёқатида эса юридик шахс фақатгина қонун ёки унинг Низомида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ҳуқуқий муносабтларга кириша олади².

Охирги йилларда гарб мамлакатларида умумий ҳуқуқ лаёқати кенг тан олинапти. Масалан, Низомда кўрсатилмаган фаолият билан шуғулланган корпорацияларнинг жавобгарликка тортилиши тобора камайиб бормоқда.

Халқаро хусусий ҳуқуқ фанида юридик шахсларнинг қайси давлатга мансублигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Юридик шахс мақомига эга бўлган ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг тўлақонли иштирокчиси бўлган фирма ва ташкилотлар ҳар вақтда бирон-бир давлат, унинг ҳуқуқ-тартибот, қонун-қоидаларига боғлиқдир³.

Юридик шахснинг бу муҳим хусусияти халқаро хусусий ҳуқуқда шахсий статут ва юридик шахснинг миллати деб аталади. Англия ва АҚШда домицилий, яъни юридик шахснинг жойлашган жойи деган ибора ишлатилади.

¹ Ўша жойда. 1993 й., 77-79 бет.

² Ўша жойда, 87-бет.

³ Луц Л.А., Марышева Н.И., Садиқов О.Н. Международное частное право: Учебник. - М.: Юрид. лит., 1984.

Бу ерда, албатта, миллий юридик шахслар тўғрисида фикр юри-тадиган бўлсак, ҳеч қандай қийинчилик вужудга келмайди - миллий юридик шахсга нисбатан миллий қонун нормалари татбиқ қилинади. Агарда у ёки бу муносабат субъекти сифатида чет эл юридик шахс бўладиган бўлса, у қайси мамлакатга мансуб, унинг фаолияти қайси мамлакатнинг қонунчилиги нормалари томонидан тартибга солиниши, айнан юридик шахс рўйхатдан ўтказилиши, тузилиши, тугатилиши, унинг ҳуқуқ лаёқати ҳажми ва ҳ.к. тўғрисидаги саволларга жавоб то-пишга тўғри келади.

Бу масалалар юридик шахс мансуб бўлган давлатнинг қонунчи-лиги (юридик шахс шахсий қонуни - *lex societatus*) томонидан тартиб-га солиниши лозимлиги умум тан олинган. Шахсий қонун ташкилот-нинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди (у юридик шахс мақомига эгами, унинг ҳуқуқ лаёқати унинг ҳажми, миқдори қандай, унинг органлари томонидан битимлар тузиш тартиби, таъсис этилиши, тугатилиши ва ҳ.к.). Бундан ташқари юридик шахснинг шахсий қонуни айрим кол-лизион масалаларни ҳал этиш учун маълум бир юридик шахс у ёки бу ҳуқуқий тизимга боғланишини белгилайди¹.

Ҳозирги вақтда компаниялар бир давлатда таъсис этилган бўли-ши, бир қанча бошқа давлатларда ҳўжалик фаолиятини амалга оши-риши, унинг мол-мулки турли хил фуқароликка эга бўлган ташки-лотлар ва шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Бундай вазиятда, албат-та, қайси давлат ҳуқуқини қўллаш муаммоси келиб чиқиши табиий ҳодиса бўлиб кўринади ва шунинг учун ҳам юридик шахснинг шах-сий қонунини белгилашда ягона фикр мавжуд эмас. Бу борада қуйида-ги доктриналар мавжуд:

1. Инкорпорация доктринаси. Ушбу доктринага асос қилиб юри-дик шахснинг “миллати” олинган. Бу ерда унинг шахсий статути бўлиб у ташкил қилинган ва рўйхатдан ўтган давлатнинг ҳуқуқи ҳисоблана-ди. Бу доктрина англо-америка ҳуқуқий тизимига мансуб мамлакат-ларда кенг тарқалган. Унинг жиддий камчилиги шундан иборатки, бу ерда юридик шахснинг ташкил этилиши ва унинг фаолият кўрсатиш жойи ораларида узвий алоқа мавжуд эмас. Маълумки, юридик шахс бир давлатда ташкил этилсада, бошқарув маркази бошқа давлатда бўли-ши, асосий фаолиятини эса умуман учинчи давлат ҳудудида амалга ошириши мумкин. Бу эса юридик шахс ўзининг фаолиятини амалга ошираётган мамлакатнинг қонунчилиги томонидан қўйилган талаблар-ини бажармаслиги ҳолатига олиб келиши мумкин.

2. Эксплуатация маркази (асосий фаолият кўрсатилаётган жой) доктринаси. Ушбу концепцияга биноан юридик шахснинг шахсий қону-

¹ Ермолаев В.Г., Сиваков О.В. Международное частное право. Курс лекций. - М.: “Былина”, 1998 й., 108-109-бет.

ни деб, унинг асосий фаолияти амалга оширилаётган мамлакатнинг қонуни ҳисобланади. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, юридик шахс ўзининг асосий фаолиятини бир неча давлат ҳудудида амалга ошириши мумкин. Ушбу доктрина англо-америка мамлакатлари томонларидан қабул қилинмаган, лекин баъзи бир европа мамлакатларида у қўлланилади.

3. Ўтроқлик (бошқарув маркази ҳозир бўлган жой) доктринаси. Одатда, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари унинг ва бошқарув марказининг ҳозир бўлган жойи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бу ҳолат юридик шахснинг шахсий қонуни деб, унинг маъмурий маркази ҳозир бўлган жойнинг қонуни бўлишига имконият беради. Ушбу доктрина Франция, Германия, Италия, Австрия, Швейцария ва бошқа мамлакатларда қўлланилади ва ҳозирги вақтда кенг тарқалган. Бироқ унинг камчилиги шундаки: ушбу доктрина бўйича юридик шахснинг миллатини белгилаш мумкин эмас¹.

Юридик шахснинг қайси давлатга мансублигини аниқлаш амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Масалан, бир давлатда у ёки бу ташкилот юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин, бошқа давлатда эса - йўқ (Англияда *partnership* юридик шахс мақомига эга булмайди, Францияда эса эга бўлади).

Бу ҳолатни аниқлаш учун мазкур ташкилот қайси давлатга мансублигини билиш лозимдир. Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринаси бўйича юридик шахснинг у ёки бу давлатга мансублиги “миллати” унинг “қонунига” боғлиқдир.

ЎЗР ФКнинг 1175-моддасига кўра юридик шахс қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, шу мамлакатнинг ҳуқуқи мазкур юридик шахснинг қонуни ҳисобланади. ЎЗР ФКнинг 1176-моддасига кўра, юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати юридик шахснинг қонуни билан белгиланади.

Юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган ва ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчилари бўлмиш ташкилот ва фирмалар доимо маълум бир давлат ва унинг ҳуқуқий тартиботига “боғланган” бўлиб, юридик шахснинг ушбу муҳим хусусияти халқаро хусусий ҳуқуқда шахсий статут-мақоми (қонуни) ва юридик шахс миллати деб аталади.

Демак, юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, юридик шахснинг шахсий статuti (қонуни) юридик шахснинг қуйидаги ҳолатлар бўйича давлатга мансублигини белгилайди:

- а) унинг ҳуқуқ субъектлиги ҳажмини аниқлашда;
- б) солиқ тартибида;
- в) коллизия масалаларни ҳал этишда;
- д) унинг бекор бўлиши тартибини белгилашда ва ҳ.к.

¹ Ўша жойда, 109-110 бет.

3-§. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахсларининг ҳуқуқ лаёқати. Чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳужалик фаолиятида иштирок этиш шакллари. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияси иштирокида корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати

Миллий коллизия нормаларда қуйидаги меъёр мустаҳкамлаб қўйилган: “Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунида чет эл юридик шахслари учун бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган тadbиркорлик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширадilar” (ЎЗР ФКнинг 1177 - моддаси).

Хорижий юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати ЎЗР қонунчилиги ҳамда бошқа давлатлар билан тузилган халқаро шартномалар нормалари томонидан тартибга солинади.

1993 йил 22 январдаги МДХ давлатларининг кўп томонлама Конвенциясига¹ биноан, юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган давлат қонуни томонидан белгиланади.

Савдо шартномаларида шартнома тузаётган давлатлар ўз юридик шахсларига маълум бир ҳолат (мақом), ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ субъектлиги ўзаро тан олинishi тўғрисида келишиб оладилар.

Юридик шахсларнинг миллатини аниқлаш асосан уларнинг ҳуқуқ субъектлигини тан олиш учун зарур. Бу эса улар билан битим тузиш-тузмасликка асос бўлади.

Чет эл қорхона ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикасида махсус рухсатсиз Ўзбекистон Республикаси миллий қорхона ва ташкилотлари билан турли хил ташқи иқтисодий битимлар тузишга ҳақли, улар бўйича ҳисоб-китобларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Чет эл юридик шахслари ўзларининг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Барча ҳолатларда чет эл фирмаларига улар тузаётган битимлар, ёки уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида махсус рухсатномалар талаб қилинмайди.

Маълум бир масалалар бўйича, юқорида таъкидланганидек, юридик шахслар ўзларининг шахсий қонунларига бўйсунадилар.

Бу ерда бизнинг фикримизча, алоҳида эътиборни чет эл қорхона, ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллар ҳамда шўъба қорхоналарига қаратсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 47 - моддасига биноан ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир.

¹ Юридическая информационная система ПРАВО. Международное право. 2002 й. 1 апрелдаги версияси.

Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан таъминланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналарининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 410-сонли Қарори¹ билан тартибга солинади.

Мазкур Қарор билан хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш таркиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида Низом тасдиқланади.

Ушбу Низом хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартибини ва уларнинг фаолиятини белгилайди.

Ушбу Низом бўйича хорижий тижорат ташкилотлари дейилганда фирмалар, компаниялар, корпорациялар, жамиятлар, шериклар ва хорижий давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ чет элда ваколатхона очиш ҳуқуқига эга бўлган, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллари тушунилади.

Ушбу Низом шунингдек давлатнинг тегишли ваколатли органи рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда, хорижий давлатлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг (вазирликлари, федерал округлари ва шу кабиларнинг) савдо (тижорат) ваколатхоналарига ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий банклар ваколатхоналарини аккредитация қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Хорижий фирмалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз ваколатхоналарини Ўзбекистон ҳудудида ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида очадилар.

Ваколатхоналарни очиш уларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида аккредитация қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ваколатхоналар юридик шахслар ҳисобланмайди, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдилар.

¹ Ҳуқуқ юридик информацион тизими. Ўзбекистон Республикасининг иқтисод қонунчилиги. 2002 й. 29 мартдаги версияси.

Ваколатхона солиқ тўловчи ҳисобланмайди. Хорижий фирмага, ваколатхоналарнинг хорижий ва маҳаллий ходимларига солиқ солиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Аккредитация қилувчи орган аккредитация қилинган ваколатхоналар тўғрисидаги ахборотни, унда уларнинг манзилини ва ваколатхонани аккредитация қилиш тўғрисида сертификатнинг муддатини кўрсатган ҳолда, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига жўнатади (1-9-бандлари).

Ўзбекистон Республикасида хўжалик фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари турлича бўлиши мумкин, лекин бу ерда мақсад уларнинг қатнашчиларининг маблағларини бирлаштиришдир. Булар қуйидагича: консорциум, маблағи юз фоиз чет эл мулкларига тегишли бўлган корхона, аралаш ва қўшма корхоналардир.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари иштирокидаги (хорижий сармоялар) корхоналарнинг мақоми ва фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив актлар “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”¹, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”², “Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”³ Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарига берилган қўшимча рабаглантириш ва имтиёзлар тўғрисидаги” Фармони (ўзгартиришлар билан)⁴, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ташкил қилиш, давлат томонидан рўйхатга олиш ва фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги” Қарори⁵ (ўзгартиришлар билан) ва ҳоказолар ҳисобланади.

ЎЗРнинг “Чет эл инвестициялари тўғрисидаги” Конунининг 5 - моддасига кўра чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 7-сон. - Т.: “Адолат”, 1994 й.

² Халқ сўзи, 1998 й. 20 май.

³ Ўша жойда, 21 май.

⁴ Ҳуқуқ юридик информацион тизими. Ўзбекистон Республикасининг иқтисод қонунчилиги. 2002 й. 29 мартдаги версияси.

⁵ Ўша жойда

- чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

- интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;

- концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига, улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шакларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

Чет эл инвестициялари бирламчи ёки такроран амалга оширилаётган шакларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб келмайди.

Чет эл инвестицияли корхоналарига қуйидагилар киради:

Устав жамғармасидаги пай (ҳиссаси) чет эл юридик ва жисмоний шахсларига тегишли бўлган қўшма корхоналар, ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлар;

Устав жамғармасининг 100 фоизини чет эл инвестициялари ташкил қилган чет эл корхоналари;

бош корхонаси республика ҳудудидан ташқарида жойлашган ва ҳўжалик фаолиятини амалга ошираётган шўъба корхоналар ва филиаллар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган чет эл инвестицияли корхоналарнинг шўъба корхоналари ва филиаллари; Давлат томонидан рўйхатга олинishi керак бўлган чет эл инвестицияли корхоналарига қуйидаги шартларга жавоб берган корхоналар киради:

корхонанинг устав жамғармаси миқдори 150 минг АҚШ долларига эквивалент бўлган суммадан кам бўлмаслиги лозим;

корхонанинг биронта иштирокчиси албатта чет эл юридик шахси бўлиши керак;

чет эл инвестицияларининг корхона устав жамғармасидаги ҳиссаси 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл инвестицияли корхоналарига қўшимча рағбат-

лангириш ва имтиёзлар бериш тўғрисидаги” Фармони, ўзгартиришлар билан), “Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияли корхоналарни ҳуқуқий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказиш ва бекор бўлиши тартиби тўғрисидаги” Низом (ўзгартиришлари билан).

Қўшма корхона - маълум ташкилий-ҳуқуқий шаклга киритилган корхона бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра юридик шахс ҳуқуқларига эга ва унинг устав жамғармаси ўзбек ва чет эллик шериклар улуши асосида шаклланган. Бу ҳол уларга ушбу корхонани биргаликда бошқариш ва унинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва бошқа фаолиятдан тушган даромаднинг улушларига мутаносиб равишда тақсимлаш имкониятини беради.

Қўшма корхонани ташкил қилишда ва унинг фаолиятида “чет эл элементи” иштирок этгани учун, ушбу ҳолда қандай ҳуқуқ қўлланади, деган савол туғилиши табиийдир. Ушбу саволга жавобни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1175-моддасида топиш мумкин: “Юридик шахс қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, шу мамлакатнинг ҳуқуқи мазкур юридик шахснинг қонуни ҳисобланади”.

У БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Юридик шахсларнинг халқаро хўжалик муносабатларида иштирок этиши?
2. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати, қонуни ва муайян давлатга мансублигини аниқлаш?
3. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати. Чет эл юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик фаолиятида иштирок этиш шакллари. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияси иштирокида корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати?

Тавсия этилган адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 1993 й.
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. - Т.: “Адолат”, 1996 й.
- Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги 1991 й. 15 феврал Қонуни (ўзгартириш ва қўшимчалар билан). // Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, ижара, мулкчилик тўғрисида қонунлари. - Т.: “Адолат”, 1997 й.
- “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 9 декабр Қонуни. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 7-сон. - Т.: “Адолат”, 1994 й.
- “Концессиялар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1995 й. 30 август Қонуни. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 11-сон. - Т.: “Адолат”, 1996 й.

Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрель Қонуни. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №13. - Т.: “Адолат”, 1996 й.

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 й. 26 апрел Қонуни. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №13. - Т.: “Адолат”, 1996 й.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 30 апрел Қонуни / Халқ сўзи, 1998 й., 20 май.

“Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 30 апрел Қонуни / Халқ сўзи, 1998 й., 21 май.

“Инвестиция фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 24 декабр Қонуни // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1999 й., 3 - сон.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 й. 26 май Қонуни. - Ҳуқуқ юридик ахборот тизими. Иқтисодий қонунчилик. 2001 й. 16 мартдаги ҳолат.

“Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 й. 30 ноябр Фармони (1998 й. 27 март ўзгартиришлар билан). / Халқ сўзи, 1998 й. 28, март.

“Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни бекор қилиш тартиби тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 2 июл 336-сонли Қарори. / Халқ сўзи, 1997 й., 3 июл.

Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юристь, 2000.

Богуславский М.М., Орлов Л.Н. Законодательство о совместных предприятиях. Комментарий. - М.: 1993.

Бодаков Е. В. Сущность и ответственность юридического лица. // Государство и право, 1997, № 10, 97 - 101-бет.

Вознесенская Н.Н. Совместные предприятия как форма международного экономического сотрудничества. - М.: 1989.

Корецкий В.М. Очерки англо-американской доктрины и практики международного частного права. - 197 -395-бет.

Контрактное право: Компании. -Том 2. // Под ред. Г.В. Петровой. - М.: 1992.

Ладыженский А.М. Теория национальности юридических лиц в международном частном праве. // Сов. Ежегодник международного права. 1964 - 1965. М., 1966. - 260-275 бет.

Луц Л.А., Марышева Н.И., Садиков О.Н. Международное частное право: Учебник. - М.: Юрид. лит., 1984.

Международное частное право. Отв. ред. Марышева Н.И. - М.: “Контракт”, ИНФРА-М; 2000.

Рахманкулов Х. Правовые основы преобразования экономики в демократическом обществе. / В кн. Демократия и право. - Т.: 1995, 91-94 бет.

VI БОБ

ДАВЛАТНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ҚАТНАШЧИСИ СИФАТИДАГИ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1-§. Давлат — мулкӣ муносабатларнинг субъекти сифатида

Маълумки, давлатлар халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари ҳисобланади; давлатлар бор экан, уларга ҳуқуқий субъектлик ҳосилдир. Давлатлар ҳокимият ва бошқарув аппаратлари ҳамда ўз ҳудуди, аҳолиси ва, энг муҳими, суверенитетга эгадирлар.

Суверенитет давлатларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлигининг асосий пойдевори, кўрсаткичи демакдир. Халқаро ҳуқуқий субъектлик бошқа давлатларнинг иродасига ва улар томонидан халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиншига боғлиқ эмас. Янада умумлашган тарзда олганда, халқаро ҳуқуқий субъектлик деганда, шахснинг халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олиш қобилияти тушунилади.

Суверенитет - давлатнинг мустақиллиги, мамлакат ҳудудида ўз ҳокимлиги устувор ва чекланмаганлиги ҳамда бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатлардаги мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилигининг юридик ифода этилишидир. Давлат суверенитети халқаро ҳуқуқий ва ички аспектларга эга.

Суверенитетнинг халқаро ҳуқуқий аспекти шундан иборатки, халқаро ҳуқуқ ўзининг субъекти ва халқаро муносабатлар қатнашчиси сифатида давлат органлари ёки алоҳида мансабдор шахсларни эмас, балки давлатнинг ўзини тан олади. Давлатнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан халқаро-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган барча ҳаракатлари давлат томонидан амалга оширилган деб ҳисобланади.

Суверенитетнинг ички аспекти давлат ҳокимиятининг ҳудудида ва чет элда ҳудудий устуворлик ва сиёсий мустақилликни назарда тутди.

Давлатнинг халқаро ҳуқуқий ҳолатининг асоси бўлиб ҳуқуқ (суверен тенглик ҳуқуқи, мудофаа ҳуқуқи, халқаро-ҳуқуқий нормаларни тузиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи, халқаро ташкилотларда иштирок этиш ҳуқуқи) ва давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари (бошқа давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқ принципларини ҳурмат қилиш) ҳисобланади. 1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг ҳуқуқ субъектлигини ҳурмат қилиши лозимлиги ҳамда халқаро ҳуқуқ тамойилларига амал қилиши (ички ишларга аралашмаслик, зиммасига юкланган мажбуриятларни ихтиё-

рий равишда бажариш, халқаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш ва ҳ. к.) кераклиги ҳақида айтилган.

Суверенитетдан давлат зиммасига унинг розилигисиз ҳеч қандай мажбуриятлар юклана олинмайди деган ҳолат келиб чиқади¹.

Ўз ваколатхоналари учун чет элда мол-мулк орттириш, чет эл юридик шахслари ва фуқаролари билан мулкый характерга эга бўлган битимларни тузиш, чет элда очилган меросни қабул қилиш вақтида давлат, ўз навбатида, халқаро-хусусий ҳуқуқий муносабатларда қатнашади.

Фуқаролик қонунчилиги томонидан тартибга солинувчи муносабатларда иштирок этаётган давлат, бошқа қатнашчилар билан тенг равишда қатнашади.

Ушбу муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимият ва бошқарув органлари ёки улар томонидан тайинланган махсус органлар қатнашадилар.

ЎЗР ФКнинг 79 -м. 3-қисмига мувофиқ давлат ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича ўз мулки бўлган маблағлари билан жавоб беради.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 1178-моддасига кўра, давлатнинг чет эл элементли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этиши эҳтимоли кўрсатилган.

Юқорида қайд этилганлар асосида таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат нафақат халқаро оммавий ҳуқуқ, балки, турли хил фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисидир. Шу билан бирга, у чет эл элементи мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашади ва, бу ҳолатда, унинг суверенлиги тўлиқ равишда сақланади, яъни у бутунлай мустақил бўлиб қолади: бошқа давлатлар ва уларнинг органларига бўйсунмайди (кейинги ўринда қайд этилувчи ҳолатлар бундан истисно).

Давлат чет эл элементли хусусий-ҳуқуқий муносабатларда қандай қатнашади?

Давлат, ўзи чиқарган заёмлар бўйича облигацияларни чет эл фуқароларига сотиши жараёнида вужудга келган ҳуқуқий муносабатларда тарафлардан бири бўлиб чиқиши мумкин. У концессия шартномаларининг, ва умуман олганда, давлат томонидан чет эл хусусий компанияларга концессиялар берилиши жараёнида тарафлардан бири бўлиши мумкин.

Масалан, 1995 йил 30 августда қабул қилинган “Концессиялар тўғриси” ЎЗР Қонунининг² 5-моддасига кўра қуйидагилар концессиявий ҳуқуқ муносабатларининг субъектларидир:

¹ Бирюков П.Н. Международное право: Учебное пособие. - М.: “Юрист”, 1998 й., 50-51 бет.

² Ўзбекистоннинг янги қонуни. 11-сон, - Т.: “Адолат”, 1996 й.

- концессия органлари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакил қилган давлат бошқаруви органи, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти органлари;

- концессиячи - концессия шартномаси тузилган чет эллик инвестор.

Хорижий мамлакатда элчихона учун бино қуриш, ер участкаси ва турар жой биносини ижарага олиш вақтида давлатнинг ўзи ҳам мулкый муносабатлар субъекти сифатида қатнашади. Бу ҳолда битимлар у ёки бу давлат номидан унинг элчихонаси томонидан тузилади.

Шунингдек, давлат чет элда фуқаролик оборотида унинг фуқароси вафотидан сўнг қолган эгасиз мол-мулкнинг вориси ёки васиятнома бўйича ворис сифатида қатнашиши мумкин.

Мулкый муносабатлар соҳасида давлатга, юридик шахс бўлмагани сабабли, ҳуқуқнинг алоҳида субъекти сифатида қаралади.

Юридик шахс тоифаси - ҳар бир давлат ички миллий ҳуқуқининг тоифасидир. Давлатнинг ўзи у ёки бу тузилмага юридик шахс ҳуқуқини бериши мумкин, яъни давлатнинг ўзи у ёки бу тузилманинг юридик шахс бўлиш- бўлмаслигини белгилайди. Давлатнинг ўзига юридик шахс ҳуқуқи мақомини ким беради? Давлатдан устувор турувчи ҳуқуқий тизимми ёки аллақандай бутунжаҳон ҳукуматими,...— лекин давлатдан устун бўлган бундай орган йўқ¹.

Бизнинг фикримизча, бу ерда кейинги масалага эътибор қаратиш лозим:— гап, давлат юридик шахслари ва нафақатгина улар, балки уларнинг ҳуқуқий ҳолатининг давлат ҳуқуқий ҳолатига ўхшаш-ўхшамаслиги ҳақида боради. Ўйлашимизча, бу саволга тўлиқ жавобни Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 80 - моддасидан олишимиз мумкин: давлат томонидан тузилган юридик шахс давлат мажбурияти бўйича жавоб бермайди. Давлат ҳам, ўз ўрнида, у томонидан тузилган юридик шахс мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Агар давлат, ўзи тузган шартномага кўра юридик шахс мажбуриятлари бўйича кафилликни ўз зиммасига олган бўлса, ёки аксинча, юридик шахс давлат мажбуриятлари бўйича кафилликларни ўз зиммасига олса, қайд этилган қоидалар тадбиқ қилинмайди.

Мисол тариқасида 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисидаги” ЎзР Қонунининг² 15 - моддасини келтирсак бўлади (2- банд): “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати остида чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция марказлаштирилган инвестиция ҳисобланади”.

“Давлат, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари чет эл инвестори билан тузилган тегишли шартнома-

¹ Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юристъ, 2000 й., 150-бет.

² Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - 20-сон. - Т.: “Адолат”, 1998 й.

ларда ўз зиммасига олган, ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган шахслар имзолаган мажбуриятлар бўйичагина жавоб берадилар.

Давлат чет эл инвестицияларини жалб этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, бундай мажбуриятлар қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан кафолатланган ҳоллар бундан мустасно” деган ҳолат 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисидаги” Қонуннинг¹ 19-моддасида бириктирилган.

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг² 4-м. 4-бандида эса қуйидаги ҳолат бириктирилган: “Чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари ... Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ҳам берилади”

Яққол мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: 1998 йил 26 октябрда аккумулятор батареяларини ишлаб чиқарувчи “УзЭксайд” ўзбек-америка қўшма корхонасини тузиш ҳақидаги” ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 453-сонли Қарори³ қабул қилинди.

Ушбу Қарорнинг 10-банди ЎзР Молия Вазирига белгиланган тартибда, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган жалб этилаётган кредитлар бўйича ЎзР ҳукуматининг кафолатини тақдим қилиш ваколатини беради.

Демак, бу вазиятда давлат, ЎзР Молия Вазирлиги орқали юқорида кўрсатилган лойиҳани амалга ошириш борасида мажбуриятлар бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади ва бу дегани, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиси ҳисобланади.

Шундай қилиб, умумий қоидага кўра, юридик шахслар, улар давлат томонидан тузилган бўлсалар-да, чет эл элементли хусусий-ҳуқуқий муносабатларда қатнашганда, иммунитетга (даҳлсизликка) эга бўлмайдилар ҳамда давлат, юридик шахс мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳолда, ўз иммунитетини автоматик равишда чеклайди.

2-§. Давлат иммунитет (даҳлсизлиги) ва унинг турлари

Кўпинча давлатни, фуқаролик обороти тартибини, ўзининг ҳуқуқий лаёқати мазмунини ва чегарасини шакллантириши мумкинлиги сабабли, ҳуқуқнинг алоҳида субъекти деб аташади. Лекин, бир

¹ Ушбу қонуннинг 19-сони.

² Ушбу қонуннинг 4-моддаси.

³ Ҳуқуқий ҳолатнинг алоҳида таълими. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ҳуқуқий ҳолати. 29-мартдаги версияси.

томондан давлат махсус ҳоқимият ваколатларига эга бўлиб, бошқа томондан ҳужалик субъекти бўлиши эҳтимолининг мавжудлиги, давлатнинг махсус ҳуқуқий субъектлиги натижасидир, аммо бу ҳол, унинг иштирок этаётган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг табиатини ўзгартирмайди ва уларни ҳоқимият ва бўйсунуш элементларини ўз ичига оладиган муносабатларга айлантиришга асос бўла олмайди.

Бошқа сўз билан айтганда, бозор шароитида давлат фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда жисмоний ва юридик шахсларга тенг бўлган ҳуқуқ субъекти бўлиб қатнашади. Давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги ҳуқуқий ҳолатининг замонавий тушунчаси шундан иборатдир ва бундан ички фуқаролик оборотида давлат имунитет ҳуқуқига эга эмаслиги келиб чиқади.

Давлат халқаро хусусий ҳуқуқ субъекти, яъни чет эл элементли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиси сифатида келганда, вазият мураккаблашади. Бу ерда, давлатнинг мутлақ имунитети амал қилади.

Бизнинг фикримизча, мутлақ имунитет принципи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳларда (III жилд)¹ ҳам ўз намоёнини топган. У ерда шундай дейилган:

Ўзбекистон Республикаси — суверен давлат сифатида фақат халқаро оммавий ҳуқуқнинг субъекти сифатида танилибгина қолмасдан, балки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам алоҳида субъекти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси чет эл элементи билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида ҳам ўз суверенлигини, мустақиллигини сақлаб қолади ва ҳеч қандай бошқа давлатларга ёки унинг органларига бўйсунмайди.

Ўзбекистон давлати ўзининг ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига уй-жой, бино ва иншоотларни сотиб олиш, чет эл элементлари билан мулквий битимларга киришиш, чет давлатларда очилган меросни қабул қилиш муносабатларида ҳам чет эл қонунларига ёки чет эл суд органларига бўйсунмасдан давлат (имунитети)нинг даҳлсизлигини сақлаб қолади.

Шундай қилиб, имунитет (лот. *immunitas*; /*immunitatis*/ — маълум бир нарсадан озод этиш; ингл. *immunity*) - 1) давлатларга, халқаро ташкилотларга, давлат ичида алоҳида ўринларни эгаллайдиган шахсларга маълум бир вазиятларда баъзи бир умумий қонунларга бўйсунмаслик юридик ҳуқуқидир².

¹ “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, Тошкент, 1998 й., 385-бет.

² Юридическая энциклопедия/ Под ред. М.Ю. Тихомирова.-М.:1998, 177-бет. Румянцев О.Г., Додонов В.Н. Юридический энциклопедический словарь. - М.: ИНФРА-М, 1997, 115-бет.

Давлат иммунитети - давлат суверенитетидан келиб чиқадиган халқаро ҳуқуқий принцидир. Унинг мазмуни шундан иборатки, барча давлатларнинг тенглигига кўра бир давлат бошқа давлат устидан устун бўла олмайди (“*par in parem now habet imperium*” - “тенг, тенгга нисбатан устувор бўла олмайди”). Чет эл давлатлари, уларнинг органлари ва уларга тегишли мулк ҳам иммунитет ҳуқуқига эгадирлар¹.

Давлатларнинг ва улар мулкининг юрисдикция иммунитети — суверен давлатнинг судга бўйсунмаслиги, чет эл давлатининг мулкига олдиндан даъволи таъминлашга, унга банд солиш, суд қарорини ижро этиш ва бошқа чеклаш ва ундиришлардан дахлсизлиги².

Давлат иммунитетининг моддий моҳиятига келсак, бу ерда тарихий экскурс ўтказиш мумкин: бу тушунча Европада 16 асда, яъни, миллий давлатлар вужудга кела бошлаган бир вақтда ривожлангандир. Энг юқори чўққисига у 19 аснинг миллий йўналган ҳуқуқий доктриналарида кўтарилган. Бу ерда иммунитет қатъий, барчани ўз ичига олган ва мутлақ тушуниларди: ҳеч қайси давлат ҳеч қандай вазиятларда бошқа давлатни судлаш ҳуқуқига эга эмас эди, чунки бу ерда назарияга биноан барча давлатларнинг тенглиги асоси бузилар эди.

Албатта, бу ерда бизни биринчи навбатда давлат субъект бўла оладиган фуқаролик ҳуқуқий ва фуқаролик процессуал муносабатлар қизиқтиради. Бундай муносабатларда қатнашган давлат, ҳамиша давлат бўлиб қолаверади ва шунга мувофиқ, давлатга нисбатан бошқа давлатнинг юрисдикцияси тарқалиш чегараси ва эҳтимоли билан боғлиқ бўлган муаммолар юқорида кўрсатилган халқаро ҳуқуқий муносабатлар доираларисиз кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Лекин, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, иммунитетга эга бўлган давлат, унинг органлари ва иммунитетдан фойдаланувчи шахслар, бошқа суверен юрисдикцияси доирасида у ёки бу фаолиятни амалга ошираётган вақтда миллий қонунчилик, миллий ҳуқуқ тартибига нисбатан ўз муносабатини белгилашда “эркин” экан деган фикрга бориш нотўғри.

Н.А.Ушаков таъкидлашича, иммунитет принципи халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари доирасига кирмайди: биринчидан, у давлатлараро муносабатлар соҳаларининг барчасини эмас, айримлари, яъни халқаро муносабатларда давлатларнинг вакилликка тегишли соҳаси асосида ётади; иккинчидан, императив эмас, балки диспозитив характерга эга. Шу билан бирга у давлат иммунитетининг принципининг муҳимлиги ва унинг аҳамиятини инкор этмайди³.

¹ Румянцев О.Г., Додонов В.Н. Юридический энциклопедический словарь. - М.: ИНФРА-М, 1997, 115-бет.

² Проект Закона РУз “Об иммунитете государства”. - Материалы для международного семинара на тему “Иммунитет государства” - Т.: 2000.

³ Ушаков Н.А. Государство в системе международно-правового регулирования. Учебное пособие. М., 1997. 29-бет.

Давлат иммунитетини ифода этувчи ва аниқлаштирувчиси - унинг органлари иммунитетини ҳисобланади. Бу доирага дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари, уларнинг ходимлари, давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилотлар, ушбу ташкилотлар қошидаги давлат вакиллари, уларнинг мансабдор шахслари киради.

Давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари иммунитетларининг мазмуни дипломатик (1961) ҳамда консуллик муносабатлар (1963) тўғрисидаги Вена Конвенцияларида¹ очиб берилган.

Шунга биноан, 1996 йил 29 августдаги ЎзР Қонуни билан тасдиқланган Консуллик Уставининг² 77-моддасига биноан, консуллик муассасалари, уларнинг ходимлари ва оила аъзолари 1963 йилдаги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенцияси, Ўзбекистон Республикаси ҳамда ЎзРнинг Консуллик муассасаси ҳозир бўлган давлат ўртасидаги шартномаларда кўрсатилган имтиёзлар ва иммунитетлардан, шунингдек, умуман тан олинган халқаро ҳуқуқ нормаларидан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, юридик доктринада, одатда, давлат иммунитетининг иккита: мутлақ ва чекланган (у ҳақда кейинги ўринларда баён қилинади) концепциялари мавжуд. Мутлақ иммунитет концепцияси қуйидагилардан келиб чиқади:

а) чет эл давлатига нисбатан даъволар, уларнинг розилигисиз бошқа давлатларнинг судида кўриб чиқилиши мумкин эмас.

б) даъвони таъминлаш мақсадида у ёки бу давлатнинг мулкига нисбатан бошқа бирон бир давлат мажбурий чора кўра олмайди.

в) давлатнинг розилигисиз унинг мулкига нисбатан мажбуран қўлланувчи чоралар кўрилиши мумкин эмас³.

Шунга кўра, одатда, даҳлсизлик ҳуқуқининг қуйидаги турлари фарқланади: судловдан даҳлсизлик, олдиндан даъвони таъминлашга даҳлсизлик, қарорни мажбурий ижро этишга даҳлсизлик.

Судга даҳлсизлик шундан иборатки, давлат бошқа давлатларнинг судловига тегишли эмас (бир давлат иккинчи давлатнинг суди томонидан судлана олмайди). Бир давлат иккинчи давлатнинг суди томонидан жавобгар сифатида жалб этилмайди, давлат томонидан бунга аниқ-равшан розилик берилган ҳоллар бундан мустасно.

Олдиндан даъвони таъминлашга даҳлсизлик шундан иборатки, давлат мулки даъвони таъминлаш предмети бўла олмайди.

¹ Юридическая информационная система ПРАВО. Международное право. 2002 й. 1 апрелдаги версияси.

² Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - 14-сон. - Т.: "Адолат", 1997 й.

³ Богуславский М. Регулирование иммунитета государства в законодательстве стран СНГ. - Хозяйство и право, №9, 86-бет.

Қарорни ижро этишга дахлсизликка кўра, давлатнинг ихтиёрисиз (розилигисиз) давлатга қарши чиқарилган қарорни мажбурий ижро этишни амалга ошириш мумкин эмас¹.

Яна тарихий экскурсга қайтамыз: шуни айтса бўладики, мутлақ иммунитет доктринаси биринчи Жаҳон урушига қадар амалда бўлган. Давлат иқтисодий жараёнларда актив қатнашаётганлиги сабабли (бу ҳолат кескин равишда биринчи Жаҳон уруши даврида ривожлана бошлади) мутлақ иммунитет доктринаси аста секин парчалана бошлади. Айниқса Европа континентал мамлакатларида (Бельгия, Германия) мутлақ иммунитетнинг ўрнига нисбий, секторал иммунитетни вужудга келтирган доктрина пайдо бўлди. Шундан кейин, Олий ҳокимият актлари (acta jure imperii) ва иқтисодий (хўжалик) обороти доирасидаги ҳаракатлар (acta jure qestions) фарқлана бошлади. Ҳозирги вақтда, ҳеч қандай шак-шубҳасиз, белгиланадики, мутлақ давлат иммунитетининг эски доктринаси бутунлай енгилгандир. Бу ҳолат, муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бир вақтда у шуни кўрсатадики, миллий қонунда чет эл давлати иммунитетига чек қўйган миллий қонун чиқарувчи халқаро ҳуқуққа зид эмасдир.

Ушбу ривожланиш маълум бир вақтда турли хил элементлар ёрдамида амалга оширилади. Ечими суд қарорлари асосида бошланади: кейинчалик, биринчи халқаро ҳужжат, яъни 1972 й. 16 май давлатлар иммунитетни тўғрисидаги Базел Европа келишуви вужудга келди: шу билан бирга биринчи қонунлар қабул қилинди: Foreign Sovereign Immunities Act (АҚШ, 1976 й.), State Immunity Act (Буюк Британия, 1978 й.). Давлатлар уюшмаси халқаро давлатлар иммунитетни Конвенциясини ишлаб чиқишга тайёрлана бошладилар².

Чекланган иммунитет концепциясига биноан, чет эл давлатлари, унинг органлари ва мулки иммунитет ҳуқуқи билан фақатгина давлатлар суверен вазифаларини, яъни jure imperii ҳаракатларини амалга оширганда фойдаланадилар. Агар давлат, тижорат характеридаги (ташқи савдо битимлар тузиш, концессия ва бошқа битимлар ва ҳ. к.) (jure gestiones) ҳаракатларни амалга оширса у иммунитет ҳуқуқидан фойдаланмайди. Бошқача қилиб айтганда, чекланган иммунитет концепцияси тарафдорлари шуни таъкидлашадики, агар давлат ўзини ху-

¹ *Богуславский М.М.* Международное частное право: Учебник. - 3-изд., перераб. и доп. - М.: Юристъ, 2000, 150 - 151-бет.

² *Книппер Рольф.* Тезисы к Концепции государственного иммунитета и его применения в проекте узбекского закона о государственном иммунитете. - Доклады участников международного семинара на тему: "Иммунитет государства" (2000 г. 23 мая.) - Т.: 2000, 3-бет.

сусий шахс ҳолатига қўйса, унга нисбатан даъво қўзғатиш ва унинг мулкига нисбатан мажбурий чоралар кўриш мумкиндир¹.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чекланган имунитет концепцияси турли хил мамлакатларнинг қонунчилик, суд ва шартномавий амалиётида кенг тарқалди. Бу эса давлатнинг иқтисодий фаолиятида қатнашиш доираси кенгайганидан далолатдир.

Натижада, чет эл давлати имунитетини чекловчи шартномавий ва халқаро ҳуқуқий нормаларни тадбиқ қилиш доираси тобора кенгаймоқда. Шу билан бирга, давлатнинг мутлақ имунитетига тегишли халқаро ҳуқуқий нормаларни тадбиқ қилиш доираси эса торайиб бормоқда. Маълум бир ишларга нисбатан мутлақ имунитет концепция тарафдорлари бўлган давлатлар ундан воз кечаётган ҳоллари тез-тез учраб турибди². Бу ҳол улар томонидан қабул қилинган қонунларда ўз аксини топаяпти. Масалан, юқрида кўрсатилган имунитет тўғрисидаги қонунлардан ташқари, АҚШ (1976), Буюк Британия (1978), шундай қонунлар Австрия (1979), Канада (1981), Покистон (1981) ва бошқаларда қабул қилинган.

Баъзи бир МДХ давлатларининг фуқаролик процессуал кодексларида қайси чет эл мамлакатаида давлат имунитети тақдим этилмаса, унга жавобан чоралар кўрилиши кўзда тутилган ҳолатлар бириктирилган бўлса-да (масалан, Украина ФПК 425-моддаси), бу имкониятнинг белгиланиши ўзаролик принципини қўллашга олиб келмайди ва амалиётда ўз самарасини йўқотади деган фикрга қўшилиш мумкин. Ҳеч бўлмаганда, бу ҳолат имунитетни чеклайдиган қонунлар (юқорига қаранг) қабул қилган ёки суд амалиёти чекланган имунитет концепцияси тарафдори бўлган (ГФР, Австрия, Франция, Бельгия, Швейцария, Италия, Дания, Финляндия, Греция, Норвегия ва бошқ.) мамлакатларга нисбатан таълуқлидир.

Шундай қилиб, у ёки бу МДХ давлатининг қонунчилигида чет эл давлатининг мутлақ имунитети мустаҳкамланган бўлсада, бу чет эл давлати судларида ҳам МДХ давлатларининг имунитети автоматик равишда тан олинади дегани эмасдир. Чет эл судлари ҳар бир конкрет вазиятда, бошқа давлат ва унинг органлари имунитет ҳуқуқидан фойдаланиш - фойдаланмаслигини ўз миллий қонуни асосида ўзлари ҳал қиладилар ва бу маълум бир вазиятда ҳар қан-

¹ *Богуславский М.* Регулирование иммунитета государства в законодательстве стран СНГ. - Хозяйство и право, 9-сон, 90-бет.

² *Хлестова И.О.* Вопросы иммунитета государства и в законодательстве, и в договорной практике Российской Федерации. - В сб. Статей "Проблемы международного частного права". Под ред. *Н.И. Марышевой*, - М.: 2000, 71-бет.

дай давлат чет эл суди юрисдикциясига бўйсунishi имкониятига олиб келади¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида “Давлат имунитети” тўғрисидаги қонун устида изланиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу қонуннинг мақсади — Ўзбекистон Республикаси суд ишларини кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатларига нисбатан даъво қўзғатиши, ва чет эл давлатларининг Ўзбекистон Республикасига нисбатан даъво қўзғатиши, мазкур даъволар бўйича суд қарорларини бажариш, ҳамда уларнинг вакилларининг имунитет ва имтиёзларига тегишли қоида ва тартибларини ўрнатишдир².

Шу масалага бағишланган семинар қатнашчиларининг фикрига кўра, ушбу қонунни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш суд амалиётининг тажрибаси етарли бўлмаган мамлакатларга фойдаси кўпроқ тегади. Шундай мамлакатларга МДХ давлатлари ҳам киради, лекин асосийси, албатта, бу борада янги мустақил давлатларнинг халқаро иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги ривожланишини имунитет, чет эл инвестициялари барқарор ҳуқуқий муҳит яратишни ўз олдига мақсад қилган ва, бошқа томондан, миллий корхона ва ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий тартибга солишни барпо этишдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида имунитет тўғрисидаги қонун қабул қилиниши Ўзбекистоннинг Жаҳон савдосида қатнашликка ундайди ва чет эл инвестицияларини жалб этишга кўмак беради.

3-§. Давлат томонидан тузилаётган битимларнинг ҳуқуқий ҳолати

Давлатнинг (хусусан халқаро хусусий ҳуқуқда) ҳуқуқий ҳолати ЎЗР ФКнинг 79-моддаси 3-қисми (давлат ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича ўз мулки бўлган маблағлари билан жавоб беради) ҳамда 1178-моддаларида бириктирилган: (чет эл элементи билан давлат иштирокидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига нисбатан, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ФК VI бўлим “Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш”).

Халқаро шартномалар қоидаларини татбиқ қилишга келсак, эътиборни 1965 й. “Маблағлаштиришга оид давлатлар ва бошқа давлатлар фуқаролари орасидаги низоларни ҳал этиш тўғрисидаги” Вашингтон

¹ Богуславский М. Регулирование иммунитета государства в законодательстве стран СНГ. - Хозяйство и право, 9-сон, 88—89-бет.

² Материалы для международного семинара на тему: “Иммунитет государства” - Т.: 2000, 3-бет.

Конвенциясига қаратиш лозимдир. Ушбу Конвенцияга биноан, давлатга нисбатан даъвои Қайта қуриш ва ривожланиш Халқаро Банкининг Низоларни ҳал этиш Халқаро марказида қўзғатиш мумкин. Шу билан бирга, МДХ давлатлари ва бошқа давлатлар орасида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш икки томонлама келишувлари бўйича (масалан, 1993 й. Ўзбекистон ва ГФР билан келишуви) инвесторнинг давлат билан бўлган низоси Халқаро савдо арбитраж судлари ёки ушбу Марказда кўриб чиқилиши мумкинлиги қайд этилган.

Доктринага биноан, давлатнинг халқаро ҳўжалик муносабатлари қатнашчиси сифатида ўзига хослиги шундан иборатки, давлатнинг мажбурияти бўйича, асосан, фақатгина унинг қонуни татбиқ этилиши мумкин, чет эл ҳуқуқини тан олиш тўғрисида давлатнинг ўзининг тўғридан-тўғри розилиги бўлган ҳолат бундан мустасно. Шунинг учун ҳам, давлатнинг чет эл компаниялари ёки чет эл фуқароси билан бўлган муносабатлари шартномада бир томон бўлган давлатнинг ички қонунчилиги томонидан тартибга солинади. Бу ерда агарда шартномада бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, халқаро қонунчилиги татбиқ этилмайди¹.

МДХ давлатларнинг, хусусан Ўзбекистон Республикаси, иммунитет масаласига қайтсак, шунга эътибор қаратиш жоизки, давлатларнинг йирик кредит, кўп муддатли комиссия ва инвестиция шартномаларини тузиш замонавий амалиёти шуни кўрсатаптики, уларда давлат иммунитетига ҳавола қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаган ҳолда чет эл судида, арбитраж ёки ҳакамлар судида низоларни кўриш тўғрисидаги тўғридан-тўғри шартлар киритилгандир.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Болгария Республикаси ҳукумати ўртасида 1998 й. 24 июнда тузилган инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимда² вужудга келган низо “Ad hoc” тартибида тузилган Арбитраж судига ҳал қилиниши учун топширилади, деган ҳолат бириктирилган.

Юқорида қайд қилинганлар бизга қуйидагича хулосалар қилиш имконини беради:

- Давлатлар халқаро оммавий ҳуқуқнинг асосий субъекти, фуқаролик ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқнинг субъекти ҳисобланади.

- Давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги замонавий ҳуқуқий ҳолати шундан иборатки, давлат фуқаро ва юридик шахсларга нисбатан тенгдир ва ички фуқаролик оборотида у иммунитет билан фойдаланмайди.

¹ *Богуславский М.М.* Международное частное право: Учебник. - 3-изд., перераб. и доп. - М.: Юристъ, 2000, 160 - 161-бет.

² Юридическая информационная система ПРАВО. Международное право. 2002 й. 1 апрелдаги ҳолат.

- Давлат халқаро хусусий ҳуқуқ муносабатлари қатнашчиси сифатида бўлганда бу масала бир томонлама (оддий) ҳал қилинмайди, чунки бу ерда давлат суверенитетга асосланган халқаро ҳуқуқ принципларига кўра, мутлақ иммунитетидан фойдаланади.

- XX асрнинг иккинчи ярмидан “чегараланган иммунитет” концепцияси кенг тарқала бошлади. Унинг мазмуни қуйидагилардан иборат: агар давлат суверен фаолиятини амалга оширадиган бўлса у иммунитет билан фойдаланади; агарда давлат ўзини хусусий шахс ҳолатига кўядиган бўлса, унга нисбатан даъво қўзғатилиши ва унинг мулкига нисбатан мажбурий чоралар кўрилиши мумкин.

- Давлат иммунитетидан тўғрисидаги масала айниқса чет эл инвестицияларини актив жалб қилиш сиёсатини олиб борувчи (агар МДХ ҳамдавлатлари ҳам) қуйидаги ҳолатдан инвестор манфаатдордир деб қараш долзарб бўлиб қолди. Инвестор инвестицияни қабул қилаётган давлат ораларида низо вужудга келадиган бўлса, давлат ўз иммунитетидан воз кечиши инвесторнинг манфаатидир.

- Давлат иммунитетига келсак, у миллий характерга эгадир ва ҳар бир давлат ҳудудида амалда бўлади. МДХ давлатлари, хусусан Ўзбекистон Республикасида, Давлат иммунитетидан қонуни қабул қилинмаганлиги тўғрисида шу ҳолат келиб чиқадики, Ўзбекистон Республикасида, айрим истиснолардан ташқари, чет эл давлатининг ва унинг мулки иммунитетидан тўлиқ ҳажмда тан олинади. Лекин бу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг иммунитетидан чет элда тўлиқ ҳажмда тан олишга кафолат бермайди.

Иммунитет тўғрисидаги қонун МДХ давлатларининг иқтисодий манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилувчи механизмларидан бири бўлиб қолар эди.

Биз ҳам шу фикрга қўшилаемизки, иммунитетга тегишли масалалар турли хил алоҳида кодекс ва бошқа норматив актлар нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан эмас, балки барча вужудга келувчи муаммоларни комплекс ечадиган ягона акт қабул қилиш билан ҳал этилиши лозимдир.¹

VI БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Давлат — мулкӣ муносабатларнинг субъекти сифатида Давлат иммунитетидан (даҳлсизлиги) ва унинг турлари.
2. Давлат томонидан тузилаётган битимларнинг ҳуқуқий ҳолати.

¹ Богуславский М. Регулирование иммунитета государства в законодательстве стран СНГ. - Хозяйство и право, 9-сон, 90-бет.

Тавсия этилган адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993 й.
- 1961 й. Дипломатик муносабатлар тўғрисида Вена Конвенцияси. – Юридическая информационная система. Международное право. 2002 й. 1 апрелдаги версияси.
- 1963 й. Консуллик муносабатлари тўғрисида Вена Конвенцияси. – Ўша жойда.
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997 й. 1 мартдан кучга кирган). – Т.: “Адолат”, 1996 й.
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (1997 й. 30 август). – ХУКУҚ юридик ахборот тизими. Иқтисодий қонунчилик. 2001 й. 13 мартдаги ҳолат.
- Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси (1997 й. 30 август) – Ўша жойда.
- ЎЗР Консуллик Устави (1996 й. 29 август ЎЗР Қонуни билан тасдиқланган). – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – 14-сон – Т.: “Адолат”, 1997.
- “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 30 апрел Қонуни. – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – 19-сон – Т.: “Адолат”, 1998 й.
- “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 30 апрел Қонуни. – Ўша жойда.
- “Инвестиция фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 24 декабр Қонуни. – Ўша жойда 20-сон.
- Баратьянц Н.Р., Богуславский М.М., Колесник А.Н.* Современное международное право: иммунитет государства // Сов. Ежегодник международного права, 1988. – М.: 1989. – 165 - 182-бет.
- Бирюков П.Н.* Международное право: Учебное пособие. – М.: Юрист, 1998.
- Богуславский М.М.* Международное частное право: Учебник. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристь, 2000.
- Богуславский М.* Регулирование иммунитета государства в законодательстве стран СНГ. – Хозяйство и право, 2000, №9.
- Ермолаев В.Г., Сиваков О.В.* Международное частное право. Курс лекций. – М.: “Былина”, 1998.
- Книппер Рольф.* Тезисы к Концепции государственного иммунитета и его применения в проекте узбекского закона о государственном иммунитете. – Доклады участников международного семинара на тему: “Иммунитет государства” (23 мая 2000 года) – Т.: 2000.
- Румянцев О.Г., Додонов В.Н.* Юридический энциклопедический словарь. – М.: ИНФРА-М, 1997, 115-бет.
- Самархўжаев Б.Б.* Халқаро хусусий ҳуқуқ. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Эльдинур” нашриёт уйи, 1999 й.
- Ушаков Н.А.* Государство в системе международного-правового регулирования. Учебное пособие. М., 1997.
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар (III жилд). – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1998 й.
- Хлестова И.О.* Вопросы иммунитета государства и в законодательстве, и в договорной практике Российской Федерации. – В сб. статей “Проблемы международного частного права”. Под ред. *Марышевой Н.И.* – М.: 2000.
- Юридическая энциклопедия / Под ред. *М.Ю. Тихомирова.* – М.: 1998.

VII БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚҚА БИНОАН МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

1-§. Муаллифлик ҳуқуқини халқаро ҳимоя қилишнинг умумий тавсифи

Муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг таркибий қисми бўлиб, тарихийлиги, ҳаракат доирасининг кенглиги, ҳам миллий қонунчилик нормалари, ҳам халқаро нормаларнинг бир хилда қўлланиши билан ажралиб туради.

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси ҳисобланган — фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, улардан турли кўринишда фойдаланиш, айирбошлаш натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатларда бир томондан жисмоний шахслар қатнашса, иккинчи томондан юридик шахслар ёки халқаро ташкилотлар ёхуд давлатлар қатнашиши мумкин.

Австриялик олим Вальтер Дилленц Европада китобнинг чоғ этилиши муаллифлик ҳуқуқининг пайдо бўлишига олиб келди, деб кўрсатади.¹ Немис мутахассиси И.Гутенберг XV асрда ҳарф босишни ихтиро қилиши натижасида саноат усулида биринчи марта оммавий равишда китобнинг чиқарилиши муаллифлик ҳуқуқининг келиб чиқиши ва китобнинг бозорда товар сифатида айирбошланиши аҳолининг интеллектуал талабини қондиришга олиб келди. Дастлаб асар яратган муаллифнинг ҳуқуқи эмас, балки китоб чиқараётган ноширнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинади. Муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган дастлабки қонунлар 1709 йилда Англияда, 1790 йилда АҚШда, 1791, 1793 йилларда Францияда, 1794, 1837 йилларда Пруссияда, 1762 йилда Испанияда, 1830 йилда Россияда қабул қилинган. Бу қонунларга кўра муаллифлик ҳуқуқи нафақат бир мамлакат ҳудудида, балки бутун дунёда ҳимоя қилиниши ҳам норма сифатида белгиланган.

Муаллифлик ҳуқуқи “инсон ҳуқуқлари”нинг ҳам ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга” дейилади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 18,19-моддалари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро ҳужжатнинг 18,19-моддаларида бевосита муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоясига

¹ Вальтер Дилленц. “Авторское право: прошлое и настоящее. Что дальше?” Москва, “Юридическая литература”, 1988, 7-беч.

оид қоидалар мустаҳкамланган. Айниқса, Умумжаҳон Декларациясининг 27-моддасида “ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга” дейилади. Ижод эркинлиги илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий ихтиролар, адабиёт ва санъатда янги асарлар яратиш асосида амалга оширилади. Давлат эса муаллифларнинг бош ҳомийси, жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади. 1956 йили 35 давлат вакиллари иштирок этган Халқаро муаллифлар ва бастакорлар конфедерацияси (СИЗАК) томонидан қабул қилинган Хартияда ҳам адабиёт, бадиий ва илмий асарлар муаллифлари жамиятда муҳим ўринни эгаллашлари, улар инсониятнинг умумий манфаатлари олдида жавобгар эканлиги ҳамда цивилизациянинг ривожланишида ҳал қилувчи куч эканлиги таъкидланади. Ҳар қандай давлат миллий қонунчилигини яратаётганда муаллифлик ҳуқуқига оид юқоридаги тамойилларни қонун доирасида мустаҳкамлаши, муаллифларнинг эрки-иродасини доимо ҳимоя остига олиши Хартиянинг асосий ғоясини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси миллий давлатчилик асосини шакллантирар экан, мустақиллик йилларининг дастлабки кунлариданоқ муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик тизимини шакллантиришга киришди. 1995 йил 5 май куни “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”, 2002 йил 5 апрель “Шаҳар-созлик кодекси”, 1996 йил 24 апрелда “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”, 1996 йил 30 августда “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”, 1996 йил 30 августда “Ноширлик фаолияти тўғрисида”, 1997 йил 25 декабрда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, 1998 йил 26 декабрда “Реклама тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонунчилик тизими яратилганидан далолат беради. Айниқса, 1997 йил 1 мартдан кучга киритилган янги Фуқаролик кодекси эса бу соҳада муҳим қонунчилик асоси ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг IV-бўлими интеллектуал мулкка оид муносабатларни тартибга соладиган нормалар билан мустаҳкамланганлиги муаллифлик ҳуқуқига катта эътибор берилаётганлигини кўрсатади. Муаллифлар ҳуқуқларининг бир неча қонунлар орқали ва ҳар томонлама ҳимоя қилиниши уларнинг конституцион ҳуқуқларининг кафолатини таъминлайди. Янги кодексда 59,60,61-боблар (1031-1081-моддалар)да муаллифларнинг шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлари, муаллифлик шартномалари, муаллифлик ҳуқуқининг субъект ва объектлари, ҳимоя муддати, турдош ҳуқуқлар субъектлари бўлган ижрочилар, теле-радио органлари, ижро

ёзувини амалга оширувчи шахсларнинг ҳам ҳуқуқларининг бир қатор алоҳида моддаларда берилиши орқали қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга яқинлаштирилди. 1996 йил 30 августдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида эса муаллифлик ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг ҳуқуқлари янада кенгроқ берилди. Айниқса, муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси, асар қисмлари ва ҳосила асарлар, хизматга доир асарлар, ҳаммуаллифлик, фильм ва интервью муаллифлари, муаллифлик ҳуқуқининг чекланиши, муаллифлик ҳуқуқларини бошқариш каби қондалар янги норма сифатида алоҳида белгилаб қўйилди.

Ижодий фаолият натижаси бўлган маҳсулотлар кўпинча ғоявий-номоддий кўринишда бўлади. Шу сабабли уларга нисбатан одатдаги ашёга, моддий объектга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ меъёрларини қўллаб бўлмайди¹. Муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилик тизими ушбу масалани бевосита ҳал этади. Қонунчиликда муаллифнинг шахсий ҳуқуқларига катта ўрин берилган. Шахсий номулкий ҳуқуқлар фақат муаллифга тегишли бўлиб, у бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин эмас.

Қонунчиликнинг яна бир хусусияти шундаки, биринчи марта муаллифнинг шахсий мулкий ҳуқуқлари тизими янада кенгайтирилди. Бу ҳуқуқлар эса асарни яратиш ёки ундан бошқача йўл билан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган ҳар қандай муносабатларда ҳам ўзининг тъсирини йўқотмайди, ўзгалар томонидан ўзгартирилмайди. Тегишли ҳуқуқ шартномада келишилгандан сўнг бошқаларга ўтказилиши мумкин.

Ҳар қандай муаллиф асарнинг ўзи томонидан яратилган мустақил аҳамият касб этган қисмини агар улар ўртасида бошқача келишув кўзда тутилмаган бўлса, ўз хоҳишидек фойдаланиш ҳуқуқига эга. Маълумки, муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва уни амалга ошириш учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки ҳужжатлаштириш ёхуд бирон-бир расмийликка риоя этишлик талаб қилинмаслиги норма сифатида ўрнатилган.

Муаллифлик ҳуқуқининг хусусиятларидан яна бири шуки муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари — муаллифлик ҳуқуқини, номга бўлган ҳуқуқни, муаллифнинг обрўсини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқни амалга оширишда муддат белгиламайди. Шунингдек, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисидаги бирон-бир шахс билан тузган битим ёки муаллифнинг бу ҳақдаги аризаси аҳамиятга эга эмас.

Миллий қонунчиликдаги яна бир хусусият шундаки, муаллифнинг ҳуқуқи у вафот этгандан кейин яна 50 йилгача ҳимоя қилинади.

¹ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Т. “Адолат”, 1996 й., 30-бет.

Турдош ҳуқуқларнинг субъектлари ҳисобланган теле-радио органлари, кабелли студиялар, овоз ёзиб олувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам улар томонидан яратилган асар эълон қилинган, ижро этилган (ёзиб олинган) кундан бошлаб 50 йилгача ҳимоя қилинади. Бу муддат ҳатто кўп томонлама шартномаларда ҳам анча қисқа қилиб белгиланган.

Хулоса қилганда, республикамиз муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги бозор иқтисодиёти қонуниятларини ўзида мужассамлаштирган, яхлит бир тизимга келтирилган ва халқаро ҳужжатлар талабларига мос келади. Умуман олганда, республикамиз муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олиши учун тегишли ҳуқуқий замин яратилган.

2-§. Муаллифларнинг чет элдаги ҳуқуқий ҳолати

Қонунчиликка кўра Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

Маълумки, муаллифлик ҳуқуқи муаллифларнинг ва уларнинг ҳуқуқий ворисларининг фуқаролигидан қатъий назар, Ўзбекистон ҳудудида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив кўринишдаги асарларга нисбатан татбиқ қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида эълон қилинган ёки бирон-бир моддий кўринишда бўлган асарларга татбиқ қилинади, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлган муаллифларга ёки уларга тенглаштирилган шахсларга тегишли деб тан олинади;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида эълон қилинган ёки бирон-бир моддий кўринишда бўлган асарларга татбиқ қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг фуқароси бўлган муаллифларга, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий ворисларига тегишли деб тан олинади.

Агарда, асар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида биринчи марта эълон қилинганидан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистонда эълон қилинган бўлса, асар Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган ҳисобланади. Асар Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳимоя қилиниши лозим бўлса, унинг муаллифи ҳудудида муаллифлик ҳуқуқини олиш учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт содир бўлган давлатнинг қонуни билан аниқланади.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган бирон-бир кўп томонлама шартномаларга қўшилганидан сўнг, республикада шартнома-

нинг **“миллий тартиб”** принципи амалда бўлади. Яъни, хорижий муаллифларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётганда республикамиз қонунчилиги нормалари қўлланади. Агарда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида республикамизнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади. Қонунчиликнинг бу қоидаси хорижий муаллифларнинг республикамизда муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоясини тартибга солади ва ўртада келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай келишмовчиликни бартараф этади. **“Миллий тартиб”** принципининг мазмуни шундан иборатки, **бунда ҳар қандай давлат ҳудудига чет эл муаллифлари асарлари муаллифлар ёки уларга тенглаштирилган шахсларнинг махсус рухсат беришлари (лицензия) орқали олиб кирилади.** Лицензия орқали киритилган ҳар қандай асардан фойдаланишнинг тартиби, муддати, ҳудуди, вақти ва тўланадиган муаллифлик ёки ижрочилик ҳақларини ундириш, йиғиш ва тақсимлаш, ҳуқуқ эгаси яшаб турган мамлакатга ўтказиб юбориш масалалари алоҳида ҳисобга олинади. Халқаро шартноманинг ҳар бир аъзоси бўлган давлат муаллифи ёки ҳуқуқ эгаси асарининг дахлсизлигини таъминлаш ва муаллифлик ҳуқуқининг тўлиқ ҳимоя қилиниши лозим бўлади. Хорижий муаллифлар асарларидан мамлакат ичкарасида фойдаланганда муносабатларда банк, молия, божхона, чегара, транспорт ва ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолияти кучайтирилади. Амалда хорижий муаллифларнинг муаллифлик ҳуқуқларини мамлакат ичкарасида якка тартибда ҳимоя қилиш эмас, балки жамоа бўлиб ҳимоя қилиш ёки бошқариш тартиби кенг қўлланилмоқда. Чунки, чет эллик муаллифнинг муқим ёки доимий равишда давлатлар ҳудудида бўлмаслиги унга тегишли ҳуқуқни ҳимоя қилиш ёки бошқаришга кенг имкон бермайди. Хорижий муаллифнинг мулкий ҳуқуқларини бошқариш мақсадида, уни якка тартибда амалга ошириш қийин бўлган ҳолларда (оммавий ижрочиликда, радио ва телевидениеда, асардан механик, тасма, магнитли ёки бошқа ёзувли усулда фойдаланилганда, репродукция қилинганда ёхуд бошқа ҳолларда) кўрсатилган шахсларнинг тегишли ҳуқуқларини жамоа асосида бошқарувчи ташкилотлар ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартнома асосида ўзларига берилган ваколатлар доирасида муаллифлар ва турдош ҳуқуқлар субъектларининг манфаатларини ифода этадилар. Бундай ташкилотлар ваколатлари доирасида асарлардан фойдаланишнинг тегишли усуллари учун лицензия бераётганда, лицензиянинг шартлари бир тоифадаги барча фойдаланувчилар учун бир хил бўлмаслиги керак ва етарли асослар бўлмай туриб лицензия беришни рад этиб бўлмайди.

Лицензия муаллифлик шартномаси эмас, балки мажбурий характерга эга бўлган рухсат бериш ҳужжатиدير. Лицензия шартномаси му-

аллифлик шартномасидан маълум бир вақтгача ва маълум доирада амал қилиши билан фарқланади. Лицензия шартномаси муаллифлик ҳуқуқи амал қилиши муддатидан кўп бўлмаган вақт давомида амал қилади. Асар муаллифи ёки меросхўрлар лицензия шартномасига муддат тўғрисидаги шарт киритилганлиги ёки киритилмаганлигидан қатъий назар, шартнома тузилган санадан бошлаб ўн йил ўтгандан кейин ўз контрагентини камида олти ой олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир. Ўзбекистон қонунчилигига кўра муаллиф ёки меросхўрларда бундай ҳуқуқ ҳар ўн йилда вужудга келади.

Лицензия шартномалари мажбурий характерга эга бўлиб, унинг талаблари тўлиқ бажарилиши лозим. Мажбурий лицензияга муаллифлик ҳуқуқи эгаси учинчи томондан асардан фойдаланишга рухсат беришга мажбур бўлади. Умуман олганда, лицензия шартномасига кўра муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари бошқа шахсларга ўтказилади.

Лицензия шартномаларининг қуйидаги - ноширлик-матбаа асарлари, аудио-видеоёзувлар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ҳамда ахборотлар базалари учун бериладиган турлари мавжуд.

Ўзбекистонда у ёки бу фаолият билан шуғулланиш учун лицензия олиш тартиби ўрнатилган. Бу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 апрел кунидаги 215-сонли қарори билан тартибга солинади. Кино-видео фаолият билан шуғулланувчилар “Ўзбеккино” Давлат акционерлик компаниясидан, концерт-гастрол фаолияти, эфир орқали эшиттириш, кўрсатув бериш ва кабел орқали узатиш фаолияти билан шуғулланувчилар эса Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги махсус комиссиядан тегишли лицензиялар олади-лар. Муаллифлик ҳуқуқида фаолият билан шуғулланишда лицензия олишдан кўра асарлардан ҳар қандай кўринишда фойдаланиш учун албатта лицензия олиш талаб этилади.

Лицензия асосида хорижий мамлакатлардан олиб келиниб таржима қилинган, ёзиб олинган, нусха кўпайтирилган асарлар бошқа (учинчи) мамлакатларга тижорат мақсадларида ёки ижара объекти сифатида чиқарилиши мумкин эмас.

Муаллифларнинг хорижий мамлакатлардаги ҳуқуқий ҳолати ўша мамлакатнинг миллий қонунчилиги билан аниқланади. Хорижий муаллифнинг барча ҳуқуқлари бир вақтнинг ўзида ҳам миллий қонунчилик билан, ҳам халқаро шартномаларнинг нормалари билан тартибга солинади. Бунда халқаро ташкилотларнинг ҳам ўрни бар.

Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти (БСТ)— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳукуматлараро халқаро ташкилоти бўлиб, унинг фаолияти халқаро савдо тизимини яратиш, ундаги тарифларни камайтириш,

товарлар, хизматлар, маҳсулотларга нисбатан халқаро нормаларнинг тадбиқ этилишига йўналтирилган.

БСТ бир қатор халқаро савдо битимларининг маъмурий вазифасини бажариб келади. 2002 йилнинг 1 январига қадар 130 дан ортиқ давлат БСТнинг аъзоси ҳисобланади. БСТга аъзо бўлган давлатларда бутун дунёда тайёрланадиган маҳсулотларнинг 90 фоизи тайёрланади. Ўзбекистон Республикаси БСТга ҳозирча 32 давлат қатори кузатувчи сифатида қатнашиб келмоқда.

БСТга аъзо бўлиб қираётган давлатлар БСТнинг 15 та мустақил Битимини имзолаб, улардаги халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олмоғи лозим. Бу битимлар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспектилари бўйича шартномаси (ТРИПС) ҳам бор. Шартнома 7 бўлим, 63 моддадан иборат бўлиб, унда интеллектуал мулк ҳуқуқи, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг энг асосий қоидалари мустаҳкамланган. ТРИПСнинг 1-8-моддаларида бошқа мамлакатларда яратилган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларига нисбатан қўлланадиган принцип ва тартиблар, 9-14-моддаларида эса муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли конвенциялар нормалари билан боғлиқ қоидалар белгиланган. БСТ асарлар айирбошланаётганда ТРИПС орқали халқаро савдо тизимига кирган ҳолда халқаро мажбуриятлар бажарилишини ўртага қўяди.

ТРИПС битими муаллифлик ҳуқуқига оид 1886 йилдаги Берн ва 1961 йилдаги Рим конвенцияларига аъзо бўлган мамлакатлар учунгина очиқ эканлиги таъкидланади. Чунончи, давлатлар ҳудудида бир вақтнинг ўзида ҳам халқаро конвенциялар, ҳам ТРИПС битими нормалари ҳаракатда бўлади. Бундай ҳолда мамлакат ичкарасида муаллифлик ҳуқуқига оид содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик бир вақтнинг ўзида ҳар икки халқаро тизим орқали таъқибга олинади ва бузилган ҳуқуқлар ҳаракатда бўлган ҳуқуқий нормалар орқали тикланади. БСТ битимларининг амалга киритилиши ҳар қандай давлатнинг миллий қонунчилигини уларнинг қоида ва талабларига мослаштиришни талаб этади.

3 - §. Муаллифлик ҳуқуқини халқаро миқёсда ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар

Муаллифлик ҳуқуқини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш мақсадида дунёда бир қатор конвенция ва битимлар қабул қилинган. Булар кўп томонлама, икки томонлама ва ҳамкорликка йўналтирилган шартномалардир. Бундай келишувларнинг юзага келишининг асосий сабаби

бир мамлакатда яратилган асарларнинг бошқа мамлакатларда рухсатсиз фойдаланилишининг олдини олишдир. Икки томонлама конвенциялар Европа мамлакатлари ноширларининг талаби билан юзага келган. Бунга 1886 йилда “Адабий ва бадий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Берн конвенцияси мисол бўлади.

Турли кўринишлардаги давлат тузилишига эга бўлган давлатлар орасида ҳамкорликни ривожлантиришда муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги хоҳишлар, халқаро конвенцияларнинг ўрни ва аҳамияти 1975 йил 1 августда Хельсинкида ўтказилган Кенгашнинг Якуний баённомасида ўз аксини топган. Хельсинки Кенгаши аъзолари интеллектуал мулк ҳуқуқининг ҳимоясини таъминлаш зарурияти илм ва фан тараққиётида келгуси алоқаларни мустақамлаш имкониятларига боғлиқ эканлигини кўрсатдилар. Кенгаш аъзолари давлатларнинг маданий бойликларини алмаштириш ҳақидаги якуний қайднома бўлимида, ўзлари иштирок этаётган ва келгусида қўшилишга қарор қиладиган маданий қадриятларни тарқатиш ва муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида халқаро конвенция ва битимларнинг тўлиқ, самарали қўлланиши ҳақида гамжўрлик қилишларини баён қилганлар.

Конвенция бошқа битимлар қатори интеллектуал фаолият натижаларини муҳофаза қилишга тегишли бўлган давлатлараро муносабатларни жаҳон миқёсида тартибга солади. Конвенцияларнинг тўғри қўлланиши, асарларнинг тарқалишини халқаро тизим орқали тартибга солиш, асарларни яратиш ва тарқатиш йўли билан ривожланаётган мамлакатлар учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) 1976 йилда доимий Дастур эълон қилди. Муаллифлик ҳуқуқи масалалари билан шуғулланиб келаётган мутахассисларнинг фикрича, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишни минимал умум қабул қилинган чегаралар билан таъминлаш ва асарларни кенгроқ ҳудудларда тарқатишга шароит яратиш учун, миллий қонунчиликлар орасидаги келишмовчиликларни баратараф этувчи восита сифатида халқаро шартномаларнинг қабул қилиниши талаб қилинган. Муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро тизими давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама битимлар қоидаларига, давлатлараро доирада муаллифлик ҳуқуқининг ҳудудий чегарасини баратараф қилишга бўлган интилишлари, муаллифлик ҳуқуқини барча мамлакатларда ҳимоя қилинишини таъминлашга бўлган интилишларга асосланади.

Бадий ва адабий асарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги Берн конвенцияси (1886 йил). Европа ноширлик фирмаларининг манфаатлари асарларнинг нашр этилиши ва дунёда кенг тарқалиши натижасида асарлар устидан етарлича назорат ўрнатишни қийинлаштиради. Натижада кўп томонлама шартнома тузиш орқали назорат ўрнатиш зарурияти пайдо бўлади. 1886 йилда Берн конвенциясининг тузилиши мавжуд барча

зиддиятларни бартараф қилишга қаратилади. Ушбу конвенция 1896 йилда Парижда, 1908 йилда Берлинда, 1914 йилда Бернда, 1928 йилда Римда, 1948 йилда Брюсселда, 1967 йилда Стокгольмда, 1971, 1979 йилларда Парижда қайта қўриб чиқилди. Ҳозирги кунда 130 дан ортиқ давлат конвенциянинг аъзоси ҳисобланади.

Конвенция ҳамма давлатлар учун очиқ. Ратификация ёрлиқлари ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатлар сақлаш учун БИМТнинг Бош директорида топширилади.

Конвенция 38 модда ва яна 6 моддадан иборат қўшимча бўлимдан иборат. Конвенция ҳимоя қилишнинг юқори даражасини таъминлайди ва муаллифларга нисбатан эга бўлиши лозим бўлган ҳамма ҳуқуқларнинг тўлиқ рўйхатини мужассамлаштирган.

Конвенция қоидалари икки гуруҳга тадбиқ этилган: моддий характерга эга бўлган (моддий ҳуқуқ) маъмурий ва якуний қоидалар.

Конвенцияда моддалардан ташқари Муқаддима ҳам борки, унда конвенция билан боғлиқ бўлган давлатлар муаллифларининг бадиий ва адабий асарларга бўлган ҳуқуқини ҳимоялаш хоҳиши таъкидланади.

Конвенция учта асосий ва тақдим этилаётган ҳимоянинг бир қатор қоидаларига, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларга тегишли бир қатор махсус қоидаларга асосланади.

Конвенциянинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. “Миллий тартиб” тамойили
2. “Автоматик ҳимоя қилиш” тамойили
3. “Ҳимоя қилишнинг эркинлиги” тамойили.

Берн конвенциясининг “миллий тартиб” тамойили энг устувор принциплардан бири ҳисобланади. Юқоридаги қоидада таъкидлаб ўтиладики, бу ҳуқуқлардан фойдаланиш ва уни амалга ошириш бирон-бир расмиятчиликни бажариш билан боғлиқ эмас, бундай фойдаланиш ва амалга ошириш ишлари, асар келиб чиққан давлатда ҳимоя қилиш мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига қарамайди. Шунга кўра, Конвенциянинг асосий Қоидалари белгилангандан ташқари, ҳимоя қилиш ҳажми, муаллифнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминловчи ҳимоя воситаси билан тенг ва у ҳимоя талаб қилинадиган мамлакатнинг махсус қонунчилиги билан тартибга солинади. Мана шу жойда муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқий ҳолати аниқланади.

Агар, муаллиф асар келиб чиққан, яратилган мамлакатнинг фуқароси бўлмаса, у шу мамлакатнинг муаллиф-фуқаролари фойдаланган ҳуқуқлардан фойдаланади.

Конвенциянинг 6-bis моддаси номулкий ҳуқуқ муаммоларига бағишланган. “Муаллифнинг мулкый ҳуқуқидан қатъий назар, дейилади унда, ҳатто бу ҳуқуқлари тан олинганидан кейин ҳам у асарга ўз муаллифлигини эътироф этилишини, нотўғри маъно берилишига ва

асарнинг бошқа ўзгаришларига қаршилик қилиши, шунингдек, муаллиф обрўси ва қадр-қимматига зарар етказувчи ҳар қандай тажовузларга қаршилик қилиш ҳуқуқига эгадир”.

Олдинги бандларда муаллифлик учун тан олинган ҳуқуқлар унинг ўлиmidан сўнг ҳам, мулкый ҳуқуқ бекор бўлгунга қадар, ўз кучини сақлаб қолади ва бу ҳимоя қилаётган мамлакатнинг мамлакат қонунчилиги билан бошқариш ҳуқуқига эга бўлган муассаса ёки шахслар томонидан амалга оширилади.

Асосий қоидаларни ратификация қилиш вақтида ёки унга қўшилган вақтида олдинги бандларда кўрсатиб ўтилган ҳимоя қилишни таъминловчи қоида ўз қонунчилигида кўрсатилмаган мамлакатлар, муаллифларнинг ўлиmidан сўнг бу ҳуқуқларни сақлаб қолмаслигини назарга олиши мумкин.

Ушбу моддада тавсия этилган ҳуқуқларни таъминлашни ҳимоя қилувчи воситалар, ҳимоя қилиниши талаб қилинаётган мамлакатнинг қонунчилиги билан тартибга солинади.

Ҳимоя қилишнинг давомийлиги, муддати ҳақидаги умумий қоидалардан шу ҳол англашиладики, ҳимоя қилиш муаллиф ўлиmidан сўнг ҳам яна эллик йилгача давом этиши керак. Лекин, бу умумий қоидадан мустаснолар ҳам бор. Яширин ёки тахаллус билан чиқарилган асарлар учун, шу асарлар оммага етказилганидан кейин ҳуқуқ 50 йил кўриқланади, муаллиф ўзига қўйилган тахаллус унинг шахси ҳақида шубҳа, чалғиш уйғотмаса ёки шу муддат давомида муаллиф ўз шахсини очса, умумий қоида қўлланилади. Аудиовизуал (кинематография) асарлар учун ҳимоя қилишнинг энг кўп муддати асар омма учун етказилгандан сўнг (асарнинг чиқарилиши) эллик йил, агар бу содир бўлмаса, асар яратилгандан сўнг эллик йил қилиб белгиланган, ушбу муҳлатлар ўтгач, ҳимоя қилиш муддати тугайди. Бу муддат амалий санъат ва фотография асарлари учун яратилган вақтдан йигирма беш йил ўтгандан сўнг тугайди. Ҳозирча (2001 йил июнгача бўлган маълумот) Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга аъзо эмас.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги Бутун Жаҳон Женева Конвенцияси (1952 йил.) 1928 йил бошларида муаллифлик ҳуқуқи доирасида давлатларнинг ҳаракатини бирлаштиришга уриниш бошланди. ЮНЕСКО Миллатлар Иттифоқи Лигаси билан ҳамкорлик қилиш ҳуқуқини олувчи босма нашрларга кенг йўл очишга имкон беришни истаб, Бутунжаҳон Конвенциясини тайёрлаш масаласини ўз зиммасига олади.

1947 йилда Мехикодаги ЮНЕСКОнинг Бош Конференциясида “ЮНЕСКО жаҳон миқёсида муаллифлик ҳуқуқини бутун имкониятлари билан ва амалдаги келишувларга таяниб зудлик билан ҳал қилади” деб таъкидланади. ЮНЕСКОнинг 2,4.1 резолюцияси Бош Конференциясининг икки охириги сессияда ўз тасдиғини топди.

Янги Конвенцияни тайёрлаш 1948 йилда бошланди ва уч йил давом этди. 1951 йилга келиб бутун жаҳон конвенциясининг лойиҳаси тайёрланди ва 1952 йилдаги дипломатик Конференцияда кўриб чиқиш учун тавсия қилинди. Муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги Бутунжаҳон Конвенцияси 1952 йил сентябрда Женевада бўлиб ўтган эллик мамлакат вакиллари иштирокида қабул қилинди. Конвенция 1955 йил сентябридан кучга кирди. Бутунжаҳон Конвенцияси икки таҳрирда мавжуд:

а) биринчи таҳрири 1953 йил 6 сентябрда Женевада қабул қилинган. Нашр матни 1955 йил 16 сентябрда кучга кирган;

б) иккинчи таҳрир 1971 йил 24 июнда Парижда қабул қилинган. Бу таҳрирнинг матни 1974 йил 10 июлда кучга кирган.

Конвенция кўп томонлама шартнома ҳисобланиб, у билан боғлиқ мамлакатлар сони Конвенцияга кирган ёки ундан чиққан турли давлатлар ҳисобига ўзгариб туради.

Женева Конвенцияси Берн Иттифоқи аъзолари бўлган давлатлар орасида шартнома алоқаларини ўрнатиш имкониятини очди. Конвенция ривожланаётган давлатлар, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқини халқаро ҳимоя қилиш тизимига эга бўлмаган давлатларга музофиқ келадиган тизим тузишга йўналтирилган.

Женева Конвенцияси мажбурий қоидага эга бўлмаган муқаддима билан очилади. Муқаддимада қуйидагича дейилади:

“Ҳамма давлатларда адабий, илмий ва бадиий асарларга муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш истаги билан руҳланган шартлашувчи давлатлар, шунга ишонадиларки, Бутунжаҳон Конвенциясида ўз аксини топган ҳамма муаллифлар учун тегишли бўлган муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимига қўшимча бўлиб, унга дахл қилмасдан шахс ҳуқуқини ҳурмат қилишни таъминлаш ва адабиёт, фан, санъатнинг ривожланишига қулайлик туғдириш имкониятига эга. Аҳдлашувчи давлатлар шунга ишонадиларки, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ҳар томонлама тартиби маънавий ижод асарларини тарқалишини энгиллаштиради ва халқаро ўзаро англаб етишга имкон беради”.

Женева Конвенцияси 21 моддадан иборат. Конвенцияни қабул қилиш вақтида иштирокчилар қуйидаги мазмунда Декларация қабул қилдилар:

Берн Конвенциясининг қоидаларига мувофиқ конвенция томонидан тузилган Халқаро Иттифоқ таркибидан 1951 йил 1 январдан сўнг чиқиб кетган давлатдан чиққан асар, муаллифлик ҳуқуқи бўйича Бутунжаҳон Конвенцияси тавсия қилган Берн иттифоқидаги давлатларда ҳимоядан фойдаланмайди.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳақидаги Бутунжаҳон конвенцияси Берн конвенцияси билан боғлиқ давлатлараро муносабатларда қўлланиши лозим эмас.

Берн Конвенцияси қоидаларига мувофиқ халқаро Иттифоқ давлатлардан бири бўлган, Конвенция томонидан ташкил этилган давлатлардаги асарлари ҳимоя қилишга тегишли бўлади.

Конвенцияда шу нарса айтиладики, давлат-иштирокчилар муаллифлик ҳуқуқи ва муаллифлик ҳуқуқларига эгалик қилувчилар учун зарур бўлган етарли ва зарурий ҳимояни таъминлаш учун ҳамма чораларни кўришга мажбурдирлар.

Конвенциянинг 1-моддасида кўрсатилган адабиёт, мусиқа, драматургия, кинематография, рассомлик, ҳайкалтарошлик ва графика каби ишлар рўйхати намунали тавсифга эга.

Муаллифлик ҳуқуқининг эллик йил муддатда фаолият кўрсатишини назарда тутган Берн Конвенциясидан фарқли равишда Бутунжаҳон Конвенцияси анча қисқа муддатни назарда тутди. Ушбу Конвенцияда амал қилинадиган асарнинг ҳимоя қилиш муддати муаллиф ҳаётидан сўнг йигирма беш йилдан кам бўлмаслиги керак (4-модда). Ҳозирги вақтда дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакати шу Конвенциянинг аъзоси ҳисобланади.

Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва радиотелевидение ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Рим Конвенцияси (1961 йил). Рим Конвенцияси 1961 йил 26 октябр куни таъсис этилан бўлиб, у 1964 йил 18 майда кучга кирган. Ҳозиргача 55 дан ортиқ давлат Конвенциянинг аъзоси ҳисобланади. Конвенциянинг асосий мақсади кенгайиб бораётган овоз ёзиш ва уларни тарқатишда ижрочи-артистларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Конвенция ижрочилар томонидан асарларни ижро этишда, фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг фонограммалари ва кўрсатув берувчи, эшиттирувчи ташкилотлар дастурларини ҳар қандай ҳолатда ҳимоя қилишни таъминлайди. Ушбу Конвенцияга Берн ёки Бутунжаҳон Конвенцияси аъзоси бўлган давлатларгина қабул қилинади. Конвенцияга аъзоликка кираётган давлатлар ратификация ёрлиқлари ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатни сақлаш учун БМТ Бош Котибига топширадилар. Аъзоликка кираётган ҳар қандай давлат Конвенциянинг айрим моддаларига нисбатан уларни тадбиқ этиш ҳақида изоҳлар, писандалар киритиши мумкин.

Берн Конвенциясига ўхшаб Рим Конвенциясида ҳам “миллий тартиб” тамойили асосий ҳисобланади.

Конвенцияга кўра ижрочилар (артистлар, қўшиқчилар, мусиқачилар, раққослар, бадий ва адабий асарларнинг ижрочилари ва бошқалар) ўзлари розилик билдирмаган ҳар қандай ҳаракатлардан ҳимоя қилинадилар. Бундай ҳаракатлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- уларнинг ижроларини тўғридан-тўғри телетрансляция ва радиотрансляция қилиш;

- шундай телетрансляцияларни такрорлаш мақсадида, ижрочининг розилигисиз бирламчи ижроларни ёзиб олиш ва бошқа ҳаракатлар.

Конвенция талабига кўра фонограмма ишлаб чиқарувчиларини ўзлари томонидан ишлаб чиқарилган фонограммаларни ҳар қандай кўринишда такроран ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки унга рухсат бериш ҳуқуқи тан олинади. **Фонограмма деганда, ҳар қандай ижронинг овозини акустик ёзиб олиш тушунилади.** Шунингдек, Конвенцияда кўрсатув-эшиттириш ташкилотларининг улар томонидан тайёрланган дастурларини ўзгалар томонидан такрор кўрсатиш (эшиттириш), аудио-видео шаклида ёзиб олиш, бу ёзувларни тарқатиш, шу ёзувларни телевизион дастурларда қайта намойиш қилиш ҳаракатларини тақиқлаш ёки уларга рухсат бериш ҳуқуқи мутаҳкамланган.

Конвенцияда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муддати энг камида 20 йил деб белгиланган.

Ратификация ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжат сақлаш учун Шартнома депозитарийси ҳисобланган БИМТ Бош директорига топширилади.

БИМТнинг ижролар ва фонограммалар бўйича Шартномаси (1996 йил). Бу Шартнома 1996 йил 20 декабр куни Женева шаҳрида БИМТ Дипломатик Конференциясида қабул қилинган. Ушбу Шартнома уни имзолашда қатнашган давлатлар учун 1997 йил 31 декабр кунига қадар эркин аъзо бўлиш учун очиқ бўлган. Шунингдек, Шартнома БИМТнинг аъзо давлатлари ва Европа Иттифоқи учун ҳам очиқдир, шартнома орқали ташкил этиладиган Ассамблея ушбу Шартномага қатнашиш учун бошқа халқаро ташкилотларнинг қатнашувига рухсат бериши мумкин. Шартнома ратификация қилинган ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатлар сақлаш учун юборилган кундан бошлаб кучга киради. Бу ҳужжатлар сақлаш учун Шартнома депозитарийси ҳисобланган БИМТ Бош Директорига топширилади. Шартнома интеллектуал мулк ҳуқуқидаги қуйидаги ҳимоя қилинадиган икки тоифадаги гуруҳга нисбатан тадбиқ этилади:

а) ижрочилар (актёрлар, қўшиқчилар, бастакорлар ва бошқалар);
 б) фонограмма ишлаб чиқарувчилар (ижроларни ёзиб олиш ва тарқатиш маъсулиятини ўз зиммасига олган жисмоний ёки юридик шахслар).

Шартнома ижрочилар ҳуқуқларини мустаҳкамлаб, ижрочиларга фонограммада ёзилган ижролари учун қуйидаги тўрт турдаги мулкий ҳуқуқларини мустаҳкамлайди (кинофильмларга ўхшаш аудиовизуал ёзувлар бундан мустасно):

- а) қайта ишлаб чиқаришга бўлган ҳуқуқ;
- б) тарқатишга бўлган ҳуқуқ;
- в) ижарага беришга бўлган ҳуқуқ;
- г) ёзилган ижрони маълум қилиш ҳуқуқи.

Ушбу ҳуқуқлар алоҳида ҳуқуқлар турига кириб, қисман чеклашлар билан алоҳида ҳуқуқ сифатида фақат ижрочиларга тегишли бўлади.

Қайта ишлаб чиқариш (такрорлаш) ҳуқуқи деганда, фонограммани ҳар қандай шакл ва усулда бевосита ёки билвосита ишлаб чиқаришга, рухсат бериш ҳуқуқи тушунилади.

Тарқатишга бўлган ҳуқуқ деганда эса асар (фонограмма) асли ёки нусхасини сотиш йўли билан ёки ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқини бошқага ўтказишга рухсат бериш ҳуқуқи тушунилади.

Ижарага бериш ҳуқуқи деганда, асар (фонограмма)нинг асли ва унинг нусхасини миллий қонунчилик белгилганидек, тижорат мақсадларида омма учун ижарага чиқаришга рухсат бериш ҳуқуқи тушунилади.

Ёзилган ижрони маълум қилиш ҳуқуқи бу шундай ҳаракатки, бунда ижрочи ҳуқуқ эгаси фонограммани ҳаммага маълум қилиш учун сим ёки эфир (тўлқин ва бошқалар) орқали етказилишига рухсат бериш ҳуқуқи тушунилади. Бунда омма ҳар қандай жойда, ҳар қандай вақтда ўзларининг хоҳишига кўра фонограммага нисбатан тинглаш имкониятига эга бўладилар. Бу турдаги етказишлар электрон алоқа воситаси бўлган “Интернет” тизимига ҳам дахлдордир.

Ижрочилар ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг бошқа ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Шартномада қатнашаётган аъзо-давлатлар “миллий тартиб” тамойилидан келиб чиқиб, ўзларининг ҳудудида ўз ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларига қандай ҳуқуқий кафолат берсалар, бошқа давлатларнинг ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларига ҳам шундай ҳуқуқни ҳимоя қилишни таъминлашлари шарт.

Шунингдек, Шартнома ижрочи ва фонограммани ишлаб чиқарувчиларига уларнинг фонограммаларидан тижорат мақсадида ҳамда эфир орқали узатиш ёки кабелли етказишларда ўз вақтида одилона ҳақ олиш ҳуқуқидан фойдаланишни ҳам белгилайди. Шартномага кўра муаллифлик ҳуқуқи мuddати энг камида 50 йил белгиланган.

Шартномада қатнашувчи давлатлар барча ҳуқуқий ҳимоя воситаларини яратиб, ҳуқуқларини амалга оширишда “мулкий ҳуқуқларини бошқариш” (лицензия бериш, муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлаш)ни йўлга қўйишлари лозим.

Юқоридагиларни умумлаштирадиган бўлсак, муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган халқаро шартнома ва битимлар муаллифлик ҳуқуқини халқаро миқёсда ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, шартномаларга аъзо бўлиб кирган давлатлар муаллифлари (ҳуқуқ эгалари)нинг ҳуқуқлари барча аъзо давлатлар ҳудудларида бир хилда ҳимоя қилинади. Аъзо давлатлар ўз ҳудудларида бошқа давлат муаллифлари ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳам уларни ҳимоя қилиш ёки тиклаш кафолатларини яратади ва ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Халқаро шартномалар давлатлар учун икки томонлама ёки ҳамкорлик ҳақидаги шартномаларни ҳам имзолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамизнинг Бадиий ва адабий асарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги Берн Конвенциясига (1886 йил) аъзо бўлиб кириши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда яратилган миллий қонунчилик асослари ҳам айнан Берн Конвенцияси нормаларига яқинлаштирилган. Конвенцияда ҳимоя кафолатлари ва муддатлари бошқа конвенцияларга нисбатан кенгроқ берилган.

4-§. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид халқаро актлари

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва улар томонидан қабул қилинган ёки маъмурий бошқаруви амалга ошириладиган ҳужжатларнинг салоҳияти катта.

Бу ҳақдаги муҳим қоидалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва халқаро ташкилотларнинг Устав, Дастурлари ҳамда халқаро шартномаларида кўрсатиб ўтилган. Муаллифлик ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг ажралмас, таркибий қисми бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатларда ҳам муаллифлик ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ муносабатлар белгиланган. Масалан, 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 27-моддасида ҳар бир инсоннинг жамият маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Жаҳонда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари билан БИМТ, ЮНЕСКО, Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар бевосита шуғулланиб келади.

Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти (БИМТ) — ҳукуматлараро халқаро ташкилот бўлиб, штаб-квартираси Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган. БИМТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақоми билан ишлайдиган ва унинг тизимидаги халқаро ташкилотларининг бири ҳисобланади. БИМТ 1967 йил 14 июл куни Стокгольм шаҳрида имзоланган “Бутунжаҳон Интеллектуал Мулки Ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги Конвенция” асосида ташкил этилган. Конвенция 1970 йили кучга кирган.

БИМТнинг вазифаларидан бири бутун дунёда давлатлар ўртасида келишув ва Битимлар асосида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни мувофиқлаштириш ва ҳар хил шартнома ҳамда конвенцияларнинг маъмурий бошқарувини таъминлашдан иборат. БИМТнинг маблағлари ва фаолияти асосан ривожланиб келаётган давлатлар, айниқса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари, Яқин Шарқ мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг ривожланишига қаратилган. Бу таш-

килот 1974 йил декабр ойида БМТнинг ҳукуматлараро халқаро ташкилоти деган махсус мақомини олган. БИМТнинг мақсадлари қуйидагилар деб эътироф этилган:

а) бутун дунёда давлатлараро, айрим ҳолларда, халқаро ташкилотларда интеллектуал мулк ҳимоясини рағбатлантиради. Дунёда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш ва рағбатлантириш борасида янги ва ҳар томонлама зарур бўлган халқаро шартномаларнинг юзага келишида воситачилик қилади. Шунингдек, бу ташкилот барча давлатларда интеллектуал мулкка оид миллий қонунчиликнинг яратилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатади, аъзо-давлатларнинг бир-бири билан маъмурий алоқалар ўрнатишида етакчилик қилади;

б) интеллектуал мулкка оид бўлган ва фаолият кўрсатаётган битимларнинг олий органлари оралиғида маъмурий фаолиятни бажаради. БИМТнинг котибияти сифатида Битимлар маъмурий бошқаруви ва халқаро Бюро ҳаракатда бўлади. 1999 йилнинг январигача 160 дан ортиқ давлат БИМТнинг аъзоси бўлган. Шу кунга қадар БИМТ муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимояси билан шуғулланувчи “Адабиёт ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш ҳақида”ги Берн конвенцияси, “Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва кўрсатув органлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги Рим конвенцияси, “Фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришдан манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги Женева конвенцияси, “Сунъий йўлдошлар орқали узатиладиган сигналлар дастурларини ташувчиларни тарқатиш ҳақида”ги Брюссел конвенцияси, “Фильмларни реестр қилиш ва аудиовизуал асарларни халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳақида”ги Шартномаларнинг маъмурий вазифасини бажариб келмоқда.”

БИМТ учта — Бош Ассамблея, Конференция, Мувофиқлаштирувчи қўмита каби раҳбар органларга эга.

Бош Ассамблея БИМТнинг аъзо давлатларидан ҳисобланган давлатлар ҳисобига ва бир вақтнинг ўзида Париж ёки Берн Битимларининг Ассамблея аъзоларидан ташкил топади. Конференция эса БИМТнинг барча аъзо давлатлари ҳисобига ташкил этилади. Мувофиқлаштирувчи қўмита эса Париж ва Берн Битимлари аъзоси ҳисобланган БИМТ аъзолари орасидан сайланади.

Бош Ассамблея барча Иттифоқ (Битим)лар учун икки йиллик харажатлар бюджетини тасдиқлайди. Конференция эса икки йиллик Конференция бюджетини тасдиқлайди. Бош Ассамблея ва Конференция навбатдаги сессияларда икки йилда бир марта йиғилади. Бундай ҳолатда мувофиқлаштирувчи қўмита навбатдаги сессияга бир йилда бир марта йиғилади.

БИМТнинг ижрочи бошлиғи Бош директор ҳисобланади ва у Бош Ассамблея томонидан 6 йил муддатга сайланади.

Муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган Берн Иттифоқи ёхуд БМТ аъзоси, шунингдек, БМТнинг махсус бирор ташкилотининг аъзоси бўлган ёки халқаро Суд Статути тарафдори бўлган давлат БИМТнинг аъзоси бўлиши мумкин. БИМТ Бош Ассамблеясининг таклифига биноан ҳам БИМТнинг аъзолигига қабул қилиниши мумкин.

БИМТнинг аъзоси бўлиш учун давлатлар Бош директорга ратификация қилинган ёрлик ёки қўшилиш ҳақидаги Актни сақлаш учун топширишлари лозим.

1976 йилда БИМТ Конференцияси томонидан Доимий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бош вазифаси ижодий ҳодимларни ҳар томонлама рағбатлантириш, адабиёт ва бадиий асарларни тарқатиш, ривожланаётган давлатларда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликларни такомиллаштириш ҳамда шу соҳа билан шуғулланаётган ташкилотлар ишига амалий ёрдам беришдан иборат.

Ривожланаётган давлатларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчилик тизимини яратиш мақсадида БИМТ ва ЮНЕСКО ташаббуси билан Намунавий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Намунавий қонун лойиҳаси 1976 йили Тунис шаҳрида экспертлар Кенгашида қабул қилинган. Ушбу қонун лойиҳасида БИМТнинг барча фаолияти акс эттирилган.

БИМТ ташкил топгандан сўнг, ҳаракатда бўлган, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қатор халқаро конвенциялар нормаларини бутун дунё мамлакатлари миллий қонунчилик нормалари орқали ижрога қаратишга муваффақ бўлди. Ҳозирги вақтда деярли барча давлатлар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик асослари яратилган. Шунингдек, БИМТ муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид қонунлар лойиҳаларини ўрганиб чиқиш ва тавсиялар бериш билан шуғулланиб келмоқда. Қабул қилинган янги қонунлар, ҳуқуқий адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш яхши йўлга қўйилган. БИМТнинг энг сўнгги халқаро даражадаги фаолияти бу 1996 йил 2—20 декабр кунлари Женевадаги штаб-квартирасида чақирилган дипломатик конференциядир. Дипломатик конференцияда қарийиб ўн йил давомида тайёрланган “БИМТнинг муаллифлик ҳуқуқига оид Шартномаси” ва “БИМТнинг ижролар ва фонограммалар бўйича Шартномаси” қабул қилинди. Бу шартномалар энг сўнгги технология натижалари ҳисобланган электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар, ахборотлар базаси, “Интернет” тизими, кинематография асарлари ва фонограммалардан фойдаланиш, уларга нисбатан бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор халқаро ҳуқуқий тизимларни белгилаб берди. Ижрочилар ҳуқуқларини янада кегайтириш, фонограмма ишлаб чиқарувчилари манфаатла-

ри ҳуқуқий шаклларда мустақкамланганлиги амалда бўлган халқаро ҳуқуқий нормалари ижросини янада таъминлайди. Айниқса, ижрочиларнинг шахсий номулкий ва шахсий мулкый ҳуқуқлари янада кенгайтирилди. БИМТ Академияси аъзо давлатлар ҳуқуқшунослари, мутахассислар, миллий кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, дунё қонунчилигини бир хилда англаш ва тадбиқ этиш, тарғиб қилишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги кейинги йилларда қабул қилинган халқаро нормаларни пухта ўрганишга олиб келмоқда.

ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳам бутун дунёда фан, адабиёт, санъат асарларини тарғиб қилиш билан бир вақтда шу асарларнинг дахлсизлигини таъминлаш, улардан фойдаланишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик ва асар яратувчилари бўлган муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан ҳам шуғулланиб келаётир.

ЮНЕСКО Уставининг 1-моддасида белгиланганидек, ЮНЕСКО асарлар, хусусан, китоблар, архитектура, санъат асарларини ҳар томонлама халқаро нормалар асосида ҳимоя қилиш мақсадида халқаро конвенция ва шартномаларга давлатларнинг аъзо бўлиб киришларини тавсия этиб боради. Шунингдек, интеллектуал мулк яратувчилари асарларини айирбошлаш, фан, адабиёт, санъат асарларини нашр этишда ҳар томонлама алоқаларни ўрнатиш, бу йўлда давлатлар ва халқларга яқиндан ёрдам беради. ЮНЕСКОнинг муҳим вазифаларидан яна бири дунё мамлакатларида муаллифлик ҳуқуқига оид маълумотларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий адабиётлар яратилишида кўмаклашиш, халқаро конвенциялар ишлари билан таништириш, муаллифлик ҳуқуқига доир халқаро назарий, ҳуқуқий анжуманлар ўтказиб туришдан иборат.

Инсоният томонидан яратилаётган ҳар қандай интеллектуал мулкнинг сўнгги намуналарини ҳимоя тизимига киритишда ҳам ташкилотнинг фаоллиги юқоридир.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя муддати тугаб, умумхалқ мулкига айланган асарларнинг дахлсизлигини ҳимоя қилишга доир масала ЮНЕСКО ҳукуматлар экспертлари махсус комитетининг 1989 йил 3—7 апрель кунлари Париж шаҳрида ўтган мажлисида кўриб чиқилган.

Фан, адабиёт ва санъат асарлари яратган муаллиф вафот этгандан сўнг, унинг муаллифлик ҳуқуқи яна 25 йил давомида ҳимоя қилинади. Бу муддат тугаганидан сўнг эса асар инсониятнинг манфаатлари йўлида хизмат қилишга ўтади ва асардан ўзга шахслар рухсатсиз эркин фойдаланиши мумкин. Лекин, муаллифлик ҳақи тўланмай, асардан эркин фойдаланганда муаллифнинг номи (тахаллус) ни албатта кўрсатиш шарти билан ва асарнинг бирон-бир қисмига путур етказмасдан асардан фойдаланишда “дахлсизлик тамойили”га риоя этилиши, бунда халқаро ҳуқуқий ҳимоя тизимининг яратилишига эришиш масаласи ЮНЕСКО ташаббуси билан экспертлар махсус қўмитасида атрофлича кўриб чиқилган. Бу масаланинг халқаро ҳамжамият ва ин-

соният келажаги учун нақадар муҳимлиги ЮНЕСКО Уставининг 1-моддасида мустаҳкамланган.

Ўзбекистан Республикасининг муаллифлик ҳуқуқига оид янги қонунчилигида ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий бойликка айланган асарларнинг “ҳуқуқий мақоми” тўғрисидаги норманинг ўрнатилиши давлатимизнинг илмий-адабий салоҳиятини янада кенгроқ ва халқаро даражада ҳуқуқий ҳимоя қилинишига олиб боради.

Асарлар дахлсизлигининг ҳимоя қилиниши масаласи биринчи марта ЮНЕСКОнинг 1977—1978 йилларга мўлжалланган Дастурига киритилган эди. ЮНЕСКО секретариати ушбу масала юзасидан бир неча тадқиқотлар олиб боради. 1979, 1983, 1985 йилларда эса ҳукуматлар экспертлари қўмитасида кўриб чиқилади.

1987 йилда ЮНЕСКО Бош Конференцияси 24-сессиясига ушбу масала юзасидан тайёрланган махсус ҳужжат муҳокама учун тақдим этилади. Натижада “Асарлар дахлсизлигини ҳимоя қилиш ҳақидаги Тавсиянома” ҳукуматлар экспертларининг махсус қўмитасида қабул қилинади ва ЮНЕСКОнинг 1989 йил октябр-ноябрда бўлиб ўтган Бош Конференциясининг 25-сессиясида кўриб чиқилиб, қабул қилинади.

Асарларнинг ижтимоий бойликка айланиши аждоқларимиз яратган асарларнинг Ватан ва маънавиятимиз йўлида хизмат қилиши, халқлар ўртасида умуминсоний қадриятларни шакллантириш, бу асарлар инсоният бахт-саодати йўлида хизмат қилишида кафолат берилиши муҳим ҳуқуқий мезондир. Шунингдек, халқаро нормалардан келиб чиқиб, хорижий мамлакатларда қолиб кетган меросимиз бўлган адабиётларимизни қонуний асосда давлатимизга қайтаришда муҳим ўринни эгаллайди.

Асарларнинг умумхалқ мулкига айланиши, шу асарларнинг давлат томонидан муддатсиз тўлиқ ҳимоя қилинишини билдиради. Асарнинг ижтимоий бойликка айланиши икки кўринишда амалга оширилиши мумкин:

1. Асарлар ижтимоий бойликка қонунчиликда белгиланганидек асарларни ҳимоя қилиш муддати тугагандан сўнг айланишидир. Яъни, бунда муаллиф вафот этгандан сўнг 50 йил ўтиши ва бу асардан фойдаланишга рухсат бериш ҳамда тегишли ҳақларни талаб қилиш ҳуқуқи тугаганлиги етарли ҳисобланади;

2. Асарларни муаллиф ҳаётлиги даврида ёки муаллиф вафот этганидан сўнг ҳам давлат томонидан сотиб олиншидир. Асарнинг давлат томонидан сотиб олинганлиги факти, шу асарнинг давлат тасарруфига ўтишини белгилайди. Бундан ташқари муаллиф бир неча давлатлар ҳудудида яшаб, асар яратган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда муаллиф асари давлатлараро келишув (Битим, Шартнома)га биноан, шу давлатга тегишли деб топилиб, давлат томонидан ижтимоий бойликка айлантирилиши мумкин.

Юқоридаги халқаро ҳуқуқий нормалар ЮНЕСКО ташаббуси билан халқаро нормалар ва давлатлар миллий қонунчилигида ўз аксини топиб бормоқда. ЮНЕСКО томонидан муаллифлик ҳуқуқининг янги объектилари ва муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясидан фойдаланувчилар, муаллифларнинг ҳуқуқий ҳимояга олинмаган жиҳатлари, уларнинг ижод қилиш ҳамда меҳнатига тегишли шароитлар яратишга қаратилган қуйидаги нуфузли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган:

1976 йил 22 ноябр “Таржимонлар статуси ҳақида”ги Найроби Тавсияномаси;

1980 йил 27 октябр “Ҳаракатланувчи тасвирларни сақлаш ва ҳимоя қилиш ҳақида”ги Белград Тавсияномаси;

1980 йил 27 октябр “Ижодий ходимлар ҳолати ҳақида”ги Белград Тавсияномаси”.

ЮНЕСКОнинг муаллифлик ҳуқуқи пайдо бўлган янги объектилари “мультимедиа асарлари”нинг халқаро ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ва миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш муаммоларига бағишланган ҳукуматлараро қўмитаси мажлислари бўлиб ўтмоқда.

Халқаро экспертлар ва олимларнинг ҳулосасига кўра асарларнинг электрон нашри (видеоқлиплар), рақамли объектлар (фильмларини электрон воситалар хотираларида сақлаб туриш) ахборот излари, кибернетик санъат (рассомлик асарларини компьютер ёрдамида яратиш) асарлари, электрон мусиқа (компьютер ёрдамида мусиқа яратиш) асарлари, амалий-безак санъат (компьютер ёрдамида асар яратиш) асарлари, аудиовизуаль (компьютер ёрдамида овоз ёзиб олиш ва компьютерда эшитиш) асарлари турлари пайдо бўлди. ЮНЕСКО мана шундай мунозарали анжуманлар ўтказишни рағбатлантириб турмоқда. Бир гуруҳ экспертлар юқоридаги асарларни муаллифлик ҳуқуқининг объекти деб қарасалар, иккинчи гуруҳ мутахассис ва олимлар муаллифлик ҳуқуқининг объектилари эмас, деб ҳисоблайдилар. Бизнинг фикримизча, бу асарлар муаллифлик ҳуқуқининг объекти бўлолмайди, хусусан республикамизда мавжуд қонунчиликда “мультимедиа асарлари”нинг ҳуқуқий мақоми ҳам белгиланган эмас.

5-§. Муаллифлик ҳуқуқини ўзаро ҳимоя қилишга оид Ўзбекистон Республикаси қатнашаётган шартномалар

Муаллифлик ҳуқуқини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш мамлакатларнинг кўп томонлама шартномалар ёки икки томонлама шартномаларга қўшилиши орқали амалга оширилади. Маълумки, Ўзбекистон собиқ СССР таркибида бўлган вақтда 1973 йил 27 майдан бошлаб “Муаллифлик ҳуқуқига оид Бутунжаҳон Конвенцияси”нинг (Женева) 1952 йилдаги таҳририга аъзо бўлган эди. Ўзбекистонда шу конвен-

цияга асосан конвенциянинг аъзоси бўлган барча мамлакатлар муаллифлар (меросхўрлар)и ҳуқуқлари ва уларнинг асарлари ҳимоя қилинган эди. Бугунги кунда республикамиз муаллифлик ҳуқуқига оид бирорта ҳам халқаро конвенциянинг аъзоси эмас. Лекин, республикамиз ҳукуматининг олиб бораётган ташқи сиёсати доирасида Ўзбекистон бошқа давлатлар билан икки томонлама шартномалар тузиш йўли билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

Масалан, 1993 йил 24 сентябр куни Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари раҳбарлари томонидан “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамкорлиги тўғрисида”ги Битим имзоланди. Битим 7 моддадан иборат бўлиб, асосан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳар томонлама ҳимоя қилишни кучайтириш ҳақидадир.

Битимнинг асосий тамойиллари ҳамдўстлик давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш, миллий қонунчилик тизимини яратиш, ахборот алмашишни йўлга қўйиш, муаллифлик ҳуқуқи объектларидан қонунсиз фойдаланишга қарши курашни кучайтириш, муаллифлик ҳақларини икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, муаллифлик ҳақларининг ҳисоб-китоби ва тўловга оид қоидалардан имтиёзли, тенг фойдаланишга қаратилган.

Ушбу Битимга кўра давлатлар ўз ҳудудларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни жамoa асосида ҳимоя қилувчи ҳамда ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилотлар орқали миллий қонунчиликда ўрнатилган нормалар ижросини ҳар томонлама таъминлашга эришишни белгилаб олганлар.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бу соҳада рўй бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Озарбайжон Республикаси билан 1997 йил 18 июнда, Украина Республикаси билан 1998 йил 19 февралда, Туркия Республикаси билан 1998 йил 13 апрелда икки томонлама шартномалар тузди. Бу шартномалар асосан мамлакатларда ҳаракатда бўлган миллий қонунчилик нормаларини халқаро доирада ижросини таъминлаш, қулай ҳимоя тизимини шакллантириш, манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган. Республиканинг икки томонлама шартномаларни имзолаши соҳага оид янги қонунлар қабул қилинишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари билан муаллифлик ҳуқуқининг алоҳида соҳаларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ҳам шартномалар имзолаган. Булар 1995 йил 10 феврал куни Олма-Отада имзоланган “Кинематография соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим ва “Матбаа-нашр ва полиграфия маҳсулотлари тўғрисида”ги Битимлардир.

Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар қоидалари тадбиқ этиладиган савдога оид

муҳим шартномаларни ҳам имзолаган. Масалан, бундай шартнома 1993 йил 5 ноябр куни АҚШ билан имзоланган “Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо муносабатлари тўғрисида”ги Битимдир.

Ушбу Битим XVII моддадан иборат бўлиб, унинг VIII моддаси бевосита муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган. Яъни, барча моддий-товар бойликлари ва хизматлар каби муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳам шартноманинг объекти ҳисобланади. Шартномада қатнашувчи ҳар икки мамлакат шартноманинг ушбу моддаси орқали муаллифлик ҳуқуқини халқаро доирада ҳимоясини таъминлашни зиммасига олган. Шартномада ЭХМ учун яратилган дастурлар ва ахборотлар базаси, фан, адабиёт, санъат асарларини миллий қонунчилик ва халқаро конвенциялар доирасида баравар ҳимоя қилиш, мутасадди соҳа ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш, аудио ва видеоёзувини амалга оширувчи ташкилотларининг ҳам барча ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда турли воситалардан фойдаланишга келишиб олинган. Бу шартнома иккала давлатнинг ҳам савдо алоқалари ва иқтисодий салохиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 3 сентябр куни 415-сонли қарорининг қабул қилиниши эса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қарорга кўра Европа Иттифоқи ва унинг аъзо-давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикчилик тўғрисидаги Битимнинг амалга оширилиши юзасидан Ўзбекистон Ҳукуматининг 1999—2005 йилларга мўлжалланган комплекс Дастури тасдиқланди. Қарорга кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 июл кунидаги 328-сонли қарор билан тузилган Идоралараро комиссия республика Координацион кенгашига айлантирилди. Кенгаш зиммасига йилнинг ҳар чорагида ҳамкорлик ва шерикчилик тўғрисидаги Битимнинг барча модда ва қоидалари қандай амалга ошириляётганлиги тўғрисида ахборот бериб бориш юклатилди. Шунингдек, Дастурда Ўзбекистоннинг энг муҳим халқаро шартнома ва битимларга аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ устувор вазифалар аниқлаб олинди.

Дастурнинг 8-ва 9-бўлимларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид бўлган миллий қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро конвенцияларга аъзо бўлиб киришдаги бирламчи вазифалар, соҳа идораларининг ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва бошқа шу каби муҳим масалаларда тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш белгиланди. Ўзбекистон Ҳукумати халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳозирги кунда ана шу Дастурда белгилаб олинган режа ва тадбирлар орқали ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

Умуман олганда, республикамизнинг муаллифлик ҳуқуқига оид икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга кириши келгусида кўп томонлама битимларга аъзо бўлиб киришига тегишли замин яратади.

VII БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Муаллифлик ҳуқуқини халқаро ҳимоя қилишнинг қандай йўллари мавжуд?
2. Муаллифларнинг чет элдаги ҳуқуқий ҳолати қандай аниқланади?
3. Муаллифлик ҳуқуқини халқаро миқёсда ҳимоя қилишга оид қандай халқаро шартномалар бор?
4. Қандай халқаро ташкилотлар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келади?
5. Муаллифлик ҳуқуқини ўзаро ҳимоя қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан қандай шартномалар тузган?

Тавсия этилган адабиётлар

Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Т. “Адолат”, 1996 й.

Богуславский М.М. Международное частное право. М. БЕК, 1998.

Интеллектуальная собственность. Словарь справочник. М. ИНФРА-М, 1995.

Международные конвенции об авторском праве. Комментарий. М. Прогресс, 1988.

Тошев Б.Н. Муаллифлик ҳуқуқи. Т.-А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997 й.

Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш. Хўжалик ва ҳуқуқ. 1999 й, 11-12-сонлар.

Гражданское право. Под ред. *Сергеева А.П., Толстой Ю.К.* - М. Проспект, 1998.

VIII БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МАСАЛАЛАРИ

1-§. Интеллектуал мулк объектларининг халқаро муомалада бўлишининг ўзига хос хусусиятлари

Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик ҳуқуқининг ҳам, унинг таркибий қисми бўлган халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам ўзига хос объекти ҳисобланади. Ушбу объектлар кўпроқ ғоявий негизга эга бўлгани сабабли уларга нисбатан одатдаги анъанавий мулк ҳуқуқи меъёрларини қўллаб бўлмайди. Шу сабабли ҳам уларга нисбатан бўлган ҳуқуқларга кўпроқ мутлоқ ҳуқуқлар деб аталмиш ҳуқуқлар мажмуи қўлланилади. Интеллектуал мулк тушунчаси, унинг доирасига кирадиган объектлар турлари, уларга нисбатан ҳуқуқларнинг вужудга келиш асослари бўйича талабалар фуқаролик ҳуқуқи ўқув курси бўйича асосий маълумотлар, зарурий билимларга эга бўлишганини таъкидлаб, бевосита интеллектуал мулк объектларининг халқаро муомалада бўлишининг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагилар қайд этилади.

Биринчидан интеллектуал мулк объектлари муомалада энг ҳаракатчан объектлардан ҳисобланади. Улар ғоявий негизга эга бўлгани сабабли бутун жаҳон бўйича тезлик билан тарқалиши мумкин;

иккинчидан, бундай объектлар муайян мамлакат миқёсида миллий режимга эга бўлиши ёхуд халқаро битимлар, келишувлар, конвенциялар асосида халқаро ҳуқуқий режимга эга бўлишлари ҳам мумкин;

учинчидан, кўпгина интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқлар махсус муҳофаза ёрлиғи (патент) асосида вужудга келади. Патент ўзининг амал қилиш ҳудудига эга ва айни вақтда унинг амал қилиш муддати чегараланган ёхуд бу муддатни узайтириб туриш лозим;

тўртинчидан, интеллектуал мулк объектлари муомалада бўлишида муайян инфратузилма бўлишини тақозо этади. Бу инфратузилма асосан интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқ соҳибларига хизмат кўрсатиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш вазифаларини амалга оширади (масалан, ихтисослашган юридик фирмалар, аудит хизмати, патент судлари ва ҳ.к.);

бешинчидан, интеллектуал мулкнинг халқаро муомалада бўлишида интеллектуал мулк бозорига ўзига хос таъсир кўрсатиб турувчи ташкилий тузилмалар мавжуд. Бу тузилмалар жумласига Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти (БИМТ), Интеллектуал мулк бўйича халқаро Ассоциация (МАИС), Париж Иттифоқи, Берн Иттифоқи ва ш.к. киради;

Ва ниҳоят олтинчидан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш сўраладиган мамлакат ҳуқуқи қўлланади;

еттинчидан, интеллектуал мулк объектларининг муомалада бўлиши асосан лицензия шартномалари орқали расмийлаштирилади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномасида лицензиар (мутлоқ ҳуқуқ эгаси) ҳисобланувчи тараф таъсис этилган, турар-жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади (ФКнинг 1190-моддаси).

XIX асрнинг охирига келиб интеллектуал фаолият маҳсуллари тараққиётнинг белгиловчи омилига айлангач, халқаро миқёсларда илмий техникавий бозор вужудга келди, турли мамлакатларда бу соҳани тартибга солувчи қонунларни яқинлаштиришга объектив зарурат туғилди. Бунинг ўзига хос ифодаси сифатида саноат мулки тушунчаси вужудга келди, унинг ҳуқуқий режими белгилари 1883 йил 20 мартда тузилган саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенциясида мустақкамлаб қўйилди. Ўз навбатида бундай жараён муаллифлик ҳуқуқида ҳам содир бўлди ва 1886 йилда тузилган адабий ва бадиий асарларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн Конвенциясида ўз мужассамини топди. 1967 йил 14 июлда Стокгольмда қабул қилинган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ни таъсис этиш ҳақидаги Конвенцияда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари доираси белгиланди ва бинобарин “интеллектуал мулк” тушунчаси маълум маънода ҳуқуқий асосга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси 1993 йилдан буён Париж Конвенцияси иштирокчиси ва БИМТ аъзоси бўлганлиги сабабли интеллектуал мулк ва саноат мулки тушунчаси бизнинг ҳуқуқий тизимимиз учун маълум маънода аҳамиятга эга. БИМТ таъсис Конвенциясининг 2-моддаси (VIII қ.)га асосан қуйидагилар интеллектуал мулк ҳуқуқи объекти ҳисобланади.

- 1) адабий, бадиий асарлар ва илмий ишлар;
- 2) артистларнинг ижрочилик фаолияти, фонограммалар ва радиоэшиттиришлар;
- 3) инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги ихтиролар;
- 4) саноат намуналари;
- 5) илмий кашфиётлар;
- 6) маҳсулот белгилари, хизмат белгилари ва тижорат номлари ва белгилари (рамзлари);
- 7) фирром рақобатнинг олдини олиш;
- 8) саноат, адабий ва бадиий фаолият соҳаларида интеллектуал фаолиятдан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқлар¹.

¹ Қаранг. Интеллектуальная собственность. Ч.1. Новосибирск.: Наука. 1999. 14–6.

Саноат мулки деганда инсон тафаккури, ижоднинг маҳсули бўлган ва амалиётда қўллаганда моддий ёки бошқача тарзда самара берадиган маҳсуллари тушунилади. Саноат мулки ибораси унинг қўлланиш доирасини чекланган маънода талқин этади ва бу мулк объектлари амалда татбиқ этиш соҳаларини тўлиқ қамраб олмайди. Бундай ноаниқлик ўзининг тарихий илдизларига эга.

Маълумки саноат мулкининг асосий тури бўлган ихтиролар дастлаб асосан саноатда бевосита қўлланилган ва кейинчалик моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг бошқа соҳаларида татбиқ этила бошлаган. Бироқ бу даврга келиб, “саноат мулки” тушунчаси Европа тилларида ва Европа мамлакатлари қонунларида мустақкам ўрнашиб қолгани учун гарчи етарли даражада аниқ ифодаланган ибора бўлмаса ҳам тегишли ибора билан алмаштирилмади.

Париж Конвенциясининг 1—2-моддасига асосан саноат мулкининг муҳофаза объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) ихтиролар;
- 2) фойдали моделлар;
- 3) саноат намуналари;
- 4) маҳсулот белгилари;
- 5) хизмат белгилари;
- 6) фирма номи;
- 7) кашфиёт;
- 8) манбани (маҳсулот келиб чиқиш манбаси) кўрсатувчи маълумот;
- 9) маҳсулот келиб чиқиш (тайёрлаш) жойининг номи;
- 10) гирром рақобатнинг олдини олиш¹.

Селекция ютуқлари (ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари) ҳам кўп ҳолларда саноат мулки объектларига тенглаштирилади.

Юқорида кўрсатилгандек, интеллектуал мулк таркибига кашфиётлар ҳам киради. Бироқ кашфиётларнинг фуқаролик ҳуқуқий режими бошқа объектларга нисбатан фарқ қилади. Кашфиёт ҳам ижодий фаолият маҳсули бўлиб, моддий оламнинг илгари номаълум бўлган қонуниятлари ҳодисаларини очиш, аниқлаш ҳисобланади. Илгари амалда бўлган Гражданлик кодексининг 546-566-моддаларида кашфиётчилик ҳуқуқи мустақкамлаб қўйилган эди. Бунга асосан кашфиёт Давлат рўйхатидан ўтказилиб, унинг муаллифи кашфиёт қилганлигини, унинг устуворлик санасини гувоҳлантирувчи диплом бериш, мукофот бериш ва бошқа мулквий ва шахсий характердаги имтиёзларга эга бўлиш назарда тутилган эди. Аммо янги ФКда кашфиёт махсус ҳуқуқий ма-

¹ Қаранг: Парижская конвенция по охране промышленной собственности. -Женева.: ВОИС. 1990.

қомга эга ижодий фаолият маҳсули сифатида белгиланмаган. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, кашфиётга бўлган ҳуқуқ у ёки бу шахснинг ундан фойдаланишга бўлган мутлоқ ҳуқуқини назарда тутмайди, чунки у характери бўйича у ёки бу субъектга монополия (мутлоқ тегишли) объект бўла олмайди. Шу сабабли ҳам у кўп мамлакатларда бевосита ҳуқуқий муҳофаза остига олинмаган. 1978 йилда БИМТ доирасида кашфиётларни халқаро рўйхатга олиш ҳақида Женева Конвенцияси тузилган. Лекин ушбу Конвенцияда ҳам илмий кашфиётларнинг махсус муҳофаза шакли назарда тутилмаган. Баъзи муаллифлар бунинг сабабини кашфиёт мулкий муомала объекти бўлишига лаёқатли бўлган ижодий маҳсулотни вужудга келтирмайди, балки моддий олам ҳақидаги тасаввурларимизни чуқурлаштириб, билимларимизни бойитади, англаб етиш, билиб олиш вазифаларини ҳал этади холос, деган қарашлар билан изоҳлайдилар ва бундан кашфиёт билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўла олмайди деган хулосага келадилар.

2-§. Интеллектуал мулк бўйича халқаро конвенциялар ва битимларнинг умумий тавсифи

Маълумки интеллектуал мулкнинг турли объектлари бўйича халқаро миқёсларда ўнлаб, юзлаб халқаро битимлар, келишувлар, конвенциялар амал қилади. Уларнинг дастлабкилари XIX асрнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқилган. Уларнинг ишлаб чиқиб қабул қилинишига туртки берган ҳолат — бу интеллектуал мулк объектларини халқаро миқёсларда муҳофаза этишдир. Одатда, ҳар бир мамлакат қонунлари шу мамлакат ҳудудида интеллектуал мулк объектини ҳимоя қилади. Агарда масалан, ихтиро, саноат намунаси бўйича патент эгаси бу объектлар бўйича бир неча мамлакатда ҳуқуқий муҳофаза олмоқчи бўлса, бу мамлакатларнинг ҳар бирида патент олмоғи лозим бўлади. **Ўз фуқароларини интеллектуал мулк объектига нисбатан хорижий давлатларда ҳуқуқий муҳофазага олишни кафолатлаш мақсадида 1883 йилда 11 давлат саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенциясини имзолади ва Халқаро Париж Иттифоқини тузди. Ҳозирги вақтда ушбу Конвенцияни 110 дан ортиқ мамлакат имзолаган. Ўзбекистон Республикаси ҳам Париж Конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланади.**

Конвенцияда унинг қатнашчиси бўлган давлатлар саноат мулкнинг айрим соҳалари бўйича махсус битимлар тузиши мумкинлиги назарда тутилган. Албатта бундай битимлар Конвенцияга зид бўлмаслиги шарт.

Париж Иттифоқи котибияти вазифасини БИМТ бажаради. Конвенциянинг дастлабки матни 1883 йилда тузилган, 1891 йилда Мад-

рида Тушунтириш баённомаси билан тўлдирилган, 1900 йилда Брюсселда, 1911 йилда Вашингтонда, 1925 йилда Гаагада, 1934 йилда Лондонда, 1958 йилда Лиссабонда, 1967 йилда Стокгольмда қайта кўриб чиқилган ва 1979 йилда унга тузатишлар киритилган. Конвенция барча давлатлар учун очиқ. Ратификация ёрлиғи ёхуд қўшилиш ҳақидаги ҳужжат БИМТ Бош директорига сақлаш учун топширилиши лозим.

Конвенция кенг маънодаги саноат мулки соҳасида қўлланилади. Унинг доирасига ихтиролар, товар белгилари, хизмат белгилари, саноат намуналари, фойдали моделлар, фирма номи, географик кўрсаткичлар (келиб чиқиш манбаси кўрсаткичи, келиб чиқиш жойининг номи) ва фирром рақобатнинг олдини олиш киради.

Конвенциянинг асосий қоидалари уч асосий тоифага бўлинади: миллий режим, устуворлик ҳуқуқи, умумий қоидалар.

Миллий режим ёхуд унга тенглаштириш тўғрисидаги қоидаларга асосан Конвенцияда қатнашувчи ҳар бир давлат унда қатнашувчи бошқа давлатлар фуқароларига нисбатан саноат мулкани ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида ўз фуқароларига қандай ҳуқуқлар берса худди шундай ҳуқуқлар бериши лозим. Айти вақтда гарчи Конвенция иштирокчиси бўлмаган давлатнинг фуқароси бўлса ҳам, бироқ Конвенция иштирокчиси бўлган давлатларда истиқомат қилса ёхуд ҳақиқий ва сохта бўлмаган саноат ёки савдо корхоналарига эга бўлса ҳам Конвенция томонидан бериладиган ҳуқуқий муҳофазадан фойдаланади.

Конвенцияда устуворлик санасига бўлган ҳуқуқ патентларга, товар белгилари, саноат намуналарига нисбатан мустақкамланган. Унинг моҳияти шундан иборатки, Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлардан бирига тўғри расмийлаштирилган асосда ариза (талабнома) берган талабномачи муайян белгиланган муддат давомида (ихтироларга ва фойдали моделлар патентларига 12 ой, товар белгилари ва саноат намуналарига 6 ой) бошқа ҳар қандай иштирокчи давлатлардан муҳофаза сўраб мурожаат этиши мумкин, бунда кейинги талабномалар биринчи марта берилган ариза (талабнома) санасида берилган ҳисобланади. Бошқача айтганда кейинги талабномалар худди шу муддат давомида бошқа шахслар томонидан ихтиро, саноат намунаси, товар белгиси, фойдали моделга ҳуқуқий муҳофаза берилишини сўраб берилган талабномаларга нисбатан устуворлик ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари кейинги берилган талабномалар ўша талабнома берувчининг биринчи талабномасига асослангани сабабли шу вақт оралиғида ихтирони эълон қилиш, ушбу саноат намунаси ёхуд товар белгисини ўзида мужассамлантирувчи буюмнинг сотилиши ва шу каби ҳатти-ҳаракатлар талабнома софлигига таъсир этмайди. Бу қоиданинг амалий афзалликларидан бири шундаки, агарда талабнома берувчи объектга нисбатан бир неча мамлакатларда ҳуқуқий муҳофаза олмақчи бўлса, у бир

вақтнинг ўзида барча мамлакатларга талабнома бериши шарт эмас, унинг ихтиёрида 6 ой ёки 12 ой бор, бу муддат ичида у қайси мамлакатларда ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи олиши мақсадга мувофиқлиги, муҳофазани таъминлаш учун нималар қилиши лозимлиги бўйича пухта режа тузишга улгуради.

Конвенцияда барча иштирокчи давлатлар роя қилишлари шарт бўлган қатор умумий қоидалар белгиланган. Улар жумласига қуйидагилар киради:

а) патентларга нисбатан: турли иштирокчи давлатларда айнан бир ихтирога берилган патентлар бир-биридан мустақилдир; бир иштирокчи давлатнинг патент бериши бошқа иштирокчи давлатнинг ҳам патент беришини ҳам шарт қилиб қўймайди. Бир иштирокчи давлатда патент бериш рад этилганлиги, патентни бекор қилганлиги, унинг муддати ўтганлиги бошқа иштирокчи давлатда патент беришни рад этишга, уни муддати тамом бўлган деб эълон қилишга ёки патентни бекор қилишга асос бўлмайди.

Ихтирочи патентда ўз номининг кўрсатилиши ҳуқуқига эга. Агарда миллий қонунчиликка асосан патентланган усул бўйича тайёрланган буюмни сотиш тақиқланган ёхуд чекланган бўлса ҳам патент беришни рад этиш ёхуд патентни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлмайди.

Ҳар бир иштирокчи давлат мутлоқ ҳуқуқларини амалга ошириш ҳар хил суиистеъмолчиликларни келтириб чиқармаслиги учун мажбурий лицензия берилиши лозим бўлган ҳолатларни қонунларда назарда тутиши мумкин.

б) товар белгиларига нисбатан: товар белгиларига талабнома бериш ва рўйхатдан ўтказиш ҳар бир иштирокчи давлатнинг миллий қонунлари билан белгиланади. Демак иштирокчи давлат фуқароси томонидан товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун берилган талабнома бу фуқарони ўз давлатида рўйхатдан ўтказдирилмаганлиги ёки муддати узайтирилмаганлиги сабабли қабул қилинмаслиги ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиши мумкин эмас. Товар белгиси иштирокчи давлатлардан бирида рўйхатдан ўтказдирилиши билан у бошқа ҳар қандай мамлакатда, шу жумладан товарнинг келиб чиқиш манбаи бўлган мамлакатда рўйхатдан ўтказдиришлардан мустақил бўлади ва уларга боғлиқ бўлмайди. Бинобарин, товар белгисини иштирокчи давлатлардан бирида рўйхатдан ўтказдириш муддатининг тугаши ёки бекор қилиниши товар белгиси бошқа иштирокчи давлатларда рўйхатдан ўтказдирилганлигининг ҳақиқийлигига таъсир қилмайди.

Агар товар белгиси товарнинг келиб чиқиш жойи бўлган мамлакатда тегишли тарзда рўйхатдан ўтказдирилган бўлса, у талабнома бўйича ўзининг дастлабки ҳолатида бошқа иштирокчи давлатлар ҳам

рўйхатдан ўтказдириши учун қабул қилиниши ва муҳофаза этилиши шарт. Бироқ шунга қарамасдан қонунда аниқ белгиланган ҳолатларда, масалан товар белгиси учинчи шахсларнинг мавжуд ҳуқуқларини бузса ёхуд у фарқланувчи белгиларга эга бўлмаса ё ижтимоий тартибот ва ахлоққа зид бўлса ёинки оммани чалғитишга сабаб бўладиган бўлса рўйхатдан ўтказдириш рад этилиши мумкин.

Агарда қандайдир иштирокчи давлатда қайд қилинган товар белгисидан фойдаланиш мажбурий бўлса рўйхатдан ўтказишнинг бекор бўлиши муайян оқилона муддат ўтганидан кейин ва шунда ҳам товар белгисининг эгаси ўз ҳаракатсизлигини оқлайдиган исбот, далиллар келтира олмаган тақдирдагина бекор бўлади.

Ҳар бир иштирокчи давлат бу давлатда белги сифатида ҳаммага маълум бўлган конвенция томонидан бериладиган афзалликлардан фойдаланаётган шахсга тегишли бўлган ва унинг айнан ёки ўхшаш маҳсулотларига қўйилаётган товар белгиларини такрорловчи, унга ўхшаш бўлган ёки чалғитишга сабаб бўлувчи белгиларини рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланишни тақиқлаши лозим.

Ҳар бир иштирокчи давлат махсус руҳсатсиз давлат рамзлари, расмий белгилари, назорат ва кафолат тамғаларини товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этиши ва фойдаланишни тақиқлаши шарт. Бу қоида баъзи халқаро ташкилотларнинг рамзлари, байроқлари, эмблемалари, қисқартирилган ва тўлиқ номларига ҳам тааллуқлидир. Хизмат кўрсатиш белгилари ва жамоа белгиларига нисбатан ҳам ҳуқуқий муҳофаза тўла тааллуқлидир;

в) саноат намуналарига нисбатан: ҳар бир иштирокчи давлатда саноат намуналари муҳофаза этилиши лозим ва бунда саноат намунаси ифодаланган буюм бу давлатда тайёрланмаслиги ҳуқуқий муҳофазани ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмайди;

г) фирма номига нисбатан: ҳар бир иштирокчи давлатда фирма номлари талабнома бериш ёки рўйхатдан ўтказиш шарт бўлмаган ҳолда ҳуқуқий муҳофаза қилинади;

д) маҳсулотларнинг келиб чиқиш жойи кўрсаткичларига нисбатан: ҳар бир иштирокчи давлат маҳсулотнинг келиб чиқиш жойи ҳақидаги ёлғон кўрсаткичлардан ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқарувчи бево-сита ёки бавосита фойдаланишига қарши чораларни кўрмоғи шарт;

е) фирром рақобатга нисбатан: ҳар бир иштирокчи давлат фирром рақобатдан самарали муҳофаза қилиниши шарт;

ж) миллий маъмуриятга нисбатан: ҳар бир иштирокчи давлат ом-мани патентлар, товар белгилари, саноат намуналари билан таништи-риш учун саноат мулки бўйича махсус хизмат ёки марказий муассаса ташкил этмоғи лозим. Бу хизмат расмий даврий ахборотнома чиқари-ши лозим. Ахборотномада берилган патент эгаларининг номлари, па-

тентланган ихтироларнинг қисқача изоҳи ва қайд этилган ҳар бир товар белгиси тасвири эълон қилиниб берилиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқоридаги умумий қоидалардан ташқари конвенция ҳар бир иштирокчи давлатга саноат мулки соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда тўлиқ эркинлик беради. Жумладан ҳар бир иштирокчи давлат техниканинг муайян соҳасига тааллуқли бўлган ечимларни патентга лаёқатли ихтиролар доирасига киритган ечимларни патентга лаёқатли ихтиролар доирасига киритмаслиги мумкин: патент ечимининг янгилиги ва уни патентга лаёқатли эканлигини белгиловчи бошқа мезонлар асосида текшириш бўйича экспертизадан ўтказилиб ёки экспертизадан ўтказмасдан берилиши бўйича тартиб ўрнатиш мумкин; товар белгисига бўлган ҳуқуқ ундан фойдаланиш асосида ёхуд рўйхатдан ўтказдириш асосида вужудга келишини ҳал этишга ҳақли; товар белгисини ва саноат намунасини экспертизадан ўтказиш асосида ёки экспертизадан ўтказмасдан рўйхатга олиш тартибини белгилашга ҳақли. Саноат намуналарини муҳофаза қилиш муддатини белгилашга ҳақли. Саноат мулкини бошқариш ташкилий тизимини ва ҳуқуқларини расмийлаштириш бўйича турли иш қоғозларини юритиш тартиби ва процедурасини белгилашга ҳақли.

Товарларнинг келиб чиқиши бўйича ёлгон ёки чалғитувчи кўрсаткичларнинг олдини олиш тўғрисида Мадрид битими (1891 йил).

Ушбу битим 1891 йилда тузилган бўлиб 1911 йилда Вашингтонда, 1925 йилда Гаагада, 1931 йилда Лондонда, 1958 йилда Лессабонда ва 1967 йилда Стокгольмда қайта кўриб чиқилган. Ушбу битим Париж Конвенцияси иштирокчилари бўлган давлатлар учун очиқдир.

Ушбу битимга асосан агарда товарнинг келиб чиқиши бўйича ёлгон ёки чалғитувчи кўрсаткичлар бўлса ва кўрсаткичлар иштирокчи давлатлардан бирининг ёки унинг ҳудудини товарнинг келиб чиқиш жойи ёки тайёрланган мамлакат сифатида бевосита ёки бавосита кўрсатса бундай товарларни олиб киришга арест солинади ёки уларни олиб кириш таъқиқланади ёки уларни олиб киришга нисбатан бошқа чоралар ёки санкциялар қўлланилади.

Битимда бундай арест солишни талаб қилиш ва уни амалга ошириш ҳолатлари ва усуллари белгилаб қўйилган. Ушбу битимга асосан товарнинг келиб чиқиш манбаига нисбатан оммани чалғитиши мумкин бўлган ҳар хил реклама белгилари ва бу белгилардан фойдаланиб товарни намойиш этиш, сотишга ва улардан фойдаланишга таклиф этиш тақиқланади. Ҳар бир иштирокчи давлатларнинг судлари қандай номлар ушбу битим таъсир доирасига кирмаслигини белгилашга ҳақли (виночилик маҳсулотларининг минтақавий номларидан ташқари).

Олимпия рамзларини муҳофаза қилиш бўйича Найроби шартномаси (1981 йил).

Ушбу шартнома Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Париж Иттифоқи, БМТ ёки БМТ билан боғлиқ бўлган у ёки бу ихтисослаштирилган муассасаларнинг аъзолари бўлган давлатлар учун очикдир.

Ушбу шартноманинг иштирокчиси бўлган барча давлатлар Олимпия рамзларини (бешта туташ ҳалқалар тасвирларини) халқаро олимпиада қўмитаси рухсатсиз тижорат мақсадида (реклама эълонларида, товарларда товар белгиси сифатида) фойдаланишдан муҳофаза қилиши шарт. Шартнома шунингдек Олимпия рамзларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш учун рухсат беришда олинадиган лицензия божларидан тушган даромаднинг бир қисми тегишли манфаатдор миллий олимпия қўмиталари ҳисобига ўтказилишини назарда тутди.

Патент кооперацияси тўғрисида шартнома (1970 йил).

Ушбу шартнома 1970 йилда тузилган ва 1979, 1984 йилларда қайта кўриб чиқилган.

Кўп ҳолларда юридик адабиётларда бу шартнома унинг инглизча номи бош ҳарфлари билан “РСТ” деб ҳам берилади. РСТ Париж Конвенцияси аъзолари бўлган барча иштирокчи давлатлар учун очикдир. **Ўзбекистон Республикаси ҳам ушбу шартноманинг иштирокчиси ҳисобланади.** Шартнома “Халқаро” патент талабномаси берилишини назарда тутди. Бундай талабнома иштирокчи давлатнинг ҳар қандай фуқароси ёки унда истиқомат қилувчи шахс томонидан берилиши мумкин. Талабнома уни бераётган шахс фуқароси бўлган ёки ҳудудда яшаб турган иштирокчи давлатнинг миллий патент идорасига берилади. Агарда талабнома берувчи Европа патент конвенциясининг иштирокчиси бўлган давлатнинг фуқароси бўлса ёки унинг ҳудудда истиқомат қилувчи шахс бўлса халқаро талабнома Европа патент идорасига берилиши мумкин; агар талабнома берувчи Барбадос, Мадагаскар, Шри Ланка ёки Африка интеллектуал мулк ташкилоти аъзоси бўлган давлатнинг фуқароси бўлса ёки унинг ҳудудда истиқомат қилса халқаро талабнома БИМТга берилиши мумкин.

Шартномада ҳар қандай халқаро талабномани расмийлаштиришда унга қўйиладиган талаблар батафсил тартибга солинади.

Талабнома берувчи барча иштирокчи давлатлар ичидан ўзининг халқаро талабномаси таъсир кучига эга бўлишини хоҳлаган давлатларни кўрсатади (улар белгиланган ёки кўрсатилган давлатлар деб аталади). Ушбу кўрсатилган давлатларда халқаро талабнома у давлатларнинг миллий патент идораларига берилган талабнома билан бир хил кучга эга бўлади. Агар кўрсатилган давлатлар Европа патент конвенциясининг иштирокчиси бўлса талабнома берувчи Европа патент талабномасини расмийлаштиришга ҳақли. Агарда кўрсатилган давлатлар Африка интеллектуал мулк ташкилотининг аъзоси бўлса халқаро талабнома минтақавий талабнома кучига эга бўлади.

Сўнгра халқаро талабнома халқаро изланишлар ёки қидиришлар предмети бўлиб ҳисобланади. Бундай изланишлар ёки қидиришлар йирик патент идораларининг бири томондан амалга оширилади (яъни Австралия, Австрия, Россия, АҚШ, Швецария, Япония ва Европа патент идораси). Бундай қидирувлар натижасида халқаро изланишлар тўғрисида ҳисобот тайёрланади. Бу ҳисоботда халқаро талабномада илгари сурилган ихтиронинг патент софлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва бошқа шахсларга берилган патентларнинг ҳужжатлари, яъни эълон қилинган ҳужжатларнинг ҳаволаки рўйхати ўз ифодасини топади. Халқаро изланишлар ҳақидаги ҳисобот талабнома берувчига юборилади. У эса ўз навбатида агарда ҳисобот хулосасидан унинг патент олиш эҳтимоли камлиги англашилса талабномани қайтариб олиши мумкин.

Агарда халқаро талабнома қайтариб олинмаса БИМТ уни халқаро изланишлар ҳақидаги ҳисоботда эълон қилади ва кўрсатилган ҳар бир идорага юборади.

Агарда талабнома берувчи миллий ёки минтақавий патент олиш мақсадида халқаро талабномани қолдиришни истаса у муайян шартларга риоя қилган ҳолда ҳар бир белгиланган идорага бу идоранинг расмий тилида тайёрланган талабномалар бериши лозим. Бунда у халқаро талабнома берилгандан кейин 20 ой муддат ичида, бироқ агарда бу талабнома аввалги талабноманинг устуворлигига даҳл қиладиган бўлса, ўша аввалги талабнома берилгандан бошлаб 20 ойгача муддат ичида белгиланган миқдорда бож тўлаши лозим. Агарда талабнома берувчи “Дастлабки халқаро экспертиза хулосаси”нинг берилишини сўраса, 20 ойлик муддат яна 10 ойга узайтирилади. Бундай хулоса йирик патент идоралари томонидан тайёрланиши лозим ва тақдим этилган ихтиронинг патентга лаёқатли эканлиги тўғрисидаги фикри мажбурий кучга эга бўлмайди. РСТ назарда тутилган процедурада талабнома берувчиларга, патент идораларига ва кенг оммага куйидаги афзалликларни беради:

1. Талабнома берувчи РСТ доирасидан ташқаридаги процедура тартибга нисбатан бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқий муҳофаза ёрлигини олиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳар бир мамлакатда маҳаллий патент вакиллари тайинлаш бўйича зарурий таржималарни тайёрлаш тўғрисида ва миллий божларни тўлаш бўйича 8-18 ой кўпроқ вақтга эга бўлади. Агарда талабноманинг шакли РСТда белгиланган талабларга мувофиқ бўлса уни миллий патент идораларида кўриб чиқиш босқичларида формал асослар бўйича рад этилмаслиги талабнома берувчига кафолатланади. Халқаро изланишлар ҳисоботида асосан талабнома берувчига ўз ихтиросини патентлаш имконияти ҳақида ишончли ва асосли баҳолаш имкониятларига эга бўлади. Дастлабки халқаро экспертиза хулосаси эса бу имкониятни янада оширади.

2. Миллий патент идораларининг изланишлар ва экспертиза ўтказиш билан боғлиқ бўлган ишлар ҳажми жиддий равишда камаёди ёки унга ҳожат қолмайди. Чунки халқаро изланишлар ҳақидаги ҳисобот ёки зарур ҳолларда халқаро дастлабки экспертиза хулосаси халқаро талабномага илова қилинган бўлади.

3. Ҳар бир халқаро талабнома халқаро изланишлар тўғрисидаги ҳисоботлар билан эълон қилингани сабабли манфаатдор ҳар бир шахс тақдим этилаётган ихтиронинг патентга лаёқатлиги тўғрисида асослантирилган маълумотлар олиши мумкин. РСТ доирасида Иттифоқ тузилган. Иттифоқ ассамблеяга эга. РСТ иштирокчиси бўлган барча давлатлар ассамблея аъзоси ҳисобланади.

РСТ тизими йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Агар 1979 йилда 2.500 дан ортиқ халқаро талабнома берилган бўлса 1982 йилда 26.000, 1992 йилда 26.000 минга яқин халқаро талабнома берилган.

Патент процедураси мақсадлари учун микроорганизмларни депонлаштиришни халқаро тан олиш ҳақида Будапешт шартномаси (1977 йил).

Ушбу шартнома 1977 йилда тузилган, 1980 йилда қайта кўриб чиқилган. Шартнома Париж Конвенцияси иштирокчилари бўлган давлатлар учун очикдир.

Одатда патент беришнинг шarti — ихтиронинг моҳиятини ошкор қилиш ҳисобланади. Ошкор қилиш эса ихтиронинг ёзма баёни орқали амалга оширилади. Бироқ ихтиро микроорганизмлар билан ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, ихтирони ёзма тасвирлаш, баён этишнинг иложи йўқ. У омма учун очик бўлган ихтисослаштирилган муассасаларда микроорганизмлар намуналарини депонлаштириш орқали амалга оширилади.

Хуқуқий муҳофаза сўралганда ҳар бир мамлакатда микроорганизмлар намуналарини депонлаштириш заруриятининг олдини олиш учун шартномада депонлаштириш бўйича ҳар қандай халқаро органда микроорганизмлар намунасини депонлаштириш иштирокчи давлатларнинг миллий патент идораларида ва ҳар қандай минтақавий патент идорасида (агар бу минтақавий патент идораси шартнома таъсир кучини эътироф этса) патент процедураси учун етарли ҳисобланади.

Шартномада кўрсатилган депонлаштириш бўйича халқаро орган илмий муассаса ҳисобланиб, микроорганизмларни, ўсимликларни, штаммларини, коллекцияларини сақлашни амалга оширишга қодир бўлиши лозим. Бундай муассаса депонлаштириш бўйича халқаро орган мақомини олиш учун иштирокчи давлатлардан бири БИМТ бош директорига ушбу муассаса шартномада белгиланган талабларга жавоб бериши ҳақида кафолат бериши шарт.

Ҳозирги пайтда жаҳон бўйича 25 та бундай муассаса бор. Улардан 2 таси АҚШда, 3 таси Россия Федерациясида, Буюк Британияда 7 та, Корея Республикасида 2 та, Австралия, Бельгия, Болгария, Венгрия, Германия, Испания, Нидерландия, Словения, Франция, Чехия ва Японияда 1 тадан жойлашган. Шартнома энг аввало бир неча иштирокчи давлатга патент талабномаси берган депозитор учун қулайдир. Шартномада назарда тутилган тартибга мувофиқ микроорганизмларни депонлаштириш депозитор харажатларини камайтиради ва мавқеини мустақамлайди. Чунки у патент учун талабнома берган ҳар бир иштирокчи давлатдан микроорганизмларни депонлаштириш харажатларидан озод бўлади. Шартнома бюджет таъсис этишни назарда тутмаган, бироқ унда иштирокчи давлатлардан иборат Иттифоқ ва Ассамблея ташкил этиш кўзда тутилади. Ассамблеянинг асосий вазифаси шартноманинг қўлланмасига тузатиш киритиш ҳисобланади.

Белгиларни халқаро қайд этиш тўғрисидаги Мадрид битими (1891 йил)

Битим Париж Конвенцияси иштирокчи давлатлари учун очикдир. Ушбу битим 1891 йилда тузилган бўлиб 1900 йилда Брюсселда, 1911 йилда Вашингтонда, 1925 йилда Гаагада, 1934 йилда Лондонда, 1957 йилда Ницца, 1967 йилда Стокгольмда қайта кўриб чиқилган ва 1979 йилда унинг матнига тузатишлар киритилган.

Битимда белгиларни товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини Женевадаги БИМТнинг Халқаро Бюросида халқаро қайд этиш, рўйхатдан ўтказдириш назарда тутилади. Ушбу битимга мувофиқ амалга оширилган қайд этиш халқаро деб аталишининг сабаби шундаки, бунда ҳар бир қайд этиш қатор мамлакатларда ва потенциал жиҳатдан барча иштирокчи давлатларда кучга эга бўлади.

Ушбу битим бўйича имтиёзлардан фойдаланиш учун талабнома берувчи иштирокчи давлатлардан бирининг фуқароси бўлиши ёки бу ҳудудларда турар жойга эга бўлиши ёки бу ҳудудда савдо ёки саноат корхонасига эга бўлиши лозим. Олдин талабнома берувчи белгини келиб чиқиш манбаи бўлган мамлакат миллий идорасида рўйхатдан ўтказдириши лозим, шундан кейин ушбу миллий идора орқали белгини халқаро қайд этишга талабнома беришга ҳақли. Халқаро қайд этиш амалга оширилгандан кейин у халқаро бюро томонидан эълон қилинади ва бу ҳақда талабнома берувчи ўз белгисига муҳофаза сўраган иштирокчи давлатлар хабардор қилинади. Ҳар бир иштирокчи давлат бир йил давомида ушбу белгига ўз ҳудудида муҳофаза беришни рад этиши мумкин. Бунда бу қарорнинг асоси кўрсатилиши шарт. Бундай рад этилган ҳолатларда талабнома берувчи тегишли миллий идораларда ва иштирокчи давлатнинг судларида ўз эътирозини билдиришга ҳақли. Агарда 1 йил ичида бундай рад этиш ҳоллари юз бермаса халқаро қайд этиш миллий қайд этиш кучини олади.

Халқаро қайд этиш белги эгасига қатор афзалликлар беради. Товар белгисининг келиб чиқиш манбаи бўлган иштирокчи давлатдан рўйхатдан ўтказдирилгандан кейин белги эгаси 1 та тилда (француз тилида) 1 та талабнома бериш орқали ва битта органга (халқаро бюрога) бож тўлаган ҳолда халқаро қайд этиришга мувофиқ бўлади. Бинобарин у иштирокчи давлатларнинг ҳар бирига турли тилларда талабнома бериш ва ҳар бирига бож тўлашдан озод бўлади. Худди шундай афзаллик қайд этишни узайтириш муддатларида ҳам мавжуд. Муддатни узайтириш ҳар 20 йилда амалга оширилади.

Халқаро қайд этиш товар белгилари бўйича миллий идоралар учун ҳам қулайдир. Чунки бу уларнинг иш ҳажмини камайтиради. Масалан улар учун белгиларни қайд этиш шарт эмас. Халқаро бюро томонидан ундирилаётган божларнинг бир қисми муҳофаза сўралаётган иштирокчи давлатга ҳам берилади. Бундан ташқари халқаро қайд этиш хизмати ҳар 2 йилда ўзи олган фойдани иштирокчи давлатлар ўртасида тақсимлаб беради. Мадрид битими асосида Иттифоқ таъсис этилган. 1970 йилдан Иттифоқ ўз ассамблеясига эга. Ассамблеянинг асосий вазифалари — Иттифоқ дастурини ва бюджетини қабул қилиш, шунингдек Мадрид тизимидан фойдаланишда бож миқдорини белгилашдир.

Белгиларни халқаро қайд этиш тўғрисида Мадрид битимига Баённома (1989 йил).

Баённома Париж Конвенцияси иштирокчи давлатлари ва тегишли ҳукуматлараро ташкилотлар учун очiqдир. Мадрид баённомаси Мадрид битими томонидан таъсис этилган тизим доирасидан ташқарида қолган баъзи мамлакатларни ушбу битимга нисбатан вужудга келган қийинчиликлар ва ноқулайликларни бартаф этиш мақсадида қабул қилинган, баённома Мадрид битимидан фарқли равишда қуйидаги янги қоидаларни назарда тутди. Талабнома берувчи халқаро қайд этиш ҳақида ўз талабномасини нафақат белгининг келиб чиқиш мамлакати бўлган миллий идорада рўйхатдан ўтказдириш фактига, балки ушбу идорада миллий рўйхатдан ўтказиш талабномасига ҳам асослантириши мумкин. Худуди шу бўйича муҳофаза сўралаётган ҳар бир иштирокчи давлат 1 йил ўрнига 18 ой ва ҳатто ундан ортиқ муддатда низо мавжуд ҳолларда ўз худудида ҳуқуқий муҳофаза бермаслигини эълон қилишга ҳақлидир. Ҳар бир иштирокчи тарафлар Мадрид битимига мувофиқ олинadиган божлар миқдорига нисбатан кўпроқ миқдорда бож олиши мумкин. Марказий ҳужжат орқали ҳақиқий эмас деб топилadиган халқаро қайд этиш миллий талабнома сифатида қайта расмийлаштирилиши мумкин ва бунда халқаро талабнома берилган сана ҳисобга олинadi. Бундан ташқари баённома Европа Ҳамжамиятининг келажакдаги товар белгилари тизими учун қуйидаги тартибни белгилайди: бу тизимни кучга кириши ва Европа Ҳамжамиятининг иштирокчи сифати-

да баённомага қўшилиши билан ушбу баённомага мувофиқ берилаётган халқаро қайд этиш талабномаси ҳамжамиятга берилган талабнома ва уни рўйхатдан ўтказдиришга асосланиши мумкин.

Келиб чиқиш жойлари номларини ва уларни халқаро қайд этишни муҳофаза этиш тўғрисида Лиссабон битими (1958 йил). Ушбу битим 1958 йилда тузилган бўлиб, 1967 йилда Стокгольмда қайта кўриб чиқилган ва 1979 йилда унинг матнига тузатишлар киритилган. Ушбу битим Париж Конвенцияси иштирокчи давлатлари учун очикдир. Битимдан кўзланган мақсад келиб чиқиш жойлари номларини муҳофаза қилишни таъминлаш ҳисобланади. Яъни бундай мамлакат, туман ёки жойнинг географик номи шу мамлакатдан, тумандан ёки жойдан келиб чиққан буюмнинг товарни белгиси бўлиб хизмат қилади. Бундай белги қўллашнинг асосий шarti буюмнинг товар сифати ва хусусиятлари, у келиб чиққан жойнинг географик муҳити, шу жумладан табиий ва инсоний омиллар билан мутлоқ ёки ўзига хос равишда боғлиқ бўлиши шарт. Бундай номлар БИМТ халқаро бюроси томонидан Женевада манфаатдор иштирокчи давлат ваколатли идораси талабномаси бўйича рўйхатдан ўтказдирилади. Халқаро бюро қайд этганлик ҳақида бошқа иштирокчи давлатларни хабардор қилади. Барча иштирокчи давлатлар халқаро тартибда қайд этилган номларни бу номлар келиб чиққан мамлакатларда муҳофаза қилган муддат давомида ҳимоя қилишлари шарт. Иштирокчи давлатлардан бирортаси ҳуқуқий муҳофазани таъминлашни рад этса, бу ҳақда 1 йил давомида хабардор этиши шарт. 1993 йил 1 январга қадар 729 та келиб чиқиш жойнинг номи қайд этилган. Лиссабон битими бўйича Иттифоқ таъсис этилган, иттифоқ ўз ассамблеясига эга. Ассамблеянинг асосий вазифаси 2 йиллик дастур ва Иттифоқ бюджетини қабул қилиш ҳисобланади.

Саноат намуналарини халқаро депонлаштириш тўғрисида Гаага битими (1925 йил).

Битим 1925 йилда тузилган бўлиб, 1934 йилда Лондонда ва 1960 йилда Гаагада қайта кўриб чиқилган 1961 йилда Монакода қўшимча ҳужжат билан, 1967 йилда Стокгольмда қўшимча ҳужжат билан ва 1975 йилда Стокгольмда баённома билан тўлдирилган, 1979 йилда қўшимча ҳужжат матнига ўзгартиришлар киритилган.

Битим Париж Конвенцияси иштирокчилари бўлган давлатлар учун очикдир. Ушбу ҳужжатларга асосан қуйидаги тизим қўлланилади: Саноат намуналарини халқаро депонлаштириш ё бевосита БИМТнинг халқаро бюроси томонидан ёки саноат намунаси келиб чиққан мамлакат бўлиб ҳисобланган иштирокчи давлатларнинг саноат мулки бўйича миллий идоралари воситачилигида амалга оширилади. Ҳар бир иштирокчи давлат ички қонунчилигида ўз миллий идораси воситачилигида халқаро депонлаштиришни амалга ошириш талаблари ўз ифодасини топиши мумкин.

Талабнома берувчи томонидан кўрсатилган ҳар бир иштирокчи давлатда халқаро депонлаштириш ички қонунчиликда назарда тутилган муҳофазани олиш билан боғлиқ бўлган формал талабларни ба-
жарганлик каби ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Халқаро депонлаштириш таъсир кучи саноат намунаси келиб чиққан иштирокчи давлатга ҳам тааллуқли бўлади (агарда бу талабномада назарда тутилган бўлса ва бу иштирокчи давлат қонунларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса).

БИМТ ўз даврий ахборотномасида ҳар бир депонлаштирилган саноат намунасининг ошқора тасвирини ёки талабнома берувчининг илтимоси бўйича рангли фотография тасвирини ёки график усулда бажарилган бошқача тасвирини эълон қилади. Талабнома берувчи эълон қилишни 12 ойдан ошмаган муддатга (халқаро депонлаштириш санасидан бошлаб) ёки устуворлик сўралган ҳолларда устуворлик санасидан бошлаб 12 ойгача кечиктириб туришни илтимос қилишга ҳақли. Ҳар бир иштирокчи давлат халқаро депонлаштириш тўғрисида эълонларни олган санадан бошлаб 6 ой муддат ичида муҳофаза беришни рад этишга ҳақли. Муҳофаза беришни рад этиш ички қонунлар асосидаги талабларга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Айни вақтда бундай асос сифатида муҳофаза беришни рад этаётган иштирокчи давлат идораси томонидан роя қилиниши лозим бўлган ички қонунчиликнинг формал талаблари ва маъмурий процедураси ҳам кўрсатилиши мумкин.

Халқаро депонлаштириш ҳар 5 йилда узайтирилиши мумкин. Муҳофазанинг амал қилиш муддати 5 йилда ёки унинг биринчи 5 йилининг охириги йилида узайтирилган ҳолда ўн йилдан кам бўлмаслиги лозим. Агарда иштирокчи давлатнинг ички қонунларида миллий намуналари учун узоқроқ муҳофаза муддати белгиланган бўлса, халқаро депонлаштирилган ва муддати узайтирилган саноат намуналари учун ҳам худди шундай муддатларда ҳуқуқий муҳофаза берилиши лозим.

1934 йилда қабул қилинган ҳужжатда назарда тутилишича, халқаро депонлаштиришга багишланган эълонлар саноат намуналари репродукцияларини қамраб олмайди ва депонлаштириш оқибатлари келиб чиқиш мамлакати бўлган давлатлардан ташқари (агарда бу давлатларнинг ички қонунларида бунга рухсат берилмаган бўлса) ушбу ҳужжат барча иштирокчи давлатлари тўлиқ тааллуқли бўлади. Гаага битимидан фойдаланувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида БИМТ халқаро бюроси раҳбарий кўрсатмалар чоп этади. Гаага битими доирасида Иттифоқ таъсис этилган, Иттифоқ ўз ассамблеясига эга. Ассамблеянинг асосий вазифалари Иттифоқ бюджетини ва 20 йиллик дастурини қабул қилиш ҳамда Гаага тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ божлар миқдорини белгилаш ҳисобланади.

Халқаро патент таснифи тўғрисида Страсбург битими (1971 йил).

Битим 1971 йилда тузилган, 1979 йилда тузатишлар киритилган. Битим Париж Конвенциясининг иштирокчи давлатлари учун очиқдир. Битимга асосан патентларнинг халқаро таснифи (ПХТ) жорий этилади. Бунда техниканинг барча соҳалари 8 та асосий бўлимга ажратилади. Майда сарлавҳалар миқдорлари эса 64.000 га яқинлашади. Ҳар бир сарлавҳага араб рақамлари ва латин алифбоси ҳарфларидан иборат рамзлар белгиланган. Тегишли рамз ҳар бир патент ҳужжатида эълон қилинган патент талабномалари ва берилган патентларда кўрсатилади. Уларнинг миқдори кейинги йилларда 1.000.000 дан ошиб кетди. Патент ҳужжатларини эълон қиладиган миллий Патент идоралари тегишли рамзларни қўйишади.

Таснифлаш “Техниканинг илгариги даражасини” аниқлаш мақсадида патент ҳужжатларини қидиришда зарур. Бундай қидирув патент берувчи идоралар томонидан ҳам, потенциал ихтирочилар томонидан ҳам, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа манфаатдор шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Халқаро таснифлашни замонавий даражада сақлаб туриш учун у ҳар 5 йилда кўриб чиқилади. Чунки илмий-техника тараққиёти юксак суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги даврда илм фан ва техниканинг янгидан-янги йўналишлари ва соҳалари вужудга келмоқда.

Қайта кўриб чиқиш битим томонидан таъсис этилган экспертлар гуруҳи томонидан амалга оширилади.

ПХТ тўғрисида битим доирасида иттифоқ таъсис этилган. Иттифоқ ўз ассамблеясига эга. Ассамблеянинг муҳим вазифаларидан бўлиб иттифоқнинг 2 йиллик дастури ва бюджетини қабул қилиш ҳисобланади.

Белгиларни рўйхатдан ўтказдириш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифи тўғрисидаги Ницце битими (1957 йил).

1957 йилда тузилган ушбу битим 1967 йилда Стокгольмда, 1977 йилда Женевада қайта кўриб чиқилган ва 1979 йилда унинг матнига ўзгартиришлар киритилган. Битим Париж Конвенцияси иштирокчи давлатлари учун очиқдир. Битимга асосан товар белгилари ва хизмат белгиларини рўйхатдан ўтказиш мақсадларида товарлар ва хизматларни таснифлаш (туркумлаштириш) таъсис этилади. Бу туркумлаштириш иштирокчи давлат томонидан миллий тартибда рўйхатдан ўтказдиришда ва Мадрид битимига мувофиқ халқаро рўйхатдан ўтказдиришда қўлланилади. Ушбу таснифлаш (туркумлаштириш) товарлар ва хизматларни тасниф (класслар) рўйхати (товарлар учун 3–4-синф ва хизматлар учун 8 синф мавжуд) ва уларнинг алфавит рўйхатидан иборат. Товарлар, хизматлар рўйхатинининг номланиши 11.000 га яқиндир. Ҳар иккала рўйхат ҳам вақти вақти билан экспертлар комитети томонидан ўзгартирилиб ва тўлдирилиб турилади. Таснифнинг 6-таҳ-

рири 1983 йилдан буён амалда. Бугунги кунда амалда ушбу таснифдан дунёнинг барча мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар фойдаланади. Ницце битими доирасида Иттифоқ таъсис этилган, иттифоқ ўз ассамблеясига эга. Иттифоқ 2 йиллик дастур ва бюджет қабул қилади.

Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарн битими (1968 йил).

Ушбу битим 1968 йилда тузилган, 1979 йилда унинг матнига ўзгартиришлар киритилган. Битим Париж Конвенцияси иштирокчи давлатлари учун очикдир. Ушбу битимга асосан саноат намуналарининг таснифи (туркуми) жорий этилади. Ҳар бир иштирокчи давлатнинг саноат мулки бўйича миллий идораси саноат намуналарини депонлаштириш ва рўйхатдан ўтказдиришга тааллуқли барча расмий ҳужжатларда халқаро таснифлашнинг тегишли рамзларини кўрсатиши шарт. У депонлаштириш ёки рўйхатдан ўтказдиришга тааллуқли ҳар бир чоп этилган материалларда бу рамзлардан фойдаланиши шарт. Битимга мувофиқ ташкил этилган экспертлар комитети вақти вақти билан таснифни қайта кўриб чиқиб туради. Таснифни 5-таҳрири 1993 йилдан буён амалда. Тасниф 32 синф ва 323 остки синфлардан иборат. Унда шунингдек товарларнинг алфавит рўйхати, бу товарлар мансуб бўлган синфлар ва остки синфларни кўрсатиш асосида берилган рўйхатда 6250 номда турли товарлар ўз мужассамини топган. Локарн битими доирасида Иттифоқ таъсис этилган, у ўз ассамблеясига эга, ассамблеянинг муҳим вазифаси иттифоқнинг 2 йиллик дастури ва бюджетини қабул қилиш ҳисобланади.

Белгиларнинг тасвирий элементларининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Вена битими (1973 йил).

Битим 1973 йилда тузилган, 1985 йил қайта кўриб чиқилган. Битим Париж Конвенцияси иштирокчи давлатлари учун очикдир. Ушбу битимга асосан тасвирий элементларни ёки қисмларини ўз ичига олган белгилар учун туркумлаштириш жорий этилади. Иштирокчи давлатларнинг ваколатли миллий идоралари белгиларни рўйхатдан ўтказдириш ва уларнинг муддатини узайтириш бўйича тегишли барча расмий ҳужжатларда ушбу халқаро таснифлаш рамзларидан фойдаланиши лозим. Экспертлар комитети халқаро таснифнинг вақти вақти билан қайта кўриб чиқилади. 1993 йилдан таснифни 3-таҳрири амал қилмоқда. Тасниф 29 тоифа, 144 гуруҳ ва 1569 остки гуруҳ (кичик гуруҳ)дан иборат. Туркумлаштириш асосида белгиларнинг тасвирий элементлари жойлаштирилган. Вена битими доирасида Иттифоқ таъсис этилган, Иттифоқ ўз ассамблеясига эга. Ассамблеянинг муҳим вазифаси 2 йиллик дастурни ва бюджетни қабул қилиши ҳисобланади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини савдо соҳаларида қўлланиш бўйича битим (ТРИПС битими).

ТРИПС битими Бутунжаҳон савдо ташкилотининг муҳим ҳуқуқий асосларидан ҳисобланади. Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) га аъзо бўлишни хоҳлаган ҳар бир давлат ТРИПС битимини имзолаши шарт. Ушбу битим 7 қисмдан иборат. Биринчи қисмда умумий қоидалар ва асосий тамойиллар белгилаб қўйилган, 2-қисм интеллектуал мулкдан фойдаланишда ҳуқуқларнинг мавжудлиги ҳажми ва қўлланиши бўйича стандартлар деб номланади. Унда товар белгилари, географик кўрсаткичлар, саноат намуналари, патентлар, интеграл микросхемалар топологияси, ёпиқ ахборотларни муҳофаза қилиш, лицензия шартномалари орқали рақобатга қарши амалиёт устидан назоратни амалга ошириш ўз мужассамини топган. 3-қисм интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга бағишланган. Унда умумий мажбуриятлар, фуқаролик ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий процедура ва суд ҳимояси воситалари, интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқларни бузганлик учун қўлланадиган муваққат чоралар, интеллектуал мулк объектларини бир мамлакатдан 2-мамлакатд ҳудудига ўтказилишида божхона ва чегара тартиби, товарларни сохталаштириш ва маданий қароқчилик учун жиноий жавобгарлик халқаро стандартлари назарда тутилган. 4-қисмда интеллектуал мулк ҳуқуқларининг вужудга келиши ва ўз кучини сақлаб қолиши бўйича қоидалар белгилаб қўйилган. 5-қисм низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш тартибига бағишланган. 6-қисм эса ушбу битимга ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар ва кам ривожланган мамлакатлар томонидан риоя қилиниши хусусиятларига бағишланган. 7-қисм ТРИПС битимини амалга ошириш бўйича ташкилий тизим (институтционал чоралар) ва якуний хулосаларни қамраб олади. ТРИПС битими асосан интеллектуал мулк соҳасида мулкӣ ҳуқуқларни қўриқлайди. Бунда иштирокчи давлатларнинг бир-бирларига нисбатан миллий режим, қулай режим бериш асослари ва тартиби, битим бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда кўриладиган иқтисодий санкциялар белгилаб қўйилган.

Евроосиё патент конвенцияси.

Ушбу конвенция 1994 йил 9 сентябрда Москва шаҳрида тузилган. Унга Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Украина давлатлари аъзо ҳисобланади. Конвенция депозитария бўлиб БИМТ бош директори ҳисобланади. Евроосиё патент ташкилоти органлари бўлиб маъмурий Кенгаш ва Евроосиё патент идораси ҳисобланади, ташкилотнинг штаб квартираси Москва шаҳрида ташкил топган. Ташкилотда расмий иш юритиш тили рус тили ҳисобланади. Евроосиё патентини олиш учун талабнома иштирокчи давлатларнинг миллий патент идоралари орқали ҳам берилиши мумкин. Евроосиё патент идораси талабномани Конвенция формал талабларига мувофиқлигини текширади ва талабнома бўйича

изланишларни амалга оширади. Изланишлар натижалари ҳақида ҳисобот тайёрланади ва талабнома берувчига юборилади. Талабнома ва ҳисобот белгиланган муддат ичида (талабнома берилган санадан бошлаб 18 ой ўтгандан кейин эълон қилинади) Евроосиё патентини бериш ёки рад этиш ҳақида қарор 3 экспертдан иборат коллегия томонидан қабул қилинади. Евроосиё патентни беришни рад этиш ҳақида қарор талабнома берувчини бирор давлат миллий патент идорасига патент беришни сўраб талабнома бериш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Евроосиё патентининг амал қилиш муддати 20 йил. Евроосиё патент Конвенцияси БМТ аъзолари бўлган давлатлар учун, шунингдек саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси, патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома билан боғлиқ бўлган давлатлар учун очикдир. Евроосиё патенти иштирокчи давлатларда автоматик амал қилмайди. У фақат патент эгаси томонидан кўрсатилган мамлакатлардагина ва тегишли боғлар тўланган тақдирдагина амал қилади.

VIII БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халқаро иқтисодий ва илмий-маданий ҳамкорлик муносабатларида интеллектуал мулк объектлари қандай аҳамиятга эга?
2. Интеллектуал мулк объектларининг халқаро хусусий-ҳуқуқий муомалада бўлишида қандай ўзига хосликлар мавжуд?
3. Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) қандай ҳуқуқий мақомга эга?
4. Интеллектуал мулк бўйича халқаро конвенциялар, битимлар тизими ва тавсифи қандай?

Тавсия этилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.

Парижская Конвенция по охране промышленной собственности. ВОИС. 1993.

ВОИС. Общая информация. Женева. 1993.

Интеллектуальная собственность.

Основные материалы. Ч.1.; Ч.2. Инглизчадан таржима. Новосибирск. ВО "Наука". 1993.

Право на результаты интеллектуальной деятельности: Сборник нормативных актов. М. БЕК., 1994.

Соглашение по торговым аспектам прав интеллектуальной собственности (ТРИПС). FF материалы ВТО. М. РАА. 1998.

IX БОБ

САНОАТ МУЛК ҲУҚУҚИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси субъектларига тегишли саноат мулки объектларини чет мамлакатларда ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Ўзбекистон Республикаси ўзининг юксак илмий техникавий салоҳиятига эга. Ўзбекистонлик олимларнинг илм-фаннинг қатор йўналишлари бўйича энг илғор марраларда иш олиб бораётганликлари кўпчилик томондан эътироф этилмоқда. Бозор муносабатлари тизимида фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари товар сифатида намоён бўлади ва улар саноат мулки объектлари, яъни ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси мақомига эга бўлади. Ушбу объектларга нисбатан мутлоқ ҳуқуқ соҳиблари, яъни патент эгалари ўзлари томонидан бевосита фойдаланиши ёки лицензия шартномаси асосида бошқа шахсларга фойдаланишга рухсат бериш мутлоқ ҳуқуқига эга, патентни ҳақ эвазига бошқа шахсларга тўлиқ ўтказиш мумкин ва ҳ.к. Айни пайтда саноат мулки объектларидан мамлакат ички муомаласида фойдаланишдан мамлакатимиз ташқарисида фойдаланиш ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хосликларга эга. Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси субъектларига, саноат мулки объектлари бўйича Ўзбекистон Республикаси патент идораси томонидан берилган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи, яъни патент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Мамлакатимиз ҳудуди доирасида патент эгаларининг ҳуқуқлари ҳар тарафлама қўриқланади ва суд томонидан давлат мажбурлов кучи билан ҳимоя қилинади. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг субъектлари ўзларига тегишли саноат мулки объектларини хорижий давлатларда қўллаганда ҳам ҳуқуқий муҳофаза этиши учун бу мамлакатларда уларни патентлаш лозим. Бундан кўзланган асосий мақсад патент эгаларининг иқтисодий манфаатлари муҳофаза этилишини таъминлашдир.

Маълумки XXI аср глобал миқёсларда ахборотлаштириш асри ҳисобланади. Ошкор этилган ҳар бир ахборот тезлик билан турли субъектларга етиб боради ва улар бу ахборотлардан ўз амалий фаолиятларида фойдаланиш имкониятларига эга бўлади. Интеллектуал мулк объектлари шу жумладан саноат мулки объектлари негизида ғоявий-ахборот мажмуи ётади. Бу ғоявий ахборот мажмуи турли моддий шаклларда ифодаланиши мумкин. Энг асосийси бундай объектлардан бир пайтнинг ўзида жаҳоннинг турли нуқталарида жойлашган номуайян доираларда шахс-

лар бир-биридан мустақил равишда фойдаланишлари мумкин. Ҳудди шу сабабли ҳам саноат мулки объектларига фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида патент олишнинг ўзи етарли эмас. Саноат мулки эгалари ушбу объектдан фойдаланишга бўлган қизиқиш, бозор конъюктурасини ва шу кабиларни ҳисобга олган ҳолда бу объектларни хорижий давлатларда патентлаштириш чораларини кўрмоқлари лозим.

Ўзбекистонлик субъектлар ўзларига тегишли саноат мулки объектларини хорижий мамлакатларда патентлаштириганда қуйидаги 2 та ҳолатни ҳисобга олмақлари лозим. Биринчидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган талаблар;

иккинчидан ҳуқуқий муҳофаза сўраб мурожаат этилаётган (яъни объектга нисбатан сўралаётган) мамлакат миллий қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган талаб. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” ги қонунининг 41-моддасида саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаштириш бўйича қоидалар ўз ифодасини топган. Бунга асосан Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари саноат мулки объектларини бошқа давлатларда патентлаштириш ҳуқуқига эгадирлар. Айни пайтда қонунда бу ҳуқуқни амалга оширишнинг шarti ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, қонуннинг 41-моддасининг 2-қисмига асосан саноат мулки объектларини хорижий мамлакатларда патентлаштириш патент идорасига талабнома топширилгандан сўнг уч ой ўтгандан кейингина амалга оширилади. Бинобарин патент идораси бундай ҳолларда саноат мулки объектини хорижий мамлакатларда патентлаштиришни қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқади. Бунда саноат мулки объекти Ўзбекистон Республикаси патенти билан расмийлаштирилганлиги ёки ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи сўраб биринчи маротаба мурожаат этилаётганлиги аҳамиятга эга эмас. Патент идораси талабномани ўрганганда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олади:

Биринчидан, талабнома берувчи ҳақиқатан ҳам объектга нисбатан патент олиш ҳуқуқига эгами ва бунда бошқа субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бузилмаяптими;

иккинчидан, объект ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи бериш учун зарур хусусиятларга, яъни бошқача айтганда патентланиш лаёқатига эгами; учинчидан саноат мулки объектини хорижий давлатларда патентлаш Ўзбекистоннинг мудофаа, хавфсизлик ва бошқа мажбуриятларига путур етказмайдими (яъни, объект давлат сирлари билан боғлиқ эмасми ёхуд махфий ихтиро ҳуқуқий режимига мос келмайдими).

Бундай тартибнинг мавжудлиги саноат мулки мутлоқ ҳуқуқ эгалари ҳуқуқларини асло чекламайди, балки уларнинг келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларининг олдини олади. Юқоридаги талабларни бузган ҳолда берилган патент, дастлабки патент ҳақиқий

эмас деб ҳисобланади ва патент идорасининг қарори билан бекор қилинади. Саноат мулки объектлари бошқа давлатда (давлатларда) ғайри ҳуқуқий равишда патентлаштирган ҳар бир шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади (ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонуннинг 41-моддаси). Ўзбекистон Республикаси субъектлари томонидан ўз саноат мулки объектларини хорижий мамлакатларда патентлаштиришда патентлаштириш сўралаётган мамлакат қонунларига тўлиқ риоя қилиниши лозим. Шу сабабли ҳам бир мамлакатда патентлаштириш рад этилганлиги иккинчи мамлакатда патентлаштириш бўйича талабнома бериш имкониятидан маҳрум этмайди. Маълумки Ўзбекистон Республикаси саноат мулки бўйича Париж Конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ушбу конвенция бўйича устуворлик санаси қодалари Париж Конвенцияси иштирокчиси бўлган мамлакатлар ҳудудида патент талабномаси берилаётганда қўлланилади. Унинг ўзига хос хусусиятлари “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонун”нинг 18-моддасида белгилаб қўйилган. Кўпгина мамлакатларда патент талабномаси хорижий субъектлар томонидан махсус патент вазирликлари орқали берилиши назарда тутилган:

2-§. Чет эллик субъектлар саноат мулки объектларини Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Ўзбекистон Республикаси “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонунининг 1, 2-моддасида кўрсатиладики, Ўзбекистон Республикасида бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Бинобарин улар ўз саноат мулки объектларини Ўзбекистон Республикасида патентлаштиришга ҳақлидирлар.

Хорижий давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари ҳам Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги халқаро шартномалар ва ФКда белгиланган тартибда ўз саноат мулки объектларига нисбатан ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадилар. Ўзбекистонда ихтирога бўлган ҳуқуқ, фойдали моделга, саноат намунасига бўлган ҳуқуқ патент билан гувоҳлантирилади ва давлат томонидан қўриқланади. Масалан, ихтиро патенти ихтиронинг янглигини, ихтирочилик даражасини, патентнинг ҳақиқийлиги ва патент эгасининг ихтирога эгаллик қилиш уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир мутлоқ ҳуқуқини тасдиқлайди. Саноат мулкининг объекти бўйича патент ва дастлабки патент қуйидагиларга берилади:

- Саноат мулки объектларининг муаллифига (муаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

- Муаллиф ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан патент ёки дастлабки патентга оид талабномада ёки саноат мулки объекти патент идорасида рўйхатдан ўтказдирилгунга қадар топширилган аризада кўрсатилган жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга (уларнинг розилиги шarti билан);

- Қонунда белгиланган ҳолларда иш берувчига. Кўп ҳолларда чет мамлакатларда яшовчи хорижий фуқаролар, шунингдек хорижий юридик шахслар патент олиш учун ё ўзлари, ё патент идорасида рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали ҳаракат қиладилар.

Патент олишда ва унинг амал қилиш муддати давомида (20 йил) ҳар йили махсус патент божлари ундирилади, улар норезидент бўлганлари сабабли божларни хорижий валютада тўлайдилар. Хорижий субъектларга ҳам Ўзбекистон субъектлари учун белгиланган тартибда патент берилади. Ўзбекистон Республикаси саноат мулкни муҳофаза қилувчи Париж Конвенциясининг аъзоси бўлгани сабабли хорижий субъектлар агарда улар Париж Конвенцияси иштирокчи давлатлари фуқаролари бўлишса, қатор афзалликлардан фойдаланишлари мумкин. Масалан, саноат мулки объекти устуворлиги талабнома патент идорасига топширилган кундан бошлаб белгиланади. Устуворлик саноат мулкни муҳофаза қилиш Париж Конвенциясига аъзо бўлган бошқа давлатда (Конвенция устуворлиги) берилган биринчи талабномада қайд этилган санага кўра башарти патент идорасига ана шу санадан бошлаб ихтирога, фойдали моделга оид талабнома 12 ой ичида, саноат намунасига оид талабнома 6 ой ичида топширилган бўлса, белгиланади. Башарти Конвенция устуворлиги сўралган талабнома уни берувчига боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра белгиланган муддатда топшириб улгурилмаса, бу муддат патент идораси томонидан узоғи билан яна 2 ойга узайтирилиши мумкин (Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари тўғрисидаги қонуннинг 18-моддаси).

Хорижий субъектларнинг патент олиш учун берган талабномаларини кўриб чиқишда умумий тартиб қўлланилади. Бу ўринда хорижий субъектлар учун махсус қоидалар белгиланмаган.

Хорижий субъектларнинг талабномалар асосида уларга берилган патентлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади. Бинобарин патент эгаси саноат мулки объектига нисбатан мутлоқ ҳуқуққа эга ва ундан берухсат ҳеч ким бу объектдан фойдаланишга ҳақли эмас. Баъзи ҳолатларда хорижий субъектнинг ҳуқуқлари ҳажми Ўзбекистон Республикаси субъектлари ҳуқуқларининг ҳажмига нисбатан кенгроқ бўлиши мумкин. Масалан, агарда саноат мулки хорижий субъект томонидан Ўзбекистон Республикасига чет эл инвестицияси сифатида киритилса мутлоқ ҳуқуқ эгаси чет эл инвестициялари учун белгиланган имтиёз ва афзалликларга эга бўлади.

Патент эгасининг мутлоқ ҳуқуқларини бузган ҳар қандай шахс бу ҳуқуқбузарликларни тўхтатиши ва мутлоқ ҳуқуқ эгасига етказган барча зарарларни фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда тўлаши шарт.

Чет элда яратилган саноат мулки объектларининг Ўзбекистон Республикасида патентланиши мамлакатимиз учун ҳам, хорижий субъектлар учун ҳам ҳар тарафлама фойдалидир. Бу бир томондан Ўзбекистон Республикасида хорижий фан-техника ютуқларининг қонуний асосларда кенг қўлланишига ёрдам бериб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ижобий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан, хорижий субъектларнинг ҳуқуқлари мамлакатимиз ҳудудида амалга оширилишини ҳуқуқий кафолатлайди.

3-§. Саноат мулки объектларидан лицензия шартномалари асосида фойдаланиш

Саноат мулки объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши одатда лицензия шартномалари асосида амалга оширилади. Лицензия шартномаси бўйича асосий қоидалар ФК 1036-моддасида мустақкамлаб қўйилган. Ушбу шартномада икки тараф, яъни саноат объектига мутлоқ ҳуқуқ эгаси (лицензиар) ва бу объектдан рухсат асосида фойдаланувчи, яъни лицензиат қатнашади. Лицензиар лицензиатга тегишли интеллектуал мулк объектидан фойдаланишга рухсат беради. Лицензия шартномасида бериладиган ҳуқуқларнинг доираси ва мазмуни, объектдан фойдаланиш чегаралари ва муддатлари аниқ кўрсатилиши лозим. Лицензия шартномаси фақат ҳақ бараварига тузилади. Агарда саноат мулк объектидан лицензиарнинг фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда лицензиатга фойдаланишга рухсат берилган бўлса, бу оддий номутлақ лицензия шартномаси ҳисобланади. Агарда лицензия шартномаси бўйича лицензиарнинг объектдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи таъқиқланган бўлса, бундай ҳолатда лицензиат объектдан мутлоқ лицензия асосида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Одатда қонунларда лицензиянинг бошқа турлари ҳам, шу жумладан, мажбурий лицензия, сублицензия, берилиши шарт бўлган лицензия, очиқ лицензия каби турлари мавжуд. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонуннинг 31-моддаси 2-қисмига асосан лицензия шартномаси патент идорасида рўйхатдан ўтказдирилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг импорт контрактларини давлат рўйхатидан ўтказдириш тўғрисидаги Низомга асосан давлат маблағлари ҳисобига ёки давлат томонидан кафолатланган кредитлар ҳисобига тузилган лицензия шартномалари вазирликда давлат рўйхатидан ўтказ-

дирилиши лозим. Хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун интеллектуал мулк объектлари бўйича импорт контрактларини давлат рўйхатидан ўтказдирилишини рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- а) агарда объект эскирган ва жаҳондаги амалий даражадан паст бўлса;
- б) объектдан фойдаланиш кишининг соғлиғига, экологияга зарар етказса.

ФКнинг 1990-моддаси 2-қисмида кўрсатиладики, мутлоқ ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисида лицензия шартномасида лицензиар ҳисобланувчи тараф таъсис этилган турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади. Бироқ бу қоида диспозитив характерга эга бўлиб, қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартномада тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда ушбу қоида амал қилади. Айни пайтда саноат мулк объектдан фойдаланиш қаерда амалга оширилса, бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш сўраладиган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади, деб ФКнинг 1180-моддасида белгилаб қўйилган. Лицензия шартномалари бўйича лицензиат томонидан тўланадиган ҳақ роялти ва ёки паушал шаклларда бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига саноат мулки объектлари чет эл инвестицияси тариқасида лицензия шартномаси асосида киритилса, бу ҳолда лицензиар чет эл инвестори ҳуқуқий мақомига эга бўлади.

Интеллектуал микросхемалар топологияларининг халқаро хусусий ҳуқуқда муомалада бўлишининг ўзига хос хусусиятлари.

Фан-техника тараққиёти шиддатли ривожланаётган ҳозирги даврда интеллектуал мулкнинг янгидан-янги объектлари вужудга келмоқда. Улардан бири интеграл микросхемалар топологияси ҳисобланади. Интеграл микросхема бу электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган тугаш ёки оралиқ шаклдаги микроэлектрон ашё бўлиб, ундаги элементларнинг ҳеч бўлмаганда бири фаол ҳисобланади, ашёдаги боғланишларнинг айримлари ёки барчаси бу ашё тайёрланган жисмлар таркибида ва (ёки) сиртида узвий шакл топган бўлади. Интеграл микросхема топологияси деганда эса интеграл микросхема элементларининг ва улар ўртасидаги боғланишлар мажмуининг моддий жисмда қайд этилган фазовий-геометрик жойлашуви тушунилади. Бошқача айтганда ҳар бир муайян геометрик фазовий жойлашув ўзига хос янги объект бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Интеграл микросхема топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунига¹ (2001 йил 12 май) асосан бундай турдаги объектларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш шартлари бўлиб:

¹ Халқ сўзи. 2001 й. 18 май.

- топологиянинг ўзига хослиги (оригиналлиги);
- давлат патент идорасидан рўйхатдан ўтказилганлиги ҳисобланади.

1989 йилда ишлаб чиқилган интеграл микросхемаларга нисбатан интеллектуал мулкчилик тўғрисидаги Вашингтон шартномасида, кўпчилик ривожланган мамлакатлар, шу жумладан Россия Федерацияси қонунчилигида бундай объектларни ҳуқуқий муҳофаза остига олишнинг зарур шarti бўлиб уларнинг оригиналлиги кўрсатилади, давлат рўйхатидан ўтказиш компьютер дастурлари каби мажбурий шарт эмас. Худди шу сабабли ҳам ушбу мамлакатларда интеграл микросхемалар топологияси муаллифлик ҳуқуқи объектлари каби яратилиш факти асосида ҳуқуқий муҳофаза остига олинади. Гарчи Ўзбекистонда ушбу объектлар патент асосида эмас, тегишли гувоҳнома асосида ҳуқуқий ҳимояланса ҳам, гувоҳнома бериш тартиби, мутлақ ҳуқуқ мазмуни муаллифлик ҳуқуқи объектларидан кўра, зохиран патент объектлариникига ўхшаб кетганлиги сабабли интеграл микросхемалар топологиясининг халқаро хусусий ҳуқуқда муомалада бўлиши хусусиятлари тўғрисидаги ушбу параграф дарсликнинг патент ҳуқуқи объектларига бағишланган қисмига киритилди. Бироқ бундан муаллиф топологиялар патент ҳуқуқи объекти деган хулоса чиқармаслик лозим.

Муаллифнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган ва яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлмаган топология бошқача ҳол исботлангунга қадар ўзига хос (оригинал) деб эътироф этилади.

Яратилган санасида интеграл микросхемалар ишлаб чиқувчи ёки тайёрловчиларга маълум бўлган элементлардан таркиб топган топологияларга, агар бундай элементлар йиғиндиси оригинал бўлса, ижодий фаолият натижасида яратилган бўлса ҳуқуқий муҳофаза остига олинади.

Ҳолатлар, усуллар, тизимлар, технология ёки кодлаштирилган ахборотлар гарчи топологияга сингдирилган, мужассамланган бўлса ҳам ҳуқуқий муҳофаза қилинмайди.

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома муаллиф (иш берувчи, уларнинг ҳуқуқий вориси) томонидан бевосита ёхуд ишончли вакил орқали Ўзбекистон Республикаси патент идорасига берилади. Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш агар топологиядан фойдаланилган бўлса, ундан бир неча марта фойдаланилган санадан эътиборан икки йилдан ошмаган муддатда амалга оширилиши мумкин.

Талабнома берилган санадан бошлаб икки ойлик муддат ичида патент идораси ҳуқуқий муҳофаза сўралган топология бўйича давлат экспертизаси ўтказилади. Экспертиза натижаларига кўра топологияни рўйхатга олиш ёхуд уни рад этиш ҳақида қарор чиқарилади. Топология рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома ҳуқуқ эгасининг топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Топологиядан фойдаланишга бўлган мутлоқ ҳуқуқ ўн йил давомида амал қилади.

Топологиядан фойдаланишга бўлган мутлоқ ҳуқуқ мудатининг бошланиши қуйидаги саналардан энг олдингиси бўйича аниқланади:

- Топологиядан биринчи марта фойдаланиш санаси бўйича, бунда топология жаҳоннинг бирор бир жойида фуқаролик муомаласига олдинроқ киритилганлиги ҳужжатлар билан қайд этилган сана назарда тутилади;

- Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий эълон қилинган сана бўйича.

Бошқа шахс томонидан мустақил равишда яратилган айнан бир хил топология пайдо бўлган ҳолларда топологиядан фойдаланишга мутлоқ ҳуқуқнинг амал қилиш умумий муддати ўн йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Ҳуқуқ эгасига топологиядан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, шу жумладан уни тайёрлаш, қўллаш ва тарқатиш мутлоқ ҳуқуқи тегишлидир.

Топологиянинг ҳуқуқий муҳофаза белгиси **Ⓣ** ҳисобланади.

Муҳофаза қилинадиган топологиянинг, шу топологияли интеграл микросхемани ёки шундай интеграл микросхемани ўз ичига олган буюмни ҳуқуқ эгасининг рухсатсиз қўллаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, сотувга қўйиш, сотиш, такрорлаш (ўзига хос, оригинал бўлмаган қисмини такорлаш бундан мустасно) ва фуқаролик муомаласига бошқача тарзда киришини топологиядан фойдаланишга бўлган мутлоқ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилади.

Бироқ айнан бир хилдаги топологияни мустақил яратган шахс ундан мустақил фойдаланишга ҳақли. Мутлоқ ҳуқуқ эгаси топологияга бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар Давлат Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Топология рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома мутлоқ ҳуқуқни амал қилиш муддат тугаганда, суд қарори асосида ёхуд қонунда белгиланган бошқа асослар бўйича (қонуннинг 16-моддаси) бекор бўлади.

Қонуннинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасига мансуб субъектлар томонидан топологияни бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш тартиби белгиланган. Бунга кўра улар бошқа давлатларда топологияни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга ҳақлидирлар. Саноат мулки объектларига нисбатан белгиланганидек олдиндан қўйилган шартлар бу ўринда мавжуд эмас.

Чет эл юридик шахслари, жисмоний шахслари топологияга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки ўзаровийлик асосида ҳуқуқларга эга бўладилар.

Топологияларга нисбатан муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари, ҳуқуқ эгасининг мутлоқ ҳуқуқлари ФКда белгиланган тартибда ва асосларда ҳуқуқий ҳимоя қилинади.

IX БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халқаро конвенцияларда саноат мулки қандай маънода ташкил этилади?
2. Ўзбекистон Республикаси субъектларининг саноат мулки объектларига нисбатан ҳуқуқларини хорижий давлатларда муҳофаза қилиш тартиби қандай?
3. Чет эллик субъектларнинг саноат мулки бўйича ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қилиш тартиби ва шартлари қандай?

Тавсия этилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонуни” (1994 й. 6 май) ва ушбу қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси: 1994 й. 5-сон, 138-м.; 1998 й. 3-сон. 38-м.).

Ўзбекистон Республикасининг “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни” - // Халқ сўзи. 2001 й. 18 май.

Парижская Конвенция по охране промышленной собственности. ВОИС. 1993.

А. Ертов. Изобретения – катализаторы экономики. // Биржевый Вестник Востока. 1998. 2-сон. 23-бет.

А. Ертов. Красоту нужно охранять. // Биржевый Вестник Востока. 1998, 17-сон, 15-бет.

А. Ертов. Чтобы патент работал в полную силу. // Биржевый Вестник Востока. 1999. 17-сон, 18-бет.

Х БОБ

ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ

1-§. Товар белгисига бўлган ҳуқуқ

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси — бу бир жисмоний ёки юридик шахснинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг бир турдаги товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгидир. Одатда бундай белгилар сўзлар, тасвирлар, ёзувлар, товушлар, ҳажмий шакллар орқали ифодаланади. Товар белгилари товарнинг ўзига, ўровига, идишига қўйилиши мумкин. Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари товарлар ва хизматларни реклама қилиш мақсадларида ҳам кенг қўлланилади. Бошқача айтганда товар белгиси бозорда товар ишлаб чиқарувчининг ўзига хос ташриф қоғози (визит карточкаси) бўлиб ҳисобланади. Кўп ҳолларда истеъмолчи (мижоз ёки харидор) товар белгисига қараб мўлжал олади ва бевосита савдо-сотик муносабатларига киришади. Демак, товар белгиси ҳар доим товарни муайян сифати, муайян хусусияти тўғрисида ўзига хос ахборот манбаи деб ҳисобланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида товар белгиларини рўйхатдан ўтказдириш ва улардан фойдаланиш тартиби 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Бинобарин Ўзбекистон Республикасида товар белгисига бўлган ҳуқуқ у рўйхатдан ўтказдирилгандан кейин вужудга келади ва белги эгаси ушбу белгисидан фойдаланиши бўйича мутлоқ ҳуқуққа эга бўлади. Бошқача айтганда товар белгиси эгаси ушбу белгидан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда, шу жумладан ундан ўзга шахслар фойдаланишига рухсат бериш ёки таъқиқлаб қўйишда мутлоқ ҳуқуққа эгадир. Мамлакатимиз ҳудудида муҳофаза қилинаётган товар белгисидан унинг эгаси рухсатсиз ҳеч ким фойдаланишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаровийлик асосида бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ҳам Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан товар белгиларини рўйхатдан ўтказдириш ва улардан фойдаланиш бўйича тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Хорижий субъектлар ўз товар белгиларини Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси патент идорасига ўз патент вакиллари орқали

ариза беришлари лозим. Талабномани кўриб чиқиш Ўзбекистон субъектлари учун белгиланган тартиб билан бир хилдир. Фақат чет эллик субъектлар рўйхатдан ўтказдирилаётган божларни хорижий валютада тўлайдилар. Агарда чет эллик субъект Мадрид битимига мувофиқ ҳаракат қилса, у ҳолда у энг аввало ушбу товар белгисининг келиб чиқиш мамлакатада рўйхатдан ўтказдирилаётган бўлиши талаб этилган бўлади. Мадрид битими барча иштирокчи давлатларда товар белгиси учун ягона ҳуқуқий режим белгиламайди, балки бир вақтнийу ўзида бир неча мамлакатларда ҳуқуқий муҳофаза олиш тартибини енгиллаштиради. Товар белгиси рўйхатдан ўтказдирилган вақтдан эътиборан 10 йил давомида амал қилади. Бу муддат белги эгасининг аризасига мувофиқ ва тегишли божлар тўланган тақдирда ҳар гал 10 йилга узайтирилиши мумкин, қонун товар белгисидан фойдаланиш шарт эканлигини белгилайди. Товар белгисининг рўйхатдан ўтказдирилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома агарда бу белгидан 5 йил давомида узлуксиз ишлатилмаган бўлса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд тартибида муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Айти пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, товар белгисидан фойдаланиш деганда нафақат бу белгидан товарларда ва уларнинг ўрови, идишда фойдаланилиши, балки рекламаларда, матбаа нашрларда, расмий иш қоғозларида, пешлавҳаларда, кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш қилишда ишлатиш ҳам киради. Товар белгисини рўйхатдан ўтказдириш билан боғлиқ низолар патент идораси томонидан маъмурий тартибда ёки суд тартибида ҳал этилади. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида Астра, Беломорканал, Прима, Полет тамаки маҳсулотларини рўйхатдан ўтказдириш рад этилди, чунки бу товар белгилари собиқ ССР Иттифоқидаги тамаки фабрикалари томонидан кенг фойдаланилган. Товар белгисининг асосий вазифаси бир ишлаб чиқарувчининг бир хилдаги товарларини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шу хилдаги товарлардан фарқлаш ҳисобланади. Юқоридаги товар белгилари эса худди шу вазифаларни бажара олмайди. Юқоридаги асосга кўра Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ва хорижий субъектларга тегишли бўлган “Космос”, “Памир”, “Прима” товар белгилари муддатдан аввал бекор қилинди. Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ўз товар белгиларини бошқа давлатларда ёки халқаро миқёсларда рўйхатдан ўтказишга ҳақлидирлар. Ўзбекистон Республикасининг субъектлари ўз товар белгиларини бошқа давлатлардан рўйхатдан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси патент идорасига талабнома берганларидан кейин амалга оширадilar. Товар белгиларини бошқа давлатларда ёки халқаро миқёсларда рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар талабнома берувчи ёки у билан келишилган ҳолда бошқа манфаатдор юридик ёки жисмоний шахс томонидан қопланади.

Ўзбекистонлик субъектларнинг ўз товар белгиларини чет давлатларда рўйхатдан ўтказдирилиши айниқса экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқараётганлар учун муҳим аҳамиятга эга. Чиройли ва диққатни тез жалб қиладиган товар белгилари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг ташқи бозорда харидоргир бўлишини таъминлайди ва аксинча. Товар белгиларининг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг ҳуқуқий муҳофаза қилинмаслиги дунё бозорида бизнинг товар ишлаб чиқарувчилар учун муайян қийинчиликлар вужудга келтиради. Бундай товаларни осонгина қалбакилаштириш, сохталаштириш мумкин. Шу сабабли ҳам ўз товарларини экспорт қилаётган субъектлар бу товарларни экспорт қилишдан олдин товар олиб борилаётган мамлакатдан ўз товар белгиларини рўйхатдан ўтказдиришлари шарт. Ўзбекистон Республикаси товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказдириш тўғрисида Мадрид битимининг иштирокчиси бўлганлиги сабабли мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахслар ўз товар белгиларини чет элларда рўйхатдан ўтказдиришда муайян қулайликларга эгадирлар. Товар белгисининг эгаси товар белгиси билан бир қаторда товарда ёки унинг идишида огоҳлантирувчи тамға ® қўйиши мумкин. У товар белгисини ЎзРда рўйхатдан ўтказилганини ва ҳуқуқий ҳимоя қилинишини англатади.

2-§. Фирма номига берилган ҳуқуқ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1098-моддасига асосан юридик шахслар ўз фирма номларига нисбатан мутлоқ ҳуқуққа эгадирлар. Фуқаролик кодексининг 46-моддаси 5-қисмига асосан тижоратчи юридик шахслар ўз фирма номига эга бўлишлари шарт. Юридик шахснинг фирма номи унинг уставини тасдиқлаш вақтида белгиланади ва у юридик шахслар давлат реестрига киритиш йўли билан рўйхатдан ўтказдирилади. Юридик шахснинг фирма номи тегишли юридик шахсларни айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражадан аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олинishi мумкин эмас. Юридик шахснинг белгиси тариқасида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган фирма номига бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Чет давлатда рўйхатга олинган ёки умумэтироф этилган номга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мутлоқ ҳуқуқ қонунда назарда тутилган ҳоллардагина амал қилади. Бошқача айтганда “Самсунг”, “Боинг”, “Кока-кола” каби умумэтироф этилган фирма номларига бўлган ҳуқуқлар ёки хорижий субъектларнинг ўз мамлакатларида рўйхатдан ўтилган фирма номларига бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги ҳолларда амал қилиши мумкин:

а) агар бу Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро конвенциялар, халқаро битимлар ва бошқа ҳужжатларда назарда тутилган бўлса;

б) агар бу Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасидаги икки томонлама, кўп томонлама шартномалар, битимларда белгилаб қўйилган бўлса.

Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенциясининг 8-моддасида кўрсатилдики, конвенциянинг иштирокчиси бўлиш ҳар бир давлат бошқа иштирокчи хорижий давлатда жойлашган фирма номини унинг ўзида қайд этилган-этилмаганидан қатъий назар қайд этиш ҳақидаги талаб мажбурийлигидан қатъий назар ҳуқуқий муҳофаза қилиш мутлоқ ҳуқуқини таъминлаши лозим. Ўзбекистон Республикаси Париж конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланади.

Бинобарин, конвенция давлатлари ҳудудида фирма номи миллий чегаралар доирасидан чиқувчи экстерриториал муҳофаза лаёқатига эга. Фирма номига бўлган мутлоқ ҳуқуқ у қайд этилганидан бошлаб бемуддат амал қилади. Юридик шахснинг фирма номига бўлган ҳуқуқини бошқа шахсга бериш ва ўтказишга фақат юридик шахс қайта ташкил этилган ҳолда ёки корхона бошқа шахсга бутунлай берилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Фирма номига бўлган ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга ўзининг фирма номидан фойдаланишга рухсат (лицензия) бериши мумкин. Масалан, ФКнинг 872-моддасида белгиланган Франшизинг шартномасини тузиш орқали. Айни вақтда шартномада лицензиар лицензиатга фирма номидан фойдаланишга истеъмолчини чалғитиб қўйиш, алдашига олиб келишини истисно этувчи чоралар кўриш мажбуриятини юклаши ва уни бажариши устидан назорат қилиши лозим. Бундай чоралар кўрилмаган тақдирда истеъмолчининг эътирозлари лицензиарга (бошқанинг фирма номидан фойдаланувчига) эмас, балки лицензиатга (фирма номи эгасига) қаратилиши мумкин.

3-§. Товар тайёрланган жой номига бўлган ҳуқуқ

Ҳар бир мамлакат, минтақа, маълум бир ҳудуд ўз иқлими, табиати, тупроқ таркиби, рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий шароитлари билан ўзига хосдир. Баъзан бу ўзига хослик ўша ҳудуд доирасида ишлаб чиқариладиган товарлар, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ўзига хос алоҳида сифатга эга бўлишини белгилайди. Бошқа жойда ишлаб чиқарилган айнан ўшандай товарлар, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар айнан ўшандай сифатларга, хусусиятларга эга бўлмайди. Бинобарин, маълум географик ҳудуднинг табиий шароитлари ёки бошқа омиллар (масалан, ўша жойда яшовчи аҳолининг касби-кори, малакаси) билан узвий боғлиқ равишда тайёрланган товарлар айнан шундай товарларга нисбатан харидоргир, юқори сифатли, рақобатбардошли бўлиши мумкин.

Худди шундай товарлар бозорда товар чиқарилган жой номи орқали тақдим этилиши, сотилиши мумкин. Бу эса товарнинг муҳим ва ўзига хос белгиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1108-1111-моддаларида товар чиқарилган жой номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш, бу номдан фойдаланиш асослари ва тартиби мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи хорижий субъектлар ҳам Ўзбекистонлик субъектлар билан тенг ҳуқуқли равишда тегишли тартибга риоя қилинган ҳолда товар чиқарилган жой номидан фойдаланишга ҳақли.

Келиб чиқиш жойи номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларни халқаро қайд этиш тўғрисидаги Лиссабон битимида асосан товар чиқарилган жой номлари ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Гарчи Ўзбекистон Республикаси ушбу битимга қўшилмаган бўлса ҳам унинг меъёрларига амалда риоя қилмоқда. Худди шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасида Америка фирмасининг “Сарп” сигарета белгисини, Бразилия ва Француз фирмаларининг сигарета, кофе, чай ва бошқа озиқ-овқат муҳсулотларини “Hollywood” белгиси остида рўйхатдан ўтказдирилиши рад этилди, чунки “Сарп” ороли Италияда жойлашган, “Hollywood” эса АҚШда жойлашган. Бу маркалардан фойдаланиш истеъмолчиларни товар чиқарилган жойларига нисбатан чалғитишга сабаб бўлур эди.

Товарнинг келиб чиқиш жойи номи, саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси бўйича ҳам ҳуқуқий муҳофаза объекти ҳисобланади. Шунингдек буюмлар чиқарилган жойларни нотўғри ёки ёлғон кўсатганлик учун санкциялар, жазо чоралари ҳақидаги 1891 йил 14 апрелдаги Мадрид битимида товар чиқарилган жойи ҳақидаги янглишишга сабаб бўлувчи белгилар, номларини қўймаганлик учун санкциялар белгиланган. Буюмларнинг келиб чиқиш жойлари кўрсаткичларини ҳимоя қилиш ва уларни халқаро қайд этиш ҳақидаги 1958 йил 31 октябрдаги Лиссабон иттифоқи органи товар чиқарилган жой номларини қайд этиш механизминини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда.

Дунёнинг деярли барча давлатларида товарлар чиқарилган жойлар номларидан гайриқонуний фойдаланиш, бу жойлар номлари ҳақида нотўғри ёки ёлғон маълумот бериш фирром рақобатнинг кўринишларидан ҳисобланади ва тегишли жавобгарлик чоралари (зарарларни тўлатиш, худудига олиб келишни тақиқлаш, арест солиш, товарларни йўқ қилиб ташлаш ва ҳ.к.) қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида 1996 йил 27 декабрда қабул қилган қонуннинг 8-моддасига асосан юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, маҳсулотни, хизматлар бажаришни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунсиз фойдаланиб товар сотиш, товарнинг хусусияти, уни тайёрлаш усули ва жойи хусусида истеъмолчинини чалғитиш инсофсиз рақобат ҳисобланади ва таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикасида товар келиб чиққан жой номлари ва бу номлардан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олиш тартиби “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Унга кўра товар келиб чиққан жой номлари ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш Давлат Патент идораси томонидан амалга оширилади. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади. Гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади. Ушбу муддатнинг охирида у яна ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин. Товар келиб чиққан жой номи товарда, унинг идиши ва ўровида, босма нашрларда, рекламаларда қўлланиши мумкин. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш лицензия шартномаси асосида бошқа шахсларга ўтказилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари товар келиб чиққан жой номини бошқа давлатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга ҳақли.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар товар келиб чиққан жой номидан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки ўзаро келишув принципи асосида фойдаланадилар.

4-§. Халқаро хусусий ҳуқуқда фирром рақобатга қарши кураш масалалари

Маълумки, фирром рақобатнинг олдини олиш Париж Конвенцияси бўйича интеллектуал мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг таркибий қисми ҳисобланади. ТРИПС битимининг 40-моддасида ҳам фирром рақобатнинг олдини олиш белгилаб қўйилган. Фирром рақобатга қарши курашиш масалалари Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳам ўзининг ифодасини топган. Жумладан, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги қонунда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида устунликни қўлга киритишга қаратилган қонун ҳужжатларига ва иш-муомала одобларига зид бўлган, улар ўртасида мусобақалашувни истисно этадиган ва амалга оширилиши натижасида ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли товар бозорида товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имконини берадиган ҳаракатлари инсофсиз (фирром) рақобат деб ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 8-моддасида инсофсиз рақобатни таъқиқлаш ҳақида кўрсатма мавжуд. Бунга асосан Ўзбекистон Республикасида инсофсиз рақобатга, чунончи:

- бошқа ҳўжалик юритувчи субъектга ёки унинг тадбиркорлик обрўсига путур етказадиган ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатишга;

- юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, маҳсулотни, хизматлар бажаришни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунсиз фойдаланиб товар сотиш;

- товарнинг хусусияти, уни тайёрлаш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитишга;

- ҳўжалик юритувчи субъектнинг, шу жумладан унинг реклама фаолияти жараёнида ҳам ўзи ишлаб чиқарадиган ёки сотадиган товарларни бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг товарлари билан қўпол таққослашига;

- илмий техникавий, ишлаб чиқариш ёки савдо ахборотини, шу жумладан тижорат сирини эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиши, уни ошкор этишга;

- янги ҳўжалик юритувчи субъектнинг товарлар ва хизматлар бозорига киришига тўсқинлик қилинишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистоннинг тегишли қонунларида интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишда фирром рақобатга жавобгарлик санкциялари белгилаб қўйилган. Жумладан, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонуннинг 26-моддаси 3-қисмига асосан товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгининг ундан рухсат олмаган ҳолда ҳўжалик муомаласига киритилиши товар белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш деб топилади. Товар белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузувчи ҳатти-ҳаракатлар содир этган юридик ва жисмоний шахслар, белги эгасининг талабига мувофиқ;

- белги эгасининг ишбилармонлик обрўсини қайта тиклаш мақсадларида суд қарорларини ўз ҳисобларидан эълон қилишга;

- товар белгисидан ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгидан фойдаланишни тўхтатишга, шунингдек белги эгасига етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплашга ёки белгидан Қонунга зид равишда фойдаланиш даврида олинган бор фойдани белги эгасига беришга;

- маҳсулот белгиси ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини маҳсулотдан ёки унинг ўрвидан олиб ташлашга;

- товар белгисининг ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгининг тайёрлаб қўйган тасвирини йўқ қилиб ташлашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги қонунининг 13-моддасига асосан муҳофаза қилинаётган саноат мулки объектидан фойдаланган ҳолда яратилган маҳсулотни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, олиб келиш, сақлаш, сотишга тақлиф этиш, сотиш ва ҳўжалик муомаласига бошқача

тарзда киритиш, шунингдек ихтиро патенти ёки дастлабки патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёки ихтиро патенти ёхуд дастлабки патенти билан муҳофаза қилинаётган усул воситасидагина тайёрланган маҳсулотни хўжалик муомаласига киритиш патент эгаси мутлоқ ҳуқуқининг бузилиши сифатида эътироф этилади. Саноат мулки объектдан ғайриқонуний фойдаланаётган субъектлар жабрланувчи патент эгаси талабига биноан:

- патент эгасининг мутлоқ ҳуқуқини бузаётган ҳаракатларини тўхтатишлари;
- патент эгаси ҳуқуқларини бузиш оқибатида унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашлари;
- патент эгасининг ишбилармонлик мавқеини қайта тиклаш мақсадида суд қарорини ўз ҳисобларидан эълон қилишлари шарт;
- мутлоқ ҳуқуқ бузилганлигига доир даъво башарти лицензия шартномасида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, патент эгаси ёки мутлоқ лицензия эгаси томонидан қўзғатилади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 177-моддасида товар белгисидан қонунга хилоф фойдаланганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 191-моддасида сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ва бошқа шу каби ахборот эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш учун, шунингдек бундай ахборотларни эгасининг розилигисиз қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш учун ЖКнинг 192-моддасида эса рақобатчини обрўсизлантириш, яъни босма ёки бошқача усулларда кўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Хорижий субъектлар Ўзбекистон қонунларида белгилаб қўйилган фирром рақобатга қарши кураш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий ҳуқуқий чораларни қўллаш ҳақида талаб қўйишлари учун ўзларининг интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқий расмийлаштирган ёки ҳуқуқий муҳофаза ёрлиқлари олган бўлишлари шарт (қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно).

X БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасига тегишли субъектларнинг индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқларини чет элларда ҳуқуқий муҳофаза остига олиш тартиби ва асослари қандай?
2. Хорижий субъектларнинг индивидуаллаштириш воситаларини Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари ва шартлари қандай?
3. Халқаро миқёсда фирром рақобатга қарши қандай кураш олиб борилади?

Тавсия этилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуни. - // Халқ сўзи. 20001 й. 20 сентябр.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги қонуни” - // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й. 2-сон. 54-м.

Парижская Конвенция по охране промышленной собственности. ВОИС.1993.

ТРИПС. // материалы ВТО. М. РАА. 1998.

Сергеев А.П. Право на фирменное наименование и товарный знак. // Санкт-Петербург. ФАО. 1995.

XI БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ, ТИЖОРАТ СИРЛАРИ (ОШКОР ЭТИЛМАГАН АХБОРОТЛАР) НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

1-§. Селекция ютуқларининг ҳуқуқий мақоми

Илмий интеллектуал фаолиятнинг натижалари ичида селекция ютуқлари ўзига хос тарзда ажралиб туради. Гап шундаки, селекция ютуқлари ўз моҳиятига кўра, тирик табиатнинг бир қисми, наботот дунёсига мансуб жонзотдир. Айни вақтда у тирик табиатнинг ўз маҳсули эмас, ундаги эволюцион табиий танлашлар ва ирсий ўз-ўзидан ривожланувчи мутациялар натижасида вужудга келмаган. Селекция ютуқлари инсон ижодий тафаккурининг маҳсули, унинг илмий-тадқиқотларининг натижасидир. Ижодкор-инсон ўзи учун мақбул хусусиятларга эга бўлган ўсимликларнинг янги навларини ва ҳайвонларнинг янги зотларини шунчаки одатдаги оддий меҳнат жараёни натижасида эмас, балки ижодий ёндашув, илмий-тадқиқотлар асосида яратади. Шу сабабли ҳам селекция ютуқлари илмий-интеллектуал фаолият натижаси сифатида махсус ҳуқуқий муҳофаза сифатида тан олинади.

Селекцияни ҳуқуқий муҳофаза қилиш асосларини яратишга илк уринишлар XX аср бошларидан амалга оширила бошланди. Энг аввало ўсимликшуносликда, кейинчалик чорвачилиқда селекция ютуқлари ҳуқуқий муҳофаза остига олина бошланди. 1965 йилда Англияда чорвачилик бўйича селекция ютуқлари ҳақида қонун ҳужжати қабул қилинди. Бу бежиз эмас эди, чунки Англия зотдор моллар экспорттери ҳисобланар эди. 70-йилларда селекциячиликда янги илмий усуллар—ген инженерияси, эмбрионларни кўчириб ўтказиш, жинсини олдиндан белгилаш, радиоактив нурлантириш селекцияда инқилоб ясади. Халқаро миқёсларда селекция ютуқларини муҳофаза қилишга эҳтиёж вужудга келди. 1961 йил 2 декабрда Парижда ўсимликларнинг янги навларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳақида Халқаро Конвенция имзоланди. У 1968 йил 10 августдан бошлаб кучга кирди. Вақт ўтиши билан бу Конвенция ўзгаришлар билан тўлдириб борилди. 1978 йилда Женевада Конвенциянинг янги матни имзоланди. У 1991 йилдан бошлаб кучга кирди, ушбу Конвенция барча мамлакатлар кўшилиши учун очиқдир.

Конвенциянинг асосий қоидаларидан бирига кўра Конвенция иштирокчилари бўлган мамлакатларда рўйхатга олинган юридик шахс-

лар ёки истиқомат жойи бўлган жисмоний шахслар учун барча иштирокчи мамлакатларда белгиланган миллий тартиб амал қилади.

Конвенция билан қўриқланадиган ўсимлик навлари ҳар қандай ботаник турга ёки жинсга мансуб бўлиши мумкин. Айни вақтда Конвенция иштирокчиси мамлакатнинг табиий шарт-шароитларига мувофиқ равишда қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ёхуд ўрмончиликнинг ривожига ёрдам берувчи иқтисодий энг қулай бўлган ўсимликлар навларига нисбатан Конвенцияни қўллашга ҳақли. Шу билан бирга Конвенция ўз аъзолари зиммасига мумкин қадар кўпроқ ўсимлик турлари ва жинсларини ҳуқуқий муҳофазага олиш мажбуриятини юклайди.

Ўсимликнинг янги нави ҳуқуқий муҳофаза қилиниши учун дунё миқёсида янги бўлиши лозим. Бинобарин, бу нав нафақат ҳуқуқий муҳофаза талаб қилинаётган мамлакат учун, балки бошқа мамлакатлар учун янги бўлиши керак. Янгилик ҳолатини белгилашда навнинг сунъий ёхуд табиий усулда яратилганлиги аҳамиятга эга эмас.

Ижтимоий манфаатларни кўзлаб ва ҳар хил суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсадида селекционерларнинг ҳуқуқлари назорат қилиниб борилади. Конвенция иштирокчиси бўлган мамлакатлар қонунларида Конвенция бўйича ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилик талабларига зид бўлган селекция объектларига нисбатан селекциячилар ҳуқуқлари бекор бўлиш имкониятлари назарда тутилиши лозим.

Агар селекционер давлатнинг ваколатли идорасига янги навни ўз талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда кўпайтириш учун материаллар бера олиш имкониятига эга бўлмаса ҳам ҳуқуқлари бекор бўлади. Бошқача айтганда селекционернинг янги нав яратиш ва унинг учун ҳуқуқий муҳофаза ёрлиги олиш жараёнида давлат синов станцияларини уруғлик материали билан таъминлайди. Бу наван тижорат мақсадларида ишлатиш, қўлланиш жараёнида тегишли сифатга эга бўлган уруғлик материаллари селекционерда мавжуд бўлиши лозим. Янги навнинг айниб кетиши—ҳуқуқий муҳофазанинг тамом бўлганини билдиради. Бинобарин ваколатли давлат идораси янги навни вақти-вақти билан текшириб туради. Селекционер уруғлик материал билан таъминламаса ёхуд текширишга имкон бермаса, навга нисбатан ҳуқуқлардан маҳрум бўлади.

Конвенциянинг кўпгина қоидалари мамлакатимизнинг амалдаги қонунларига мос келади.

Халқаро Конвенцияга асосан ўсимликларнинг янги навларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича Халқаро Иттифоқ UPOV таъсис этилди. Ушбу ҳуқуматлараро ташкилот Женевда жойлашган. Ушбу ташкилотга аъзо бўлган ҳар бир давлат ўз миллий селекционерлари яратган навларни бошқа аъзо давлатлар ҳудудларида ҳам ҳуқуқий муҳофаза қилинишига, хорижий селекционерларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга имкон беради. UPOVга аъзолик ҳар бир мамлакатга бошқа мамлакатлар тажри-

басидан фойдаланиш, зарурий ҳамкорлик қилишга ёрдам беради ва охир оқибатда дунёда селекция фанларини ривожлантиради.

Уларда Иттифоқ аъзолари бўлган давлатлар ўртасида янги навларни экспертизадан ўтказиш бўйича фаолиятларини мувофиқлаштириш яхши йўлга қўйилган. Масалан, Иттифоқ аъзоси бўлган бир давлат илтимоси бўйича, янги навни бошқа иштирокчи давлат синовдан ўтказиши ёки бир мамлакатдаги синовлар натижаси бир гуруҳ мамлакатлар томонидан янги навга ҳуқуқий муҳофаза бериш учун асос бўлиши мумкин. Бу эса харажатларни амалда бир неча марта камайтиришга олиб келади.

Бироқ ушбу Иттифоқ Берн ёки Париж Иттифоқлари каби дунёда оммавий тус олмаганини эътироф этмоқ лозим. Ҳозирги вақтда UPOVга 30 дан ортиқ давлат аъзо, яқин келажакда улар сони 50 га етади деган тахминлар бор. Бироқ дунёда иқтисодиётида аграр сектор устувор бўлган мамлакатлар кўп, бинобарин бу борада йўналиш ўз истиқболига эга. Чунки ҳозирги селекция сайёрамизнинг ўсиб бораётган аҳолисини озиқ-овқат ва саноатни хом ашё билан таъминлашда муҳим вазифани бажармоқда. Кейинги 30 йил ичида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги 30% дан 50% гача ошганлиги янги навларни жорий этиш ва мавжуд навлар ва гибридларни қўллаш натижасидир. Жаҳонда қишлоқ хўжалигининг ривожини барча давлатларнинг селекция бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга, унинг ҳуқуқий негизларини яратишга боғлиқ¹.

Селекция ютуқларини ҳимоя қилиш масаласи мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Бунинг энг асосий сабаби Ўзбекистоннинг пахта-ғўза селекцияси бўйича жаҳонда энг олдинги ўринларда эканлиги билан боғлиқ². Республикамизда ғўза селекцияси бўйича дунёда ноёб генетик фонд мавжуд. Собиқ Иттифоқ даврида ўзбекистонлик олимлар яратган навлар нафақат Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжонда балки Афғонистон, Мозамбик, Ангола, Миср каби давлатларда ҳам экилган. Машҳур қорақўл тери қўйларининг наслдор зотлари бутун дунёга Ўзбекистондан тарқалган. Ҳозирги вақтда Жанубий Африка Республикаси қорақўл етиштириш бўйича дунёда олдинги ўринда турибди. Бироқ бу зотдор қорақўл қўйлар сувтекинга биринчи марта Ўзбекистондан олиб келинган эди. Агар ўз даврида селекция ютуқлари ҳуқуқий муҳофазаси йўлга қўйилганда Ўзбекистон қорақўл қўйлари зотлари етиштириш бўйича дунёда монопол ҳолатга эга бўлган бўлур эди. Бу эса давлатимизга валюта тушумлари учун муҳим манба бўлган бўлур эди. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, селекция ютуқлари энг қадимдан муҳофаза остига

¹ Қаранг: *Путь к рекордам в сельском хозяйстве*. БВВ. №17, 1999.

² Қаранг: *Эффект чистых линий*. БВВ. №26 (286) 199. 24-бет.

олинган. Масалан, Хитойда ипак қурти уруғи ниҳоятда қаттиқ муҳофаза қилинган. Хассаси ичидаги махсус ковакка солиб Хитойдан ипак қурти уруғини яширин равишда олиб чиқиб дунёга тарқатган дарвиш ҳақида афсонлар реал заминга эга.

80-йилларнинг охирида Австралияда жун учун етиштириладиган қўйларнинг гўштини инсонпарварлик ёрдами тариқасида текин СССРга бериш ҳақида масала кўтарилган эди. Мана шунда бу қўйларни тирик вазнда мамлакат ташқарисига олиб чиқиш (айниқса наслдор совлиқларни) Австралиянинг селекция ҳақидаги қонунлари билан таъқиқланиши ҳақида матбуотда хабарлар ёзилган эди.

Селекция ютуқлари (ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари) илмий-ижодий фаолият маҳсули бўлиб, интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларидан ҳисобланади. Селекция ютуқлари яратилиши факти асосида эмас, балки ваколатли давлат органи томонидан махсус ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати—патент берилган тақдирдагина, бу объектларга нисбатан ҳуқуқлар вужудга келади ва муҳофаза қилинади.

Селекция ютуғига патент олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда бундай патентни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонун (бундан кейин қонун деб юритилади) билан белгиланади.

Қонуннинг 7-моддасига асосан, башарти селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, бир хиллик (ўхшашлик) ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Селекция ютуғига патент бериш ҳақидаги талабнома селекциячи, иш берувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан Патент идорасига топширилади. Селекция ютуғининг патентга лаёқатлилиқ хусусиятлари давлат экспертизаси—давлат синови орқали аниқланади. Селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилиқ белгиларига мос бўлса Патент идораси селекция ютуғига патент (гувоҳнома) бериш ҳақида қарор қабул қилади, селекция ютуғи Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқлари Давлат реестрига киритилади.

Патент селекция ютуғининг янгилик эканлигини, фарқланишини, ўхшашлиги ва барқарорлигини, шунингдек патент эгасининг ютуғи номига, унга эгалик қилишга, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патент эгасининг ҳуқуқлари селекция ютуқлари рўйхатга олинганлиги ҳақида Патент идорасининг расмий бюллетенида эълон қилинган кундан эътиборан амалда ҳисобланади.

Патентнинг амал қилиш муддати 20 йил, тоқлар, дарахтлар, ўрмон ўсимликлари ва уларнинг пайвандтаглари учун 25 йилни ташкил эта-

ди, бу муддат патент эгасининг илтимосига кўра яна ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Селекция ютуғига берилган патент эгасининг селекция ютуғидан фойдаланиш бўйича мутлоқ ҳуқуқлари ҳажми ва мазмуни Қонуннинг 31-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан патент эгаси селекция ютуғидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга, бошқаларнинг фойдаланишига рухсат беришга ёки фойдаланишни таъқиқлаб қўйишга ҳақли. Ҳар қандай шахс муҳофаза қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ва насл материалини:

етиштириш ва кўпайтириш;

экинбоплик кондициясига етказиш;

сотиш учун таклиф қилиш;

сотиш ва бошқа усулда реализация қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш мақсадларида сақлаш учун патент эгасининг рухсатини олиши шарт. Бинобарин, юқоридаги ҳаракатлар патент эгаси томонидан эркин равишда амалга оширилади.

Патент эгасининг ҳуқуқи унинг рухсатисиз хўжалик оборотига (муомаласига) киритилган уруғлик ёки зотли ҳайвонлардан етиштирилган ўсимлик материали ва чорва маҳсулотларига ҳам амал қилади.

Селекция ютуқлари тўғрисидаги Қонуннинг 2-моддасига асосан бошқа давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахсларга нисбатан ҳам селекция ютуқлари тўғрисидаги Қонун тўлиқ тағбиқ этилади. Бинобарин, хорижий субъектлар селекция объектларини Ўзбекистон Республикасининг махсус ваколатли идораларида рўйхатдан ўтказдириши лозим. Айни пайтда селекция ютуқлари ўзига хос объект эканини назарда тутиб, Қонун уларни селекция ютуқлари муҳофаза қилинмайдиган мамлакатларга олиб чиқилишига нисбатан муайян огоҳлантирувчи чораларни белгилайди. Селекция ютуқлари тўғрисидаги Қонуннинг 33-моддасига асосан ҳимоя қилинаётган нав ёки зотга доир ҳар қандай материал Ўзбекистон Республикаси ҳудудида патент эгасининг ўзи томонидан ёки унинг розилиги билан сотиш орқали ёхуд бошқа усулда реализация қилиш орқали ёинки қайта ишлаш, истеъмол мақсадларида тегишли ботаник ёки зоологик турдаги нав ёки зот ҳимоя қилинмайдиган мамлакатга олиб чиқиш орқали муомалага киритилгандан кейин ҳимоя қилинаётган нав ёки зотнинг ҳар қандай маҳсулотига доир ҳатти-ҳаракатларга нисбатан патент эгасининг ҳуқуқи амал қилмайди. Бироқ, башарти навни ёки зотни сотиш ва бошқа усулларда реализация қилиш ушбу нав ёки зотни кўпайтиришга қаратилган бўлса, ёхуд тегишли тур ёки хилдаги нав ёки зот ҳимоя қилинмай-

диган мамлакатларга кўпайтириш мақсадида нав ёки зотни ўсимлик ёхуд насл маҳсулотини олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ бўлса, бу нав ёки зотларга нисбатан юқоридаги қоидалар қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган уруғчилик тўғрисидаги Қонуннинг 9-моддасига асосан ўсимликлар уруғларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишга қўйидаги шартларда йўл қўйилади. Биринчидан улар давлат синовидан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган навнинг уруғи бўлса; уларни импорт қилишга ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг рухсатномаси мавжуд бўлса; уларнинг нави ва экинбоплик хусусиятига сертификат мавжуд бўлса;

уларга экспорт қилаётган мамлакат фитосанитария сертификати берилган бўлса;

улар селекция ва тадқиқот ишларига кўرғазмага қўйишга мўлжалланган бўлса.

Уруғликларни экспорт қилишга Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ёки у ваколат берган органнинг хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади. Экспорт қилинадиган уруғликларга Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини хизмати томонидан бериладиган фитосанитария сертификати илова қилинади.

Ўзбекистонлик субъектларга тегишли бўлган селекция ютуқларини хорижий мамлакатларда ҳуқуқий муҳофаза этиш ўша мамлакатларнинг миллий қонунчилиги асосида белгиланади.

2-§. Ноу-хоу, тижорат сирлари ва ошкор этилмаган ахборотларга бўлган ҳуқуқлар

Мамлакатимиз ҳудудига хорижий субъектларнинг турли сирларга, махфий маълумотларга нисбатан ҳуқуқлари қандай муҳофаза қилиниши иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг ахборотларни излаш, топиш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга ошириш асослари Конституциянинг 29-моддасида белгиланган. Икки хил турдаги ахборотларга нисбатан маълум истиснолар мавжуд. Бу истиснолар:

- а) амалдаги Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборотлар;
- б) сир бўлиб ҳисобланган маълумотлар билан боғлиқ.

Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборотлар мазмуни, турлари ва характери энг аввало маъмурий ва жиноят ҳуқуқи меъёрла-

ри билан белгиланади ва улар айнан қонуннинг бевосита мазмунидан келиб чиқиб, кенг маънода талқин этилишга йўл қўйилмайди.

Сир бўлиб ҳисобланган маълумотлар ўзининг мазмуни, характери бўйича турлича ҳуқуқий режимга эга ва шу сабабли ҳам ҳуқуқнинг турли соҳалари билан қўриқланади. Амалдаги қонунларга асосан сир бўлиб ҳисобланган маълумотлар характери жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:

а) давлат сирлари—давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан қўйилган алоҳида аҳамиятли, мутлоқ махфий ва махфий-ҳарбий, сиёсий, илмий-техникавий ва ўзга маълумотлар. Давлат сирлари Ўзбекистон Республикасининг мулки ҳисобланади. Давлат сирлари ўз таркибига кўра давлат, ҳарбий ва хизмат сирларига бўлинади. Давлат, ҳарбий ва хизмат сирлари тушунчаси, уларнинг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Давлат сирларини сақлаш ҳақида”ги қонуни билан белгиланади ва бундай сирларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик тегишли қонунларда назарда тутилади;

б) маълум фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ сирлар ва шу кабилар кирази. Одатда тижорат сирлари ҳам улар таркибига кирази.

Улар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар, ҳўжалик субъектлари, шу жумладан якка тартибда, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритувчи жисмоний шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Айни вақтда тижорат сирлари нотижорат ташкилотларга ҳам тегишли бўлиши истисно этилмайди.

Умумий қоидага кўра тижорат сири дейилганда маълум субъект (юридик ёки жисмоний шахс)нинг ишлаб чиқариш, технология абороти, бошқарув, режалаштириш, молия ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиш (топшириш, очилиб қолиши) унинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади. Банк сири ўз моҳиятига кўра тижорат сирларига яқин туради (баъзан у бевосита тижорат сирлари таркибига кириши ҳам мумкин). Бундай сирлар банкларнинг ўз мижозлари ва гумашталари (мижозлари) нинг операциялари, ҳисоб рақамлари ҳамда омонат бўйича маълумотлар ҳисобланиб, уларнинг махфийлигини сақлаш мажбурияти Қонунга асосан банклар зиммасига юкланади.

Фаолият юритишда самарадорликни таъминлашга ёрдам берувчи ва эгаси томонидан учинчи шахсларга ошкор этилмайдиган илмий-техникавий характердаги бошқа маълумотлар (ноу-хоу) ҳам ўз ҳуқуқий режими бўйича тижорат сирлари мақомига эга бўлади;

в) шахсий сирлар. Бундай сирлар хусусий шахсларга ҳам, юридик шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин, бироқ кўп ҳолларда бундай сирлар жисмоний шахслар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бундай

сирлар ўз моҳиятига кўра, турлича бўлиши мумкин, уларнинг баъзилари бевосита қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

3. Сир бўлиб ҳисобланган маълумотлар характеридан келиб чиққан ҳолда қуйидаги сирлар фуқаролик-ҳуқуқий объекти сифатида қаралиши мумкин:

тижорат сирлари, шу жумладан банк сири ва ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хоу);

фуқароларнинг шахсий сирлари (агарда уларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибда муҳофаза қилиш қонунда бевосита назарда тутилган бўлса)

саноат мулки объектлари моҳиятига доир маълумотлар агарда бу маълумотлар объектга ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи берилмасдан туриб учинчи шахслар томонидан ошкор этилса.

“Ноу-хоу” интеллектуал мулк объекти сифатида мамлакатимиз ҳуқуқий тизими учун янги ҳолатдир. Маълумки тоталитар тузум даврида ижод маҳсуллари, айниқса, фан ва техникага оид самарали ахборотлар умумхалқ мулкининг таркибий қисми эди ва бинобарин бу жамиятда алоҳида фаолиятга оид маълумотлар бўлиши ғайритабиий эди. Шу сабабли ҳам “ноу-хоу” ҳуқуқий мақоми мамлакатимизда қай даражада мустақамлаб қўйилганлигини тадқиқ этишдан олдин, унинг умумий тавсифномаси учун ривожланган мамлакатлар қонунларида қандай муҳофаза механизмига эга эканлиги билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бозор тизимининг барча ривожланган мамлакатларида нафақат ихтиролар, айти вақтда бошқача техник ечимларга доир маълумотлар (ахборотлар) ҳам ҳуқуқий муҳофаза билан таъминланади. Бу ахборотлар инглизча “to know to do it” (қандай қилишни билмоқ) сўзларини қисқартмаса сифатида “ноу-хоу” номини олди.

Адабиётларда кўпинча “билим ва тажриба” сифатида белгиланган “ноу-хоу”га доир маълумотларда нафақат техник ечимлар, балки ташкилий ва тижорат ахборотлари ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолда улар ишлаб чиқаришни ва иқтисодиётни, тижорат фаолиятини, молиялаштиришни ва шу кабиларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлиши табиий. Бироқ “ноу-хоу”нинг катта қисмини, асосий таркибини ишлаб чиқаришда қўлланишда самара берадиган фойдали техник ва технология маълумотлари ташкил этади. Бу маълумотлар ва қурилмалар, материаллар ва шу кабиларни тайёрлаш ва фойдаланиш, ишлаб чиқариш, қурилиш усуллари қўллаш ва ҳ.к. соҳаларда амалга оширилади.

“Ноу-хоу” сифатида баҳоланадиган кўпгина техник ечимларда ихтиро белгилари мавжуд ва улар патентланиш лаёқатига эга, бироқ уларнинг соҳиблари уларнинг сир сақланиши, махфий қолишидан манфаатдор эканликлари сабабли патентламайди, чунки улар патентланган бўлса ишланма “моҳияти, мазмуни” ошкор этилишига олиб келади

ва бинобарин муҳофаза муддати ўтгач бошқа рақобатчиларнинг ҳам улардан фойдаланиш имконияти вужудга келади. Бироқ “ноу-хоу”нинг анчагина қисми патентлашга лаёқатсиз ечимлар, лекин бу уларнинг фаолият юритишдаги фойдали хусусиятларини асло инкор этмайди.

“Ноу-хоу” сифатида тан олинадиган ахборот одатда махфий харақатга эга ишлаб чиқариш сирлари ҳисобланади ва улар эгалари томонидан учинчи шахсларга ошкор этилмайди. “Ноу-хоу”нинг учинчи шахслардан махфий сақланадиган ахборот сифатидаги тижорат қиймати унинг соҳиби унинг орқасидан ишлаб чиқаришда ва бозордаги рақобатда эга бўладиган техник-иқтисодий афзалликларда намоён бўлади. Айрим ҳолларда номуайян доирадаги кишилар танишиш имкониятига эга бўлган, бинобарин махфий бўлмаган техник ва бошқача ахборотлар ҳам “ноу хоу” бўлиши мумкин. Бу ҳолда унинг тижорат қиймати энг аввало унинг соҳиби томонидан техник ва технологик хужжатлар шаклига солингани ва бошқа қабул қилувчи томон фойдаланиши учун тайёрлаб кўйилганида ифодаланади. Шартномалар амалиётида “ноу-хоу” битим объекти сифатида тўлиқ ёки қисман ишлаб чиқариш сирлари ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларнинг барчасидаги ҳуқуқ тизимларида (қитъа-континентал ҳуқуқ тизимида ҳам, умумий ҳуқуқ тизимида ҳам) “ноу-хоу”ни саноат ва тижорат соҳаларида қўллашда унинг махфийлигини (конфиденциаллигини) таъминлаш учун тегишли чоратadbирлар кўрилишини талаб қилади. Шу сабабли ҳам “ноу-хоу” ни ўтказиш (бериш) ҳақидаги шартномага ҳар доим қабул қилувчи тараф томонидан ахборотдан сир сақланган ҳолда (конфиденциал ҳолда) фойдаланиш ҳақида махсус шартлар киритилади.

“Ноу-хоу”ни ҳуқуқий муҳофаза қилиш қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бироқ бу хусусиятлар ахборот соҳибининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни анча мураккаблаштиради ва шу сабабли ҳам ҳуқуқий муҳофаза самарадорлигини жиддий равишда камайтиради.

“Ноу-хоу” бўлиб ҳисобланадиган техник ечимлар давлат рўйхатидан ўтказиш объекти бўлиб ҳисобланмайди, у ёки бу махсус муҳофаза ёрлиғи, масалан, патент асосида ҳимоя қилинмайди. “Ноу-хоу” нинг патентланмаган ахборот тариқасидаги характери “ноу-хоу”нинг муҳофаза объекти сифатидаги мазмунини аниқлашда қийинчиликни вужудга келтиради. Ушбу ҳолатдан ахборотни ўтказиш шартнома матнида шартнома предмети ҳақида низолар пайдо бўлмаслиги учун “ноу-хоу”га аниқ ва тўлиқ таъриф беришни талаб этади.

Ривожланган мамлакатларда “ноу-хоу” мутлоқ ҳуқуқ объекти бўлиб ҳисобланмайди¹. Ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс, агарда ўз

¹ Қаранг. Гражданское и торговое право капиталистических государств. Международные отношения. 1994. 495-бет.

кучи билан ўзи мустақил равишда ишлаб чиққан ёки инсофли равишда бошқа шахслардан олган бўлса, “ноу-хоу”нинг соҳиби бўлиши мумкин. Икки ёки ундан ортиқ муаллифлар (ишлаб чиқарувчилар) бир вақтнинг ўзида, айнан бир хил бўлган “ноу-хоу”га нисбатан тенг, қонуний асосларда эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этишлари мумкин. Илмий-техникавий ишлар доираси ҳаддан ташқари кенгайган ва интенсификациялашган шароитларда илмий-техник тараққиёт миқёслари шу даражага бориб етдики икки ёки бир неча фирма бир-биридан хабарсиз ва мустақил равишда айчан ўхшаш (идентик) техник ечимлар яратиш ҳоллари одатдаги ҳолга айланмоқда. Бундай “ноу-хоу”ларнинг ҳар бир инсофли эгасининг ундан ҳеч қандай чеклашларсиз фойдаланиш имконияти таъминланади ва ишлаб чиқариш сири сифатида унинг ҳуқуқий муҳофазасига эга бўлади.

Ҳеч бир мамлакатда “ноу-хоу”ни муҳофаза қилиш бўйича махсус меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмаган: унинг ҳуқуқий ҳимояси ҳар доим фуқаролик ва (ёки) жиноят ҳуқуқи умумий қоидалари (меъёрлари) асосида амалга оширилади.

Бу меъёрлар (нормалар) қонун ёки шартномадан келиб чиқувчи ўз мажбуриятларини бузган шахсларга нисбатан қўлланади. Агарда шартнома бўйича “ноу-хоу”ни олган шахс ахборотлардан уларнинг махфийлигини (конфиденциаллигини) сақлаган ҳолда фойдаланиш ҳақидаги шартнома шартларини бузса, “ноу-хоу” эгаси ўз ҳуқуқи ва манфаатларини шартномалар (мажбурият) ҳуқуқи умумий қоидалари, зарарларни тўлаш ҳақидаги меъёрларига таяниб, асосланиб ҳимоя қилади. Мана шундай контрагентларга нисбатан, шунингдек “ноу-хоу” эгаси ўз ҳуқуқи ва манфаатларини шартномалар (мажбурият) ҳуқуқи умумий қоидалари, жумладан, зарарларни тўлаш ҳақидаги меъёрларга асосланиб ҳимоя қилади. Мана шундай контрагентларга нисбатан, шунингдек “ноу-хоу”ни контрагентлардан инсофсиз равишда олган шахсларга нисбатан фирром рақобатга қарши кураш ҳақидаги меъёрлар қўлланилад, ниҳоят, ахборотларни ўғирлаб олган (саноат жосуслиги) шахсларга нисбатан ва ишлаб чиқариш сирларини ошкор қилган хизматчиларга нисбатан жиноят ҳуқуқи меъёрлари ҳам қўлланиши мумкин.

Хорижий юридик адабиётларда шартномавий муносабатларда “ноу-хоу” соҳиби ҳуқуқларини муҳофаза қилиш етарли даражада самарали эмаслиги, баъзан унинг ҳатто заифлиги қайд этиб ўтилади. Бу вазият шу билан изоҳланадики, “ноу-хоу”ни учинчи шахс ёки шахслар томонидан фойдаланганлик фактини аниқлашнинг ўзи шартнома бўйича контрагент (тараф)ни жавобгарлиги ҳақидаги масалани қўйиш учун етарли эмас, бунда контрагент томонидан олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда фойдаланиш ҳақидаги шартнома шартларини бузиб, ахборотларни учинчи шахсларга гайриқонуний равишда берганлиги факти ҳам исботлаб берилиши лозим. Бу эса ўта мурак-

каб, баъзан эса ҳатто мумкин бўлмаган ҳолат, чунки “ноу-хоу”ни берувчи томон контрагентни ишлаб чиқариш ва тижорат алоқалари устидан тўлиқ назорат қилиш имкониятига эга эмас, бундан ташқари у ахборотларни олишда гумон қилинаётган учинчи шахс ишлаб чиқариш ва фаолиятининг бошқа соҳалари билан танишишга рухсат олиши ҳам амалда мумкин эмас (танишув учун ёпиқ бўлган корхоналарни инспекциявий текшириш, кўздан кечириш учун судларнинг рухсат бериш ҳоллари камдан-кам учрайди).

Шу сабабли ҳам адабиётларда таъкидлаб ўтилганидай, маълумотларни қабул қилувчи тараф томонидан “ноу-хоу”дан унинг махфийлигини сақлаган ҳолда фойдаланиш тўғрисида шартнома шартларига риоя этилишининг реал гарантияси бўлиб, амалда контрагентларни ўзаро муносабатларида бир-бирига бўлган ишончи ва ахборот олувчининг ўз шартнома мажбуриятларини қатъий бажарилишидан ҳўжалик ва тижорат манфаатдорлиги ҳисобланади ва бу ҳолат деярли ўзгармасдан келмоқда. “Ноу-хоу”ни ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизмини ҳуқуқшунос олимлар томонидан такомиллаштириш устида жиддий, самарали воситалар ишлаб чиқилмаслиги сабабларидан бири “ноу-хоу”га муносабат масаласи билан боғлиқ. Кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар гарчи “ноу-хоу” мавжудлигига қарши бўлмасаларда, бироқ унга салбий қарайдилар. “Ноу-хоу” инсон интеллектуал фаолияти самараларига нисбатан худбинлик, эгоизм билан муносабатда бўлишнинг ўзига хос тарзда намоён бўлиши деган қарашлар мавжуд. Ҳақиқатдан ҳам патент ҳуқуқи объектлари ошкора, оммавий эълон қилинади, уларнинг мазмуни сир сақланмайди ва ҳуқуқий муҳофаза ёрлиги муддати ўтгач у умуминсоният бойлиги ҳисобланади. Умуминсоний бойликка айланган илмий-техникавий ютуқлар (ечимлар)дан барча ҳеч қандай чеклашларсиз ва рухсат олмасдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу ҳолат айниқса илмий-тадқиқотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга, чунки ҳар қандай тадқиқотчи ўзидан илгари ўтган ўтмиш тадқиқотчиларининг ғоялари, ечимлари, асарлари асосида янги ғоялар, ечимлар вужудга келтиради. Бошқача айтганда илмий-интеллектуал фаолиятнинг ҳеч қандай натижаси ўз-ўзидан, куруқ ерда вужудга келмайди, балки жамиятдаги мавжуд билимларни ўзлаштириш натижасида, уларнинг негизида ва уларнинг ҳосиласи сифатида пайдо бўлади. Худди шу сабабли ҳам илмий-ижодий фаолият натижалари инсониятнинг илк даврлариданоқ “ноу-хоу” каби махфий сақланиш тартиби ҳукмронлик қиладиган бўлса, инсоният ҳали ҳам тош асрида яшар эди, қабилдаги кинояларда жон бор. Бироқ шунга қарамай, илмий интеллектуал фаолият иштирокчиларининг бир қисми ўз фаолияти натижаларини ошкор қилмай махфий сақлашни ва улардан фақат ўзларини ёки тор доирадаги шахсларгина фойдаланишини хоҳлар эканлар, бу уларни ижодкор, муаллиф сифатидаги қонуний ҳуқуқи.

АҚШ қонунларида тижорат сирларини, лойиҳаларини ва тижорат ишларига оид бошқа муҳим маълумотларни ғайриқонуний ўзлаштириб олиш учун ҳуқуқий жавобгарлик мавжуд. Бунда ҳуқуқий муҳофаза объекти бўлиб ҳуқуқ соҳибининг:

- а) янги оригинал ғоялари;
- б) янги товарларнинг шакли, услуби ва ташқи кўринишига ёки уларни ўраш, тойлаш (упаковка, маркировка)га;
- в) тижорат сирларига ва лойиҳаларига ҳамда тижорат ишларига тегишли бошқа муҳим маълумотларга бўлган ҳуқуқини ўзбошимчалик билан, ғайриқонуний равишда ўзлаштириб юбориш тушунилади.

АҚШнинг кўпгина қонунларида (АҚШ намунавий савдо кодекси ва штатларнинг қонунлари назарда тутилаяпти) берилган тижорат сирига таъриф “ноу-хоу”нинг деярли кўп белгиларини ўз ичига олади. Бироқ тижорат сирлари ўз моҳияти ва мазмунига кўра кенгроқ ва ғоя ҳамда маъно жиҳатдан сиғимдор тушунчадир. Бу тушунча таркибига мижозларнинг рўйхатини, чизмалар, тижорат ҳисоб-китоблари, нарх-номалар (баҳо ва қийматларни ҳисоблаб чиқиш, белгилар методикаси, кашфиётлар мазмунига доир маълумотлар, турли илмий-техникавий формулалар ва ҳокозаларни) ўз ичига олади. Тижорат сири бошқа шахсларнинг ғайриқонуний равишда уни ўзлаштириб олинишидан муҳофаза қилинади¹.

Бироқ тижорат сирига нисбатан ҳуқуқий муҳофазани қўллаш учун қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида қатъий равишда бўлиши ёхуд уларга амал қилиниши лозим:

- а) тижорат сири учинчи шахсларга маълум бўлмаслиги ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилган бўлиши;
- б) сир сақланаётган мазкур маълумотлар унинг соҳибига бошқа рақобатчилар ёхуд истеъмолчилар олдида қандайдир имтиёз, устунлик, афзаллик бериши лозим;
- в) ушбу маълумотлар мазкур тижорат корхонасидан ташқари кенг тарқаманган, бошқалар томонидан очиқ ва инсофли асосларда фойдаланилмаётган бўлиши лозим;
- г) учинчи шахслар бу маълумотларни қонуний асосларга кўра олиш имконияти мавжуд бўлмаслиги керак.

Юқоридаги шартлар мавжуд бўлган ҳолда бошқа бирон кимса ғайриқонуний йўл билан тижорат сиридан фойдаланган бўлса, тижорат сири эгаси ёки бошқача қонуний асосларда уни эгаллаб ва фойдаланиб турган шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) тижорат сиридан ғайриқонуний фойдаланган шахсга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилиш;

¹ Ж. Рузиев. АҚШда тадбиркорлик: ижтимоий иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар. Т., Фан. 1991й. 149-бет.

б) ўзида сир ҳисобланган маълумотларни акс эттирувчи илмий-техникавий ва бошқа ҳужжатларни, моддий-ашёвий шаклдаги воситаларни қайтариб олиш ёхуд йўқ қилиб ташлашни талаб қилиш;

в) тижорат сиридан ғайриқонуний фойдаланганлик натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни йўқ қилиб ташланиши ёхуд ўзига берилишини талаб қилиш;

г) тижорат сиридан ғайриқонуний фойдаланганлик оқибатида унинг соҳибига етказилган амалдаги реал зарарларнинг ўрни қопланишини;

д) тижорат сирининг бошқалар томонидан ғайриқонуний ўзлаштирилиши ёхуд ошкор қилиниши сабабли тижорат сири соҳиби келажакда олиши мумкин бўлган, бироқ олинмай қолган ёки олиниш имкониятлари барбод бўлган, йўққа чиққан фойда (даромад)ларни ундиришни талаб қилиш.

Бу тартиб АҚШ суди амалиётида мавжуд қоидалар ҳисобланади¹. Бироқ қонун тижорат сирлари эгасининг ҳуқуқларини қатъий ва сўзсиз ҳуқуқий муҳофаза қилишни шарт қилиб қўймайди. Ҳуқуқий муҳофаза билан таъминлаш ҳақидаги меъёрлар кўп ҳолларда императив эмас, балки диспозитив характерга эга. Масалан Қўшма штатлар қонунларида белгилаб қўйиладики, агар бирон бир шахс бошқа фирманинг тижорат ишларига доир муҳим маълумотларини атайин ўзлаштириб олса ва бу маълумотлар патент ёки муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинмаган бўлса, суд муаллифнинг ёки мазкур маълумотлар эгасининг манфаатларини ҳимоя қилиб қарор қабул қилиши мумкин. Бу меъёрнинг мазмунидан кўриниб турибдики, тижорат сири соҳибини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳақидаги талабини суд инobatга олиши ҳам, олмаслиги ҳам мумкин. Бироқ барча тижорат сирларини ҳуқуқий муҳофазаси диспозитив характери билан белгиланганига қарамай, АҚШ судлов тизимида уни қатъий амалга оширилишини таъминловчи механизм ишлаб чиқилгани ва унинг ишлаб турганлигини қайд этиш лозим. АҚШда тижорат сирлари ва “ноу-хоу”нинг кенг тарқалганлиги сабабларидан яна бири, сир соҳиби ҳуқуқларини муҳофаза қилиш механизмнинг мукамаллигидагина эмас (бизга маълумки бу механизмда ҳам қатор заифликлар мавжуд), балки энг асосийси сир сақлаётган ёки сир ҳисобланадиган маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилганлигидадир. Маълумки тижорат сири ёки “ноу-хоу”дан нафақат унинг соҳиби (хусусий корхона ёки юридик шахс), балки кўпроқ корхоналарнинг бошқа ходимлари ҳам хабардор бўлишади. Кўп ҳолларда бу сирлардан ана шу ходимлар ишлаб чиқариш, технологик жараёнлар, созлаш, таъмирлаш ва бошқа босқичларда фойдаланишади, бевосита амалиётда қўллашади.

¹ Қаранг. Ноу-хоу в США. М.Экспресс. 1987 й. 14-бет.

Бу ходимлар томонидан тижорат сирлари ва “ноу-хоу”га риоя қилиш улар билан тузилган ва ўзида фуқаролик-ҳуқуқий баъзи элементларни мужассамлантирувчи меҳнат битими шартларида писанда қилиб қўйилади.

Албатта ходим иш жараёнида сирларга қатъий риоя қилади. Бунда унга таъсир қилувчи ўзига хос омиллар бўлиб, ишсиз қолишдан қўрқиш ва бошқа турли ахлоқий туйғулар бўлиши мумкин. Айни вақтда шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики ходим пенсияга чиқиши, бошқа соҳаларга ишга ўтиб кетиши ҳолларида ҳам тижорат сирлари ва “ноу-хоу”га қатъий риоя қилади, ҳолбуки бу ҳолатда уни тийиб турувчи моддий қарамлик, боғлиқлик омиллари анча заифлашган ёхуд деярли таъсир кучини йўқотган бўлади. Бироқ шунга қарамай тижорат сирлари ёки “ноу-хоу”ни ошкор қилиш ҳоллари (корхона ходимлари ёки собиқ ходимлари томонидан) деярли кам учрайди.

Биз юқорида “ноу-хоу” собиқ социалистик ҳуқуқ тизимида муҳофаза объекти сифатида мавқега эга бўлмаганлигини кўрсатиб ўтган ва бунинг сабабини изоҳлаб ўтган эдик. Гарчи мамлакатимизда ўтмишда фуқаролик ички муомаласи (оборотиди) “ноу-хоу” маълум бўлмаса ҳам ташқи фуқаролик муомаласида у ёки бу даражада маълум эди. Одатда социалистик ҳуқуқ тизимида “ноу-хоу”нинг легал тушунчаси мавжуд эмас эди. Бироқ шунга қарамай илмий-оммабоп адабиётларда унга доктринал таърифлар мавжуд бўлиб, асосан хорижий манбалардан олинган мезонлар асосида ишлаб чиқилган эди. Худди шундай таърифлардан бирида “ноу-хоу” тушунчаси шундай белгиланади:

“ноу-хоу” дейилганда чет элларда (хорижда) ҳуқуқий муҳофазага эга бўлмаган, умумхабардор (ҳаммага маълум) бўлмаган, ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятида амалда қўлланиши мумкин бўлган турли туман техникавий билим ва тажриба тушунилади. У ўз таркибига қуйидагиларни олади:

- у ёки бу объектларни ёхуд буюмларни, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, созлаш-ишга тушириш ва шу каби ишларни лойиҳалаштириш, ҳисоб-китоб қилиш, қуриш ва тайёрлаш учун зарур бўлган усуллар, воситалар, маҳорат ва тажриба йўллари;
- технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш;
- материаллар, моддалар, аралашмалар, қотишмалар таркиби ва рецептлари ҳақидаги маълумотлар;
- даъволаш воситалари ва усуллари;
- фойдали қазилмаларни қидириш ва қазиб олиш воситалари ва усуллари;
- маъмурий, иқтисодий, молиявий ва бошқача тартибдаги тажриба ва битимлар¹.

¹ Қаранг. Безносков Н.В. Справочник изобретателя и рационализатора. М. Проф.издат. 1983 й. 216-бет.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари ҳуқуқий асосларини барпо этиш муносабати билан “ноу-хоу” ҳам қоидаларда алоҳида эътибор берилди. Айни вақтда у қонунларда икки хил кўринишда намоён бўлди: тижорат сири ва “ноу-хоу” кўринишида. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 15 февралда қабул қилинган ва 2000 йилгача амал қилган Корхоналар ҳақидаги қонуннинг 34-моддасида корхонанинг тижорат сири легал тушунчаси мустақамлаб қўйилди. Унга асосан корхонанинг тижорат сири деганда корхона ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштириш, молияси ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиш (топшириш, ошкор қилиши), унинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сири бўлмаган маълумотлар тушунилади. Ушбу қонун тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар таркиби ва ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартибини белгилашни корхона раҳбари зиммасига юклади. Шу билан бирга ушбу қонунда тижорат сири ниқоби остида ҳар хил суиистеъмолликлар, ўзбошимчаликлар ва қонунбузарликлар содир этилиши мумкинлиги назарда тутилиб, бу борада ўзига хос ҳуқуқий тўсиқлар белгиланди. Худди шу мақсадларда қонун корхоналар атроф-муҳитни ифлослантираётганлиги ёки жамиятга зарар етказиши мумкин бўлган бошқа салбий фаолиятлар ҳақидаги маълумотларни яширишининг олдини олиш учун корхонанинг тижорат сири бўлиб ҳисобланмайдиган маълумотлар доираси ва турлари давлат статистикаси ҳақидаги қонун асосида белгиланади.

Корхоналар ҳақидаги қонунда илк бор корхонанинг тижорат сири бўлган маълумотларни эълон қилганлик (ошкор қилганлик) учунгина эмас, балки корхонанинг тижорат сири ҳисобланган маълумотларни сақлаш тартибини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши лозимлигини назарда тутди.

Тижорат сирларига доир қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонун орқали ҳам белгиланди. Ушбу қонуннинг 3-моддасида фирром (ноинсоф) рақобат тушунчаси ўз ифодасини топди. Қонуннинг 8-моддасида унинг таркибий қисми сифатида “илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, савдо ва бошқа соҳага оид махфий ахборотни эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш ва уни ошкор қилиш юридик шахннинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, маҳсулотни, хизматлар бажаришни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунсиз фойдаланиб товар сотиши кўрсатилди.

Фирром рақобат ҳаракатларини содир этиш орқали тижорат сирлари, шу жумладан “ноу-хоу” бўйича махфий маълумотларни ошкор

қилган шахсдан бунинг натижасида етказилган барча зарарларни ундиришга ҳақли. Агар зарар мавжуд бўлмаса ёхуд унинг миқдорини очиқ белгилашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этган шахсдан ўз фойдасига товон ҳақи ундириш ҳақида даъво қилишга ҳақли.

Маълумки “ноу-хоу” (тижорат сирлари) соҳиби бу маълумотларнинг махфийлигини сақлаш учун тегишли чораларни кўриши уни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг зарур шarti ҳисобланади. Бироқ амалда уни таъминлаш анча мушкул ва унинг ҳуқуқий механизми ҳам мукамал эмас. Ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини амалга оширишнинг ҳозирги замондаги хусусиятлари шунда,ки “ноу-хоу” соҳиби истайдими ёки йўқми у сир ҳисобланган маълумотларни бошқалар билан баҳам кўришга мажбур.

“Ноу-хоу” соҳибини бу маълумотларни бошқаларга билдириш асослари ўзининг характериға кўра турлича бўлиши мумкин:

1) “ноу-хоу”дан фойдаланиш учун маълумотларни бошқаларға ошкор қилиш зарурати;

а) ўзига хизмат бўйича тобе бўлган шахсларға маълумотларни билдириш;

б) лицензия шартномаси асосида бу маълумотларни учинчи шахсларға берилиши;

2) “ноу-хоу” соҳиби фаолиятини назорат қилувчи давлатнинг ваколатли органларига қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганида маълумотларни билдириш мажбурияти.

“Ноу-хоу”дан фойдаланиш жараёнида маълумотларни унинг соҳиби томонидан объектив зарурат туфайли бошқаларға ошкор этиш”-ноу-хоу”нинг махфийлигини учинчи шахслардан таъминлаш учун тегишли чораларни кўриши мажбуриятиға зид ҳисобланмайди. Биз юқорида таъкидлаганимиздек замонавий ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти кўп ҳолларда фақат якка шахс “ноу-хоу” (тижорат сирлари соҳиби) томонидангина амалга оширилиши мумкин эмас. Ноу-хоу эгаси бу сирлардан фойдаланиш учун уни бошқаларға билдиришға объектив жиҳатдан мажбур бўлади, акс ҳолда маълумотлардан самарали фойдаланишни иложи бўлмайди. “Ноу-хоу” эгаси бўлган хўжалик юритувчи субъект бу маълумотларни ўз корхонаси (ташкилоти)да ишловчи ходимларға билдиришға ҳақлидир. Бироқ бунинг учун қатор шартлар мавжуд бўлиши шарт:

а) маълумотлар билдирилаётган ходим билан “ноу-хоу” соҳиби ўртасида махсус шартнома тузилиши ва бу шартномада ходимға маълумотларни учинчи шахслардан сир сақлаш мажбурияти юкланиши ва бу мажбуриятни бузган тақдирда моддий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилган бўлиши лозим;

б) ходимнинг меҳнат муносабатларини амалга ошириш “ноу-хоу” маълумотларидан хабардор бўлган тақдирдагина самарали бўлиши ёки ижро этилиши шарт бўлиши керак.

Тижорат сирларининг “ноу-хоу”нинг махфийлигини сақлаш ҳақидаги шарти умумий қоидага кўра меҳнат шартномасининг зарур шартларидан ҳисобланади. Тўғри, Меҳнат кодексининг меҳнат мазмунини белгиловчи 73-моддасида бевосита бу ҳолат ўз ифодасини топмаган. Бироқ ушбу Кодекснинг 202-моддаси 1-қисми, 6-банди тижорат сирлари ошкор этилганда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик мажбурияти юкланиши кўзда тутилади. Бироқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар тижорат сирларини ошкор этганлик учун етказилган зарар миқдоридан тўлиқ жавобгар бўлмасдан балки чекланган миқдорда, яъни Меҳнат кодексининг 201-модда 1-қисмига асосан ўзининг ўртача иш ҳақининг уч ойлик ҳажмида жавобгар бўлади. Бироқ ўн саккиз ёшга етмаган ходим тижорат сирларини қасддан, атайин, била туриб (масалан, ғараз мақсадларда, яъни “ноу-хоу” эгасига зарар етказилиши ёхуд бирор моддий ёки бошқача шаклдаги манфаатни кўзлаб) ошқор этган ҳолларда, унга тўлиқ моддий жавобгарлик юкланиши мумкин. Аммо ўн саккиз ёшга тўлмаган ходим эҳтиётсизлик орқасида (масалан, ғўрлиги, тажрибасизлиги, алданиши) тижорат сирларини ошкор этса, у ҳолда у тўлиқ моддий жавобгар бўлмайди.

Меҳнат қонунлари кодекси мазмунидан англашинишича тижорат сирларини ошкор этганлик учун ходим бу ҳақда у билан “ноу-хоу” эгаси ўртасида махсус шартнома мавжудлигидан қатъий назар жавобгар бўлади. Фикримизча, имкон бўлган ҳолларда бундай махсус шартнома мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам иш берувчи соҳиб (“ноу-хоу” эгаси) ходимни ўз хизмат вазифасини амалга ошириш учун зарур бўлган махфий ҳисобланган маълумотларни билдираётганда уларни сир сақлаш ва ошкор қилмаслик ҳақида ёзма огоҳлантириб, бу ҳақда тилхат олиши лозим.

“Ноу-хоу” эгаси томонидан хизмат вазифасини бажариш учун сир ҳисобланган маълумотларни ўзига тобе ходимларга билдириш ва лицензия шартномаси асосида “ноу-хоуни” конфиденциаллик сирини сақлаш шарти билан тегишли тарафга беришда “ноу-хоу” эгаси биринчи галда сир мазмунидан хабардор қилинаётган шахсларнинг ишонга сазоворлигидан келиб чиқиши керак. Шу сабабли ҳам бундай хабардор қилишни ўзига хос фидуциар (ишончга асосланган) битим тарзида қараш мумкин.

“Ноу-хоу”(тижорат сирлари) нинг ҳуқуқий муҳофаза шартини бузмайдиган ошкор қилувчи ҳолатлардан яна бири сир ҳисобланган маълумотларни “ноу-хоу” эгасининг фаолиятини назорат қилувчи ваколатли давлат органларига уларнинг талаби бўйича билдириш ҳисоб-

ланади. “Ноу-хоу” мазмунидан хабардор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари доираси қатъий чегараланган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1) “ноу-хоу” эгаси бўлган хўжалик фаолиятини назорат қилувчи органлар (солиқ инспекциялари, молия-статистика идоралари, ёнғиндан муҳофаза қилиш, санитария-эпидемиология, ветеринария, метрология-стандартлаштириш хизмати ва ҳ.к.)

2) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари.

Бироқ бу органлар ўз хоҳишига кўра “ноу-хоу” эгасидан сир сақланган маълумотларни ўзларига ошкор этилишини талаб этишга ҳақли эмаслар. Бунинг учун энг аввало уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ асослари мавжуд бўлиши лозим. Масалан, ишлаб чиқариш-технологик жараёнларда қўлланиладиган техник ечим характеридаги “ноу-хоу”ни ошкор этишни талаб этиш молия-солиқ органлари ваколати доирасига кирмайди. Улар “ноу-хоу” эгаси фаолиятининг молиявий жиҳатлари билан боғлиқ сир ҳисобланган маълумотларнигина, шунда ҳам бунга заруратни асослантириб берган ҳолдагина ошкор этилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Санитария-эпидемиология хизмати органлари, масалан “ноу-хоу” асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулот тегишли талабларга жавоб бериши билан боғлиқ равишда ва зарурат тақозоси эканлигини асослаб берган ҳоллардагина “ноу-хоу” билан танишиш имкониятини бериш ҳақидаги уларни талаби қаноатлантирилиши мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (суд, прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати) ҳам агарда “ноу-хоу” улар томонидан амалга оширилаётган функцияларга бевосита дахлдор бўлсагина “ноу-хоуд”дан хабардор қилинадилар. Ноу-хоудан хабардор қилишни талаб этиш ҳуқуқига нодавлат тузилмалари ҳақли эмаслар. Бироқ улар ўз фаолиятини амалга оширишда бунга зарурат вужудга келса, бунда “ноу-хоу” эгаси уларнинг илтимосини қаноатлантириши мумкин. Масалан, ташкилий, молиявий харктердаги “ноу-хоу” унинг соҳиби фаолиятини текширишга жалб этилган аудиторлик хизмати ходимларига ошкор қилиниши мумкин.

Ўзларига юкланган хизмат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ равишда “ноу-хоу” мазмунидан хабардор бўлган ваколатли давлат органларининг ходимлари зиммасига қонун бу маълумотларни учинчи шахсга ошкор қилмаслик мажбуриятини юклайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Давлат статистикаси ҳақидаги қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил 9-сон 327-модда) 12-моддаси 2-қисмида “жисмоний шахслар тўғрисида тўпланган маълумотлардан фақатгина аниқ шахслар кўрсатилмаган ҳолда ёки жамлама маълумотлар тарзида фойдаланиши, юридик шахслар

тўғрисидаги маълумотлардан эса давлат ва тижорат сирларини сақлаган ҳолда фойдаланиш мумкин” дейилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил тасдиқланган “Хусусий тадбиркорлик ҳақида”ги Низомда ҳам хусусий корхоналар фаолиятини назорат қилувчи органлар ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзларига маълум қилинган тижорат сирларини ошкор этмаслик, маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга риоя қилиш мажбурияти кўрсатиб ўтилади.

Илмий адабиётларда ишлаб чиқариш ёки тижорат сирларидан фойдаланиш жараёни учинчи шахсларга бу сирлар мазмуни ҳақида етарли ва ишончга сазовор билимлар олиш имкониятини бермаслиги лозим деб кўрсатилади. Агар бу шарт бузилса “ноу-хоу” ҳуқуқий муҳофаза қилинмайди деган қарашлар ҳам “ноу-хоуга” нисбатан фактик монополия ҳолатига тўла мувофиқ эмас. Фактик монополь ҳолат — бу реал ҳолат. Бироқ шахс “ноу-хоу”дан юз йил давомида очиқ-ошкора фойдаланиши, теварак-атрофдагилар эса “ноу-хоу” сирларини пайқамасликлари мумкин.

“Ноу-хоу” бўйича тадқиқотлар кейинги йилларда “ноу-хоу”нинг ҳуқуқий муҳофаза механизмини шакллантириш ишларига туртки бўлди. Бироқ бу механизм ҳали узил-кесил шаклланган эмас. Унинг асосий сабаби “ноу-хоу” (тижорат сирлари) тушунчалари ўртасидаги нисбат аниқ белгилаб берилмаганидир. “Ноу-хоу” тижорат сирларининг таркибий қисми сифатида муҳофаза қилиниши керакми ёки ҳуқуқий муҳофазанинг мустақил объектими деган масала ҳал қилиб берилмаган. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида бу масала муҳим принципиал аҳамиятга эга. Агар “ноу-хоуни” интеллектуал объект сифатида қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини назарда тутсак, у ҳолда уни тижорат сирлари сифатида муҳофаза қилиш ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ бўлавермаслиги аён бўлади. Маълумки “ноу-хоу” кўп ҳолларда умумий ҳиссали мулк таркибига “ноу-хоу” эгасининг улуши сифатида киритилади. Бу ҳолат айниқса “ноу-хоу” хорижий инвестиция (сармоя) сифатида мамлакатимиз иқтисодиётига кириб келишида яққол намоён бўлади. Шу сабабли ҳам “ноу-хоу”нинг илк бор интеллектуал мулкнинг таркибий қисми сифатида тан олинганлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 14 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунида ўз ифодасини топганлиги тушунарли бўлади.

1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасида ҳам интеллектуал мулк инвестиция объекти сифатида назарда тутилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон, 91-модда).

Ишлаб чиқариш ва тижорат сирлари ҳисобланган маълумотлар эгаси қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда бу маълумотлардан учинчи шахсларнинг, гайриқонуний фойдаланишидан ҳимоя ҳуқуқига эга бўлиши мумкин:

1) бу маълумотлар учинчи шахслар учун номаълум бўлгани туфайли амалда ёки келажакда тижорат аҳамиятига эга;

2) бу маълумотларни қонуний асосларда эркин равишда олиш ва танишиш имкониятлари мавжуд эмас;

3) бу маълумотлар объектив жиҳатдан ўз ифодасига, белгиларига эга ва бу маълумотлар эгаси унинг конфиденциаллиги махфийлигини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўрган бўлиши лозим;

4) бу маълумотлар давлат сири бўлиб ҳисобланмайди, муаллифлик ҳуқуқи ва саноат мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқлар билан муҳофаза қилинмайди;

5) бу маълумотлар унинг эгасининг давлат ва бошқа шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларига путур етказиши мумкин бўлган салбий фаолияти билан боғлиқ эмас.

Юқоридаги бешта шартнинг мавжуд бўлиши ишлаб чиқариш ва тижорат сирларини муҳофаза қилишнинг давомийлигини белгилайди, бошқача айтганда бу шартларга риоя қилинган ҳолларда маълумотлар махфийлиги қандайдир вақт билан чегараланмайди. Бироқ бунинг учун бешта шарт бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши лозим. Улардан бирортасининг бузилиши, қайсилигидан қатъий назар “ноу-хоу” (тижорат сирлари) ни ҳуқуқий муҳофаза билан таъминлашнинг бекор бўлишига олиб келади. Агар шартларни мазмунан таҳлил этсак, у ҳолда уларнинг биринчи галда сир эгасининг фактик монополиясини таъминлашга қаратилганини кўриш мумкин. Айни вақтда бу фактик монополия бузилмаган ҳолда ҳам “ноу-хоу” ҳуқуқий муҳофаза билан таъминланмаслиги мумкин. Гап бу ерда “ноу-хоу” бўлиб ҳисобланган махфий маълумотлар унинг соҳиби томонидан давлатнинг ёки бошқа шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларига путур етказиш мақсадида фойдаланиш устида бормоқда.

Янги ФК қабул қилиниши ва кучга кириши муносабати билан фуқаролик муомаласидаги нафақат “ноу-хоу” (тижорат сирлари) балки қонуний асосдаги бошқа махфий ахборотлар ҳам ўзининг ҳуқуқий режимига эга бўлди. ФКнинг 1095-1097-моддаларида ошкор этилмаган ахборотлардан гайриқонуний фойдаланганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва ҳажми белгилаб қўйилди.

Ошкор этилмаган ахборот деганда учинчи шахслар учун маълум бўлмаган махфий сир бўлиб ҳисобланувчи маълумотлар тушунилади.

Техникавий ахборот, машина, механизмлар, қурилмалар, ускуналар, технологик жараёнларни яратиш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш, қўллашга оид бўлган маълумотлар ҳисобланади.

Ташкилий ахборотлар юридик шахснинг ташкилий структураси, ҳўжалик субъектлари ўзаро муносабатларининг ташкилий механизмига, меҳнат (иш) жараёнларини ташкил этиш, уларга таъсир қилиш, бошқаришга оид маълумотлар тушунилади.

Тижорат ахбороти ёки корхонанинг (ҳўжалик юритувчи субъектнинг) тижорат сири деганда корхони (субъект)нинг ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштириш, молияси ва бошқа фаолият билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиш (топшириш, очилиб қолиши)нинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сири бўлиб ҳисобланмайдиган маълумотлар тушунилади.

Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар таркиби, ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартиби корхона раҳбари томонидан белгиланади.

“Ноу-хоу” деганда фуқарога ёки юридик шахсга фактик монополия асосида тегишли бўлган, фойдали техникавий, ташкилий ёки бошқа маълумотлар тушунилади.

Ошкор этилмаган ахборотларга эгалик қуйидаги асосларда вужудга келади:

- бундай ахборотларни ўзи яратган, ишлаб чиққан бўлса;
- бундай ахборотлар эгалик қилувчининг топшириғи, буюртмаси асосида яратилган, ишлаб чиқилган бўлса;
- бундай ахборотлар ҳуқуқий ворислик тартибида ўтган бўлса;
- бундай ахборотлар бошқа шахслардан инсофли асосларда олинган бўлса (сотиб олиш, лицензия олиш, текин фойдаланишга бериш ва ҳ.к.).

Ҳар бир маълумот ошкор этилмаган ахборот сифатида тан олиниши учун:

а) бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматига эга бўлиши (яъни ахборот эгаси ушбу ахборотга эгалиги сабабли ўзи ишлаб чиқарган маҳсулоти, кўрсатилган хизмати, бжарадиган иши бошқа рақобатдаги субъектлар ёки уларни маҳсулотлари, хизматлари, ишларига нисбатан афзалликка эга бўлиши) шарт;

б) ахборот эгаси унинг махфийлиги, сирлигини сақлашга доир чоралар кўрган (бундай ахборотлардан хабардор шахслар доираси қатъий чекланган, бу шахслар сир сақлаш мажбурияти ҳақида огоҳлантирилган, маълумотлардан фойдаланишнинг ёпиқ тизими ишлаб чиқилган ва ҳ.к.) бўлиши шарт.

Юқоридаги уччала шарт ФКнинг 98-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, ушбу шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган ва уларга риоя қилинган ҳолларда ошкор қилинмаган ахборот эгаси ундан бошқа шахсларни ғайриқонуний фойдаланишидан муҳофазаланиш, ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Сир/тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт савдога оид ёки бошқа шу каби ахборот эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш учун ЎзР Жиноят кодексининг 191-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ошкор этилмаган ахборот эгаси бу ахборотга нисбатан мутлоқ ҳуқуққа эмас, балки фактик мавқега эга. Шу сабабли ҳам у фақат бошқаларнинг ғариқонуний фойдаланишидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга, айтини вақтда бундай ахборотларни ўзлари мустақил равишда яратган, ишлаб чиққан, инсофли асосларда олган шахсларнинг ундан фойдаланишини ёки уни ошкор этиш, эълон қилишини таъқиқлашга ҳақли эмас.

Ошкор қилинмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи ахборот эгасида фактик монополия ҳолати вужудга келиш билан пайдо бўлади ва бунда бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмиятчиликни бажариши (уни рўйхатдан ўтказдириш, реестрга киритиш, патент ёки гувоҳнома олиш, экспертиза қилиш, сертификат олиш ва ҳ.к.) талаб этилмайди. Бироқ баъзи ҳолларда Ўзбекистон ҳудудига “ноу-хоу”ни лицензия асосида олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳақидаги шартномалар ваколатли давлат идораларида рўйхатдан ўтказдириш шартлиги ҳақида қоида мавжуд. Бироқ бунда давлат идораси зиммасига “ноу-хоу” махфийлигини сақлаш ва таъминлаш мажбурияти юкланади.

Ошкор қилинмаган ахборотни муҳофаза қилиш қондаси қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга нисбатан татбиқ этилмайди. ушбу қоида хўжалик юритувчи субъектларни хизмат ёки тижорат сири ниқоби остида ҳар хил суиистеъмолчиликлар, ўзбошимчаликлар ва бошқаларнинг манфаатларига зид ҳаракатлар содир этишининг олдини олади, унга ҳуқуқий тўсиқлар қўяди.

Хизмат ёки тижорат сири бўлиб ҳисобланмайдиган маълумотлар, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар (банкларда омонатга қўйилган маблағлар ҳақидаги маълумотлардан ташқари) ва мол-мулк хусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар, битимлар, шартномалар тўғрисидаги маълумотлар, давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этиладиган маълумотлар, умуман назорат-контроль функциясини бажарувчи давлат идораларига даврий равишда тақдим этилиб турадиган (фуқаролар ва юридик шахслар томонидан) ҳар қандай маълумотлар, ҳисоботлар киради. Худди шунингдек илгари ошкора оммавий эълон қилинган маълумотлар, шунингдек ҳар бир шахс эркин топишини, билишини талаб қилиш ҳуқуқига ёки имкониятига эга бўлган маълумотлар ҳам хизмат ёки тижорат сирлари бўлиб ҳисобланмаслиги лозим. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти ҳақидаги айрим маълумотлар (масалан, теварак-атрофни ифлослантираётганлиги ёки

жамиятга зарар келтириши мумкин бўлган бошқа салбий фаолиятларни яширишнинг олдини олиш мақсадида) ошкор қилинмайдиган ахборотлар ҳуқуқий режимиغا эга бўла олмаслиги қонун ҳужжатларида алоҳида писанда қилиб қўйилган.

Ошкор қилинмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳуқуқи муддат билан чегараланмаган, бироқ ФКнинг 98-моддасида назарда тутилган шартлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган ва қатъий риоя қилинган пайтга қадар амал қилади. Бу шартларнинг бирортаси мавжуд бўлмаса ёки бузилса ошкор этилмаган ахборотдан бошқа шахсларни фойдаланишдан ҳимояланиш ҳуқуқи ҳам ўз-ўзидан бекор бўлади.

Ошкор этилмаган ахборотнинг қонуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс ахборотни қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик (олганлик, тарқатганлик) натижасида етказилган зарарни тўла ҳажмда тўлаши шарт. Зарар ошкор этилмаган ахборотни ахборот эгаси учун мутлоқ ёки нисбий тижорат қиймати(самараси)нинг пасайишида, камайишида ёки йўқолишида (касб-кор, нуфузи, маҳсулот (хизмат)ни рақобатдошлик даражасига, нархига салбий таъсир қилишда) намоён бўлади. Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланган шахс бунинг натижасида даромад олмаганлиги зарарни ундирмаслик учун асос бўлмайди. Агар даромад (фойда) олинган бўлса, у ахборотнинг қонуний эгасига ундириб берилиши лозим.

ФКнинг 1096-моддасида ошкор этилмаган ахборотни инсофли эгалловчи тушунчаси берилган ва уни ахборотдан ноқонуний фойдаланганда ахборот эгаси олдида жавобгарлик вужудга келиш вақти белгиланган. Ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан ноқонуний фойдаланаётганлигини билган вақтдан бошлаб, агар ахборотдан фойдаланишни давом эттирса ахборот эгаси олдида жавобгар бўлади ва унга зарарни тўлаши шарт. Шу сабабли ҳам ахборотнинг қонуний эгаси инсофли эгалловчини ахборотдан ноқонуний фойдаланаётганлиги ҳақида огоҳлантириши лозим.

Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгалловчи ахборотни олган, тарқатган ёки ундан фойдаланган вақтдан бошлаб жавобгар бўлади. Ошкор этилмаган ахборотни инсофсиз эгаллашнинг кенг тарқалган усуллари—бу саноат жосуслиги ва ахборот эгаси бўлган субъектнинг ишчи-хизматчисини сотиб олиш, фирром рақобат ҳисобланади ва у фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан ташқари тегишли ҳолларда маъмурий ва жиноий жавобгарликка ҳам сабаб бўлади. Афсуски дунё бозорида фирром рақобатнинг бу кўриниши турли шаклларда намоён бўлиб турмоқда¹.

¹ Қаранг. Промышленный шпионаж. Известия. 27 ноября 1991. Шпионы держат нос по ветру. -Труд. 30 апреля 1999.

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан бошқа шахслар ноқонуний фойдаланаётганлигини билган заҳоти бундай фойдаланиш тўхтатилишини талаб қилишга ҳақли. Айни вақтда ахборотни инсофли эгалловчи ундан фойдаланишни қонуний асосга ўтказилишини сўраб ахборот эгасига, у билан келишувга эриша олмаган тақдирда судга мурожаат қилишга ҳақли. Агарда инсофли эгалловчи бу ахборотдан фойдаланиш учун сарф-харажатлар қилган (ускуналар, қурилмалар, иншоотлар тайёрлаган, қурган, сотиб олган) бўлса (суд унга бу ахборотдан ҳақ тўлаб олинадиган мутлоқ лицензия асосида бундан буён ҳам фойдаланишга рухсат беришга ҳақли. Ҳақ миқдори тарафлар ўртасида келишув асосида ёки суд томонидан белгиланади.

Лицензиат ҳам ошкор этилмаган ахборотларни учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофаза қилинишида лицензиарларники каби ҳуқуқларга эга (ноқонуний фойдаланиш натижасида етказилган зарарни ундириш, ноқонуний фойдаланишни тўхтатишни талаб қилиш ҳуқуқи ва ҳ.к.).

Маълумки лицензия шартномаси маълум муддат давомида амал қилади. Бироқ, ошкор этилмаган ахборот моддий-ашёвий эмас, ғоявий негизга эга. Бундай ахборот у билан танишган, хабарор бўлган шахсдан бегоналаштирилиши, хогирадан ўчириб ташлаш амалда деярли мумкин эмас. Шу сабабли ушбу ФКнинг 1097-моддасида ахборотларнинг махфийлигини сақлаш мажбурияти, башарти тегишли мажбуриятлар ошкор этилмаган ахборот тариқасида қолаверса, лицензия шартномаси бекор бўлганидан кейин ҳам лицензиат зиммасида қолиши ҳақидаги қонидани назарда тутати (агар шартномада бошқача келишилган бўлмаса). Лицензиарнинг ошкор қилинмаган ахборотларга нисбатан фактик монополия мавқеини йўқотиш билангина лицензиатнинг бу мажбурияти бекор бўлиши мумкин.

Биз юқорида тижорат сирлари, “ноу-хоу”, ошкор этилмаган ахборотларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳуқуқий асослари билан танишдик. Бундай объектларга нисбатан ҳуқуқлар Ўзбекистонлик субъектларга нисбатан ҳам, хорижий субъектларга ҳам тенг даражада тааллуқлидир.

Ўзбекистонлик субъектларнинг ушбу объектларга бўлган ҳуқуқларини хорижий мамлакатларда муҳофаза этилишида қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш керак:

1) ўша мамлакат қонунларида Париж Конвенцияси 10-bis моддаси ёхуд ТРИПС Битими 39-моддасига асосан фирром рақобатнинг олдини олиш ва ёпиқ маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича миллий қонунчиликда меъёрларнинг мавжудлиги (Агар давлат Париж Конвенцияси иштирокчиси ёхуд Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти аъзоси бўлса бу ҳолда бундай меъёрлар албатта мавжуд бўлади);

2) субъект ошкор этилмаган ахборотларни хорижий давлатлар ҳудуди субъектларига фақат лицензия шартномаси орқали фойдаланиш учун топшириши ва бунда лицензиат зиммасига бу сирларни сақлаш мажбуриятини юклаши лозим;

3) ва ниҳоят субъект ошкор этилмаган ахборотлар, тижорат сирлари ва ноу-хоуни бутун чоралар билан қўриқлаши лозим.

3-§. Тижорат сирлари ва ноу-хоудан фойдаланиш (ўтказиш, бериш) тўғрисидаги лицензия шартномаси

Ошкор этилмаган ахборотга қонунан эгалик қилувчи шахс бу ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини бошқа шахсга лицензия шартномаси асосида бериши мумкин. Лицензия олган шахсда ахборотлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ билан бир вақтда ушбу ахборотдан бошқа шахсларнинг фойдаланишидан муҳофазаланиш ҳуқуқи ҳам вужудга келади. Ошкор этилмаган ахборотлар ичида ноу-хоуни лицензия асосида ўтказиш кенг тарқалган. Баъзи адабиётларда “ноу-хоу”нинг соҳибида унга нисбатан мутлоқ ҳуқуқ мавжуд бўлмагани учун уни бошқа шахсга топшириш лицензия шартномаси эмас, чунки бунда шартноманинг предмети бўлиб “ноу-хоу”дан фойдаланишга бўлган мутлоқ ҳуқуқ эмас, балки “ноу-хоу”нинг ўзини топшириш ҳисобланади деган қарашлар ҳам мавжуд². Ноу-хоуни ҳиссадорлик (акциядорлик) жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхоналар устав жамғармаларига эгаси томонидан улуш, ҳисса, пай сифатида қўшиши ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Лицензия шартномасининг энг асосий шартларидан бири топширилаётган ахборотнинг махфийлигини, сирлигини сақлашни таъминлаш. Бунда лицензиат зиммасига ахборотларнинг конфиденциаллигини муҳофаза қилиш юзасидан тегишли чоралар қўриш мажбурияти юкланади.

“Ноу-хоу” ҳақидаги маълумотларни топширувчи томон олувчи томонга ахборотларни тўлиқ ҳажмда бериши лозим, уни техник жиҳатдан амалга ошириш мумкинлигини кафолатлайди ва уни ўзлаштиришда ёрдам беради. “Ноу-хоу” учун ҳақ тўлаш миқдори лицензия шартномаси учун белгиланган миқдорда: паушал ҳажмда (қатъий белгиланган суммада) ва роялти (фойдадан ажратиладиган фоиз ҳисобидаги улуш сифатида) белгиланиши мумкин.

Баъзи ҳолларда эса ҳақ миқдори паушал ва роялтини узвий боғлиқ ҳолда қўлланиш билан белгиланиши мумкин. Ҳақ миқдорини белгилашда ноу-хоу ҳисобланган маълумотларга нисбатан унинг қонуний соҳибида қандай ҳажмда ҳуқуқлар сақланиб қолиши ҳам муҳим аҳами-

ятга эга. Бу энг аввало тарафларнинг қандай мақсадни кўзлаганликларига боғлиқдир. “ноу-хоу”ни берар экан унинг соҳиби ундан фойдаланиш ҳуқуқларини ўзида сақлаб қолиши ҳам мумкин. Ва ҳатто аксинча, шартномада “ноу-хоу”ни олаётган шахсгина ундан фойдаланиши ва ҳатто бошқаларга, яъни учинчи шахсларга уни бериш ҳуқуқига эга бўлиши ҳам кўзда тутилиши мумкин. Шартнома турига қараб унинг баҳоси ҳам белгиланади. Худди мана шу ҳолатларга қараб “ноу-хоу”ни мустасно (мутлоқ) ўтказиш, шунингдек “сублицензия” асосида ўтказиш шартномалари ҳақида сўз юритиш мумкин (агарда лицензия шартномаларига нисбатан қиёслайдиган бўлсак).

“Ноу-хоу”нинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги соҳиби томонидан хориждаги субъектга ўтказилишида (ўзини алоҳида ҳолида ёки ихтирога, ёхуд муҳофаза остидаги бошқа объектга лицензия бериш орқали) тарафлар валюта тўлови ҳисоб-китоблар тартибини, тарафлар ўртасида чиқиши мумкин бўлган низоларни ҳал этиш тартибини ва уларнинг қайси судловга тааллуқли эканлигини ҳам келишиб оладилар. Умумий қоидага кўра бундай ҳолларда шартнома ЎЗР Фан ва техника давлат қўмитаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилмоғи лозим.

“Ноу-хоу”ни ўтказиш ҳақидаги шартноманинг муҳим таркибий қисми тарафларнинг жавобгарлиги ҳақидаги масаладир. Тарафлар қуйидаги ўзаро мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик шартларини шартномада кўзда тутишлари мумкин:

- ахборот (маълумот)ларни ўз вақтида тақдим этмаслик;
- ахборот (маълумот) ларнинг махфийлиги (конфиденциаллиги) ҳақидаги шартларга риоя қилмаслик;
- тўловларни ўз вақтида бермаслик;
- “ноу-хоу”ни ўзлаштирмаслик (фойдаланмаслик), агарда бу фойданинг олинмаслигига ва роялти тўланмаслигига сабаб бўлса;
- кредиторга етказилган фактик зарарларни ва олинмай қолган фойдани ўрнини қоплаш;
- айбнома (жарима, пеня) ҳажмлари ва ундириш тартиби ва ҳ.к.)

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни ўзи мустақил тарзда олган шахс ўзи яратган, ишлаб чиққан, аниқлаган ёки унинг топшириғи, буюртмаси асосида бошқа шахслар яратган, ишлаб чиққан, аниқлаган бўлса ва бундай ахборотни қонунан олган шахс (ахборотни қонуний эгасидан ҳақ бараварига соғиб олган, фойдаланишга лицензия олган, ҳуқуқий ворислик тартибида олган ва ҳ.к.) бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъий назар фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланиш учун унинг олдида жавоб бермайди. Ахборотнинг қонунан эгаси ахборотни мустақил ва қонунан олган бошқа шахсларга ундан фойдаланишларини таъқиқлаб қўйишга, ҳақ тўлаб қилишга, шунингдек бошқача тарзда эркин тасарруф қилишларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

XI БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Селекция ютуқларини халқаро хусусий ҳуқуқий муҳофаза қилиш қандай ўзига хосликларга эга?
2. Тижорат сирлари, шу жумладан “ноу-хоу” халқаро савдо-иқтисодий муносабатларида қандай ҳуқуқий режимга эга?
3. “Ноу-хоу”ни ўтказиш бўйича турли давлатларга мансуб субъектлар ўртасидаги лицензия шартномалари шакли, мазмуни?

Тавсия этилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонуни”. - // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 й. 9-сон. 133-м.

Ўзбекистон Республикасининг “Наслчилик тўғрисидаги қонуни”. - // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995 й. 12-сон. 255-м.

Ўзбекистон Республикасининг “Уруғчилик тўғрисидаги қонуни”. - // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 й. 9-сон. 130-м.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонуни”. - // Халқ сўзи. 2000 й. 15 июн.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш қонуни” - // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. — 1993 й. 6-сон. 252-м.

А. Ершов. Торговля лицензиями в Узбекистане. // Биржевый Вестник Востока. 1998. 4-сон. 22-бет.

О. Оқюлов. “Ноу-хоу” ва янги муносабатлар. // Ҳаёт ва қонун. 1996 й. 4-сон.

Путь к рекордам в сельском хозяйстве. // Биржевый Вестник Востока. 1998 й. 28-сон. 17-бет.

Штумпр. Лицензионный договор. М. Юр. Литр. 1988 г.

ХII БОБ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ БИТИМЛАР

1-§. Ташқи иқтисодий битимлар тушунчаси

Мустақил Республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш нафақат шартномавий муносабатларни такомиллаштиришни, шу жумладан ташқи иқтисодий битимларни тузиш ва унинг ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишни ҳам талаб этади. Айниқса, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш шароитида ташқи иқтисодий битимлар бозор муносабатлари ривожланган хорижий давлатлар билан интеграциялашув жараёнини янада чуқурлаштиришни ҳам талаб этади.

Республикаimiz Президенти И.А. Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Биз шунга аминмизки, мамлакатимизда ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган фаровон демократик давлат барпо этишдек олий мақсадга эришмоғимиз учун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлашимиз зарур”.¹

Хорижий давлатлар билан ўзаро интеграция жараёни ўз навбатида ташқи иқтисодий битимларнинг ҳуқуқий табиати, моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятларини илмий ва амалий нуқтаи назардан тадқиқ қилиб ўрганишни ҳам зарурият қилиб қўймоқда. Шу боис, ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий фаолиятга оид шартномавий муносабатларнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиниши энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда маҳсулотларнинг халқаро олди-сотдиси ва ташқи иқтисодий битимларга тегишли меъёрлар алоҳида ўрин эгаллайди. Савдо-иқтисодий ва бошқа турдаги халқаро алоқаларни ўрнатиш давомида турли давлатларнинг тижорат ташкилотлари ўртасида кўплаб ташқи иқтисодий битимлар тузилмоқда. Томонларнинг жойлашган жойи, шунингдек мазкур шартномаларни имзолаш ва амалга ошириш жойи бир-бирига тўғри келмаганлиги сабабли хорижий давлатлар иштирокидаги шартномаларга қайси давлатнинг миллий ҳуқуқини қўллаш масаласи ҳуқуқий фан нуқтаи - назаридан ўрганилиши муҳим амалий аҳамиятга эга.

¹ Халқ сўзи. 2000 й., 26 январ.

Бинобарин Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 101-моддасига биноан битимлар деб — фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларга айтилади. Шундай экан, тарафлардан бири чет эл фуқароси ёки чет эл юридик шахси бўлган, мақсади чет элдан маҳсулот олиб кириш (импорт) ёки чет элга маҳсулот олиб чиқиш (экспорт) бўлган, тўлов воситаси сифатида қўлланилган пул бирлиги иккала тараф учун ҳам ёки бир тараф учун чет эл валютаси бўлганда мазкур битимлар — **ташқи иқтисодий битимлар** дейилади. Ташқи иқтисодий битимларга товарлар олди-сотдиси, воситачилик, пудрат ва бошқа турдаги шартномалар киради. Энг кўп тарқалган ташқи иқтисодий битимлардан бири бу ташқи олди-сотди савдоси билан боғлиқ бўлган шартномалар ҳисобланади. 1980 йилда қабул қилинган “Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги Вена Конвенцияси бундай шартномаларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Товарлар олди-сотди савдоси тўғрисидаги битимлар оммавий битимларнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Бундай битимга асосан сотувчи товарни сотиб олувчининг эгалигига шартномада назарда тутилган муддатда ва белгиланган шартларда тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, сотиб олувчи эса товарни қабул қилиб олиш ва шартномада белгиланган пул миқдорини тўлаш мажбуриятини олади. Товарларни экспорт ва импорт қилиш битимлари бир-биридан фарқланади. Хорижий давлатлар амалиётида нафақат валюта асосида, балки товар айирбошлаш ва компенсация битимлари кўринишида ҳам тузилади. Бундай битим турларидан бири бартер асосидаги битимлардир. Бунда тарафлар ўртасида айирбош қилинадиган товарлар миқдори шартномада келишиб олинади ва шу келишувга асосан бир товар иккинчи бир товарга алмаштирилади. Товарлар олди-сотдиси шартномаси билан бирга, турли хилдаги хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, корхоналар қурилишида техник ёрдам кўрсатиш, sanoat мажмуаларини ва турли лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия битимлари, лизинг ва бошқа турдаги шартномалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Бундай шартномалар ташқи иқтисодий битим турларини ташкил қилади.

“Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаси тўғрисида”ги 1980 йил Венада қабул қилинган конвенцияга асосан тижорат ташкилотларининг турли давлатларда жойлашган шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича тузган шартномалари ташқи иқтисодий битимлар деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар, яъни юридик ва жисмоний шахслар томонидан би-

тимлар тузилади. Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари билан товар айирбошлаш тўғрисидаги Ҳукуматлараро келишувлари мазкур давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасида тузилган битимлар учун асосий манба ва шу Ҳукуматлараро келишувларни амалга ошириш воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шартнома имзолангандан сўнг ундаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафлар томонидан белгилаб олинади, яъни бу ҳар бир шартноманинг мустақиллигидан дарак беради. Шу билан бир қаторда тарафлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши Ҳукуматлараро келишувнинг мазмуни билан боғлиқдир. Лекин давлатларнинг мазкур келишувлари фуқаровий- ҳуқуқий мажбуриятларни келтириб чиқармайди, балки бундай мажбуриятлар шартнома асосида вужудга келади. Шартнома имзолангандан сўнг, давлатларнинг мажбуриятлари ўзгариб қолиши ҳам мумкин, чунки кейинчалик уларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Хусусан товарнинг экспорт-импорт миқдорини камайтириш ёки маълум бир товарни етказиб беришни бошқа муддатга ўзгартириш бу каби шартномаларга ўзгартиришлар киритилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳукуматлараро келишувга қаратилган ўзгартиришларга асосан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тузилган шартнома шартларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Ташқи иқтисодий битимлар имзолаш чоғида бир-бирига қарама-қарши бўлиб қолганида (тўқнашганида) **коллизия ҳолатлари пайдо бўлади**. Бундай ҳолларда тарафлар шартномани имзолаётганларида, қайси давлат қонунчилигини қўллашни ўзаро келишиб олишлари мумкин. Тарафлар қонунчиликни эрк мухторияти тамойиллари (принцип автономной воли) асосида, яъни тарафлар ўз ихтиёрлари бўйича ҳуқуқ тизимини танлашлари ва шартнома мазмунини белгилаб олишлари лозим.

Тарафларнинг эрк мухторияти принципи жаҳондаги кўпгина давлатларнинг қонунчилиги томонидан тан олинади. Лекин тарафлар эрк мухторияти тамойилларининг чегаралари кўп давлатларда турлича белгилаб қўйилган. Айрим давлатларда бу тамойил чегараланмаган, яъни тарафлар битим имзолаганларидан сўнг мазкур ҳужжатни хоҳлаган ҳуқуқ тизимига бўйсундиришлари мумкин. Ривожланган давлатларнинг ҳуқуқ тизимига эътибор бериладиган бўлса, масалан:

АҚШ да 1990 йилда қабул қилинган Савдо кодексига мувофиқ тарафлар ўртасида имзоланган битимда қайси тараф (штат, давлат) нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қўлланилиши кераклигини белгилаб олишга ҳақлидирлар, агарда битимда тарафлар томонидан бундай келишув кўрсатилмаган бўлса Савдо кодексига мавжуд бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар қўлланилади;

Олмония ҳуқуқ тизими ҳам тарафлар томонидан имзоланган битимга қонунчиликни танлашда эрк мухторияти принципидан келиб

чиқади, лекин тарафлар битимда бундай принципни қўллашмаган бўлса, битим қайси давлат учун муҳимроқ аҳамиятга эга бўлса ўша давлатнинг қонунчилиги қўлланилади;

Хитой Халқ Республикаси ҳам ўз қонунчилигида, агарда тарафлар битимда қўлланадиган ҳуқуқни белгиламаган бўлсалар, бундай битим қайси тараф учун муҳимроқ аҳамиятга эга бўлса, ўша тарафнинг қонунчилиги қўлланилишини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси бундай коллизия масалаларни ҳал этишда Фуқаролик Кодексининг 1181- моддасидаги қоидаларга риоя этади, яъни “**Битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунди**”. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас. Лоақал иштирокчилардан биттаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёки фуқароси бўлган ташқи иқтисодий битим қаерда тузилганлигидан қатъий назар ёзма шаклда тузилади.

2-§. Ташқи иқтисодий битимлар

Ҳозирги техника ва алоқа хизматлари ривожланган пайтда “Битимнинг у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунуши” тамойилининг қўлланилиши бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда, яъни халқаро савдо соҳасида тузилаётган битимларнинг кўп қисми телетайп, телеграф, факс орқали тузилмоқда. Шунинг учун бундай ҳолларда шартнома бўйича охириги ҳаракат қаерда содир этилган бўлса, ўша жой шартнома тузилган манзил деб ҳисобланади ва бу шартномани ҳақиқий деб топиш учун асос бўла олади. Шартномага нисбатан охириги ҳаракат қаерда содир этилганлик масаласи кўп давлатларда турличадир. Масалан: Буюк Британия, АҚШ, Япония қонунчилигига асосан, акцепт қаердан ва қачон юборилган бўлса ўша пайтдан бошлаб битим тузилган ҳисобланади, лекин бошқа давлатларнинг қонунчилигига асосан эса оферент томонидан акцептни қабул қилинган жойи ва вақтидан бошлаб битим тузилган ҳисобланади.

Сўнги йилларда бир қатор давлатларда битимга нисбатан ҳуқуқни белгилашда янгича тамойиллар қўлланилмоқда, хусусан **сотувчининг қонуни**, яъни сотувчи ишлаб чиқариш фаолиятини юритаётган жой ҳуқуқининг қўлланилиши шу жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 105-моддасига асосан “**битимлар оғзаки ва ёзма шаклда тузилади**”.

Битимнинг шакли у тузилаётган жой ҳуқуқига бўйсунди. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Кўчмас мулк хусусидаги битимнинг шакли бу мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқига бўйсунди, Ўзбекистон Республикасида давлат рестрида қайд этилган кўчмас мулкка нисбатан эса, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига бўйсунди (ФК 1181-моддаси). Худди шунингдек хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродаси мазмунини белгилайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаши, агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади (ФК 107-модда).

3-§. Битимларнинг мазмунига нисбатан тадбиқ қилинадиган ҳуқуқ

Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахслари чет эл юридик ҳамда жисмоний шахслари билан имзолаётган шартномаларига нисбатан ҳоҳлаган мамлакат ҳуқуқини танлашлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳам мазкур қоида белгилаб қўйилган, хусусан: шартнома, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кўра танланган мамлакат ҳуқуқи билан тартибга солинади. Бу ўринда албатта шартномада иштирок этувчи тарафлар ўзларининг эрк мухторияти (иродалилиқ) принципларига кўра ўзлари лозим топган мамлакат ҳуқуқи билан тартибга солиниши мумкин.

Шартнома тарафлари қўлланиладиган ҳуқуқни умуман шартнома учун ҳам, унинг алоҳида қисмлари учун ҳам танлаб олишлари мумкин;

Қўлланиладиган ҳуқуқ тарафлар томонидан шартнома тузилаётганда ҳам, ундан кейин ҳам исталган вақтда танланиши мумкин. Тарафлар, шунингдек исталган вақтда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни ўзгартириш тўғрисида келишиб олишлари мумкин (1189-модда).

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фақат тўртта ҳолатда тарафлар томонидан ҳуқуқни танлаб олишга йўл қўйилмаган, яъни

Биринчидан: мулк тўғрисидаги шартномага нисбатан бу мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи;

Иккинчидан: биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага нисбатан ва қурилиш пудрати шартномасига нисбатан — ана шундай фаолият амалга ошириладиган ёки шартномада назарда тутилган натижалар яратилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи;

Учинчидан: кимошди савдосида, танлов бўйича ёки биржада тузилган шартномага нисбатан — кимошди савдоси, танлов ўтказиладиган ёки биржа жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади (ФК 1190-модда);

Тўртинчидан: чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади (ФК 1191-модда).

Айрим ҳолларда амалда шартнома имзолаётганлар қайси мамлакат ҳуқуқини қўллаш кераклигини аниқлаб олмайдилар. Бундай ҳолларда ҳар бир тараф ўз мамлакати ҳуқуқини танлашга ҳаракат қилади, чунки улар мамлакатларида амалда бўлган ўз қонунчилик мазмунини яхшироқ биладилар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини қўллаш ҳақида келишиб олинмаган тақдирда, ҳеч бўлмаганда бошқа тарафга бошқа бир мамлакат қонунчилигини танлаш таклиф этилади, бундай ҳолларда иложи борича Ўзбекистон қонунчилигига яқинроқ бўлган мамлакат қонунчилигини танлаш таклиф этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар тарафлар келишувларида қўлланилиши лозим бўлган мамлакат ҳуқуқи белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон қонунчилигида мавжуд бўлган коллизия нормалар асосида белгиланади. Фуқаролик кодексининг 1190-моддасига асосан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда бу шартномага нисбатан:

- олди-сотди шартномасида—сотувчи;
- ҳадя шартномасида—ҳадя қилувчи ;
- ижара шартномасида—ижарага берувчи;
- мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномасида—ссуда берувчи;
- пудрат шартномасида—пудратчи;
- йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасида—ташувчи;
- транспорт экспедицияси шартномасида—экспедитор;
- қарз шартномасида ёки бошқа кредит шартномасида—кредитор
- топшириқ шартномасида—ишончли вакил;
- воситачилик шартномасида—воситачи;
- омонат сақлаш шартномасида—сақловчи;
- суғурта шартномасида—суғурталовчи;
- кафиллик шартномасида—кафил;
- гаров тўғрисидаги шартномада—гаровга қўювчи;
- алоҳида мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия битимларида—лицензиар ҳисобланувчи тараф таъсис этилган, турар жойга эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

Чет эл иштироки билан тузилган шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ:

- шартноманинг талқинини;
- тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;
- шартноманинг ижросини;
- шартномани умуман ёки лозим даражада ижро этмаслик оқибатларини;
- шартноманинг ижроси тўхтатилишини;
- шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги ёки ҳақиқий эмас деб топиллиши оқибатларини;

- шартнома муносабати билан талаблардан воз кечиш ва қарзни ўтказишни қамраб олади (ФК 1192-модда).

Шартномани ижро этиш усуллари ва тартибига, шунингдек лозим даражада ижро этилмаган тақдирда кўрилиши лозим бўлган чоралар борасида қўлланилаётган ҳуқуқдан ташқари ижро амалга оширилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи ҳам эътиборга олинади. Ташқи савдо битимига нисбатан қўлланилаётган ҳуқуқнинг белгиланиши билан битимнинг мажбурий статuti (мақоми) ўрнатилади. Мажбурий мақом асосида битимда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади ҳамда уни бажармаслик оқибатлари, шунингдек мажбурий мақом асосида жавобгарликдан озод этувчи ҳолатлар ҳам белгиланади. Мажбурий статут бўйича даъво муддатлари масалалари ҳам ҳал этилади. Лекин даъво муддатлари, битимда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайси ҳуқуқ билан белгиланаётган бўлса, даъво муддатлари ана ўша ҳуқуқ билан белгиланади.

Шартномадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, битимнинг мазмунини тарафлар келишган ҳолда белгилайди, шунинг учун амалиётда битимнинг шартларини аниқ ва равшан белгилаб олиш, тарафларнинг жавобгарлигини ҳамда бошқа шартларини аниқлаштириб олиш зарур. Миллий қонунчилик меъёрларидаги маълум бир фарқлар, шунингдек тарафларнинг ҳуқуқни белгилашдаги қийинчиликлари, тарафлар томонидан ўзаро муносабатларни битимда белгилаб олишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида шартномани имзолашдаги келишувларнинг мураккаблашишига сабаб бўлади. Юқоридаги сабаблар туфайли халқаро олди-сотди соҳасида бир қанча моддий ҳуқуқий меъёрларнинг қабул қилинишини тақозо этади.

4-§. Ташқи олди-сотди муносабатлари бўйича халқаро конвенциялар. Намунавий шартномалар. Савдо атамалари

Халқаро олди-сотди соҳасида халқаро савдони мувофиқлаштириб турувчи моддий-ҳуқуқий меъёрларнинг мавжуд эмаслиги коллизион нормаларни қўллашни зарур қилиб қўймоқда ва халқаро савдо ривожланишига муайян даражада салбий таъсир этмоқда. 1966 йил 17 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 2205- сонли “Турли давлатларнинг халқаро савдоси тўғрисида”ги Резолюциясида турли мамлакатлар қонунларидаги фарқлар, халқаро савдо ривожланишига асосий тўсиқлардан бири деб кўрсатилади. Турли давлатларнинг миллий қонунчиликлари ўртасидаги фарқларнинг турли-туманлиги, бу масалалар бўйича қарама-қарши қоидалар келтириб чиқармоқда. Шунинг учун коллизия масаласининг қандай ҳал этилиши, низони ҳал этаётганда

шартномага қайси ҳуқуқни қўлланиш муаммолари, кўп ҳолларда шартномани имзоланган деб ҳисоблаш керакми, тарафлар томонидан бир-бирига у ёки бу талабларни қўйишга ҳақлидирларми, тарафларнинг жавобгарлик ҳажми чегараси каби масалаларни ҳал қилиш билан ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади.

Турли хилдаги давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро тузиладиган ташқи савдо муносабатларига оид асосий манбаларни ҳуқуқий тартибга солиш қўйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

биринчидан: халқаро шартномалар доирасида ишлаб чиқилган меъёрий қоидаларни миллий қонунчиликка киритиш;

иккинчидан: халқаро шартномаларга ўхшаш қонунларни қабул қилиш;

учинчидан: турли намунавий шартномаларни ишлаб чиқиш;

тўртинчидан: шаклланган савдо урф-одатларини халқаро ташкилотлар томонидан “савдо атамалар” сифатида таърифлаб беришдан иборатдир.

1964 йил Гаага Конференциясининг сессиясида “Товарларнинг халқаро олди-сотди савдоси тўғрисидаги шартномаларни тузиш” Гаага Конвенцияси қабул қилинган. Аммо Конференцияда асосан Фарб мамлакатлари иштирок этганликлари сабабли, мазкур Гаага конвенцияларининг мазмуни тўлиқ миқдорда умумий тусга эга бўлмади. Шу боис 1964 йилги Гаага Конвенцияси кенг қўламда қўлланилмади. Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ Комиссияси барча мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимларига тўғри келадиган қоидаларни ишлаб чиқиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Мазкур комиссия иш фаолияти натижасида лойиҳа ишлаб чиқилиб, бу лойиҳа асосида 1980 йили Вена Конференциясида “Товарлар халқаро олди-сотди шартномалари” тўғрисида БМТ Конвенцияси қабул қилинди. Конвенциянинг кириш қисмида эътироф этилганидек, иштирокчи давлатларнинг фикрига кўра товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаларини тартибга солувчи умумий меъёрлари қабул қилиниши ва унда турли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимлардаги мавжуд фарқларнинг инобатга олиниши, халқаро савдода юзага келаётган ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этишга ва халқаро савдонинг ривожланишига олиб келиши мумкинлиги қайд этилган.

Шунингдек, 1980 йилги Вена Конвенцияси тарафларга ўз шартномаларида Конвенцияни бутунлай қўлламасликка ҳам рухсат берган. Бундан ташқари, Конвенция нормалари умумий қоида сифатида диспозитив характерга эга. Агарда тарафлар шартномада қўлланилаётган қонун ёки тартиб хусусида, ёхуд мазкур масала бўйича бошқа йўл билан келишиб олишган бўлса, бундай ҳолларда ушбу муносабатларга Конвенция талаблари қўлланилиши мумкин.

Мазкур Конвенция ўзида қуйидаги қоидаларни мустақкамлайди:

биринчидан: шартноманинг тарафлари бўлган тижорат ташкилотлари турли давлатларда (Конвенция иштирокчиси) жойлашган бўлса; **иккинчидан:** шартномада қўллаш учун иштирокчи давлатнинг ҳуқуқи танланган бўлса, агарда тарафлардан бири ёки иккаласи ҳам иштирокчи давлатларнинг тижоратчи ташкилотлари бўлмаган тақдирда ҳам қўлланилади. Масалан: Украина корхонаси ва Олмония фирмаси ўртасида имзоланган шартномада қўлланилаётган ҳуқуқ кўрсатилмаганлиги натижасида, низо келиб чиққанда, суд низони кўраётган давлатнинг Конвенция иштирокчиси эканлигини инобатга олиб, Вена Конвенцияси тартибига риоя қилиб тегишли қарор қабул қилади.

Конвенциянинг иштирокчиси бўлган давлатларнинг тижорат ташкилотлари ўртасида имзоланган шартномаларга нисбатан конвенциянинг қўлланиши ва тарафлар томонидан иштирокчи давлатнинг ҳуқуқини шартномада қўлланган пайтда конвенциянинг қўлланилиши натижасида, конвенцияни қўллаш доираси кенгайишига ва универсал бўлишига олиб келади. Лекин олди-сотдининг айрим турларига, яъни ким ошди савдосидан: қимматли қоғозлар, сув ва ҳаво транспорт кемалари ҳамда электр қувватини сотиш кабиларга конвенциянинг тартиби қўлланилмайди.

Даъво муддати масаласида 1974 йилда “Товарлар халқаро олди-сотди савдоси даъво муддати тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган. Конвенция “ЮНСИТРАЛ” томонидан ишлаб чиқилган. Бу конвенция тарафлар шартнома тузаётганларида муҳим шартлардан бирини тартибга солади. Яъни барча халқаро олди-сотди шартномалари учун бир хил бўлган 4 йиллик даъво муддати 6 ойдан 30 йилгача қилиб белгиланган, шунинг учун ҳам буларнинг кўплари учун 4 йиллик муддат умум тан олинган. Конвенцияда кўрсатилишича, шартномавий ҳуқуқи бузилишдан келиб чиқувчи талабнома бўйича 4 йиллик даъво муддати, бундай бузилиш қачон содир бўлган пайдан бошлаб, чунончи, агарда маҳсулот шартнома шартларига тўғри келмаса ёки яроқсиз бўлса, ўша товарни сотиб олувчига берган кундан бошлаб ёки товарни қабул қилишдан бош тортган кундан бошлаб ҳисобланади.

Конвенция томонидан даъво муддати ўтишининг узилиши ёки даъво муддатини узайтириш ҳақида қоидалар, уни ўзгартириш, шунингдек даъво муддатининг умумий чеклови (10 йил) ва даъво муддатини ўтказиб юборишнинг оқибатлари ифодаланган. Конвенцияга асосан даъво муддатининг ўтиб кетганлиги жавобгар тарафнинг ариза-сига биноан судда низо кўриляётганда инобатга олинади. Бундай ариза мавжуд бўлганда, агарда низони кўриб чиқиш даъво муддати ўтиб кетгандан сўнг бошланган бўлса, даъвони рад этишга асос бўлади. Конвенция низоларни ҳал этиш тартибини ва даъво муддатини белги-

лаб бермайди. Бундан ташқари Конвенциянинг 3-моддасида кўрсатилганидек, агар товар етказиб берувчи тарафнинг мажбурияти асосан ишни бажариш ёки бошқа хилдаги хизматни тақдим этишдан иборат бўлса, тузилган шартномаларга конвенция қўлланилмайди.

Конвенцияда товарларнинг халқаро олди-сотдиси тўғрисидаги шартномаларнинг ҳамма асосий масалалари бўйича қоидалар мавжуд. Вена конвенцияси 101 моддадан иборат бўлиб 4 гуруҳга бўлинган:

1. “Қўлланиш доираси ва умумий қоидалар”
2. “Шартнома тузиш”
3. “Товарлар олди-сотдиси”
4. “Якунловчи қоидалар”

Вена конвенциясининг оферта ва акцепт орқали шартнома тузишга оид қоидалари, асосан ундаги нормалар фуқаролик ҳуқуқи нормаларига ўхшашлиги билан характерланади.

Конвенцияни қўллаш масаласини ҳал этаётган пайтда тарафларнинг миллий тегишлилиги, уларнинг фуқаролик ёки савдо мақоми, шунингдек шартноманинг фуқаролик ёки савдо характери ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Товарларнинг халқаро олди-сотдиси тўғрисидаги шартномада тарафларнинг муносабатларини тартибга солувчи конвенциянинг тегишли қисми билан сотувчи мажбуриятлари белгиланади, хусусан, товарни етказиб бериш ва ҳужжатларни бериш, товарларнинг миқдори ва сифати, шунингдек сотиб олувчи мажбуриятлари, нарх ва товарларни қабул қилиш шулар жумласидандир. Агарда имзоланган шартнома билан сотилган товарнинг сифати белгиланмаган бўлса, ундай ҳолда ўзи бундай товарни қандай ҳолда фойдаланиш назарда тутилган бўлса, ўшандай ҳолда тақдим этилмоғи даркор. Бажариш муддати шартномада белгиланади. Муддатдан илгари етказиб берилган товарни қабул қилиш сотиб олувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Конвенция сотувчи ёки сотиб олувчи томонидан шартнома шартларининг бузилишини олдини олишда ҳуқуқий ҳимоя воситаси ҳисобланади.

Конвенциянинг алоҳида бобида сотувчи ва сотиб олувчи учун умумий бўлган мажбуриятлар ўз ифодасини топган. Унда шартнома шартларини бузишларнинг олдини олиш ва товарни етказиб бериш, зарар ва фоизларни ундириш каби қоидалар Ўзбекистон Республикаси ФКда ўз аксини топган.

Вена конвенциясининг ўзига хос хусусиятларидан бири—агарда бир тараф шартнома шартлари бузилишига йўл қўйса, натижада бошқа тарафга зарар етказилса, оқибатда у шартнома асосида олиши керак бўлган фойданинг маълум бир миқдоридан маҳрум бўлади. Шартнома шартларининг бузилиш ҳоллари мавжуд бўлганда, етказиб берилиши керак бўлган товарнинг алмаштириб берилишини талаб қилишга ҳақли. Шу-

нингдек шартномадан ҳам воз кечиши мумкин. Бундан ташқари, агарда шартнома имзолангандан кейин бошқа тараф шартнома мажбуриятларининг кўп қисмини бажара олмаслиги маълум бўлиб қолса, тарафлар мажбуриятларни бажаришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига ҳам эга.

Вена конвенциясига асосан олди-сотди шартномасидаги мажбуриятларини тарафлар бузган тақдирда жавобгарликнинг умумий асосларида етказилган зарарни ва бой берилган фойдани қоплаш ҳақидаги талабнома билдирилиши мумкин. Шартнома муддатини ўтказиб юборганлиги учун неустойка шартлари тарафлар томонидан келишиб олинади. Агарда мажбурият юклатилган тараф, бўлган шартнома бузилишини “унинг назоратида бўлмаган тўсиқ” (енгиб бўлмас куч) натижасида келиб чиққанлигини исботлаб бера олса жавобгарлик келиб чиқмайди. Конвенцияда қуйидаги ҳолатлар ҳам ўз ифодасини топган:

1. Шартномада шартлашилган неустойкани қўллаш;
2. Пул мажбуриятларининг бажарилиш муддатини ўтказиб юборганлик учун йиллик фоиз миқдорини белгилаш (аммо конвенцияда бундай фоизларни ундириб олиш ҳуқуқи белгиланган);

3. Шартноманинг ҳақиқийлиги ва шу билан боғлиқ ҳолда ташқи иқтисодий битимларнинг шакли тўғрисидаги қоидалар, бунда миллий қонун нормаларига амал қилинган бўлиши лозим;

4. Даъво муддатини қўллаш.

Маълум бир масалалар борки, улар конвенция томонидан умуман тартибга солинмаган ёки тўлиқ тартибга солинмаган. Шу сабабли М.Г. Розенберг конвенциянинг қуйидаги масалаларига ўз эътиборини қаратади: масалан: Конвенция томонидан тартибга солинмаган масалаларга, коллизия нормалар асосидаги ҳуқуқ қўлланилади- деган иборадан келиб чиқилса, 1980 йилда қабул қилинган Вена конвенциясида коллизия масалалар мавжуд эмас. Буни конвенциянинг 7-моддаси 2-бандидан кўриш мумкин, хусусан айтилишича, “мазкур конвенция предмети томонидан ҳал этилиши керак бўлган масалаларнинг тўғридан-тўғри ҳал этилмагани, конвенциянинг умумий принциплари асосида ҳал этилади. Агарда бундай принциплар мавжуд бўлмаган тақдирда—ҳуқуқ асосида, халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари асосида”, ҳал этилади. Шундай қилиб, конвенциянинг 7-моддаси 2-банди мезонидан: умумий тамойиллар халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари асосида қўлланилаётган ҳуқуқ ҳисобланади, деган тушунча келиб чиқмоқда.

Давлатлар 1980 йилги Вена конвенциясининг иштирокчиси бўлиш учун, олдин 1964 йилда қабул қилинган “Товарларнинг халқаро олди-сотдиси тўғрисидаги шартномаларни тузиш бир хил қонуни” тўғрисидаги Гаага конвенциясини қабул қилишлари (денонсация) керак бўлади. Конвенциянинг бу қоидаси уни энг юқори даражада қўлланиш соҳасини кенгайтириш, шу билан бир қаторда мил-

лий қонунчиликка киритиш мақсадида қўлланилади. Фақат XX асрнинг 70—80-йилларидагина савдо соҳасига оид бир хил моддий-ҳуқуқий нормаларнинг мажуд эмаслиги, ўз-ўзидан конвенцияни моддий-ҳуқуқий қоидалар билан тўлдиришни тақозо этди. Бу муаммо кейинчалик 1986 йилда товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаларига қўлланадиган ҳуқуқ тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши билан ҳал этилди. Конвенция 1985 йилда Гаага конференциясининг навбатдаги сессиясида ишлаб чиқилди ва унинг қоидалари бевосита кўчар мулкларнинг **“Халқаро аҳамиятга эга бўлган”** халқаро олди-сотдисида қўлланилиши мумкин бўлди. Бундай кўринишга эга бўлган битимлар доирасига тарафлари турли давлатлар бўлган шартномалар киради. Шунингдек Конвенция кимошди савдоси ёки биржадаги олди-сотдиларга ҳам қўлланилиши мумкин бўлди. Бундан ташқари Конвенцияда ҳуқуқни танлашга оид : **“Олди-сотди шартномаси тарафлар танлаган ҳуқуқ билан тартибга солинади. Тарафларнинг бундай танлов ҳақидаги келишувлари яққол кўриниб туриши керак ёки шартнома ва тарафларнинг хулқ-атворидан келиб чиқиши керак”** лиги тўғрисидаги янги қоидалар ўз аксини топди.

Конвенциянинг тарафлар шартнома тузиш вақтида қўлланиладиган ҳуқуқни танлашмаган бўлса, 7-моддада кўрсатилганидек, унда сотувчи шартномани имзолаётганда унинг тижорат Ташкилоти қаерда бўлса, ўша давлатнинг ҳуқуқи билан тартибга солинади. Шундай қилиб, бу масалада мавжуд бўлган халқаро келишувларнинг тажрибаси қўлланилган (1955 йилги Гаага конвенцияси).

Конвенциянинг 22-моддасига асосан агарда олди-сотди шартномаси тарафлари халқаро келишувларнинг иштирокчиси ҳисобланган давлат бўлса, бундай ҳолда конвенция қоидалари қўлланилмайди.

Халқаро савдо амалиётида йирик экспорт ва импорт қилувчилар томонидан, шунингдек уларнинг уюшмалари ёки ассоциациялари томонидан XIX аср охирларида ишлаб чиқилган намунавий шартномалар кенг қўлланилади.

Ҳозирги шароитда йирик фирмалар намунавий шартномаларни кенг қўлламоқда. Масалан, АҚШ да импорт қилувчилар ассоциациясининг 47,2 % ва экспорт қилувчилар ассоциациясининг 39,7 % халқаро савдода намунавий шартномаларни қўллайди. Намунавий шартнома, шартноманинг шундай бир шаклики, у фақат тарафларнинг келишуви мавжуд бўлгандагина мажбурийдир. Бундай шартларнинг мазмуни эса бевосита бу шартлар қайси давлатда ишлаб чиқилган бўлса, ўша давлатнинг ҳуқуқи ва амалиётига асосланади.

БМТ нинг Европа Иқтисодий Кенгаши томонидан ускуна ва машиналар, араланаётган ёғоч-тахталар ва бошқаларни етказиб беришни умумий шартлари ишлаб чиқилган. Оддий намунавий шартномалар каби, бундай умумий шартлар фақат аниқ шартномаларда қўлланилади.

Европа Иқтисодий Кенгаши (ЕЭС) томонидан 1990 йилда ишлаб чиқилган Қарши савдо соҳасидаги қўлланма, яъни қарши савдодаги халқаро шартномалар ва халқаро компенсация шартномалари бўйича қўлланмалар ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида қарши савдога оид муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Товарларни денгиз ва дарё транспорт воситаларида ташиш билан боғлиқ олди-сотди шартномаларини тузиш ва ижро этишда урф-одатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, урф-одатларнинг мазмуни турли давлатларда ва ҳаттоки бир давлатнинг бир нечта портида бир-бирига тўғри келмаслиги мумкин. Ана шундай урф-одатлар асосида халқаро савдо амалиётида “КАФ”, “СИФ”, “ФОВ” ва “ФАС” шартлари асосида шартномалар ишлаб чиқилган. Бу атамалар инглиз сўзларининг биринчи ҳарфларидан ташкил топган бўлиб, қуйидагиларни англатади:

“КАФ”- “нархи ва фрахт (кира ҳақи)” - сотувчи товарни шартномада кўрсатилган портгача етказиб бериш учун кемани кирага олади ва кира ҳақини ўзининг шахсий маблағи ҳисобидан тўлайди;

СIF “СИФ”- “нархи, суғуртаси, фрахт (кира ҳақи)”, яъни сотувчи товарни ўз ҳисобидан портга олиб боради, товарни кема бортига юклайди, кира ҳақи ва тўловларни тўлайди, юкни суғурта қилади ва юкни юбориш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни топширади;

FOB “ФОВ”- “бемалол кўрсатилган юклаш портидаги кема бортигача”, яъни сотувчи товар нархини кўрсатади ва товарни кема бортигача етказиб бериш учун лозим бўлган тўлов харажатларини, шу жумладан экспорт божларини ўзининг ҳисобидан тўлайди;

FAS “ФАС”- “бемалол кўрсатилган юклаш портидаги кема бортигача”, яъни сотувчи товарни кема бортига етказиб беради, аммо киракаш, яъни юкни ташиш мажбуриятини ўзининг зиммасига олган ташувчи келтирилган товарларни кема бортига ўз кучи билан ва маблағлари эвазига юклайди.

Тегишли ташкилотлар шундай шартлар асосида тузилган шартномаларни амалда қўллайдилар. Одатда “ФОВ” шартлари асосида тузилган шартномаларда сотувчи ўз ҳисобидан товарни юк жўнатилаётган портга етказишиб бериши, кема бортига юклаши ва портда юкни жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча тўловлар—солиқ, божхона йиғимлари ва бошқаларни тўлаши шарт. Сотувчи товарнинг эҳтиётсизликдан нобуд бўлиши ва унинг сифати бузилишининг олдини олиш чораларини кўришга масъул ҳисобланиб, кема портдан жўнаб кетгунча мулкий жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.

“ФОВ” шартлари асосида тузилган товарлар олди-сотдиси шартномаларида кемани фрахтлашни сотиб олувчи амалга оширади, аммо то-

вар сотувчининг давлатидан юкланади. Шунинг учун фрахтлаш жараёнини амалга ошириш сотувчига қулай бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолатларда сотиб олувчи сотувчига алоҳида шартнома бўйича ва алоҳида мукофот эвазига сотиб олувчи учун ва унинг номидан керакли кемани фрахтлашни топширади. Фрахтлаш шартномаси тарафлари юк ташувчи (сотувчи эмас) ва сотиб олувчи бўлишига қарамай, бу олди-сотди шартномаси ўзгармасдан, “ФОВ” шартномаси бўлиб ҳисобланади.

“СИФ” шартномаси бўйича сотувчининг мажбуриятларига қуйидагилар киради: ўзининг ҳисобидан товарни юкланаётган портга етказиб бериш; товарни ташиш учун керакли кемани фрахтлаш, яъни товарни олиб кириш ва олиб чиқиш билан боғлиқ солиқ ва йиғимларни тўлаш; сотиб олувчи фойдасига ўз ҳисобидан товарни **суғурғалаш**.

“ФОВ”, “СИФ” ва бошқа атамаларнинг шарҳлари “Trade Terms” савдо одатлари берилган адабиётларда 1953 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан чиқарилган. Бундан ташқари Халқаро савдо палатаси савдо термин (атама)ларини шарҳлаш қоидалари—“Халқаро савдо терминлари” (1990 й.) номли адабиётни чиқарди. Мазкур адабиёт сўнги йилларда амалиётда жуда кенг қўлланаётган компьютер тизими қўлланишини, шунингдек ташиш усулларини ўзгартиришни, контейнерлардан фойдаланишни ва ҳоказоларни инобатга олган.

1990 йилдаги ҳужжатда товар ташиш усулига қараб терминлар классификация қилинган. Ундан товарлар халқаро олди-сотди шартномаларида қўлланаётган 15 терминнинг шарҳлаш қоидалари мавжуддир. Бу қоидалар товарларнинг барча турларига қўлланилиши мумкин, лекин намунавий шартномаларнинг ҳар бири эса асосан маълум бир товар учун қўлланилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда “Инкотерм – 2000” ишлаб чиқилган ва амал қилмоқда. Бунда “Инкотерм - 1990” қоидалари ҳозирги давр шароитларини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштирилган.

5-§. Техникавий ёрдам бериш ва корхоналар қуриш бўйича келишувлар

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қурилиш ишларини чет эл пудратчилари томонидан олиб бориш кенг тарқалмоқда. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистондаги йирик саноат ва маиший объектларни қуриш ёки уларни таъмирлаш ишлари асосан пудрат шартномаси орқали чет эл пудратчи ташкилотлари томонидан амалга оширилмоқда. Масалан: Ўзбекистон ва Туркия тadbиркорлари иштирокида Ўзбекистон ҳудудида биргаликда фаолиятни амалга ошириш, чунончи корхона ташкил қилиш тўғрисида тузилган шартномага Ўзбекис-

тон қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар татбиқ қилинади (ЎзР ФК 1190-м.), шу билан бир қаторда республикамизда қад кўтарган “ЎЗДЭУАВТО”, Зарафшон-Ньюмант қўшма корхоналари; Шератон-Тошкент, Интерконтиненталь меҳмонхоналари чет эл пудратчилари томонидан қурилган.

Шартномалар тизимида концессия ва шунга ўхшаш келишувлар алоҳида ўрин эгаллайди. Россияда, Қирғизистонда, Венгрияда, Буюк Британияда, Норвегияда, Ўзбекистонда ва бир қатор бошқа мамлакатларда бундай шартномаларни тузиш тартиби ва шартлари қонунчилик йўли билан тартибга солинади.

6-§. Концессиявий келишувлар

Ўзбекистон Республикасининг “Концессия тўғрисида”ги қонуни 1995 йил 30 августда қабул қилинган. Концессия (лот. рухсат этиш) сўзининг маъноси, унинг моҳияти ва вазифаси “Концессия тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасига кўра, Концессия чет эллик инвесторга (хорижий давлатлар, чет эллик юридик шахслар, халқаро ташкилотлар, чет эллик фуқаролар ва юридик шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет элда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари) хўжалик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун давлат номидан бериладиган рухсатнома бўлиб, бу фаолиятни амалга ошириш учун давлат чет эллик инвесторга концессия шартномаси тузиш асосида мол-мулк, ер ва ер ости майдонларини 15 йилгача бўлган муддатга топширади. Бу ерда давлат чет эллик инвесторларга концессиячилик фаолияти билан боғлиқ мол-мулкка, ер ва ер ости майдонларига эгаллик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериб, уларни тасарруф этишдан иборат бўлган алоҳида муайян ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади. Концессия ўз ҳуқуқий табиатига кўра маъмурий ҳужжат, бироқ бу ҳужжат фуқаролик-ҳуқуқий шартномани тузиш учун ягона асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида концессиявий муносабатларнинг асосини қуйидагилар ташкил қилади:

ўзаро фойдалилик;

концессиячиларни танлов ва ким ошди (аукцион) савдолари асосида ажратиб олиш;

концессиячининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб бораётган хўжалик фаолиятига аралашмаслик;

меҳнатни муҳофаза қилиш. Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни ҳимоялаш, экология ва санитария-гигиена хавфсизлиги соҳа-

ларида Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартнома-лар ёки битимларда ўзгача шартлар назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида амал қилиб турган стандартлар ва норматив ҳужжатларга мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида концессиявий муносабатлар соҳасидаги давлат бошқарувини Вазирлар Маҳкамаси, тегишли ваколат олган давлат бошқарув органи, шунингдек давлат ҳокимияти органлари амалга оширади.

Давлатнинг хусусий тадбиркорлар билан тузадиган концессия контрактларини халқаро шартномаларга тенглаштиришга йўл қўймаслиги ўз фуқароларига ҳам, чет эллик фуқароларга ҳам бирдай тааллуқдир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам концессия давлат номидан бериладиган ҳужжат ҳисобланади.

Ҳар бир ҳуқуқий муносабатнинг объекти ва субъекти бўлгани каби концессиявий муносабатларнинг ҳам объекти ва субъекти мавжуд. Концессия шартномасининг предмети бўлмиш мол-мулкни, ер ва ер ости участкаларини бериб қўйиш билан боғлиқ бўлган ҳужалик фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқлаб қўйилмаган айрим турлари концессиявий муносабатларнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Унинг субъекти эса мол-мулк, ер ва ер ости участкалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқлаб қўйилмаган ҳужалик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини бериб қўйган концессия органи—Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, у вакил қилган давлат бошқаруви органи жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан концессия шартномасини тузган концессиячи - чет эллик инвестордир. Бошқача айтганда концессиявий муносабатларнинг субъекти бўлиб фуқаролар, чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасининг чет элларда яшовчи фуқаролари, ташкилотлар (давлат ва нодавлат ташкилотлари) ва давлат бўлиши мумкин.

Концессия шартномаси чет эллик инвестор билан тегишли концессия органи ўртасида тузилади ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради. Мазкур шартнома ўзининг муҳим белгиларига эга бўлиб, бу белгилар қуйидагиларни ўз ичига олади:

биринчидан, чет эллик инвестор билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли ваколат олган давлат бошқаруви органи, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги инвестиция муносабатларининг мавжудлиги, яъни чет эллик тадбиркор ўзининг хоҳиш иродасига кўра ўз сармояларини бевосита концессиячилик йўлида сарф қилиб, унга шартнома асосида Ўзбекистон

Республикасининг табиий бойликларини қидириб топиш, қазиб олиш ҳамда мазкур участкаларда концессия шартномасида кўрсатиб ўтилган ва шартнома шартларидан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни муайян муддат мобайнида бажаришни ўз зиммасига олади;

иккинчидан, концессия шартномаси бевосита танлов ва аукционларда голибликни қўлга киритган чет эллик инвесторлар билан ўзаро фойдалилик асосида тузилади. Бунга кўра чет эллик инвестор ўзига концессия шартномаси асосида муддатли фойдаланиш учун бериб қўйиладиган табиий ресурслардан мамлакатнинг ички қонунчилигига ва мазкур шартнома шартларига қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланади ва энг муҳими концессиячи шартномада белгилаб қўйилган концессия тўловларини ўз муддатидан кечиктирмасдан тўлаб боради. Концессиячининг шартнома шартларини бажармаслиги кейинчалик мазкур шартноманинг муддатидан олдин бир томонлама бекор қилинишига сабаб бўлади;

учинчидан, концессия шартномаси концессиячи билан таваккалчиликни бевосита концессиячининг ўз зиммасига юклаш тамойили асосида тузилади. Яъни концессиячи мазкур шартноманинг амал қилиш муддати давомида концессиячилик фаолияти билан боғлиқ бўлган барча таваккалчиликларни ва ўз ходимларини мустақил суғурта қилишни ўз зиммасига олади;

тўртинчидан, концессия шартномасида иштирок этувчи чет эллик инвестор бундай шартномани тузишда концессия органи билан шартномавий эркинликка асосланади. Яъни концессия шартномасини тузишда мажбур қилишга умуман йўл қўйилмайди.

Концессия беришнинг яна бир энг муҳим шартларидан бири бу концессия бўйича танлов ёки аукционларнинг ўтказилиши ҳақидаги хабарни энг камида уч ой олдин оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинишини таъминлашдир. Агар бу муддат етарли эмас, деб ҳисобланса концессия органининг ўз ташаббуси билан камида беш ой олдин ҳам танлов ва аукционлар ўтказилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабар тарқатиб, уларни ўтказиш вақти ва жойи, шунингдек буюртманомалар бериш муддати кўрсатилади (“Концессия тўғрисида”ги қонун, 13-модда). Концессия олиш учун танлов ва аукционларда иштирок этиб голибликни қўлга киритган чет эллик инвестор концессия берувчи орган билан концессия шартномаси тузади. Тузилган концессия шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида тегишли тартибда ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасидан ва давлат рўйхатидан ўтказилади. Мазкур шартнома рўйхатдан ўтган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокида ташкил топган корхона, яъни юридик шахс мақомида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Концессиялар тўғрисида” ги қонунининг 7- моддасига асосан концессия муносабатлари соҳасида давлат бошқаруви тегишли ваколат олган давлат бошқаруви органлари, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Юқорида кўрсатилган модданинг мазмунидан кўриниб турибдики, давлат бу шартнома турининг субъекти ҳисобланади ва унинг берган ваколатномаси асосида давлат бошқаруви органи ёки бўлмаса жойлардаги давлат ҳокимияти органлари бевосита ўзларига берилган ваколат доирасида концессиячилик соҳасида қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир:

- концессиячилик фаолиятининг устувор йўналишлари дастурларини мустақил ишлаб чиқиш;
- концессия бериш учун танловлар ҳамда аукционлар ўтказиш тартиби ва шартларини белгилаш;
- концессия лойиҳалари ва дастурларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартибини белгилаш;
- концессия шартномаларини рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилаш;
- концессия берилмайдиган ёки концессияга бериш чекланадиган объектлар рўйхатини белгилаш;
- концессия шартномасининг шартларига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил қилиш;
- танловлар ва аукционлар ташкил қилиш ва уларни ўтказиш;
- концессия шартномаларини тузиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ концессиячилик муносабатлари соҳасидаги бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат мазкур концессия шартномаси амал қилиб турган муддат давомида концессиячининг концессиявий фаолиятини амалга ошириши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришга мажбурдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида концессиявий фаолият билан шуғулланувчи чет эллик инвестор халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- концессия шартномаси асосида инвестициялашни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;
- концессиявий фаолиятни амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;
- шартнома муддати давомида ўзининг инвестицияларига ва концессиявий фаолиятининг натижаларига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;
- концессиявий фаолият натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш;

- концессия шартномаси асосида ва айнан шу концессиявий фаолиятини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасига кредит ва қарзлар тариқасида валюта маблағларини жалб қилиш;

- ўз ҳисоб варақасидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш учун фойдаланиш;

- ажратилган ер участкасидан, сув ресурсларидан, энергия манбаларидан, муҳандислик коммуникацияларидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш, фойдаланаётган ҳудудда бинолар, иншоотлар, шохобча йўллар, шосселар, телеграфлар ва телефон алоқа линияларини қуриш;

- мол-мулк таркибига унинг қийматини оширадиган ўзгартиришларни мустақил киритиш, уни қайта қуриш, кенгайтириш, техника билан қайта қуроллантириш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ҳар қандай мулккий ҳуқуқлардан концессия шартномасига асосан ўзининг зиммасига олган мажбуриятларининг, шу жумладан қарз маблағларини таъминлаш сифатида фойдаланишга;

- концессиявий фаолиятини ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда тоvon олишга;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларидан олинган фойда эвазига эҳтиёжлари ва ходимларининг шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулк ва зарур материаллар олиб кириш;

- ўз мол-мулкни ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни олиб чиқиб кетиш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарни ундириш.

Концессиячи концессиячилик фаолияти давомида қуйидагиларни бажариши шарт:

- концессия шартномаси шартларига риоя қилиши;

- хўжалик фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва концессия шартномасига қатъий риоя этган ҳолда амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловлар тўлаши;

- концессиявий муносабат билан ўз зиммасига олган шартнома мажбуриятлари бўйича жавоб бериши;

- концессиявий муносабатларида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган санитария-гигиена, экологияга оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза ҳулосасини олиш;

- ўз рақобатчиларига нисбатан қўшимча имтиёзлар ва афзалликлар олиш мақсадида концессиявий фаолият бўйича шерикларига ёки давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бевосита ёки билвосита ноқонуний таъсир ўтказишнинг ҳар қандай шаклларида ўзларини тийишлари;

- концессия шартномасининг амал қилиши тамом бўлганидан ёки у муддатидан илгари бекор қилинганидан кейин икки ойлик мудатда шартномага мувофиқ ўзига берилган мол-мулкни ва барча концессия объектларини концессия органига қайтариб топшириши, шунингдек ўз мол-мулкни тасарруф этиши;

- бухгалтерия ҳисобини белгилаб қўйилган тартибда юритиши;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва концессия шартномаси шартларига риоя этмаганлик учун умумий асосларда жавобгар бўлади ҳамда ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ундиришга қаратилган ўзининг мол-мулки билан жавоб бериши.

Ўзбекистон Республикаси “Концессия тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси 2-бандига биноан концессия шартномаси томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ томонларнинг бири шартнома шартларини бузган тақдирда суд қарорига мувофиқ, шунингдек концессиячи шартнома тузиш чоғида тақдим этган маълумотлар нотўғри эканлиги маълум бўлиб қолган тақдирда концессия органи томонидан бекор қилиниши мумкин.

XII БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ташқи иқтисодий битим тушунчаси ва оддий битим тушунчаси ўртасидаги нисбат қандай?
2. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунчиликда ташқи савдо битимлари шаклига нисбатан қандай қоидалар мавжуд?
3. Мухториятлилиқ принципнинг мазмуни нималарда намоён бўлади?
4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ташқи савдо битимларига нисбатан ҳуқуқни қўллаш масаласида қандай қоидалар мавжуд?
5. Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари ҳақидаги 1980 йилги БМТ Конвенциясининг мазмунида қандай қоидалар ётади?
6. Концессиявий келишувларнинг мазмунида қандай қоидалар мавжуд?

Тавсия этилган адабиётлар

- Луңц Л.А.* Курс международного частного права. Особенная часть. Москва, 1975, 237—327-бет.
- Луңц Л.А., Марышева Н.И., Садиков О.Н.* Международное частное право. М. 1984, 179—198-бет.
- Садиков О.Н.* Правовое регулирование международных перевозок. М. 1981.
- Садиков О.Н.* Реформа Бренских конвенций о железнодорожных перевозках, Внешняя торговля. 1882. 26—28-бет.
- Курс воздушного права, в 2 томах, М. 1981, 2 том.
- Малеев Ю.Н.* Международное воздушное право: вопросы теории и практики. М. 1986.
- Гуреев С.А.* Коллизионные проблемы морского права, М. 1972.
- Масковский А.Л.* Международное право, 1984.
- Нещатеева Т.Н.* О некоторых вопросах применения арбитражными судами международных договоров, Вестник ВАС Рос. Фед. 1997. № 7 117—120-бет.
- Международное частное право: Сб. документов \ сост. *К.А.Бекяшев, А.Г. Ходаков*, М.1997, 301—477-бет.
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. “Адолат”, 1996 й. 527—537-бет.
- М.М. Богуславский.* Международное частное право, М.Юрист, 1999, 195—225-бет.
- И. Зокиров.* Фуқаролик ҳуқуқи, Тошкент, 1995 й.
- Фуқаролик кодексига шарҳлар, 3-жилди, Т. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ, 1999 й.
- С.С.Ҳамраев.* Ўзбекистонда табиий бойликлардан фойдаланиш (концессия)нинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т. НПО, 1999 й.

ХIII БОБ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР

1-§. Эркин иқтисодий зоналар тушунчаси, уларни ташкил этиш ва тугатиш асослари

Эркин иқтисодий зона деб, минтақавий жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуд тушунилади.

Ҳозирги кунда халқаро хўжалик фаолиятида эркин иқтисодий зоналарнинг 30 дан ортиқ тури мавжуд. Чет элларда иқтисодиётни соғломлаштиришнинг самарали воситаларидан бири мамлакатга чет эл инвестициясини киритиш учун зарур шарт-шароит яратиш ва ушбу мамлакатлар иқтисодиётига хорижий инвесторларни жалб қилишга нисбатан очиқ ташқи сиёсат юритиш ҳисобланади. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва фаровон инвестицияли иқлимни яратишнинг бошқа воситалари билан бир қаторда хорижий мамлакатларда турли эркин иқтисодий зоналарни шакллантириш методи қўлланилади. Ушбу йўл билан мамлакатлар бундай тузилмаларни таъсис этиш ёрдамида ўз олдида турган баъзи иқтисодий масалаларни ҳал қилади. Эркин иқтисодий зоналар қабул қилаётган мамлакат ўз иқтисодиётига илғор технология, валюта қиримлари шаклидаги чет эл сармояларини жалб қилиш, замонавий инфра тузилмасини яратиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, қолоқ ҳудудларни жадал ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринларини яратиш, шунингдек иқтисодиётни бошқариш соҳасида ва замонавий халқаро тадбиркорлик соҳасидаги илғор халқаро тажрибага эга бўлиш мақсадида ташкил этилади.

Жаҳон мамлакатларининг қўп йиллик халқаро тажрибаси иқтисодиётни соғломлаштириш ва ҳаётга янги иқтисодий ғояларни қабул қилаётган давлатларнинг алоҳида ажратилган ҳудудларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиши самарали эканлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси олдида иқтисодиёт соҳасида маълум муаммоларни, яъни миллий техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, экспорт салоҳиятини ўстириш, валюта захираларини тўлдириш, ўз молия ресурсларини ижобий ҳал этишда эркин иқтисодий зоналарни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш-

нинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни, эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги Низомлар ва бошқа қонун ости ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни тузиш Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис қарори билан амалга оширилади. Ҳар бир ташкил этилган эркин иқтисодий зонанинг мақоми ва чегаралари, шунингдек, унинг қанча муддатга тузилиши ушбу тузилган иқтисодий зона ҳақидаги Низом билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасида ҳар бир эркин иқтисодий зона бўйича Низом Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда уларнинг ташкил этилиш мақсадларига катта аҳамият берилади. Чунки ҳар бир эркин иқтисодий зона бирон бир мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, баъзида сиёсий шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади. Масалан: ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Франция, Англия, Япония)да эркин иқтисодий зоналар ишсизлик кўп бўлган, ривожланмаган мамлакатларда инфра тузилмага эга бўлмаган ҳудудларда шу ҳудудларни ривожлантириш учун ташкил этилади.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда қуйидаги вазифалар мақсад қилиб қўйилади: мамлакат ва чет эл инвестициясини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этишни, экспортни рағбатлантириш, унинг таркибини яхшилаш, иш билан бандликни ошириш ва малакали кадрларни тайёрлаш, ер участкасини ижарага бериш, бино-иншоотлар ижараси, тижорат ва бошқа хизматларни тақдим этишдан келадиган қўшимча валюта даромадини олиш.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар) хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятнинг исталган турлари билан шуғулланишига йўл қўйилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ман этилган фаолият турлари бундан мустасно.

Эркин иқтисодий зонанинг фаолият муддати белгиланган муддат тугашидан камида 3 йил олдин Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритиладиган тақдимномага мувофиқ Олий Мажлис қарори билан узайтирилади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг мақомини тугатиш қонунга асосан эркин иқтисодий зона тўғрисидаги Низомда белгиланган муддат тугаганда; ушбу Низомда назарда тутилган вазифалар ва мақсадлар бажарилмаган тақдирда амалга оширилади. Эркин иқтисодий зонанинг мақомини тугатиш тўғрисидаги қарор белгиланган муддат тугашидан камида 3 йил олдин Вазирлар Маҳкамаси киритган таклифномага биноан Олий Мажлис томонидан қабул қилинади (қонуннинг 4-моддаси).

2-§. Эркин иқтисодий зоналарнинг турлари

Жаҳон тажрибасида эркин иқтисодий зоналарнинг турли кўри-нишлари мавжуд. Уларни таснифлашда эркин иқтисодий зоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Яъни ҳудуди, жойлашуви, конфигурацияси; ишлаб-чиқариш ва бошқа ресурслар мавжудлиги ва сифати; мазкур ресурслар реализация қилинадиган табиий-иқтисодий ва бошқа шароитлар хусусиятлари; давлат эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда ўзининг олдига ва эркин иқтисодий зоналар олдига қўйган вазифалар; ўз олдига қўйган вазифаларни ҳал этиш ва белги-ланган мақсадга эришиш учун давлат унга берган функциялар; эркин иқтисодий зоналарнинг давлат рухсат этган хўжалик фаолияти тури; ҳудуднинг миллий таалуқлиги ва ҳоказо. У ёки бу иқтисодий зона ҳудудида устунлик қилувчи фаолият тури ва эркин иқтисодий зона-лар тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ эркин иқтисодий зоналар қуйидаги турларга ажратилиши назарда тутилади:

- эркин савдо зоналари;
- эркин ишлаб чиқариш зоналари;
- эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар.

Халқаро хусусий ҳуқуқда эркин иқтисодий зоналарнинг турлари турлича номланиши амалда кўп учрайди.

Савдо - омборхона зоналари. Ўзбекистон Республикасида савдо-омборхона зоналари эркин савдо зоналари деб юритилади. Унга кўра эркин савдо зоналари консигнация омборларини, эркин божхона зоналарини, шунингдек, товарларга ишлов бериш, уларни ўраш-жой-лаш, саралаш, сақлаш зоналарини ўз ичига олади.

Эркин савдо зоналари чегарага туташ пунктларда, аэропортларда, темир йўл узелларида ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг бошқа жойларида тузилади (қонуннинг 6-моддаси).

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган эркин савдо зоналари таркибига кирувчи эркин омбор зонаси 2000 йил 2 ноябрдан кучга кирган “Эркин омбор божхона режими тўғрисида”ги муваққат Низомга асосланади.

Низомнинг 1-бандида кўрсатилишича эркин омбор - бу божхона режими бўлиб, унда хорижий маҳсулотлар, товарлар божхона божлари, солиқ ва кўрсатилган товарларга иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан жойлаштирилади ва фойдаланилади, Ўзбекистоннинг товарлари эса олиб чиқишга нисбатан қўлланиладиган экспортнинг божхона режимида кўра маълум шартларда жойлаштирилади ва қўлланилади.

Вақтинчалик низомга мувофиқ эркин омборхонада Ўзбекистонга олиб кириш ёки олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит орқали олиб кириш ёки олиб чиқиш ман қилинган товарлар

ва қонунчиликда назарда тутилган товарлардан ташқари ҳар қандай маҳсулотлар сақланиши мумкин.

Эркин омборларда сақланаётган маҳсулотлар билан қуйидаги операциялар амалга оширилиши мумкин: ўраш, сақлаш, уларнинг сақланиши учун мақбул ҳарорат яратиш.

Эркин омборларда божхона органи рухсати билан уларнинг чакана савдосини истисно қилган ҳолда товарларни ишлаб чиқиш ва тижорат характеридаги операцияларни амалга оширишга рухсат этилади (улгуржи савдо).

Савдо омборхона зоналари шундай зоналарки, уларда хорижий келиб чиқишга эга бўлган товарлар одатдаги божхона божларини тўла-масдан сақланиши, сотилиши ёки сотиб олиниши мумкин. Божсиз савдо-омборхона зонасига 1973 йилги Киото конвенциясида таъриф берилган. Ушбу зоналар учун 3 та асосий белгилар хос:

- 1) улар халқаро бозорга хизмат кўрсатиш учун ташкил этилади;
- 2) уларга мамлакатнинг қолган ҳудудида амалда бўлган кўпгина солиқ тўловлари ва божхона чекловлари тадбиқ этилмайди (божхона экстерриториаллиги);
- 3) улар маълум бир маънода “эркин” бўлишларига қарамай, ташқи иқтисодий алоқалари давлат томонидан тартибга солинади.¹

Бундай турдаги илк зона Европада 50-йилларнинг охирида Ирландияда ташкил этилиб, кейинчалик асосан ривожланаётган мамлакатларда ташкил этилган.

Эркин-савдо омборхона зоналари таркибида мутахассислар ташқи савдо зоналари (АҚШ), эркин божхона зоналари (Венгрия, Югославия), эркин божсиз зоналар (Болгария) ва эркин портлар (Германия, Швейцария, Бразилия, Руминия)ни ажратишади.²

Савдо-омборхона зоналари нафақат маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш (одатда 1 йил муддатга), сотиш, сотиб олиш, балки мазкур маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятларини яхшилайдиган операцияларни амалга ошириш учун ҳам ташкил этилади.

Уларнинг ҳудудларида корхоналар кенг миқёсдаги кўргазма фаолияти билан шуғулланишлари, савдолар ташкил этиш ва савдо божларини, маҳсулотининг истеъмол хусусияти яхшиланиши натижасидаги қўшимча қиймат солиғи олмасдан банк ва суғурта хизматларини таклиф этишлари мумкин. Улар жумласига йирик халқаро аэро ва денгиз портларида товарларнинг божсиз чакана савдоси амалга ошириладиган “дьюти-фри”ни ҳам киритиш мумкин.

¹ Т.П.Данько З.М.Окрут. Свободно экономические зоны в мировом хозяйстве. М: “Инфра-М”, 1998, 10-бет.

² Т.П.Данько, З.М.Окрут. Ўша адабиёт. 10—11-бет.

Экспорт - ишлаб чиқариш зоналари. Ушбу зоналар бизда эркин ишлаб чиқариш зоналари деб юритилади.

Эркин ишлаб чиқариш зоналари—тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудудлардир.

Эркин ишлаб чиқариш зоналари экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зоналарини ва бошқа зоналарни ўз ичига олади (қонуннинг 7-моддаси).

Ҳозирги кунда эркин иқтисодий зоналарнинг энг кўп тарқалган тури саноат ёки экспорт-ишлаб чиқариш зоналаридир. XX асрнинг 60-йилларида кучли интеграция жараёнлари билан боғлиқ ҳолда жаҳоннинг турли минтақаларида фақат экспорт учун ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мўлжалланган зоналар ташкил этила бошланди. 20 йил ичида, 1965 йилдан 1985 йилга қадар уларнинг сони 3 тадан 260 гага етди. XX аср охирларига келиб эркин иқтисодий чегара зоналарида иш билан банд бўлганлар сони 3 млн. кишидан ортиб кетди, экспорт ҳажми эса 25 млрд долларни ташкил этди.¹

Экспорт ишлаб-чиқариш зоналари энг кўп Осиё (20 га яқин), Африка, Лотин Америкасида (60 дан ортиқ), ривожланаётган мамлакатларда тарқалган. Бундай типдаги зоналар Венгрия, Руминия, Югославия, Хитой, АҚШда ҳам кўзга ташланади. Уларнинг фарқли жиҳати шундаки давлат имтиёзли валюта, молиявий режимдан фойдаланиб зона ҳудудида саноатнинг устувор соҳалари ривожини таъминлайди ёки қолоқ туман ҳудудида хорижий валюта ёҳуд маҳаллий штат, федерал ҳокимиятнинг инвестицияларини жалб қилган ҳолда экспорт саноат ишлаб чиқаришини юзага келтиради. Бу маҳаллий хом ашё, ярим-фабрикатлардан янада самаралироқ фойдаланишга, ишлаб чиқариш устидан замонавий бошқариш усулларини жорий этишга, малакали кадрларни тайёрлашга имкон беради. Натижада бошқа туман ва мамлакатнинг ўзида янада жадалроқ иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин.

Бундай зоналар нафақат хориж сармояси оқиб келишини, балки технологиялар, “ноу-хоу” келишини таъминлайди, янги ишчи ўринларини яратади ва айни пайтда ўз экспорти йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл фирмалари рақобатидан асрайди.

Экспорт ишлаб чиқариш зоналаридан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

¹ В.А. Чжен. Рыночное регионально-отраслевое развитие”. 5 т. Т:Издание государства РУз, 1997. 250-бет.

- биргаликдаги тадбиркорлик зоналари (Югославия, Венгрия, Болгария);

- эркин тадбиркорлик зоналари (АҚШ, Буюк Британия);
- махсус иқтисодий зоналари (Хитой Халқ Республикаси).

Уларга яна алоҳида имтиёزلардан фойдаланадиган ва кўпроқ ташқи бозорга хизмат кўрсатувчи баъзи бир чет эл корхоналарини мисол қилиш мумкин. Масалан: Мексиканинг чегарага яқин ерларида Америка фирмалари ишлаб чиқарган маҳсулотни АҚШ бозорига етказиб берадиган завод қурилган (“Макиладорс”).¹

Экспорт саноат зоналарида тадбиркорлар машина, хом-ашё, унинг компонентларидан олинadиган бож ва бошқа тўловлардан озод қилинганлар. Чет эл фирмалари солиқ, даромад солиғи тўлашдан ва бошқа билвосита ва бевосита солиқ тўловларига нисбатан берилadиган “солиқ таътиллари”га эгалар. Уларга валюта кредити ва имтиёзли кредит олишда имтиёз ва эркинликлар берилган.

Эркин илмий техникавий зоналар. Ўзбекистон Республикасида эркин илмий-техникавий зоналар алоҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожлантиришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади.

Эркин илмий-техникавий зоналар юксак технологиялар зоналари, технопарклар, минтақавий инновация марказлари - технополислар шаклида ташкил этилади (қонуннинг 8-моддаси).

Эркин илмий-техникавий зоналар адабиётларда “технопарк”, “технополис”, “илмий парклар”, “технологик марказлар”, “ўқув марказлари” деб юритилади. Уларнинг ўзига хос жиҳати улар ҳудудида илмий ва ишлаб чиқариш технологик фаолият замонавий илмий-ишлаб чиқариш фирмалари шаклида бирлашиши ва йирик илмий тадқиқот маркази, университет миқёсида мавжуд бўлишидadir. Бундай зоналарни ташкил этишдан мақсад бутун моддий ва меҳнат ресурсларини, янги технологияларни саноатга тадбиқ этишни жадаллаштиришга сaфaрбар этиш, янги ишчи ўринларини таъминлаш, минтақада ва мамлакатда иқтисодни диверсификациялаш.

Илмий технология зоналари иқтисодий структурасида қайси соҳанинг устунлик қилишидан келиб чиқиб уларнинг 3 та тури фарқланади:

1) Инновация маркази - бу унча катта бўлмаган участкада жойлаштирилган иқтисодий тузилма бўлиб, эндигина яратилган кичик компания учун мўлжалланган.

2) Илмий парк — бу анча катта ҳудудга эга бўлиб, унда турли миқдор ва ривожланиш босқичидаги илмий ишлаб чиқариш фирмала-

¹ С.В.Дерюшина. Правовые аспекты понятия “С.Э.З.” жур. “Гос. и Право”, 1997. №5. 115-бет.

ри жойлашган бўлиб, маҳаллий тадқиқот маркази (университет)нинг илмий-техник қурилмалари асосида унча катта бўлмаган ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон беради.

3) Тадқиқот парклари — улар доирасида илмий-техник янгилик техник прототип босқичигача ишлаб чиқарилади. Бундай паркларда саноат компаниялари илмий тадқиқот, саноат конструкторлик муассасалари бирлашади. Масалан: Бостонда “Классик” тадқиқот парки ўзида компьютер техникасини ишлаб чиқариш бўйича 700 дан ортиқ саноат компанияларини бирлаштирган. Бироқ 22 миллион фунд худуднинг (саноат ва илмий иншоотларга ажратилган) 2/3 қисми илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик иншоотлари, бинолари билан банд. Илмий парклар 400 йиллик тарихга эга. АҚШда биринчи парклар Сан-Францискода, Бостонда, Буюк Британияда эса Кембриджда вужудга келган.

Чет эллик мутахассислар фикрича, 1986 йил бошларида АҚШда 100 дан ортиқ парклар мавжуд бўлган, Франция ва Буюк Британияда 26 та ва 36 та бўлган. ФРГда 1985 йилда 18 та шундай парклар бўлган, Японияда эса 20 та технополис бўлган. Осиёнинг янги саноат мамлакатларида 10 та технопарк мавжуд (Жанубий Корея, Сингапур, Таиланд, Малайзия, Тайвань).

Энг йирик илмий парк янги саноат мамлакатлари Тайванда 1980 йилда ташкил этилган. Ушбу паркда саноат-савдо илмий тадқиқот институти, микроэлектроника ишлаб чиқариш бўйича Тайвань компанияси, электроника илмий-тадқиқот институти, биотехнологияни ривожлантириш бўйича марказ ва 100 дан ортиқ саноат корпорациялари жойлашган. Фаолият тури бўйича туристик, суғурта, банк, оффшор (Швейцария, Сингапур, Гонконг, Кипр) ва бошқа зоналар мавжуд.¹

Юқоридагилардан ташқари халқаро тажрибада эркин иқтисодий зоналарнинг бошқа турлари ҳам мавжуд. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.

Комплекс эркин иқтисодий зоналар. Ўзида савдо, божхона, ишлаб-чиқариш, тадқиқотчилик функцияларини қамраб олган зоналар — комплекс эркин иқтисодий зоналар деб аталади. Бундай зоналарни ташкил қилишда зоналарда аниқ секторлар функцияси устунлиги ва уларни яратиш кетма-кетлигини аниқлаб олиш лозим. Ушбу зоналар шаҳарлар, районлар, вилоят ва ўлкалар (ёки уларнинг бир қисми)ни қамраб олганидан янги маъмурий-худуд ташкил этиш мумкин ёки зона таркибига қўшни туманнинг асосан янги хўжалик ўзлаштириш худудларини киритиш ва уларни қўшма тадбиркорлик зоналари сифатида ривожлантириш мумкин.

¹ Т.П.Данько. З.М.Окрут. Свободно экономические зоны в мировом хозяйстве. -М.: Инфра - М, 1998, 13—14-бетлар.

Эркин иқтисодий зоналар зона чегараларини расмийлаштириш ва уларнинг функцияланиш режимига кўра икки турга бўлинади: Анклаф (берк) ва интеграциявий эркин иқтисодий зоналар.

Анклаф эркин иқтисодий зоналар — ўз худудида ишлаб чиқарилган маҳсулотни эркин конвентация қилинадиган валютада ҳақ олиш учун экспорт қилишга мўлжалланган зоналардир. Ушбу зоналарни мамлакатнинг бошқа қисмидан маҳсулот ва фуқароларнинг ўз чегараларидан махсус ўтиш режими билан, эркин иқтисодий зоналарни зонадан ташқаридаги ички механизмдан иқтисодий мустақиллиги ўзига хос иқтисодий иқлимни яратувчи маъмурий ва иқтисодий услублар билан таъминланади.

Анклаф зоналар асосан мамлакатдан табиий ажратилган ҳудуд (орол, ярим орол, денгиз қирғоқлари ва бошқа)ларда ташкил этилади. Шунингдек у шаҳар ичида ҳам ташкил этилиши мумкин. Одатда анклаф зона иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг моддий аҳволи паст бўлган мамлакатлардан ташкил этилади.

Интеграциявий зоналар - миллий ва дунёвий иқтисод билан жипс фаолият юритиши учун янада эркин режимга эга бўлган зоналардир. Улар кўпроқ ривожланган бозор иқтисодиёти, халқаро меҳнат тақсимотига кенг кириб борган мамлакатларда ташкил этилади. Интеграциявий зоналар бозор иқтисодиёти ривожланган, байналмилаллашган иқтисодиётда мавжуд бўлади.

Интеграциявий зоналарда мамлакат худудида унификацияланган иқтисодий ва ҳуқуқий режим ўрнатилади. Иқтисодий зоналарга бериладиган ҳудудлар ҳажми турлича бўлиши мумкин. Масалан, улар бир неча километр квадратдан тортиб минглаб километр квадратгача бўлиши мумкин.

Эркин иқтисодий зоналар қанча мамлакатлар худудини қамраб олишига кўра: якка миллатли (мономиллатли), яъни битта давлат худудида жойлашган ва унинг қонунларига амал қиладиган ва байналмилал (халқаро) - бир неча мамлакатлар худудини қамраб олувчи ва унинг қоидаларига амал қилувчи зоналарга бўлинали.

Тўла қонли иқтисодий иттифоқ тузиш мақсадида интеграциявий гуруҳлар даставвал эркин зонасини тузадилар. Улар божхона иттифоқи ва умумий бозор орқали иқтисодий иттифоққа эволюциявий тадрижий йўл билан эришишга ҳаракат қилишади. Эркин саноат зоналари икки ёки ундан ортиқ миллий хўжаликларни бирлаштириш шакли, унинг доирасида иштирокчи давлатлар ўзаро савдо тўсиқларини ўрнатади. Бироқ айни пайтда ушбу давлатлардан ҳар бири бошқа мамлакатларга нисбатан ўз савдо тўсиқларини сақлаб қолади.

Иштирокчи мамлакатлар чегаралари божхона назоратини сақлаб қолади, бундан мақсад учинчи мамлакатлар орқали паст сифатли арзон товарлар кириб келишига йўл қўймаслик.

Божхона иттифоқи иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги маҳсулот ва хизматлар савдоси чекловларининг олиб ташланишини назарда тутади. Бунинг учун улар ягона ташқи савдо барьерлари тизимини тасдиқлашади. Масалан, Европа иқтисодий иттифоқи ҳозирги кунда айрим МДХ давлатлари (Россия, Белоруссия, Қозоғистон) ўртасида тузилаётган божхона иттифоқига бошқа МДХ давлатлари ва дуёнинг истаган бир мамлакати аъзо бўлиши мумкин.

Умумий бозор - бу халқаро иқтисодий эркин зоналар эволюциясининг навбатдаги босқичидир. Унда гуруҳлар ичида маҳсулотларнинг эркин ҳаракат қилиши билан бир пайтда ишлаб-чиқариш омиллари (сармоя, ишчи кучи) эркин ҳаракат қилади.

Тўлиқ иқтисодий иттифоқ унда иштирокчи мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати, савдо-сотиқ, ишчи кучининг ҳаракати, сармоянинг оқиб келишига нисбатан пул, солиқ ижтимоий сиёсати билан бирга унификациялашни кўзда тутади.

3-§. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий режими

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ўзининг ҳуқуқий режимига кўра ўзига хос жиҳатларга эга. Уларда алоҳида божхона, валюта, солиқ тартиботи, шунингдек, фуқаролар кириши, чиқиши ва бу ерда бўлишининг, меҳнат муносабатлари, молия-кредит фаолиятининг алоҳида тартиботи ҳамда инвестицияларни жалб этишга, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга ва зонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ўзига хос ҳуқуқий режим ўрнатилиши мумкин.

Эркин иқтисодий зоналарда алоҳида божхона тартиби белгиланади. Унга кўра товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш учун божхона божларининг бекор қилиниши ёки камайтирилиши назарда тутилади. Шунингдек, товарлар экспорти ёки импорти учун таърифдан ташқари чеклашларни бекор қилиш ёки енгиллаштириш назарда тутилиши ҳам мумкин. Эркин иқтисодий зоналарда товарларни белгиланган тартибда баённомага киритган ҳолда эркин иқтисодий зонанинг божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилиши мумкин.

Мамлакатимизда ташкил этилган ҳар бир эркин иқтисодий зона ҳудудида алоҳида божхона тартиботини республика божхона хизмати белгилайди. Эркин иқтисодий зоналарда белгиланган алоҳида божхона тартиботи эркин иқтисодий зона ҳудуди орқали товарларни транзит тартибда олиб ўтишга нисбатан қўлланилмайди.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида алоҳида валюта тартиботи миллий ва чет эл валюталарининг эркин муомалада бўлиши ҳамда айирбошланиши белгилаб берилади. Ушбу ҳудудда алоҳида валюта тартибо-

тининг амал қилиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

Эркин иқтисодий зоналар ҳўжалик фаолиятининг қатнашчилари, яъни фуқаролар, юридик шахслар ва бошқа субъектлар эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги Низомда ички ва ташқи инвесторлар учун тенг шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгиланган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатимиз ҳудудида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаш учун энг аввало маҳаллий меҳнат ресурслари жалб этилади. Бундан ташқари республикамизнинг бошқа минтақаларида яшовчи шахслар ва чет эллик фуқаролар ҳам жалб этилиши мумкин. Ушбу зоналарга ишчи кучини жалб этиш тегишли ҳудуднинг ишга жойлаштириш хизмати меҳнат биржалари орқали амалга оширилади.

Эркин иқтисодий зоналарда меҳнат муносабатлари қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ва якка тартибдаги меҳнат шартномалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолият юритаётган фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.

Эркин иқтисодий зоналарда инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча кафолатлари ва имтиёзларига риоя этилиши таъминланади. Низомда қўшимча кафолатлар ва имтиёзлар назарда тутилиши мумкин.

Давлат органлари ва бошқа органлар ёхуд мансабдор шахсларнинг юридик шахслар ҳамда фуқаролар (жисмоний шахслар) фаолиятига асосиз аралашуви натижасида уларга етказилган зарар, шунингдек бой берилган фойда ва етказилган маънавий зиён суд тартибида қопланиши лозим.

Эркин иқтисодий зона мустақил бюджетга эга бўлади.

Эркин иқтисодий зонани шакллантириш босқичида кредитлар бериш ёки ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектларини тўғридан-тўғри инвестициялаш тарзида республика бюджети ва маҳаллий бюджетдан маблағлар жалб этилиши мумкин.

Эркин иқтисодий зонанинг бюджети зона маъмуриятининг тасарруфидаги ер, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан, турли хизматлар кўрсатишдан келадиган тушумлардан ва Низомда белгиланган бошқа тушумлардан ташкил топади.

Эркин иқтисодий зонага чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши, иқтисодий зоналардан чиқиши ва шу ҳудудда бўлишининг Низомда белгилаб қўйиладиган соддалаштирилган тартиби жорий этилиши мумкин.

Эркин иқтисодий зона қатнашчиларининг зонага киритган инвестициялари ва таваккалчилигини суғурта қилиш ихтиёрий суғурта шартномаси асосида амалга оширилади.

Эркин иқтисодий зоналарни бошқариш Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонунга ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ амалга оширилади. Зонанинг фаолиятини эркин иқтисодий зона Маъмурий кенгаши мувофиқлаштириб туради. Унинг оператив бошқарув органи зона Бош дирекцияси ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зонанинг Маъмурий кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, тармоқ бошқарув органлари, инвесторлар, шу жумладан чет эл инвесторлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларида тузилади.

Республикамизда ташкил этилган эркин иқтисодий зонанинг Маъмурий кенгашига раис бошчилик қилади. Эркин иқтисодий зонанинг чегаралари мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирлиги (шаҳар, туман, шаҳардаги туман) чегараларига тўғри келган тақдирда Маъмурий кенгаш раисининг вазифаларини ижро этиш тегишли ҳоким зиммасига юкланади.

Эркин иқтисодий зонанинг Маъмурий кенгаши:

- эркин иқтисодий зонанинг ҳуқуқ тартиботига риоя этилишини назорат қилиб боради;

- зонани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади;

- инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча шартлар белгилайди;

- зонанинг ҳар йилги бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Эркин иқтисодий зона Маъмурий кенгаши ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар эркин иқтисодий зона ҳўжалик фаолияти қатнашчилари ижро этиши учун мажбурийдир.

Эркин иқтисодий зона чегаралари ичида жойлашган давлат мулки объектлари (ер, сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар, бинолар, иншоотлар) жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколат доирасидаги қарорига биноан оператив бошқарув ёки тўлиқ ҳўжалик юритиш ҳуқуқи билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зона Маъмурий кенгашига топшириб қўйилиши мумкин.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари эркин иқтисодий зона Маъмурий кенгашига топшириб қўйилган ер, ер ости бойликлари, атроф-муҳит ва бошқа объектлардан оқилона фойдаланилиши ҳамда уларнинг муҳофаза қилиниши устидан назоратни таъминлайдилар.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида жойлашган давлат мулки объектларини хусусий мулк қилиб сотиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Эркин иқтисодий зона Бош дирекцияси:

- алоҳида ҳуқуқий тартиботнинг амал қилишини таъминлайди;
- танлов асосида чет эл капиталининг жалб этилишини амалга оширади;

- зонани ривожлантириш дастури рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

- хўжалик, молиявий ва бошқа фаолият билан шуғулланаётган корхоналар ва ташкилотларни рўйхатга олади;

- экологик вазиятнинг яхшиланиши устидан назоратни таъминлайди, шунингдек, тарихий-маданий бойликларнинг сақланиши учун жавобгар бўлади;

- Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги Низомда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Зона Бош дирекцияси, Низомда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, корхоналар ва ташкилотларининг оператив хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Эркин иқтисодий зонанинг Бош дирекцияси зона Маъмурий кенгаши томонидан тузилади ва унга ана шу кенгашнинг ўзи тайинлайдиган бош директор бошчилик қилади.

Ташкил этилган эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолият юритаётган юридик шахслар ва фуқаролар зона Бош дирекциясида рўйхатдан ўтишлари лозим. Зона бош дирекцияси рўйхатдан ўтганлик тўғрисида юридик шахсларга гувоҳнома беради ва бу ҳақда тегишли органларга хабар қилади.

ХIII БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Эркин иқтисодий зоналар тушунчаси.
2. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва тугатиш асослари.
3. Комплекс эркин иқтисодий зоналар.
4. Эркин савдо зоналари.
5. Эркин ишлаб-чиқариш зоналари.
6. Эркин илмий-техникавий зоналар.
7. Анклаф эркин иқтисодий зоналар.
8. Интеграциявий зоналар.
9. Божхона иттифоқи.
10. Умумий бозор.

11. Тўлиқ иқтисодий иттифоқ.
12. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий режими деганда нима тушунализ?
13. Эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши.
14. Эркин иқтисодий зона бош дирекцияси.

Тавсия этилган адабиётлар

Каримов И. - “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. —Т.: “Ўзбекистон”, 1992 й.

Каримов И. - “Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли”,—Т.: “Ўзбекистон”, 1993 й.

Данько Т.П., Окрут З.М. Свободно экономические зоны в мировом хозяйстве. -М.: ИНФРА -М, 1998, 13-14-бет.

С.В.Дерюшина. Правовые аспекты понятия “С.Э.З.”// жур. “Гос. и Право” 1997. № 5.

Чжен В.А. Рыночное регионально-отраслевое развитие”. 5 т. Т: Издание госкомимущества РУз, 1997.

Кочетов Э.Г. “Ориентиры внешнеэкономической деятельности”, Экономика, 1992.

Спой Изоще, Цай Женцюнь. Специальные экономические зоны Китая. Новосибирск, 1993.

Исмаилов Б. Автореферат дис. на соиск. уч. ст. к.ю.н. Теоретические проблемы правового регулирования специальных экономических зон. - Т.: 1997.

XIV БОБ

ХАЛҚАРО КРЕДИТ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

1-§. Халқаро кредит ва ҳисоб-китобларга оид ҳуқуқий муносабатлар

Умумжаҳон ҳўжалик ҳаётининг байналмилаллашувида халқаро доирада мамлакатлараро капитал импорти ва экспорти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу муносабатлар мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса жаҳоннинг кўплаб ривожланаётган мамлакатлари чет эл инвестициялари ва кредитига муҳтождирлар.

Ҳозирда капитал экспорти билан шуғулланувчи мамлакатларнинг аксариятини саноати ривожланган давлатлар ташкил қилмоқда.

Масалан, АҚШнинг четга капитал қўйиш салмоғи юқори эканлиги сезилиб турган бир пайтда, унинг Ғарбий Европа давлатлари ва Японияга нисбатан ўсиш суръатларининг пасайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. 1975 йили Ғарбий Европадаги иқтисоди ривожланган давлатларнинг қўйган капитали умумий қўйилган капитал ҳажмининг 35,9 %ни ташкил этган бўлса, 1990 йилга келиб бу кўрсаткич 52% ни ташкил қилган. Кўзда тутилган инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланишига эътибор қаратилса, унда ривожланаётган мамлакат бўйича бу кўрсаткич 21,2%, Африка қитъасидаги мамлакатлар 2,6%, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари 9,6%, Жануби-Ғарбий Осиё мамлакатлари 0,5 %, Лотин Америкаси мамлакатлари 8,5%, Океания мамлакатларида 0,2% гача пасайганлигини кўриш мумкин.

Ҳозирда чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобига ўз миллий иқтисодиётини тиклаб олган ва тайёр маҳсулотлар экспортини муваффақият билан амалга ошираётган мамлакатларнинг сони ортиб бормоқда (Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур, Гонконг, Аргентина ва ҳ.к.). Бу каби мамлакатлар ҳозирги чет давлатларнинг банкларидан олган кредит суммаларини ҳам тўлашга эришмоқда.

Халқаро кредитга оид ҳуқуқий муносабатлар — бу шундай шартномавий муносабатки, унда бир тараф чет эл элементи, яъни чет эл мамлакатининг банклари, фирмалари, компаниялари, юридик ва жисмоний шахслари, Транс Миллий Корпорациялари ва чет давлатнинг ўзи бошқа давлатга, унинг юридик ва жисмоний шахсларига фоизлар

ҳисобида, шартномаларда белгиланган муддатларда қайтариш шarti билан берадиган кредитга оид муносабатлардир.

Халқаро кредитга оид ҳуқуқий муносабатлар хусусида ҳуқуқшунос олимлар турлича фикр-мулоҳазалар юритиб, унинг вужудга келишини алоҳида таърифлайдилар. Жумладан, Л.Красавина, - “Халқаро кредит капиталист ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлди ва у ўзини бошлангич маблағларнинг йиғилишида асосий ўрнини топди”¹ — дейди.

Кредит бир неча тоифаларга бўлиниб, асосан у бозор иқтисодиёти қонуниятларининг йиғиндиси, шунингдек бошқа иқтисодий категориялар — товарлар, хизматлар, маблағлар категориялари билан бевосита боғланган ҳисобланади. Халқаро кредит асосан иқтисодий қонунлар талабидан келиб чиқиб, бозор иқтисодиёти субъектларининг даромад олишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Халқаро кредит ҳозирги давр иқтисодиёт қонунлари асосида жонли ва моддийлаштирилган меҳнат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у олинган воситаларнинг таъсирида фойдаланиш шароитида жамоат бойлигининг ортишига олиб келиши мумкин.

Халқаро кредит ўзининг кўп хиллиги билан ажралиб туради. Масалан: Халқаро савдо тижорат кредитида экспортчи импортчига товар кўринишида тўлаш шarti билан товар беради. Кредит муносабатлари деганда томонларнинг шундай келишуви тушуниладики, унда кредитор қарздорга валюта кўринишдаги қимматликларни фойдаланишга беради, қарздор эса ўз навбатида келишилган муддатда ташқи савдо битимига асосланиб, фоизларни ўз вақтида тўлайди ва шу кредитни ўз хоҳиши бўйича сарфлайди.

Бу муносабатлар давлатлараро ва фуқаролик ҳуқуқий битимлар асосида келиб чиқади. Ҳозирги даврда кредит муносабатларини халқаро доирада ҳуқуқий тартибга солувчи шартномаларнинг йўқлиги сабабли томонлардан шартномалар бўйича юқори даражада ўзаро келишиб олишга эришишларини талаб қилади. Чунки томонлар ўзаро бирон-бир шартномани имзолаш даврида бериладиган кредит миқдори, кредитнинг қайси валютада берилаётганлиги, фоизлар ставкаси, қайтариш муддати ва қайси ҳуқуқни қўллашликлари ҳақида келишиб олмаган бўлсалар, шартнома шартларининг бажарилишини таъминлашда низо келиб чиққан тақдирда унинг ечимини топишда бирмунча қийинчиликларга дуч келишлари мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам кредитнинг турлари жуда кўп; кредит экспортчилари транс миллий корпорациялар, банклар, ташкилотлар, молия корпорациялари ва давлатлар бугунги кунда кредитга эҳтиёжи бор

¹ Қаранг: Красавина Л., Международные валютно-кредитные отношения. М.: 1994. 543-бет.

давлатларни иқтисодини барқарорлаштириш, валютасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни, ер ости бойликларидан фойдаланишни ривожлантириш учун техник ёрдам, лизинг, концессия шартномалари, инвестициялар ёрдами билан жаҳон бозорига рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш кўзда тутилади. Албатта бундай шароитларда халқаро кредит муносабатларига оид айрим муаммоларга ҳам дуч келиш мумкин. Халқаро ташкилотлар кредит беришда кредит оладиган давлатларнинг шу маблағлардан аниқ мақсадларда фойдаланиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий режаларини чуқур таҳлил қилиб, уларга кредит беришнинг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини кўриб чиқадилар ва лозим бўлганда улар билан кредит шартномаларини тузадилар. Шартномалар имзоланиши жараёнида кредиторлардан кафолатлар талаб қилиниши мумкин. Чунки берилаётган кредитлар аниқ мақсадлар йўлида ишлатилмасдан, балки айрим сабабларга кўра ноаниқ мақсадларга ишлатилиши мумкин.

Акциядорлик сармоясининг ҳаракати кредит шаклига ўхшаш бўлсада, асосан унда акция эгаси фақат фоиз шаклида фойда олиши билан бир қаторда унинг сармояга нисбатан эгалик ҳуқуқи ўзида сақланиб қолаверади.

Тарихан халқаро кредит алоқалари халқаро савдога қўлланилган, мантиқан эса сармоя ҳаракатига хусусий сармоянинг ривожланаётган мамлакатлар оламига сўнги йилларда тўлиқ асосан иқтисодиёт тараққиётида ютуқларга эришган мамлакатларга етиб келди. Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади.

Бошқа мамлакатлар ҳам шундай фойда кўришлари мумкинми? Улар капитални жалб этиш учун алоҳида ён беришлари керакми? Кўпгина мамлакатларда реал солиқ имтиёзлари ва бошқа рағбат омиллар таклиф этилади, лекин сармояни инвестициявий муҳитнинг бу унсурлари қизиқтирмайди.

Хорижий сармоя эгалари фойда олишдан манфаатдор, аммо таваккаллик уларни жиддий хавотирга солади. Улар учун асосий ўзига тортадиган омиллар ривожланган инфратузилма, ишончли ва малакали меҳнат ресурслари, даромад ва капитални чет элга ўтқизиш, ижтимоий ва сиёсий барқарорликдан иборат. Бугунги кунда бу омилларнинг ҳар қайсиси анча сезиларли даражада ўз аксини топмоқда.

Ҳозирги босқичда ҳар қандай давлатнинг тез суръатларда ривожланишини хорижий инвестицияларни жалб этмай туриб таъминлаб бўлмайди.

Ташқи иқтисодий муносабатлар ҳам янги сифатларга эга бўлиб бормоқда; икки мамлакатнинг хўжалик вакиллари ўртасида савдо ва хизмат кўрсатишдан ташқари алоҳида ишлаб чиқариш, молия ва савдо алоқалари ҳам ривожланмоқда. Бундай алоқалар асосан тадбиркорлик фойдаси ёки фоизлар олиш мақсадларида хорижга пул ёки товар шак-

лида қийматлар ва капитал чиқаришдан иборат. Агар товарлар билан ташқи савдо уларнинг итёмол қийматлари ёки фойдасини айирбош-лашда ифода этилса, капиталнинг кўчиш жараёнида эса янада мураккаброқ иқтисодий ўзаро алоқадорликка, масалан чет эл инвестицияларига дуч келиш мумкин.

Чет эл инвестициялари инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига ва бошқа турдаги фаолият объектларига кутаётган мулкӣ бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқларнинг, шунингдек интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг барча турлари чет эл инвестициялари ҳисобланади. Ҳойликларнинг бирламчи ёки такрор кўриниш шаклининг бирон-бир тарзда ўзгариши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб келмайди.

Хорижга ссуда капитали чиқариш билан тадбиркорлик капитали чиқариш бир-биридан фарқланади.

Ссуда капиталининг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги ҳаракати “Халқаро кредитлар” шаклида амал қилади.

“Халқаро кредит”— бу бир мамлакатдаги кредиторнинг бошқа мамлакатдаги қарз олувчига қайтаришлик, моддийлик ва фоиз тўлаш шартлари билан берадиган пул ёки товар кўринишдаги ссудадир.

Ссуда маблағи (сармоёси)—мамлакатнинг халқаро қарзлар, кредитлар шаклида чиқарадиган ёки киритадиган ҳамда ссуда фоизи келтирадиган капиталидир.

“Халқаро кредит”— феодализм даврида пайдо бўлган. Ҳарбий юришларни ҳамда монарх ва зодагонлар саройлари харажатларини қоплаш учун қарзга маблағлар олинган. Бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан халқаро кредит ташқи савдога хизмат кўрсата бошлади ва жаҳон хўжалик алоқаларининг муҳим элементига айланди. Бундай кредит турли мамлакатлардаги кредиторлар билан қарз олувчилар ўртасидаги муайян муддатга ҳамда фоиз тўлаш шартлари билан ссуда бериш, фойдаланиш ва уни қайтариш бўйича пайдо бўладиган муносабатларни ўзида ифода этади. Шундай қилиб, ссуда маблағини чиқариш бошқа мамлакатлар ҳукуматлари ёки тадбиркорларига қисқа ёки узоқ муддатли қарзлар берилишини билдиради.

Четга маблағ чиқариш XX аср бошларида авж олди. Дастлаб ссуда маблағини четга чиқариш аксарият хусусий шаклда, яъни давлатнинг аралашувисиз олиб борилди. Кейинчалик бундай фаолият “халқаро кредит” муносабатларига тобора кўпроқ аралаша бошлаган ҳукуматлар томонидан рағбатлантирила бошланди.

Хорижий кредитлар бир қанча тоифаларга бўлинади, жаҳонда у ёки бу мамлакат бошқа мамлакатнинг иқтисодий дастурига ёрдам бериш мақсадларида молиявий воситалар бериш иши кенг тарқалган. Бундай ҳолларда давлатлараро шартномалар тузилади. Шартнома мо-

лия ресурслари берадиган ихтисослашган ҳукумат молия муассасаларининг ажратиладиган кредитларини беришни, суғурталашни ва кафолатлари таъминланишига асосланади. Бундай ихтисослашган ҳукумат молия муассасаларидан KFW ёки АКА банкларини, HERMES (Германия), SACE (Италия), ECCD (Буюк Британия), EIDFMITIC (Япония), CESCE (Испания) каби экспортни кредитлаш вакилларини санаб ўтиш мумкин.

АҚШ, Япония, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги экспорт-импорт банклари, ECD (Канада) каби вакиллар эса лойиҳаларни бевоқифа кредитлашни таъминлайди.

Одатда бундай молиялаштириш кредитни оладиган мамлакат ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланадиган кафолат асосида амалга оширилади. Бундай ишга фақат катта олтин валюта заҳираларига ва бошқа ликвид активларга эга бўлган мамлакатгина қўл уриши мумкин. Ўзбекистонда молиялаш турининг шундай усули асосида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Булар қаторига Германия, Япония, АҚШдаги экспорт-импорт банклари берган кредит ресурслари ёрдамида иқтисодий инфратузилма соҳасида ғоят муҳим лойиҳалар мавжуд.

Ташқи инвестиция қарзларининг яна бошқа бир тоифаси халқаро молия муассасалари у ёки бу мамлакатдаги инвестиция лойиҳаларини кредитлайди. Ўзбекистондаги лойиҳаларни молиялашни амалга оширишда кўмаклашувчи энг нуфузли халқаро банклар бўлиб, улар қаторига Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки, Осие ривожланиш банкларини киритиш мумкин. Четдан олинган қарз муайян таваккалчилик билан боғлиқ, шунинг учун давлат ёки хусусий тармоқ доирасида чет эл инвестицияларидан оқилона фойдаланилмаслик мамлакатга жуда қимматга тушиши мумкин.

2-§. Ўзбекистон Республикасининг валютага оид қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар

1 Халқаро валюта муносабатлари ва валюта тизимлари. Халқаро валюта муносабатлари пулнинг халқаро тўлов оборотида амал қилиш жараёнида вужудга келади. У ташқи савдо билан бирга пайдо бўлди ва ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтди. Тарихий тараққиёт давомида жаҳон пули шакллари ва халқаро ҳисоб-китоб шакллари ўзгарди. Айни вақтда валюта муносабатларининг аҳамияти ўсди ва уларнинг нисбатан мустақиллик даражаси ошди. Товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи ҳаракати мамлакатдан мамлакатга кўчадиган пул муассасалари оқими зурурлиги халқаро валюта тизими ва жаҳон валюта тизимларининг шаклланишига олиб келади. Валюта — бу мамлакат пул бирлиги. Жуда қисқа маънода — бу чет эл давлатларининг пул белгилари. Ҳар бир миллий бозор хусусий миллий валюта тизимига эга.

Миллий валюта тизими мамлакатлар пул тизимларининг бир қисми бўлиб, унинг доирасида валюта ресурслари шаклланади ва фойдаланилади, халқаро тўлов обороти амалга оширилади. Унинг таркибига қуйидаги элементлар киради: миллий валюта бирлиги; валюта курси тартиби, валютанинг қайтувчанлик шароити, валюта бозори ва олтин бозор тизими, мамлакат халқаро ҳисоб-китоблар тартиби, ундан олтин-валюта захираларини бошқариш тартиби ва тизими, мамлакат валюта муносабатлари тизимини тартибга солувчи миллий муассасалар статуси. Миллий валюта тизимлари миллий қонунчилик асосида халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳисобга олишни шакллантиради. Унинг хусусиятлари мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ва шароитлари, унинг ташқи иқтисодий алоқалари, ижтимоий ривожланиш вазифалари билан аниқланади.

Миллий валюта тизими базасида жаҳон бозори ривожланиши асосида таркиб топган ва давлатлараро келишувлар билан мустақамланган халқаро валюта муносабатларини ташкил қилиш шакли бўлган жаҳон валюта тизими амал қилади. Қуйидагилар унинг таркибий элементлари ҳисобланади: асосий халқаро тўлов воситалари (миллий валюта, олтин, халқаро валюта birlikлари –ЕВРО, СДР, ЭКЮ); валюта курсларини ўрнатиш ва ушлаб туриш механизми. Халқаро тўловларни баланслаштириш тартиби, валютанинг қайтарувчанлик шароити, халқаро валюта бозори ва олтин бозори тартиби, валюта муносабатларини тартибга солувчи давлатлараро муассасалар статуси.

Халқаро валюта тизими орқали мамлакатлараро барча ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш муносабатлари шаклланади. Валюта муносабатлари пайдо бўлиши ва ривожланишининг объектив асосини халқаро меҳнат тақсимооти, товар ишлаб чиқариш, халқаро савдо, сармояларнинг халқаро инвестициялар шаклида ҳаракатланиши ташкил қилади.

Жаҳон валюта тизими товарлар билан савдо-сотиқ қилиш, хизматлар кўрсатиш, сармояларнинг ҳаракати шаклидаги ташқи иқтисодий алоқаларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишга доир давлатлараро битимлар мажмуасидан иборат бўлади.

Халқаро товарлар савдо-сотиққа жалб қилинган, ташиш, суғурта ва ҳоказо билан боғлиқ, халқаро кредит берувчи ёки олувчи хўжалик вакиллари мамлакат ичидаги хўжалик битишувлари учун хос бўлмаган муаммога дуч келади. Бу товарлар ва хизматлар импорти ва экспорти битимлари бўйича халқаро ҳисоб-китоблар шартларини аниқлаш муаммосидир. Мамлакатимиз ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб муомалада юрадиган ягона тўлов воситаси сўм ҳисобланади.

Жаҳонда 100 дан ортиқ ҳар хил валюта бирликлари мавжуд. Барча миллий пул бирликлари муайян давлатлар ичида товарлар ва хизматларнинг олди-сотдиси, кредит битишувлари бўйича ҳужалик келишувларига хизмат кўрсатади. Бироқ, товарлар ва хизматлар сотиб олинган ва сотиладиган ёки пул ва сармоялар оқими жараёнида миллий пул бирлиги тўлови ёки ўтказиш учун зарур валютани сотиб олиш эҳтиёжи туғилади. Шунда ҳужалик вакиллари ўзлари учун зарур валютани тегишли курс бўйича керакли ҳажмда сотиб олишлари мумкин бўлган валюта бозорига мурожаат қилади. Валютани сотиб олиш ёки сотиш зарар кўриш, таваккалчилик билан боғлиқ. Масалан, товарларни чет элга сотиш натижасидаги экспортчилар чет эл валютасида кўрадиган фойда халқаро валюта бозорларида ўша валютанинг қадрсизланиши натижасида камайиб кетиши мумкин.

Халқаро валюта тизими ўз тараққиётида бир неча юксак босқичларни босиб ўтди. Халқаро валюта тизимининг дастлабки шакли олтин андоза тизими бўлиб, у 1870 йилдан 1914 йилгача давом этган. Унинг моҳияти мамлакатлар ўртасида халқаро савдо-сотиқ қизғин ривожланган XVII-XVIII асрларда Фарбий Европанинг кўпчилик далавлари пул бирликларини олтин эркин алмаштириш тажрибасидан кенг фойдаланганлар. Ўша даврларда иқтисодиёт фанида меркантилчилар ғояси ҳукмронлик қиладиган ва бу ғояга кўра, миллатнинг бойлиги экспортнинг импортдан устунлик қилиши натижасида мамлакатга олтин ва кумушнинг оқиб кириши билан боғлиқ эди:

1876 йилдаги Париж шартномасига мувофиқ, олтин андозанинг асосий аломатлари куйидагилар деб белгиланган.

1. Давлат пул бирлигининг муайян олтин миқдорига тенглигини белгилаб қўйиш ва пулларни ёзилган қиймати бўйича олтинга эркин алмаштириш;

2. Давлат томонидан алмаштириладиган қогоз-кредит пуллари билан заҳираси ўртасида қатъий поритет (тенглик)нинг қўллаб қувватланиши;

3. Олтин импорти ва экспортига тўсиқлар йўқлиги; 20-йиллар охири 30-йиллар бошида капиталистик мамлакатлар ўз домига тортган депрессия (тушкунлик) олтин девиз андоза тизимига ўтилишига сабаб бўлди. Депрессия даврида кўпчилик мамлакатлар ўз ички муаммоларини ҳал қилишга интилиб, миллий валюталарни девальвация қилиш (курсни пасайтириш)га мажбур бўлишди.

1944 йилда Бреттон-Вуд конференциясида берилган валюта курсларининг анча либерал, эркинлаштириш олтин-доллар андозаси тизими сифатида долларнинг халқаро резерв валюта сифатида олтинга алмаштирувчанлигига асосланган эди.

Конвертланган валюта деганда муайян пул бирлигининг бошқа валюталар билан эркин алмашуви тушунилади. Конвертланган совет

сўм (рубл) деганда эса, сўмнинг бошқа валюталарга эркин алмашадиган обрў-эйтиборли валютага айланиши англанади. Конвертланган сўм 1922 йил пул ислоҳотида жорий қилинган, унинг қадр-қиймати олтин билан таъминланган, чунки муомалада олтин билан таъминланган, 1930 йилларга келиб олтин пул муомаладан чиқиб кетгач, сўм (рубл) конвертацияланиш хусусиятини йўқотган эди.

Сўмнинг ички эркин айирбошланиши бир кунлик масала эмас, ривожланган мамлакатлар ҳам бунга бир неча йиллар сарфлашган. Бунга эришиш учун қуйидаги шарт-шароитлар бўлиши керак:

Биринчидан, макроиқтисодий барқарорликни мустақамлаб, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ва экспортни кўпайтириш лозим.

Иккинчидан, пул кредит сиёсати юрғизиш пул массасининг ўсиш суратларини чеклаш орқали қадрсизланиш даражасини пасайтириш ва уни бутунлай тизимлаш керак.

Сўмнинг жаҳон миқёсида конвертланган, яъни эркин айландиган даражага эришиши учун миллий пул товарлар билан таъминланган. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари, юридик шахслар, резидентлар ҳамда хорижий фуқаролар ва юридик шахслари норезидентлар ўз ихтиёрида бўлган Ўзбекистон пулини ҳеч қандай тўсиқсиз чет мамлакатнинг валютасига хоҳлаган миқдорда алмашиш ҳуқуқига ва имкониятига эга бўлиши пулнинг эркин муомалада бўлишини билдиради.

Миллий сўмнинг жаҳон миқёсида эркин айланиши ички бозоримизни дунё бозори билан бириктиради ва ўз навбатида, миллий иқтисодиётни жаҳон бозорига мослаштиради, ишлаб чиқаришнинг миллий хусусиятларини, шунингдек, сарф-харажатлар, баҳо, маҳсулот сифати ва бошқа жиҳатларни ҳам дунё даражасига кўтаради.

Шундай қилиб сўмнинг эркин айланиши фақат резидентлар учунгина бўлса, бу ҳолда сўм фақат Ўзбекистон доирасида ички конвертланишдан иборат бўлиб қолади, акс ҳолда эса ташқи, яъни жаҳон миқёсида конвертлашдан иборат бўлади. Бу жараён тўла бўлиши учун сўмнинг айланиши жараёнида барча чет мамлакатлар билан олиб бориладиган иқтисодий муносабатларни батамом қамраб олиши лозим.

Шу даражага етиш иқтисоднинг қудратли ва соғлом эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда фақат ривожланган мамлакатлар валютаси дунё бўйлаб эркин муомалага айланмоқда.

Келажақда сўмнинг худди хориж валютасидек эркин муомалада бўлишига эришиш учун босқичма-босқич қадамлар қўйилмоғи зарур, лекин сўмнинг бугунги кунда конвертланмаганлигининг қуйидаги асосий сабаблари бор:

- валюта курсининг номувофиқ қўйилиши;
- оқилона бўлмаган ички баҳолар;

- товарларнинг конвертланмаганлиги ёки рақобатга бардош бера олмаслиги;
- экспорт-импорт сиёсатининг нобоплиги, мукаммал эмаслиги, самарасизлиги.

Биринчи сабаб бозор иқтисодиётининг асосий касали, қолганлари “режали” иқтисодиётнинг натижасидир.

Пулнинг конвертланишига бир лаҳзада эришиб бўлмайди. Бу узоқ муддатли жараён. Мисол учун, АҚШ, Фарбий Олмония, Япония мамлакатлари ўз валюталарининг конвертланганлигига бир неча ўн йил мобайнида эришганлар. Худди шу мамлакатлар қатори сўмнинг конвертланишига қандай қилиб эришиш мумкин деган савол туғилади.

Сўмнинг конвертланиши, яъни унинг эркин айланиши учун энг муҳим шартлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- иқтисодиётни монополиядан чиқариш;
- хусусий секторни ривожлантириш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигига эришиш;
- иқтисодиётга экспорт йўналишини бериш;
- жаҳон нарх-навосидан келиб чиққан ҳолда тенг халқаро товар айирбошлашига эришиш;
- мустақил валюта ресурслари, валюта бозорига эга бўлиш, миллий валюта курсини тўхтовсиз пасайтириш;
- инфляцияни тизгинлаш ва шу кабилар.

Сўмнинг ташқи айланадиган, конвертланган бўлишида хорижий мамлакатларнинг ёрдами катта аҳамиятга эгадир. Бунинг учун ушбу жараёнда қатнашадиган манфаатдор хориж давлатларнинг бевосита савдо иқтисодий алоқаларининг ривожланиши, тажриба алмашиш ва мутахассисларни ўқитиш ҳамда бевосита мамлакат учун хизмат қиладиган инвестицион фондларни вужудга келтириш ёрдами жуда зарурдир.

2. Халқаро ҳисоб-китобларда банклар, фондлар. Халқаро валюта-молия соҳасида муҳим ўринни Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ХХКБ—БМР) эгаллайди ва у банклар фаолиятини халқаро тартибга солишда етакчи ўринда туради. ХХКБ амалда барча Европа мамлакатлари банклари, Канада, Австралия, Япония ва АҚШ тижорат банклари гуруҳини бирлаштиради. Етмишдан кўп марказий банклар ўз эҳтиёж валюталари маблағларини ХХКБ ҳисоб (счёт)ларида сақлайди. Унинг кўмиталари ва таркибий қисмларида ишлаб чиқилган давлат томонидан тартибга солиш ва банк фаолияти устидан назорат қилиш қоидалари аъзо мамлакатлардаги барча тижорат банклари учун мажбурий ҳисобланади. Охириги йилларда санаб чиқилган барча халқаро иқтисодий муассасалар, амалда Шарқий Европа ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари валюта-молиявий соҳасига таъсир кўрсатиш муаммолари

билан фаол шуғулланади. Бу ёрдамни уйғунлаштириш учун 1990 йил таъмирлаш ва ривожлантириш Европа банки (ТРЕБ) ташкил қилинди. ТРЕБ фаолияти Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида реформа қилиш жараёни билан боғлиқ турли хилдаги дастур ва лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган. Валюта соҳаларини уйғунлаштириш ҳукумат даражасида ҳам ва давлатлараро валюта-молия муассасалари орасида ҳам рўй беради. Валютани тартибга солиш соҳасида энг муҳим ролни Фарбдаги етакчи етти мамлакатларнинг йиллик иқтисодий кенгаши, халқаро валюта фонди, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, халқаро ҳисоб-китоблар банки ўйнайди. Улардан айримларининг ролини батафсил қараб чиқамиз. ХВФ ўз низомига биноан халқаро валютали ҳамкорликка аъзо мамлакатлар валюта курсларини ва тўлов балансларини тартибга солиш, ривожланаётган мамлакатларнинг кўп томонлама тўлов тизими ва ташқи қарзларини назорат қилиш, аъзо мамлакатларга уларнинг валюта-молия муаммоларини ҳал қилиш учун кредит бериш йўллари билан таъсир кўрсатишга хизмат қилади.

1970 йилда ХВФ қарз беришнинг махсус халқаро тўлов ва эҳтиёт воситалари (СДР)ни чиқаради. СДР — халқаро ҳисоб-китоб бирлиги бўлиб, нақд белги (пул)лар кўринишида мавжуд бўлмайди, аъзо мамлакатлар марказий банклари ўртасидаги ҳисоб-китобларда фойдаланилади. СДР қиймати аъзо мамлакатларнинг (АҚШ, ГФР, Франция, Англия, Япония) валюталари ўртача қийматининг валютали халта номланувчи қиймати асосида ҳисобланади).

СДР га кирувчи валюталарнинг жаҳон иқтисодий оборотидаги нисбий аҳамиятидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш мақсадида СДР таркибини кўриб чиқиш 5 йилда 1 марта амалга оширилади. 1991 йил 1 январдан бошлаб Америка долларининг ҳиссаси 40% , Япония йенаси 17% , немис маркаси 21% , Англия фунт стерлинги ва француз франки 11% ни ташкил қилган.

Халқаро ҳисоб-китоб пул бирлигининг пайдо бўлиши (СДР, ЭКЮ) жаҳон ҳамжамиятига кирувчи мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро қўшилиб кетишининг кучайишидан гувоҳлик беради. Шу билан бирга уларга жаҳон валюта тизими барқарорлигини таъминлаш воситаси сифатидаги ишонч оқланади. Халқаро ҳисоб-китобларда олдингидек асосий восита бўлиб миллий валюталар чиқарилмоқда. Етакчи мавқеини АҚШ доллари сақлаб келмоқда. Нима сабабдан АҚШ доллари етакчи мавқеини сақлаб турмоқда, деган саволга қуйидагича жавоб берамиз, АҚШ дунё иқтисодиётига таъсир эта оладиган мамлакат, дунёнинг ҳар бир жойида инвесторлари бор десак бежиз эмас, шунинг учун доллар бутун дунёда эркин ҳаракатда, экспорт кўрсаткичлари юқори даражада ва шу экспорт тушумидаги маблағлар билан Чейз

Манхеттен Банк, Ситибанк, Bank of America, Дж Пи Морган, сингари йирик банклар ишлайди. Ўзбекистонда эса бу универсал банкларга мисол қилиб Альп-Жамол, Ўзбекистон ташқи миллий банки ва бошқа бир қатор банкларни келтириш мумкин, уларда тўловлар энг замонавий “SWIFT”, “REUTER”, “VISA” тизимлари орқали бир неча сонияда амалга оширилади, ўтказилади, жаҳоннинг исталган мамлакатида экспорт, импорт, носавдо ва бошқа операциялар бўйича хорижий ҳамда пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Халқаро банклар асосан қуйидаги хизматларни кўрсатишга ихтисослашган:

Товарлар импорти ва экспорти билан боғлиқ халқаро ҳисоб-китоблар бўйича тўловларга хизмат кўрсатиш, резидент мижозларнинг чет эл қимматли қоғозларини ва норезидент мижозларнинг маҳаллий қимматли қоғозларини сотиб олишлари, пул маблағлари ва депозитлар бўйича ўтказмаларни амалга ошириш ва бошқа операциялар учун маҳаллий ва хорижий мижозларнинг жорий ва депозит ҳисоб варақаларини юритиш;

Евро валютада депозитлар қабул қилиш ҳамда мижозларга қисқа ва узоқ муддатли кредит ёки кредит кафолатлари бериш;

Банк мижозлари чиқарадиган еврооблигациялар, қимматли қоғозлари ва облигацияларни халқаро бозорларга жойлаштириш.

Чет эл валютасини қадрсизланишидан ва фоиз ставкаси тебранишлари, таваккалидан ҳимоя қилиш мақсадида хотирлаш усуллари орқали ҳимоя қилинади. Яна халқаро ҳисоб-китобларда банк ўтказмалари ҳақида тўхтаб ўтиш жоиздир, чунки халқаро савдода экспортчи-импортчиларнинг ҳисоб-китоблари айнан банк ўтказмалари орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда банк ўтказмасини расмийлаштириш ҳамда бу операцияни Республиканинг тижорат банклари орқали бажариш осонлиги, шундай тўловлар улуши кўпайтирилганлиги туфайли ундан Ўзбекистон корхоналарининг экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб-китобларида кенг фойдаланилмоқда. Импорт контрактларининг кўпчилиги қуйидаги тартибда бажарилмоқда: Банкнинг муқобил кафолатига жавобгар 15 % миқдориди ўтказди. Бу эса Ўзбекистонлик импортчиларнинг хорижий шерикларининг товар етказиб бермаслигидан ҳимоялашга ёрдам беради.

Банк ўтказмаси деганда бир банкнинг бошқа банкка ўтказилган ўтказмасини олувчига бенефициарга муайян суммани тўлаш ҳақидаги мижозининг йўриқномаси асосида берилади. Банклараро ўтказмадан банклар ўртасида депозит, кредит ва конверсия битимларини амалга ошириш чоғида ҳисоб-китоблар учун фойдаланилади. Оддий ўтказмалар ва шартли мижоз ўтказмалари фарқланади.

Валюта маблағлари бенефициарга ҳеч қандай шартларсиз тўланадиган ўтказма оддий ўтказма дейилади.

Шартли ўтказмалар жумласига бенефициарга валюта маблағлари олдиндан келишилган шартлар бажарилгандан кейингина (молия ҳужжатлари, тилхат ёки ўтказмада кўрсатилган номерли ва серияли паспорт тақдим этилгандан кейин) тўланадиган ўтказмалар киради.

Ҳужжатли ўтказмада унинг суммаси бенефициар зарур ҳужжатларни тақдим этишидан олдин (Қоида тариқасида пул маблағи ёзиб қўйилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида) унга шартли равишда ёзиб қўйилиши мумкин. Агар ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаса, пул суммаси бенефициарнинг ҳисоб варағидан ўчирилади ва пулни юборган банкдан йўл-йўриқ сўралади.

Банк операцияларини амалга ошириш тартиби ўтказмаси қуйидагилардан иборатдир:

Битим тузиш чоғида тарафлар ҳисоб-китоб шартлари ва шаклини контракт воситасида мустақамлаб, бу ҳисоб-китоблар валютани муайян вакил банклар орқали ўтказиш йўли билан амалга оширилишини кўрсатиб қўядилар.

Экспортчи контрактда белгиланган муддатларда товарни ортиб жўнайди;

Юк ташувчидан транспорт ҳужжатларини олади;

Ҳужжатларни ҳисоб варақалари билан ва контрактда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар билан қўшиб, харидорга юборади;

Импортчи ҳужжатларни олгач, товарларга эгалик қилади.

Ўз банкига пул ўтказиш ҳақидаги топшириқ (ариза) тақдим этади;

Импортчининг банки пул ўтказиш ҳақидаги аризага асосланиб, валютани экспортчининг банкига ўтказиши, унга почта, телекс ёки SWIFT орқали тўлов топшириқномасини жўнатади;

Экспортчининг банки тўлов топшириқномасини олгач (унда валюта кимнинг фойдасига ўтказилаётганлиги кўрсатилади), унинг ҳақиқийлиги текширилади ва экспорт тушумини ўтказманинг бенефициари — экспортчига ёзиб қўяди.

3. Экспорт бўйича ҳисоб-китобларда банк ўтказмаси техникаси.

Экспорт қилинган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун ҳисоб-китобларда банк ўтказмаси фақат валюта ҳақидаги қонун ҳужжатларига ва Марказий банк қоидаларига риоя қилган ҳолдагина амалга оширилиши керак.

Хорижий банкларнинг тўлов топшириқномалари почта, телекс, телеграф топшириқномалари, SWIFT орқали хабарлар шаклида келади (SWIFT — Жаҳон халқаро молия телекоммуникациялари жамияти — банклараро ахборот ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатувчи ташкилот).

Телекс ва SWIFT орқали олинган тўлов топшириқномаларини қиёслаш учун банк ва вакил банк фойдаланадиган калит билан кодланган бўлиши керак (Вакил банк—чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун Марказий банкнинг бош лицензиясига эга бўлган банклар). Поч-та тўлов топшириқномалари хорижий банк вакил қилинган мансабдор шахслари томонидан имзоланади. Ўтказма калити тامينланмаган телекс, SWIFT топшириқномалар ҳамда имзоланмаган почта топшириқномалари банк томонидан ижрога қабул қилинмайди. Хорижий банкнинг ҳар бир тўлов топшириқномасига белгиланган шаклда мемориал-ордер тузилади, яъни банкнинг “Ностро” ҳисоб варағи тўлов топшириқномаси келган жойда дебитланади ва мижознинг транзит ҳисоб варағи кредитланади. Мемориал ордернинг матнида вакил банкнинг тўлов топшириқномасида кўрсатилган валюталаштириш муддати албатта қўйилади. Номига валюта тушуми келган мижоз 15 банк кунда банкка чет эл валютасидаги тушумнинг 30% мажбурий тарзида вакил банкка ва қолган суммани транзит ҳисоб варағидан мижозининг жорий валюта ҳисоб варағига ўтказиш ҳақида топшириқнома тақдим этиши керак. Бунинг учун қуйидаги ўтказмалар тузилади: дебит—мижознинг транзит ҳисоб варағи ва мажбурий сотиш бўйича маблағлар ўтказиладиган ҳисоб варағининг кредити.

Вакил банклардан келган ҳужжатли ўтказмалар суммаси мижознинг ҳисоб варағига киритиб қўйилмайди, балки топшириқномада кўрсатилган ҳужжатлар белгиланган муддатларда тақдим этилгунча оралиқ ҳисоб вараққа киритиб қўйилади. Мижоздан ҳужжатлар олинмаган тақдирда, ушбу сумма қайси хорижий банк орқали келган бўлса, ўша банкдан пулни ўтказиш ҳақида бундан кейинги йўл-йўриқлар сўралади ёки кўрсатилган сумма қайтарилиб юборилади.

Банк ўтказмаси шаклидаги тўловлар ўз вақтида ва бехато амалга оширилиши учун банклар вакиллик ҳисоб варақалари рўйхати ҳақида ўз мижозларига мунтазам ахборот бериб боришлари керак.

XIV БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халқаро ҳисоб-китоб муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Аккредитив орқали ҳисоб-китоб қилиш тушунчаси нимадан иборат?
3. Халқаро ҳисоб-китоб муносабатларини амалга оширишда ин-кассо шаклининг аҳамиятини изоҳлаб беринг.

4. Халқаро ҳисоб-китобларни юриришда Конвенцияларнинг тутган ўрни ва улардан манба сифатида фойдаланишнинг аҳамияти нималардан иборат?
5. Халқаро кредит ва ҳисоб-китобларга оид Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини изоҳлаб беринг.

Тавсия этилган адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т: 1992.
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.-Т.: 1996.
- Иқтисодий билим асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997 й.
- Международное частное право. *Богуславский М.М.* 1994. Москва.
- Международное частное право. *Скаридов А.С.* 1998. С.Петербург.
- “Валютани тартибга солиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 й. 7 май қонуни.
- “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1995 й. 21 декабр қонуни.
- “Банк ва банк фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1996 й. 25 апрел қонуни.
- Акромов Т.* Тармоқ тижорат банкларининг мақоми ва фаолият соҳаси. // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1998 й. 2-сон.
- Альтушер А.Б.* Восток – Запад: валютно-кредитные отношения. М.1979.
- Альтушер А.Б.* Международное валютное право.-М:1984.
- Гражданское и торговое право капиталистических государств. 3-е изд. //Под ред. *Е.А.Василева.*- М.:1993. 410—426-бет.
- Гражданское правовое регулирование банковской деятельности.-М.: ЮрИнфР, 1994.
- Маматқулов С.* Кредит шартномаси.// Хўжалик ва ҳуқуқ, 1998 й., 10-11 сонлар.
- Сборник законодательных и нормативных актов по валютному регулированию в Республике Узбекистан.-“Меҳнат”, Т. 1994.
- В.П.Звенков.* Международное частное право. Курс лекций. Изд. группа НОРМА-ИНФРА.М., 1999. 686-бет.
- С.Хамроев.* Халқаро хусусий ҳуқуқ. Ўқув қўлланмаси, Т.: “Адолат”, 2000 й. 84-бет.
- Альтушер А.Б.* Международное валютное право. М.: Международные отношения, 1984.

Дробышев П.Ю. Вексельное право и Конвенция ЮНСИТРАЛ о международных переводных векселях и международных простых векселях. М., 1996.

Ерпылева Н. Банковские гарантии в коммерческом обороте // Законодательство и экономика. 1994. №5/6.

Ерпылева Н. Вексель и чек в международном частном праве // Законодательство и экономика. 1992. № 19.

Ерпылева Н. Финансовые обязательства в международных коммерческих контрактах (научно-практические аспекты правового регулирования) // Законодательство и экономика. 1997. №15/16.

Казакова Н.А., Балашова Ю.В. Вексель в торговом обороте // Приложение к журналу "Консультант". 1995. № 3.

Кремер Ю. Особенности англо-американского законодательства о векселях / Государство и право. 1997. № 3.

Лазарева Т. Международно-правовое регулирование форм расчетов по внешнеэкономическим контрактам // Закон. 1995. № 12.

Луц Л.А. Денежное обязательство в гражданском коллизионном праве капиталистических стран. М., 1948.

Международное торговое право: расчеты по контрактам. Сост. И вступительная статья *Т.П. Лазаревой*. М: Московский независимый институт международного права, 1996.

Павлодский Е. Особенности регулирования вексельного общения в странах СНГ // Право и экономика в Европе и Азии. 1997. № 1,2.

Павлодский Е. Правовое регулирование расчетов чеками // Дело и Право. 1994. № 1.

Правовое регулирование банковской деятельности. М.: Учебно-консультационный центр "ЮрИнфоР", 1995. №1.

Розенберг М. Правовое регулирование расчетов по внешнеэкономическим контрактам // Закон. 1995. № 1.

Садиков О. Важное постановление Президиума Верховного Суда РФ // Юридический мир. 1997. № 3.

Шмиттгофф К. Экспорт: право и практика международной торговли. М.: Юридическая литература, 1993.

XV БОБ

ЮК ВА ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ХАЛҚАРО КЎЛАМДА ТАШИШ

1-§. Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда ташишнинг умумий қоидалари

1. Халқаро қатнов тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Мамлакатлар ўртасида ташқи иқтисодий, маданий, илмий-техникавий алоқаларнинг кучайиши ва ривожланиши халқаро транспорт алоқаларининг кенгайишига, юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш муаммоларини ҳал этишга олиб келади. Юридик адабиётларда, халқаро шартномаларда ва қонун ҳужжатларида юклар ва йўловчиларни икки ва ундан ортиқ мамлакат ўртасида ташиш бир мамлакат доирасида ташишдан (ички ташишлар, ички қатновда ташишлардан) фарқли равишда халқаро ташишлар ёки халқаро қатнов деб аталади.

Хорижий давлат ҳудудига юклар ва йўловчиларнинг кириб келиши ўзининг юридик шарт-шароитига кўра бир-биридан фарқ қиладиган икки хил вазиятда содир бўлиши мумкин: а) халқаро қатнов тўғрисида битим мавжуд бўлмагани ҳолда ва б) мазкур масалага оид икки томонлама ёки кўп томонлама битим мавжуд бўлгани ҳолда. Бу ҳолат мамлакатлар ўртасидаги ташишларнинг ҳуқуқий режимига муҳим таъсир кўрсатади.

2. Халқаро қатнов турлари. Амалиётда халқаро қатновларнинг ҳар хил турлари маълум, уларнинг ҳар бири талай ўзига хос хусусиятларга эга. Транспортнинг қайси бир туридан фойдаланишга қараб халқаро қатнов темир йўл, автомобил, ҳаво, денгиз транспортида ташишларига ажратилади. Шу билан бирга, халқаро йўналишларда турли транспорт воситалари билан ташишлар (масалан, темир йўл — сув транспорти билан), Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ҳамда контейнерли ташишлар маълум ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Амалдаги халқаро битимларнинг қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро қатновнинг қуйидаги асосий турларини фарқлаш зарур:

а) иштирок этувчи транспорт ташкилотларининг хусусиятларига кўра — транспортнинг айрим турларида ташиш ва турли транспорт воситалари қатновида ташиш;

б) ташиш предметига кўра — юкларни, йўловчиларни ташиш, темир йўл транспортида эса — юк бағажини (товар бағажини) ташиш;

в) транспорт операцияларининг даврийлигига қараб — мунтазам (линияли) ва номунтазам ташишлар;

г) юклар ва йўловчилар чегара пунктларидан (ўтиб борилаётган портлардан) ўтиши тартибини ҳисобга олган ҳолда — қайта ортишларсиз (бошқасига ўтирилмай) ва қайта ортиладиган (бошқасига ўтириладиган) ташишлар;

д) ташиш қўшни давлат ҳудудида тугалланиши ёки тугалланмаслигига кўра — қўшнилари, транзит ва тўппа-тўғри ўтадиган (айланма, халқа шаклидаги) ташишлар;

е) қатнов бир ёки бир нечта ташиш шартномаси асосида амалга оширилишига қараб — тўғри боғланадиган, тўғри боғланмайдиган (бўлинишли) ташишлар, бирин-кетин ташувчилар томонидан ташишлар ва янги жойга жўнатиш билан боғлиқ ташишлар;

ж) транспортнинг айрим тармоқларида халқаро қатновларнинг алоҳида турлари — чегара ёнидаги (темир йўл транспорти) ташишлар, маятник қонунияти асосидаги (автомобил транспорти) ташишлар.

Ҳозирги вақтда, ички сув транспортидан ташқари, транспортнинг барча турларида ички қонун ҳужжатлари эмас, балки халқаро шартномалар халқаро қатновларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бундай халқаро шартномалар (“транспорт конвенциялари”) давлатлар ўртасида транспорт алоқаларини ўрнатишда юзага келадиган кенг доирадаги муносабатларни тартибга солади.

Транспорт конвенциялари, улар кўп сонли бўлишига қарамай, мамлакатлар ўртасида юклар ва йўловчиларни ташишни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келувчи кўпгина масалалар юзасидан йўл-йўриқларни ўз ичига олмайди. Бундай ҳолларда, бошқа ҳуқуқий манба йўқлиги сабабли халқаро қатнов тартиботини белгилаш доимо ички қонун ҳужжатларининг нормалари ёрдамида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси кўплаб транспорт конвенцияларига қўшилган бўлиб, ташқи юкларни жўнатиш ва қабул қилишда корхоналар ва фуқаролар ушбу конвенцияларнинг қоидаларига амал қиладилар. Транспорт конвенцияларининг нормалари товарларнинг халқаро олди-сотдиси тўғрисидаги конвенцияларнинг нормаларига нисбатан императив (мажбурий) тусга эга.

3. Халқаро транспорт ташкилотлари. Халқаро транспорт ташкилотларининг ҳуқуқий соҳадаги фаолияти жуда ранг-баранг. У халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлашни, транспортга оид ва техник ҳар хил регламентларни, юк ва йўловчиларни ташиш қоидаларини, транспорт ҳужжатлари намунавий шакллари ишлаб чиқишни, тавсиялар ва хулосалар, амалдаги битимларга шарҳлар беришни, воситачилик ва ҳакамлик йўли билан низоларни бартараф этишни, расмий ва бошқа ҳуқуқий материалларни, аввало суд қарорларини нашр этишни ўз ичига олади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида халқаро транспорт муаммолари БМТнинг денгизда ташиш бўйича қўмитаси бўлган Савдо ва

тараққиёт Конференцияси (ЮНКТАД), халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссияси (ЮНСИТРАЛ), шунингдек таркибида асосан автомобиль ва дарё транспорти масалалари билан шуғулланувчи ички транспорт бўйича Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) кўмитаси айниқса фаол равишда ишламоқда. Кўмита 1966 йил декабрь ойида БМТ Бош ассамблеяси томонидан таъсис этилган бўлиб, унинг вазифаси “халқаро савдо ҳуқуқини”, шу жумладан транспорт соҳасида “тобора мувофиқлаштиришга ва бир хиллаштиришга кўмаклашишдан” иборат.

Ихтисослаштирилган халқаро транспорт ташкилотлари транспорт турлари бўйича одатда ҳам ҳукуматлараро, ҳам ноҳукумат ташкилотлари сифатида тузилади. Биринчисининг ваколати кўпинча умумий хусусиятга эга бўлади ва транспортнинг тегишли тармоғига тааллуқли кенг доирадаги масалаларни қамраб олади. Ноҳукумат ташкилотларининг фаолият соҳаси одатда транспортга оид махсус масалалар (тижоратга оид, ҳуқуқий масалалар, транспорт воситаларидан фойдаланиш тартиби ва ҳоказо)нинг муайян доираси билан чекланган.

Ҳозирги вақтда ўз таркибига кўра анча эътиборли ва ўз қарорларини рўёбга чиқариш учун катта имкониятларга эга бўлган ҳукуматлараро транспорт ташкилотларининг фаолияти тобора биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Темир йўл транспорти соҳасида халқаро ташкилот — Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти (ОСЖД- рус.). ОСЖД темир йўл, шунингдек автомобил транспорти соҳасидаги талай масалалар билан шуғулланувчи идоралараро ташкилот бўлиб, Европа, Осиё, МДХ мамлакатлари унинг қатнашчиларидир. ОСЖДнинг асосий вазифаси Халқаро йўловчи ва юк қатновлари тўғрисидаги битимлар (СМГС ва СМПС) ишларини юритишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилотининг аъзоси ҳисобланади.

Темир йўл транспорти соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотлар орасида бу соҳа фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ишига Берн шаҳридаги Халқаро темир йўллар Марказий бюроси сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Марказий бюро ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланади ва бир қатор “вазифаларни” бажаради. Улардан “асосийлари” — Темир йўллар орқали юк ташиш тўғрисидаги халқаро конвенция (МГК-рус) ва Темир йўллар орқали йўловчилар ва багаж ташиш тўғрисидаги халқаро конвенция (МПК-рус.) ишларини юритиш ҳамда уларни қайта кўриб чиқишга тайёргарлик кўради. Марказий бюронинг органи — “Bulletin des transports internationaux par chemins de fer” — ҳуқуқий материаллар ва суд амалиётини мунтазам эълон қилиб боради.

Халқаро темир йўл қатнови шартларини тартибга солишда Берндаги Халқаро темир йўл транспорти кўмитаси муҳим ўрин тутаети. Кўмита ноҳукумат ташкилоти бўлиб, унинг қатнашчилари — МГК ва МПКни имзолаган темир йўллар маъмуриятларидир. Кўмитанинг асосий вази-

фаси темир йўлларда халқаро ташишнинг ҳуқуқий масалаларини ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу халқаро ташкилотга МДХ давлатлари, жумладан, Ўзбекистон аъзо эмас.

Автомобил транспорти соҳасида ихтисослаштирилган халқаро ҳуқуқматлараро ташкилотлар йўқ. Нохукумат ташкилотлари орасида Халқаро автомобил транспорти иттифоқи (МСАТ-рус.) энг фаол ўрин тутади. Европа мамлакатлари ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг миллий автотранспорт бирлашмалари Иттифоқнинг аъзоларидир. 1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг автомобил транспортида юк ташувчилар миллий уюшмаси (АСМАП) ушбу Иттифоққа аъзо бўлди. МСАТ халқаро автомобил транспорти бўйича йиллик маълумотнома нашр этади.

Ҳаво транспорти соҳасида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) энг йирик ҳукуматлараро ташкилотдир. Уни таъсис этиш 1944 йил 7 декабрдаги Чикаго конвенциясида назарда тутилган эди. Жаҳон мамлакатларининг аксарияти, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан шу конвенциянинг қатнашчиси ва, бинобарин, ИКАОнинг аъзосидир. Бу халқаро ташкилотнинг вазифалари фуқаро авиацияси фаолиятининг барча томонларини қамраб олади. Халқаро ҳаво транспортида ташиш шартларини белгилашда Халқаро ҳаво транспорти уюшмаси (ИАТА) муҳим ўрин тутади. Бу уюшма халқаро ноҳукумат ташкилоти ҳисобланади.

Денгиз транспорти соҳасида кўплаб халқаро ташкилотлар иш олиб бормоқда. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни ривожлантириш ва такомиллаштириш ишига Ҳукуматлараро денгиз консультатив ташкилоти (ИМКО) ва иккита ноҳукумат ташкилоти Болтиқ ва Халқаро денгиз конференцияси (БИМКО) ҳамда Халқаро денгиз кўмитаси (ММК) фаолияти энг кўп таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро денгиз кўмитаси (ММК) савдо кемалари қатновининг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш учун махсус таъсис этилган.

Фаолияти транспорт соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш учун муҳим бўлган ихтисослаштирилган нотранспорт халқаро ташкилотлари орасида Римдаги Халқаро хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш институти (УНИДРУА)ни айтиб ўтиш зарур. Бу институт 1926 йилда тузилган ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, унга салкам 58 та мамлакат аъзо. УНИДРУА фаолияти институтнинг йилда бир марта чиқадиган тўпламида ёритиб борилади ва у суд амалиёти материалларини ўз ичига олади.

4. Давлатнинг ўз ҳудудида транспорт фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқи. Давлатнинг ҳудудий устуворлиги тамойили шуни билдирадики, ҳар бир давлат ўз ҳудудида транспорт фаолиятини тартибга солишда мутлақ ҳуқуққа эга. Шу сабабли мамлакатлар ўртасида транспорт алоқаларини ташкил этиш ҳудудида транспорт операциялари амал-

га ошириладиган давлатларнинг розилиги (рухсатномаси) бўлишини назарда тутати. Бундай розилик (рухсатнома) аниқ бир транспорт операциясига нисбатан ҳам, умумий шаклда муайян транспорт операцияларига ёки ҳатто айрим транспорт турларига татбиқан ҳам берилиши мумкин. Бунда давлат томонидан транспорт фаолиятининг маълум шартлари (йўналишларни чеклаш, муайян хавфсизлик чораларини кўриш, солиқлар, йиғимларни тўлаш ва ҳоказо) белгиланиши мумкин.

Давлатларнинг халқаро транспорт фаолиятига тааллуқли сиёсий мажбуриятлари дўстлик муносабатлари ва ҳамкорлик тўғрисидаги, савдо-иқтисодий муносабатлар тўғрисидаги шартномалар ва битимларда одатда умумий шаклда (масалан, Аҳдлашувчи Томонлар транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорликни кенгайтирадиган ва ўз ҳудудида йўловчи ва юкларни автомобил, ҳаво, темир йўл ва бошқа турдаги транспорт билан, жумладан транзит билан ташиш учун қулай шароитлар таъминлайдиган) белгилаб қўйилади. Савдо шартномалари асосий эътиборни, қоида тариқасида, давлатлар ўртасидаги ташишларнинг энг кўп ҳажмини амалга оширадиган денгиз кемачилиги масалаларига қаратади. Бундан ташқари, савдо-иқтисодий шартномалари темир йўл ва автомобил йўллари орқали ташишлар ҳақидаги, шу-нингдек транзит ҳақидаги умумий тусдаги қарорларни ўз ичига олади. Баъзи савдо шартномалари халқаро транспортнинг бошқа масалалари бўйича ҳам кўрсатмаларни ўз ичига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги ташқи иқтисодий битимлар тизимида темир йўл, автомобил, ҳаво транспортига тааллуқли битимларининг салмоғи ошиб бормоқда. Уларда одатда товарлар, йўловчилар ва бағажни ҳаво, темир йўл, автомобил йўллари орқали ташишда юкларни ташишга қабул қилиш, ташиш усуллари ва қиймати, шунингдек у билан боғлиқ йиғимларга тааллуқли ҳамма масалаларда ўзаро мумкин қадар қулайлик берилиши айтиб ўтилади. Айрим савдо шартномаларида томонларнинг зикр этилган транспорт турларида юклар ва йўловчилар ташиш тўғрисида битимлар тузиш ниятида эканлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу кейинчалик асосан амалда рўёбга чиқарилган. Савдо шартномаларида ҳаво транспорти масалаларига тўхталиб ўтилмайди, ўзига хослиги туфайли улар махсус битимларнинг мавзуи бўлади.

5. Транспорт тармоқларидаги халқаро битимлар тизими. Халқаро транспорт масалаларига оид халқаро шартномаларни тизимлаштириш учун ҳуқуқий тартибга солиш объекти мезонидан келиб чиқилган ҳолда транспорт конвенцияларини қуйидаги еттига гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) транспорт алоҳида турлари фаолиятининг умумий тамойиллари тўғрисидаги битимлар;
- 2) мамлакатлар ўртасида халқаро қатновни ташкил этиш тўғрисидаги битимлар;

- 3) юклар ва йўловчиларни ташиш шартлари тўғрисидаги битимлар;
- 4) ташиш тарифлари тўғрисидаги битимлар;
- 5) мамлакатлар ўртасидаги транспорт алоқаларини енгиллаштиришга (содаллаштиришга) қаратилган битимлар;
- 6) транспорт айрим турлари фаолиятининг ўзига хос томонларини тартибга солувчи битимлар;
- 7) халқаро транспорт соҳасида мулкый манфаатлар ҳимоя қилинишини назарда тутувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш хусусиятидаги битимлар.

6. Халқаро ташишларга нисбатан қўлланиладиган ички ҳуқуқ ҳужжатлари. Халқаро ташишларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ички ҳуқуқ ҳужжатларини умумий шаклда бешта гуруҳга бўлиш мумкин:

- а) умумий қонун ҳужжатлари;
- б) транспортга оид қонун ҳужжатлари;
- в) халқаро қатновни тартибга солиш учун махсус чиқарилган ҳужжатлар;
- г) қабул қилиниши халқаро битимларда назарда тутилган ҳужжатлар;
- д) халқаро қатновларни амалга оширишга кўмаклашиши керак бўлган ҳужжатлар.

Кўплаб хорижий давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам транспорт конвенцияларига мос равишда халқаро ташувларни тартибга солувчи махсус нормаларни қамраб олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар - Ҳаво кодекси (1993 й.), Фуқаролик кодекси (1997 й.), “Автомобил транспорти тўғрисида” (1998 й.), “Темир йўл транспорти тўғрисида” (1998 й.), “Автомобил йўллари тўғрисида” (1992 й.), “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” (1999 й.), “Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида” (2001 й.) ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

7. Халқаро ташиш соҳасидаги коллизия нормалар. Халқаро ташишлар учун коллизия нормалар давлатлараро битимлар (транспорт конвенциялари) билан, булар бўлмаса ёки уларда коллизия масалалар тартибга солинмаган бўлса, ички ҳуқуқ билан белгиланади (масалан, Фуқаролик кодексининг IV бўлими).

Халқаро транспорт соҳасидаги коллизия нормаларнинг бошқа умумий ўзига хослиги асосий институт — ташиш шартномасининг бир қанча коллизия боғланишлар таъсирига бўйсундирилишидан (боғланишларнинг кўплиги ва сочилиб кетганлигидан) иборатдир.

Халқаро қатнов тўғрисидаги битимлар ва ички қонун ҳужжатлари юклар ва йўловчилар ташиш бўйича муносабатлар учун қуйидаги коллизия боғланишларни назарда тутди:

- 1) жўнатиш мамлакати қонуни;
- 2) ўтиб борилаётган мамлакат қонуни;
- 3) юк тўхтатиб қолинган (турилган) мамлакат қонуни;
- 4) ташиш шартномаси ўзгартириладиган мамлакат қонуни;
- 5) ҳодиса содир бўлган жой мамлакати қонуни;

- 6) юк тайинланган мамлакат қонуни;
- 7) даъво (талаб) билдирилган мамлакат қонуни;
- 8) судида даъво (суд қонуни) кўриб чиқиладиган мамлакат қонуни.

8. Халқаро ташиш шартномаси Юклар ва йўловчиларни халқаро ташиш шартномаларининг моҳияти шундан иборатки, томонларнинг битимлари асосида транспорт ташкилоти юкни (йўловчини) тайинланган пунктга элиб кўйиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, бунинг учун юк эгаси (йўловчи) ташиш ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Тарафларнинг бошқа мажбуриятлари ташиш шартномасининг ана шу асосий мазмунини аниқлаштиради ва тўлдиради холос. Халқаро транспортда ташиш шартномасининг ҳуқуқий аҳамияти қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, шартнома, бир томондан, юк эгалари ва йўловчилар ва, иккинчи томондан, транспорт ташкилотлари ўртасида пайдо бўлувчи ташиш бўйича мажбуриятлар юзага келишининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Халқаро қатновга татбиқан, шунингдек мамлакат ичида айнан шартнома ташиш бўйича мажбуриятлар юзага келишига асос бўлиши керак.

Иккинчидан, транспорт жараёнини амалга ошириш учун юк эгалари, йўловчилар ва транспорт ташкилотларининг эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ҳисобга олиб, халқаро битимлар ва миллий қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган ташиш шартларини аниқлаштириш зарур бўлади, шунингдек уларнинг муносабатларини шартнома билан расмийлаштириш талаб қилинади. Денгиз транспортида кенг миқёсли давлатлараро битимлар йўқлиги боис, шунингдек йўловчиларнинг индивидуал талаб-эҳтиёжлари билан ҳисоблашиш лозим бўлган йўловчилар ташишни амалга ошириш мақсадида шартноманинг ташиш шартларини белгилаш, аниқлаштириш энг кўп қўлланилади.

Ниҳоят, учинчидан, халқаро ташиш шартномаси тарафлар томонидан ташиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, уларнинг мулкӣ жавобгарлигига асос бўлади.

Халқаро ташиш шартномаси белгиланган мақсади ва асосий ҳуқуқий белгиларига кўра ички қатновдаги ташиш шартномаси билан бир хилдир. Бундай ўхшашлик, бир томондан, иккала шартнома мавзуининг бир хиллиги (бир жойдан бошқа жойга олиб бориш фаолияти), иккинчи томондан, халқаро қатновлар тўғрисидаги битимларни ишлаб чиқишда миллий транспорт ҳуқуқи нормаларидан кенг фойдаланилиши билан боғлиқ.

Халқаро ташишларни амалга ошириш учун тегишли халқаро битим ёки ички қонун ҳужжатларининг талабларига жавоб берадиган транспорт ҳужжатлари тузилиши зарур. Бундай ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши тарафлар ўртасида ташиш шартномаси тузилганлигини билдиради, унинг шартларини белгилайди ва транспорт ташкилотига ташишни амалга ошириш мажбуриятини юклайди.

Транспортнинг айрим турларида юкларни ташишга татбиқан олганда тарихан ҳужжатларнинг иккита тизими таркиб топди ва қўлланилмоқда, булар: юк хати (темир йўл, автомобил, ҳаво йўлларида ташишлар) ҳамда коносамент (денгизда, ички сув йўлларида ташишлар). Коносамент шакли одатда юкларни аралаш ташишлар учун қўлланилади. Бошланғич асослари умумий бўлгани ҳолда улар ўртасида катта амалий аҳамиятга эга бўлган фарқлар бор.

Халқаро йўловчи ташишда шакли одатда транспорт ташкилотларининг ўзи томонидан белгиланадиган чипта транспорт ҳужжати ҳисобланади. Халқаро қатновда багажни ташиш багаж паттаси билан расмийлаштирилади. У транспортнинг ҳаво ва бошқа баъзи турларида амалий қулай бўлиши мулоҳазаларидан келиб чиқиб йўловчи чиптаси билан бирлаштирилган. Айрим халқаро битимлар одатда туристлар гуруҳини ташишда қўлланиладиган биргаликдаги (жамоа тарзида) йўловчи чиптаси бериш мумкинлигини назарда тутади.

2-§. Юк ва йўловчиларни халқаро қўламда темир йўлларда ташиш

Темир йўлларнинг халқаро йўналишларида юк ва йўловчиларни ташиш асосан кўптомонлама халқаро шартнома — Берн конвенциялари ва унинг узвий давоми ҳисобланадиган халқаро темир йўл ташишлари тўғрисидаги Битим (КОТИФ) билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси ушбу транспорт конвенциясига қўшилмаган бўлсада, уларнинг қоидалари, хизмат йўриқномалари ва бошқа норматив ҳужжатлари мамлакатимизнинг ташқи савдо юklarини ғарбий Европа давлатларига жўнатиш ва Ўзбекистонга ташишда қўлланилади.

КОТИФ Берн конвенцияларининг халқаро-ҳуқуқий нормаларини ва таркибида халқаро темир йўл ташишларига бағишланган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги нормалари бўлган икки иловани (А ва Б) қамраб олувчи 1966 йилда қабул қилинган ягона асосий битимнинг Қўшимча битимини бирлаштиради. А илова йўловчи ташишнинг, Б илова эса юк ташишнинг Ягона қоидаларига бағишланган. Ушбу Ягона қоидалар баъзи темир йўл йўналишларида амал қилади, йўналишлар рўйхати эса Берн конвенцияси иштирокчилари бўлган тарафлар томонидан белгиланади. Юк ҳақи ставкалари миллий ва халқаро тарифдан келиб чиқиб белгиланади. Юкни манзилга етказишнинг охириги муддатлари КОТИФ қоидаларига биноан катта тезликда ташишлар учун суткасига 400 км, кичик тезликда ташиладиган юклар учун суткасига 300 км.ни ташкил этади. Бундан ташқари, ушбу транспорт конвенциясида миллий темир йўллар учун баъзи йўналишларда юкларни етказиб беришнинг алоҳида муддатларини ҳамда айрим ҳолатлар учун эса қўшимча муддатларни белгилаш ҳуқуқи назарда тутилган.

КОТИФга биноан ташилаётган юкларни сақламаганлик учун темир йўлларнинг жавобгарлик даражаси Халқаро валюта фондининг исоб бирликларида, яъни 17 махсус ўзлаштирилган қоидалар ёки 51 ски олтин франк қийматига эга 1 кг брутто (ўров- идиш билан бир-алиқда) оғирлигидаги юкка нисбатан белгиланган.

Темир йўл транспорти билан ташишлар соҳаси учун Юкларнинг халқаро қатнови тўғрисидаги Битим (СМГС Битими) муҳимринни эгаллайди.

1992 йил таҳририда амал қилаётган ушбу транспорт конвенциясида Европа ва Осиё минтақасидан 22 давлат қатнашади, жумладан Ўзбекистон Республикаси унга 1992 йилда қўшилган. Ташқи савдо эълари СМГС Битими иштирокчиси ҳисобланган давлатларга юкни сўнатиш мамлакати қонуни қоидаларига биноан тузилган халқаро юк ати асосида жўнатилади. Бироқ юкларни маркировкалаш ва транспорт ҳужжатларини расмийлаштиришга оид қўшимча қоидалар СМГС йитими талабларидан ҳисобланади. Юкни олиш мамлакатида юк шу мамлакатнинг қонунларига биноан топширилади, аммо шунда ҳам СМГС Битими яна қўшимча кўрсатмаларни, яъни юкларнинг сақланмаганлиги аниқланганда тижорат далолатномаларини тузиш тўғрисида махсус қоидаларни назарда тутати.

Юк жўнатувчининг истагига монанд, юклар катта ёки кичик тезликда ташилиши мумкин, бунинг устига СМГС Битими юкларни етказиш муддатлари чегара темир йўл бекатларида юкни қайта ортишга сётган вақт ҳисобига узайтирилишини назарда тутати. Ташиш ҳақи миллий тариф ва миллий валютада қуйидагича амалга оширилади: окнинг бориш йўллари бўйича — жўнатувчи томонидан, юкнинг ташқинланган йўллари бўйича — юк олувчи томонидан тўланади.

Транзит мамлакатлари темир йўлларида юкларни ташиганлик ҳақи етказиб беришнинг шартлари, олди-сотди шартномаси базис қоидаларига қараб, халқаро транзит тарифнинг валютаси ҳисобланган швейцария франки билан юк жўнатувчи ёки юк олувчи томонидан тўланади. Етказиб бериш базис қоидалари тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу ҳолат инобатга олинган ҳолда аниқланиши лозим.

Юкларни ташишга қабул қилган темир йўлларнинг сақланмаган юклар учун жавобгарлиги айб мавжуд бўлганда вужудга келиши тахмин қилинади. Айрим ҳолларда (транспорт воситаларининг созлиги, юк эгасининг йўл кўрсатувчиси томонидан юкнинг кузатилиши ва ҳ.к.) темир йўллар айбининг мавжудлиги юк эгаси томонидан исботланиши керак. Сақланмаган ташқи савдо юкига етказилган зарар учун хорижий давлатлар ёки Ўзбекистон темир йўллари жавобгар бўлганида юкнинг ташқи савдо баҳоси ва ички баҳоси асосида аниқланган ҳақиқий қиймати миқдорида тўланади. СМГС Битими ва уни тўлди-

рувчи халқаро транзит тарифи асосида Ўзбекистоннинг ташқи савдо юкларини ушбу СМГС Битим иштирокчиси бўлмаган ғарбий Европа давлатларига ва улардан яна Ўзбекистонга темир йўлда ташишларни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун экспорт юкларини жўнатиш мобайнида СМГС Битими бўйича тузилган юк хатиغا СМГС Битими иштирокчиси бўлган мамлакатнинг чиқиш темир йўл бекати юк олувчи сифатида кўрсатилади, юк хатининг айрим аризалар жадвалига эса ғарбий Европа мамлакатларидан бири юкнинг охириги олувчиси деб кўрсатилади. Ана шундай кўрсатма асосида чегара темир йўл бекати маъмурияти томонидан ғарбий Европа мамлакатлари темир йўллари иштирокчи бўлган КОТИФнинг талабларига асосланган янги юк хати ёзиб берилди ва юк охириги олувчиға жўнатилади. Ўзбекистонга ғарбий Европа мамлакатларидан юклар жўнатиlsa, аввал КОТИФ бўйича юк хати тузилади, сўнгра тегишли чегара темир йўл бекатида СМГС Битимига асосланган юк хати қайта тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро темир йўл транспорти соҳасида икки томонлама халқаро шартномалари Қозоғистон, Қирғиз Республикаси, Туркменистон, Хитой, Литва, Латвия, Руминия ва кўплаб бошқа давлатлар билан тузилган. Бу икки томонлама транспорт битимлари умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қабул қилинган. Бундан ташқари, жаҳон транспорт коммуникациялари тизимиға жадал кириб бориш, ўзбек маҳсулотларининг эркин транзитини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз кўптомонлама халқаро транспорт битимларини ҳам имзолаган. Булар — Озарбайжон Республикаси, Грузия Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида темир йўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳамда худди шу давлатлар иштирокида транзит ташишларни тартибға солишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, Европа-Кавказ-Осиё йўлагини ривожлантиришнинг халқаро транспорти тўғрисида кўптомонлама Асосий Битимлардир.

3-§. Юк ва йўловчиларни халқаро қўламда автомобилларда ташиш

1. Халқаро автомобил қатновларини ташкил этиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Халқаро автомобил қатновининг умумий ва энг муҳим ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда бир мамлакатнинг автотранспорт воситалари давлат чегарасини кесиб ўтади ва бошқа давлатнинг йўллари орқали ўтиб боради. Шу сабабли халқаро автомобил қатновини ривожлантириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун бир хил тарздаги йўл ҳаракати қоидалари, йўл белгилари ва сигналларини белгилаб қўйиш зарур бўлади. Чет эл худуди орқали ташишни амалга ошириш шу чет давлат ваколатли органлари-

нинг тегишли санкциясини (розилигини) олишни ҳам тақозо этади. Шу билан бир вақтда, боғхона ва солиқ масалаларини, шунингдек чет эл автотранспорт воситаларига техник ёрдам кўрсатиш масаласини тартибга солиш зарурати юзага келади.

Мамлакат йўллари орқали чет эл автотранспорт воситаларининг ўтиб бориши шу автотранспорт воситалари қайси давлат йўллари орқали ўтаётган бўлса, шу давлат йўловчилари, фуқаролари ва юридик шахсларига зарар етказиш эҳтимолини назарда тутиб, муайян ҳуқуқий кафолатлар яратишни талаб қилади. Кўпгина мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида ва махсус битимларда назарда тутилган фуқаролик жавобгарлигидан автотранспорт воситаларини мажбурий суғурта қилиш шундай ҳуқуқий кафолатларни яратади.

2. Йўл ҳаракати, йўл белгилари ва сигналларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари. Халқаро автомобил қатновининг ривожланиши ва мамлакатлар ўртасида автомобил паркиннинг айирбошланиши мазкур соҳада кенг миқёсда халқаро-ҳуқуқий бирхиллаштиришни тақозо этди. 1949 йил 19 сентябрда Женевада барча қитъалардаги давлатлар иштирок этишига мўлжалланган Йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенция ҳамда Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги Баённома қабул қилинди. 1968 йил 8 ноябрда Венада Йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенция ҳамда Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги Конвенциянинг янги матнлари имзоланди. Европа, Осиё, Америка давлатлари ва Австралия Йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенциянинг, Европа ва баъзи Америка давлатлари Йўл белгилари тўғрисидаги Баённоманинг қатнашчиларидир. Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 30 августда иккала битимга қўшилди.

Йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенция 35 та модда 10 та илождан иборат бўлиб, уларда бир хилдаги йўл ҳаракати ва унинг хавфсизлиги қоидалари баён қилинган. Конвенциянинг қўлланиш соҳаси I бобда белгиланган. Йўл ҳаракати тўғрисидаги II бобда ҳайдовчиларга қўйиладиган умумий талаблар ва йўллар орқали ҳаракатланиш тартиби, шу жумладан ўтказиб юбориш ва қувиб ўтиш қоидалари белгилаб қўйилган. Унча катта бўлмаган III боб сигнализацияга бағишланган. Автомобиллар ва тиркамалар тўғрисидаги IV бобда уларнинг техник ҳолатига, рақам ва белгиларига қўйиладиган талаблар таърифланган. V бобда халқаро қатнов ҳайдовчиларига қўйиладиган талаблар ва уларга автомобилни бошқариш ҳуқуқини бериш шартлари белгиланган. Автомобилни бошқариш учун энг кичик ёш 18 ёш этиб белгилаб қўйилган. VI бобда велосипедларда ҳаракатланиш қоидалари баён қилинган.

64 та моддани ўз ичига олган Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги Баённома йўл белгилари ва сигналларининг бир тахлитдаги тизимини жорий этади, шунингдек уларни шакллантириш ва ўрна-

тишга доир муайян талабларни белгилаб қўяди. Баённома йўлларга белгилар чизишнинг баъзи қоидаларини ҳам ўз ичига олган. Баённомага биноан аҳдлашувчи давлатлар унда белгилаб қўйилган йўл белгилари тизимини қабул қиладилар ва уни имкони борича қисқа муддатда ҳаётга татбиқ этиш мажбуриятини оладилар.

Ўз қатнашчиларининг мажбуриятларини анча аниқ белгиловчи Йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенция энг кўп ўзгартишларга дуч келди. Бу ўзгартишлар шундан иборатки, аҳдлашувчи томонлар, бир томондан, ўз ҳудудларида амал қилувчи қоидалар ўз моҳиятига кўра Конвенция қоидаларига мувофиқ бўлиши чораларини кўрадилар, иккинчи томондан, Конвенция талабларига жавоб берадиган автомобиллар ва тиркамалар ўз ҳудудларида халқаро ҳаракат қилишига йўл қўядилар ҳамда Конвенция талабларига мувофиқ бериладиган рўйхатга олиш шаҳодатномаси ва ҳайдовчи гувоҳномасини тан оладилар. Илгаригидек, расмиятчиликларни соддалаштириш йўли билан халқаро қатновни енгиллаштириш ниятида аҳдлашувчи томонлар қабул қилган чоралар Конвенция мақсадларига мос деб ҳисобланади.

Конвенцияга мувофиқ, халқаро қатнов учун фойдаланиладиган автомобил муайян маълумотлар минимумини ўз ичига олган рўйхатга олиш гувоҳномасига, рўйхатга олиш рақамига, рўйхатга олинган давлатнинг фарқловчи белгисига, шунингдек Конвенцияда белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи танитувчи белгиларга эга бўлиши керак.

Ё миллий, ё халқаро ҳайдовчи гувоҳномаси бўлиши халқаро қатновга ижозат бериш учун асос ҳисобланади. Конвенцияда бундай гувоҳномаларнинг шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар назарда тутилган ҳамда белгилаб қўйилганки, аҳдлашувчи томонлар 18 ёшга тўлмаган шахснинг ҳайдовчилик гувоҳномасини ўз ҳудудларида тан олмасликлари мумкин. Ҳаракат қоидаларини бузгани тақдирда ҳайдовчиларни ҳайдовчилик гувоҳномасидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тартиби белгиланган. Конвенцияда юкларни ташиш тўғрисида ҳамда ташилаётган юкларнинг боғлаш мосламаларини жойлаштириш тартиби ҳақида умумий кўрсатмалар ва ногабарит юкларни ташиш хусусида айрим махсус қоидалар берилган.

Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги 1968 йилги Конвенция 1949 йилги Баённоманинг асосий қоидаларини ўз кучида сақлаб қолгани ҳолда, йўл белгилари ва сигналларининг анча батафсил таснифини беради, шунингдек уларнинг аҳамияти ва қўлланиш тартибинини анча тўла аниқлайди. Баъзи белгилар ва сигналларнинг батафсил таърифи иловаларга чиқарилган.

3. Халқаро автомобиль қатновларини йўлга қўйиш тўғрисидаги битимлар. Давлатлар ўртасида автомобилда ташишларни бажариш учун автомобил ҳаракатини ташкил этиш ва уни амалга оширишнинг уму-

мий қоидаларини аниқлаш билан боғлиқ маъмурий ва техник масалаларни тартибга солиш зарур. Бундай масалалар махсус халқаро шартномалар мавзуи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан кўпгина мамлакатлар билан жумладан, Чехия, Греция, Болгария, Финляндия, Литва, Словакия, Қирғиз Республикаси, Руминия, Озарбайжон, Латвия, Туркманистон, Молдова, Грузия, Қозоғистон, Беларусь, Хитой, Украина, Россия ўртасида халқаро автомобил қатновини ўрнатиш тўғрисида икки томонлама битимлар тузилган. Бу битимлар ҳукуматлараро битимлар ҳисобланади, улар тегишли мамлакатлар ўртасида автомобил қатнови учун асос яратади ва унинг ҳуқуқий режими асосларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси тузган икки томонлама битимларда уларнинг таъсири остига тушувчи халқаро автомобилда ташишларга таъриф берилади. Бу жўнатиш пункти аҳдлашувчи томонлардан бирининг ҳудудида жойлашгандаги, тайинланган пункт эса — бошқа аҳдлашувчи томоннинг ҳудудида жойлашгандаги автотранспорт воситаларида ташиш, шунингдек транзит билан ёки учинчи мамлакатлардан ташишлардир.

Йўловчилар қатнови (автобусларда йўловчилар ташиш) мунтазам ва номунтазам бўлиши мумкин. Битимларда мунтазам қатновга таъриф берилган. Мунтазам қатнов деганда, ваколатли органлар ўртасида келишилган жадваллар, тарифлар ва йўналишлар бўйича амалга ошириладиган йўловчилар ташиш тушунилади. Келтирилган таъриф тўғри келмайдиган йўловчи ташишлар номунтазам деб ҳисобланади.

Битимлар халқаро автомобил қатнови учун бир қатор умумий талабларни белгилаб қўяди. Биринчидан, ташишлар фақат аҳдлашувчи томонларнинг ички қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро автомобилда ташишларни амалга оширишига ижозат берилган ташувчилари томонидан бажарилиши мумкин. Иккинчидан, ташишлар томонларнинг ваколатли органлари берадиган махсус рухсатномалар асосида амалга оширилиши лозим. Учунчидан, ташишлар халқаро автомобил қатнови учун очиқ бўлган шоссе йўллар орқали амалга оширилиши керак. Тўртинчидан, чет эллик ташувчи бошқа давлатда ички ташишларни амалга ошира олмайди. Ниҳоят, бешинчидан, халқаро қатновда фойдаланиладиган автотранспорт воситалари учинчи шахсларга ва ташилаётган йўловчиларга зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб мажбурий суғурта қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси икки томонлама битимларининг халқаро автомобил қатнови шартлари тўғрисидаги қўрсатмалари кўп эмас ва асосан юк ташишга тааллуқлидир. Ташишлар ташувчи томонидан ўз мамлакати тилида тўлдириладиган махсус юк хати асосида (бир қатор битимларда у халқаро деб аталади) амалга оширилажаги назарда тути-

лади. Агар юк ва автотранспорт васитасининг умумий оғирлиги ёки уларнинг ўлчамлари бошқа аҳдлашувчи томон ҳудудида белгиланган нормалардан ортиқ бўлса, шунингдек хавфли юкларни ташишда бошқа томоннинг ваколатли органларидан ташиш учун махсус рухсатнома олиниши зарур.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама битимларида халқаро автомобил қатновини ташкил этишга кўмаклашувчи бир қатор қоидалар қайд этилган. Белгилаб қўйилганки, юкларни ташиш ва буни бажараётган автотранспорт воситалари бошқа аҳдлашувчи давлатнинг ҳудудида солиқлар ва йиғимлардан икки томонлама озод қилинади; ҳайвонлар ва тез бузилувчан юкларни ташишда чегара, божхона ва санитария назорати навбатсиз амалга оширилади. Баъзи битимлар бошқа томоннинг ҳудудида автотранспорт ташкилотларининг ваколатхоналарини таъсис этиш ҳамда юкларни ташишни амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий, техникавий, тижорат ва бошқа масалаларга оид идоравий битимлар тузиш мумкинлигини назарда тутди.

4. Йўловчиларни, багажни ва юкларни автомобилда ташиш тўғрисидаги халқаро битимлар. 1956 йил 19 майда Женевада тузилган юкларни автомобил транспортида халқаро ташиш шартномаси тўғрисидаги Конвенция (қисқартмаси — ЦМР, шунингдек русча номи қисқартмаси — КДПГ) шундай энг йирик битим ҳисобланади. Ҳозирги кунда ЦМР халқаро транспорт соҳасида энг муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади ва, ўз навбатида, ташишлар ҳақидаги бошқа давлатлараро битимларга таъсир кўрсатади.

Агар юкни жўнатиш жойи ёки тайинланган жойи, ёхуд уларнинг лоақал биттаси Конвенция қатнашчиси бўлган иккита давлатда бўлса, ЦМР юкларни автомобил транспортида ташиш шартномаларига нисбатан татбиқ этилади.

Юкни халқаро автомобилда ташиш шартномаси, жўнатувчи, олувчи ва ташувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, юкни жўнатиш ва белгиланган манзилда қабул қилиш шартларини белгилайди. Юкнинг қиймати эълон қилинмаган бўлса, юк учун товон юкни ташишга қабул қилиб олиш пайтида жўнатиш манзилидаги қийматидан келиб чиқиб, биржа нархи асосида аниқланади. Тўланадиган товоннинг энг кўп миқдори брутто (ўров-идиш билан биргаликдаги) оғирликнинг бир килограмми учун 25 франкни ташкил этади. Бундан ташқари, юк тўла ёки қисман йўқотилганда ташиш ҳақи ва юк билан боғлиқ бошқа чиқимлар тегишлича қисмларда қопланади. Юкни элтиб бериш кечиктирилган тақдирда, кўрилган зарар юк учун ташиш ҳақи доирасида қопланади.

Юкни қабул қилиб олар экан, олувчи унинг бут сақланмаганлиги ҳақида дарҳол, яширин нуқсонлар ҳақида эса — 7 кун ичида маълум қилиши керак. Юкни элтиб қўйиш кечиктирилган тақдирда, бун-

дай арз қилиш учун 21 кунлик муддат белгиланган. Юк бут сақланмагани хусусида эътироз билдирмаслик ташувчига талабнома тақдим этиш ҳуқуқининг йўқотилишига олиб келмайди, бут сақланмаганликни исботлаш вазифасини юк эгаси зиммасига юклайди. Аммо юкни элтиб беришни кечиктирганлик хусусида эътироз билдирмаслик кечиктириш туфайли етказилган зарар қопланишига бўлган ҳуқуқдан маҳрум этади. Ташувчига ёзма талаб йўлланиши мумкин бўлиб, бироқ бундай талаб билан муурожаат этиш мажбурий эмас.

Даъво муддати 1 йил, унда жавобгар мажбуриятларини қасдан бузган бўлса — 3 йилни ташкил этади. Даъво ташувчига қуйидаги судлардан бири орқали қўзғатилиши мумкин: томонларнинг келишувви бўйича судда, жавобгарнинг турар жойи бўйича, унинг қорхонаси бош бошқаруви жойлашган жой бўйича судда, қайси идораси (маҳкамаси) воситасида шартнома тузилган бўлса, ўша идора (маҳкама) жойлашган ердаги судда, шунингдек юкни ташишга қабул қилиб олинган ёки у топшириладиган жойдаги судда. Низони ҳакамлик ҳал этиши учун топшириш тўғрисида томонлар келишувига йўл қўйилади.

ЦМРда мавжуд бўлган коллизион нормалар кўп эмас. Энг муҳим қоида даъво муддатининг тўхтатиб турилиши ва унинг танаффуси суд қонунига бўйсундирилган. Ташишнинг айрим шартлари юкни жўнатиш жойи қонуни, юк турган жой қонуни асосида аниқланиши лозим.

Халқаро йўловчилар ва багажларни автомобилларда ташиш бўйича Конвенция ва Йўловчиларни ташиш қоидалари тўғрисидаги илова 1997 йил 9 октябрда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги томонидан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияни ратификация қилган. Конвенция халқаро йўлларда автобуслар билан йўловчиларни ташишни амалга оширувчи ташувчиларга татбиқ этилади. Конвенцияга биноан йўловчи ва багажни ташиш шартлари ва қоидаларини, суғурта қилиш тартиби, ташувчиларнинг жавобгарлиги, эътирозлар (талабномалар) ва даъволар тақдим этиш, чегара, боғхона, санитария ва бошқа назорат қилиш тартиби кўптомонлама, иккитомонлама ҳукуматлараро халқаро шартномалар ҳамда Тарафларнинг ички қонунчилиги билан тартибга солинади. Халқаро йўловчилар ва багажларни ташишни ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби ушбу Конвенциянинг ажралмас қисми бўлган Йўловчилар ташиш қоидалари билан белгиланади. Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ ташувчи ташиш вақтида йўловчининг соғлиғига етказилган зарар ёки багажга етказилган зарар учун, ҳодиса рўй берган жой ёки вақтдан қатъи назар, йўловчининг ўлими ёхуд унга тан жароҳати етказилгани ёки йўловчи соғлиғига етказилган ҳар қандай зарар учун, багажнинг тўла ёки қисман йўқотилгани ёки унга шикаст етгани учун жавобгардир. Йўловчи ўзи ёки багажи манзилга етиб келган кундан эътиборан 7 кун мобайнида ташувчига даъво қилиш ҳуқуқига эга.

Йўловчилар ташиш қоидалари ташиш жараёнини ташкил қилиш ва назорат қилиш тизимини, шунингдек юк ташувчилар ҳамда йўловчиларнинг, ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутати. Йўловчилар ва бағажни ҳамкорликда мунтазам ташиш тўғрисидаги халқаро шартнома халқаро доимий йўлларда автобуслар билан йўловчилар ва бағажларни ташишни ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

4-§. Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда ҳаво йўлларида ташиш

1. Варшава конвенциясининг мавзуи ва амал қилиш соҳаси. 1929 йил 12 октябрда Варшавада имзоланган Халқаро ҳаво транспортида ташишларга тааллуқли айрим қоидаларни бир хиллаштириш тўғрисидаги Конвенция (Варшава конвенцияси) ҳаво транспортида ташиш шартлари ҳақидаги асосий халқаро ҳужжатдир. Жаҳон мамлакатларининг кўпчилиги (100 дан зиёд мамлакат) Конвенция қатнашчисидир. 1955 йил 28 сентябрда Гаагада Варшава конвенциясининг айрим қоидаларини ўзгартириш тўғрисидаги Баённома (Гаага баённомаси) имзоланди. Унда салкам 90 та давлат иштирок этади, Ўзбекистон Республикаси уларни 1995 йилда ратификация қилган. Барча минтақаларда халқаро ҳаво транспортида ташишларнинг ҳуқуқий режими амалда Варшава конвенцияси ва Гаага баённомаси қоидалари билан белгиланади.

Варшава конвенциясининг 1-моддасида у амал қиладиган ташишларнинг қуйидаги таърифи берилган: 1) ташишда ёки қайта ортишларда танаффус борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар, жўнатиш жойи ва тайинланган жой Конвенцияда иштирок этувчи икки давлат ҳудудида жойлашган бўлади; 2) жўнатиш жойи ва тайинланган жой Конвенцияда иштирок этувчи айни битта давлат ҳудудида жойлашган бўлади, бироқ тўхтаб ўтиш, ҳатто у Конвенция қатнашчиси бўлмаса ҳам, бошқа давлат ҳудудида назарда тутилган бўлади.

Шу тариқа, Конвенция унда иштирок этувчи давлат ва унда иштирок этмайдиган давлат ўртасидаги ташишларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ташишлар Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 75-моддаси мазмунидан келиб чиққанда халқаро парвоз бўлади, негаки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси кесиб ўтилади, аммо бу ташишлар Варшава конвенцияси таъсирига бўйсундирилмайди.

Конвенциянинг 2-моддасига кўра, у почтани ташишга нисбатан ҳам қўлланилмайди.

Варшава конвенциясининг қоидалари императив (қатъий) хусусиятга эга. Аммо бу қоидадан бир қатор чекинишлар маълум. Биринчидан, ташувчи ва йўловчининг келишувига кўра, ташувчининг жавобгарлиги меъёри оширилиши мумкин. Иккинчидан, юкларни ташишда

ташиш ҳужжатида Конвенция қоидаларидан чекинишлар қилиниб, бунда юкни идора қилиш (тасарруф этиш) бўйича ҳуқуқларни ва уни тайинланган пунктда бериш тартибини белгиловчи чекинишлар кўрсатиб ўтилиши мумкин. Учинчидан, ташувчининг жавобгарлиги чегараларини ўзгартиришга ташилаётган юкнинг хусусияти оқибатида йўқотилган ва шикастлантирилган ҳолларда йўл қўйилиши мумкин. Ниҳоят, тўртинчидан, юкларни ташиш судларнинг Конвенцияда белгилаб қўйилган ҳудудий ваколоти доирасида ҳакамлик тўғрисидаги келишувга йўл қўйилади.

2. Ташиш шартномаси, транспорт ҳужжатлари. Тарафлар муносабатларининг шартномавий хусусияти Варшава конвенциясининг йўловчи ва юк шартномасини тузиш тўғрисида сўз юритилувчи моддаларида аниқ-равшан ифодаланган.

Ташиш шартномаси йўл чиптаси (йўловчилар учун), багаж паттаси (багаж учун) ёки авиаюк хатининг ташиш ҳужжатини (юк учун) тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Конвенцияда ташиш ҳужжатларининг реквизитлари (зарурий қисмлари) белгиланган бўлиб, уларнинг доираси Гаага баённомаси билан жиддий равишда чеклаб қўйилган. Жаҳон авиакомпанияларининг аксарияти томонидан халқаро ҳаво транспорти қатновида қўлланиладиган ташиш ҳужжатларининг шакллари IATA ишлаб чиққан тегишли бир шаклдаги андозаларга (проформаларга) мос ҳолда тузилган.

3. Ҳаво транспортда ташувчининг жавобгарлиги. Варшава конвенциясига мувофиқ, ташувчининг жавобгарлиги миқдори бир йўловчи учун 125 минг франк (20 минг АҚШ доллари), юк ва багажнинг бир килограмми учун 250 франк (20 АҚШ доллари) сумма билан чекланган.

Айтиб ўтилган лимитлар йўловчига, багажга, қўл юки ва юкка етказилган зарар учун ҳам, уларни элтиб қўйишни кечиктирганлик учун ҳам ташувчи жавобгарлигининг чегараси ҳисобланади. Бунга қўшимча равишда суд ўз миллий қонунига мувофиқ даъвогарга у қилган суд харажатларининг ҳаммасини ёки бир қисмини қоплашни қарор қилиши мумкин.

4. Ташувчига талаб ва даъволар тақдим этиш. Багаж ва юкларни ташишлар учун Варшава конвенцияси мажбурий даъвогарлик иш юртишини назарда тутди. Зарар аниқланган тақдирда олувчи дарҳол, аммо багаж ва юк олинган кундан эътиборан ҳисоблаганда багаж бўйича 7 кундан ва юк бўйича 14 кундан кечиктирмай ташувчига талаб қўйиши керак. Элтиб қўйиш кечиктирилган тақдирда, талаб багаж ёки юк олувчи тасарруфига берилган пайтдан эътиборан 21 кун ичида билдирилиши лозим.

Йўловчилар ва юк эгаларининг ҳуқуқларини мажбурий равишда ҳимоя қилиш учун 2 йиллик даъво муддати назарда тутилган бўлиб, у тайинланган пунктга етиб келинган пайтдан эътиборан, ҳаво кемаси

етиб келиши лозим бўлган санадан эътиборан ёки ташишда танаффуслар бўлган пайтдан эътиборан ўта бошлайди.

5. Низоларнинг судловга тегишлилиги ва коллизия масалалари. Варшава конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг 113-моддаси муқобил судловга тегишлиликни белгилаб қўйган. Даъво даъвогарнинг танлови бўйича судлардан бирида қуйидаги коллизия нормалари асосида: ташувчининг қонуни бўйича, суднинг қонуни бўйича, ташиш шартномаси тузилган жой қонуни бўйича билдирилиши мумкин.

6. Ҳаво чартери шартлари. Ҳаво транспортда ташишга бўлган талабнинг, айниқса сайёҳат мавсумлари даврида ўсиши, шунингдек бўш турган самолётлар мавжудлиги чартер асосида ташишларнинг ривожланишига асос бўлди. Бир марталик ёки бир нечта парвозларни бажариш учун битта ёки бир нечта самолётни бериб туриш чартернинг мавзуи ҳисобланади. Одатда самолёт етарлича тайёрланган экипаж билан берилади, бироқ самолёт экипажсиз ҳам берилиши мумкин. Ҳаво чартери тарафларини кирага олувчи (буюртмачи) ва ҳаво кемаси мулкдори (компания) деб аташ қабул қилинган.

Авиакомпанияларнинг қоидалари ва тарифларида чартер қисқача тартибга солинган бўлиб, чартер бўйича кирага олувчи ва компаниянинг ўзаро муносабатларини эмас, аввало йўловчилар ва юкларни бўлғуси ташиш шартларини назарда тутди. Чартернинг мақсади, унда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини чартерларнинг проформалари белгилайди. Улар авиакомпаниялар томонидан ишлаб чиқилади ва тузиш чоғида тарафлар томонидан тўлдирилиши мумкин бўлган намунавий шартнома кўринишида бўлади. Ҳаво чартерларида шакли, мақсади ва атамалари бўйича ўзининг ўтмишдоши — денгиз чартерининг таъсири сезилиб туради (5-§).

Ҳаво чартери шартларига кўра жавобгарлик айбнинг бошланишига асосланади. Ташиш шартномаси бўйича жавобгарлик хусусида компаниянинг ташиш қоидаларига ёки, бўлмаса, Варшава конвенциясининг тегишли кўрсатмаларига ҳавола қилинади.

7. 1999 йил май ойида ҳаво орқали халқаро ташишга тааллуқли айрим қоидаларни бирхиллаштиришга доир Монреал Конвенцияси имзоланиб, унда ҳаво орқали ташишнинг тушунчаси келтирилган, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан, махсус ўзлаштирилган ҳуқуқларда ифодаланадиган ташувчининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги чегараси, низоларни ҳал қилишга доир ваколатли органларнинг юрисдикцияси ўрнатилган. Конвенциянинг кучга кириши учун 30 та ратификация ёрлиғи зарур.

5-§. Халқаро кўламда денгиз транспортда ташишлар

Нисбатан мураккаб ҳуқуқий масалалар халқаро денгиз транспортда ташишларда юзага келади. Бу ҳол мазкур соҳадаги муносабатлар-

нинг хилма-хиллиги билан (тартибга солиш предмети) бир қаторда ҳуқуқий тартибга солишнинг манбалари характерининг турлилиги билан ҳам (конвенциялар ҳамда ички қонун ҳужжатлари нормалари билан бир қаторда, шунингдек денгизнинг халқаро одатларидан кенг фойдаланилганлик билан) тушунтирилади.

Кўп давлатларнинг қонун ҳужжатларида одатда юкларни денгиз транспортида ташишга доир муносабатларга нисбатан қайси давлатнинг ҳуқуқи қўлланилиши кераклигини назарда тутувчи коллизион нормалар бўлмайди. Мазкур масалалар суд амалиёти билан ҳал этилади. Буюк Британия ва Франция судларида (француз қонун ҳужжатларига мувофиқ) кема байроғи қонунига амал қилинади, ГФР судларида эса юк бориб тушадиган жой қонунига кўпроқ амал қилинади. Польша қонунига мувофиқ томонлар томонидан танланган қонунга амал қилинади. Ташиш шартномасига кўра танлов бўлмаган тақдирда ташувчининг жойлашган жойи қонунига амал қилинади. РФнинг Савдо кемалари қатнови кодексига мувофиқ томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юкларни денгиз транспортида ташиш шартномаси бўйича, йўловчиларни денгиз транспортида ташиш шартномаси бўйича, шунингдек муайян муддатга фрахтга олиш, денгизда буксирга олиш ва денгиз суғуртаси шартномалари бўйича, агар томонлар битимида бошқа ҳол белгиланмаган бўлса, шартнома тузилган жой қонунига мувофиқ аниқланади. Шартноманинг тузилиш жойи РФ ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Юкларни денгиз транспортида ташиш турлича шароитда амалга ошиши мумкин. Агар мазкур ташиш денгиз транспортида ташувчи томонидан бутун кемани ёки унинг маълум қисмини бермасдан амалга оширилса, у ҳолда ташиш иштирокчилари орасидаги муносабатлар коносамент ёрдамида расмийлаштирилади. 1924 йилда Брюсселда Коносамент тўғрисидаги баъзи қоидаларнинг бир хиллаштирилиши тўғрисида конвенция тузилган.

Аслида денгиз транспортида ташқи савдо юкларини ташиш шартшароитлари денгиз транспортида ташувчи томонидан ташиш учун бутун кемани бериш пайтида ёки юкнинг алоҳида партияларини ташиш учун коносамент бўйича тузилган, ўз ичида ташиш шартшароитлари тўғрисидаги маълумотларни сақловчи (коносамент ташқи бетида) фрахтлаш шартномаларида (чартерда) белгиланади. Денгиз транспортида ташувчи юкни сақлаб қолмаган тақдирда айбли бўлгани учун жавоб беради, унга талаблар қўйиш учун эса бир йиллик муҳлат амал қиладди. Коносамент бўйича юкларни ташиш пайтида унинг нархини эълон қилиш жоиз. Ташувчи навигацион хатолик деб аталмиш (кемани юргизиш ва бошқариш пайтидаги капитан, матрос, лоцман хатоси) хато учун жавобгар бўлмайди.

1978 йил март ойида Ғамбург шаҳрида ўтказилган конференцияда БМТнинг Юкларни денгиз транспортида ташиш тўғрисидаги Конвен-

цияси қабул қилинди. Мазкур Конвенция 1924 йилги Брюссель конвенциясининг ўрнига қабул қилинган. Янги конвенция кенгроқ қамровга эга бўлиб (ҳайвонларни ва палубага жойланадиган юкларни ташишга ҳам татбиқ этилади), бир қатор янгиликларни кўзда тутди. Хусусан, конвенцияда навигацион хатолик юз берганда денгиз транспортида ташувчини жавобгарликдан озод этувчи қоида бекор қилинди, юкни сақлаб қолиш учун унинг жавобгарлик чегараси бирмунча оширилди, ташувчига бўлган талабларни билдириш тартиби белгиланди (даъво қилиш муддати – икки йил).

Юкларни денгиз орқали ташишнинг анча истиқболли шакли доимий денгиз линияларини ташкил этиш тўғрисидаги битимлар асосида амалга оширилувчи мунтазам ёки линияли ташишлардир. Бундай битимлар давлатлараро бўлиши мумкин, лекин кўпинча манфаатдор кемачилик компаниялари томонидан тузилади. Уларда мазкур линияларни эксплуатация қилишнинг асосий шарт-шароитлари аниқланади, денгиз транспортида линияли ташишнинг шарт-шароитлари эса тегишли кемачилик компанияларининг линияли коносаментларида, қоидаларида ва тарифларида белгиланади. Линияли ташишларнинг шарт-шароитлари баъзи транспорт-ҳуқуқий хусусиятларга эга, лекин мазкур соҳадаги ўзига хос коллизия масалалар одатда юзага келмайди.

Денгиз линияларининг катта қисми бугунги кунда йирик кемачилик компаниялари орасидаги битимлар доирасида эксплуатация қилинади ва шу тариқа линия конференциялари деб ном олган ташувчилар гуруҳларини ташкил қилади. Улар ичида юқори фрахт ставкаларини ва бошқа имтиёзли шарт-шароитларни қўйиш йўли билан ўзига энг юқори иқтисодий наф келтиришни таъминлашга ҳаракат қилувчи илгор давлатлар компаниялари ҳал қилувчи таъсирга эга.

Линия конференциялари фаолиятидаги камситиш элементларини бартараф этиш мақсадида 1974 йилда БМТ доирасида ривожланаётган давлатлар ташаббуси билан катта аҳамиятга молик халқаро битим – Линия конференциялари одоб кодекси тузилди. Конференция линия конференцияларининг белгиланган доирада ишлашига йўналтирилган, камситишни рад этувчи ҳамда ташувчи ва юк эгаси манфаатлари мувозанатини яратувчи бир қатор қоидаларни ўз ичига олади. Йўловчиларни денгиз транспортида ташиш охириги йилларда бир қатор халқаро битимларнинг асосий мавзуи бўлиб қолди. Шулардан бири – Йўловчилар ва уларнинг юкини денгиз транспортида ташиш тўғрисидаги 1974 йил 13 декабрдаги Афина конвенциясидир. Конвенция илгари ишлаб чиқилган денгиз транспортида ташиш тўғрисидаги кўпгина халқаро-ҳуқуқий нормаларни қабул қилди: айб мавжуд бўлган ҳолдагина жавобгарлик таъминланди, ташувчининг жавобгарлик доирасининг чегараланиши (йўловчилар соғлиғига зарар етказилган тақдирда – 700 минг франк), даъво қилиш муддати икки йил.

Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенцияларда иштирок этмасанда, унинг қоидалари ҳам ўқувчиларда, ҳам тадбиркорларимизда катта қизиқиш уйғотади

Денгиз транспортидаги ташишлар чартер бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолда юк ташиш учун бутун кема, унинг бир қисми ёки маълум хоналар ажратилади. Одатда амалда халқаро денгиз ташкилотлари, шунингдек миллий кемачилик ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган чартерлар проформалари ишлатилади. Чартерлар юк турига қараб (кўмир, нефть, ёғоч ва ҳ.к.) ишлаб чиқилади. Шу сабабли айрим юкларни ташишнинг ўзига хослиги ҳисобга олинади. Денгиз чартери мазмунига кўра ўз ичига 60 та гача турли шартларни олувчи мураккаб шартномадир (юкни тақдим этиш, уни етказиш тартиби, фрахт бўйича ҳисоб-китоблар ва ҳ.к.). Жавобгарлик юзасидан одатда Коносамент тўғрисида баъзи қоидаларни бирхиллаштириш тўғрисидаги конвенция шартларига ҳавола қилинади. Чартер проформалари шартлари томонлар орқали изоҳлар киритиш йўли билан ўзгартирилиши ёки уларга қўшимчалар киритилиши мумкин.

6-§. Аралаш қатновда юкларни халқаро ташиш

1. Юкларни аралаш ташиш тушунчаси ва унинг турлари. Транспортнинг ёш турлари (ҳаво ва автомобил транспорти) ривожланиши ва ташишларни оқилона ташкил этиш манфаатлари мамлакатлар ўртасидаги ташишларни транспортнинг бир қанча тури иштирокида бажаришни тақозо этади. Бундай халқаро ташишлар, ички ҳуқуқда бўлгани каби, аралаш қатнов (аралаш ташишлар) деб аталади.

Тўғри аралаш коносаментларнинг проформаларини ишлаб чиқишда кемачилик компаниялари ва экспедиторлик фирмалари тўғри коносаментларнинг анъанавий шартларини асос қилиб олиб, уларни аралаш ташишларнинг ўзига хослигини акс эттирувчи қоидалар (юкларни тушириш ва ортиш портларида топшириш тартиби ва транспортнинг ер устки турлари жавобгарлиги шартлари) билан тўлдирганлар. Кейинги йилларда тўғри аралаш коносаментларнинг проформаларини ишлаб чиқишга халқаро транспорт ташкилотлари қўшилдилар ва улар аралаш ташишлар тажрибасидан ҳамда халқаро битимлар лойиҳаларидан фойдаланмоқдалар. Бир қанча проформалар пайдо бўлиб, улар юкларни аралаш ташиш амалиётида қўлланила бошлади.

1973 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан аралаш ташиш ҳужжати тўғрисидаги бирхиллаштирилган Қоидаларнинг чиқарилиши олға силжиш бўлди. Бу Қоидалар 1975 йилда янги таҳрирда эълон қилинди. Қоидалар тарафларнинг юкни аралаш ташиш тўғрисидаги битимида уларга ҳавола қилинган тақдирдагина қўлланилади. Ушбу Қоидалар

коносаментлардан фарқли равишда аралаш ташишни бажарувчи оператор тушунчасини киритади.

Оператор ўзининг тахмин қилинган айби мавжуд бўлгани тақдирда жавобгар бўлади, жавобгарликнинг энг юқори чегараси ҳар бир килограмм оғирлик учун 30 франкни ташкил этади. Юкнинг бут сақланмаган жойлари аниқланган бўлса, турли жавобгарлик қўлланилади. Юкни элтиб қўйишни кечиктирганлик учун жавобгарлик борасида ҳам шу тамойил амал қилади. Операторга нисбатан талаблар қўйиш муддати – 9 ой.

2. 1980 йилги юкларни халқаро аралаш ташиш тўғрисидаги Конвенция. ЮНКТАД доирасида юкларни халқаро аралаш ташиш тўғрисидаги Конвенция 1980 йил май ойида Женевада бўлиб ўтган Дипломатик конференцияда қабул қилинган.

Конвенция барча турдаги транспортга нисбатан татбиқ этилади ва у аралаш ташишни амалга оширишни оператор зиммасига юклайди. Аралаш ташиш шартномасини тузган, ўз номидан иш кўрувчи ва шартноманинг ижро этилиши учун жавобгарликни ўз зиммасига олувчи ҳар қандай шахс оператор бўлиши мумкин. Бу юкни халқаро ташиш шартномасининг янги тури бўлиб, унга кўра, транспорт операцияларини операторнинг ўзи ҳам, у жалб этадиган айрим турдаги транспортда ташувчилар ҳам бажаришлари мумкин. Бунда юк эгаси муайян ташувчилар билан эмас, балки фақат аралаш ташиш оператори билан ҳуқуқий муносабатда бўлади.

Операторнинг жавобгарлиги тахмин қилинган айб учун юзага келади. Юк бут сақланмаган тақдирда жавобгарлик чегараси, қайси сумма кўплигига қараб, бир жой учун 920 махсус ўзлаштира бирлик ёки ҳар бир килограмм оғирлик учун 2,75 худди шундай бирликдан иборат. Бироқ, агар аралаш ташишда денгиз ва дарё транспортида ташувчилар иштирок этмаса, операторнинг жавобгарлиги чегараси юқорироқ бўлиб, ҳар бир килограмм оғирлик учун 8,33 бирликни ташкил этади. Юк бут сақланмаган жой маълум бўлгани тақдирда, турли жавобгарлик қондаси қўлланилади, аммо бунда тегишли халқаро битим ёки миллий ҳуқуқ билан жавобгарликнинг анча юқори чегараси назарда тутилган бўлиши шарт. Элтиб қўйиш кечиктирилган тақдирда, элтиб қўйилиши кечиктирилган юкка тўғри келувчи 2,5 бирликка тенг ташиш ҳақидан ошмаган сумма тўланади.

Конвенцияда аралаш ташиш ҳужжатининг мазмуни аниқланган бўлиб, у жўнатувчининг хоҳишига кўра товар тақсимлов кучига эга бўлиши (айланма бўлиши) мумкин. Конвенция ташиш шартлари ва операторга талабномалар тақдим этиш тартиби борасида 1978 йилги юкларни денгизда ташиш тўғрисидаги Конвенциянинг бир қатор қоидаларини ўзида мужассам этган. Конвенциянинг аралаш ташиш шартномасига тааллуқли барча қоидалари қатъий (императив) хусусиятга эга.

Юкларни аралаш қатновда ташишни амалга оширишда божхона тартиб-таомилини соддалаштиришга қаратилган, божхона қоидаларини ўз ичига олган илованинг мавжудлиги янги Конвенциянинг ўзига хос хусусиятидир. Конвенцияда, шунингдек, у аралаш ташишлар тўғрисидаги бошқа мавжуд халқаро битимлар қўлланилишига тўсқинлик қилмаслиги, унинг қоидалари давлатнинг аралаш ташишлар бўйича операциялари ва аралаш ташиш оператори фаолиятини миллий даражада тартибга солиш ва назорат қилиш ҳуқуқига даҳл қилмаслиги назарда тутилган.

XV БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халқаро ташиш деганда нима тушунилади?
2. Халқаро ташиш шартномасининг ҳуқуқий хусусиятлари нимадан иборат?
3. Халқаро ташиш шартномасининг бошқа транспорт ҳужжатлари билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари нимада намоён бўлади?
4. Халқаро ташиш шартномаси бўйича тарафлар жавобгарлигининг қандай қоидалари белгиланган?
5. Ташишларнинг ҳар хил турлари бўйича ташувчи жавобгарлиги доирасининг қандай чегаралари белгиланган?
6. Чартер бўйича денгиз транспортида ташишларнинг ўзига хослиги нимада?
7. Аралаш қатновда юкларни ташишнинг ҳуқуқий хусусиятлари нимадан иборат?

Тавсия этилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. I боб -Т., 1992 й. 9-бет.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси. 1993 й. 7 май., Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 й. 6-сон. 247-м. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги 1995 й. 22 декабр қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995 й. 12-сон. 262-м.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 71 бобининг 4-параграфи.-Т., 1996 й. 536-бет.

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобил йўллари тўғрисида”ги 1992 йил 3 июн қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1992 й. 9-сон. 353-м.

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобил транспорти тўғрисида”ги 1998 й. 29 август қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998 й. 9-сон. 174-м.

Ўзбекистон Республикасининг " Темир йўл транспорти тўғрисида"ги 1999 й. 15 апрел қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999 й. 5-сон. 118-м.

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги 1999 й. 19 август қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999 й. 9-сон. 216-м.

Ўзбекистон Республикасининг "Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида"ги 2001 й. 11 май қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2001 й. 5-сон. 82-м.

Чегараларда юкларни назорат қилиш шартларини келишиш тўғрисидаги Конвенция, 1982 й.

Халқаро ҳаво қатнови транзити тўғрисида Битим, 1944 й.

Фуқаро авиацияси тўғрисида Чикаго конвенцияси, 1944 й.

Фуқаро авиацияси тўғрисида 1944 йил Чикаго конвенцияси ва протоколлари.

Халқаро ҳаво ташишлари баъзи қоидаларини унификация қилишга оид 1929 й. Варшава конвенцияси ва унинг протоколлари.

Ҳаво кемаларини халқаро тан олиш тўғрисида конвенция, 1948 й.

Контейнерлар тўғрисида Божхона Конвенцияси, 1972 й.

Пулга топширилган ва халқаро юк ташиш учун фойдаланиладиган контейнерларга нисбатан қўлланиладиган божхона тартиби хусусидаги Конвенция, 1994 й.

Юкларни халқаро йўлларда ташишга мўлжалланган йўлда ташиш воситаларини солиққа тортиш тўғрисидаги Конвенция, 1956 й.

Халқаро автомобилда йўловчи ташиш пайтида мажбурий суғурта қилиш тўғрисида МДХ Битими, 1999 й. 13 январ.

Халқаро йўловчиларни ва багажни автомобилларда ташиш бўйича МДХ Конвенцияси, 1997 й. 9 октябр.

Автомобилда юк ташиш борасида МДП гувоҳномасини қўллаган ҳолда халқаро юк ташиш тўғрисидаги Божхона Конвенцияси, 1975 й.

Халқаро юк ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция (ЦМР), 1956 й.

Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисидаги 1978 йил Баёни.

Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенция, 1968 й.

Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги конвенция, 1968 й.

Халқаро йўловчи ташиш тўғрисида битим (СМГС), 1951 й., қўшимчалар ва тузатишлар билан.

Халқаро юк ташиш тўғрисидаги битим (СМПС), 1951 й., қўшимчалар ва тузатишлар билан.

Темир йўлларда халқаро юкларни ташиш тўғрисида конвенция (МГК), 1970 йил., 1980 йилдан КОТИФ.

Темир йўлларда халқаро йўловчиларни ташиш тўғрисида конвенция (МПК), 1970 й., 1980 йилдан КОТИФ.

Қитъа ичкарасидаги давлатларнинг транзит савдоси тўғрисида конвенция, 1965 й.

Хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташиш ва йўқ қилиб юбориш устидан назорат тўғрисида конвенция, 1989 й.

Денгиз орқали йўловчиларни ва юкларни ташиш тўғрисида конвенция, 1974 й.

БМТнинг Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида конвенцияси, 1980 й.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги икки томонлама Битимлари.

Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама Битимлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҳаво қатнови ва ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида икки томонлама Битимлари.

Европа-Кавказ-Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспортнинг Асосий кўптомонлама битими, Баку, 1998 й.

Богуславский М.М. Международное частное право., М., "Юристъ", 1998 й.

Тузмухамедов Р.А., Р.Т.Хакимов. Основы международного права: Учебное пособие. -Т.: "Мир экономики и права", 1998.

Скаридов А.С., Международное частное право: Учебное пособие.- СПб: Изд-во Михайлова В.А., 1998.

Язык бизнеса. Термины., Т., ИПК "Шарк" по заказу "Бизнес каталог", 1995.

Артемьев С.П., Смирнов О.С., Шаронов О.В., Международные перевозки автомобильным транспортом. М., Транспорт, 1977.

Садиков О.Н., Правовое регулирование международных перевозок. М., Юрид. лит., 1981 й.

Луниц Л.А. Курс международного частного права, т.1. М., Юрид.лит., 1973, т. П. М., 1975, т. III (в соавторстве с *Н.И.Марышевой*). М., 1976.

Маковский А.Л. Международное частное морское право. М., 1984.

Раане Л. Международное частное право (перевод с немецкого). М., Иностранная литература, 1960.

Рашидов К.К. Халқаро кўламда йўловчи ва юк ташишнинг ҳуқуқий асослари. Т., Адабиёт тамғармаси нашриёти, 2001, 128-бет.

Тункин Г. Теория международного права. М., Международные отношения, 1970.

Морозов Г.И. Международные организации. Некоторые вопросы теории. М., 1974.

XVI БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ БЎЙИЧА ДАЪВО МУДДАТЛАРИ

1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича даъво муддатлари ва унинг аҳамияти

Халқаро хусусий ҳуқуқда даъво муддатларини қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқий муносабатларда даъво муддатининг қўлланилиши қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Умумий қоидага кўра, даъво муддати деб, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва ҳимоя қилиш учун қонун билан белгиланган муддатга айтилади. Фуқаролик Кодексининг 1183-моддасига кўра, даъво муддати мамлакатнинг тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланилаётган ҳуқуқи бўйича белгиланади. Даъво муддати татбиқ этилмайдиган талаблар, агар тегишли муносабатнинг қатнашчиларидан лоақал биттаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Ушбу халқаро коллизия норманинг моҳияти шундаки, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг даъво муддатлари қоидалари, иккинчидан, бирор-бир хорижий давлат қонунларининг татбиқ этилишини ифодалайди.

Даъво муддати татбиқ этилмайдиган талаблар бўйича тегишли ҳуқуқий муносабат қатнашчиларидан бири Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ёки юридик шахси бўлса, мазкур ҳолатда Фуқаролик Кодексининг 163-моддаси қўлланилади. Ушбу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандига кўра, Кодексда белгиланган даъво муддатининг ўтиши аввал амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган, муддатлари 1997 йил 1 мартга қадар ўтиб кетмаган даъволарга нисбатан қўлланилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ўзларининг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг муҳим воситаси — даъво тартибида судга мурожаат қилиши ҳисобланади. Субъектив фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахснинг ҳимоя ҳуқуқи қонунда белгиланган муддатлар асосида давлат томонидан кафолатланади.

Бузилган ҳуқуқларни даъво асосида ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳуқуқи даъво ҳуқуқи сифатида моддий маънода, судга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи—процессуал маънодаги даъво

ҳуқуқи билан бир-биридан фарқланади¹. Даъво муддати институти энг аввало хўжаликларнинг эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши шароитида хўжаликларда муайян фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга аниқлик киритишни, ваколатли шахс узоқ вақт ўзининг субъектив ҳуқуқини амалга оширмаслигининг олдини олишга барҳам беришни тақозо этади. Бундай манфаатдорлик фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ўзлари учун объектив заруриятдир. Шу билан биргаликда уларнинг интизомли ҳолда ўз ваколатларини бошқа иштирокчилар манфаатларига мос равишда амалга оширишлари ҳамда ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш учун яхши шароит яратилишидан давлат ҳам бевосита манфаатдордир.

Даъво муддати институти оммавий тартибдаги манфаатларга жавоб беради. Бу ҳолат уни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятини белгилаб беради.

Даъво муддатини тартибга солувчи манбалар турли хилдир. Францияда даъво муддати Фуқаролик Кодекси нормалари (2219-2281-моддалар), Финляндия савдо кодекси (189-модда) ҳамда олди-сотди, пудрат, ижара бўйича махсус қонун ҳужжатлари, Швейцарияда Швейцария Фуқаролик Кодекси ва Швейцария мажбурият Қонуни (ФК 95, 454, 521, 600, 790-м.; МК 114-142-м.) нормалари билан тартибга солинади. Англияда даъво муддатини тартибга солувчи турли қонун ҳужжатлари ўрнига 1980 йил 13 ноябрда ягона даъво ҳақидаги қонун амалга киритилган (Limitation Act 1980). Америка Қўшма Штатларида даъво муддатлари ҳақидаги қоидалар штат қонунларида, олди-сотди шартномаси бўйича ягона норма (Ягона Савдо Кодексининг 2-725-моддалари) айрим штат қонунлари билан қўшимчалар киритилиб, татбиқ этиб келинмоқда.

Даъво муддатини бирхиллаштириш бир қатор халқаро конвенцияларда махсус нормаларни ифода этишни талаб этди. Хусусан, 1988 йил 9 декабрда Нью-Йоркда имзоланган халқаро перевод вексел ва халқаро оддий векселлар ҳақидаги БМТ Конвенцияси (84-модда), Товарларни халқаро олди-сотдисиди даъво муддати ҳақидаги 1974 йил 14 июнда Нью-Йоркда имзоланган Конвенция ва 1980 йил 11 апрелда Вена баённомаси билан тўлдирилган Даъво муддати ҳақидаги 1974 йилдаги Конвенция 1988 йил 1 августдан бошлаб кучга кирган.

Даъво муддатини белгилашнинг аҳамиятли томони шундаки, агар низоли ишлар бўйича судга ҳал қилиш учун муайян муддат белгиланмаса, далилларни тўплаш ва тиклаш имконияти чегараланиб, низо-

¹ 1974 йилдаги товарларни халқаро олди-сотдисиди даъво муддати тўғрисидаги Конвенция моддий ҳуқуқ манбаси бўлмасдан, балки процессуал ҳуқуқ манбаси ҳисобланади.

ларни судларда узоқ йиллар ҳал қилиниши талаб қилинар эди. Натижада суд ишларини юритишни амалга оширишга салбий таъсир қилган бўлар эди. Даъво муддати низоли иш тарафларини ўз вақтида даъво кўзғатишга даъват этади. Даъвогар талабларини узоқ йиллар мобайнида ҳал қилишни қаноатлантиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Энг салбий томони шундан иборатки, даъво бўйича жавобгар деб ҳисобланган шахслар, ўзларининг айби йўқлигини исботлаш, даъво юзасидан жавоб бериш ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмас эди. Одатда, белгиланган даъво муддатини ўтказиб юборилган тақдирда, ҳуқуқий муносабат иштироқчилари, башарти суд томонидан узрли сабаб билан ўтказилган деб тан олинмаса, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг 1999 йил 5 февралдаги 7-сонли Хўжалик судлари томонидан “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг жавобгарлик тўғрисида”ги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги¹ Қарорнинг 16 бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 157-моддасига кўра, даъво муддатининг ўтиши, мажбуриятли шахснинг қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатлар қарздорнинг ёзма равишда фақат кредиторга эмас, балки учинчи шахсга ҳам мурожаат қилишида ифодаланadi. Бундан ташқари, қарздорнинг қарзни тан олганлик ҳақидаги ҳаракатлари, шу жумладан солиштирма далолатноманинг тузилиши, кредиторга тўловни кечиктириб туриш ҳақидаги мурожаат, асосий суммага ҳисобланган фоизларни тўлаш ёки даъво муддати ўтишга қадар қарзнинг бир қисмини тўлаш ва ҳоказолар бўлиб ҳисобланади.

Даъво муддати ўтгандан сўнг қарз тан олинганлиги тўғрисидаги ҳаракатлар фуқаролик Кодексининг 157-моддасини қўллаш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Даъво муддатининг узилишидан кейин унинг ўтиши янгидан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 159-моддасига мувофиқ, башарти суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши лозим. Бундан келиб чиқадики, агарда жавобгар даъво муддати ўтганлигига ҳамда қарзни даромадга ўтказилганлиги ва ундан солиқ тўланганлигини важ қилиб, даъвога эътироз билдирса, бу ҳолат даъвони рад этиш учун асос бўла олмайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленуми қарорларининг тўплами, Нукус; Билим нашриёти, 224-бет.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 187-моддасига кўра, мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).

Кўчмас ва бошқа мол-мулкка давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мулк ҳуқуқи ушбу мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли олган шахсда ана шундай рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб вужудга келади. Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқини олгунга қадар мол-мулкка ўзиники каби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини мол-мулкнинг эгалари бўлмаган, шунингдек қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчи шахслардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Эгалик қилиш муддатини важ қилиб келтирадиган шахс ўзи мол-мулкка эгалик қилиб келган барча вақтини ўзининг эгалик қилиш вақтига қўшиши мумкин. Шахс ихтиёрида бўлиб ФКнинг 228, 229, 230 ва 232-моддаларига мувофиқ унинг эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ашёларга доир эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлгандан кейин ўта бошлайди.

Шуни эътироф этиш керакки, ушбу модданинг қоидалари (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат) мулкка эгалик қилиш 1997 йилнинг 1 мартига қадар бошланган ва Кодекс амалга киритилаётган вақтда давом этаётган ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

Қонунинг талабига кўра, низолашилаётган тарафларнинг бузилган ҳуқуқларини муайян муддат давомида ҳимоя қилиш таъминланади. Бундай муддатнинг белгиланиши нафақат Ўзбекистон ҳуқуқи учун, шу жумладан хорижий давлат ҳуқуқи учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, суд амалиётининг тартибга солиниши учун муҳим восита ҳисобланади.

Бинобарин, умум юрисдикция суди, хўжалик суди, ҳакамлар суди даъвони кўриш учун қабул қилишда даъво муддати ўтган ва ўтмаганлигига катта эътибор берадилар. Агар даъво муддати ўтиб кетган бўлса, жавобгар бу фактга эътиборни қаратса, қайд этилган судлар томонидан уни кўриш ва уни қабул қилишдан воз кечишга ҳақли бўлади. Яъни даъво муддатининг ўтиши агар қонунда бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат туғдирмайди. Даъво муддати Ўзбекистон ва хорижий давлат ҳуқуқи учун ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган мулккий муносабатларни тартибга солишга, шартнома интизомига қатъий риоя этилишини таъминлашга, мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишига, агар

унинг бажарилиши бузилган тақдирда Қонун ва шартнома шартларига мувофиқ белгиланган мулкӣ жавобгарлик чораларини қўллашга ёрдам беради.

Ўзбекистон ва халқаро ҳуқуқ нормалариги кўра, даъво муддатига оид қондалар ўзининг юридик табиати жиҳатдан императив тусдаги норма бўлиб ҳисобланади. Даъво муддати қонун билан белгиланади, уларни ҳисоблаш тартиби тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига кўра, “Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”.

Ушбу конституциявий нормадан келиб чиққан ҳолда суд даъво муддати ўтказиб юборилган бўлсада, фуқаронинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган талабини кўриб чиқиш учун қабул қилиши керак. Суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, даъвони кўриб чиқиш учун қабул қилади ва бузилган ҳуқуқни ҳимоя этади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг даъво муддатларига қатъий риоя этишлари қонун устуворлигини таъминлаш ва суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

2-§. Ташқи иқтисодий битимларга қўлланиладиган даъво муддати қондалари

Умумий қоидага кўра, битимлар деб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларга айтилади. Халқаро хусусий ҳуқуқда “Ташқи иқтисодий битим” ва “Ташқи савдо битими” тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Ташқи иқтисодий битим тушунчаси Ташқи савдо битимига нисбатан кенг мазмун ва моҳиятга эгадир. Ташқи иқтисодий битим деганда, хорижий давлат шахслари иштирокидаги турли хилдаги иқтисодий битимлар, Ташқи савдо битимлари деганда эса иштирокчиларнинг лоақал биттаси хорижий давлат жисмоний ёки юридик шахсларнинг товар, хизматлар, ижодий фаолият натижалари ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини экспорт ёки импорт қилиш билан боғлиқ операцияларни ўз ичига қамраб олиши тушунилади.

Ташқи иқтисодий битимларга қўлланиладиган даъво муддатининг моҳияти ва мазмунини очиб бериш ҳуқуқий фан нуқтаи назаридан

муҳим аҳамиятга эгадир. Ташқи иқтисодий битимларда субъект сифатида Ўзбекистон ва хорижий жисмоний ва юридик шахслари иштирок этиши туфайли даъво муддатини қўллаш ўзига хос ҳолда намоён бўлади.

Умумий ҳуқуқда вақтнинг ўтиши шартнома бўйича ҳуқуқни қамраб олмайди. Бундай ҳуқуқ агар шартномани ва унинг шартининг характери бўйича фақат муддати чекланиб қўйилмаган бўлса доимий ва узлуксиз тусга эга бўлади¹

Бизга маълумки ҳуқуқий фанда даъво муддатлари умумий ва махсус турларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи бўйича умумий даъво муддати уч йил қилиб белгиланган.

Айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддати-га қараганда қисқартирилган ёки ўзгартирилган даъво муддатлари белгиланиши мумкин.

Ташқи иқтисодий битимлар ҳам мажбуриятнинг бир тури бўлганлиги сабабли мазкур битим бўйича тараф ўз ҳуқуқи бузилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан даъво муддати ўта бошлайди.

Муайян ижро муддатига эга бўлган мажбуриятлар бўйича даъво муддати ижро муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди. Ижро этиш муддати белгиланмаган мажбуриятлар бўйича даъво муддати кредиторда мажбуриятни бажариш тўғрисида талаб қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан ўта бошлайди, борди-ю қарздорга бундай талабни бажариш учун имтиёзли муддат берилса, даъво муддати имтиёзли муддат тамом бўлганидан кейин ҳисоблана бошлайди. Регресс мажбуриятлари бўйича даъво муддати асосий мажбурият бажарилган пайтдан ўта бошлайди.

Ташқи иқтисодий битимлар бўйича даъво муддатининг ўтиши вақтини аниқлаш энг муҳим масала ҳисобланади. Агар бундай шартномада белгиланган муддатда муайян ҳаракатни бажариш кўзда тутилган бўлса, даъво муддати ушбу даврдан бошлаб ўта бошлайди.

Агар шартнома кечиктириш шартини ўз ичига олган бўлса, даъво муддати унинг юз бериши вақтидан бошлаб ўта бошлайди (масалан, кредиторнинг биринчи талаби билан қарз бўйича тўловни амалга ошириш шarti белгиланган бўлса, қарздорга уни ижро қилиш ҳақида хабарнома юборилган вақтдан бошлаб даъво муддати ўтади).

Даъво муддатининг амалда бўлиши кредиторнинг қарздорга ўз талабларини билдиришга эҳтиётсизлиги ҳақидаги тахмини билан юридик хижатдан алоқадордир.

Даъво муддатини тўхтатиб туришнинг моҳияти шундан иборатки, ваколатли шахс даъво билдиришга эга бўлмайди ёки ундан даъвони тақдим этишни кутиб бўлмайди, шу сабабли бу давр даъво муддати

¹ Ансон В. Договорное право. М. Юридическая литература. 1984. 370-бет.

сифатида ҳисобга олинмайди. Қонун ёки судлар даъво муддатини тўхта-тиб туриш ҳолатларига, хусусан, енгиб бўлмас кучнинг (зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқалар), ҳарбий ҳаракатлар, муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакили бўлмаганлиги ва бошқаларни киритиши мумкин. Бундай ҳолатларга баҳо бериш суд томонидан аниқланади. Қайд этилган ҳолатлар амалда бўлган давр даъво муддати ҳисобига кирмайди, уларга барҳам берилгандан сўнг бошланган даъво муддати яна давом эттирилади. Яъни уни тўхтатиб турилгунга қадар ўтган вақт ҳисобга олинади.

Даъво муддатининг узилиши даъво муддатининг ўтишини бузадиган ҳолатлар юз бериши туфайли аввалги ўтган вақт фойдасиз бўлади. У ҳисобга олинмасдан, бу тўсиқ бартараф этилгандан сўнг даъво муддатининг ўтиши фақат янгитдан бошланиши мумкин.

Ташқи иқтисодий битимларда шахсларнинг алмашилиши даъво муддати ва уни ҳисоблаш тартибининг ўзгаришига олиб келмайди. Ташқи иқтисодий шартномавий мажбуриятларда қуйидагилар даъво муддатининг тўхтатилиш ҳоллари ҳисобланиши мумкин: биринчидан, агар даъво қўзғатилиши учун муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган фавкулотда ҳодиса (енгиб бўлмас куч) тўсқинлик қилган бўлса; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мажбуриятларни бажаришни кечиктирган (мороторий) бўлса; учинчидан, агар даъвогар ёки жавобгар ҳарбий ҳолатга ўтказилган Куролли кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар таркибида бўлса; тўртинчидан, агар муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакиллари бўлмаса; бешинчидан, тегишли муносабатни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг амал қилиши тўхтатилган бўлса.

Ушбу ҳужжатлар даъво муддатининг охири олти ойида, бу муддат олти ойдан кам бўлса, даъво муддати вужудга келган ёки давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади. Муддатнинг тўхтатиб турилишига асос бўлган ҳолат барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади.

Даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан шунингдек, мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади, узилишидан кейин даъво муддатининг ўтиши янгидан бошланади, узилишигача ўтган вақт эса – янги муддатга қўшилмайди.

Даъво муддати ўтгандан кейин мажбуриятни бажарган шахс ижро этиш пайтида даъво муддатининг ўтиб кетганлигини билган ёки билиши лозим бўлганлигидан қатъий назар, бажарган нарсасини қайтарилишини талаб қилишга ҳақли эмас.

Ташқи иқтисодий битимларга ҳам “Товарларни халқаро олди-сотдисида даъво муддати тўғрисида”ги¹ 1974 йилда қабул қилинган Конвенция қоидалари қўлланилади.

Мазкур конвенция товарларнинг халқаро олди-сотди битими бўйича тарафларнинг ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Барча халқаро олди-сотди шартномалари учун ягона 4 йиллик даъво муддати белгиланган. Турли хил давлатлар қонун ҳужжатлари бўйича даъво муддатлари 6 ойдан 30 йилгача муддатга белгиланган². Хорижий давлатларда даъво муддатлари ҳамма фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга тадбиқ этилади, қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Хорижий давлатларда ҳам даъво муддатлари императив тусга эга бўлиб, тарафлар ўзаро келишув асосида даъво ҳаракатини бекор қилишга, унинг муддатини ўзгартиришга ёки унинг шартини қарздор учун бошқа усуллар билан енгиллаштиришга йўл қўйилмайди (ФГКнинг 2220-моддаси, ГФУ 225 - §). Шартномага бундай келишув ҳақида шартнинг киритилиши уни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлади. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция фуқаролик ҳуқуқида шартномада қисқартирилган даъво муддатларини белгилашга йўл қўйилади.

Роман-герман ҳуқуқий тизимидаги давлатларда даъво муддати моддий ҳуқуқ институти ҳисобланса, англия-америка ҳуқуқий тизимидаги давлатларда эса процессуал ҳуқуқ институтидир. Даъво муддатини бундай турли хил талқин этиш муҳим юридик оқибатларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Роман-герман ҳуқуқий тизимидаги давлатларда миллий ҳуқуқий тизимда ифода этилган даъво муддати нормаларини шартнома шартлари ёки коллизия нормаларидан келиб чиқиб тартибга солинадиган муносабатларга арбитраж ёки суд тадбиқ этади. Амалий жиҳатдан унинг моҳияти шундан иборатки, арбитраж ёки суд давлатнинг миллий ҳуқуқи ёки хорижий ҳуқуқ даъво муддати нормаларини қўлланишини англатади.

Англия ва Америка ҳуқуқий тизимидаги давлатларда арбитраж ёки суд процессуал ҳуқуқий муносабатлар доирасида даъво муддатини кўриб чиқиб ҳар қандай ҳолда даъво муддатини тартибга солишда ўз миллий ҳуқуқ нормаларини тадбиқ этади. Бу ҳолат шў билан асосланадики, халқаро хусусий ҳуқуқнинг умум тан олинган доктринасига асосан процессуал тартибдаги масалаларга низо қўлланилаётган давлатнинг қонуни, бошқача қилиб айтганда суд қонуни қўлланилади (*lex fori*)³.

¹ Товарларнинг халқаро олди-сотдисида даъво муддати тўғрисидаги Конвенция (Нью-Йорк, 1974) ўзгартириш баённома билан (Вена, 1980).

² Батафсил қаранг: Гражданское и торговое право капиталистических государств. М. Международные отношения. 1993. 191-бет.

³ Кожневников Б. О. Некоторые вопросы применения исковой давности в англо-американской системе право. Торгово-промышленная палата СССР. Секция право.-М. 1978. 41—49-бет.

Юқорида қайд этилганлардан, ташқи иқтисодий битимларга нисбатан “Товарларнинг халқаро олди-сотдисиди даъво муддати тўғрисида”ги 1974 йилда қабул қилинган қоидалар қўлланганлиги сабабли биз бу ҳақда батафсил 3-§ да фикр юритамиз. Шу сабабли, бу ҳақда ушбу бобнинг 3-§ да Ташқи олди-сотди савдога нисбатан даъво муддатини қўллаш тартиби ёритиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ташқи иқтисодий битимлар иштирокчиларининг унга нисбатан қўлланиладиган даъво муддати қоидаларига риюя этилиши шартнома интизомини мустаҳкамланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

3-§. Ташқи олди-сотди савдога нисбатан даъво муддатини қўллаш тартиби

Ташқи олди-сотди савдога нисбатан даъво муддатини қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ташқи олди-сотди савдога нисбатан даъво муддатини қўллашда 1974 йилдаги “Товарларни халқаро олди-сотди қилишда даъво муддати тўғрисида”ги Конвенция қоидалари алоҳида ўрин тутати. Шунингдек, 1980 йил 11 апрелда Венада Товарларни халқаро олди-сотди қилишда даъво муддати тўғрисидаги Конвенцияни ўзгартириш тўғрисидаги Баённома ҳам қабул қилинган. Маълумки, халқаро олди-сотди муносабатлари давлатлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиб, товарларни халқаро олди-сотди қилиш бўйича даъво муддатларини тартибга соладиган ягона қоидаларнинг қабул қилиниши жаҳон савдосини ривожлантиришга катта ёрдам беради. Мазкур Конвенцияга асосан даъво муддати 4 йил қилиб белгиланган. Конвенциянинг 10, 11, 12-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан мустасно равишда даъво муддатининг ўтиши даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган вақтдан бошлаб ўта бошлайди.

Шартнома бузилишидан келиб чиқадиган даъво ҳуқуқи бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб вужудга келган ҳисобланади. Товарнинг камчилиги ва шартноманинг шартига мос келмаслиги натижасида келиб чиқадиган даъво ҳуқуқи товарни сотиб олувчига бериш ёки унинг товарни қабул қилиб олишни рад этиш кунидан пайдо бўлади.

Шартнома тузишгача ёки уни тузиш, ёхуд унинг ижроси вақтида алдовга асосланган даъво бўлган ёки ҳуқуқ қачон алдов бўлган ёки уни оқилона аниқланган кундан бошлаб вужудга келади.

Агар, сотувчи маҳсулотга нисбатан аниқ белгиланган кафолатлар тақдим этган бўлса, башарти бунинг муддати аниқ даврлар билан ёки

бошқача тарзда чекланган бўлса, бундай кафолатлардан келиб чиқадиган даъволарнинг ўтиш муддати бундай талабни қўйиш учун асос бўлган харидор томонидан сотувчини огоҳлантириш факти рўёбга чиққан кундан бошлаб ҳисобланади, лекин кафолатнинг амалда бўлиш муддатидан кеч бўлиши мумкин эмас.

Агар шартномага қўлланиладиган ҳуқуқ назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, бир тараф шартномани бекор қилиш ҳақида уни бажариш муддати бошлангунга қадар бундай ҳолатларга асослангандирилган даъволарнинг ўтиш муддати ҳақида маълум қилади, ушбу ҳолда даъво муддатининг ўтиши бошқа тарафга маълум қилинган вақтдан бошланади.

Агар шартномани бекор қилиш ҳақида уни бажариш муддати бошлангунга қадар маълум қилинмаган бўлса, бундай ҳолда даъво муддатининг ўтиши шартномани бажариш муддати бошланган кундан ҳисобланади.

Башарти, шартномани бир тараф бузганлиги оқибатида келиб чиқадиган даъвонинг муддати, агар маҳсулотни етказиб бериш ёки маҳсулот учун қисмларга бўлиб ҳақ тўлаш тўғрисидаги шартлар ҳар бир алоҳида қисмга нисбатан даъво муддати бундай қоида бузилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Шартномага нисбатан қўлланилган ҳуқуққа мувофиқ бир тараф шартномани бекор қилиш ҳақида маълум қилиши лозим бўлса, шунингдек бу қоида бузилганлиги ҳақида маълум қилган тақдирда, қолган барча қисмларга нисбатан даъво муддатининг ўтиши бошқа тарафга маълум қилинган кундан бошланади.

Даъво муддатининг ўтиши кредиторнинг ҳаракат содир этиши билан узилади, бундан суд жойлашган давлатнинг ҳуқуқи бўйича иш қўзғатиладиган бўлса, қарздорга нисбатан суд муҳокамаси қўзғатилган ёки қарздорга нисбатан илгари бошланган суд муҳокамасида қанот ҳосил қилиш ёки бу талабни тан олиш мақсадида бошланган суд муҳокамасида қўйилган талаблар деб ҳисобланади.

Агар тарафлар ўртасидаги келишувга биноан улар ўртасидаги низо арбитражда кўрилиши лозим бўлса, истаган бир тараф тартибга мувофиқ арбитраж орқали муҳокама қўзғатган бўлса, башарти бундай тартиб арбитраж келишувида ёки бундай муҳокамага нисбатан қўлланилган ҳуқуқда кўзда тутилган бўлса, даъво муддатининг ўтиши узилади.

Арбитраж келишувида ёки қўлланиладиган ҳуқуқда тегишли қоидалар мавжуд бўлмаган тақдирда, арбитраж муҳокамаси бошланган кун деб, низони арбитражга ўтказиш ҳақидаги ариза турар жойидан тақдим этилган ёки бошқа давлатнинг тижорат корхонаси жойлашган еридан ёхуд булар йўқлиги сабабли унинг охириги маълум бўлган жойлашган турар жойидан ёки унинг тижорат корхонаси жойлашган еридан берилган вақт ҳисобланади.

Низо 1974 йилдаги Товарларни халқаро олди-сотдисида даъво муддати ҳақидаги Конвенциянинг 13, 14-моддаларида кўрсатилгандан бошқачароқ тартибда кўрилаётган бўлса, чунончи қуйидаги ҳолатлар муносабати билан ҳал қилинаётганда:

а) қарздорнинг ўлими ёки унинг ҳуқуқ ёхуд муомала лаёқати чекланганлиги;

б) қарздорнинг барча мулкларига тааллуқли бўлган ҳолатда банкрот бўлиши ёки унинг иқтисодий ночор деб эълон қилинганлиги;

в) корпорация, компания, ширкат, ассоциация ёки бошқа ташкилот қарздорининг тарқатиб юборилиши ёки тугатилиши муносабати билан кредитор ўз талабларини қаноатлантириши ёки тан олинishi мақсадида низони кўришнинг бундай тартибини белгиловчи ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда даъво қўзғаган бўлса, даъво муддатининг ўтиши узилган ҳисобланади;

мазкур Конвенциянинг бир туркум 13, 14, 15-моддалари учун қарши талаб, яъни бир тарафга нисбатан қўйилган талаблар қаторида бу икки талаб битта ёки ўзаро боғлиқ бўлган бир қанча шартномалардан келиб чиққан бўлса худди шу кунни қўйилган деб ҳисобланади.

Агар Конвенциянинг 13, 14, 15, 16-моддаларига мувофиқ даъво муддати доирасида талаб қўйилган бўлса, лекин низони ҳал қилиш давронинг мазмуни юзасидан қарор чиқарилмаган ҳолда тугатилган бўлса, даъво муддатининг ўтиши узилган деб ҳисобланмайди.

Башарти, даввони бундай ҳал қилиш тугатилган вақтга келиб даъво муддати ўтган бўлса, ёки бир йилдан олдин ўтган бўлса кредитор бир йил давомида даъво қилиш ҳуқуқига эгадир, бундай вақтда низони ҳал қилиш муддати тугатилган кундан саналади.

Агар, низони кўриш бўйича битта қарздорга нисбатан иш қўзғатилган бўлса, ушбу Конвенцияда кўзда тутилган даъво муддатининг ўтиши қарздор билан бирга жавобгар бўладиган тарафга нисбатан ҳам узилади. Бундай ҳолда агар кредитор белгиланган муддат давомида ўша тарафни иш қўзғатиш ҳақида ёзма равишда хабардор қилган бўлса, бу қоида қўлланилади.

Башарти, низони ҳал қилиш бўйича ёрдамчи харидор томонидан харидорга нисбатан иш қўзғатилган бўлса ва агар харидор белгиланган муддат давомида сотувчини иш қўзғатилиши ҳақида ёзма тарзда хабардор қилган бўлса, ушбу Конвенцияда кўзда тутилган даъво муддатининг ўтиши сотувчига бўлган харидорнинг талабларига нисбатан узилади.

Конвенция 18-моддасининг 1, 2-бандларида кўрсатилган муддатлар тугагандан кейин низони ҳал қилиш бўйича иш тугагач, кредиторнинг биргаликдаги жавобгарликни олган тарафга нисбатан талаби

бўйича даъво муддатининг ўтиши ёки харидор сотувчига нисбатан талабни бўйича даъво муддати ушбу модданинг 1,2-бандларига кўра узилган деб ҳисобланмайди, бироқ кредитор ёки харидор бир йил давомида талаб қўйишга ҳақли бўлади, бу муддат иш тугатилган кундан бошлаб ҳисобланиб, башарти бу вақтга қадар даъво муддати ўтган, ёки бир йилдан камроқ ўтган бўлса.

Агар, кредитор даъво муддати ўтгунга қадар қарздор тижорат корхонасига эга бўлган давлатда қандайдир ҳаракат қилган бўлсаю, лекин 13, 14, 15 ва 16-моддаларда бу ҳаракатлар кўзда тутилмаган бўлса, бироқ бу давлатнинг ҳуқуқига мувофиқ даъво муддатини тиклашга олиб келса, бундай ҳолда янги 4 йиллик даъво муддати бошланади, бу муддат шу давлатнинг ҳуқуқида кўрсатилган кундан ҳисобланади.

Башарти, қарздор даъво муддати ўтгунга қадар ёзма равишда кредитор олдидаги мажбуриятини тан олса, бундай ҳолда ушбу тан олинган кундан янги 4 йиллик даъво муддати бошланади.

Фоишлар тўланиши ёки қарздор томонидан мажбуриятларнинг қисман бажарилганлиги худди шундай оқибатларни келтириб чиқаради. яъни Конвенция 20-моддасининг биринчи бандига мувофиқ мажбуриятларнинг тан олинганлигини билдиреди, башарти бундай тўловлар ёки мажбуриятларнинг бажарилганлиги қарздор томонидан бундай мажбуриятларни тан олди деб ҳисоблаш учун оқилона асос бўлса.

Агар даъво муддатининг ўтиши кредиторга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар тусфайли, яъни уларни енгиб ўта олмаган бўлса, тегишли ҳолатларнинг амал қилиши тугатилган кундан бошлаб 1 йил тугагунга қадар даъво муддати ўтмаган деб ҳисобланади.

Даъво муддати ва уни қўллаш тартиби ариза ёки тарафлар ўртасидаги келишув бўйича ўзгартирилиши мумкин эмас, Конвенция 22-моддасининг иккинчи бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Қарздор даъво муддати давомида истаган вақтда ёзма равишда кредиторга мурожаат қилиш орқали бу муддатни узайтириши мумкин. Бундай мурожаат қилиш тикланиши мумкин. Ушбу Конвенция 22-моддасининг қоидалари олди-сотди шартномаси шартларининг ҳақиқийлигига тааллуқли эмас, бунда арбитраж жараёни даъво муддатига нисбатан қисқароқ муддат доирасида бошланиши кўзда тутилган бўлиб, бу муддат Конвенцияда белгиланган, олди-сотди шартномасига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуққа мувофиқ бундай шартлар юридик жиҳатдан ҳақиқий ҳисобланади.

Мазкур Конвенциянинг қоидаларидан қатъи назар, даъво муддати 10 йилдан кечикмасдан ҳар қандай ҳолатда ўтиши мумкин, бунда ушбу Конвенциянинг 9, 10, 11 ва 12-моддаларига мувофиқ унинг ўтиши белгиланган кундан ҳисобланади.

Даъво муддатининг ўтиши процессда иштирок этаётган тарафнинг аризасига кўра низо кўрилатганда эътиборга олинади.

Конвенциянинг 24-моддасида назарда тутилган ариза бўлганда талаб қилиш ҳуқуқи тан олинishi мумкин эмас ва даъво муддати ўтгандан кейин низо кўриш бошланган бўлса мажбурий тартибда амалга оширилмайди, Конвенция 25-моддасининг 2-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Даъво муддатининг ўтишидан қатъий назар тараф ўз талабини эътироз тарзида қўйishi мумкин ёхуд бошқа тараф томонидан киритилган истаган қарши талабни эътиборга олиши учун, улар қўйидаги ҳолатларда содир қилинган бўлиши:

а) ҳар икки талаб битта ёки бир қанча ўзаро шартномалардан келиб чиқса, ёки

б) даъво муддати ўтгунга қадар истаган вақтда уни ҳисобга олиш учун даъво қўзғатилиши мумкин бўлса.

Қарздор томонидан даъво муддати ўтгандан кейин мажбурият бажарилган ҳолда гарчи у ўзи томонидан ўз мажбуриятини бажариш вақтида даъво муддати ўтганлигини билмаган бўлсада у мана шу шартлар асосида бажарилган мажбуриятни қайтариш ҳуқуқига эга эмас.

Асосий қарз бўйича даъво муддати ўтганлиги туфайли қарз бўйича фоизлар тўлаш ҳақидаги талаб бўйича даъво муддати ўтган деб ҳисобланади.

Даъво муддати кун охирида ўтган бўлади, демак уни ҳисоблашнинг бошланиши календарь санасига мос келади.

Агар даъво муддатининг тугаши тегишли календарь санаси йўқ бўлган ойда тўғри келса, бундай ҳолда муддат шу ойнинг охиригида кунда ўтган ҳисобланади.

Даъво муддати низо кўриш бўйича иш қўзғатилган ўша жойнинг санасига мувофиқ ҳисобланади.

Агар даъвонинг охиригида кун расмий байрам ёки иштирок этилмайдиган кунга тўғри келганлиги туфайли бу ерда процесс билан боғлиқ муносиб ҳаракатларни амалга ошириш мумкин бўлмаса, башарти кредитор низо кўриш бўйича иш қўзғатаётган бўлса ёки Конвенциянинг 13, 14 ва 15-моддалари тартибидан ўзи талабларини қўйган бўлса, даъво муддати биринчи куннинг охирига қадар узайтирилади, албатта бу расмий байрам ёки иштирок этилмайдиган кунда ва бунинг давомида ишни кўриш қўзғатилиши ёки бундай талаб қўйилиши мумкин бўлса.

Шубҳасиз, ташқи савдога нисбатан қўлланиладиган даъво муддатига оид халқаро ҳуқуқий нормаларга риоя этилишининг таъминланиши суд амалиётида даъвони таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

XVI БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халқаро хусусий ҳуқуқда даъво муддатларининг аҳамияти нимадан иборат?
2. Ташқи иқтисодий битимларга даъво муддати қандай тадбиқ этилади?
3. Ташқи олди-сотди савдога нисбатан даъво муддатини қўллаш тартиби қандай?

Тавсия этилган адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т: Ўзбекистон, 1992 й.

Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.- Т: Ўзбекистон, 1993 й.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т: Ўзбекистон, 1997 й.

Леонид Левитин. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента Ислама Каримова, М: Вагриус, 2001.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т: “Адолат”, 1993 й.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.-Т: “Адолат”, 1996 й.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги 2000 й. 26 майдаги қонуни (янги таҳрирда) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси-2000 й., № 5-6, 83-модда.

Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник.-М: Международные отношения, 1994.

Международное частное право, Учебник. Под. ред. *Г.К. Дмитриевой* -М: Проспект, 2000.

Розенберг М.Г. Международный договор и иностранное право в практике международного коммерческого арбитражного суда.- 2-е изд. -М: Статут, 2000.

Товарларнинг халқаро олди-сотдисида даъво муддати тўғрисидаги Конвенция (Нью-Йорк, 1974) ўзгартириш баённома билан (Вена, 1980)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми қарорларининг тўплами. Нукус. “Билим” нашриёти, 2000 й.

Ансон В. Договорное право - М: Юрид. лит., 1984.

Гражданское и торговое право капиталистических государств.-М: Международное отношение, 1993.

Кожевников Б.О. Некоторые вопросы применения исковой давности в англо-американской системе право // Торгово-промышленная палата СССР. Секция право. М: 1978.

XVII БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ БИЛАН АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

1-§. Ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланадиган умумий қоидалар

Халқаро хусусий ҳуқуқда ашёвий ҳуқуқларни тартибга солиш муҳим ўрин тутати. Бизга маълумки, ашё атамаси бир хил маънода тушунилмайди. Ашё ёки унинг муайян мажмуаси мол-мулкни ўз ичига қамраб олади. Ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинадиган мулккий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ашё, мол-мулк атамаларидан шунга мувофиқ тарзда ашёвий ёки мулккий ҳуқуқ маъноларида фойдаланилади. Шу сабабли нафақат миллий ҳуқуқда, балки халқаро хусусий ҳуқуқда ҳам ашёвий ҳуқуққа ёндашув масаласи энг муҳим масала бўлиб ҳисобланади¹. Ашёвий ҳуқуқни қонун билан чекланган муайян мулккий ҳуқуқ деб тушуниш мумкин. Мулк шартнома билан чегараланиши мумкин эмас. Демак, ашёвий ҳуқуқ шартнома билан белгиланмасдан, балки қонунда кўрсатилиши лозим². Энг муҳими, ашёвий ёки мулккий ҳуқуқ маъносидан тушунишдан қатъи назар биз ўрганаётган мавзу доирасида уларга нисбатан қайси мамлакат ҳуқуқини қўллашнинг моҳиятини тушуниб олиш ҳуқуқни қўллаш амалиёти жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Муай-

¹ *Эннекцерус Л.* Курс гражданского права. Т. 1. Полутом 1. - М. Ин. лит. 1949; *Жюллио де ла Марандьер Л.* Гражданское право Франции. М. Ин. лит. 1958; *Ласк Г.* Гражданское право США - М. 1961; *Дернбург Г.* Пандекты., Вещное право. СП б., 1902, Т. 1. Ч 2. 127-бет. *Маттен Уго.* Основные принципы права собственности - В. кн.: Основные положения права собственности - М.: Юрист 1999; *Скрябин С.В.* Гражданско-правовые проблемы понятие вещного права. Автореф. дисс... канд. юрид. наук Алматы: КГЮУ 1998; *Арипджанов У.А.* Право собственности в системе вещного права. Автореф. дисс. канд. юрид. наук, Ташкент 2000; *Монова Г.Б.* Категория вещных прав в советском гражданском праве //Вестник МГУ, серия 11. Право 1990, № 5; *Одилхўжаева С.* Ўзбекистонда мулк ислохотининг ҳуқуқий асослари //Хўжалик ва ҳуқуқ - 1998 й., №7, 34—37-бет; *Кулагин М.И.* Предпринимательство и право: опыт Запада. М.: Изд-во Дело, 1992, 57—71-бет;

² *Скловский К.И.* Собственность в гражданском праве. М.: Изд-во Дело, 2000, 434 бет; *Скловский К.И.* Собственность в гражданском праве. М.: Изд-во Дело, 2000, 434-бет.

ян ҳолат бўйича у ёки бу давлат ҳуқуқининг тўғри қўлланилиши ўз навбатида қонун устуворлигини таъминлашнинг ҳам муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролик Кодексининг 165-моддасида мулк ҳуқуқи билан бир қаторда хусусан, қуйидагилар ашёвий ҳуқуқлар ҳисобланади. Хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи; мерос қилиб қолдирилдиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи; ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи; сервитутлар шулар жумласидандир.

Мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши, агар қонун ҳужжатларида ўзга тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулкка нисбатан ўзга ашёвий ҳуқуқларнинг бекор бўлиши учун асос бўлмайди.

Ашёвий ҳуқуқ ҳар бир ривожланган давлат фуқаролик қонунчилигининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади¹. Кўплаб давлатларнинг қонун ҳужжатларида кўчмас ва кўчар мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқи фарқланади. Ушбу давлатларнинг қонунчилигига кўра, доктринаси ва суд амалиётида кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқи, мулкнинг жойлашган мамлакат қонуни билан белгиланиши тамойили амал қилиниши билан тавсифланади. Бу қонунларда кўчмас мулкка бўлган мулквий ҳуқуқ мазмуни ва уларга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиш шакллари ва шартлари белгиланган. Энг аввало бундай тамойил кўчмас мулкларнинг алоҳида тоифаларидан бўлиб ҳисобланган ер участкасига нисбатан белгиланиб, махсус реестр ва китобларда ерга бўлган мулк ҳуқуқини қатъий қайддан ўтказишни амалга оширилишидан даволат беради.

Кўчар мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳолати бир мунча мураккаб ҳисобланади. Бунга одатда, қимматбаҳо қоғозлар, транспорт воситалари, шахсий буюмлар ва ҳоказоларни талаб қилиб олиш ҳуқуқи киради. Турли давлатларда бу тоифадаги мулкларга нисбатан ашё жойлашган мамлакат қонунини қўллаш тамойилининг аҳамияти гарчи, кўчар мулклар ҳолатига асосан қайд этилган тамойил муҳим ўрин тутсада, ҳар хил ҳал этилган.

Энг аввало, умум тан олинган қоидага асосан, агар қайси бир давлатда, ашё ушбу давлатнинг қонунига кўра, муайян шахсга қонуний асосда мулк ҳуқуқи ўтган бўлса, ашёнинг жойлашган жойи ўзгарган тақдирда ҳам ушбу ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи унинг эгасида сақланади. Бошқача айтганда, чет элда олинган ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи тан олинади.

¹ Азизов И. Конституционное регулирование права собственности: сравнительное исследование – В. кн. Проблемы собственности – Т: “Адолат”, 1985, 181-бет.; Щенникова Л. В. Вещные права в гражданском праве России – М.: Бск. 1996, 21-бет.

Шунингдек, мулк ҳуқуқининг миқдори ашё жойлашган мамлакат қонуни билан белгиланади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ашёнинг бир мамлакат ҳудудидан бошқа давлатга ўтиши билан мутаносиб равишда мулк ҳуқуқи мазмуни ҳам ўзгаради. Шу сабабли, ушбу давлатларда ашё ўтгунга қадар эгасига қандай мулк ҳуқуқлар тегишли эканлиги аҳамиятга эга эмас. Чет эл фуқаросининг ўз давлатидаги ашёларига нисбатан мулк ҳуқуқи тап олинади, аммо бу ҳуқуқ мазмуни унинг фуқаролиги белгиланган қонун билан эмас, балки ашё жойлашган мамлакат қонуни билан белгиланади. Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасига кўра, агар ашё у турган давлатда сотиб олинган бўлмаса ҳам мулк ҳуқуқининг ўтишига нисбатан қандай қонун билан тартибга солиниши ҳақида турли хил нуқтаи назарлар бор. Айрим давлатларда ашё турган мамлакат қонуни қўлланилиши ҳақидаги қоидалар амал қилса, бошқа ҳолатда эса мулкдорнинг шахсий қонуни билан тартибга солинишига устуворлик берилади. Узоқ йиллар мобайнида Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларида кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига мулкдорнинг шахсий қонуни қўлланилиши тамойили ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб келди. Франция ҳуқуқига асосан бир қатор ҳолларда кўчар мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқида ашё жойлашган ер қонунини қўллаш назарда тутилсада, шу билан бир қаторда, мерос ҳуқуқида мулк ҳуқуқининг мерос тариқасида ўтишида мерос қолдирувчининг шахсий қонуни билан белгиланиши ҳам ифода этилган.

Шуни эътироф этиш керакки, шахсий қонун тамойили умумий қоидадан истисно сифатида қўлланилади. Бу тамойил фақатгина айрим давлатлар қонун ҳужжатларида сақланиб қолган (Аргентина, Бразилия).

Ашё жойлашган мамлакат қонунини қўллашни кенгайтиришнинг моҳияти энг аввало, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг манфаатларига тўла мос келиши билан тавсифланади. Қоидага кўра *lex rei sitae* тамойили қандай ашёлар мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланишига мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар миқдори ва мазмуни ва мулк ҳуқуқининг вужудга келиши, ўтиши ва бекор бўлишини назарда тутди.

Мулк ҳуқуқидан келиб чиқадиган муносабатларнинг коллизия масалалари алоҳида халқаро келишувлар билан ҳам тартибга солинади. 1958 йилдаги Гаагада қабул қилинган товарларнинг халқаро олди-сотдисига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги Конвенция мулк ҳуқуқининг ўтиши билан боғлиқ бир қатор масалалар *lex rei sitae* тамойилига асосланмасдан, балки ашёвий статутга, яъни ташқи савдо олди-сотди битимига тарафлар томонидан қўлланиладиган ҳуқуққа

бўйсунлишига кўра ҳал этилади. Ашёвий ҳуқуқ ўзига хос аломатлари билан мажбурият ҳуқуқидан фарқ қилади¹. Ашёвий ҳуқуқ субъекти ўз хоҳиши билан ашёвий ҳуқуқнинг янги турларини яратиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Мажбурият ҳуқуқи иштирокчилари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ёки назарда тутилмаган бўлсада, лекин улар талабларига зид бўлмаган битимларни тузиш ҳуқуқига эга. Ашёвий ҳуқуқ мутлоқ ҳуқуқ турларидан бўлиб ҳисобланганлиги туфайли ҳам мажбурият ҳуқуқидан фарқ қилади. Шунга боғлиқ равишда ва фуқаролик ҳуқуқи тизимига кўра, мулкый муносабатларни тартибга соладиган нормалар биринчидан, ашёвий ҳуқуққа, иккинчидан, мажбурият ҳуқуқига бўлинади. Бизга маълумки, ашёвий ҳуқуқ (инг. Law of property, interest) объекти бўлган ашё субъектив фуқаролик ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади. Англо-Америка ҳуқуқ тизимида ашёвий ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиати мазмунини жиҳатдан содда конструкция “Ownership” ўз ичига мулк ҳуқуқини “property” ва ўзга ашёларга нисбатан ҳуқуқни қамраб олади. Сўнгиси мулкка нисбатан субъектив ҳуқуқнинг бир кўриниши бўлиб, ашёвийга нисбатан мулк ҳуқуқи бўлганда масалан, мулкдор ашёдан воз кечган ҳолда (res nullius) ҳам давом этади².

Кези келганда шуни айтиш лозимки, хорижий давлатларда ашёвий ва мажбурият ҳуқуқини туркумлаш даражаси бир хилда эмас. Хусусан Венгрия, Чехия, Словакия Фуқаролик Кодекслари субъектив мулкый ҳуқуқларни ашёвий ва мажбурият ҳуқуқига туркумлаб бир-биридан ажратмайди. Польша, Болгария, Руминия ва Куба давлатлари фуқаролик қонун ҳужжатларида ашёвий ҳуқуқ тизими батафсил ўз ифодасини топган³.

Одатда, мулкнинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб кўчмас (immovables) ва кўчар (movables) мулк ҳуқуқи бир-биридан ҳуқуқий

¹ Қаранг: Брагинский М.И. К вопросу о соотношении вещных и обязательственных правоотношений в кн.: Гражданский Кодекс России. Проблемы. Теория. Практика – М., 1998. 114-б. Ефимова Л.Г. О соотношении вещных и обязательственных прав// Государство и право, 1998, № 10. 44-б.; Гражданское право// Под. ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. Санкт-Петербург. Изд-во ТЕИС, 1996, 80-81-бет.

² Козыр О.М. Понятие и система прав на недвижимое имущество по английскому праву// Вестник Московского университета. Серия Право, 1987, № 5, 73-бет.

³ Қаранг: Основные институты гражданского права зарубежных стран (рук. авт. колл. В.В. Залесский. М.: Норма, 1999, 210-226-бет. Кичигина И.Л. Ограниченные вещные права по законодательству Республики Куба – В. кн. Материалы по иностранному законодательству и международному частному праву. Труды 49. – М.: 1991, 17-бет.

ҳолати жиҳатидан фарқланади. Мулк ҳуқуқининг бундай туркумла-ниши ўзининг узоқ йиллик тарихий илдиизига эга бўлиб, Рим хусу-сий ҳуқуқий тизимида ҳам ўз ифодасини топган¹.

Турли давлатлар ҳуқуқи ашёларни туркумлашни, шу жумладан, ашёларни кўчмас ва кўчар мулкларга киритишни ҳар хил белгилайди. Масалан, уйнинг калити ёки ерга ҳуқуқий титулни тасдиқлайдиган ҳужжатлар кўчмас мулкка тегишли ажратилган ашёлар бўлиб ҳисоб-ланади. Англия қонун ҳужжатларига асосан унинг мулкдори кўчмас мулкка манфаати бор шахс сифатида тавсифланади². Ушбу ўринда та-бийий савол туғилиши мумкин. Агар мулк бир ҳуқуқий тизим бўйича кўчар, бошқаси бўйича эса кўчмас мулк бўлса, қайси ҳуқуқ ҳал қилув-чи бўлиб ҳисобланади ёхуд, масалан, мулк ҳуқуқининг ўтишида ҳам бу ҳолатни яққол кузатиш мумкин. Бир давлатда мулк ҳуқуқининг ўтиш вақти — бу тегишли шартнома (контрактни) имзолаш даврида ашёни фактик берилганлигидан қатъи назар, бошқа ҳолатда эса мулк ҳуқуқининг ўтиш вақти ашёни фактик бериш даврига мос келиш билан тавсифланади.

Шундай қилиб, амалиётда бир хил вазият турли хил ҳал қили-ниши мумкин. Бундай ҳолда мазкур вазиятда вужудга келган ҳуқуқий муносабатни тартибга солишда қайси ҳуқуқий тизим нормасини қўллаш мумкин. Бу масала нафақат назарий жиҳатдан, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётининг аҳамияти бўйича ҳам долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади³.

Ашёвий ҳуқуқ шундай мулкий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидирки, бунга асосан мажбур шахс ўз мулкига (ашёга) нисбатан ҳуқуқини бошқа шахсларнинг ижобий ҳаракатига зарурият бўлмасдан амалга оширади. Ашёвий ҳуқуқ бевосита мулкка таъсир қилиш имкониятини беради. Ашёвий ҳуқуққа оид қоидалар ваколатли шахс мулкка эгалик қилишининг юридик имкониятини мустақкамлайди, бошқа шахсларнинг у ёки бу ҳаракатига боғлиқ бўлма-ган ҳолда ундан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1184-модда-сида ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланиладиган умумий қоидалар ўз ифодасини топган.

Хусусан, ушбу моддага кўра кўчмас ва кўчар мол-мулкка нис-батан мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агарда қонунда

¹ Римское частное право. Учебник / Под. ред. И.Б. Новицкого, И.С. Перетер-ского — М.: Новый Юрист, 1997.

² Чешир Дж., Норт П. Международное частное право. Пер. с англ. М., 1982, 24—25-бет.

³ Скворцов О.Ю. Вещные иски в судебно-арбитражной практике. М., 1998. 57—59-бет.

бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади. Мол-мулкнинг кўчмас ёки кўчар ашёларга мансублиги, шунингдек мол-мулкнинг бошқача юридик баҳоланиши ана шу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Умумий қоидага кўра, мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи мол-мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқига асосан белгиланади. Шунингдек этиш керакки, мол-мулк бошқа мамлакат ҳудудида жойлашган бўлишидан қатъи назар агар у Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрида қайд этилган бўлса, бу мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида жойлашган мол-мулкнинг кўчмас ёки кўчар ашёлар туркумига мансублиги, уларнинг турлари, уларни таснифлаш ва ушбу хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга нисбатан қўлланиладиган қоидалар Фуқаролик Кодексининг 7 бобидаги 83-96-моддаларида ифода этилган.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро хусусий ҳуқуққа асосан ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қонун нормаларини тўғри қўллашни таъминлаши унинг субъектлари иштирокидаги муносабатларни тартибга солишнинг муҳим гарови бўлиб хизмат қилади:

2-§. Ашёвий ҳуқуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши

Халқаро хусусий ҳуқуқда ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши ҳақидаги қоидаларнинг аҳамияти беқиёсдир. Бизга маълумки, мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқлар бошқа ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий муносабат каби ҳуқуқ нормаси ва бу ҳуқуқий муносабат вужудга келиши учун муайян юридик фактлар, асослар (ёки усуллари) мавжуд бўлганда вужудга келади¹. Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ўзининг вужудга келиш асосига кўра дастлабки ва ҳосила усулларга бўлинади. Қонунга ва бошқа ҳуқуқий актларга риоя қилинган ҳолда шахс томонидан яратилган, ишланган нарсага нисбатан унинг ўзида ҳуқуқ пайдо бўлади. Агар бирон-бир шахс ўз мулкига нисбатан эгалик ҳуқуқини йўқотган бўлса, у ўз мол-мулкни ташлаб юборган ёхуд ўз ихтиёридан чиқариб юборган бўлса, қонуний асосларга муво-

¹ Масевич М.Г. Основания приобретения права собственности на безхозные вещи // Проблемы современного гражданского права. Сборник статей. Отв. Ред. В.Н. Литовкин, В.А. Рахмилович. Городец. Москва – 2000 – 173-бет.; Хохлов С.А. Право собственности и другие вещные права // Гражданский Кодекс России. Проблемы. Теория. Практика. М., 1998, 396 бет.

фик, уни олган/шахсда бундай мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда мол-мулкка шахс эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши бошқа шахснинг ушбу мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ эмас. Мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг бундай йўл билан вужудга келишига дастлабки усул деб айтилади.

Мол-мулк одатда мулк ҳуқуқининг объекти сифатида қонун қоидаларга риоя қилинган ҳолда бир шахс эгалик ҳуқуқидан иккинчи шахсга ўтади. Бундай ҳолларда мол-мулк ўзининг дастлабки сифатини йўқотмайди, фақат унга эгалик қилувчи субъектлар ўзгаради. Ҳуқуқ ва бурчларнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши ҳуқуқ ворислиги бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқ ворислиги асосан олди-сотди, айирбошлаш шартномалари, ҳадя ва бошқа битимлар билан боғлиқдир. Ҳуқуқ ворислиги мерос қолдириш, юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳолларида ҳам юз бериши мумкинлиги ҳам қонун ҳужжатлари моҳиятидан келиб чиқади. Мулк ҳуқуқининг ворислик бўйича бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши ҳосила усул деб юритилади.

Мол-мулкка дастлабки усулда эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши, мулк эгаси ҳуқуқ ва бурчларининг доираси қонун билан белгиланади. Ҳосила усулида мулк ҳуқуқининг вужудга келишида аввалги мулк эгасининг эрки хоҳиши, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, тарафларнинг келишуви ва давлат бошқарув органларининг актлари муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий давлатлар қонун ҳужжатларида дастлабки ва ҳосила усулида мулкка эгалик ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Агар ишнинг таннархи, бошқа шахсга тегишли материалнинг баҳосидан ортиқ бўлса тайёрловчи ашёга мулкдор бўлган ҳолда материал қийматини унинг эгасига қоплаши шарт. Қолган бошқа ҳолларда қайта ишланган материалнинг мулкдори бўлиб бажаорилган ишнинг ҳақини тўлаган тақдирда, бу материал эгаси ҳисобланади (Франция Фуқаролик Кодексининг 570-571-моддалари, Германия фуқаролик тузукларининг 950-§, Шотландия Фуқаролик Кодексининг 726-моддаси, англо-америка суд амалиёти).

Ҳосил олишда шу назарда тутиладики, ҳосил берувчи ашё, унинг “ҳосили” ишлаб чиқилган ашёлар, табиий маҳсулотлар, масалан, ҳайвон боласи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосили ва бошқалар ёхуд ундан фойдаланиш натижасида олинadиган ашёлар юридик даромад, хусусан ижара ҳақи ва шу кабилар (Франция Фуқаролик Кодексининг 547-550-моддалари, Германия фуқаролик тузукларининг 99, 987-993-§, Шотландия Фуқаролик Кодексининг 642-моддаси).

Умумий қоидага кўра, Рим ҳуқуқи асосида қабул қилинган (*superficiis solo cedit*) ва барча ўрганилаётган ҳуқуқий тизим давлатларида амалда бўлган, мулкдор участкасида бажарилган қурилиш, кўка-

ламзорлаштириш ва бошқа ишлар ва улар билан боғлиқ бўлган натижалар ер билан “бирлашган” ҳолда ҳисобланиб, акси исботлангунга қадар ер мулкдорига тегишлидир (Франция Фуқаролик Кодексининг 553-555-моддалари, Германия фуқаролик тузуклари 946-§, Англо-Америка суд амалиёти).

Кўчар мулклар бирлаштирилганда бирлаштирилган қисмларнинг асосийси тегишли шахс мулкдор бўлиб ҳисобланади (Франция Фуқаролик Кодексининг 566-569-моддалари, Германия фуқаролик тузуклари 997-§, Шотландия Фуқаролик Кодексининг 727-моддаси).

Эгаси бўлмаган ашё мулкдори бўлмайди (*res nullius*) ёхуд ихтиёрий равишда ҳуқуқидан воз кечиб мулкдор мулкни эгасиз қолдиради (*res derelictae*). Германия фуқаролик тузуклари 958-§ ва Франция суд амалиётига асосан хусусий шахслар фақат кўчар ашёларни олувчи субъект бўлиб ҳисобланиши мумкин. Давлат нафақат кўчар, балки кўчмас ашёлар, хусусан, ерга нисбатан мулкка эгалик ҳуқуқини олиши мумкин.

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатга кўра мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асоси бўлиб қонунда белгиланган шартларга жавоб берадиган тарзда мулкка эгалик қилиш факти ҳисобланади (Франция Фуқаролик Кодексининг 2229, 2262-2265-моддалари, Германия фуқаролик тузукларининг 937-§, англо-америка суд амалиёти). Шуни эътироф этиш керакки, хорижий давлатларда кўчар ва кўчмас мулкларга мулкдор бўлишлик эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат шартлари ва мулкни эгаллаб туриш муддати бир хилда ҳал этилмаган. Масалан, француз қонунчилигига асосан, ФФК 2162-2265-моддалари фақат кўчмас мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат 30 йил белгиланган. Англияда эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат бўйича эгалик ҳуқуқини олиш фақат кўчмас мулкларга қўлланилиб, 12 йил мобайнида инсофли эгалловчи бўлишлик талаб этилади.

Ҳамма ҳуқуқий тизим давлатларида ҳосила усулида мулк ҳуқуқини олишда асосий ўринни “шартномали усул” эгаллайди. Бундай шартномалар жумласига олди-сотди, пудрат, қарз ва бошқалар киради.

Хорижий давлатларда мулк ҳуқуқини мажбурий ўтказиш усуллари сифатида национализация, реквизиция ва мусодаралардан фойдаланилади. Национализация усулида ваколатли давлат органининг махсус ҳужжати асосида хусусий шахсларга қарашли мулк давлат ихтиёрига ўтказилади. Бу усул Англия, Франция, Италия, Австрия ва бошқа давлатларда ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда мулкни давлат ихтиёрига ўтказиш асосида қўлланилган. Реквизиция, нисбатан кам қўлланиладиган усул бўлиб, фавқулодда ҳолатларда мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда давлат томонидан олиб қўйилади. Давлатнинг иқти-

содий манфаатларини эътиборга олиб мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кенг татбиқ этилмоқда. Бундай тажриба Англия, Франция, Германия, Португалия ва бошқа бир қатор давлатларда муҳим ўрин эгаллайди.

Мусодара усулига кўра, қонунда назарда тутилган ҳолда содир қилинган ҳуқуқбузарлик учун санкция сифатида ҳақ тўламасдан мусодара қилинаётган мулк олиб қўйилади¹.

Фуқаролик Кодексининг 1185-моддасида ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши ифода этиб берилган. Ушбу моддага кўра, мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ёхуд бекор бўлиши учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир бўлган пайтда бу мол-мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Битим нарсаси бўлган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши, агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлса, ушбу битим буйсундирилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тугаган пайтда мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи билан аниқланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, турли мамлакатлар ўртасида ўрнатиладиган мулкий муносабатларда мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқларининг вужудга келиш ва бекор бўлишида ҳар қайси мамлакатнинг ҳуқуқини қўллашда ўзига хос хусусиятлар мавжуддир.

Бинобарин, мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи олди-сотди шартномасига кўра вужудга келиши мумкин. Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини бекор қилиш мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиш, ундан мол-мулкнинг сотиб олиниши, суд қарорига асосан мол-мулкнинг олиб қўйилиши (197-модда), мол-мулкни миллийлаштириш (национализация) ёки реквизиция қилиниши (199-модда) каби асосларга кўра амалга оширилади.

Олди-сотди шартномаси бўйича унинг нарсаси (предмети) бўлган мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи сотувчидан сотиб олувчига, агар тарафлар бошқа вақтни белгилаган бўлмаса, уни топширган пайтдан бошлаб вужудга келади. Шу пайтдан бошлаб сотувчидаги мол-мулкка

¹ Гражданское и торговое право капиталистических государств. Отв. ред. Е.А. Васильев. М.: Международные отношения, 1993, 220—225-бет.

нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи бекор бўлади. Мол-мулк суд қарорига асосан олиб қўйиладиган бўлса, қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб мулк эгасидаги унга нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи бекор бўлади. Демак, олиш-сотиш шартномаси ёки суд қарорига асосан олиб қўйиш пайтида мол-мулк қайси мамлакатда турган бўлса, унга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши ҳам ўша мамлакатнинг ҳуқуқи билан белгиланади.

Бизга маълумки, халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро олди-сотди шартномалари ва бошқа халқаро фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб бу асосан коллизия (тўқнашувчи) ва моддий ҳуқуқий тартибга солиш услубларидан фойдаланишда намоён бўлади¹. Фуқаролик Кодексида белгиланган коллизия норма диспозитив тусга эга бўлиб, ҳуқуқни қўллашда устуворлик ҳуқуқи тарафларнинг хоҳишига кўра энг аввало шартномада ифода этилиши мумкинлиги назарда тутилади.

Умумий қоидага кўра, мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулк эгаси ўз мулкидан абадий фойдаланиш, ўз мулк ҳуқуқини хоҳлаган вақтда тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким мулкдорга ўз мулкини эгаллаб туриш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш учун муддат белгилаш ҳуқуқига эга эмас².

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш керакки, Фуқаролик Кодексининг 1189-моддасида шартномани тузиш пайтида ва ижро этиш давомида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишда у ёки бу мамлакатнинг ҳуқуқини танлаш бўйича тарафларга бериладиган ҳуқуқлар белгиланган. Мазкур Кодексининг 1190-моддасида эса ҳуқуқни танлаш тўғрисида тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда мажбуриятларнинг алоҳида турлари бўйича шартномага нисбатан қайси мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланган. Масалан, агар олди-сотди шартномасида қайси мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш тўғрисида тарафлар ўзаро келишиб олган бўлмасалар, бундай шартнома мулкни сотувчи жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи билан тартибга солинади.

Бундай келишув ҳада, ижара (мулк ижараси), мол-мулкдан текин фойдаланиш, пудрат, йўловчи, багаж, юк ташиш, транспорт экспедицияси, қарз ёки бошқа кредит, топшириқ, воситачилик, омонат сақлаш, суғурта, кафиллик ва гаров шартномаларида бўлмаган тақ-

¹ Батафсил қаранг: *Ҳошимов В.* Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича олди-сотди шартномасига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ // *Хўжалик ва ҳуқуқ* - 2001 й. -№ 11, 43—46-бет.

² *Раҳмонқулов Ҳ.* Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги // Т.: “Адолат”, 2000 й., 32-бет.; *Азизов Х.* Тадбиркорнинг мулк ҳуқуқи // *Хўжалик ва ҳуқуқ*, 1998 й, № 2, 34—6-бет.

дирда ушбу шартномаларга нисбатан ҳады қилувчи, ижарага берувчи, ссуда берувчи, пудратчи, ташувчи, экспедитор, кредитор, ишончли вакил, воситачи, сақловчи, суғурталовчи, кафил, гаровга қўювчи бўлган мамлакат ҳуқуқини қўллаш учун асос бўлади. Бундан келиб чиқадики, агар тарафлар ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, битим қайси мамлакатнинг ҳуқуқи билан тартибга солинадиган бўлса, мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши ёки бекор бўлиши ҳам ўша мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Фуқаролик Кодексининг 187-моддасига кўра, мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).

Кўчмас ва бошқа мол-мулкка давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мулк ҳуқуқи ушбу мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли олган шахсда ана шундай рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқини олганга қадар мол-мулкка ўзиники каби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини мол-мулкнинг эгалари бўлмаган, шунингдек қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчи шахслардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Қайд этилганларга асосан таъкидлаш жоизки, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тугаган пайтда мол-мулк қайси мамлакатда жойлашган бўлса, унга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқининг вужудга келиши ўша мамлакатнинг ҳуқуқи билан аниқланади.

Мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг у жойлашган мамлакатга ўтиши билан унга нисбатан эгалик ҳуқуқининг бекор бўлишига сабаб бўлмаслиги мумкин. Чунки бошқа мамлакатда ҳам унга ўтган мол-мулкка нисбатан худди шундай қоида қўлланилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Бундай ҳолатда шуни эътироф этиш лозимки, агар ўз мамлакатларининг қонунларига асосан мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуққа эга бўлган ва ушбу мол-мулкни Ўзбекистон Республикасига олиб келган чет эл фуқаролари ва юридик шахслари Ўзбекистон Қонунларига кўра ушбу мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди.

3-§. *Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар*

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлиги доираси тобора кенгайтганлиги сабабли, Ўзбекистон фуқароларининг чет эллардан транспорт воситаларини ва давлат реестрида қайд этили-

ши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларини амалга оширишга кенг имкониятлар яратилмоқда. Ушбу ўринда бундай ашёвий ҳуқуқни қўллашни аниқлаш нафақат ҳуқуқий фан нуқтаи назаридан, балки амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Кўчмас мулкларни давлат рўйхатига олиш хорижий давлат қонун ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган. Айниқса, бундай қонунчилик тажрибаси континентал Европа давлатлари ҳуқуқий тизимига киритилганлиги билан тавсифланади. Кўчмас мулкка ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш масаласи 1898 йилдаги Германия фуқаролик тузуклари ва 1897 йил 21 мартдаги Ер китоби ҳақидаги Низомлар билан тартибга солинган. Швейцарияда эса унинг тартиби 1907 йилдаги Швейцария фуқаролик Кодекси, 1910 йил 21 февралдаги кўчмас мулк рўйхати ҳақидаги федерал Кенгаши Ордонанс билан белгиланган. Ушбу тизимдаги ашёвий ҳуқуқни мустаҳкамлашдаги муҳим ҳужжат — ер китобида унинг мажбурий рўйхатга олиниши ҳисобланади.

Кўчмас мулкка ҳуқуқни мустаҳкамлаш жаҳон тизими таркибига — Торренс ва англо-америка тизими ҳам киради. Роберт Торренс номи билан аталган қонун 1858 йилда Австралияда “Real Property Act” деб қабул қилинган.

Классик англо-америка тизимининг ипотека ва Торренс тизимидан фарқи шундан иборатки, мулк титули унинг олувчисига титулнинг ўтишини давлат рўйхатига олиш вақтидан эмас, балки мулкни ўтказиш давридан ўтиши билан тавсифланади. Бундай ўтказиш (conveyance) энг аввало олувчига собиқ мулкдор томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган ёзма ҳужжатни (deed) кўчмас мулк жойлашган ҳудуддаги графлик рўйхатдан ўтказиш муассасаси томонидан мажбурий қайддан ўтказилиши талаб этилади. Италия қонунчилигига кўра, кўчмас мулкка ашёвий ҳуқуқни ўтишини рўйхатга олиш ҳужжатни (кўчмас мулк битими) рўйхатга олиш шаклида амалга оширилади. Шуни таъкидлаш лозимки, Торренс тизими ўзининг самаралилигини кўрсатиб, ҳозирги пайтда кўплаб англо-америка ҳуқуқий тизими давлатларида, хусусан, Англия, Филиппин, Канада ва Америка Қўшма Штатларининг бир қатор штатларида қўлланиб келинмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1186-моддасида транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларга оид қоидалар

¹ Батафсил қаранг. Чубаров В.В. Вопросы государственной регистрации прав на недвижимое имущество и сделок с ним. // Проблемы современного гражданского права. Сборник статей. Отв. ред В.Н.Литовкин, В.А. Рахмилович. Городец, Москва, 2000, 145—151-бет.

ифода этиб берилган. Ушбу моддага кўра, транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар бу транспорт воситалари ёки мол-мулк рўйхатга олинган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади. Қайд этилган ашёвий ҳуқуқларга қайси мамлакат ҳуқуқини қўллашни аниқлаш ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган мол-мулкларга нисбатан рўйхатга олиш жойини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолда қайси мамлакат ҳуқуқини қўллашда иккита ҳолатни бир-биридан фарқлаш лозим. Биринчи ҳолатда мол-мулк бирон бир хорижий давлатда рўйхатдан ўтказилган бўлса, уша давлатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Иккинчи ҳолатда эса бошқа давлатлардан республикамизга олиб келинган транспорт воситалари ва бошқа мол-мулк давлат реестрида қайддан ўтказилса, бундай ҳолатда мазкур мол-мулкларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 84-моддасига асосан, кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқуқ эгасининг илтимосига кўра амалга оширилган рўйхатдан ўтказишни рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқ ёки битим тўғрисида ҳужжат бериш ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқлаши шарт.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқлар ҳақидаги ахборотни ҳар қандай шахсга бериши шарт.

Ахборот, рўйхатдан ўтказиш қаерда амалга оширилганидан қатъи назар, кўчмас мол-мулкни рўйхатдан ўтказувчи ҳар қандай орган томонидан берилади.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ёки у ҳақда тузилган битимни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд рўйхатдан ўтказиш муддатларининг бузилиши устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўчмас мулклардан фарқли равишда кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 31-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари

(чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар давлат рўйхатига олингандан кейин вужудга келади. Ушбу Кодекснинг 35-моддасига асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатига олиниши керак. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкалари жойлашган ерда амалга оширилади. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 13-моддасида ифода этилганидек, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқага ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳамда уй-жойга оид битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) техник инвентаризация кадастр бюросида амалга оширилиб, ушбу бюро мулк ҳуқуқи, бошқа ашёвий ҳуқуқ ёки битим рўйхатга олинганлиги тўғрисида ҳужжат беради ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга устхат ёзиб қўяди. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳамда турар жойга оид битимларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилиши устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин. Мазкур Кодекснинг 14-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда ер участкасида янги қурилаётган уйга мулк ҳуқуқи уй давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Уйнинг, квартиранинг олди-сотди ва айирбошлаш шартномаси ёзма шаклда, тарафлар имзолайдиган битта ҳужжатни тайёрлаш йўли билан тузилади ҳамда у нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Уйнинг, квартиранинг олди-сотди шартномаси шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Сотиб олувчи сотиб олганидан кейин қонунга мувофиқ турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган шу уй, квартирани олди-сотди шартномасининг муҳим шarti — бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Умрбод таъминлаш шarti билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг қоидаларига риоя этилган ҳолда нотариал тасдиқлани-

¹ Ҳуқуқий адабиётларда ер ва бошқа қўчмас мулкка ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишга эътибор берилмоқда. Қаранг: Сьродоев Н.А. Регистрация прав на землю и другое недвижимое имущество// Государство и право 1998 й., №8, 94—95-бет.; Раҳимов И., Давлат рўйхатидан ўтказиладиган битимлар ва уларнинг қўлланиш доираси // Хўжалик ва ҳуқуқ - 1999 й., №8, 38—40-бет.

ши керак. Уйни, квартирани ҳады қилиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Давлатга қарашли уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Бизга маълумки, мамлакатимизда хусусий мулкнинг ривож топиши натижасида кўплаб хусусий корхоналар ва ташкилотлар вужудга келишида муҳим омил бўлмоқда. Шу сабабли, мулкчилик ва ҳўжалик юритишнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини амалга ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги қарори билан “Мулкчилик ва ҳўжалик юритишнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларининг ягона давлат регистри тўғрисида”ги Низом қабул қилинган. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик ва ҳўжалик юритишнинг барча шаклларидаги корхоналари ва ташкилотларининг ягона давлат регистрини ташкил этиш ва унинг амал қилиши мақсадларини, регистрнинг ҳўжалик юритувчи субъектлари таркибини, регистр ахборот фонди мазмунини, корхоналар ва ташкилот ягона давлат регистридан фойдаланувчиларнинг ўзаро муносабатлари тартибини, ягона давлат регистрини яратишда ва уни юритишда қатнашувчи ташкилотларининг ваколатларини белгилаб беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк давлат кадастрини юритиш тўғрисидаги Қарорига асосан тасдиқланган “Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-бандига кўра, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бинолар ва иншоотлардан самарали фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни мулк эгаларининг ва бу объектлардан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини, шунингдек бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун юритилади. Мулк эгаси бўлган ёки бинолар ва иншоотларга ашёвий ҳуқуқларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар уларга тегишли бинолар ва иншоотлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлишлари шарт (Низомнинг 7-банди). Бино ва иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти мулк эгасига ёхуд бино ёки иншоотга ашёвий ҳуқуқларга эга бўлган шахсга юкланади. Улар бино ёки иншоотни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича барча ёки айрим мажбуриятларини учинчи шахсларга юклашлари мумкин. Бу ҳуқуқларни ва мажбуриятларни рўёбга чиқариш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар ёки улар томонидан вакил қилинган шахс мулкка эгалик ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар пайдо бўлган, ўзгарган, тўхтатилган ёхуд бино ёки иншоотнинг ҳуқуқий

ҳолати ўзгарган пайтдан бошлаб бир ой муддатда шаҳар, туман ҳудудидаги давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга уларни бинолар ва иншоотлар кадастр, реестр дафтарида рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Бинолар ва иншоотлар мерос қилиб олинган тақдирда бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи бошқа ашёвий ҳуқуқлар меросхўрга ёки давлатга қонунчиликда белгиланган тартибда ўтгандан кейин давлат рўйхатидан ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий ва миллий ҳуқуқ нуқтаи назаридан транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқни амалга ошириш бевосита қайд этилган мол-мулкнинг жойини аниқлашга боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида қайд этилган мол-мулкни у ёки бу давлатда рўйхатдан ўтказилишига боғлиқ равишда мулк ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун хизмат қилади.

4-§. Йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар

Халқаро хусусий ҳуқуқда йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қайси мамлакат ҳуқуқини қўллашни аниқлаш муҳим ўрин тутаети. Бинобарин, халқаро амалиётда энг мураккаб масалалардан бири бўлиб битим предмети товар, ашё йўлда бўлган ҳолат ҳисобланади. Бундай ашёвий ҳуқуқларни белгилашда қонунни қўллашнинг ўзига хос томони шундан иборатки, тегишли кўчар мулк (товар) денгиз, темир йўл транспортида ташилаётган пайтда тарафлар у йўлда бўлган пайтда унинг мулк ҳуқуқини ўтказиш бўйича битим тузади. Бундай ҳолда халқаро ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳал этиладиган масала бўлиб қайси давлат қонунини қўллаш ҳисобланади: товарни жўнатган давлат қонуними, мулкни қабул қилиб олиши лозим бўлган давлат қонуними, ёки ашё муайян ораликда жойлашган мамлакат қонуними. Чунончи, агар тарафларнинг келишувида бошқача белгиланган бўлмаса, бу товарни жўнатган мамлакат ҳуқуқи қўлланишлиги тамойили амал қилади. Йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуққа қонун нормасини қўллашнинг характерли томони шунда намоён бўладики, тарафлар мулк ҳуқуқини ўташга оид битимни, ашё ушбу пайтда қайси давлат ҳуқуқий тизими қонуни қўлланишини билмасдан, битим тузишлари мумкин. Ушбу ўринда тарафларнинг эрки мухторияти тамойилига асосланилади. Бу энг муҳим коллизия тамойил ҳисобланиб, агар тарафлар контрактда тегишли ҳолатни назарда тутмаган тақдирда *lex loci contractus* коллизия тамойилини қўллаш учун асос бўлади. Хори-

жий давлатларда йўлда бўлган кўчар мол-мулкларга нисбатан ашёвий ҳуқуқларга қонун нормаларини қўллаш тартиби турлича белгиланган. Венгрия қонун ҳужжатларига асосан, йўлдаги кўчар мулкка ашёвий ҳуқуққа нисбатан ашёнинг тайинланиши жойи давлат қонуни қўлланилади. Аммо бундай ашёларни товар омборларидан мажбурий сотиш ёки гаровга қўйиши билан боғлиқ ашё ҳуқуқий оқибатларга ашё жойлашган ер мамлакат қонуни қўлланилади (Венгрия халқаро хусусий ҳуқуқ ҳақидаги Қонунининг 23 § 2-қисми). Шундай қилиб, қайд этилган ҳолатлар бўйича ашё жойлашган давлат қонуни, ашёнинг тайинланиш жойи қонуни ёки ашёни жўнатиш жойи қонунини ўзаро боғлиқ ҳолда мослаштириш ҳам ҳамма ҳолатлар учун ягона коллизия нормаларни белгилашга олиб келмайди.

Энг муҳим коллизия масалалардан бири мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфини ўтиши вақтига тааллуқли масала ҳисобланади. Аксарият ҳуқуқий тизим давлатларида мулк ҳуқуқи сотувчидан олувчига ўтиши билан сотилган ашёнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиш хавфи ҳам ўтади. Бундай тартиб масалан, Франция, Буюк Британия, Чехия ва Словакия давлатлари қонун ҳужжатларида ифода этилган. Аммо ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи сотувчидан олувчига ўтиши ҳақидаги коллизия масала ни ҳал қилишни мулк ҳуқуқининг ўтишига тааллуқли коллизия масала билан боғлиқ равишда ҳал қилишга асос йўқ. Мулк ҳуқуқининг ўтиш вақти — бу ашёвий ҳуқуқ масаласи, тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи вақти эса тарафлар ўртасидаги мажбурий ҳуқуқий муносабати ҳисобланади¹.

Фуқаролик Кодексининг 1187-моддасига кўра, битим бўйича йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бу мол-мулк жўнатилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Бундай ашёвий ҳуқуқнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу мол-мулклар товар сифатида импорт ёки экспорт қилинган йўлдаги кўчар мулклар ҳисобланади. Яъни уни қабул қилиб олувчига етиб келмасдан, йўлда бирон бир транспортда бўлган тақдирда унга нисбатан эгалик ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқ, агар тарафларнинг келишувида бошқача белгиланган бўлмаса, уни жўнатган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Қайд этилган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларга қайси давлатнинг ҳуқуқи қўлланса ҳам асосан иккита ҳолат инобатга олинishi

¹ *Батафсил қаранг:* Международное частное право. Учебник Под. ред. Т.К. Дмитриевой — М.: Проспект, 2000, 277-бет. *Павлодский Е.А.* Случай и непреодолимая сила в гражданском праве. М.: 1978.

лозим. Биринчидан, йўлда бўлган кўчар мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқнинг вужудга келиши ўзаро тузилган шартномада ўз ифодасини топиши лозим. Иккинчидан, агар тарафлар бу ҳақда келишмаган бўлса, мол-мулк жўнатилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Йўлда бўлган мол-мулкка нисбатан эгалик ёки ашёвий ҳуқуқнинг кимга нисбатан қаерда вужудга келишини белгилаш юридик аҳамиятга эга бўлиб, муайян ҳуқуқий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Бинобарин, Фуқаролик Кодексининг 175-моддасига кўра, мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи мулк эгасининг зиммасига юклатилади. Шу жумладан, ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс ҳам мазкур Кодекснинг 228-232-моддаларида белгиланган ҳуқуқларга эга бўлиши билан мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиш хавфини ўз зиммасига олади. Шунга асосан, агар кўчар мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқ мол-мулк жойлашган, аммо ҳали транспорт орқали жўнатилмаган мамлакатда вужудга келган бўлса, унинг йўлда нобуд бўлиш, бузилиш хавфи мол-мулкни сотиб олувчи ёки қабул қилиб олувчи зиммасида бўлади. Башарти, ушбу мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқ уни транспорт орқали сотиб олувчига ёки қабул қилиб олувчига етказилганидан кейин ўтишига келишилган бўлса, унга бўлган эгалик ҳуқуқи ёки ашёвий ҳуқуқ уни жўнатувчи тарафда сақланиб қолади ва товарнинг йўлда тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиш хавфи унинг зиммасига юклатилади.

Шубҳасиз, йўлда бўлган кўчар мулкларга нисбатан ашёвий ҳуқуқларга халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг таъминланиши мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишига кафолат яратади.

5-§. Ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ашёвий ҳуқуқларини халқаро хусусий ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш кенг маънода тушунилиб, энг аввало махсус фуқаролик ҳуқуқий усуллари, восита ва шаклларидан фойдаланишда намён бўлади. Ашёвий ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифаси фуқаролик муомаласида мулкдан ўзининг тайинланган мақсадига кўра фойдаланишни таъминлашдир. Бундан ташқари, ашёвий ҳуқуқий ҳимоя бузилган ҳуқуқларни тиклаш, учинчи шахсларнинг етказган мулккий зарарини қоплашга ёрдам беради. Бу мақсадга мажбурият-ҳуқуқий ва ашёвий -ҳуқуқий воситалар ёрдамида эришиш мумкин.

Мулкий ҳуқуқларни мажбурият -ҳуқуқий воситаларда ҳимоя қилиш битим тарафи сифатида мулкдорнинг мулкий манфаатлари ёки шартномалардан ташқари унинг мулкига зарар етказилганда амалга оширилади.

Ашёвий ҳуқуқий ҳимоя воситалари мулк ҳуқуқининг турли хил бузилишига қарши ва бу ҳуқуқнинг амалий яхлит ёки мулкдорнинг алоҳида ваколатларини муҳофаза қилиш мақсадига йўналтирилганлиги билан изоҳланади¹.

Роман-герман ҳуқуқий тизим давлатларида бунинг учун махсус ашёвий-ҳуқуқий даъволардан, умумий ҳуқуқ давлатларида эса ҳуқуқ бузилишидан келиб чиқадиган алоҳида даъволар (forts) ҳамда бир қанча махсус ашёвий-ҳуқуқий даъволардан фойдаланилади. Роман-герман ҳуқуқи тизими давлатларида мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун асосан иккита ашёвий-ҳуқуқий даъводан — даъвогар мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш ҳақидаги даъво (actio rei vindicatio), ва негатор даъво — мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам бартараф этишни талаб қилиш ҳақидаги даъводан (actio nedariorum) фойдаланилади. Бундай икки хил даъво талабларига асосланган даъвони тақдим этиш ўз навбатида мулкдорнинг олдинги ҳолатини тиклашга йўналтирилган (status quo), бўлиб, шу билан бир қаторда мажбурият -ҳуқуқий нормалар асосида унинг мутлақ ваколатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашга оид талабни қўйишни ҳам инкор этмайди².

Францияда виндикация ва негатор даъво ҳақидаги қоидалар Кодексда назарда тутилмасда, балки инсофли ва инсофсиз эгаллаш ҳақидаги фуқаролик ва фуқаролик-процессуал Кодекслари нормаларини шарҳлаш асосида даъво ва бошқа муддатлар қўллаш бўйича док-

¹ Гражданское и торговое право капиталистических государств. Отв. ред. Е.А. Васильев. - М.: Международные отношения, 1993, 220-бет; Иванова Н.Р. Защита права собственности в арбитражном суде. Комментарий арбитражной практики. М.: 1999, 116-бет.; Братусь С.Н. Юридическая ответственность и законность. - М.: 1976, 55-бет.; Яковлев В.Ф. Принуждение в гражданском праве // Проблемы современного гражданского права. Сборник статей. Отв. ред. В.Н. Литовкин, В.А. Рахмилович. Городец, М.: 2000, 222-бет.

² Мулк ҳуқуқини ашёвий ҳуқуқий ҳимоя қилиш усуллари батафсил қаранг.: Суханов Е.А. Лекции о праве собственности. М.: Юрид. Лит.; 211-227-бет; Сенчищев В.И. Объект гражданского правоотношения // Актуальные проблемы гражданского права/ Под. ред. М.И. Брагинского. М.: 1998, 131-132-бет.; Рахмилович В.А. О праве собственности на вещь отчужденную неуправомоченным лицом добросовестному потребителю (к вопросу о приобретении права от неуправомоченного лица). Проблемы современного гражданского права. Сборник статей. Отв. ред. В.Н. Литовский, В.А. Рахмилович. Городец.- М.: 2000, 210-222-бет.

трина ва суд амалиётида амал қилади. Хорижий давлатлар фуқаролик ҳуқуқи (Германия фуқаролик тузуклари 932-§ ; Шотландия фуқаролик кодекси 933-моддаси; Америка Қўшма Штатлари Ягона савдо кодекси 2-403-моддалари) инсофли эгалловчининг манфаатлари ҳимоясини таъминлаб, мулкдордан ашёни талаб қилиш бўйича чеклашни ҳам назарда тутди. Ҳамма ҳуқуқий тизим учун умумий ҳолат шуки, мулкдорнинг ашёни фақат инсофсиз эгалловчидан талаб қилиб олиш тамойилига асосланилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига асосан ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш виндикация ва негатор даъволар асосида амалга оширилиши белгиланган.

Бинобарин, Фуқаролик Кодексининг 228-моддасига кўра, мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли (виндикация). Бундай талаб одатда судда виндикация даъвосини кўзгатиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек Фуқаролик Кодексининг 231-моддасига кўра, мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин (негатор даъво).

Фуқаролик Кодексига биноан мол-мулкнинг кимга (фуқарогами, юридик шахсгами, давлатгами) тегишли бўлишидан қатъи назар, уни инсофли ёки инсофсиз эгаллаб турувчидан ҳеч қандай истисносиз тенглаштирилган умумий қоидага кўра мулк эгаси томонидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади (ФКнинг 229, 230-моддалари).

Фуқаролик Кодексининг 228 ва 231-моддалари мазмунидан англа нишича, виндикация ва негатор даъволар кўзгатиш ҳуқуқи асосан мулк эгасига берилган. Мазкур Кодекснинг 232-моддасига мувофиқ умрбод мерос қилиб қолдирилган мол-мулкка эгалик қилувчи шахслар, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларига эга бўлган ташкилотлар, шунингдек қонун ёки шартномаларда назарда тутилган бошқа сабабларга кўра мол-мулкка эгалик қилаётган шахслар ҳам фуқаролик Кодексининг 228-231-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга. Бинобарин, бундай шахслар ўз эгалигидаги мол-мулкни, унинг эгалари бўлган шахсдан ҳам ҳимоя қилиш каби ҳуқуққа эга.

Энг асосийси, ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда қайси мамлакат ҳуқуқини қўллашни аниқлаш манфаатдор тарафнинг ҳуқуқлари кафолатини таъминлабгина қолмай, балки суд амалиётининг самарадорлигини оширишга ҳам ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1188-моддасига кўра, мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга нисбатан ариза берувчининг танлови бўйича мол-мулк турган мамла-

¹ Гражданское и торговое право капиталистических государств. Отв. ред. Е.А Васильев. М.: Международные отношения, . 1993, 226—229-бет.

катнинг ҳуқуқи ёки суд қайси мамлакатга қарашли бўлса ўша мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланади. Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга нисбатан бу мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрида қайд этилган мол-мулкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади.

Фуқаролик ҳуқуқий нормалар жисмоний ва юридик шахсларнинг ашёвий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта имкониятларни назарда тутлади.

Ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда биринчидан, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида ариза берган томоннинг танлови бўйича ўзига тегишли бўлган мол-мулк турган мамлакат ҳуқуқи, иккинчидан, унинг аризасини кўрадиган суд қайси мамлакатга қарашли бўлса, ўша мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилишидан далолат беради. Кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш кўчар мол-мулкларни муҳофоза қилишдан фарқли равишда кўчмас мол-мулк турган давлат ҳуқуқини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқини ҳам қўллашни назарда тутлади. Кўчмас мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган ариза ҳам ушбу мамлакатга тегишли суд томонидан кўрилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат реестрида қайд этилган транспорт воситалари ва бошқа мол-мулклар қайси мамлакат ҳудуди доирасида жойлашган ёки турган бўлишидан қатъи назар, бундай мулкларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан ашёвий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши улар иштирокидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

ХVII БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ашёвий ҳуқуқ ҳақида умумий қоидалар деганда нима тушунилади?
2. Ашёвий ҳуқуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлиш асослари нимадан иборат?
3. Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар моҳиятини тушунтириб беринг?
4. Йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
5. Ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш қандай тартибда амалга оширилади?

Тавсия этилган адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси-Т: “Ўзбекистон”, 1993 й.
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси-Т: “Адолат”, 1996 й.
- Чет эл инвестициялари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 30 апрел Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., № 5-6, 91-модда.
- Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 30 апрел қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., № 5-6, 93-модда.
- Инвестиция фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 24 декабр Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й. № 1-10-модда.
- Эннекцерус Л.* Курс гражданского права. Т. 1 Полумом 1 – М.: Ин. лит. 1949.
- Жюллио де ла Марандьер Л.* Гражданское право Франции. М. Ин. лит. 1958.
- Ласк Г.* Гражданское право США – М.: 1961.
- Дернбург Г.* Пандекты. Вещное право. СП б, 1902, Т. 1. ч 2. 127-бет.
- Маттен Уго.* Основные принципы права собственности – В. кн.: Основные положения права собственности – М.: Юрист, 1999.
- Скрябин С.В.* Гражданско-правовые проблемы понятия вещного права. Автореф. дисс. канд. юрид. наук, Алматы: КГЮУ, 1998.
- Арипджанов У.А.* Право собственности в системе вещного права. Автореф. дисс. канд. юрид. наук, Тошкент, 2000.
- Монова Г.Б.* Категория вещных прав в советском гражданском праве // Вестник МГУ, серия 11. Право 1990, № 5.
- Одилхўжаева С.* Ўзбекистонда мулк ислохотининг ҳуқуқий асослари // Хўжалик ва ҳуқуқ - 1998 й., №7, 34-37-бет.
- Кулагин М.И.* Предпринимательство и право: опыт Запада. М.: Изд-во Дело, 1992, 57-71-бет.
- Скловский К.И.* Собственность в гражданском праве. М.: Изд-во Дело, 2000, 434-бет.
- Азизов И.* Конституционное регулирование права собственности: сравнительное исследование – В. кн. Проблемы собственности – Т: “Адолат”, 1985, 181-бет.
- Щенникова Л.В.* Вещные права в гражданском праве России – М.: Бек. 1996 – 21-бет.
- Брагинский М.И.* К вопросу о соотношении вещных и обязательственных правоотношений в. кн.: Гражданский Кодекс России. Проблемы. Теория. Практика – М., 1998. 114-бет.

- Ефимова Л.Г.* О соотношении вещных и обязательственных прав // Государство и право, 1998, № 10. 44-бет.
- Гражданское право // Под. ред. *А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого*. Санкт-Петербург. Изд-во ТЕИС, 1996, 80—81-бет.
- Козыр О.М.* Понятие и система прав на недвижимое имущество по английскому праву // Вестник Московского университета. Серия Право, 1987, № 5, 73-бет.
- Основные институты гражданского права зарубежных стран (рук. авт. колл. *В.В. Залесский*. М.: Норма, 1999, 210—226-бет.
- Кичигина И.Л.* Ограниченные вещные права по законодательству Республики Куба – В. кн. Материалы по иностранному законодательству и международному частному праву. Труды 49 – М.: 1991, 17-бет.
- Римское частное право. Учебник // Под. ред. *И.Б. Новицкого, И.С. Перетерского* – М.: Новый Юрист, 1997.
- Чешир Дж., Норт П.* Международное частное право Пер. с англ. М., 1982, 24-25-бет.
- Скворцов О.Ю.* Вещные иски в судебно-арбитражной практики. М., 1998. 57-59-бет.
- Масевич М.Г.* Основания приобретения права собственности на бесхозные вещи // Проблемы современного гражданского права. Сборник статей. Отв. ред. *В.Н. Литовкин, В.А. Рахмилович*. Городец. Москва – 2000 – 173-бет.
- Хохлов С.А.* Право собственности и другие вещные права // Гражданский Кодекс России. Проблемы. Теория. Практика. М.: 1998, 396-бет.
- Гражданское и торговое право капиталистических государств. Отв. ред. *Е.А. Васильев*. М.: Международные отношения, 1993, 220—225-бет.
- Хошимов В.* Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича олди-сотди шартномасига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ // Хўжалик ва ҳуқуқ-2001-№ 1, 43-46-бет.
- Раҳмонкулов Ҳ.* Хусусий мулк ва унинг дахлсизлиги // Т.: “Адолат”, 2000 й., 32-бет.
- Азизов Х.* Тадбиркорнинг мулк ҳуқуқи // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1998, № 2, 34-36-бет.
- Чубаров В.В.* Вопросы государственной регистрации прав на недвижимое имущество и сделок с ним // Проблемы современного гражданского права. Сборник статей. Отв. ред. *В.Н. Литовкин, В.А. Рахмилович*. Городец, Москва, 2000, 145—151-бет.
- Сыродоев Н.А.* Регистрация прав на землю и другое недвижимое имущество // Государство и право 1998, № 8, 94—95-бет.
- Раҳимов И.* Давлат рўйхатидан ўтказиладиган битимлар ва уларнинг қўлланиш доираси // Хўжалик ва ҳуқуқ - 1999 й., №8, 38—40-бет.
- Международное частное право. Учебник Под. ред. *Т.К. Дмитриевой* – М.: Проспект, 2000, 277-бет.

- Павлодский Е.А.* Случай и непреодолимая сила в гражданском праве. М.: 1978.
- Иванова Н.Р.* Защита права собственности в арбитражном суде. Комментарий арбитражной практики. М.: 1999, 116-бет.
- Братусь С.Н.* Юридическая ответственность и законность. — М.: 1976, 55-бет.
- Яковлев В.Ф.* Принуждение в гражданском праве // Проблемы современного гражданского права. Сборник статей. Отв. ред. *В.Н. Литовкин, В.А. Рахмилович.* Городец, М.: 2000, 222-бет.
- Суханов Е.А.* Лекции о праве собственности. М.: Юрид. Лит.; 211—227 бет.
- Сенцищев В.И.* Объект гражданского правоотношения // Актуальные проблемы гражданского права// Под. ред. *М.И. Брагинского.* М.: 1998, 131—132 бет.
- Рахмилович В.А.* О праве собственности на вещь отчужденную неуправомоченным лицом добросовестному потребителю (к вопросу о приобретении права от неуправомоченного лица) // Проблемы современного гражданского права. Сборник статей. Отв. ред. *В.Н. Литовский, В.А. Рахмилович.* Городец-М.: 2000, 210—222-бет.

XVIII БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ШАРТНОМАЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

1-§. Шартномага нисбатан ҳуқуқ нормаларини танлаш ва қўллаш

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1189-моддасига кўра, хорижий элемент мавжуд бўлган шартномалар Конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари унинг томонлари танлаган мамлакат ҳуқуқи воситасида тартибга солинади.

Ушбу модданинг мазмуни шартнома томонларини муайян мамлакатда амал қилувчи ҳуқуқий тартиботнигина танлаш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳуқуқнинг ва оқилоналикнинг етакчи қоидаларини танлаш имкониятига эга эмаслар, дея талқин этилмоғи лозим.

Шартнома тарафлари шартноманинг барча қисмига ёки унинг айрим бўлагига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни танлашлари мумкин. Бунда шартнома тузиш пайтида ҳам, кейинчалик ҳам қўлланиладиган ҳуқуқ танланиши мумкин. Шунингдек, шартнома тарафлари шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни ўзгартириш масаласини ҳал этишлари мумкин.

Амалда кўпчилик ҳолларда томонлар шартнома тузар эканлар, унга нисбатан қайси мамлакат ҳуқуқини қўллаш лозимлиги масаласини ҳал этиш ҳақида ўйлаб кўрмайдилар.

Агар шартнома тузувчи тарафлар ўртасидаги келишув билан шартнома муносабатлари қайси мамлакат ҳуқуқига буйсундирилганлиги масаласи ифода этилмаган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1190-моддасига кўра, қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ коллизия нормалари асосида ҳал этилади.

Қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда, бу шартномага нисбатан:

- а) олди-сотди шартномасида — сотувчи;
- б) мулк ижараси шартномасида — ижарага берувчи;
- в) алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия битимида — лицензиячи;
- г) ҳадя шартномасида — ҳадя қилувчи;
- д) мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномасида — ссуда берувчи;
- е) пудрат шартномасида — пудратчи;
- ё) йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасида — ташувчи;

- ж) транспорт экспедицияси шартномасида — экспедитор;
- з) қарз шартномасида ёки бошқа кредит шартномасида — кредитор;
- и) топшириқ шартномасида — ишончли вакил;
- й) воситачилик шартномасида — воситачи;
- к) омонат сақлаш шартномасида — сақловчи;
- л) суғурта шартномасида — суғурталовчи;
- м) кафиллик шартномасида — кафил;

н) гаров тўғрисидаги шартномада — гаровга қўювчи ҳисобланувчи тараф таъсис этилган, турар жойига эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади.

Қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартнома тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, юқорида кўрсатиб ўтилган қоидаларидан қатъий назар:

1) кўчмас мулк тўғрисидаги шартномага нисбатан — бу мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи;

2) биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага ва қурилиш пудрати шартномасига нисбатан — ана шундай фаолият амалга ошириладиган ёки шартномада назарда тутилган натижалар яратиладиган мамлакатнинг ҳуқуқи;

3) кимошди савдосида, танлов бўйича ёки биржада тузилган шартномага нисбатан — кимошди савдоси, танлов ўтказиладиган ёки биржа жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади.

Қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, бошқа шартномаларга бундай шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони амалга оширадиган тараф таъсис этган, турар жойига эга бўлган ёки асосий фаолият жойи бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижрони аниқлашнинг имконияти бўлмаган тақдирда шартнома энг узвий боғланган мамлакатнинг ҳуқуқи асосида тартибга солинади.

Шартномага нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлаш йўли билан шартноманинг мажбурий тартиботи белгиланади. Мажбурий тартибот асосида шартнома бўйича тарафларнинг мажбуриятлари, уларни ижро этмаслик оқибатлари (муддатнинг ўтиб кетиши, юзим даражада ижро этмаслик) белгиланади ва аниқланади. Жавобгарликдан озод қилиш мажбурияти ҳам мажбурий тартибот билан белгиланади.

Шартнома тузиладиганида у қайси қонунчилик томонидан тартибга солинишини тарафлар белгилаши мумкин. Тарафлар эрк мухторияти принципларига кўра танлаш ҳуқуқига эга. Тарафларнинг ўз хоҳишига биноан шартнома мазмунини белгилаш ҳуқуқи ушбу мухториятни ташкил қилади.

Бизнинг қонунчилигимизда битимнинг шаклига нисбатан ҳуқуқни қўллашга махсус ёндошиш намоён бўлмақда (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1181-моддаси).

Шартнома тарафлари келишуви асосида ҳуқуқни танлашнинг муҳим аҳамиятини тан олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси Қонунга кўра танлашни чеклаш имкониятига йўл қўяди (агар Қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишуви бўйича танланган томоннинг ҳуқуқи билан шартнома тартибга солинади). Коллизион боғловчиларининг бўлинишига йўл қўйилади: шартнома тарафлари қўлланиладиган ҳуқуқни умуман шартнома учун ҳам, унинг алоҳида қисмлари учун ҳам танлаб олишлари мумкин. Қўлланиладиган ҳуқуқ тарафлар томонидан шартнома тузилаётганда ҳам, ундан кейин ҳам исталган вақтда танланиши мумкин бўлган: тарафлар, шунингдек исталган вақтда қўлланиладиган ҳуқуқни ўзгартириш тўғрисида келишиб олишлари мумкин бўлган имконият тўғрисидаги қоида тарафларнинг манфаатларига оид.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида қайд этилган коллизион нормаларнинг тизими Венгрия, Швейцария ва бошқа мамлакатлардаги шартнома мажбуриятларини коллизион тартибга солиш тажрибасини акс эттиради, аммо унинг бир фарқи мавжуд: бу мамлакатларнинг қонунлари ташқи иқтисодий шартномаларни ташқи иқтисодиётга оид бўлмаган шартномалардан ажратмайди.

Қатор мамлакатларда тарафлар томонидан қўлланиладиган ҳуқуқни танлаб олиш имконияти шартноманинг маҳаллийлаштириш шартлари, уларнинг ўртасида оқилона алоқа: шартномага муайян тартибда у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ қўлланилиши мумкинлиги томонларидан чегараланган.

Халқаро олди-сотди ва бошқа шартнома мажбуриятларидан тартибга солиш учун қўлланиладиган ҳуқуқни тарафлар томонидан танлаб олиш тўғрисида бу соҳада коллизион ҳуқуқни ягоналаштирган халқаро конвенцияларда гапириб ўтилади.

1955 йилдаги халқаро мол-мулкнинг олди-сотдисида қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида Гаага Конвенцияси тарафлар томонидан белгиланган мамлакатнинг ички ҳуқуқига савдо-сотиқни бўйсундиради. Бундай белгилаш аниқ ифодаланиши ёки шартнома шартларидан иккиланмасдан келиб чиқиши шарт. Тарафлар томонидан бу ҳуқуқ белгиланмаган тақдирда олди-сотди сотувчининг буюртма олиш пайтида доимий яшаш мамлакатининг ички ҳуқуқи билан тартибга солинади (буюртма сотувчининг қорхонаси томонидан қабул қилинган тақдирда, қорхона жойлашган мамлакатнинг ички ҳуқуқи қўлланилиши лозим), лекин сотиб олувчининг доимий яшаш мамлакати ёки буюртма берган қорхона жойлашган мамлакатада буюртма қабул қилинган тақдирда, олди-сотдига ушбу мамлакатнинг ички ҳуқуқи қўлланилади.

1985 йилда молларнинг халқаро олди-сотди шартномаларига қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги Конвенция қоидалари олди-сотди шартномасига тарафлар томонидан танлаб олинган ҳуқуқ қўлланилишини кўрсатади (7-модда, 1-банд). 7-моддага мувофиқ тарафлар қўлланиладиган ҳуқуқни танлаб олишмаган тақдирда, олди-сотди шартномаси сотувчининг шартнома тузиш вақтида тижорат корхонаси жойлашган давлат ҳуқуқи билан тартибга солинади. Бошқача айтганда, ушбу ҳолда шартнома сотувчи жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи томонидан тартибга солиниши лозим.

Шундай қилиб, бу масалада эга бўлган халқаро битимлар (1955 йилдаги Гаага Конвенцияси) тажрибаси инobatга олинган.

Европа Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда шартнома мажбуриятларининг коллизия масалаларини тартибга солиш асосини 1980 йилдаги шартнома мажбуриятларига қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги Конвенция қоидалари ташкил қилади. Жисмоний шахслар мақоми, вoрисликка оид шартнома мажбуриятлари, ашъвий ҳуқуқ, никоҳ муносабатлари билан боғлиқ бўлган, оилавий муносабатлар, вексель, чек ва бошқа айланма ҳужжатлардан келиб чиққан, компаниялар ҳуқуқи ва бир қанча бошқа масалаларга Конвенция қоидалари амал қилмайди.

2-§. Чет эл иштирокидаги юридик шахс қатнашган шартномага нисбатан ҳуқуқни тадбиқ қилиш

Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1191-моддаси), бу ҳолда тарафларнинг қўлланиладиган ҳуқуқни танлаб олиш имконияти чекланади. Чет эл юридик шахсининг ҳуқуқий ҳолати ва фаолияти тўғрисида коллизия масалаларини кўриб чиқишдан олдин, одатда, бу масалаларнинг ечилишида воситачи бўлган коллизия нормаларнинг мураккаб тузилиши тўғрисида: юридик шахс қатнашаётган муносабатлар ҳар хил коллизия қоидаларга буйсунади, унинг мақоми масалалари эса - юридик шахснинг қонунига (*lex societatis*) ҳавола қилинади. Юридик шахс қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, шу мамлакатнинг ҳуқуқи мазкур юридик шахснинг қонуни ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1175-моддаси).

Юридик шахснинг қонуни унинг қайси давлатга мансублигини, “миллатини” белгилайди ва шу асосда унинг мақоми масалаларини ҳал қилади: ташкилот юридик шахс деб ҳисобланадими, унинг ҳуқуқ лаёқати қачон вужудга келади ва туғилади, унинг миқдори қандай, қандай юридик шахс ташкил этилади, тугатилади, қайта ташкил этилади, юридик шахснинг, унинг филиаллари ва ваколатхоналари мол-мулкларининг тақдири қандай ва ҳоказо.

Халқаро шартномаларда шартнома тузувчи давлатларнинг юридик шахсларига маълум тузум ўзаро тақдим этилиши кўзда тутилади. Ушбу мақсадларда шартномаларда юридик шахсларнинг миллатини аниқлаш хусусиятлари ҳам ўз асосини топган. Аммо Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан муносабатларида юридик шахснинг миллатини аниқлаш бошқа мамлакатларнинг ўзаро муносабатларидаги аҳамиятига нисбатан муҳим аҳамиятга эга эмас. Бу қуйидагича таҳлил этилади: ҳар доим юридик шахс деб бизнинг қонунларимизга мувофиқ ташкил этилган юридик шахслар ҳисобланади. Кўшма корхоналарда чет эл капиталининг ҳамда Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган чет эл юридик шахслар қатнашиши ишни ҳал этмайди, чунки уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1177-моддасига мувофиқ, агар Ўзбекистон Республикаси Қонунида чет эл юридик шахслари учун бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган тадбиркорлик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширадилар.

Чет эл юридик шахсининг органи ёки вакили битим тузилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи учун номаълум бўлган битим тузган тақдирда ўз органи ёки вакилининг битим тузиш ваколатларидаги чекловларга асосланиши мумкин эмас.

Шунинг билан чет эл юридик шахсларининг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари мамлакатимизнинг юридик шахслари билан қонунчиликда белгиланган тартибда тенглаштирилган.

Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, фуқаролик қонунчилигида белгиланган қоидалар чет эл юридик шахсларининг муносабатларида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 7-моддасидан келиб чиққан ҳолда, халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар қўлланилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқий соҳасида чет эл юридик шахсларга миллий тартибни тақдим этиш, қонун чиқарувчини алоҳида қўлланилаётган ҳужжатларда бу тартиб мавжудлигини қайд эттиришдан озод қилади. Ва шундан келиб чиқиб, аксинча, миллий тизимдан истисно тарзда қонунда ёки халқаро шартномада бу тўғрида махсус кўрсатма бўлишини талаб қилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига ёки Қонунига асосланилган бўлса, чет эл юридик шахсларига тақдим этилаётган миллий тартиб фуқаролик қонунчилигига доир муносабатлар доир

расидан четга чиқиб кетиши мумкин. Шунда, инвестицияни амалга ошириш бўйича чет эл инвесторларининг чет эл юридик шахсларини инobatга олган ҳолда ҳуқуқий тартиби Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг фаолияти тартибидан ноқулай бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил қилиши ва қонунчиликда уларга берилган ҳуқуқ, кафолат ва имтиёзлардан фойдаланиши мумкин.¹

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуннинг 22- моддасидан келиб чиққан ҳолда агар қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги халқаро шартномалар ўртасида зиддият ёки келишмовчиликлар мавжуд бўлса, чет эл инвесторларига ҳамда чет эл юридик шахсларига қулай бўлган қоидалар юқори даражали кучга эга.²

Чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасида ташқи фаолиятини унинг қонунчилигига мувофиқ амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ҳолда улар республика ҳудудида ўз ваколатхоналарини очиш ҳуқуқига эга. Улар давлат идораларидан белгиланган тартибда ташқи фаолиятига доир уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли ва конфиденциал характерга эга бўлмаган ахборотни олиши мумкин.³

Концессия шартномасини тузиш асосида бошқа давлатларнинг юридик шахслари – ишбилармонлик фаолиятининг субъектлари ер ости бойликларининг фойдаланувчиси бўлиши мумкин. Уларга ер майдонлари табиий ресурсларни излаш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш учун ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун тақдим этилиши мумкин.⁴

Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”-ги Қонунига мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда, чет эл юридик шахсларга ер ости бойликлари геологик ўрганиш мақсадида берилди.

Чет эл юридик шахслари Ўзбекистонда ташкил қилинган хўжалик, уюшма, бирлашма ва корхоналарнинг таъсисчилари бўлиши мум-

¹ Ўзбекистон Республикаси Янги қонунлари, 19-сон, Тошкент. “Адолат”, 1998 й., 402-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Янги қонунлари, 19-сон, Тошкент. “Адолат”, 1998 й., 412-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонун (Янги таҳлил) 26.05.2000 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. Тошкент, 2000 й., 266-бет.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Концессиялар тўғрисида”ги Қонуни, 30.08.1995-й. Ўзбекистон Республикаси Янги қонунлари, 11-сон, Тошкент, “Адолат”, 1996 й., 116-бет.

кин. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунида ушбу объектларни ташкил қилиш, сотиш, қайта ташкил қилиш ёки тугатиш ҳуқуқлари белгиланган, тартиби ва шароитлари эса Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Амалдаги қонунчиликда юридик шахслар тегишли ҳуқуқларга эга бўлиш ва у ёки бу фаолият турларини амалга оширишда чеклашларга дуч келадилар, улар чет эл юридик шахсларига тааллуқлидир ва улар алоҳида, умумий тартибдан истисно ёки тегишли фаолиятни амалга оширишда қўшимча шартларни белгилашда ўз аксини топади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасинининг “Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунининг қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, қонунда ёки халқаро шартномада белгиланган маълум ҳолларда, чет эл юридик шахси нодавлат, нотижорат ташкилотнинг таъсисчиси ёки аъзоси бўлиши мумкин эмас.¹

Чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасида қонуний фаолиятини олиб бораётган суғурта ташкилотида маҳаллий инвесторлар билан тенг равишда суғурта муҳофазаси ҳуқуқига эга. Аммо Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида ўз ҳудудида чет эл юридик шахслари томонидан ташкил қилинаётган суғурта ташкилотларига чекловлар тадбиқ этилиши мумкин. Шунингдек, агар халқаро шартномада Ўзбекистон Республикаси қатнашуви билан бошқа тартиб белгиланган бўлмаса, чет эл суғурта шартномаларини тузиш бўйича суғурта билан боғлиқ воситачилик фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ман этилган.²

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл юридик шахсларининг фаолият доираси кенг ва хилма-хил. Аммо, қонун ёки халқаро шартнома чет эл юридик шахсининг маълум ҳуқуқий муносабатларда қатнашишини чеклаши мумкин.

Халқаро фуқаролик жараёнида чет эл юридик шахсларига миллий тартибнинг бошқача шаклда тадбиқ этилиши, Ўзбекистон Республикасининг судларида ўз ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга нисбатан қўйилган талаблар бўйича умумий асосда жавоб бериш имкони берилиши кўрсатиб ўтилиши шарт (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 386-моддаси).³

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни. 14.04.1999 й. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари, 12-сон. Т.: “Адолат”, 1999 й., 388-бет.

² Ўзбекистон Республикаси “Суғурта тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари, 8-сон. Т.: “Адолат”, 1994 й. 386-бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Процессуал Кодекси. Т.: “Адолат”, 1997 й., 300-бет.

Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларда ушбу шартномада қатнашаётган мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ таъсис этилган юридик шахсларга миллий тартиб асосида ҳуқуқий муҳофазани тақдим этиш мавзуси доимийдир. МДҲга аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида қабул қилинган кўп томонлама Конвенцияга мувофиқ бу шартномаларда чет эл юридик шахсларнинг қайси давлатга тегишлилиги у таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади.

3-§. Тадбиқ қилинаётган ҳуқуқнинг амал қилиш доиралари ҳақида

Шартнома мажбуриятларини ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим хусусиятларидан бири қўлланиладиган ҳуқуқнинг амал қилиш доирасини белгилаш ҳисобланади.

Шартнома мажбуриятларининг тартиботи:

- 1) шартноманинг талқинини;
- 2) тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;
- 3) шартноманинг ижросини;
- 4) шартномани умуман ёки тегишли даражада ижро этмаслик оқибатларини;
- 5) шартноманинг тўхтатилишини;
- 6) шартноманинг ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигини ёки ҳақиқий эмас деб топилиши оқибатларини;
- 7) шартнома муносабати билан талаблардан воз кечиш ва қарзни ўтказишни қамраб олади.¹

Шунда, ижро этиш усуллари ва тартибига, шунингдек тегишли даражада ижро этилмаган тақдирда кўрилиши лозим бўлган чоралар борасида қўлланилаётган ҳуқуқдан ташқари ижро амалга оширилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи ҳам эътиборга олинади.

Шартномавий мажбуриятларни тартибга солиш ҳар бир мамлакатнинг фуқаролик - ҳуқуқий муносабатларида муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро мулкнинг савдо-сотигига ва ташқи иқтисодий битимларга тегишли бўлган нормалар халқаро хусусий ҳуқуқда муҳим роль ўйнайди. Битимнинг шаклига қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида коллизия нормалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1181-моддасида ўз аксини топган. Бу моддада қуйидаги қоида кўзда тутилган: "Битимнинг шакли у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунди. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талаблари-

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1192-моддаси.

га риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас. Чет элда тузилган битимнинг шакли битимнинг тузилган жой ҳуқуқи билан белгиланган талабларга ёки мамлакат ички қонунчилиги талабларига жавоб бериши шарт”.

Кўчмас мулкка оид битимларнинг шаклига тегишли махсус қоида ҳам ушбу моддада белгиланган, у бу мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқига бўйсунди, Ўзбекистон Республикасида давлат реестрида қайд этилган кўчмас мулкка нисбатан эса, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига бўйсунди.

Ташкилотлар ва ҳар хил давлат шакллари ўртасида савдо-иқтисодий ва бошқа халқаро алоқаларни амалга ошириш жараёнида одатда контракт деб номланувчи шартномаларнинг катта миқдори тузилади.¹

Бу шартномалар тарафларининг турар жойи ҳамда тузиладиган жой ва бажарилиши бир-бирига тўғри келмайди, бу чет эл элементи билан тузилган шартномага қўлланиладиган ҳуқуқнинг аниқланилишини талаб қилади.

Ташқи савдо битимлари тўғрисида гап кетар экан, бу ҳақда. Луниц Л.А. қуйидагиларни билдирган: “Агар ташқи иқтисодий “битимларнинг” турлари кўпайганда, ўзгарганда ташқи иқтисодий битимларнинг умумий тушунчаси “барқарор бўлиши мумкин эмас” ва “чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш ҳодисаларини қамраб олган ҳамда ягоналаштирилган (халқаро битимлар у халқаро муносабатларда кенг ишлатилаётган моддий нормаларни “намунавий контрактлар” воситачилиги йўли билан) ташқи савдода битимларнинг (ва муносабатларнинг) доираси тушунчасини топиш лозим”.²

“Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида ҳар хил давлатларда жойлашган шахслар, тижорат корхоналари ўртасида тузилган шартномаларни” ташқи иқтисодий шартномаларга тегишли эканлиги тўғрисидаги тушунчани Зикин М.С. ишлаб чиқишга ҳаракат қилган.

Бизнинг доктринамиз бўйича битим иштирокчиларидан лоақал биттаси чет эл фуқароси ёки юридик шахси бўлганда ва мазмуни чет элдан мол-мулкни олиб келтириш ёки чет элга молни олиб кетиш операцияси, ёки қандайдир молни олиб келтириш ёки олиб кетиш билан боғлиқ ёрдамчи операцияси бўлганда, тўлов воситаси сифатида эса икки тараф учун ёки лоақал бир тараф учун чет эл валютаси

¹ Баъзи муҳаррирлар “контракт” терминини ишлатишни қувватлайдилар, бошқалари эса “шартнома”, бироқ, “контракт” иккитомонлама ёки кўптомонлама битим, шартнома шартли номланилиши. Чет элда битимнинг номланиши – “contract” тўғридан-тўғри қайтариш, дегани. Шунинг учун ушбу терминлар ўхшаш тушунча сифатида ишлатилиши мумкин.

² Луниц Л.А. “Халқаро хусусий ҳуқуқ”. Махсус қисм. М.: “Юридическая литература”, 1975 й., 130-131-бет.

ишлатилганда ташқи иқтисодий битим ҳисобланади. 1980 йилдаги молларнинг халқаро савдо-сотик шартномалари тўғрисидаги Вена Конвенцияси ҳар хил давлатларда жойлашган тижорат корхоналари бўлган тарафлар томонидан тузилган молларнинг олди-сотди шартномаларини шундай шартномалар қаторига киритади.

Шундай қилиб, ташқи савдо битимларига ҳар хил давлатлар ташкилотлари ва фирмалари ўртасида тузилган олди - сотди ва қатор бошқа шартномалар киритилади.

Замонавий шароитларда олиб-сотиш билан бир қаторда турли-туман хизматлар кўрсатиш, ишлар олиб бориш, корхоналар қурилишига техник ёрдам кўрсатиш, саноат комплексларини ташкил қилиш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш шартномалари, ихтиро ва бошқа илмий-техника ютуқлари (ноу-хоу) дан фойдаланиш тўғрисида лицензия битимлари, илмий-техника ҳужжатларини топшириш тўғрисидаги шартномалар, лизинг шартномалари ва бошқаларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Бу турдаги шартномалар ташқи иқтисодий битимларнинг ҳар хил турларини ифодалайди.

Ташқи иқтисодий битимнинг шаклига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуққа миллий қонунчилигимизда махсус ёндошиш ақс эттирилган. Амалдаги қонунчилик қуйидаги қоидадан келиб чиқади: бизнинг ташкилотларимиз қатнашчи бўлган ташқи иқтисодий битимлар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахслар ташқи иқтисодий битимларни оддий ёзма шаклда тузадилар. Оддий ёзма шаклга риоя қилинмаса қонуннинг тўғридан-тўғри кўрсатмасига биноан ташқи иқтисодий битимлар ҳақиқий эмаслигига олиб келади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1181-моддасининг 2-қисми).

Ташқи савдо битимлари учун қонунчилик нафақат ёзма шаклни, балки уларнинг имзоланишининг маълум тартибини белгилайди (Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги 15-сонли Қарори).

Бу борада, 1980 йилги халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси (11-модда) бундай шартнома ёзма шаклда тузилиши ва тасдиқланиши ёки шаклига нисбатан бошқа шартларга бўйсунганини талаб қилмайди.

Шартноманинг мавжудлиги гувоҳ кўрсатувиغا биноан тасдиқланиши мумкин. Конвенциянинг қоидалари тарафларни шартнома шаклига нисбатан шартлар билан боғламаслик халқаро амалиётига амал қиладилар. “Шартнома ҳам ёзма, ҳам оғзаки, ҳам тарафларнинг хоҳишини билдирувчи ҳаракатлар йўли билан (конклюдент ҳаракат) тузилиши ва тасдиқланиши мумкин”. Конвенциянинг 11-моддасидаги қоида, унинг бошқа қоидалари каби диспозитив хусусиятга эга, тарафлар чекланиши ва ўзгартириши мумкин бўлмаган Конвенциянинг 12-моддасидаги қоидалари бундан мустасно.

Конвенциянинг 12-моддасида баён этилган ягона императив кўрсатма шартномаларнинг тузилиши ва тасдиқланиши шаклига (11-модда), унинг ўзгартирилиши ва тугатилиши (29-модда), акцепт ва оферта шаклига ёки тарафлар хоҳишининг бошқа кўринишига оид (Конвенциянинг II қисми)дир.

У қуйидагидан иборат, Конвенциянинг 96-моддасига асосан талабнома қўйган Келишувчи давлатда жойлашган тижорат корхонасига эга лоақал тараф бўлса, Конвенциянинг II қисми 11 ва 29-моддаларида кўзда тутилган қоидалар қўлланилиши мумкин эмас.

Савдо-сотик шартномаларининг ёзма шаклда тузилиши ва тасдиқланишини талаб қилувчи Келишувчи давлат ҳар доим 12-моддада кўрсатилган талабномани қўйиши мумкинлиги Конвенциянинг 96-моддасида кўзда тутилган.

Халқаро хусусий аҳамиятга эга бўлган битим шаклига махсус талаблар қўйган давлатлар Конвенцияда қатнашиши имкониятини бериш “талабнома тўғрисидаги қонданинг-моҳиятини ташкил қилади.

1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонунда¹ гаров муносабатларига оид ҳуқуқнинг қўлланилиши ҳақида қатор қоидалар кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу Қонуннинг 49-моддасига мувофиқ, гаров тўғрисида шартноманинг шакли, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартноманинг бажарилиши ва тугатилиши, шартноманинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги оқибатлари, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ва қарзни бошқа шахсга ўтказиш, агар қонунчиликда бошқа тартиб белгиланган бўлмаса, тарафлар келишувига биноан танланган тарафнинг қонунчилиги билан тартибга солинади.

Гаров тўғрисидаги шартномага қўлланиладиган қонунчилик тўғрисида тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, гаров берувчининг таъсис этилган мамлакати, яшаш жойи ёки асосий фаолиятини олиб бораётган мамлакат қонунчилиги қўлланилади.

Кўчмас мулк гарови тўғрисидаги шартномага қўлланиладиган қонунчилик тўғрисида тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда, бу мулк жойлашган мамлакатнинг қонунчилиги қўлланилади.

Ишончнома берилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддати белгиланади. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий талабларига жавоб берадиган ишончнома шаклга амал қилинмаслигига асосан ҳақли эмас деб топилиши мумкин эмас.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Янги қонунлари, №19, Т. “Адолат”, 1998 й., 456-бет.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кафолатлаш тўғрисида”ги¹ Қонунининг 18-моддасига биноан, тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ташқи савдо битимига қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш йўли билан битимнинг мажбурий деб номланувчи тартиботи белгиланади. Мажбурий тартибот асосида битим бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг бажарилмаслигининг (муддатнинг ўтиб кетиши), лозим даражада бажарилмаслигининг оқибатлари аниқланади. Жавобгарликдан озод қилиш ҳам мажбурий тартибот билан белгиланади. Мажбурий тартибот бўйича даъво муддати масалалари² ҳам ечилади, чунки даъво муддатига белгиланган ҳуқуқ муносабатлари қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш учун қўлланиладиган қонун қўлланилади.

Бир пайтда ташқи савдо битимларининг шаклига нисбатан мажбурий тартибот қўлланилиши мумкин эмас, чунки мамлакат ички қонунчилиги бу масалаларга нисбатан махсус ҳуқуқ белгилайди.

Фарбда белгиланганидек, агар бу битимларнинг ёзма шакли бизнинг қонунимиз кўрсатмаларининг ички оммавий тартиб нормаларига оид деб топилса ёки уларни ашё тўғрисидаги нормалар сифатида кўрилса, улар бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Битимга қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаш учун охириги йилларда қатор мамлакатларда бошқа асослар ҳам олдинга сурилган, аввало биринчи ўринда шартномаларга сотувчининг ишлаб чиқариш фаолиятини олиб борадиган жойи қонуни, сотувчи қонун принциплари қўлланилади.

XVIII БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Шартномага қўлланиладиган ҳуқуққа нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг қоидалари қандай?
2. Юридик шахснинг шахсий қонуни нимани ифодалайди ва юридик шахснинг шахсий қонунини белгилаш муаммоси нимадан иборат?
3. Ташқи иқтисодий битим деганда нимани тушунамиз?
4. Ташқи иқтисодий битим шаклига нисбатан амалдаги қонунчиликда қандай қоидалар белгиланган?
5. “Шартноманинг мажбурий тартиботи” нима ва унинг хусусиятлари нимада?

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кафолатлаш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Янги қонунлари, № 23, Т.: “Адолат”, 2001 й.

² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1183-моддаси.

НОРМАТИВ АКТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси — Т.: “Адолат”, 1991 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодекси. Т.: “Адолат”, 1997 й.
3. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 26 май 2000 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, Т. 2000 й., 266-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси “Гаров ҳақида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг Янги Қонунлари, №19, Т.: “Адолат”, 1998 й.
5. Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кафолатлаш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистоннинг Янги Қонунлари, № 23, Т.: “Адолат”, 2001 й.
6. Ўзбекистон Республикаси “Концессия тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг Янги Қонунлари, № 11, Т.: “Адолат”, 1996 й.
7. Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат ва нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистоннинг Янги Қонунлари № 21, Т.: “Адолат”, 1999 й.
8. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистоннинг Янги Қонунлари № 19, Т.: “Адолат”, 1998 й.
9. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистоннинг Янги Қонунлари, № 8, Т.: “Адолат”, 1994 й.

Тавсия этилган адабиётлар

- Богуславский М.М.* “Халқаро хусусий ҳуқуқ”. М. “Юрист”, 1998 й.
- Богуславский М.М.* “Халқаро хусусий ҳуқуқ”. Дарслик. М. “Халқаро муносабатлар”, 1994 й.
- Звеков В.П.* “Халқаро хусусий ҳуқуқ”. Лекция курси. М. “Норма ИНФРА”, 1999 й.
- Раҳмонқулов Ҳ.Р.* “Ўзбекистонда тижорат ҳуқуқи ривожланиши”-“Хўжалик ва ҳуқуқ”, №11-12, 1999 й.
- Раҳмонқулов Ҳ.Р.* “Фуқаролик ҳуқуқий шартноманинг бозор иқтисодиёти шароитидаги роли ва моҳияти” Т. “Фан”, 1994 й.
- Луиц Л.А.* “Халқаро хусусий ҳуқуқ”. Махсус қисм. М. “Юридическая литература” 1975 й.
- Розенберг М.Г.* “Товарларни халқаро олди-сотди шартномасини тузиш” М. 1991 й.
- Скаридов А.С.* “Халқаро хусусий ҳуқуқ”. Санкт-Петербург. “Михайлова”, 1998 й.

ХИХ БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ БЎЙИЧА ШАРТНОМАДАН ТАШҚАРИ МАЖБУРИЯТЛАР

1-§. Зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар

Халқаро хусусий ҳуқуқ маълум бир ҳуқуқ соҳасида, турли ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган мажмуа сифатида ҳуқуқшунослик соҳасида ва шунингдек, ҳуқуқ фани соҳасида қўлланишидан қатъи назар ўзига хос алоҳида аҳамиятга эга. Унинг нормалари воситасида фақат битта давлат ичидаги муносабатлар эмас, балки унинг доирасидан ташқарига чиқадиган, яъни турли давлатлар ўртасидаги ички ҳуқуқ қоидаларига бевосита тааллуқли бўлган ва уларда назарда тутилган муносабатлар тартибга солинади¹. Бу каби муносабатлар орасида шартномадан ташқари мажбуриятлар, яъни зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг VI бўлими бевосита халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига нисбатан татбиқ қилиш масалаларига бағишланган (ФКнинг 1158-1199-м.).

Шартномадан ташқари мажбуриятлар билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик кодексининг 1193-1196-моддаларида белгиланган тартибда бир тарафлама ҳаракатлардан иборат мажбуриятлардир. Бунда зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар, истеъмолчига етказилган зарар учун жавобгарлик, асоссиз бойлик орттириш натижасида вужудга келадиган мажбуриятлар бўйича боғлиқ муносабатларни тартибга солиш қоидалари белгиланган бўлиб, улар моҳиятига кўра ҳозирги замон халқаро хусусий ҳуқуқининг тамойилларини ўзида мужассамлаштиради.

Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича шартномадан ташқари мажбуриятлар асосан халқаро ҳуқуқий характердаги фуқаролик муносабатларидан иборат бўлади.

Зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳақида сўз юритилганда шуни таъкидлаш керакки, бундай ҳолларда асосий коллизия мезон бўлиб, унда зарар етказилган жой қонуни тамойили амал қилади. Масалан, Германия, Италия, Греция, Туркия, Япония ва бошқа бир қатор давлатларда ушбу тамойил амал қилади.

¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистонда халқаро хусусий ҳуқуқнинг аҳамияти ва вазифалари. //Давлат ва ҳуқуқ. –Т.: №2, 2000 й., 3-бет.

Бирок, турли мамлакатларда деликт (ҳуқуқбузарлик) содир этилган жой турлича тушунилади. Зарар ундирилишини талаб қилишга асос бўлиб ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган жой ёки шу ҳаракат оқибати келиб чиққан жой ёки иккала ҳолатнинг бири билан узвий боғлиқлиги бўлиши мумкин.

Масалан, Швейцария давлатининг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонунида белгиланишича, агар зарар етказган шахс ва жабрланувчи бир давлатнинг фуқаролари бўлган тақдирда, яъни иккала томон ҳам бир давлатда истиқомат қилишса, зарарни ундириш бўйича келиб чиққан низо шу давлатнинг қонунчилигига асосан суд томонидан кўриб чиқилади.

Зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳуқуқий табиатига кўра, қоида тариқасида, асосан фуқаролик ҳуқуқининг, жумладан халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий институтларидан бири бўлиб ҳисобланади. Демак, бу турдаги мажбуриятлар фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият сифатида тан олинади ва ўз навбатида, жабрланувчи ўзига етказилган зарар учун тегишли тартибда маълум шаклдаги мулк ёки бошқа бир ашёни, шунингдек зарар етказиш оқибатида келиб чиққан маънавий зарарни қоплашни айбдордан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, маънавий зарар жабрланувчининг мулкига ёки соғлигига етказилган зарар қопланишидан қатъий назар талаб қилиниши мумкин.

Шу сабабли, жабрланувчи моддий ва маънавий зарарнинг ҳар бирини ўз хоҳишига кўра ҳам алоҳида, ҳам бир пайтнинг ўзида иккаласини биргаликда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши таъминланади. Бу ҳолат, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1022-моддасида белгилаб қўйилган. Маънавий зарар етказилганлиги учун жавобгарлик шартномадан ташқари деликт (ҳуқуқбузарлик) хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятдир. Бу турдаги мажбуриятларни халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари ва бевосита фуқаролик ҳуқуқи нормалари орқали тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Иккала ҳуқуқ соҳаси ва суд амалиёти олдида турган асосий муаммо - бу маънавий зарарни қоплаш миқдорини белгилашнинг ягона мезонларини ишлаб чиқиш ва суд амалиётида уни одилона қўллаш бўлиб ҳисобланади.

Кўриб чиқилаётган масаланинг мураккаблиги инobatга олингани ФКнинг 1022-моддаси мазмунидан ҳам яққол кўринади, яъни етказилган маънавий зарарни қоплаш миқдори шахсга етказилган жисмоний ва маънавий уқубатнинг характерига, деликвентнинг (ҳуқуқбузарнинг) айби даражасига эътибор берилган ҳолда суд томонидан белгилашни назарда тутилиб, шу билан биргаликда етказилган маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда судлардан иккита асосий тамоийлнинг бажарилишига, яъни оқилоналик ва адолатлиликка риоя қилиш

талаб қилинади. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонун ҳужжатларининг аксариятида етказилган маънавий зарарни қоплашга қаратилган императив характердаги ҳуқуқий нормалар киритилган. Масалан, Меҳнат кодексининг 187-моддаси, 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”¹ ги Қонуннинг 13-моддаси, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”² ги Қонуннинг 12, 22, 29-моддалари, 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”³ ги Қонуннинг 38-моддаси, 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган “Чиқиндилар тўғрисида”⁴ ги Қонуннинг 15-модда 15-банди⁴ ва ҳоказо.

Агар зарар етказган ва зарар кўрган шахслар ҳар хил мамлакатларда яшаса, бу ҳолда низолар ҳаракат содир бўлган жой ҳуқуқи билан тартибга солинади.

Масалан, Венгриянинг қонуни қуйидаги қоидаларни белгилайди. Зарар етказганлик учун жавобгарликка нисбатан зарар етказган шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги содир этилган жойда амал қилинадиган қонун қўлланилади, агар зарар кўрган шахс учун бу афзалроқ бўлса, зарар юзага келган ҳудуддаги мамлакатнинг қонунига амал қилиш керак, агар зарар етказган ва зарар кўрган шахслар битта давлатга мансуб бўлса, бу ҳолда ушбу давлатнинг қонуни қўлланилади, айбли ҳаракатга қодирлик зарар етказганнинг шахсий қонунига ёки деликт (ҳуқуқбузарлик) содир этилган жойнинг қонунига кўра белгиланиши мумкин. Масалан, Хитой Халқ Республикасида нэқонуний ҳаракат содир этиш жойининг қонуни амал қилади.

Шундай қилиб, коллизия масалани ҳал қилишда деликт мажбуриятларига нисбатан кўпинча зарар етказилган жойнинг қонуни қўлланилиб, шу билан бирга у, башарти зарар кўрган шахснинг мамлакатини ҳуқуқи унга зарарни қоплашга доир яхшироқ имкониятлар туғдирса, тузатишлар билан қабул қилинади. Зарар етказувчи ҳаракат бир мамлакатда содир этилиб, натижаси эса бошқа мамлакатда юзага келса, бирмунча мураккаброқ вазият туғилади. Кўп томонли битимлар (1960 йилда қабул қилинган Атом энергетикаси соҳасида учинчи шахсларга нисбатан бўлган жавобгарлик тўғрисидаги Париж конвенцияси, 1926 йилда қабул қилинган Атом кемалари эгаларининг жавобгарлиги тўғри-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 й. № 9, 232-м.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1996 й. № 5-6, 59-м.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2000 й. № 5-6, 140-м.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002 й. № 4-5, 72-м.

сидаги Брюссель битими ҳамда 1963 йилда қабул қилинган Ядровий зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Вена битими) тегишли ҳаракат (оқибат) юз берган мамлакатларнинг судлари ваколатлилиги тамойилидан келиб чиқади. Бунда суд ишини кўраётган жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилиши лозим. Лекин, кўп мамлакатлар ушбу битимларга қўшилмагани сабабли, бу каби масалаларга доир алоҳида икки томонлама шартномалар амал қилади.

1929 йилда қабул қилинган Варшава конвенцияси ҳамда 1955 йилда қабул қилинган Гаага протоколига биноан ташувчининг йўловчига, юкига, қўлдаги юкига ҳамда бошқа юкка етказилган зарар учун жавобгарлиги миқдори алоҳида белгиланадиган сумма билан чекланади (масалан, йўловчига етказилган зарар учун 250 минг франк компенсация белгиланган)¹.

МДХ мамлакатлари битимида зарар етказиш оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини белгилаш тартиби ҳақидаги коллизия нормалар мавжуд. Уларда зарарни қоплаш тўғрисидаги талабга асос бўлган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилган мамлакат қонун ҳужжатларида белгиланади. МДХ мамлакатларининг модел Фуқаролик кодекси белгилайдики, зарар етказилганда истеъмолчига нисбатан қуйидаги ҳуқуқлар қўлланилиши мумкин: истеъмолчи истиқомат қиладиган мамлакатнинг ҳуқуқи, ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатган шахс яшайдиган мамлакатнинг ҳуқуқи, истеъмолчи товар сотиб олган ёки унга хизмат кўрсатилган мамлакатнинг ҳуқуқи.

2-§. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етказилган зарарга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ўзига хос белгиларга эга бўлади. Хусусан, бу мажбуриятларнинг таъсир доираси зарарни қоплашнинг моддий хусусиятларига эга бўлишига қарамадан, мулкӣ ҳамда шахсий номулкий муносабатларни қамраб олади. Улар тўлиқ характерга эга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар ёки шахсий номулкий манфатларнинг бузилиши натижасида келиб чиқади, гарчи ҳуқуқ жабрданувчи билан шартномавий муносабатларда бўлган шахс томонидан бузилган бўлса-да, мажбуриятлар мутлақ ҳуқуқлар бузилганлиги туфайли шартномасиз характерга эга бўлади, бу мажбуриятлар зарар ким томонидан кимга етказилгани, зарар қандай кўринишда етказилгани ва зарарни қоплаш усулларида қатъи назар, унинг тўлиқ қопланишини

¹ Дадабаев Ю., Рахимов Г. Международное частное право. Учебное пособие. Изд. Фергана, 1999 й. 75-бет.

назарда тутати, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, зарарни тўлаш мажбурияти бошқа шахсларга ҳам юклатилиши мумкин.

Зарар етказиш туфайли вужудга келадиган мажбуриятга биноан жабрланган шахс етказилган зарар учун жавобгар бўлган шахсдан ўзига аввалги ҳолати тикланишини ёки кўрган зарарнинг қопланишини талаб қила олади. Қонунда зарарни қоплаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга ҳам юклатилиши мумкин (ФКнинг 985-м.). Бу ҳолатда учинчи шахсга нисбатан даъво қўзғатиш орқали зарарни ундириб олиш мумкин.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни қўллаш учун мулккий зарарнинг бўлиши, зарар етказувчининг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги қонунга хилоф бўлиши, қонунга хилоф ҳаракат билан зарар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлиши, зарар етказган шахснинг бевосита айби бўлиши керак.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятнинг мазмунини жабрланувчининг аввалги ҳолати тикланишини ёки кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилишга бўлган ҳуқуқи ва етказилган зарар учун жавобгар бўлган шахснинг мазкур ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган бурчи ташкил этади.

Етказилган зарарни тўлашга қаратилган мазкур мажбурият бўйича белгиланадиган жавобгарлик шартномадан ташқари вужудга келадиган жавобгарлик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1184-моддасига биноан, кўчмас ва кўчар мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Мол-мулкнинг кўчмас ёки кўчар ашёларга мансублиги, шунингдек, мол-мулкнинг бошқача юридик баҳоланиши ана шу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Мулк турган жой қонуни мулк ҳуқуқи мазмунини ҳам белгилайди. Агар мулкдор ашёни бошқа давлатга олиб келса, унинг мулкка нисбатан ҳуқуқ доираси ўзгариши мумкин, чунки бу давлатда мулкка тегишли қонун бошқача мазмунда бўлиши мумкин. Бу ердан кейинги ҳолат келиб чиқади. Агар Ўзбекистон фуқароларига чет элда уй ёки бошқа мулк тегишли бўлса, бу мулкка бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон қонунчилиги билан эмас, балки ўша чет эл давлати қонунчилиги билан белгиланади. Лекин кўчар мулк Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган бўлса, унинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади.

Мулк турган жой қонуни (принципи) ашёвий (мулккий) ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлишини аниқлайди (ФК 1185-моддаси). Мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва

бекор бўлиши, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ёхуд бекор бўлиши учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат содир бўлган пайтда бу мол-мулк турган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Мулк турган жой қонуни мулк ҳуқуқининг ўтиш шартларини ҳам белгилайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФК 1185-моддасига кўра, битим предмети бўлган мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши, агар томонларнинг келишувидан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ушбу битим бўйсундирилган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ тамойилларига асосланган ҳолда, ашёвий ҳуқуқларга зарар етказилган тақдирда, ФКнинг 1188-моддасига биноан мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга нисбатан жабрланувчининг хоҳишига кўра мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи ёки суд қайси мамлакатга тегишли бўлса, ўша мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланади.

Бу ўринда, шундай ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланувчи ҳуқуқни аниқлаш ва етказилган зарарга ва бу зарарни қоплашга боғлиқ даъвони кўриб чиқиш жараёнида бир қатор коллизия боғланишларни ҳисобга олиш керак, жумладан, ашё жойлашган жой қонуни, мулкдорнинг хусусий қонуни, битим тузилган жой қонуни, сотувчи мамлакатининг қонуни ва ашёни жўнатиш жойи қонуни.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1194-моддасида зарар етказишдан келиб чиққан мажбуриятларга нисбатан бир қатор коллизия боғланишлар назарда тутилган.

Зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар зарарни ундиришга талаб қилиш учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат юз берган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Етказилган зарар учун мулквий жавобгарлик зарар етказиш ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ноқонуний ҳаракат бўлиб ҳисоблангандагина вужудга келади. Баъзи ҳаракатларнинг қонуний ёки ноқонунийлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда қонуннинг маъносини аниқ тушунишга имконият берадиган анъанавий қоидаларни ҳам эътиборга олиш зарур бўлади. Ноқонуний ҳаракатларнинг мазмуни ФКнинг 985-моддасида аниқ кўрсатилган, чунки зарар етказиш эҳтимол қилинган ҳолатларнинг ҳаммасини аввалдан белгилаш мумкин бўлмайди.

ФКнинг 988-моддаси судга зарарнинг қандай ҳолатда етказилганлигини эътиборга олиб, зарар етказган шахс кимнинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, зарарни қоплашни шу учинчи шахсга ёки учинчи шахсни ҳам, зарар етказган шахсни ҳам зарар ҳақини тўлашдан бутунлай ёки қисман озод қилиш ҳуқуқини беради.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мулкий жавобгарлик фақат ноқонуний ҳаракат билан зарар ўртасида сабабий боғланиш бўлгандагина вужудга келиши мумкин.

Айб ҳақидаги умумий қоидалар шартномадан ташқари белгиланадиган жавобгарликка ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Аммо бу масалада баъзи бир изоҳлар берилиши керак. Шартномадан ташқари бўладиган жавобгарлик фақат императив, яъни қатъий нормалар билангина тартибга солинади, шартнома юзасидан белгиланадиган жавобгарлик айб бўлмаган ҳолатда фақат айрим ҳоллардагина вужудга келиши мумкин. Зарар етказилганлик учун жавобгарлик эса айбнинг бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, ФКнинг 999-моддаси бўйича айб бўлмаганида ҳам жавобгарликнинг белгиланиши мумкин деб қайд этилган.

Ошиқча хавф манбаидан етказилган зарар учун жавобгарлик ФКнинг 999-моддасида белгиланишича, фаолияти теварак атрофидигилар учун ошиқча хавф туғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, автомобиль эгалари ва шу кабилар) ошиқча хавф манбаида етказилган зарарни, агар бу зарарнинг бартараф қилиб бўлмаслигини ёки жабрланувчининг қасддан ҳаракатлари натижасида содир бўлганлигини исбот қилиб бермасалар, қоплашга мажбурдирлар, шунингдек мазкур юридик шахсларнинг фуқаролик жавобгарлиги зарар етказишда айбнинг бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар белгиланади ва улар зарарни тасодифан етказилиши ҳолларида ҳам жавобгар бўладилар.

Ҳаво транспорти корхоналарининг йўловчилар олдидаги мулкий жавобгарлиги яна ҳам ошиқроқ даражада белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 113-моддасига кўра, ҳаво транспортида йўловчи ташиш йўловчининг ҳаво кемасига чиқиш учун аэропорт перронига кирган вақтидан бошлаб, ташувчининг ваколатли шахслари кузатуви остида перрондан чиқиш қисмига биноан юқоридаги вақт мобайнида, яъни ҳаво кемасининг учиб кетишида, парвоз қилишида, ундан чиқишида кўрилган зарар, яъни йўловчининг ўлими, унинг соғлиғига шикаст етказилиши ёки бошқача тарзда зарар етказилиши учун, агар зарар ёки зарарнинг кўпайиши жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги натижаси эканлигини исботлаб бера олмаса, ҳаво транспорти корхонасининг жавобгарлиги зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч натижасида содир бўлганда ҳам белгиланади.

ФКнинг 999-моддасига кўра белгиланадиган жавобгарликнинг фарқ қиладиган муҳим хусусияти айб бўлмаганида ҳам мулкий жавобгарликнинг белгиланишидадир. ФКнинг 999-моддасида кўрсатиб ўтилган юридик шахслар ва фуқаролар бу модданинг қоидалари бўйича белгиланган жавобгарликка фақат ошиқча хавф манбаи таъсири натижасида келган зарар учунгина жавобгар бўладилар.

ФКнинг 999-моддасида кўрсатилган ошиқча хавф манбаларининг турларини мукамал деб бўлмайди, чунки фан ва техниканинг доимий ривожланиши натижасида уларни тўла ва аниқ санаб ўтишнинг имконияти йўқ.

Халқаро хусусий ҳуқуқда қабул қилинган қоидага мувофиқ чет давлат ҳуқуқининг коллизия нормаси Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳавола этган барча ҳолларда, Ўзбекистон қонунни қандай қўллаётган бўлса, чет эл давлати суди ёки бошқа давлат органи ҳам уни шундай қўллаши шартдир.

Республикамизнинг суд ва бошқа ваколатли давлат органлари чет эл қонун нормаларини, агар бундай ҳолат тегишли қонун, халқаро шартнома қоидаларига ёки томонлардан бири чет эл элементи билан Ўзбекистон ташкилоти ўртасида тузилган битимга асосланган бўлган тақдирда қўллашлари мумкин.

Ҳар қандай коллизия норма чет эл давлат ҳуқуқи тизимларининг ноаниқ соҳадаги ҳаракати кучини ва унинг таъсирида юзага келадиган субъектив ҳуқуқларни тан олишга йўналтирилган бўлади. Шунинг учун бу норма термин ва тушунчалар ёрдамида ифодаланиб, мазмунан тегишли ҳуқуқ тизимлари учун умумий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл ҳуқуқи коллизия нормага ҳавола этилган ҳоллар эмас, балки моддий ҳуқуқга ҳавола этилганда қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқи қўлланилади. Агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари чет эл ҳуқуқига ҳавола этилса-ю, чет эл ҳуқуқида тегишли муносабатларни тартибга солиш назарда тутилмаган бўлса, бундай ҳолда, Ўзбекистон қонун ҳужжатларини қўлламасликка асос йўқ. Чет эл элементи иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида чет эл ҳуқуқи у ФК 1168-моддаси, 1169-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларига, 1171-ва 1174-моддаларига мувофиқ қўлланилган ҳолларда қарши томон сифатида албатта Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш керак.

3-§. Чет элда етказилган зарарга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ

Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича чет элда етказилган зарарга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш амалиёти ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу шарҳ талаб қилинмайдиган ҳолатдир, чунки ҳар бир давлат ўз миллий қонунчилигига, ўз навбатида, бу давлатлар қонунчилиги тегишли ҳуқуқ тизимларига (романо-герман, англо-саксон каби тизимлари) киради, шунингдек ҳар бир мамлакатнинг миллий аънаналари давлатнинг қонун-

чилигида ўз аксини топади. Бу ўринда бир томонлама, икки ёки кўп томонлама халқаро шартномалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ ва амалиётнинг асосий институти сифатида бутун дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган коллизия нормалар, хусусан, чет элда етказилган зарарни, унинг миқдорини аниқлаш ва қоплаш мезонлари тартиби каби масалалар ҳал қилинади.

Чет элда зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва бурчлар, агар фуқаролар ёки юридик шахслар аини битта давлатдан бўлсалар, шу давлат ҳуқуқи билан белгиланиши лозим.

Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича чет элда етказилган зарарга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ масалаларини тўғри ҳал қилиш мақсадида оммавий тартиб тўғрисидаги шартлар кенг қўлланилади.

Оммавий тартиб тўғрисидаги шарт хорижий ҳуқуқни қўллашни чеклаш учун ишлатилади. Қатор мамлакатларда коллизия нормалар мурожаат этишни талаб қиладиган чет эл қонуни, башарти бу нормалар ушбу давлатнинг оммавий тартибига зид бўлса, қўлланмаслиги мумкин. Оммавий тартибга нисбатан зиддият — бу ҳуқуқий тартибот асосларига нисбатан зиддиятдир. Унинг юзага келиши Францияда 1804 йилдаги Фуқаролик кодексини турлича талқин қилиш билан ифодаланadi. Унга кўра ички оммавий тартиб — жамоат тартиби ҳамда қоидаларни хусусий битимлар билан бузишни тақиқлашдир. Шунингдек, Францияда “халқаро оммавий тартиб” тушунчаси, яъни чет эл ҳуқуқини қўллашни чеклаш, оммавий тартиб тўғрисидаги шарт жорий этилган.

1958 йилдаги Нью-Йорк конвенциясида айтиладики, чет эл арбитраж қарорлари ижро этилишининг тан олинishi, башарти давлат органлари бу қарорларни ижро этиш унинг жамоат тартибига зидлигини топса, рад қилиниши мумкин. Ушбу конвенцияда таъкидланганки, “ички оммавий ҳуқуқни” ҳамда “халқаро оммавий ҳуқуқни” фарқлаш лозим¹.

Оммавий тартиб тушунчаси аксарият давлатларнинг суд тажрибаси ва доктринасида ўзига хос номаълумлик билан таснифланади. Судлар у ҳақидаги шартдан чеклаш, айрим ҳолларда эса чет эл ҳуқуқини қўллаш, шунингдек, авваламбор, бошқа ижтимоий-иқтисодий тизимдаги мамлакат ҳуқуқини тўлиқ рад этиш мақсадида фойдаланадилар. Ушбу шартни қўллаш доираларини белгилаш тўлиқ судларга ҳавола этилган.

Айрим давлатлар тажрибаси учун оммавий тартиб тўғрисидаги шартдан фойдаланиш ҳақидаги масалага нисбатан эҳтиёткорлик ёндо-

¹ *Рузиназаров Ш.Н.* Производство по делам участием иностранных организаций, международных организаций, и осуществляющих предпринимательскую деятельность иностранных граждан, лиц без гражданства. // *Хозяйство и право.* Т.: №1, 2001. 75-бет.

шуви хос. Лекин, чет эл ҳуқуқини иккиламчи қўлламаслик имконияти бор. Икки мамлакат қонунлари ўртасидаги принципиал тафовутларнинг мавжудлиги оммавий тартиб тўғрисидаги шартни қўллаш учун шунчаки асос бўлиши мумкин эмас, чунки бу шарт мамлакат ҳуқуқини бошқа давлатда қўллашни рад этишга олиб келиши мумкин. Нью-Йорк конвенциясига кўра, арбитраж қарорини ижро этишни хоҳламаган томон кўп ҳолларда бошқа асосларга биноан иш юритиш имконияти бўлмаганда, ушбу шартдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Лекин ушбу конвенцияни қўллашнинг халқаро тажрибаси шундан далолат берадики, судлар ушбу асосга кўра қарорларни ижро этишда фақат истисно этувчи ҳолларда рад этади.

Бунинг учун, биринчидан, хорижий давлат қонунининг қандайдир нормаси эмас, балки уни қўллаш оқибатлари бизнинг ҳуқуқий тартибот асосларига зид келиши керак; иккинчидан, оммавий тартибга мурожаатлар арбитраж ёки суд қарорини тан олиш ва ижро этиш оқибатлари мазкур мамлакат ҳуқуқий тартиботи тамойилига дахлдор бўлган тақдирдагина қўлланилиши керак.

Ҳозирги замон халқаро хусусий ҳуқуқида чет эл ҳуқуқини қўлламаслик имконияти ҳам кенг қўлланилиб, бунда миллий ҳуқуқнинг қатъий императив нормаларига мурожаат этилиб, улар қўлланиши лозим бўлган чет эл ҳуқуқи нормалари олдида устунликка эга бўлиши мумкин.

Масалан, Швейцария ва Германия халқаро хусусий ҳуқуқида шундай қоидалар борки, уларга биноан ушбу мамлакатларнинг императив нормалари мазкур қонунга мувофиқ қайси давлат ҳуқуқи қўлланилиши лозим бўлишидан қатъи назар қўлланилмоқда. Айнан шу муносабатларга нисбатан қўлланиладиган қоидалар 1980 йилги ҳуқуқ тўғрисидаги Рим конвенциясида ҳам мавжуд. МДХ мамлакатларининг модел фуқаролик кодексига шу нарса назарда тутилганки, ҳуқуқни қўллаш тўғрисидаги қоидалар қонунчиликнинг ҳуқуқни қўллашдан қатъи назар тегишли муносабатларни тартибга соладиган фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг манфаатларига доир ҳуқуқларни таъминлаш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган императив нормаларига дахлдор эмас.

Чет элда етказилган зарарга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ бўйича келиб чиқадиган муаммолар умумэтироф этилган коллизион нормалар ёрдамида ҳал қилинади. Коллизион нормалар ўз характерига кўра бир неча кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, бир томонлама - улар фақат мазкур мамлакат қонунининг қўлланилишини кўрсатади, икки томонлама - ҳам мазкур мамлакатнинг, ҳам чет эл мамлакатининг ҳуқуқини қўллашга йўл қўйилади. Коллизион нормаларнинг мазмуни уларнинг тузилишига қараб аниқланади. Бу тузилиш бошқа ҳуқуқий нормалар тузилишидан фарқ қилиб, асосан икки нарсани, яъни чет эл элементи ҳуқуқий муносабатларининг тури (ҳуқуқ институтлари)

ва мавжуд муносабатларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган мамлакат ҳуқуқига боғланиш таърифини ўз ичига олади.

Фуқаролик-ҳуқуқий нормалар, коллизия нормалар императив ёки диспозитив хусусиятга эга бўлиши мумкин, биринчиси — мажбурий, иккинчиси — улар ўртасидаги муносабатларга нисбатан бошқа ҳуқуқни қўллашнинг тамойилига йўл қўйилади.

Коллизия нормаларни қўллаш жараёнида, ушбу нормаларни изоҳлашда ишлатиладиган юридик тушунчаларни таснифлаш муаммоси юзага келади. Турли мамлакатлар ҳуқуқида бу тушунчалар ўз мазмунига кўра бир-бирига ҳар доим ҳам тўғри келмайди. Масалан, Францияда даъво муддатига фуқаролик ҳуқуқининг тушунчаси сифатида, Буюк Британия, АҚШ ва Финляндияда процессуал ҳуқуқнинг тушунчаси сифатида қаралади. Ҳозирги даврда, Буюк Британия ва АҚШда бундай таснифлашдан аста-секин воз кечилмоқда. Агар Франция суди даъво муддатини ўз ҳуқуқига кўра эмас, балки Англия ҳуқуқига кўра таснифласа, бу ҳолда у даъво муддатига нисбатан Англия ҳуқуқи қодаларини қўллаши мумкин эмас. Кўпгина ғарб мамлакатларининг доктринаси шундан келиб чиқадики, юридик тушунчаларни таснифлаш суд қонунига кўра қонунни танлаш муаммоси ҳал қилунгунга қадар, яъни коллизия норма қўллангунга қадар ўтказилиши лозим. Лекин коллизия норма асосида чет эл қонуни қўлланилиши керак бўлса, бу ҳолда ҳар қандай таснифлаш коллизия норма олинган ҳуқуқий тизим асосидагина бўлиши мумкин.

Ҳар қандай коллизия норма чет эл ҳуқуқи тизимлари номуайян доирасининг ҳаракатини ҳамда юзага келган субъектив ҳуқуқларни тан олишга қаратилгандир. Шунинг учун бу норма ҳам атамалар, ҳам тушунчалар орқалигина ифода этилиши мумкин бўлиб, улар мазмунига кўра тегишли ҳуқуқий тизимлар учун умумий бўлиб ҳисобланади.

Коллизия сабабларга боғлиқ ҳолат эса бошқача, яъни ҳуқуқни қўллашдаги тўлиқ аниқлик фақат суд қонунига кўра, сабабларни таснифлашдан фойдаланиш йўли орқалигина таъминланиши мумкин. Чунончи, мамлакат фуқаролик ҳуқуқида бўлган ўша тушунчалардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Масалан, халқаро савдо тажрибасида контракт тузилган жойнинг турлича талқин этилиши сабабли қатор қийинчиликлар пайдо бўлади. Англия ҳуқуқида бу жой акцептни жўнатиш жойи бўйича, бошқа аксарият мамлакатларда эса акцептни олиш жойи бўйича аниқланади. Шунингдек, иккиламчи таснифлаш ҳам мавжуд, яъни коллизия норма қўлланганидан кейин, у коллизия норма олинган ҳуқуқий тизим асосида амалга оширилиши керак.

Бу ўринда бир савол туғилади. Чет эл қонунига мурожаат этишни қандай тушуниш керак? Агар моддий ҳуқуқ нормаларига бўлган мурожаат деб тушунилса, бу ҳолда, қайта мурожаат қилиш доктринаси-

ни қўлламасликни англатади. Агар хорижий давлат ҳуқуқига яхлит ҳолда мурожаат деб тушунилса, бу ҳолда ушбу доктринани қабул қилишни англатади. Хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ҳамда доктринаси қайта мурожаат этиш ҳамда учинчи мамлакат ҳуқуқига мурожаат этишни қўллаш тўғрисидаги саволга аниқ жавоб бермайди. Масалан, Польшанинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонуни бу мурожаатнинг иккала турини тан олади. Венгриядаги шундай қонун эса ўз ҳуқуқига мурожаат этишни тан олади. Германияда шартнома ҳуқуқи соҳасидаги мурожаат тан олинмасдан, балки бошқа ҳолда тан олинади. Австрия ва Швейцариянинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонунига асосан қайта мурожаат қилиш тан олинади. Шуни таъкидлаш керакки, қайта мурожаат қилиш доктринаси 1980 йилдаги Рим конвенциясида қабул қилинмаган эди.

Масалан, Швейцариянинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонунда чет эл қонунига бўлган мурожаатни моддий ҳуқуққа мурожаат этиш сифатида талқин қилиш таклиф этилади, фуқаронинг шахсий мақоми билан боғлиқ вазиятлар бундан мустаснодир.

Чет элда етказилган зарарга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ масалалари доираси умумжаҳон глобаллашуви ва жаҳон ҳужалик тизимининг интеграциялашуви жараёни ривожланган сари кенгайиб боради. Масалан, авиакомпаниялар, коинот фаолияти, экологик хавфсизлик, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва яна бир қатор бошқа соҳалар шулар жумласига киради.

Масалан, авиаташувчи (авиакомпания) йўловчига ёки юкнинг эгасига етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан жавобгар бўлади. Халқаро ҳаво йўллари ҳаво транспортдан фойдаланувчиларнинг манфаатларини кўзлаб, шунингдек рақобат курашида авиакомпаниялар томонидан турли шарт-шароитлардан фойдаланиш жавобгарлигидан қочиш мақсадида турли воситалар қўллаши сабабли, авиаташувчининг моддий жавобгарлиги масалаларига бир хил ёндашувни талаб этади.

Ушбу соҳадаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги “Варшава тизими” номини олган туркум шартномаларни қабул қилишда ўз аксини топган. Бу шартномаларнинг асосий шартларига кўра битим (хизматларни сотишга доир контракт) томонлари жавобгарлик субъектлари бўлганлиги учун бу масалалар халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасига бевосита тааллуқлидир.

1929 йилдаги Варшава конвенциясига биноан ташувчи йўловчининг вафот этиши ёки ҳар қандай тан жароҳати олиши тарзидаги, юкнинг йўқ қилиниши, йўқолиши ёки унга шикаст етказилиши, шунингдек, ташишга кечиқиш кўринишида бўлган зарар учун жавобгардир. Варшава тизими шартномалари бўйича авиаташувчининг максимал жавобгарлик чегаралари (пул миқдори бўйича жавобгарликни

чеклаш) белгилаб қўйилганки, улар давлатларнинг ўзига хос ўз миллий авиакомпанияларига нисбатан ҳимоялаш сиёсатини акс эттиради, бунда зарарни қоплаш тартиби ҳам назарда тутилган. Халқаро ҳаво транспорти орқали шартномадаги ташувчидан бошқа шахс амалга оширадиган ташишга дахлдор бўлган айрим қоидаларни бирхиллаштиришга қаратилган. Варшава конвенциясига қўшимча бўлган 1961 йилдаги Гвадалахар конвенцияси Варшава конвенциясининг асосий тамойилларини ижарага олинган ҳаво кемаларида ташишга татбиқ этган.

Ҳозирги пайтда энг йирик авиакомпаниялар томонидан, авваломбор, Америка авиакомпаниялари томонидан жавобгарликнинг максимал чегараларини оширишга қаратилган тенденция кузатилмоқда. Бунда Америка авиа компанияларининг ривожланаётган давлатларнинг ҳали тўлиқ кучга кирмаган ёш авиакорхоналари билан бўлган рақобат кураши ўз аксини топади. Ушбу нуқтаи назардан қараганда, 1966 йилдаги қатор авиакомпаниялар ўртасида тузилган Монреал битимини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу битим ташувчининг жавобгарлик чегарасини 75 минг АҚШ долларигача қўпайтирди, шунингдек, бошқа мамлакатлар ҳудудига йўловчи ва юк ташиш учун ушбу чегарани қабул қилган авиакомпанияларгагина йўл қўйилади. 1971 йилдаги Гватемала протоколи жавобгарлик чегарасини бир йўловчи учун 100 минг АҚШ долларигача ошириб, ташувчининг объектив жавобгарлик тизимини қабул қилди (унинг айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда).

1975 йилда қабул қилинган 4-сонли Монреал протоколи ҳам ташувчининг объектив тамойилидан келиб чиқади. Бу протокол ҳам Гватемала протоколига ўхшаб барча давлатларда кучга кирмаган.

Охирги йилларда техник сабабларга кўра, авиаҳалокатлар юз берган ҳолларда даъволарни бевосита ҳаво кемаларини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан тақдим этиш муаммоси долзарб бўлиб қолди. Шу тариқа, ҳаво ҳаракатини бошқариш органларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала ҳам ўз-ўзидан юзага келади. Халқаро ҳуқуқда, жумладан халқаро хусусий ҳуқуқда бу муаммолар ҳали етарли даражада тартибга солинмаган.

1952 йилда Римда хорижий ҳаво кемаси томонидан ер юзида учинчи шахсларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги Конвенция тузилган эди. Бу Конвенция зарарни қоплаш миқдорини ҳаво кемаси оғирлигига қараб белгилайди ва унга кўра ҳаво кемаси эксплуатанти (зарар етказилган пайтда кемадан бевосита фойдаланувчи шахс) жавобгарлик субъекти ҳисобланади. Бунда зарар деганда йўловчининг ўлими, тан жароҳати ҳамда унинг мол-мулкига кеманинг жисмоний таъсир этиши ёки унга нарса тушиши натижасида етказилган зарар тушуниларди. 1978 йилга келиб эса, Монреалда Рим конвенциясини ўзгартириш тўғрисида протокол қабул қилинган эди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда авиадвигателлар шовқини туфайли ҳамда самолётлардан фойдаланишда шовқин зарбаси натижасида етказилган зарар учун жавобгарлик, атроф-муҳит ва аҳолига турли характердаги авариялардан сўнг кемалар ҳамда атом реактори ва жанговар ядро қуроли бўлган сувости кемаларининг чўкиши оқибатида етказилган зарар учун жавобгарлик тўғрисидаги долзарб масалалар халқаро миқёсда ҳамон етарли даражада ҳал этилмаган.

Халқаро коинот ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жавобгарлик коинот фаолиятини давлатларнинг ҳукумат органлари ёки ноҳукумат юридик шахслар амалга оширганидан қатъи назар, тегишли давлатларнинг зиммасида бўлади. Коинотда халқаро ташкилот фаолият кўрсатган тақдирда, жавобгарлик ҳам ташкилот, ҳам иштирок этувчи давлатларнинг зиммасида бўлади (солидар жавобгарлик).

Агар ҳуқуқий жиҳатдан тўғри бўлган коинот фаолияти натижасида чет эл давлатига ёки унинг жисмоний ва юридик шахсларига зарар етказиладиган бўлса, бу ҳолда зарарни қоплаш вазифаси коинот объектини учиришни амалга оширувчи ёки ташкил этувчи давлатнинг, шунингдек, объект учириладиган ҳудуд ёки ускуна жойлашган ҳудуддаги давлатнинг зиммасида бўлади. Моддий жавобгарликни амалга ошириш тартиби 1972 йилдаги коинот объектлари томонидан етказилган зарар учун халқаро жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияда белгиланади.

Конвенция зарар тушунчасига ҳаётдан маҳрум этиш, тан жароҳати етказиш ёки бошқача тарзда аҳоли соғлиғига зарар етказиш ёхуд давлат, жисмоний ёки юридик шахсларнинг ва халқаро ташкилотларининг мол-мулкни йўқ қилиш ёхуд унга шикаст етказишни киритади.

Бу жавобгарлик объектив хусусиятга эга бўлиб, у зарар ер устида ёки ҳаво кемаси учганда содир этган ҳолларга тааллуқлидир. Бир давлатнинг коинот объекти томонидан бошқа давлатнинг коинот объектига ҳар қандай жойда етказилган зарар учун жавобгарлик айб тамойилига асосланади. Минг афсуски, ҳозирги даврда, айрим ривожланган давлатлар томонидан коинот ҳарбий кучларининг ташкил этилиши бу соҳадаги муаммолар доирасини янада кенгайишига ўз таъсирини ўтказиши.

Ҳозирги замон халқаро хусусий ҳуқуқи, турли адабиётларда бир неча бор таъкидланганидек, жиддий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Бу каби ўзгаришлар ҳам миллий қонунчилик ва суд амалиётида ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топмоқда. Бундай ўзгаришлар хусусий эмас, балки алоҳида ягона тусга эга бўлиб (ўзгаришлар ёки янги алоҳида коллизия нормаларнинг пайдо бўлиши), улар коллизия ҳуқуқнинг, унинг фалсафасининг, глобал мақсадларининг моҳиятига тааллуқлидир.

Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборатдир: эгилувчан коллизия нормалар сонининг кўпайиши; оила, мерос ҳуқуқи ва бу

муносабатларга тегишли деликтлар соҳасида томонлар иродаси мустақиллигининг кенг тарқалиши; оммавий тартиб масалалари.

Коллизион нормалар орқали тартибга солишдаги ҳозирги ўзгаришлар юридик адабиётларда, кўпинча, ХХ асрнинг 60-йилларида Америка коллизионистлари томонидан таклиф этилган новеллалар билан боғланиб, классик халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида вужудга келган. Классик халқаро хусусий ҳуқуқ вужудга келишининг сабаблари, вақти ва жойи бизга кўпгина адабиётлардан маълум бўлиб, биринчи навбатда Л.А.Лунц асарларидан, хусусан, унинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ курси”дан маълумдир¹. Ҳуқуқшуносларнинг анъанавий вазифаси чет эл элементи билан боғлиқ бўлган фуқаролик ҳуқуқий муносабатни у ёки бу ҳуқуқий тизимга улаш мумкин бўлган бўғинни аниқлашдир. Уларнинг тажрибада ёки қонун нормаларида мавжудлиги ва мустақамлангани судьяларга низони ҳал этиш, томонларга эса уларнинг ҳуқуқлари қайси ҳуқуқ билан тартибга солиниши ҳақида олдиндан билиш имкониятини яратади.

Айрим омадли деб топилган ечимлар вақт синовидан ўтди ҳамда аксарият мамлакатларнинг ҳозирги замон коллизион ҳуқуқида қўлланилмоқда. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин – жисмоний шахснинг шахсий қонуни (ФК 1168-м.), юридик шахс қонуни (ФК 1175-м.), суд қонуни (суд жойлашган мамлакатда амал қилинаётган қонун), фуқаролик- ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари томонидан танланган ҳуқуқ, мазкур ҳуқуқий муносабат узвий боғланган қонун ҳатти-ҳаракат содир этилган жой қонуни, зарар етказилган жой қонуни, сотувчи мамлакатининг қонуни, никоҳ қайд қилинган жой қонуни ва бошқалар. Уларнинг қўлланилиши ҳамда талқин қилиниши маълум қийинчиликларга дуч келишига қарамасдан, улар турли миллий ҳуқуқ нормалари ва одатлари мажмуидаги ишончли ва аниқ мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши ҳамда фаоллашуви вақт ўтган сари халқаро хусусий ҳуқуқда сон жиҳатидан ўзгаришларга олиб келади, шу туфайли турли ҳамкорлик соҳаларининг кўпайишини ҳисобга олган ҳолда кенгайиб бораётган халқаро алоқаларга муваффақиятли хизмат кўрсатиши мумкин бўлган коллизион нормалар сони янада кўпаяди.

ХХ аср халқаро хусусий ҳуқуқ ривожланиши учун жуда қўл келди, чунки унинг биринчи ярмида коллизион муаммолар аввал кўрилмаган миқёсда кенг тадқиқ этилган адабиётлар пайдо бўлди. Уларнинг кўпчилигида қарийб саккиз аср мобайнида ўзининг мақсадга мувофиқлигини исботловчи коллизион ҳуқуқнинг асослари бўлиб ҳисоб-

¹ Лунц Л.А. Курс международного частного права. Общая часть. М., 1973.

ланувчи тамойиллар ва мақсадлар шубҳа остига олинди. Илгари мавжуд бўлмаган саволлар жаҳон коллиззионистлари олдида пайдо бўлди. Уларни оддий қилиб қуйидагича ифодалаш мумкин - коллиззион нормалар ёрдамида қўлланиладиган ҳуқуқни оддий аниқлаш эмас, балки бу қандай оқибатларга олиб келишини, қайси моддий ҳуқуқ нормаларининг қўлланилишини ва оқилона ҳамда муайян ҳуқуқий муносабатлар адолатли тартибга солинишини ҳисобга олиш лозимдир.

Халқаро хусусий ҳуқуқда бўлаётган ўзгаришларни аниқ мисол келтириш орқали энг яхши тарзда намоён этиш мумкин. Адабиётда буни қисқача Л.А.Лунц “Халқаро хусусий ҳуқуқ курси”¹ да, батафсилроқ эса уни В.П.Звеков яқинда чиққан “Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича лекциялар курси”² да таҳлил қилган.

Масалан, 1990 йил 16 сентябрда Д.Бэбкок ўзининг ўртоқлари ва умр йўлдоши Жексон (уларнинг барчалари Нью-Йорк штати Рочестер шаҳрида яшайди) билан бирга Жексоннинг машинасида шанба ва якшанбага Канада бўйлаб сафарга жўнашади. Улар бир неча соатдан кейин Канаданинг Онтарио ҳудудига етиб келганларида машина йўлдан чиқиб, йўл ёнидаги тошли деворга урилади. Нью-Йорк штатига қайтишда жиддий тан жароҳатлари олган Д.Бэбкок Жексонга қарши даъво қўзғатади ҳамда уни автомобилни бошқаришдаги эҳтиётсизликда айблайди.

Жавобгар Жексон даъвога қарши бўлади. Асос – ушбу ҳолда қўлланиладиган ҳуқуқ ҳалокат юз берган жой ҳуқуқи бўлиб, Онтарионинг амалдаги қонунида назарда тутилишича, автомашина эгаси ёки ҳайдовчиси, башарти у йўловчиларни (профессional равишда) ҳақ эвазига ташимаётган бўлса, машинадаги ҳар қандай шахснинг соғлиғига зарар етказганлик ёки унинг ўлими учун жавобгар бўлмайди.

Бир қатор шарҳловчилар таъкидлаганидек, ушбу ишда юзага келган савол оддий: - *lex loci delicti* етказилган зарарни қоплаш мумкинлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда ҳаммиша қўлланилиши ёки коллиззион норма зарарни ундиришда ёки ундиришни рад этишда муҳим бўлган бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиши керакми? Ўша вақт учун анъанавий, АҚШнинг халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича китобида (*Restatement of Conflict Laws USA*) мавжуд бўлган ҳамда судлар томонидан сўзсиз қўлланилган *lex loci delicti* коллиззион нормаси белгилаб қўйганки, зарарни етказишдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар зарар етказилган жой ҳуқуқи билан тартибга солинади. Биринчи инстанциядаги судда иш айнан ана шу тарзда ҳал этилган ҳамда Д.Бэбкокка унинг даъвоси бўйича рад этилган.

¹ Қаранг: Лунц Л.А. Курс международного частного права. Особенная часть. М., 1975. 362-бет.

² Қаранг: Звеков В.П. Международное частное право. Курс лекций. М., 1999. 123-бет.

Аммо, иш апелляция тарзида штат судида кўрилганда унинг бошқа жиҳатлари ҳам юзага келади. Штатнинг апелляция судида кўриб чиқишга доир бошқа ёндашувларда айтилгани деликтнинг классик вазиятида тасодиф эмас, деб туюларди. Бу вақтга келиб таниқли Америка коллиззионистлари В.Кук, В.Риза, Б.Карри, А.Эренцвейг ва бошқаларнинг ишлари эълон қилиниб, уларда ўша вақт учун янги бўлган коллиззион ҳуқуқнинг концепциялари ўз аксини топган. Турли муаллифлик ёндашувларида бу назарияларни ягона гоё бирлаштирган, яъни классик коллиззион нормаларнинг қаттиқлиги ва мўлжалланганлигини бартараф этиш ҳамда аниқ низоларни кўриб чиқишда оқилона ва адолатли ечимларга эришишни таъминлаши мумкин бўлган янги мезон ва тамойилларни ишлаб чиқиш кабилар.

Тажрибада халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида янги ёндашувларни қўллаш ҳуқуқни қўллайдиган органлар олдига мураккаб вазифаларни қўяди. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ушбу муаммоси – қаттиқ коллиззион нормалардан воз кечиш ҳамда адолатли ва оқилона натижага эришиш мақсадида бу борада суд муҳимроқ роль ўйнайдиган эгилувчанликни ишлаб чиқиш - хусусий ҳуқуқ кардинал муаммосининг муҳим қисмидир: қонун ва адолатнинг, қонун ва суд нуқтаи назарларининг нисбийлиги жамият олдида қонун пайдо бўлиши билан бирга вужудга келади. Турли мамлакатларда, турли тарихий даврларда, турлича ҳал этилган ушбу муаммони маълум бўлган қуйидаги ибора тўғри ифодалайди *ius sumptu iniuria* (энг мукамал қонун - бу буюк адолатсизликдир)¹.

Ҳозирги замонда ҳуқуқнинг ҳам миллий, ҳам конвенцион жиҳатдан ривожланиши ҳуқуққа ҳамда қонун ва судлар ўртасидаги нисбатга бўлган ёндашувга етарли эътибор берганларнинг ҳақлигини тасдиқламоқда. Ҳозирги замондаги фуқаролик ва халқаро хусусий ҳуқуқ “адолат”, “оқилона”, “одатда” каби иборалардан кенг фойдаланади. Ушбу категориялардан фойдаланиш суд ва арбитраж тажрибаси гувоҳлик қилганидек, суднинг ўзбошимчалигига олиб келмади, лекин ҳозирги замондаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг адекват тартибга солинишини таъминлашга ёрдам бери.

Бу ерда шунга эътибор бериш керакки, қонуннинг ўзи ушбу категориялар қўлланиши лозим бўлган аниқ доираларни белгилайди, бу эса қонунни қўллашда аниқлик ва олдиндан башорат қилишликдан сақлашга кўмак беради. Шу ўринда, Голландия юристи П.Схилфгарднинг Голландиянинг янги Фуқаролик кодекси қабул қилиниши билан боғлиқ бўлган фикрини келтириш мумкин: “Ҳуқуқ қоидалар мажмуасига қараганда қандайдир каттароқ нарса бўлиб, у аслида кўпчи-

¹ *Звеков В.П.* Международное частное право. Курс лекций. М., 1999. 125-бет.

лик иштирок этувчи доимий “суҳбатдир”¹. Фалсафий нуқтаи назардан қаралганда эса куйидаги иборани таъкидлаб ўтиш жоиз: “ҳақиқат ҳар доим баҳсда аниқланади”.

Назарий ҳамда амалий нуқтаи назардан қараганда, халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий институтларидан бири ҳисобланадиган шартномадан ташқари мажбуриятлар асосан зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган барча (ҳуқуқбузарлик) деликт ҳолатларини битта кодекс ёки қонун миқёсида қамраб олиб бўлмайди. Бу ҳолатлар беҳисобдир.

Масалан, жаҳон миқёсида адекват биологик назоратсиз кўпайиш хусусиятига эга бўлган ўсимликларни ҳимоя қилиш узоқ муддатли воситаларининг ўсиб бораётган ишлаб чиқариш ҳажми бутунжаҳон халқаро хавфсизлик муаммосига айланмоқда. Айрим ҳолларда шу нарса намоён бўладики, импорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотларида инсон соғлиғи учун хавфли бўлган ўсимликлардан ҳимоя қилиш воситалари мавжуд бўлган. Турли пестицидлар, детергенлар, фармацевтика маҳсулотлари, косметика, фертелайзерлар ва ҳоказоларнинг катта миқдорлари одам организмига доим салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам, организмга нисбатан умумий узоқ муддатли бўлган таъсирларни аниқлаш учун махсус токсикологик тадқиқотлар талаб этилади. Шунинг учун халқаро шартномалар тузиш орқали юқорида тилга олинган зарарли маҳсулотлар концентрацияси миқдорининг минимал йўл қўйиладиган мезонларини аниқлаш лозим. Бу муаммолар барча давлатлар томонидан биргаликда ҳал этилиши лозимдир, чунки у ҳамма давлатлар манфаатига тегишли.

Шу муносабат билан, юқорида тилга олинган хавфли маҳсулотларнинг салбий таъсиридан жаҳон ҳамжамияти турли давлатлари аҳолисини ҳимоя қилиш учун қўшма халқаро ҳуқуқий воситалар механизмларини излаш ва ишлаб чиқиш дунё ҳуқуқшунослари олдида турган жуда долзарб муаммодир.

Шу билан бирга ҳозирги пайтда халқаро хусусий ҳуқуқда мавжуд бўлган ҳамда кам ўрганилган яна битта муҳим муаммо ҳақида айтиб ўтиш лозим. Масалан, аксарият ҳолларда миллий чегаралар сув қатламлари ҳавзалари билан тўғри келмайди. Шу тариқа, чегара олдида вужудга келадиган ифлосланишлар қўшни мамлакат ҳудудларига ҳам тарқалиши мумкин. Бу ҳолда, юқорида айтиб ўтилганидек, у ёки бу давлат аҳолиси соғлиғига ҳамда шу давлатнинг экологик хавфсизлигига зарар етказилган тақдирда, зарарни қоплаш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиш жуда катта аҳамиятга эга.

Шу ўринда қайд қилиш лозимки, айрим халқаро савдо битимлари, чунончи, 1988 йилдаги Тарифлар ва савдо бўйича бош битим эҳтимол кейинчалик 1989 йилги Базель конвенциясига ўз таъсирини

¹ Право и арбитражная практика. Вып. 1. М., 1997. 33-бет.

кўрсатиши мумкин. Масалан, конвенциянинг айрим жиҳатлари Тарифлар ва савдо бўйича бош битим энг қулай режим бўлган мамлакатнинг таърифига ҳамда унинг миллий мажбуриятларига зид бўлиши мумкин. Масалан, товар ёки хизмат каби бўлган турли хил хавфли чиқиндиларнинг мақоми Тарифлар ва савдо бўйича бош битим талқини бўйича етарли даражада тушунарли эмас. Бирорта дастур хавфли чиқиндилар билан хом-ашё ёки маҳсулот сифатида муомала қилиш ёки чиқиндиларга фойдали моддий таркибий қисмлар ёки иккиламчи фойдаланиш учун маҳсулот сифатида қараш ҳақидаги таърифни тақдим этмаган. Дунё бўйича чиқиндилар ҳаракатини аниқлаш тўлиқ эмас, шунингдек унинг яхлит эмаслигига қарамасдан, айрим бир хил вазиятларнинг таҳлили бундай оқимлар тарқалишини тушуниш учун етарли эмасдир.

Охирги йилларда ҳар йили хавфли чиқиндиларнинг 6 млн. ортиғи миллий чегаралар орқали ҳаракат қилган. Бу чегаралараро ҳаракатнинг кўлами албатта охирги пайтларда ҳисобга олинганидан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, шуни тан олиш керакки, 1989 йилдаги Базель конвенцияси бўйича хавфли чиқиндиларни экспорт-импорт қилиш бўйича чекловлар амалда жаҳон бозорида маълум зиддиятларга олиб келиши мумкин. Ҳар қандай ҳолда бу конвенция ҳуқуқий жавобгарлик ҳамда хавфли чиқиндилар чегаралараро ҳаракатидан келиб чиқадиган зарар учун компенсациялар ва улардан озод этиш бўйича протоколни қабул қилиш орқали ривожлантирилиши лозим. Хавфли чиқиндиларни халқаро миқёсда юклашни назорат қилиш масаласи ҳозиргача очиқ қолмоқда.

ХІХ БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича шартномадан ташқари мажбурият тушунчасининг мазмуни нимадан иборат?
2. Коллизион нормалар тузилиши қандай ва улар қайси ҳолларда қўлланилади?
3. Ўзбекистон Республикасида ва чет элда етказилган зарарга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқнинг хусусиятлари ва ўзаро фарқи нимадан иборат?
4. Амалдаги (1997 й. 1 мартда кучга кирган) Ўзбекистон Республикаси ФКга халқаро хусусий ҳуқуқ муносабатларини тартибга солувчи қандай янги нормалар киритилган?
5. Сизнинг фикрингизча, ҳозирги даврда халқаро хусусий ҳуқуқнинг зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар институти олдида қандай муаммолар мавжуд?

Тавсия этилган адабиётлар

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. — Т.: “Адолат”, 1996 й.
- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик, (II қисм). — Т.: “Адолат”, 1999 й., 547-бет.
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. III жилд. — Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 1998 й., 322, 356-бет.
- Раҳмонқулов Ҳ.Р.* Олди-сотди шартномаси. — Т.: “Адолат”, 2000 й., 32-бет.
- Раҳмонқулов Ҳ.Р.* Ўзбекистонда халқаро хусусий ҳуқуқнинг аҳамияти ва вазифалари. //Давлат ва ҳуқуқ. № 2, 2000 й., 3-бет.
- Богуславский М.* Международное частное право. Учебник. 2-ое изд., - М.: Международные отношения, 1994, 243-бет.
- Додобаев Ю., Раҳимов Г.* Международное частное право. Учебное пособие. Изд. Фергана, 1999, 75-бет.
- Колосов Ю.М., Кузнецов В.И.* и другие. Международное право. Учебник. Изд. 2-ое доп. и перераб. — М.: Международные отношения, 1998, 558, 569-бет.
- Топорнин Б.Н.* Европейское право. Учебник. — М.: Юрист, 1998, 12-бет.
- Кабатова Е.В.* К вопросу о современных проблемах международного частного права. //Государство и право, -М.: 2000, №8, 54-бет.
- Рузиназаров Ш.Н.* Производство по делам с участием иностранных организаций, международных организаций и осуществляющих предпринимательскую деятельность иностранных граждан, лиц без гражданства, //Хозяйство и право. —Т.: №1, 2001, 75-бет.
- Ерпылева Н.Ю.* Понятие, предмет, система и источники международного частного права. М.; Международное публичное и частное право. № 1, 2002 18-29-бет.
- Рузиназаров Ш.Н.* Халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрлари билан ашёвий ҳуқуқларнинг тартибга солиниши. Хўжалик ва ҳуқуқ, № 4, 2002, 36—43-бет.
- Хошимов В.* Некоторые вопросы автономии воли сторон договора в международном частном праве. Общественные науки в Узбекистане, № 3, 2001, 23—28-бет.

XX БОБ

ОИЛА ҲУҚУҚИ

1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича оила муносабатларининг тартибга солинишига умумий тавсиф

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бу ҳолат куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган бир қатор объектив характердаги сабаблар билан боғлиқдир:

- аҳоли кўчилишининг ўта кучайиб кетганлиги, шу жумладан бир мамлакат фуқароларининг у ёки бу мамлакатдан ўзга ҳамда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бу мамлакатга эркин кириб келиши;

- Ўзбекистон фуқаролари билан чет эл фуқаролари ўртасидаги (иш юзасидан) амалий ва шахсий алоқаларнинг кучайиб бораётганлиги.

Ўзбекистон фуқароларининг чет эл фуқаролари билан никоҳ тузишлари сонининг сезиларли даражада ошганлиги, битта оила аъзоларининг турли давлатлар фуқаролари бўлиши ҳолларининг кўпайганлиги юқорида санаб ўтилган ҳолатларнинг оқибатидир. Бунда хорижий (халқаро) элемент иштирокидаги хилма-хил муносабатлар, яъни никоҳ тузишда, никоҳнинг тугатилишида, никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкый муносабатларда, ота-она ва болалар ўртасидаги мулкый муносабатларда тафовутлар юзага келади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда хорижий давлатлар фуқаролари бўлган шахслар иштирок этадиган муносабатлар, яъни масалан, уларнинг ўзаро никоҳ тузишлари ёки умумий фуқароликка эга бўлмаган эр-хотиннинг алимент тўлаш тўғрисида битим тузиши хорижий элемент иштирокидаги муносабатлар деб аталади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгартирилиши ёки тугатилиши билан боғлиқ бўлган юридик факт чегарадан ташқарида содир бўлган ҳолларда ҳам (масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон фуқаролари ўртасида никоҳнинг тузилиши ёки тугатилиши) чет эл элементи билан мураккаблашган оилавий муносабатлар мавжуд бўлади.

Оилавий муносабатлар билан мураккаблашган чет эл элементи мавжуд бўлган ҳолларда қайси давлат ҳуқуқи қўлланилади ва қайси давлат органлари оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган у ёки бу масалалар бўйича қарор қабул қилишга ваколатли, деган саволлар юзага келади. Бундай муаммолар халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига тегишлидир.

У ёки бу масалани қандай ҳал этиш лозимлиги хусусидаги тўғридан тўғри жавобни, тўғридан-тўғри кўрсатмани ўзида мужассам этмаган ва қайси қонунчилик қўлланилиши лозимлигини кўрсатувчи коллизия (тўқнашув) нормалар халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосини ташкил этади. Бундай нормалар турли манбаларда мавжуддир. Энг аввало, бу Ўзбекистон Республикасининг ички қонунларидир. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида коллизия нормалардан ташкил топган Махсус бўлим бор (VIII бўлим. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш). Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги халқаро шартномаларда ҳам коллизия нормалар мавжуддир.

Чет эл элементи билан мураккаблашган оилавий муносабатларнинг кенг тарқалганлиги Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар оилавий қонунчиликлари ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш муаммосини келтириб чиқаради, зеро ўша давлатлар фуқаролари Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқининг таъсир доирасига тез-тез тушиб қола бошладилар, бу эса тегишли равишда мамлакат ҳудудидаги оилавий муносабатларда уларнинг ҳуқуқларини ишончли кафолатлаш заруриятини келтириб чиқарди.

Иккинчи томондан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларда Ўзбекистон фуқароларининг, айниқса болаларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя қилиш масаласи муҳимликда юқорида тилга олинган масалалардан қолишмайди (Бу ҳол чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзбекистонлик болаларни фарзандликка олганларида, ота-оналар ва болаларнинг алимент мажбуриятларини тартибга солишда яққол кўзга ташланади). Шу сабабдан, оилавий муносабатларни тартибга солишда чет элларнинг оила ҳуқуқи нормаларини қўллаш имкониятига ёндашувни тубдан ўзгартириш зарурияти юзага келди, зеро бу масалага нисбатан илгари мавжуд бўлган салбий муносабат кўпгина ҳолларда Ўзбекистон фуқаролари ҳамда чет эл фуқароларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини чеклаб қўйишга олиб келган эди.

1998 йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинган, бу муаммолар асосан ҳал этилди, бундан ташқари аввал амалда бўлган қонунчиликдаги муаммоларга ҳам барҳам берилди. Оила кодексининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш”, деб

номланган VIII-бўлимида фуқаролиги бўлмаган чет эллик шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилиги ва чет эллар оила ҳуқуқи нормаларини қўллаш асослари назарда тутилган. Шунингдек, агар ушбу муносабатлар хорижий давлат ҳудуди билан боғлиқ бўлса, нафақат Ўзбекистон фуқароларининг оилавий муносабатларига нисбатан, балки хорижликларга нисбатан ҳам ушбу нормалар қўлланилади.

2- §. Оила ҳуқуқи соҳасидаги коллизия масалалар

Турли давлатларнинг оила ҳуқуқлари моддий-ҳуқуқий нормалари орасида катта хилма-хилликлар бор. Бу энди албатта, хорижий элемент иштирокидаги ҳуқуқий муносабатларнинг турли масалаларини ҳал этишда амалда коллизияларни, яъни қарама-қаршиликлар, тўқнашувларни вужудга келтиради. “Коллизия” сўзи (“қонунлар коллизияси”, “коллизия масала”, “коллизия норма”) бу ерда турли мамлакатлар қонунчиликларининг тўқнашувини ифода этадиган ибора сифатида ишлатилмоқда. (Хорижий сўзлар лугатида, Москва, “Русский язык”, 1988, 241-бет, “коллизия” сўзи қарама-қарши нуқтаи назарлар, интилишлар, манфаатлар тўқнашувини англатади, деб изоҳ берилган. “Коллизия ҳуқуқ” дегани эса халқаро хусусий ҳуқуқнинг нормалари бўлиб, маълум бир масалада тўқнаш келган хорижий ва ўз давлати қонунларида қайси бири қўлланилишини аниқлаб беради.)

Иқтисодий тузумнинг ўзига хосликлари билан бир қаторда миллий, маиший, диний ўзига хосликлар ва анъаналар ҳам оилавий муносабатларни тартибга солишга муҳим таъсир кўрсатади.

Бир қатор мамлакатларнинг оила ҳуқуқига эрнинг олдидаги яккаҳокимлиги хосдир; эр ва хотиннинг оилада тенг ҳуқуқли эмаслиги кўпгина мамлакатларда ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Бундай мамлакатларнинг фуқаролик кодексларида никоҳ шартномаси тузиш белгилаб қўйилган. Бундай шартнома асосан никоҳдан аввал тузилади ва унда хотиннинг мол-мулкига эрнинг ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилади.

Кўпгина давлатлар қонунчиликларида якка никоҳлик (моногамия) мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо Осиё ва Африканинг баъзи бир мамлакатларида кўп никоҳлик (полигамия) ҳам ҳозирги кунларгача тан олинади ва келин учун қалин пули тўлаш каби қадимий анъаналар сақланиб қолган. Бундай қонунларда аёлнинг турмушга чиқиши мумкин бўлган энг ёш чоғи ҳам белгилаб қўйилган. Бир қатор мамлакатларнинг қонунлари ва амалиётида ирқий чеклашлар мавжуд: бундай қонунлар бўйича турли ирққа ёки турли динга мансуб бўлган шахсларнинг ўзаро никоҳ тузишларига йўл қўйилмайди.

Собиқ Советлар Итифоқида оила ҳуқуқи социалистик ҳуқуқ принциплари асосида тараққий топганди. Совет оила ҳуқуқининг ўзига хосликлари, агар халқаро шартномаларда бошқача ҳолат белгилаб қўйилган бўлса, коллизия масалаларда қатъий ҳудудийликнинг ўрнатилишига олиб келди. “Ҳудудийлик” (ҳар қандай ҳолатларда ҳам) хорижий фуқаролар иштирокидаги оилавий муносабатларга нисбатан суд амалга оширилмаётган мамлакат қонунлари қўлланилишини аниқлатган.

Шундай қилиб, амалиётда, кейинчалик эса Совет қонунчилигида ҳам совет ҳуқуқий тизимининг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатларига боғлиқ равишда бу тизимга “бегона” чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг СССРда амал қилиши номақбул эканлиги хусусидаги нуқтаи назар ўз ифодасини топди. Мустақиллик қўлга киргач Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқини халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ўзининг барқарор аънаналари ва одатларига мос равишда ривожлантирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан “оила жамиятнинг асосий бўғинидир” (63-модда).

Қуйидагилар оилавий муносабатлар соҳасидаги конституциявий тамойиллар ҳисобланади:

- эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- никоҳ тузишнинг эркинлиги;
- никоҳ тузаётган шахсларнинг тенг ҳуқуқийлиги;
- ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар фарзандларнинг қонун олдида тенглиги;
- етим болаларнинг ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларнинг таъминоти, тарбияси ва таълим олишнинг кафолатланганлиги;

- оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши.
Асосий қонунга мос равишда давлат қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- оилани муҳофаза қилишни;
- етим болалар ва ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлашни;
- етим болалар ва ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиришни.

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик ва болаликнинг конституциявий муҳофазаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларга мувофиқдир. Она ва бола манфаатларини ҳимоя қилиш қонунлар билан таъминланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 4 миллиондан ортиқроқ оила мавжуд. Ҳар йили 250 мингга яқин ёш оилалар пайдо бўлмоқда, 710 минг чақалоқ туғилмоқда. Ўзбекистондаги оилалар ўртача 5-6 кишидан иборатдир. Аҳолининг асосий қисмини болалар ва ёшлар ташкил этади. Оилаларнинг 12 фоиздан кўпроғида ўн ва ундан кўпроқ болалар бор, қишлоқ жойларида эса бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил этади. Аҳолининг 60

фоиздан кўпроғини болалар, ўсмирлар ва 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Республика аҳолисининг ярмидан кўпроғи (52 фоизи) аёллар ва қизлардан иборат. Оила жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги хусусида сўз юритилар экан, турли жамғармалар ва жамоат ташкилотлари томонидан оилага ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берилиши англашилади. Бундай жамғармалар қаторига “Болалар жамғармаси”, “Маҳалла жамғармаси”, “Наврўз”, “Экосан”, “Орол”, “Шароф Рашидов номидаги жамғарма”, “Қизил хоч ва қизилияримой жамияти” ва бошқалар киради. Оилавий шароитларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан 14 хилдан кўп турли нафақалар таъсис этилган. Кейинги йилларда Ўзбекистонда 2,5 миллион оила илк бор ер участкалари олди ёки уларни кенгайттирди. Ҳозирги вақтда ер участкаси майдонини 0,25 гектарга етказиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистондаги оилаларнинг кўп болалик эканлигини ҳисобга олган ҳолда 16 ёшгача бўлган болалар учун нафақа беришнинг умумий адресли тизими ишлаб чиқилди ва 1997 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилди. Оиладаги балоғатга етмаган болаларнинг сонига боғлиқ равишда нафақалар миқдори дифференциялашгандир.

Адресли давлат ёрдамини таъминлаш мақсадида 1994 йил 1 октябрдан бошлаб илк бор кам таъминланган оилаларга нафақа тўлана бошланди. Бу нафақалар давлат бюджети ҳисобидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла қўмиталари) томонидан тайинланади ва тўланади. Энг кам иш ҳақининг 1,5 дан 3 баробаригача миқдордаги моддий ёрдам сифатидаги нафақа оилага уч ой давомида тўланади. Ушбу муддат давомида оиланинг моддий ҳолати яхшиланмаса, қайтадан янги муддатга нафақа тайинланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 797000 кам таъминланган оила борлиги аниқланган. Бу рақам умумий оилалар сонининг 16,7 фоизини ташкил этади. Бу оилаларга 1 миллиард сўмдан кўпроқ миқдорда нафақа тўланган.

Шундай қилиб, бизнинг мамлакатимизда оила муҳофазаси ўта хилма-хил қонунлар қабул қилиниши ҳамда оилаларга жамғармалар ва жамоат ташкилотлари томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан мамлакатда “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда алоҳида хизматлар кўрсатган, соғлом авлодни тараққий эттиришда энг яхши моддий ва ахлоқий шарт-шароитлар яратишни таъминлаган шахслар “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланадилар. Миллати, ирқи, динга муносабатидан қатъий назар оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ҳам никоҳ шартномаси тўғрисида қоидалар бор (29-36 моддалар). Бу қоидаларга биноан, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган дав-

рида ва ёки эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларини белгилловчи битими никоҳ шартномаси деб ҳисобланади. Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рӯйхатига олингунга қадар ҳам, эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (ЎзР Оила кодекси, 32-модда). Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шундай шаклда амалга оширилади. Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бундан ташқари, никоҳ шартномаси суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилуши мумкин (Оила кодекси, 33-модда).

Оила кодексидан ташқари (VIII бўлим. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солиш) Ўзбекистон Республикасининг кўптомонлама ва икитомонлама халқаро шартномалари ҳам чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш манбалари ҳисобланади. Масалан, ирқи, терисининг ранги, тили, миллий келиб чиқиши ҳамда бошқа қандайдир ҳолатлардан қатъий назар, камситишларнинг ҳар қандай шаклдан болани муҳофаза қилишни таъминлаш учун зарур бўлган чоратадбирлар тўғрисидаги, шунингдек, боланинг манфаатларини энг яхши таъминлаш, жумладан, фуқароларни фарзандликка олиш ҳуқуқи, болаларни ноқонуний тарзда чегарадан ўтказиш ва қайтариш тўғрисидаги принципиал қоидалар БМТ нинг 1989 йил 20 ноябрида қабул қилинган “Болаларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” ги конвенциясига киритилган. Бу конвенция 1990 йил 2 сентябрдан бошлаб кучга кирди. 1996 йил 31 май ҳолати бўйича конвенцияда 187 та давлат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам иштирок этмоқда.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 1959 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари декларацияси ҳам хорижий фуқаролар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасининг МДХ давлатлари билан бўлган муносабатларида 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган Ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция ҳамда шу конвенция юзасидан 1977 йил 28 мартда қабул қилинган, оила ҳуқуқларининг алоҳида

нормалари тилга олиб ўтилган Протокол биринчи даражали ўрин тутди. Оила ҳуқуқининг кўпгина масалалари Ўзбекистон Республикасининг дунёнинг бир қатор мамлакатлари билан тузилган фуқаролик, оила, жамият ишларини ҳал этиш борасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги иккитомонлама шартномаларида ҳам кўриб чиқилган.

Замонавий шароитларда фаолияти коллизия оила ҳуқуқи нормаларини кодификация қилишга қаратилган ҳукуматлараро ташкилотларнинг аҳамияти каттадир. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси кўпгина мамлакатлар учун айниқса муҳим ўрин тутди. Унда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган барча конвенцияларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи коллизия оила ҳуқуқига тааллуқлидир. Улар орасида 1978 йил 14 мартда қабул қилинган никоҳ тузиш ҳақиқийлигини тан олиш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда эр-хотиннинг мол-мулки режимларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияни, 1980 йил 25 октябрда қабул қилинган болаларни халқаро ўғирлашнинг фуқаровий жиҳатлари тўғрисидаги конвенцияни ва 1993 йил 29 майда қабул қилинган болаларни ҳимоя қилиш ва хорижий фарзандликка олиш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги конвенцияни тилга олиб ўтиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилганлардан кўриниб турибдики, оилавий қонунчиликларида тафовутлар бўлган мамлакатларнинг фуқаролари ўзаро никоҳ тузганларида коллизия масалаларни ҳал этиш маълум аҳамият касб этади. Тараққий этган мамлакатлардаги оила ҳуқуқининг коллизия нормалари катта хилма-хилликка эга эканликлари билан ажралиб туради. Никоҳга тааллуқли ҳуқуқ лаёқати, яъни никоҳ тузиш ҳуқуқининг ўзи, никоҳ тузиш учун ҳар хил тўсиқларнинг йўқлиги — буларнинг барчаси бир қатор мамлакатларда эр ва хотиннинг ҳар бирининг ўзаро фуқароси ҳисобланган давлатда амалда бўлган қонунлар билан аниқланади. Турли мамлакатлар фуқаролари бўлган эр-хотин ўртасидаги никоҳ тугатиладиган ҳолларда бир қатор мамлакатларда эр фуқароси бўлган мамлакат қонунлари қўлланилади.

Бир давлат ҳудудида никоҳ тузилган жой қонунларига мос равишда тузилган никоҳ бошқа бир мамлакатда тан олинмаслиги мумкин.

Эр ва хотиннинг муносабатлари бир қатор мамлакатларда эр фуқароси бўлган мамлакат қонунларига биноан ҳал этилади.

Кўплаб давлатларда бир қатор коллизия масалалар ҳал этилади. Венгрия Республикаси Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуннинг 31-параграфи бўйича никоҳ ҳақиқийлигининг моддий-ҳуқуқий шарт-шароитлари никоҳ тузувчиларнинг “умумий шахсий қонуни” билан тартибга солинади. Агар бу шахслар фуқароликда турган давлатларнинг қонунлари турлича бўлса, “ҳар икки томон қонунлари бўйича ҳақиқийлик шarti мавжуд” бўлган ҳоллардагина никоҳ ҳақиқий

деб ҳисобланади. Венгрияда никоҳ шаклига нисбатан никоҳ тузилган жой ҳуқуқи қўлланилади.

Хитой Халқ Республикасида ХХР фуқароси чет эллик билан никоҳ тузаётганда никоҳ тузилаётган жой қонуни қўлланилади, никоҳ тугатилаётганда эса ишни кўриб чиқиш учун қабул қилинган суд жойлашган жой қонуни қўлланилади (ХХР нинг 1986 йилда қабул қилинган “Фуқаролик ҳуқуқи умумий қоидалари” нинг 147-моддаси).

Венгрия ва Сербияда никоҳни тугатиш масалаларини ҳал этишда, қоида бўйича, эр ва хотиннинг давлатлардаги фуқаролик қонунлари асос бўлиб хизмат қилади.

Россия Оила қонунчилигининг хорижий элемент иштирокидаги оилавий муносабатларга тааллуқли нормалари анъанавий равишда асосий федерал соҳавий ҳужжатга киритилганди: 1996 йилгача РСФСР нинг Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодекснинг 5-бўлими амалда бўлди. Унинг нормалари СССР ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчилик асосларининг тегишли 5-бўлими қоидаларини амалда айнан такрорларди. Россия Федерациясининг кодификацияланган федерал қонун бўлмиш янги Оила кодексига “Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларга нисбатан оила қонунчилигини қўллаш” деган VII бўлим киритилган. Унинг нормалари РСФСРнинг илгари амалда бўлган Никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексининг V бўлим қоидаларидан тубдан фарқ қилади.

Россия Федерациясининг Оила кодексидagi 156—167-моддаларида айтилишича, РФ ҳудудида никоҳ тузишнинг шакли ва тартиби Россия Федерацияси қонунлари бўйича белгиланади. Агар чет эл фуқароси бўлган шахс бир вақтнинг ўзидa Россия Федерациясининг ҳам фуқароси бўлса, никоҳ Россия Федерацияси қонунлари бўйича тузилади. Агар шахс бир қанча хорижий давлатлар фуқаролигига эга бўлса унинг хоҳиши бўйича ўша давлатлардан бирининг қонунчилиги қўлланилади. Фуқаролиги бўлмаган шахснинг Россия Федерацияси ҳудудида никоҳ тузиши ўша шахе доимий тураржойга эга бўлган давлат қонунлари бўйича амалга оширилади.

Россия Федерацияси ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган РФ фуқаролари Россия Федерациясининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида никоҳдан ўтадилар. Россия Федерацияси ҳудудидаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида тузилган чет элликлар ўртасидаги никоҳ, никоҳланувчилар никоҳ тузиш пайтида Россия Федерациясига элчи ёки консул жўнатган хорижий давлатларнинг фуқаролари бўлган тақдирдагина ўзаро келишув шарти билан ҳақиқий ҳисобланади (РФ Оила кодексининг 157-моддаси). Бошқа моддаларда қуйидаги ҳолатлар баён этилган:

“Россия Федерацияси ҳудудида ташқарида тузилган никоҳларнинг тан олиниши” (158-модда), “Никоҳнинг тугатилиши” (160-модда), “Эр ва хотиннинг шахсий номулкӣ ва мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” (161-модда), “Оталик (оналик)нинг белгиланиши ва шу хусусда низолашиш” (162-модда), “Ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” (163-модда), “Балогатга етган фарзандлар ва оиланинг бошқа аъзоларининг алиментга оид мажбуриятлари” (164-модда), “Фарзандликка олиш” (165-модда), “Хорижий оила ҳуқуқи нормалари моҳиятини аниқлаш” (166-модда), “Хорижий оила ҳуқуқи нормаларини чеклаш” (167-модда).

1997 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Фуқаролик ҳолати актлари тўғрисида”ги Федерация қонунида ҳамда 1998 йил 5 ноябрда РФ Президенти Фармони билан тасдиқланган Россия Федерациясининг консуллик муассасалари тўғрисидаги Низомда ҳам хорижий элемент иштирокидаги оилавий муносабатлар хусусида сўз юритилган.

Россия Федерациясининг кўптомонлама, шунингдек иккитомонлама халқаро шартномалари ҳам чет эл фуқаролари иштирокидаги оилавий муносабатларни ҳуқуқӣ тартибга солиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Россиянинг қуйида тилга олинган бир қатор мамлакатлар билан фуқаролик, оила ва жиноят ишларини ҳал этиш бўйича ўзаро ҳуқуқӣ ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги иккитомонлама шартномаларда ҳам оила ҳуқуқи масалалари ҳал этиб берилган:

Албания, Болгария, Венгрия, Вьетнам, КХДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Чехословакия (1982 йилдан бери Чехия ва Словакия), Югославия билан; шунингдек, Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Латвия, Литва, Молдавия, Эстония билан.

Оила ҳуқуқи коллизияларини тартибга солиш ва бу шартномаларда кўриб чиқиладиган масалалар доираси МДХ давлатларининг 1993 йил 22 январда қабул қилинган конвенцияси орқали тартибга солинадиган масалалар доирасига анча яқиндир.

Жаҳон ҳамжамиятида худди Ўзбекистон ва бошқа собиқ совет республикалари статуси ўзгарганлиги сингари Россия статусининг ўзгарганлиги, очиқ жамият усулига ўтилганлиги, Конституцияда янги устуворликларнинг мустаҳкамлаб қўйилганлиги хорижий элемент иштирокидаги оилавий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган муҳитни аниқлаш усулига ёндашувни тубдан ўзгартириб юборди. Масалан, Россия Федерациясининг янги Оила кодексида, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида қонун чиқарувчи боғланишларни танлашда биринчи навбатда муносабатларнинг маълум турининг у ёки бу давлат билан, шу жумладан хорижий давлат билан кўпроқ ёки камроқ узвий алоқасини эътиборга олган. Суд қонунига боғлиқликдан фойдаланиш доираси анча торайтирилган. Албатта, турли оилавий му-

носабатларга нисбатан, айтайлик, Россия қонунларини қўллаш ўша муносабатлар иштирокчиларининг, шу жумладан, чет эллардаги Россия фуқароларининг ҳам манфаатларига зид келиб қолди. Шундай қилиб, чет эл ҳуқуқини қўлламаслик шунга олиб келдики, эр фуқароликда турган давлатнинг қонунлари етакчи деб тан олинадиган давлатларда Россия муассасаларининг, масалан, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлари тан олинмаслиги ва ҳаётга тадбиқ этилмасдан қоладиган бўлди. Бу эса “оқсоқланадиган”, яъни бир мамлакатда тан олиниб, иккинчи мамлакатларда тан олинмайдиган никоҳларни вужудга келтирди. Кўриб турганимиздек, РФнинг янги оила кодексига қонун чиқарувчи коллизия нормаларни шакллантиришда маълум муносабатлар билан маълум ҳуқуқий тизим ўртасидаги алоқани, боғлиқликни энг кўп даражада акс эттирадиган ечимларни ахтарган. Ўзбекистон Республикасида ҳам қонун ижод қилишнинг шу йўлидан фойдаланилади.

Ўзбекистондаги коллизия оила ҳуқуқи тараққиётининг иккинчи йўналиши хорижий элемент иштирокидаги оилавий муносабатларни қонуний тартибга солиш доирасининг кенгайтирилишидир. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги, эр ва хотиннинг шахсий мулкӣ ва номулкий муносабатлари, ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, балоғатга етган фарзандлар ва бошқа оила аъзоларининг алимент мажбуриятлари сингари оила қонунчилигидаги муаммолар ҳал этиб берилди.

Бу соҳадаги қонуний тартибга солишнинг кенгайтирилганлиги, коллизия нормаларнинг янада батафсиллаштирилганлиги жаҳон анъаналарига мос келишини айтиб ўтиш лозим. Зеро, кўплаб хорижий давлатларда коллизия оила ҳуқуқи нормалари янгиланган ва батафсиллаштирилган ҳамда Австрия, Венгрия, Лихтенштейн, Туркия, Швейцария каби давлатларда халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги янги қонунларга ёхуд оила ёки фуқаролик кодексларига киритилган.

3-§. Никоҳ тузиш

1. Ўзбекистон Республикасида мамлакат фуқароларининг чет элликлар билан никоҳ тузишлари.

Халқаро ҳамкорликнинг ҳозирги шарт-шароитларида Ўзбекистон фуқароларининг чет элликлар билан тузаётган никоҳлари сони ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бундай никоҳларнинг тузилиши ўз навбатида болалар ва уларнинг ота-оналарининг турли мамлакатлар фуқаролигида бўлишлари сони кўпайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда республика фуқаролари билан чет элликлар ўртасида, чет элликлар билан чет элликлар ўртасида, шу жумладан турли мамлакатлар фуқаролари ўртасида тузилган никоҳлар қайд этилди. Қонунчилигимизда Ўзбекистон фуқароларининг чет элликлар билан никоҳ тузишлари ёки шундай никоҳ учун рухсатнома олишлари таъқиқланмаган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқароларимиз чет эл фуқаролари билан, чет эл фуқаролари эса ўзаро Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 3-бобида кўрсатиб ўтилган тартиблар ва шартларга амал қилган ҳолда Ўзбекистон қонунларига биноан никоҳ тузадилар. Кодекснинг 234-моддасида бу тўғрида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикасида доимий турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудидаги оилавий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар”. Бошқача айтадиган бўлсак, ушбу соҳада “никоҳ тузилган жой” коллизия принципи қўлланилади. Никоҳ қонунчилигимизда назарда тутилган шаклда тузилади, яъни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида, қайд этиш учун белгиланган қоидаларга мос равишда тузилади. Ўзбекистонда диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ юридик оқибатларга олиб келмайди. Бу ҳақда Оила кодексининг 13-моддаси, 2-қисмида очиқ-ойдин айтиб қўйилган: “Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.” Шу модданинг 3-қисмида эса никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг шахсан ўзлари розилик беришлари лозимлиги айтилади: “Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.”

Испания, Перу ва шунга ўхшаган бир қанча мамлакатларда эса никоҳ тузиш учун никоҳланувчилар маълум бир кишини вакил қилиб, унга ваколатнома беришлари мумкин. Бизнинг қонунимизда эса, кўри-ниб турибдики, бундай вакилликка йўл қўйилмайди.

Чет эллик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида никоҳ тузишларининг тартиби ва шартлари ҳам уларнинг миллий қонунлари бўйича эмас, балки Ўзбекистон қонунлари бўйича белгиланади, яъни:

- никоҳ ихтиёрий равишда тузилади;
- никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилиklarини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлишлари лозим;
- никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади;
- никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учу 17 ёш этиб белгиланади; тўғри, узрли сабаблар бўлган алоҳида ҳолларда никоҳ тузиш-ни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтка-

зиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшани кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг оила кодексига 16-моддада белгилаб қўйилганидек, никоҳланувчилардан лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган бўлса, никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Айнан шу сабабдан кўпхотинли бўлишга рухсат берилган мамлакат фуқароси Ўзбекистон республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган никоҳда турган бўлса, Ўзбекистонда никоҳ тузишга ҳақли эмас. Шундай қилиб, чет эллик шахс, гарчи унинг мамлакатада кўпхотинли бўлишга йўл қўйилсада, Ўзбекистонда никоҳни қайд этишларини талаб қилолмайди. Туркия, Эрон сингари мусулмон мамлакатларида кўпхотинликка йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет элликлар никоҳ тузаётганларида худди ўзимизнинг фуқароларимиз никоҳ тузаётганликларидаги каби никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг бор-йўқлиги ва айниқса, никоҳланувчиларнинг бошқалар билан никоҳда туриш-турмаслиги текшириб кўрилади. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар тўғрисида хабар бериш мажбурияти никоҳланувчилар зиммасидадир. Гап Ўзбекистон фуқароси тўғрисида кетар экан, унинг паспортида никоҳнинг қайд этилганлигини тасдиқловчи тўртбурчак муҳр изининг йўқлиги никоҳланувчи шахснинг яна бошқа бир никоҳда турмаслигидан далолатдир. Хужжатларида оилавий аҳвол тўғрисида ҳеч қандай маълумот ёзилмайдиган чет элликлар тузаётган никоҳлар қайд этилганда, улар никоҳни қайд этаётган муассаса талаби бўйича ўзлари фуқароликда турган мамлакатларнинг ваколатли органлари томонидан берилладиган, ўзларининг никоҳда турмаслиги (боши очиқлиги) тўғрисидаги далолатномани тақдим этишлари лозим. Амалда бундай далолатномалар тегишли давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ёки ваколатхонаси томонидан берилди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар санаб ўтилган:

Шундай қилиб:

- лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;

- насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

- лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллик ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Чет эллик шахс фуқароликда турган мамлакат қонунлари билан белгилаб қўйилган, аммо бизнинг ҳуқуқимизга номаълум бўлган таъ-

қиқлар чет элликларнинг Ўзбекистон Республикасида тузадиган никоҳларини қайд этмасликка асос бўлолмайди (Ирқий ва диний чеклашлар, ота-оналарнинг тузилажак никоҳдан норозилиги ва бошқалар; масалан, Жазоир Халқ Демократик Республикасининг 1984 йилда қабул қилинган Оила кодексининг 31-моддасига биноан мусулмаларнинг немусулмонларга (ғайридинларга) турмушга чиқиши тақиқланади).

2. Ваколатхоналарда тузиладиган никоҳлар.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича Ўзбекистон ҳудудида жойлашган чет эл дипломатик ва консуллик ваколатхоналарида тузиладиган никоҳлар қайд этилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган элчихоналарида ва консуллик ваколатхоналарида чет эл фуқаролари ўртасида тузиладиган никоҳлар, агар бу шахслар никоҳ тузилаётган вақтда Ўзбекистонда ўз элчихонасини ёки консуллик ваколатхонасини очган давлат фуқаролари бўлсалар, ўзаро келишув асосида ҳақиқий деб тан олинади. Бундан келиб чиқадиган маъно шуки, бизнинг ҳокимият органларимиз бундай никоҳларни ҳақиқий деб тан олишлари учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

— ўзаро келишув мавжуд бўлса, яъни Ўзбекистон Республикасининг тегишли хорижий давлатдаги элчихонаси ёки консуллик ваколатхонаси Ўзбекистон фуқаролари тузадиган никоҳни қайд этишга йўл қўйилса;

— никоҳланувчиларнинг ҳар иккаласи ҳам дипломатик ёки консуллик ваколатхоналарини очган хорижий давлат фуқароси бўлса.

Бошқа мамлакатлар билан тузилган консуллик конвенцияларида консулнинг ўз мамлакати фуқаролари ўртасида тузилган никоҳларни қайд этиши айтиб ўтилади. Бундай конвенцияларнинг аксариятида айтилишича, агар никоҳланувчиларнинг ҳар иккаласи ҳам консул вакили бўлмиш мамлакат фуқаролари бўлса, консул ўша давлат қонунлари бўйича уларнинг никоҳини қайддан ўтказишга ҳақлидир.

Фақат баъзи бир битимлардагина бу қоида сал бошқачароқ изоҳланган. Масалан, Хитой Халқ Республикасининг консуллик конвенциясига кўра, “консулхона жойлашган мамлакат қонунларига зид келмаган тақдирдагина консул ўз фуқаролари тузадиган никоҳни ваколатхонада ўз давлати қонунларига мос равишда қайддан ўтказиш ҳуқуқига эгадир”.

Финляндия билан тузилган конвенцияда кўрсатилишича, консул ўзи вакил бўлган давлат томонидан ваколатланган ҳамда консулхона жойлашган мамлакат қонунларига риоя қилинадиган ҳоллардагина никоҳларни қайддан ўтказилади.

Консуллик конвенцияларида маҳаллий шарт-шароитлар тақозо қиладиган бўлса консулликда қайддан ўтказилган никоҳлар тўғрисида

маҳаллий органларни хабардор этиш назарда тутилади. АҚШнинг консуллик конвенциясига биноан, никоҳланувчилар ёки никоҳни бекор қилувчиларнинг ҳар иккаласи ҳам АҚШ фуқаролари бўлсалар ҳамда бу ҳол консулхона жойлашган давлат қонуларида ман этилмаган бўлса, консуллар никоҳлар тузилганлигини ва бекор қилинганлигини қайддан ўтказишлари ҳамда АҚШ фуқароларидан оилавий муносабатларга тааллуқли аризалар қабул қилишлари мумкин.

Қуйидаги ҳолатга ҳам эътибор бериш керак: никоҳни қайддан ўтказган элчи ёки консулни жўнатган мамлакатда Ўзбекистоннинг ўша ердаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасида қайддан ўтказилган никоҳлар ҳақиқий деб тан олинган тақдирдагина ўзаро келишувга риоя қилинган деб ҳисобланади. Ўзаро мувофиқлик тегишли хорижий давлат қонунчилигида ёки Ўзбекистон Республикаси билан тузилган халқаро шартномаларда ўз ифодасини топиши мумкин.

Консулхоналарда тузилган никоҳларни ҳақиқий деб тан олар экан, Ўзбекистон Республикаси муассасалари никоҳнинг ҳақиқийлиги хусусидаги Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига назарда тутилган барча шартларга риоя қилинган ёки қилинмаганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқмайди. Бу шартлар тўлиқ равишда тегишли чет эл қонуни билан аниқланади.

Тилга олинган шартлардан иккинчиси, яъни никоҳ тузилаётган пайтда никоҳланувчиларнинг ҳар иккаласи ҳам элчи ёки консул жўнатган давлатнинг фуқароси бўлиши лозимлиги консулхонада “аралаш” никоҳлар тузилиши имкониятини йўққа чиқаради. Никоҳланувчиларнинг ҳар иккаласи айнан элчи ёки консул жўнатган мамлакатнинг фуқаролигида бўлиши талаб этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган никоҳларни эътироф этиш.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари республиқа ҳудудида ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ҳам чет элликлар билан никоҳ тузишлари мумкин. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 235-моддасида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар ушбу Кодекснинг 16-моддасида назарда тутилган, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя

қилинган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади”.¹

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган фуқароларимиз тегишли хорижий давлатдаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасида тузган никоҳларини қайддан ўтказаверадилар. Агар элчихона жойлашган давлатда Ўзбекистон фуқароси чет эллик билан тузадиган никоҳ ҳам ҳақиқий деб тан олинса, консул бундай никоҳларни ҳам қайддан ўтказаверади. Бундай никоҳлар тузилаётган пайтда консулимиз албатта Ўзбекистон қонунларини, шу жумладан Ўзбекистоннинг коллизия нормаларини ҳам қўллайди.

Давлатимиз хорижий давлатлар билан тузган бир қатор консуллик конвенцияларида консулнинг никоҳларни ҳамда фуқаролик ҳолатининг бошқа ҳужжатларини қайддан ўтказиш ҳуқуқи назарда тутилган. Ўзбекистон фуқаролари республика ҳудудидан ташқарида ва хорижий давлатларнинг ваколатли органларида никоҳдан ўтишлари мумкин. Бу ерда гап энди иккита Ўзбекистон фуқароси ўртасидаги, республикамиз фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги никоҳлар тўғрисида кетмоқда. Никоҳ тузилган жой қонунларига риоя қилинган бўлса, хорижий давлатлар органларида тузилган никоҳлар ҳам Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади. Бунда энди никоҳнинг шакллари ва никоҳ тузиш шартлари тўғрисидаги қонунчиликнинг кўрсатмалари назарда тутилмоқда. Шунга биноан, масалан бирор хорижий давлатларда диний шаклда тузилган никоҳ, агар бу мамлакатда шундай никоҳлар юридик кучга эга бўлса, Ўзбекистонда ҳам ҳақиқий деб тан олинади.

Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида тузилган никоҳга келадиган бўлсак, уларга нисбатан мамлакатимиз қонунчилигидаги никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларга қаттиқ риоя қилиб ўтирмасдан, тегишли чет эл қонунларига риоя қилинган бўлса етарлидир. Шу сабабдан, никоҳ тузилган мамлакатда никоҳланувчилардан бирининг бошқа бир никоҳда турганлиги никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолат деб ҳисобланмаса, бизнинг мамлакатимизда бу икки чет эл фуқароси ўртасида тузилган никоҳни тан олмасликка қоида бўйича ҳеч қандай асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган ҳамда Ўзбекистонда ҳақиқий деб тан олинган никоҳлар худди Ўзбекистон Республикасида тузилган никоҳлар сингари юридик кучга эга бўлади ва худди шундай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: “Адолат”, 1998 й. 137-бет.

4. Никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги.

Ўзбекистон фуқаросининг республика ҳудудида чет эллик шахс билан оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳига нисбатан сохта никоҳларни ҳақиқий эмас деб топилиши тўғрисидаги мамлакатимиз қонунчилиги қоидалари тўлиқ равишда қўлланилади. Ўтмишда (советлар даврида) ҳам амалиётда шундай никоҳлар учраб турган. Уларнинг мақсади оила қуриш эмас, балки ўша пайтда СССРда амалда бўлган кириш ва чиқиш қоидаларини четлаб ўтиш бўлган.

Совет қонунчилигида чет элликлар билан тузилган никоҳларнинг ҳақиқийлигига тааллуқли коллизия нормалар бўлмаган, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги хорижий қарорларни тан олиш амалда учраб турган.

Никоҳ тузишга тааллуқли коллизия нормаларнинг ўзгариши билан унинг ҳақиқий эмаслиги шартларини аниқлашга ёндашув ҳам ўзгарди. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига 49-моддада шундай дейилади: “Ушбу Кодекснинг 14-16 моддаларида ҳамда 17-моддасининг учинчи қисмида белгиланган шартлар бузилган тақдирда, шунингдек сохта никоҳ, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади”.

Сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни прокурор талаб қилишга ҳақли, эр ёки хотин оила қуриш мақсадисиз никоҳга кирган ҳолларда эса бундай талаб улардан оила қуриш мақсадида никоҳга киргани томонидан ҳам қўйилиши мумкин (ЎЗР Оила кодекси, 54-модда, 2-қисм).

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларида ҳам никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги коллизия нормалар мавжуд, уларда никоҳ тузилишида қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ ҳам аниқлаб берилган. 1993 йил 22 январда қабул қилинган МДХ давлатлари Конвенциясида ва бошқа шартномаларда никоҳ тузилишида қайси давлат ҳуқуқи қўлланилиши келишиб олинган.

Кўриниб турибдики, бу ерда коллизия масалани ҳал этиш худди Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 56-моддасида айтилганидек амалга оширилади. Хорижий давлатларда ҳам, қоида бўйича, айнан шу принцип амал қилади.

4-§. Никоҳнинг тугатилиши

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқароларимизнинг чет эл фуқаролари билан тузган никоҳлари ЎЗР Оила кодексининг 236-моддасига биноан умумий асосларда тугатилади. Оила кодексига бу тўғрида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги, шунингдек чет эл фуқаролари ўртаси-

даги никоҳдан ажратиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади” (236-модда). Бунда суд мамлакати қонунининг қўлланиши принципи ифода этилган, суд ишларини қайси мамлакат суди амалга оширса, бу жараёнда ўша мамлакат қонунлари қўлланилади. Никоҳ тузилган жой ва эр-хотиннинг яшаш жойлари маҳаллий коллизия нормалар нуқтаи назарида ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Шундай қилиб, айтилик, Франция фуқаролари бўлмиш эр-хотинлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида никоҳдан ажраланиган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 37-47-моддалари қўлланилади. Ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Республикасида бундай никоҳ тугатилган ҳисобланади. Никоҳнинг чет элда тугатилганлигини тан олиш масаласи эса, тегишли хорижий мамлакатда, айтилик, ўша Францияда ўз фуқароларининг чет элда никоҳдан ажратилганлигини тан олиниши ёки олинмаслигига боғлиқ равишда ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 236-моддаси, 2-қисмига кўра “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган эри(хотини) билан тузилган никоҳдан, мазкур шахс қайси давлат фуқароси эканлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси судида ажралишга ҳақлидир”. Бундай ҳолларда суд никоҳдан ажратишда Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигини қўллайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида никоҳдан ажралиш мумкин бўлган ҳолларда чет элларда яшаб турган республикамиз фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида никоҳдан ажралишлари мумкин. Ўзбекистон консули никоҳдан ажралиш тўғрисидаги аризани қабул қилиши учун республикамиз фуқаролари бўлган эр-хотиндан ҳеч бўлмаганда биттаси доимий равишда чет элда яшаб турган бўлиши шарт. Бундан ташқари, вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳни тугатишга ўзаро рози бўлишлари ҳамда эр-хотиннинг ёки улардан бирининг турар жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасига қўшма ариза беришлари керак.

Учинчидан, никоҳдан ажратиш хорижий давлатларнинг ваколатли органларида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ажралиш учун ариза берган эр-хотин республикамиз фуқаролари бўлган ҳолларда ҳам, эр-хотиндан бири республикамиз фуқароси, иккинчиси чет эл фуқароси бўлган ҳолларда ҳам, эр-хотиннинг иккаласи ҳам чет эл фуқаролари бўлган ҳолларда ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги бундай

қарорларнинг ҳақиқийлиги тан олинади. Қонунимиз бўйича бундай никоҳларнинг тугатилиши тўғрисидаги хорижий қарорлар Ўзбекистонда маълум шартлар асосида тан олинади: қарор чиқарган орган ўз давлатининг ваколати тўғрисидаги ва қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги қонунларига риоя қилганлиги факти аниқланиши лозим. Ушбу шарт бажарилмаган бўлса хорижий давлат органи чиқарган қарор Ўзбекистонда тан олинмаслиги мумкин. Масалан, агар никоҳдан ажратиш амалга ошириладиган мамлакат қонунчилиги бўйича суд юритувида ҳавола этилган бўлса, қандайдир давлат органини эмас, балки судни ваколатли деб ҳисобламоқ лозим.

Мамлакатимиз қонунчилиги бўйича иккинчи шарт ҳам, яъни қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши ҳам аҳамиятга эга. Бунда қарор чиқарилган мамлакатдаги оила ҳуқуқининг коллизия нормаларига қарор чиқарган органнинг риоя этган ёки этмаганлиги назарда тутилади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги тан олинган хорижий давлат органи қарорининг мавжудлиги эр-хотинни ажрашган деб ҳисоблашга асос бўлади. Аммо бунда қонун бўйича чет эл суди томонидан амалга оширилган никоҳдан ажратишни Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳолати актларини давлат қайдидан ўтказиш учун белгиланган тартибда давлат қайдидан ўтказиш талаб этилмайди. Чет эл суди қарори билан никоҳдан ажралган шахс ўша қарорни асос қилиб Ўзбекистонда никоҳ тузиши мумкин. Никоҳдан ажратиш ҳақида сўз юритилган халқаро шартномаларда, худди никоҳ тузилишидаги сингари моддий оилавий-ҳуқуқий нормалар эмас, балки коллизия нормалар муносиблаштирилади (унификация қилинади). Қонунларнинг тафовутларини (коллизияларини) тартибга солиш ва никоҳнинг тугатилиши ва эр-хотинни суд йўли билан ажратиш юрисдикцияси тўғрисидаги 1902 йил 12 июнда қабул қилинган Гаага конвенциясини ҳамда никоҳнинг тугатилиши ва эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида яшаши тўғрисидаги қарорни тан олиш тўғрисидаги 1970 йил 1 июнда қабул қилинган конвенцияни юқорида тилга олинган халқаро шартномалар қаторига қўшиш мумкин.

Никоҳнинг тугатилиши тўғрисидаги ишлар бўйича 1998 йилда қабул қилинган МДХ давлатлари Конвенциясида (28-модда) эр-хотин ажралиш тўғрисида ариза берган вақтларида қайси давлат фуқароси бўлган бўлсалар иш юритишда ўша давлат қонунчилигини қўллаш тўғрисида кўрсатма берилган: эр-хотин турли давлатлар фуқаролигида бўлсалар, никоҳни тугатиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган муассаса қайси давлат муассасаси бўлса, ўша давлат қонунчилиги қўлланилади, яъни МДХ давлатлари конвенциялари ёрдамида ҳам, ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар ёрдамида ҳам никоҳнинг тугатилиши

тўғрисида бошқа давлат ҳудудида чиқарилган қарорларнинг аҳдлашадиган давлатларда тан олинishi тартибга солинади.

5-§. Эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар

Эр-хотин муносабатларига нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги коллизия норма бизнинг қонунчилигимизда узоқ вақтлар мавжуд бўлмаган. Тартибга солиш қоидалари бўлмаганда судлар эр-хотиннинг фуқаролиги ва яшаш жойларидан қатъий назар Ўзбекистон қонунларини қўллар эдилар. Энди бу камчиликка барҳам берилди. Амалиётда ҳар қандай ҳолларда ҳам Ўзбекистон қонунларини суд жойлашган мамлакат қонуни сифатида қўллаш (*lex fori*) кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларнинг у ёки бу давлат қонунлари билан узвий боғлиқлиги ифодаси эмаслиги коллизия боғлиқликни танлашда ҳисобга олинган.

Эр-хотин фуқароликда турган мамлакат қонунига ёки улар бирга яшаб турган мамлакат қонунига ҳавола қилиш бу боғлиқликни кўпроқ акс эттиради. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қоидаларига кўра эр-хотиннинг шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлари ва мажбуриятлари эр-хотин бирга яшайдиган жойга эга бўлган давлат қонунчилиги бўйича белгиланади. Агар улар бундай турар жойга эга бўлмасалар, энг сўнгги марта қайси давлат ҳудудида шундай турар жойга эга бўлган бўлсалар, ўша давлат қонунчилиги билан белгиланади, агар эр-хотин биргаликда турадиган жойга эга бўлган бўлмасалар ва ҳозир ҳам эга бўлмасалар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқлари Ўзбекистон қонунчилиги билан аниқланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида:

1) қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ “ҳудудий” мезон асосида аниқланган эр-хотиннинг фуқаролиги эътиборга олинмайди;

2) эр-хотин бирга турадиган жойга эга эмасликлари ёки умуман бундай жойга эга бўлмаганликларини ҳисобга олган ҳолда асосий коллизия боғлиқлик бошқа боғлиқликлар билан тўлдирилади;

3) суд жойлашган мамлакат қонунларининг қўлланиш доираси сезиларли даражада торайтирилган;

4) коллизия нормаларга биноан эр-хотиннинг биргаликда яшаб турган жойи ўзгарганда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидаги 4, 5-бобларда айtilгани сингари қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ ҳам ўзгаради (масалан, эр-хотин яшаш учун бир мамлакатга кўчиб ўтганларида).

5) эр ва хотиннинг шахсий номулкий ва мулкый муносабатлари битта коллизия норма билан аниқланади.

Мамлакатимизнинг коллизия оила ҳуқуқида никоҳ шартномаси тўғрисидаги ҳамда эр-хотиннинг бир-бирига алимент тўлаш хусусидаги келишуви тўғрисидаги коллизия нормалар жиддий янгилик бўлди. (ЎЗР Оила кодекси, 29-31 моддалар). Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига никоҳ шартномаси ҳамда алимент тўлаш хусусидаги келишув тўғрисидаги қоидаларнинг киритилиши эр-хотин ўртасидаги муносабатлар таркибида хорижий элемент бўлганда ушбу шартномага нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ масаласини ҳам тартибга солиш заруриятини келтириб чиқарди. Худди бошқа мамлакатлардагидек, Ўзбекистонда ҳам бундай ҳолларда қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқнинг эр-хотин томонидан танланишига йўл қўйилади.

Шунга мос равишда никоҳ шартномаси ёки бир-бирига алимент тўлаб туриш хусусидаги келишувлар тузилаётган пайтда умумий фуқароликка ёхуд бирга яшаш жойига эга бўлмаган эр-хотинлар тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятларни аниқлаш учун қўлланилиши лозим бўлган қонунчиликни танлай оладилар. Бу шуни англатадики, масалан, никоҳ шартномаси тузилаётганда эр-хотин ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 31-моддаси коллизия нормаларида кўрсатилган қонунчилик билан эмас, балки бошқа қонунчилик билан аниқланиши хусусида келишиб олишлари мумкин.

Илгари Ўзбекистонда бирга яшаган, ҳозир биттаси Ўзбекистонда, иккинчиси эса Германияда яшаётган эр-хотин никоҳ шартномаси тузаётган бўлса, унинг мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари энг охириги биргаликда яшаган жойдаги қонунчилик сифатида Ўзбекистон ҳуқуқи бўйича аниқланиши лозим. Аммо эр-хотиннинг ўзаро тегишли шартлашувига кўра никоҳ шартномаси бўйича уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Германия ҳуқуқи ёки уларнинг ўзлари танлаган қандайдир бошқа бир давлат ҳуқуқи бўйича аниқланиши мумкин. Қонунчиликни танлаш ҳуқуқи барча эр-хотинларга эмас, балки умумий фуқаролиги ёки бирга яшаш жойи бўлмаган жуфтларгагина берилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Умумий фуқароликка ёки бирга яшаш жойига эга бўлган эр-хотиннинг никоҳ шартномаси ёки бир-бирига алимент тўлаш хусусидаги келишувга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 31-моддасидаги коллизия нормалар қўлланилади.

Бундан эр-хотиннинг қонунчиликни танлашлари қандайдир маълум бир мамлакат ҳуқуқи билан чеклаб қўйилмаганлиги англашилади. Улар Ўзбекистон қонунчилигини, ўзларидан бири фуқароликда турган мамлакат қонунчилигини, у яшаб турган мамлакат қонунчилигини, ўзларининг кўчмас мулк жойлашган мамлакат қонунчилигини танлашлари мумкин. Шунга боғлиқ рвишда, улардан бирининг қийин-қистови билан мулкӣ муносабатларда эр ва хотиннинг тенглиги

тўлиқ таъминланмаган мамлакат қонунчилиги танланишини ҳам истисно қилиб бўлмайди.

Айтиш лозимки, томонлар фақат мулкий муносабатлар юзасидан ҳуқуқни танлашларига йўл қўйилади, зеро Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 6- бобида биноан эр-хотиннинг мулкий муносабатларини ҳал этишда қўллаш нуқтаи назаридан никоҳ шартномасини тузиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан тузган ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги иккитомонлама шартномаларида ҳамда МДХ давлатларининг 1993 йил 22 январда қабул қилинган Конвенциясида эр-хотин ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатларнинг коллизия масалалари ифода этилган. Қоида бўйича эр-хотиннинг ўртасидаги бундай муносабатлар ҳудудда эр-хотин бирга яшаш истиқомат жойига эга бўлган мамлакат қонунчилиги билан ҳал этилади. Агар эр-хотин бошқа-бошқа мамлакатларда яшаса, аммо маълум бир давлат фуқаролигига эга бўлишса, улар фуқароликда турган мамлакат қонунчилиги қўлланилади. Агар эр ва хотин турли мамлакатлар фуқаролари бўлишса, улар сўнгги марта қайси давлатда бирга яшаш жойига эга бўлган бўлишса, уша давлат қонунчилиги қўлланилади. Тилга олиб ўтилган конвенциянинг 27-моддасида айтилишича, эр-хотиннинг кўчмас мулкларига тааллуқли муносабатлари кўчмас мулк жойлашган мамлакат қонунларига биноан ҳал этилади.

6-§. Ота-она ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар

1. Болалар фуқаролиги.

Болаларнинг ҳуқуқий ҳолати уларнинг фуқаролиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонунга биноан 14 ёшгача бўлган болалар ота-оналари фуқароликда турган мамлакат фуқаролигида бўладилар. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг фуқаролиги уларнинг ўз розилиги билан ўзгартирилиши мумкин. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган қонунининг 28-моддасида бу тўғрида шундай дейилган: “Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, шунингдек, болалар фарзандликка олинган тақдирда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг фуқаролиги қонунда назарда тутилган тартибда фақат болаларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.”

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарганда болаларнинг фуқаролиги ўзгармайди. Болаларнинг фуқаролигининг ўзгартирилиши учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналарнинг розилиги талаб этилмайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида 14 ёшгача бўлган болаларнинг ота-оналари фуқароликда турган мамлакат фуқаролигида бўлиши хусусидаги умумқабул қилинган принцип амал қилади. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўз фуқароликларининг ўзгартирилишига ёзма равишда ариза беришлари керак. Бу ҳужжат нотариал идора томонидан тасдиқланиши лозим.

Агар ота-онанинг ҳар иккаласи ёхуд уларнинг бири Ўзбекистон фуқаролигини олса ёхуд Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиб кетсалар, болаларнинг фуқаролиги ҳам шунга мос равишда ўзгаради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи, Ўзбекистон республикаси фуқаролари томонидан васийликка ёки ҳомийликка олинган боланинг ота-онаси ёки улардан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқса ва айни пайтда улар боланинг тарбиясида иштирок этмаса, ота-она, васий ёки ҳомийнинг илтимосига кўра бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолади. Ота-онасининг ёки улардан бирининг, яъни ё отасининг, ёки онасининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, боланинг фуқаролиги ҳам беихтиёр ўзгаради. Бунда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирларнинг розилигини олиш шarti ўз кучини сақлаб қолади.

Аmmo баъзан ота-она ёки уларнинг бири Ўзбекистон фуқаролигидан чиқа туриб васийликка ёки ҳомийликка олинган боласи хусусида талаб қўймаслиги мумкин. Бундай ҳолларда ота-она, васий ёки ҳомий аризасига кўра боланинг Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эканлиги сақланиб қолади. Бу ҳолда боланинг келажақда ота-онаси ҳузурига кетиши ва фуқаролигини ўзгартириши истисно этилмайди.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон фуқаролигини сақлаб қолади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган ота (она)нинг илтимоси ва Ўзбекистон Республикасида қолаётган ота (она)нинг ёзма равишда розилигига бинонан, болага бошқа мамлакат фуқаролиги берилиши шarti билан унинг Ўзбекистон Республикасидаги фуқаролиги тугатилиши мумкин.

Давлатимиз ҳар қандай тенг ҳолатларда ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролигида қолаётган ота (она)нинг манфаатларини муҳофаза қилади. Агар Ўзбекистон фуқаролигида қолаётган ота (она) болага Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиб кетаётган ота (она)нинг фуқаролиги берилишига қарши бўлмаса, у ўз қарорини ёзма равишда тасдиқлаши лозим.

Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасида оталикнинг белгиланиши ота-она ва боланинг фуқароликлари ҳамда уларнинг истиқомат жойларидан қатъий

назар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича оталикнинг белгиланиши ФХДЁ органларида амалга оширилиши мумкин бўлса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган ва ҳеч бўлмаганда биттаси Ўзбекистон фуқароси бўлган ота-оналар болаликни белгилаш тўғрисидаги ариза билан Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларига муурожаат қилишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ҳам, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларида ҳам оталикни белгилаш тўғрисидаги нормалар мавжуд.

3. Ота-оналар ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар.

Ўзбекистондаги ота-оналар ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, болаларнинг Ўзбекистон ёки чет эл фуқароси эканлигидан қатъий назар, тўлиқ равишда мамлакатимиз қонунчилиги билан тартибга солинади. Чет эллик ота-оналар ёки чет эллик болаларга нисбатан умумий тартибдан ҳеч нарса истисно қилинмайди. Ота-оналар болаларнинг тарбияси билан шуғулланишлари, болалар эса ота-оналари учун жон куйдиришлари, уларга ёрдам беришлари зарур.

Ота-оналарнинг ҳуқуқлари том маънода болаларнинг манфаатлари йўлида амалга оширилиши керак.

Ўзбекистон қонунларида ота-оналарга болаларнинг қонунлар ёки суд қароридан бошқа асосларда ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтариб беришни суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Чет эллик ота-оналар ҳам шу ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Ота-оналар вояга етмаган, шунингдек ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз болаларга таъминот беришлари шарт. Оила бузилиб кетадиган бўлса, болага Ўзбекистон қонунчилигига биноан алимент тўланади. Ўзбекистонда қоладиган боласи учун алимент тўлаши лозим бўлган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетадиган бўлсалар, халқаро шартнома мавжуд бўлмаган ҳолларда анча қийинчиликлар юзага келиши мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида яшамайдиган, чет эл фуқароси ҳисобланадиган бола учун алимент тўлаш мажбурияти пайдо бўлади. Қонунчилигимизда алимент мажбуриятларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаб берадиган коллизия нормалар мавжуд эмас. Аммо юридик адабиётларда бундай ҳолларда Ўзбекистон қонунларини қўллаш лозим деб хулоса қилинган. Амалиётда ҳам бу масалалар шундай ҳал этилади.

Ота-оналар ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган қонун масаласи ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларда ҳал этилган. Бу шартномаларда айтилишича, ота-оналар ва болалар қайси давлат ҳудудида доимий истиқомат жойига эга бўлсалар, улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳам ўша давлат қонунлари бўйича белгиланади.

Аммо агар ота-оналарнинг ёки улардан бирининг истиқомат жойи

иккинчи бир давлатда бўлса, ота-оналар ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар бола фуқароликда турган мамлакат қонунлари ёрдамида тартибга солинади.

Онаси билан қайд этилган никоҳда турмаган шахсдан туғилган бола билан унинг отаси ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар бола фуқароликда турган мамлакат қонунлари билан тартибга солинади.

7-§. Фарзандликка олиш

1989 йилда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияга биноан, “Фарзандликка олиш тизими мавжуд бўлишига хайрихоҳ бўлган ёки уни тан олган иштирокчи давлатлар боланинг энг яхши манфаатлари биринчи навбатда тан олиншини таъминлайдилар.” Улар:

а) боланинг фарзандликка олиншига ваколатли ҳокимият органи томонидан рухсат берилишини таъминлайдилар. Бу органлар қўлланилаётган қонунлар ва ҳаракатлар ҳамда ишга таллуқли барча ишончли ахборотлар асосида фарзандликка олиншининг ота-оналар, қариндошлар ва қонуний васийларга нисбатан боланинг статуси нуқтаи назаридан мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаб беради. Талаб қилинадиган бўлса, зарурий маслаҳатлар асосида манфаатдор шахслар ўз розилиklarини баён этадилар.

б) бола унинг тарбияси ёки фарзандликка олиншини таъминлай оладиган оилга тарбия учун берилиши мумкин бўлмаса, бошқа давлат фуқаролари томонидан фарзандликка олиншини уни тарбиялашнинг муқобил усули деб тан олади; бунда боланинг ўзи таваллуд топган мамлакатда таълим-тарбия олишини таъминлашнинг имкони бўлмаслиги лозим;

с) бола бошқа мамлакат фуқаролари томонидан фарзандликка олинганда ҳам ўз мамлакатада фарзандликка олинганда қўлланиладиган кафолатлар ва нормалар қўлланилишини таъминлайдилар;

д) бола бошқа мамлакат фуқаролари томонидан фарзандликка олинган тақдирда бола муаммоларининг ҳал этилиши уни фарзандликка олган шахсларга асоссиз молиявий фойдалар келтирмаслигини таъминлаш мақсадида барча зарур чораларни кўрадилар (21-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 27-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда ҳам Оила кодексининг 157-167-моддалари талабларига риоя қилиниши лозим.”

Агар фарзандликка олиш натижасида фарзандликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шарт-

номалари билан белгиланган ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, фарзандликка олувчининг қайси давлат фуқароси эканлигидан қатъий назар у болани фарзандликка олиши мумкин эмас, агар у болани фарзандликка олган бўлса, бу иш суд тартибида бекор қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшаб турган болани фарзандликка олиш фарзандликка олувчи шахс фуқароликда турган давлатнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилган бўлса ҳамда боланинг ота-онаси ёхуд улардан бири Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан жўнаб кетишдан аввал истиқомат қилган туман, шаҳар ҳокимининг фарзандликка олиш тўғрисидаги рухсатини олдиндан олган бўлсагина Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

8-§. Васийлик ва ҳомийлик

Агар Ўзбекистон Республикасида ўз хатти-ҳаракатларининг моҳирини англамайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ёхуд 14 ёшга тўлмаган, рухий касал ёки ақли заиф бўлган, унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган қонуний вакиллари бўлмаган чет эллик яшаб турган бўлса, унга нисбатан васийлик тайинланиши мумкин. Ҳомийлик ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қиладиган Ўзбекистон фуқароларига нисбатан васийлик ва ҳомийлик республика органлари томонидан мамлакат қонунчилигига биноан белгиланади. (ЎЗР Оила кодексининг 173-193-моддалари).

Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади. Васийлик ёки ҳомийлик унга муҳтож бўлган шахсининг доимий истиқомат жойи бўйича белгиланади, агар шахс доимий истиқомат жойига эга бўлса, васий ёки ҳомийнинг истиқомат жойи бўйича белгиланади. “Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан халқ таълим бўлимларига, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан соғлиқни сақлаш бўлимларига, соғлиғининг ёмонлиги сабабли ҳомий тайинланишига муҳтож муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан эса ижтимоий таъминот бўлимлари зиммасига юклатилади” (ЎЗР Оила кодекси, 175-модда). Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

Соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган, муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига кўра белгиланиши мумкин (ЎЗР Оила кодекси, 176-модда).

Хорижда Ўзбекистон фуқаролари устидан васийлик ва ҳомийлик ЎЗР консули томонидан белгиланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставининг 33-34-моддаларида бу тўғрисида шундай дейилган:

“33-модда. Консул ўз консуллик округида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, вояга етмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари устидан васийлик ва ҳомийлик ўрнатилиши чораларини кўради.

34-модда. Консул ўз консуллик округида соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган, вояга етган ЎЗР фуқаролари устидан васийлик ва ҳомийлик белгиланиши чораларини кўради.”¹

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан тузган консуллик конвенцияларида консулларнинг васийлик ва ҳомийлик соҳасида тегишли функцияларни амалга оширишлари назарда тутилган. Баъзи ҳолларда консуллар ўзлари фаолият кўрсатаётган мамлакат судлари ва бошқа ваколатли органларига ўзини консул қилиб жўнатган давлат фуқаролари учун васий ва ҳомий сифатида фаолият кўрсатиши мумкин бўлган шахсларни таклиф қилиши мумкин. Бошқа ҳолларда консуллар ўзларини консул қилиб жўнатган давлат фуқароларига васий ва ҳомийларни ўзлари тайинлашлари ҳамда васийлар ва ҳомийлар фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга эканликлари назарда тутилган.

Бир қатор мамлакатлар билан тузилган ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларда васийлик ва ҳомийлик тайинланиши билан боғлиқ бир қатор батафсил қоидалар мавжуд. Бу шартномаларда жумладан шундай қоидалар бор:

1) васийлик ва ҳомийлик масалалари билан устида васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахс қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлатнинг ваколатли органлари шуғулланадилар;

2) васийлик ёки ҳомийлик белгиланадиган вақтда васийликка олиннадиган ёки устидан ҳомийлик белгиланадиган шахс қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлатнинг қонунлари қўлланилади;

3) агар шахс бошқа давлат ҳудудида истиқомат қилаётган бўлса, васийлик ёки ҳомийликни амалга ошириш шахс фуқароликда турган давлатнинг васийлик ёки ҳомийлик органи томонидан шахс истиқомат қилаётган давлатнинг тегишли органига берилиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставининг // Халқ сўзи. - 1996 й. - 10 сентябр. 2-бет.

XX БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон фуқаролари республикадаги ажнабий фуқаролар билан никоҳ тузганларида қайси давлат қонуни қўлланилади?
2. Консуллик ваколатхоналарида тузиладиган никоҳлар деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан имзолаган ҳуқуқий кўмак ҳақидаги шартномаларида никоҳни бекор қилиш борасида қандай тартиблар белгиланган?
4. Хорижий мамлакатларда тузилган никоҳнинг бекор қилиниши Ўзбекистон Республикасида тан олинадими?
5. Ота-она ва болалар муносабатларида қайси давлатнинг қонунлари қўлланилади?
6. Хорижий мамлакатда яшовчи Ўзбекистон фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш қайси тартибда амалга оширилади?

Тавсия этилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й. 48-бет.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. – Т.: “Адолат”, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997 й. 384-бет.

Ислом Каримов Конституция тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганувчиларга ёрдам). Тузувчилар: юридик фанлар докторлари, проф. *А.Саидов*, *У.Тожихонов*. – Т.: “Академия” нашриёт маркази, 2001 й. 155-бет.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1992 й. июл.

Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави. Халқ сўзи. – 1996 й., – 10 сентябр.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. – Т.: “Адолат”, 1998 й. 300-бет.

Богуславский М.М. Международное частное право. 2-е издание перераб. и доп. – М.: Междунар. Отношения, 1994. 416 -бет.

Международное частное право: Учебник для вузов / под редакцией доктора юридических наук *Н.И. Марышевой*. – М.: Юридическая фирма “Контракт”, “ИНФРА - М”, 2000. 532-бет.

Нечаева А.М. Семейное право. Курс лекций. – М.: Юрист, 1998. 336-бет.

Пчелинцева Л.М. Комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации. – М.: издательская группа “Норма”, - “ИНФРА - М”, 1999, 696-бет.

Рахманов А.Р.; Безбородов А.Г. Проблемы гражданства и семьи в международном частном праве. ТГЮИ.— Т., 2001. 483-бет.

XXI БОБ

ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ

1-§. Ворислик ҳуқуқи соҳасида коллизия масалалар

Ворислик ҳуқуқи (droit successoral, Erbrecht, law of succession, hereditary law) - фуқаролик ҳуқуқининг институти сифатида вафот этган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиди¹. Ворислик барча ҳуқуқ тизимларида мулкни эгаллашнинг алоҳида усули ҳисобланади.

Ворислик ҳуқуқи иккита асосий — васият эркинлиги ва оила манфаатларини муҳофаза қилиш тамойилларидан ташкил топган.

Агар қариндош-уруғлар бошқа-бошқа давлатлар фуқаролари ёки у ерларда доимий яшайдиган бўлсалар ворислик ҳуқуқлари бўйича кўпгина муаммолар келиб чиқиши мумкин. Масалан, бизнинг ватандошлар ҳар-хил мамлакатларда яшашлари, уларнинг қариндош - уруғлари эса Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилишлари мумкин ва табиийки, бу ерда қуйидаги савол вужудга келади: агар чет элдаги шахс вафот этган бўлса, унинг ўзбекистонлик қариндоши мерос олиш ҳуқуқига эгами, бошқа ҳолатда эса ўзбекистонлик шахснинг вафотидан сўнг унинг чет элдаги қариндоши мерос олиш ҳуқуқига эгами? Бу саволларга жавоб, албатта, қариндошлик даражасига, васиятнома мавжудлигига, меросни қабул қилиш муддати ва қонун томонидан қўйиладиган бошқа талабларга жавоб беришига боғлиқдир.

Ворислик ҳуқуқи бўйича чет эл фуқароларининг ҳуқуқ лаёқати масалаларига келадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, чет эл фуқароларининг ҳуқуқлари ўзбекистонлик фуқаролар ҳуқуқларига тенглаштирилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда чет элликлар ворислик ҳуқуқига эгадирлар. Лекин бу ўринда ворисларнинг қонун, васиятнома бўйича доиралари, васиятномаларнинг шакли, меросни тақсимлаш шартлари қандай аниқланади? Бу савол қўйилишига асос бор, чунки бир мамлакатда васиятнома ёзма шаклда тузилиши ва нотариус томонидан тасдиқланиши лозим, бошқа мамлакатларда эса васиятнома мерос қолдирувчининг ўз қўли билан ёзилиши kiffoя. Ворисларнинг навбатини аниқлаш борасида ҳам катта фарқлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароси мерос олиш - олмаслиги қайси мамлакатнинг қонуни тадбиқ этилишига боғлиқдир. Баъзи бир давлатларнинг қонунчилиги ва

¹ Қаранг: Юридическая энциклопедия. Под редакцией М.Ю. Тихомирова. М. 1998. 257-бет.

амалиёти бу масалаларни турли тарзда ҳал қилади. Буюк Британия ва АҚШ, Францияда кўчар ва кўчмас мулкка ворислар орасида фарқ мавжуд. ГФРда эса ворислик мулкининг бирлиги тамойили амалдадир. Ҳам кўчар, ҳам кўчмас мулкка нисбатан мерос қолдирувчининг фуқаролиги қонуни тадбиқ этилади. Худди шундай тамойиллар Венгрия (1979 йилдаги Венгриянинг ХХХ тўғрисидаги қонуни), Польша (Польшанинг ХХХ тўғрисидаги 1965 йилдаги Қонуни)¹ ва бошқа давлатларнинг қонунчилигида акс эттирилган.

Ворислик бўйича коллизия масалалари, одатда, давлатларнинг ички қонунчиликлари томонидан тартибга солинади. Баъзи бир масалалар бўйича кўп томонлама конвенциялар мавжуд. (Васиятнома шакли тўғрисидаги 1961 йил 5 октябрь қонунлар коллизияси тўғрисидаги Конвенция; 1973 йил 26 октябрда Вашингтонда ўтказилган дипломатик конференциясида халқаро васиятноманинг шакли тўғрисида кўп томонлама Конвенция қабул қилинган.)²

Ворисликка тегишли масалалар Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича икки томонлама шартномалар³ ва 1993 йил 22 январда қабул қилинган МДҲ Конвенциясида ҳам тартибга солинади.

Ушбу масалани ёритганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ворислик васият ва қонун асосида вужудга келади (ЎЗР ФКнинг 67,68-боблари).

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият (will) деб эътироф қилинади (ЎЗР ФК 1120-м.)

Бу хоҳиш-ирода, одатда, бир томонлама характерга эга. Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди (ЎЗР ФК 1120-м. II қ.).

Маълум давлатларнинг қонунчилиги биргаликдаги васиятнома тузишга рухсат беради. Бу васиятномада икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг иродаси ифода этилган бўлиши мумкин. (Германия (эр-хотин томонидан), Англия, АҚШ).

Бундан ташқари, англо-америка ҳуқуқида ўзаролик васиятномалар маълум - улар бир неча шахсларнинг бир бирига нисбатан ўзаролик мажбуриятларини ўз ичига олган.

¹ Международное частное право. (Действующие правовые акты). М. Институт международного права и экономики. Издательство "Триада, Лтд", 1997, 45-46-бет.

² Богуславский М.М. Международное частное право. учебник 3-й изд., перераб. и доп. М. Юристъ, 2000.

³ Масалан, Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида Фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида шартнома (1998 йил 19 феврал)- Юридическая информационная система ПРАВО. Международное право. 2000 й. 1 апрелдаги версияси

Францияда қонун (ФК 968-м.) ҳам биргаликдаги ҳам ўзаролик васиятномаларни тўғридан-тўғри ман этади. Швейцария қонунчилиги бу масала бўйича ҳеч қандай ҳолатлар кўрсатмаган, лекин суд амалиёти бу васиятномаларни ҳақиқий эмас деб тан олади.

Континентал Европа мамлакатларининг қонунчилиги васиятно-манинг куйидаги асосий шакллари назарда тутлади.

1. Шахснинг ўз қўли билан тузган васиятнома — ушбу васиятнома бошидан охиригача мерос қолдирувчининг ўзи томонидан ёзилади, имзоланади ва сана қўйилади. Бу ерда сохта васиятномаларнинг вужудга келиш эҳтимоли камаяди, шунинг учун ҳам машинка ёзув-ларига йўл қўйилмайди. Васиятноманинг ушбу шакли тузилишининг соддалиги ва васиятнома сирини сақлаш имконини бериши туфайли кенг тарқалган. Лекин у камчиликлардан ҳам ҳоли эмас, масалан, бу ерда васиятноманинг нобуд бўлиши, йўқолиши, учинчи шахс томонидан бошқача таъсир кўрсатилиши эҳтимоли йўқ эмас.

2. Оммавий ҳужжат шаклидаги васиятнома — бу ерда қонунда белгиланган тартибда расмий мансабдор шахс (одатда нотариус) ишти-рокида васиятнома тузилади (Францияда васиятнома икки нотари-ус ёки икки гувоҳ иштирокида тузилади). Бу шаклнинг асосий усту-ворлиги шундаки, васиятноманинг ҳақиқийлиги кафолатланади ва ва-сиятноманинг мазмуни васият қилувчининг иродасига тўлиқ риоя қилинган ҳолда тузилади. Васиятноманинг сақланиши, қонунчиликда кўзда тутилганидек, нотариус ёки бошқа мансабдор шахсга расмий топшириш билан таъминланади.

3. Махфий васиятнома васият қилувчи томонидан тузилиб имзо-ланади ва елимланган хатжилдда одатда гувоҳлар иштирокида нотари-усга топширилади. Бу шакл васиятнома махфийлигини сақлайди ва бу ҳақда Франция ва Германия қонунчиликларида тўғридан-тўғри ай-тилган (ФК 969 ва 1007-моддалари) (ГФТ 2232-параграфи).

Ўзбекистон Республикасида бу шаклга ФК 1125-моддасининг 4 ва 5-қисмлари багишланган.

Агар вафот этган шахс ўзининг мол-мулкига ёки мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлар бўйича васиятнома тузмаган бўлса қонун бўйича ворислик амал қилади. Бу ерда меросни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг доирасини белгилаган ҳолда, қонун васият қолдирувчи-нинг ҳозир бўлмаган иродасини қоплашга ҳаракат қилади.

Қонун бўйича меросхўрлар доирасига биринчи навбатда мерос қолдирувчининг энг яқин қариндошлари киритилади. Шу борада, таъ-кидлаб ўтиш жоизки, қонун бўйича меросхўрлар доираси ва уларнинг навбати турли хил мамлакатларда бир-бирига ўхшамайди¹.

¹ Бу ҳақда қаранг: *Скаридов А.С.* Международное частное право: Учебное по-собие - СПб: Изд-во Михайлова В.А. Издательство "Полигус", -1998, 9 боб.

2-§. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ворислик ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасида ворислик ҳуқуқи доирасида чет эл фуқароларига миллий тартиб тақдим этилади. Бизнинг қонунчилик асосида чет эл фуқаролари мулкни мерос қилиб қолдиришлари ва қабул қилишлари мумкин. Мол-мулкнинг меросхўрлари бўлганда, уларнинг ҳуқуқлари тўла равишда ўзбекистонлик фуқаролар ҳуқуқига тенглаштирилади.

Шундай қилиб, бу борада чет эл фуқароларига миллий тартиб қўлланилади ва ўзаролик тадбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1197-моддасига биноан ворисликка доир муносабатлар мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, мерос қолдирувчи охирги доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Демак, ворислик доирасида мерос қолдирувчининг охирги доимий турар жойи коллизиян тамойили бўлиб қолади. Агар мерос қолдирувчи Ўзбекистон Республикасида охирги турар жойига эга бўлган бўлса, бу ерда Ўзбекистон қонунчилиги тадбиқ этилиши лозим. Ушбу қонунчилик бўйича меросхўрларнинг доираси белгиланади, мерос мулкида уларнинг улушлари ва ш.к.лар аниқланади. Агарда мерос қолдирувчининг охирги турар жойи чет эл мамлакати бўладиган бўлса, бу ҳолатда ушбу чет эл давлатининг қонуни тадбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 21-моддасига биноан фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади.

Кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича, Ўзбекистон Республикасининг реестрида қайд этилган мол-мулкка ворислик эса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади (ФКнинг 1199-м.)

Васият бўйича ворислик тўғрисида ЎЗР ФКнинг 1198-моддасида шундай ҳолат белгилаб қўйилган: шахснинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, шунингдек васиятноманинг ва уни бекор қилиш ҳужжатининг шакли, агар мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқаро бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, ҳужжат тузилаётган пайтда мерос қолдирувчи доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади. Бироқ васиятнома ёки унинг бекор қилиниши, агар шакл ҳужжат тузилган жойнинг ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи талабларини қаноатлантирса, шаклгарио я этилмаганлиги натижасида ҳақиқий эмас деб топилмайди (кумулятив коллизиян нормаси - дарсликнинг III бобига қаранг).

Шундай қилиб, васиятнома шаклини аниқлаганда, турар жойи тамойили - асосий, қолган тамойиллар эса қўшимча бўлиб ҳисобланади, васиятнома тузиш лаёқатида эса асос қилиб - турар жой тамойили олинган.

3-§. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда ворислик ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқароси (у мерос қолдирувчи бўладиган бўлса) вафотидан сўнг чет элда ворислик бўйича муносабатлар вужудга келиши мумкин.

Барча ҳолатларда чет эл элементи бўлган ворислик бўйича муносабатлар ички қонунчилик коллизия нормалари ёки халқаро келишувлар тартиби бўйича аниқланади.

Асосан, сўз кўчар мол-мулк тўғрисида юритиладиган бўлса, мерос қолдирувчининг мамлакати ҳуқуқи билан аниқланади, кўчмас мулкка нисбатан эса-ушбу мол-мулк жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи билан белгиланади.

Ворислик ишларини мерос қолдирувчи мамлакатининг органлари амалга оширади (кўчар мол-мулкка нисбатан), ёки кўчмас мол-мулк қайси мамлакатда жойлашган бўлса, уша мамлакатнинг органлари иш юритади.

Шахснинг васиятнома қолдириши, уни ўзгартириши ёки бекор қилиш лаёқати мерос қолдирувчининг қонунчилиги билан белгиланади. Васиятноманинг шакли ҳам ушбу қонунчилик билан белгиланади. Лекин, шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, васиятнома ҳақиқий саналиши учун у тузилаётган давлатнинг қонунига риоя қилиниши кифоядир.

1996 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Консуллик Уставининг¹ 35-моддасига биноан консул Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг вафотидан сўнг ундан қолган мол-мулкни қўриқлаш чора-тадбирларини кўради.

Агар қолган мол-мулкнинг ҳаммаси ёки унинг бир қисми бузилиши мумкин бўлган нарсалардан иборат бўлса, шунингдек уларнинг сақланиши ўта қимматга тушадиган бўлса, консул бу мол-мулкни сотиш ҳуқуқига эга ва тушган пулни тегишли шахсга жўнатиши шарт.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси вақтинча чет элда бўлиб ва у ерда вафот этса, консулга унинг пуллари ва нарсалари топширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элда очилган меросни қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Чет эл давлатининг қонунчилиги асосида очилган ворислик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида тўла равишда тан олинади.

¹ Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. 14-сон, Т. "Адолат", 1997 й.

Юқорида айтилганидек, чет элда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ворислик ҳуқуқини ҳимоя қилишда консулларга муҳим ўрин ажратилган. Агар консулга Ўзбекистон фуқаросининг фойдасига мерос очилганлиги тўғрисидаги маълумот етказилган бўлса, у ушбу маълумотни Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлигига етказди.

Ворислик ишлари бўйича фуқаролар ва юридик шахслар ҳозир бўлмаган ҳолда ва иш юритишни бирон-бир шахсга топширмаган бўлсалар ёки бошқа сабабларга кўра ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлмасалар, консуллик жойлашган давлат муассасаларида консул уларнинг номидан ишончномасиз вакиллик қилиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу ваколат улар ўз вакилларини тайинлашга қадар ёки ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммаларига олгунга қадар давом этади (Консуллик Уставининг 29-моддаси).

Халқаро битимлари асосида консуллар ворисликка тегишли бошқа ҳаракатлар ҳам қилиш ҳуқуқларига эгадирлар (мерос мулкни кўриқлаш ҳаракатлари, мерос тўғрисида гувоҳнома олиш, мерос мулкни кейинчалик меросхўрга топшириш учун қабул қилиш ва ҳоказо).

4-§. Эгасиз қолган мол-мулк

Эгасиз қолган мол-мулк (ингл. heirless property) — фуқаролик ҳуқуқида мулкдор эга бўлмаган мулк (масалан, мулкдор ўз хоҳиши билан мулкдан воз кечадиган, ёки мулкдор маълум эмас ва ҳоказо).

Ворислик ҳуқуқида мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг меросхўрлар бўлмаса, мерос мулки эгасиз мол-мулк бўлиб ҳисобланади. Масалан вафот этган шахснинг қонун бўйича меросхўри йўқ бўлиши, ёки баъзи-бир сабабларга кўра васиятнома қолдирилган эмас, ёки васиятнома ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1157-моддасига биноан агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгандан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни кўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулкдан воз кечган тақдирда, давлат мулкига ўтади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан эгасиз мулк ўзини-ўзи бошқариш органларига, улар ундан воз кечадиган бўлсалар, давлат мулкига ўтади.

Баъзи бир мамлакатларда (АҚШ, Франция, Австрия) бу масала бошқача ҳал қилинади: мулк эгасиз ҳисобланиши туфайли давлат мулкни “оккупация” ҳуқуқи асосида ўзлаштиради — бу ерда мулк барча ҳолатларда фуқаро вафот этган мамлакатнинг мулки бўлиб қолади (бу ерда фуқаронинг доимий турар жойи ёки фуқаролиги тамойили қўлланилмайди). Шунинг учун ҳам бу масала икки томонлама битимларда ечимини топиши лозим ва унда, одатда, эгасиз кўчар мулк вафот этган шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, ўша мамлакат мулкига ўтиши лозим, эгасиз кўчмас мол-мулк эса мол-мулк қайси мамлакатда бўлса, ўша давлатнинг мулкига ўтиши лозимдир. Бу масала 1993 йил 22 январдаги Конвенцияда юқорида кўрсатилгандек ҳал қилинган.

XXI БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ворислик бўйича коллизия нормалар.
2. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ворислик ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда ворислик ҳуқуқлари. Бу борада консулнинг роли.
4. Халқаро хусусий ҳуқуқда эгасиз қолган мол-мулк. “Оккупация” ҳуқуқи.

Тавсия этилган адабиётлар

Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида МДҲ Конвенцияси. Минск, 1993 й., 22 январ. -Юридическая информационная система ПРАВО. Международное право. 2002 й. 1 апрелдаги версияси.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 1993 й.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексси. - Т.: “Адолат”, 1996 й.

“Фуқаролик тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси 1992 й. 2 июл Қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - 6 сон. - Т.: “Адолат”, 1994 й.

Ўзбекистон Республикасининг Консуллик Устави (1996 й. 29 август). - Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 14 сон.- Т.: “Адолат”, 1997 й.

Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Юристь, 2000.

Гражданское и торговое право капиталистических государств. М.: Международные отношения, 1993.

Луниц Л.А., Марышева Н.И., Садиков О.Н. Международное частное право: Учебник. - М.: Юрид. лит., 1984, 240—247-бет.

Лазарев Л.В., Марышева Н.И., Пантелеева И.В. Иностранцы граждане: правовое положение / Под ред. Н.И. Марышевой. - М.: Российское право, 1992.

Международное частное право (Действующие нормативные акты). - М.: Институт международного права и экономики. - Издательство "Триада", Лтд, 1997.

Международное частное право. Отв. ред. Марышева Н.И. — М.: "Контракт", ИНФРА-М, 2000 й.

Панов В.П. Международное частное право: Схемы. Документы. Учебное пособие. - М.: Право и Закон, 1996.

Рубанов А.А. Наследование в международном частном праве (отношения СССР с капиталистическими странами) - М.: 1972.

Рубанов А.А. Заграничные наследства (отношения между социалистическими и капиталистическими странами). - М.: 1975.

Самархўжаев Б.Б. Халқаро хусусий ҳуқуқ. - Ўқув-методик қўлланма. - Т.: "Эльдинур" нашриёт уйи, 1999 й.

Скариндов А.С. Международное частное право: Учебное пособие. - СПб: Изд-во Михайлова В.А., Изд-во "Полиус", 1998.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Ш жилд. - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи. - Т.: 1998 й.

Юридическая энциклопедия / Под ред. М.Ю. Тихомирова. - М.: 1997.

XXII БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ БЎЙИЧА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

1-§. Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий манбаларга умумий тавсиф

Амалда бизни қизиқтираётган соҳа бўйича халқаро ташкилотлар томонидан тан олинган деярли ҳамма ҳужжатлар Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ, русча МОТ) томонидан қабул қилинган.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) 1919 йил Версаль шартномасига асосан тузилган автоном ташкилот бўлиб, ўша даврдаги Миллатлар Лигаси билан боғлиқ ҳолда, ишчи-меҳнаткашлар учун ижтимоий адолатни ўрнатишни таъминлаш, меҳнат ва ҳаёт шароитларини яхшилашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш, халқаро меҳнат стандартларини ўрнатиш каби меҳнат соҳасидаги сиёсатни олиб боришда умум бошқарувга асосланади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг энг асосий функциясига халқаро меҳнат стандартларини белгиловчи Конвенция ва тавсияномалар қабул қилиш киради. Халқаро меҳнат ташкилотининг барча конвенциялари кўп томонлама халқаро шартномалар бўлиб, улар давлатлар томонидан ратификация қилиниб, бу давлатларнинг қонунчилигида ва амалиётида ўз мужассамлигини топувчи шартномалар сифатида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, халқаро ташкилот томонидан меҳнат масалаларига оид бошқа ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Уларнинг асосийларидан бири бу—Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияномасидир. Улар конвенцияларга оид масалалар доирасида қабул қилиниб ва кўп ҳолларда уларга (конвенцияларга) илова қилинади. Конвенциядаги тартиблар ёки қоидаларни аниқлаштирган ҳолда улар янада қонунлар доираси ва чегараларини белгилайди. Улар давлатлар учун бевосита мажбурий бўлмай, балки меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги миллий нормаларни тайёрлашдаги асосий манба, намуна вазифасини ўтайди.

Тартибга солиш объектлари нуқтаи назаридан Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенция ва тақдимномаларини қуйидаги гуруҳларга киритиш мумкин:

1) Меҳнат соҳасидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига оид конвенциялар ва келишувлар (меҳнат қилиш, ассоциация ҳуқуқлари, меҳнат муносабатларидаги камситилишлардан озод бўлиш ҳуқуқи).

Бу гуруҳдаги ҳужжатларга 1960 йилги меҳнат ва касб-машғулотлар соҳасида камситиш тўғрисидаги Конвенция (Конвенция о дискриминации в области труда и занятий) мисол бўла олади. Бу ҳужжатга асосан Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзо давлат машғулоти ва касб соҳаларидаги тенглик сиёсати бажарилишини таъминлаш, бу сиёсатга қарши ҳар қандай маъмурий дастурларни ёки амалиётни бекор қилишга оид барча программаларни қўллашлари керак.

Бу гуруҳга яна 1932 йилги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни (Конвенция о обязательном труде) киритиш мумкин. Бу конвенцияга асосан “Мажбурий меҳнат” термини ҳар қандай иш ёки хизматни ихтиёрий равишда бажаришни ўзи тақлиф қилмаган шахсни, у ёки бу турдаги жазони қўллаш билан қўрқитган ҳолда меҳнатга жалб этиш тушунилади (Аmmo бу термин ўз ичига ҳарбий хизматда қўлланиладиган ҳарбий характердаги иш ёки хизматларни; фуқароларнинг оддий мажбуриятларини ташкил этадиган иш ёки хизматларни; суд қарорига асосан маълум бир шахсдан талаб қилинадиган иш ва хизматлар ҳамда бошқаларни олмайди). Агар ваколатли ҳокимият органлари хусусий шахслар, компаниялар ёки жамоалар фойдасига ҳеч қандай мажбурий меҳнатга жалб қилинишларига руҳсат беришлари мумкин эмас; бундай қарор чиқарган ҳар қандай давлат органлари жавобгарликка тортиладилар. Фақат истисно қилувчи ҳолатлардагина давлат органлари мажбурий меҳнатга жалб қилиши мумкин, лекин ушбу органлар бу иш ёки хизматларни фавқулодда ҳоллардагина ҳамма чоралар кўрилганда ҳам бу иш ёки хизматга ҳеч ким ихтиёрий рози бўлмаган ҳолларда жалб қилишлари мумкин. Бу ҳолатларда фақат ёши 18 дан кичик бўлмаган ва 45 ёшдан катта бўлмаган эркаклар жалб қилинишлари мумкин, булар доирасига врачнинг ушбу ишчининг меҳнатга қобилиятсиз эканлигини тасдиқловчи хулосаси бўлган шахслар, шунингдек, мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари ва бутун мактаб маъмурияти ходимлари кирмайди. Мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг энг кўп миқдори йилига 60 кундан ошмаслиги керак.

Мажбурий меҳнатга оид яна бир Конвенция 1930 йили қабул қилинган.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан чиқарилган шу гуруҳдаги ҳужжатлар қаторига кўчирилган (миграция қилинган)-меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияни (Конвенция о защите прав всех трудящихся-мигрантов и членов их семей) киритиш мумкин.

Конвенция кўрсатмалари мигрант-меҳнаткашлар ва уларнинг кўчиш жараёнида, яъни миграцияга тайёрланиш, кўчириш, транзит ва давлатдаги ҳақ тўланадиган ишдаги фаолияти, шунингдек, давлатга қайтиш жараёнлари мобайнида қўлланилади. Ушбу Конвенция бошқа давлат ҳудудидаги мигрант меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари жинси,

ёши, ирқи, миллати, тили, дини, сиёсий ёки бошқа қарашлари, этник, ижтимоий мавқеи, фуқаролиги, иқтисодий, оилавий ҳолатидан қатъи назар қўлланилади (Ушбу конвенция, халқаро ташкилотлар ва муассасалар томонидан юборилган ёки ёлланган шахсларга нисбатан ёки маълум бир давлат томонидан унинг ҳудудидан ташқарида расмий функцияларни бажаришга юборилган ёки ёлланган, мақомлари конкрет халқаро келишувлар ёки конвенциялар билан тартибга солинувчи шахсларга; қочоқлар ва апатридларга; ўз келиб чиқиш давлатидан ташқарида яшовчи ва инвестор сифатида чиқувчи шахсларга нисбатан қўлланилмайди).

Ушбу конвенция бошқа давлат ҳудудидаги мигрант-меҳнаткашларнинг ва уларнинг оила аъзоларининг турли хил ҳуқуқларини ўзида акс эттиради. Жумладан:

- истаган вақтда ҳеч қандай қаршиликларсиз кириб-чиқиш, давлатига қайтиш ва унда қолиш ҳуқуқи;

- ўз фикрига эга бўлиш ҳуқуқи, яъни бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва шаънига путур етказмайдиган, миллий хавфсизликка ва жамоат тартибига таҳдид солмаган ҳолда чегаралардан қатъи назар, ҳар қандай маълумот қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи;

- мигрантнинг оила аъзоларини мажбурий меҳнат жалб қилиш қулликда ёки озодлигини чеклаган ҳолда сақлаш, якка ёки умумий тартибда эгалик қиладиган хусусий мулкларни тортиб олиш таъқиқланади;

- ҳибсга олинган ҳолларда ҳибсга олиш сабаблари ва унга қўйилган айблов ҳақида иложи борича унинг она тилида хабардор қилиш; мигрантнинг келиб чиқиш давлати консуллик ёки дипломатик ташкилотига мигрант-меҳнаткаш ҳибсга олинганлиги ҳақида хабар бериш;

- ҳибсга олиш ёки ушлаб туришнинг ҳуқуқий асосланган эканлиги ҳақида, шунингдек, агар ушлаб туриш ғайриқонуний бўлса, уларни озод қилиш тўғрисида дарҳол қарор чиқаришларини талаб қилиб иш қўзғатишлари мумкин.

Ушбу Конвенцияда ҳар бир қатнашувчи давлат ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳар қандай шахсни тегишли даражада ҳуқуқий ҳимоя қилиш мажбуриятини олади. Барча ҳолларда ҳам мигрант-меҳнаткашлар озодликдан маҳрум бўлган ҳолларда унинг оила аъзолари, хусусан, эри (хотини) ва ёш болалари дуч келадиган муаммоларни ҳисобга оладилар. Мигрант-меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларига уларнинг айблари исботланмагунча айбсизлик презумпцияси тадбиқ этилади. Мигрант-меҳнаткаш ғайриқонуний ҳибсга олинганда ёки ушлаб турилганда, у компенсация олиш ҳуқуқига эга. Шундай қилиб, конвенцияда мигрант-меҳнаткашлар давлат фуқаролари сингари меҳнат билан таъминланиш ҳуқуқларига эга эканликлари ҳамда тенглик принципидан чекинишлар ғайриқонуний ҳисобланиши ўз аксини топган.

2) Иш билан таъминлаш ва ишсизлик оқибатлари билан кураш тўғрисидаги келишув ва конвенциялар. Улар доирасига энг аввало 1950 йилги “Иш билан таъминлаш хизматини ташкил қилиш тўғрисида”ги Конвенция (Конвенция об организации службы занятости) киради. Бу конвенцияга кўра иш билан таъминлаш хизмати қуйидагиларни ташкил этади: меҳнаткашларни иложи борица мақул ишга жойлаштириш, бунинг учун меҳнаткашларга мақул ишни топишга ёрдам кўрсатиш, малакасига қараб бўш иш жойларига юбориш. Ушбу Конвенция мазмунан фақат ишсиз ва иш қидираётган шахслар учунгина эмас, ҳали меҳнат бозорида ўз ўрнини қидираётган балки ҳали меҳнат бозорида ўз ўрнини топмаган ва максимал даражада ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатларга муҳтож ёшларга иш топишда ёрдам ва мадад беришга мўлжалланган.

Меҳнат шароити, дам олиш вақти, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид масалалар. Бу турдаги ҳужжатларга 1936 йилги “Болаларни денгизда ишлашга йўл қўйиладиган энг кам ёш тўғрисида”ги¹ Конвенцияни киритиш мумкин. Унга асосан 15 ёшдан кичик бўлган болаларни кема бортларида ишлашлари ман этилади, оилавий ишлайдиганлар бундан мустасно (Аммо миллий қонунчилик, 14 ёшдан кичик бўлмаган болаларга соғлиқ ва жисмоний ривожланишларига қараб, шунингдек, болаларнинг манфаатларини кўзлаб агар мактаб ёки бошқа ваколатли ҳокимият органи ушбу иш боланинг манфаатларига тўғри келади деб топган ҳолларда ишлашга рухсат беришни назарда тутиши мумкин).

Ҳар бир капитан ёки кема бошлиғи (эгаси) ўз кемасида 16 ёшга тўлмаган барча шахсларнинг нима иш билан бандликлари ҳақида, уларнинг туғилган кунлари ҳақидаги маълумотларни ёзиб боришлари шарт.

Ишга қабул қилишнинг маълум бир соҳалардагина эмас, балки умумий қабул қилиш ёши белгиланган ҳужжатлар ҳам мавжуд. Бунга 1973 йилги “Ишга қабул қилишнинг энг минимал ёши тўғрисида”-ги² Конвенцияни киритиш мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзо-давлатларига миллий сиёсатни олиб боришда болалар меҳнатини соддалаштириш ва ишга қабул қилишда энг минимал ёшни, балоғатга етган шахснинг жисмоний ва ақлий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда аста-секинлик билан қўтариш тавсия этилади. Конвенцияга асосан энг минимал ёш 15 ёшдан кам бўлиши мумкин эмас. Иқтисодиёти ва таълим тизими етарли даражада ривожланмаган Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзо-давлатлари, тегишли тадбирлар ва меҳнаткашлар органлари билан (агар бундайлар мавжуд бўлса) маслаҳатлашган ҳолда энг минимал меҳнат ёши-

¹ Конвенция о минимальном возрасте допуска детей на работу в море.

² Конвенция и минимальном возрасте приёма на работу.

ни 14 ёш қилиб белгилашлари мумкин (Ҳар қандай ишга ёллаш ёки бошқа ишларда энг кичик ёш агар иш ўз характери ёки бошқа шароитларига кўра ўспириннинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқига зарар етказадиган бўлса, 18 ёшдан кичик бўлмаслиги керак).

Ёлланма иш ёки бошқа турдаги ишлар тегишли ҳокимият органлари 16 ёшдан кичик бўлмаган шахслар, уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ва ахлоқига путур етказмаган ҳолда, шунингдек, уларни маълум бир соҳада мутахассисликка эга бўлишлари учун ишлашларига рухсат беришлари мумкин (ёллашнинг бундай турлари миллий қонун ва қоидалар билан белгиланади).

Конвенциядаги бу ҳолатлар энг аввало конларда, қурилишларда, электр-газ хизматларида, транспорт, омборхоналар ва алоқа хизматларида, плантацияларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридаги ишларга таалуқдир. Оилавий, майда маҳаллий истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва доимий ёлланма ишчи (ишчилар) ишлатмайдиган хўжаликлар бундан мустасно. Ваколатли давлат органлари ушбу Конвенциядаги ҳолатларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида керакли чора-тадбирларни, шунингдек, керакли жавобгарлик масалаларини ҳамда Конвенцияларнинг ижросини назорат қилувчи шахсларни белгилашлари шарт.

Меҳнат ҳақ тўлаш масалаларига оид Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан чиқарилган ҳужжатлар гуруҳига 1990 йилги “Тунги меҳнат тўғрисида”ги¹ Конвенцияни киритиш мумкин. Ушбу Конвенция қишлоқ хўжалиги, ҳайвонотчилик, балиқчилик, денгиз ва дарё транспортда ишловчилардан ташқари, барча ишларда ишловчи шахсларга тадбиқ этилади. Тунги вақтда ишловчи шахсларга тегишли тиббий хизмат олиш, компенсация олиш имтиёзлари берилади. Агар ишчи тунги ишга яроқсиз бўлиб қолса, у бажара оладиган бошқа шунга ўхшаш ишга ўтказилади.

Бу гуруҳга 1981 йилги “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида”ги² Конвенцияни ҳам киритиш мумкин. Ушбу Конвенцияга асосан Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоси бўлган давлатлар меҳнат гигиенаси, меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш соҳасидаги миллий сиёсатни маълум даврлар мобайнида қайта кўриб чиқишлари лозим бўлади. Бундан асосий мақсад меҳнат натижасида юзага келадиган бахтсиз ҳодисалар ва соғлиққа зарар етказилишни минимал даражага туширишдан иборат. Шунингдек, “Айнан бир хил қимматдаги меҳнат учун эркак ва аёлларни бир хилда рағбатлантириш тўғрисида”ги³ 1954 йилги Конвенцияни ҳам айтиб ўтиш керак. Конвенция мазмунига кўра,

¹ Конвенция о ночном труде.

² Конвенция о безопасности труда и гигиене труда и производственной среде.

³ Конвенция о равном вознаграждении и женщин за труд равной ценности.

рабатлангириш тушунчаси ишчига тадбиркор томонидан бирор бир ишни бажаргани учун бериладиган ҳар қандай бевосита ёки билвосита мукофотлар тушунилади. Ушбу тамойил миллий қонун чиқарувчи органлар ишчилар (ходимлар) ва тадбиркорлар ўртасида тузиладиган жамоа келишувлари, шунингдек, қонунчилик билан белгиланган ёки тан олинган мукофотларни белгилаш йўли билан қўлланилиши мумкин.

1967 йилги “Бир ишчи томонидан кўтарилиши мумкин бўлган энг оғир юк нормаси тўғрисида”ги¹ Конвенцияга асосан меҳнаткашлар томонидан уларнинг соғлиғи ёки хавфсизлигига зиён етказадиган даражада оғир юк кўтаришни талаб қилиш ёки йўл қўйиш ман этилади. Бундай ишларда аёллар ва вояга етмаганларнинг ишлаши чегараланади. Ушбу Конвенциянинг Тақдимномаси мавжуд бўлиб, унга асосан бундай ишларга йўл қўйилишидан олдин меҳнаткаш ўтиши лозим бўлган тайёргарлик ва инструктаж белгиланган, шунингдек, тиббий кўриқдан ўтиш ҳоллари ҳам кўрсатиб ўтилган.

4) Меҳнаткашларнинг ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотида оид ҳужжатлар (ишдаги бахтсиз ҳодиса ва меҳнат касаллигидан суғурталаш ва вақтинчалик ишга яроқсизлик ҳолларида тақдим этиладиган нафақалар). Ушбу гуруҳга “Мигрантларнинг ижтимоий таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларини сақлаш тўғрисида”ги² Конвенцияни кўрсатиб ўтиш мумкин. Конвенция ижтимоий таъминот соҳасида зарурият туғилган ҳолларда хоҳлаган жойда ва ҳар вақт ҳимоя олиш ҳуқуқини беради. Ушбу Конвенция ижтимоий таъминот соҳасининг тиббий хизмат, касаллик нафақаси, оналарга ҳомиладорлик ва бола туғилганда бериладиган нафақа, ногиронлик нафақаси ва бошқа ҳуқуқларга нисбатан қўлланилади.

Меҳнаткаш мигрантлар барча фуқаролар билан тенглик асосида ҳаётлари ёки соғлиқларига жиддий зарар етиши мумкин бўлган ҳолларда тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига, шунингдек, касб касаллиги, ҳомиладорлик ва бола туғилиши, касаллик, қариллик ва бошқалар бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Меҳнаткаш-мигрантларнинг ижтимоий кафолатларига ижтимоий меҳнатга оид масалалар бўйича жойлашган давлатдаги судларга ёки маъмурий органларга мурожаат қилиш ҳуқуқларини киритиш мумкин. Меҳнаткаш-мигрантлар ижтимоий ҳимояланган бўлишлари керак, яъни уларнинг ҳуқуқий ҳолатлари меҳнат қонунчилиги ёки жамоа келишувлари томонидан ҳисобга олинган бўлиши керак, улар ҳеч қандай тўсиқларсиз давлатнинг ижтимоий таъминоти тизими хизматидан фойдаланишлари мумкин.

¹ Конвенция о максимальном грузе, допустимом для переноса одним трудящимся.

² Конвенция о сохранении прав мигрантов в области социального обеспечения.

5) Иш берувчи ва меҳнаткаш ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, шунингдек, меҳнат низоларини ҳал қилиш, ногиронлик ҳужжатлари ҳам алоҳида гуруҳни ташкил этади. Буларга масалан, “Ихтиёрий тadbик қилиш ва арбитраж тўғрисида”¹ ги 1951 йилги Тавсияномани киритиш мумкин. Тавсияноманинг асосий мақсади бўлиб, иш берувчи (корхоналар) ва меҳнаткашлар ўртасида юзага келадиган келишмовчиликларнинг олдини олиш ва ҳал қилишдан иборатдир. Бунинг учун миллий шароитларга мос келадиган ихтиёрий тadbик қилувчи органлар тузилиши керак.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан кўриниб турибдики, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинадиган Конвенция ва тавсияномалар меҳнат муносабатларига оид турли хил масалаларни ўз ичига қамраб олиб, барча меҳнаткашларга мос келадиган ва кўп ҳолларда иш берувчининг айби билан оғир аҳволга тушиб қолган инсон меҳнатини ҳимоя қилувчи, унинг меҳнат шароитини иложи борича яхшилашга қаратилган ҳужжатлардан иборатдир.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан бир неча ўн йиллар олдин қабул қилинган ҳужжатлар ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмай, ҳозирги вақтда ҳам жуда долзарбдир. Шунини айтиш керакки, ҳозирги вақтда дарҳол ечимини ечиш талаб қилинадиган янги масалалар вужудга келмоқда. Ана шулар асосида Халқаро меҳнат ташкилоти ўз ишини ташкил қилади ва режалаштиради.

2-§. Меҳнат муносабатларига оид инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи халқаро ҳуқуқий таъминот

1948 йил Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси (Всеобщая декларация прав человека) қабул қилинди. Ушбу декларацияда инсон ҳуқуқлари ва хусусан меҳнат миграциясига инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндошиб, инсон томонидан, ўз эркига кўра энг мақбул иқтисодий, ижтимоий ва оилавий ишлаш шароитини танлаш ҳуқуқи борлиги тан олинган. Ушбу масалага доир 1989 йилги Венада бўлиб ўтган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кенгашида Яқунловчи ҳужжат (Итоговый документ) қабул қилинди. Унинг қисмларидан бирида ҳар бир инсонни истаган мамлакатни, шунингдек, ўз давлатини ҳам ташлаб чиқиб кетиши ва қайтиб келиш ҳуқуқи ҳурмат қилиниши кўрсатилган.

Инсон ҳуқуқлари ва хусусан, меҳнат муносабатлари, энг аввало, жамиятнинг ижтимоий- иқтисодий структураси ва ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимига боғлиқдир.

¹ Рекомендация о добровольном применении и арбитраже.

Халқаро таснифда ўрнатилишича, инсонларнинг меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва эркинликларига қуйидагилар қиради:

- меҳнат ва тўлиқ иш билан бандликнинг таъминланиш ҳуқуқи;
- мажбурий меҳнатдан ҳоли бўлиш;
- меҳнатга бўлган ҳуқуқ муносабатларида ҳар қандай камсити-лишлардан ҳоли бўлиш ва ҳ.к.

Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар муҳим аҳамиятли халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган. Меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқ юқорида айтиб ўтилган Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида ва Халқаро Пактда кўрсатиб ўтилган. Пактда иштирок этувчи давлатлар “Ҳар бир инсоннинг ўзи эркин танлаган ёки иқтисодий рози бўлган меҳнати билан ўз ҳаётини таъминлаш ҳуқуқини ўз ичига олувчи меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқ ва ушбу ҳуқуқни таъминлашга қаратилган ишларни амалга оширишларини тан оладилар”. XX асрнинг ютуғи эркак ва аёлларнинг меҳнат билан банд бўлиш соҳасидаги тенглик тамойилига асосланилганини тан олишимиз керак, лекин амалиётда айрим мамлакатларда ушбу ютуқ мунозарали мавзу бўлиб келмоқда.

Эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги биринчи бор АҚШда давлат томонидан тартибга солишнинг таъсирли воситасига айланди. Бу 1964 йилги “Фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида”ги Билль¹ билан боғлиқ бўлиб, ушбу Билль ирқий камчиликларга йўл қўймаслик қаторида аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилади. Аёл ва эркакларнинг тенг ҳуқуқда барча ташкилотларнинг иерархик тузилишида банд бўлиши ҳам АҚШда ишлаб чиқилган. Европада 70-йиллар ўрталарида бу соҳада энг аввало, Европа суд амалиёти ҳисобидан маълум муваффақиятларга эришилди. Японияда ҳам шунга мувофиқ қонун қабул қилинди, лекин бу қонун кўпчилик Япон муаллифлари томонидан қаттиқ танқид остига олинди.

Халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятида асосий меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш муаммоси алоҳида ўрин касб этади. Бу тоифадаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бўлган катта эътибор жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизи билан узлуксиз боғлиқ бўлган, жамиятнинг меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги фуқароларнинг мақоми билан изоҳланади.

3-§. Меҳнат муносабатларини миллий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш

Чет эл элементи иштирокидаги меҳнат муносабатлари, халқаро ҳуқуқ нормаларидан ташқари давлатнинг ички қонунчилиги билан

¹ Билль о гражданских правах.

ҳам тартибга солинади. Агарда меҳнаткаш мигрант кўчиб келган шахс ёки чет эл фуқароси бўлса меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг асосий услуби сифатида маълум бир ҳуқуқ тизими тамойилларига асосланувчи коллизия усул қўлланилади.

1) Меҳнат жойига мамлакат ҳуқуқини қўллашнинг коллизия принципи (*LEX Iosi Iaboris*). 1980 йилги Европа Конвенциясида, шунингдек, меҳнат муносабатлари соҳасидаги коллизия нормаларни умумий тартибга солиш тўғрисидаги ЕИҲ (Европада иқтисодий ҳамкорлик) Конвенциясининг лойиҳасида ўз аксини топган. Ушбу тамойил Австрия, Венгрия, Испаниянинг меҳнат қонунчилигида, Нидерландия ва Бразилиянинг суд амалиётида ҳам ўз аксини топганлигини қайд этиш мумкин.

2) “Контракт билан яқин боғлиқлик” (*LEX Ioci Iaboris*) тамойили. Меҳнат жойига мамлакат қонунини қўллаш тамойили етарли даражада универсал эмас, яъни меҳнат муносабатлари элементларининг барча жабҳаларини ва халқаро меҳнатнинг барча ҳолатларини қамраб олмайди. Масалан, Чехиянинг халқаро хусусий ҳуқуқи *LEX Ioci Iaboris* билан бир қаторда Ёлловчининг тадбиркорлик фаолияти жойи ҳақидаги қонунни қўллаш қўшимча коллизия боғловчи (привязка) сифатида қўлланилади. Кўп ҳолларда тарафлар ўз келишувларини қандай ҳуқуқ асосида тартибга солиниши ҳақида келиша олмайдилар. Бу ҳолларда кўп давлатлар “Контракт билан яқин боғлиқликда” (“Близкой связи с контрактом”) тамойилидан келиб чиқиб кўп низоли масалаларни ечишга ҳаракат қиладилар.

3) “Субъектив назария” тамойили. Ушбу тамойил ишга жойлаштириш муносабатларини контрактда белгиланган мажбуриятлар ёрдамида тартибга солишдаги ҳуқуқни белгилашга ёрдам беради. Масалан, тарафлар низони маълум бир мамлакат судига ҳал қилиш учун топширишга рози бўлишлари ишни қайси юрисдикцияга топширишга қарор қилган мамлакат ҳуқуқининг қўлланишини исташларини кўрсатади.

2-*LEX Ioci Iaboris* тамойилини иш берувчида ёки минтақада ёхуд бир мамлакатда ишлаётган ишчиларни камситилишини олин олишга қаратилган бўлиб, ҳар йили ушбу тамойил давлатларнинг қонун ижодкорлигида ўз аксини топмоқда.

Алоҳида ҳолларда, агар иш бир неча мамлакатларда бажарилган тақдирда, уларга нисбатан қўшимча коллизия норманинг боғловчи қисми (привязка) тадбиқ этилади. Масалан, Австралиянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунида агар ишчи ўз ишини бир неча мамлакат ҳудудида амалга оширса ёки унинг фаолияти амалга ошириладиган мамлакат ҳисобидаги қонуни қўлланилади. Агар ходим (ишчи) бошқа мамлакатга хизмат сафарига у ёки меҳнат топшириқларини бажариш учун юборилганда, ходимни хизмат сафарига юборган ташкилот мамлақати қонуни қўлланилади (*LEX Ioci delegations*).

Халқаро транспорт (ҳаво, автомобил, темир йўл, денгиз) ходимларининг меҳнат контрактларига нисбатан бошқа коллизия мезон қўлланилади:

- денгиз транспортида—байроқ қонуни (Италия, Франция, Венгрия ва ҳ.к.);
- сув ва ҳаво транспортида кемани рўйхатга олиш жойидаги қонун (Албания);
- темир йўл ва автомобил транспортида — ташувчининг қонуни (Венгрия) ва ҳ.к.

Меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим томонларидан яна бири шуки, кейинги йилларда “Меҳнаткаш мигрантлар” фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоси муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Халқаро меҳнат бозорининг шаклланишида меҳнаткаш-мигрантлар ҳам алоҳида ўрин тутати. Ушбу тоифадаги шахсларга 1975 йилги Халқаро меҳнат ташкилотининг “Меҳнаткаш-мигрантлар тўғрисида”ги Конвенцияси қуйидагиларни киритади (1990 йилги меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияда “Меҳнаткаш-мигрант бу бошқа давлат фуқароси бўлмай, ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланадиган, шуғулланаётган ёки шуғулланган шахсдир” дейилади. 1994 йил имзоланган МДХ доирасида меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш-мигрантлар, ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишувда, меҳнаткаш-мигрант (ишчи) — бу чиқиб кетиш тарафида чиқиб келган мамлакатда доимий яшовчи ва қонуний асосларда кириб келиш (сторона выезда) тарафи мамлакатда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланувчи шахслар дейилади): Бир мамлакатдан иккинчисига ҳар қандай иш топиш мақсадида эмиграция қилинган шахс чиқиш билан боғлиқ харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

Мамлакатга қонуний асосларда меҳнаткаш сифатида кирган шахсина меҳнаткаш-мигрант деб тан олиниши мумкин.

Бу ҳолат қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

- чегара райондаги меҳнаткашларга;
- мамлакатга маълум бир муддатга кирган артистлар ва озод касб эгаларига;
- денгизчиларга;
- таълим олиш ёки тайёрланиш мақсадида келганларга;
- маълум бир мамлакат ҳудудида махсус бир функция ёки топшириқни бажариш учун киритилган корхона ва муассаса ходимларига ва ҳ.к.

Шундай қилиб, “меҳнаткаш-мигрант” термини қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилади:

- а) бошқа мамлакат ҳудудида яшаётган;
- б) қонуний асосларда яшаётган;
- в) шу мамлакат ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган;

г) ҳамда ушбу давлатнинг фуқароси бўлмаган шахсларга.

Кейинги йилларда саноати ривожланган, ўз худудида меҳнаткаш-мигрантларни кўп қўламда қабул қиладиган мамлакатларнинг қонунчилик амалиётида чет эл фуқароларининг иш олишларига рухсат берадиган қоидалар йўналиши кучайтирилди. Масалан, Германияда:

- давлат худудида 5 йил истиқомат қилгандан сўнггина истаган турдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мумкин бўлади;

- маълум бир районларга чет эл меҳнаткашларини кириши ман этилади ва шу билан бирга уларнинг у ерда ишлашлари ҳам;

- чет эллар тўғрисидаги қонунга асосан Европа иқтисодий ҳамкорлик доирасига кирмайдиган мамлакатларнинг меҳнаткаш-мигрантлари, ишларни контрактда кўрсатилган муддат давомида ҳамда тадбиркорлар ва ҳокимият органларининг рухсатисиз алмаштиришлари мумкин эмас;

- хотинига (эрига) Германияда 4 йил яшагандан сўнг ишлашга рухсатнома берилади, болаларига эса 2 йилдан кейин.

АҚШнинг муҳожирлар, кўчиб келган ва ўз фуқароси қилиб олинган шахслар бўйича хизмати ҳам бошқа мамлакатлар фуқароларига америкалик иш берувчиларда ишлашга рухсатнома беради. Ишлашга рухсатнома, лекин маълум бир чеклашлар билан 1-94 турдаги виза шаклида ишга ёллаш бўйича контрактларга асосан 2 йилдан 6 йилгача, соатига 8 дан 12 долларгача миқдорларда иш ҳақи тўланадиган ҳолда берилган.

Жанубий Африка Республикасида эса ишга қабул қилиш, шунингдек, иммиграция қилишнинг энг асосий мезонларини қуйидагилар белгилайди: тегишли ёш (45 ёшгача), яхши саломатлик, мамлакат учун керакли мутахассислик, юқори квалификация тартибга келтирилган оилавий ҳолат (никоҳда бўлиш, ажралган бўлиш).

Швейцарияда чет элга бериладиган рухсатномада шахс бажара оладиган иш тури ҳам кўрсатилиши керак; агар чет эллик иш фаолиятини ўзгартирса ёки ўриндошлик асосида ишга кирса, мамлакатда яшаши учун янги рухсатнома олиши шарт.

Швейцарияда бир неча йиллар мобайнида чет элликларга иш фаолиятини ва иш жойини ўзгартириш ман этилади.

Шуни эътироф этиш лозимки, ишга қабул қилишга тенглик асосида йўл қўйилиши, иш жойини эркин танлаш ва ўзгартириш имконияти берилса-да, чет элликлар бу имкониятлардан маҳрумлар.

Баъзи бир мамлакатлар амалиётида чет элликлар меҳнатига бевожуб ва билвосита чеклашларга йўл қўйиш сиёсатини олиб боради. Тўғри чеклашлар орасида чет эллик корхонада ёки конкрет бир ёлловчида маълум бир мансабда ишлаш учун берилган рухсатнома (work permit) талаб этилади (Филлипин, Бельгия, Финландия, ГФР, Люк-

сембург ва бошқалар). Чет элликлар меҳнатига йўл қўйиш бевосита ҳам, яъни ёлловчиларга корхоналарда чет эллик ёки белгиланган пропорцияда миллий ишчиларни ёллашга рухсатнома бериш (employment authorzation) орқали ҳам чекланиши мумкин (Австрия, Нидерландия, Панама). Баъзи давлатлар қонунчилиги (Бельгия) бир вақтнинг ўзида ҳам ишчидан (work permit), ҳам ёлловчидан (employment authorization) махсус рухсатномаларга эга бўлишни талаб қилади.

Халқаро меҳнат ташкилоти аъзо-давлатларга алоҳида турдаги ишларга йўл қўйишни чегаралаб қўйиши мумкин. Бу давлат манфаатларини кўзлаб ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тегишли бўлган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин. Халқаро меҳнаткашлар миграцияси соҳасидаги сиёсат, ишчи кучи билан таъминловчи мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларига тўғри келиши керак.

Меҳнаткаш-мигрантларнинг асосий ҳуқуқ ва ижтимоий кафолатлари қуйидагича тузилган бўлиши мумкин. Халқаро нормаларда меҳнаткаш мигрантларнинг кўзда тутилаётган мамлакатдаги иш жойи ва иш шароити, шунингдек, ишга жойлашиш имкониятлари ҳақида маълумот олиш ҳуқуқлари берилган. Бу маълумот уларга жўнаб кетишдан олдин берилиши керак. Халқаро меҳнат ташкилотининг 86-Тақдимномасида кўрсатилишича, мигрантларнинг маълумот олишлари бепул амалга оширилади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг тақдимномалари барча маълумотлар сингари, меҳнаткаш-мигрантларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш билан боғлиқ аниқ маълумотларни ҳам ўз ичига олган. Ишчи ва унинг оила аъзоларини чет элга юборишдан олдин, чет элда яшаш вақтида ҳамда Ватанига қайтганида тиббий кўриқдан ўтиши зарурлиги кўзда тутилади. Якка тартибда ишловчи меҳнаткаш-мигрантларга биринчидан, Ватанида давлатнинг валютали тиббий суғуртасини олиш имконияти, иккинчидан, давлат ёки нодавлат сугурта институтларининг бирини танлаш ҳуқуқлари кафолатланган бўлиши керак.

Алоҳида гуруҳни, мигрантларнинг меҳнат шароити, унга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган халқаро нормалар ташкил қилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида халқаро қонунчиликка кўра мигрант мамлакат туб фуқаролари ҳам тенг ҳуқуқлидирлар, шунингдек, бу қоида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига ҳам тааллуқлидир. Халқаро нормаларга асосан меҳнатга ҳақ тўлаш ўз вақтида ва нақд пул бирлигида тўланиши керак.

Мигрантлар ва у келган мамлакат туб фуқароларининг тенглик тамойили, меҳнат шароитига оид бошқа муносабатларда ҳам, иш куни давомийлиги, дам олиш вақти, нафақа олиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, шунингдек, мансаб бўйича кўтарилиш каби муносабатларда ҳам тўла амал қилади.

Мигрантларнинг ижтимоий таъминотини тартибга солувчи халқаро нормалар тўлиқ ва батафсил ишлаб чиқилиб уларда, хусусан, мигрант билан маҳаллий ишчиларнинг меҳнатда ногирон бўлганда, ҳомиладорлик, бола туғилиши, касаллик, қарилик, шунингдек, ишсизликда ва бошқа ҳолларда нафақа олиш ҳуқуқларининг тенглиги ҳам кўзда тутилган.

Миграцияга оид халқаро конвенция ва тақдимномаларда меҳнаткаш-мигрантларнинг фуқаролик ва ижтимоий ҳуқуқларини регламентловчи учун нормалар гуруҳи алоҳида ўрин тутаяди, булар:

- келган мамлакати доирасида эркин ҳаракатда бўлиш;
- ўша мамлакат маданий ҳаётида иштирок этиши ҳамда ўз маданияти, дини ва миллий одатларини сақлаш ҳуқуқи;
- мамлакат фуқаролари билан тенг асосларда таълим олишга йўл қўйиш.

Мигрантларнинг ижтимоий кафолатлари доирасига давлат-резидент фуқаролари билан тенглик асосида ижтимоий меҳнатга оид низоларни ҳал қилиш учун судларга ёки маъмурий органларга мурожаат қилиш ҳуқуқларини киритиш мумкин.

Халқаро конвенцияларга кўра келиб чиқиш мамлакати фуқаролигини сақлаб қолган мигрантлар ватанига қайтганларидан сўнг давлатдан турли хил моддий ва маънавий ёрдам олиш ҳуқуқига эгадирлар (ишсизлик нафақасини олиш, иш қидиришда кўмаклашиш) ва ҳ.к.

Меҳнаткаш-мигрантларнинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг асосини шакллантириш учун уларнинг ҳуқуқларини амалиётда тадбиқ этилишини таъминлаш зарур ҳисобланади. Бу фуқароларнинг ҳақиқатдан ҳам ҳимояланиши, ушбу масалани ечишга жавобгар бўлган давлат органлари ишининг қандай ташкил этилишига ҳам боғлиқдир. Меҳнаткаш-мигрантларни ижтимоий ҳимоя қилишда, уларни максимал даражада ҳуқуқи ва имкониятларини чет эллик иш берувчилар томонидан бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан мавжуд маълумотлар билан таништириш ва уларга зарур маълумот бериш, қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш босқичида муҳим аҳамиятга эгадир.

4-§. Меҳнат бозорини ташкил қилишнинг ҳуқуқий аспекти

Асрлар мобайнида меҳнатга бўлган талаб ва иш кучини таклиф қилувчилар ўртасида воситачилик қилиб, ўзига фойда орттирмақчи бўлган одамлар кўп бўлган. XX аср бошларида хусусий ишга ёллаш бюрolari фаолият юритмайдиган бир нечагина мамлакат қолган эди, холос.

Қадрли ишчиларни қидириш ва танлаш — бу аср бошларида чуқур илдиз отган касбдир.

1908 йил олижаноб англиз буржуаси, Англиянинг ишбилармон доираларида катта обрўга эга бўлган Перси Кутте, Англия колонияларидан қайтган офицерларни ишга жойлаштиришда ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва ўзи билмаган ҳолда кейинчалик озодликка чиққан шахсларни ишга жойлаштириш хизмати деб ном олган фаолият билан шуғулланди.

Кейинги вақтда ишга жойлаштирувчи компанияларнинг кенгайиш жараёни анчагина тезлашди. Ишга жойлаштирувчи хусусий агентликларни, контракт ёки мукофот эвазига (гонорар ёки дотация) жисмоний шахсларга ёки мижоз-ташкилотларга иш жойларини тўлдириш борасидаги хизматларни кўрсатувчи ташкилот дейиш мумкин. Мазкур масала билан шуғулланишга ихтисослашган 16 турли хилдаги агентликлар бўлиб, уларни ўз навбатида 5 асосий гуруҳга ажратиш мумкин, булар:

- Ишга жойлаштирувчи пуллик бюролар;
- Чет элларда ишга жойлаштирувчи агентликлар;
- Чет эллик фуқароларни ёлловчи ва ишга жойлаштирувчи агентликлар.

Вақтинча ишга жойлаштирувчи, иш кучи иккиламчи ижараси бўйича, кадр ходимларни қидирувчи ва танловчи, бўшаган иш кучини ишга жойлаштирувчи (outplacemen) агентликлар ва маслаҳат бюролари;

касб-корга тайёрлов ва ишга жойлаштирувчи марказлар, иш билан бандлик бўйича маълумотлар банкни ташкил қилиш билан шуғулланувчи марказлар, касб-кор ва хизмат бўйича кўтарилиш муаммолари билан шуғулланувчи марказлар.

Ишга жойлаштирувчи пуллик бюролар энг аъънавий шаклдаги агентликлар ҳисобланади. Бу агентликлар иш жойига бўлган талаб билан иш жойига таклиф қилувчилар ўртасида боғловчи вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам улар меҳнат контрактда ўз имзосини қўйиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу агентликларнинг меҳнат бозоридаги фаолияти иш жойлари танқис бўлган бир шароитда маълум лавозимга энг яхши номзодларни танлашдан иборатдир. Уларга нисбатан Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ҳамда бошқа меҳнат муносабатларига оид халқаро ҳуқуқий нормалар тадбиқ этилиши мумкин, чунончи:

- улар ўз фаолиятларини амалга ошириш учун лицензия олишлари шарт;
- иш қидирувчи шахслардан ҳақ олишдан батамом воз кечишлари керак;
- уларнинг фаолияти давлатнинг кучли назорати остида амалга оширилиши керак.

Чет элларда ишга жойлаштирувчи агентликлар, Ҳинд океани ва жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида, хусусан, Форс кўрфазидаги

араб мамлақатларида жуда кўп бўлиб, улар бу мамлакатлардаги ишчиларни чет элларда ишлаш учун танлаш ва ёллаш ишларини амалга оширадilar. Бу агентликлардан энг кучлилари қабул қилувчи мамлакатларда ўз филиалларига эга бўлиб, уларни нгваколат доирасига ишга жойлаштириш ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва тарқатиш, унинг амалга оширилиши устидан назорат қилиб бориш, уларнинг ёрдами билан ишга олинган меҳнаткашларни ҳимоя қилиш кабилар киради. Бу агентликлар асосан меҳнат масалалари билан шуғулланувчи органларнинг бевосита уларнинг фаолиятига дахлдор бўлган қонунчилигига амал қилишлари шарт. Улар чет эл тадбиркорларининг вакили сифатида фаолият юритадилар ва бу ҳолларда меҳнат контрактини имзолаш ҳуқуқига эга бўладилар ёки кўп ҳолларда воситачи сифатида чиқадилар.

Чет эллик фуқароларни ёлловчи ва ишга жойлаштирувчи агентликларнинг функциялари юқоридагиларнинг функцияларига мос келиб, бу агентликлар ушбу мамлакат маҳаллий меҳнат бозори муҳтож бўлган иш берувчилар учун чет эллик меҳнаткашларни танлаш ва юбориш томонидан фарқ қилади.

Бундай агентликларнинг кўпчилиги, иш билан таъминловчи мамлакатлар ўртасида, ўз иш берувчи мижозлари учун энг қулай ва яхши шарт-шароитларни белгилашга ҳаракат қиладилар.

Вақтинчалик ишга жойлаштирувчи агентликлар энг аввало АҚШ меҳнат бозорида вужудга келиб, ишга жойлаштирувчи хусусий компаниялар ичида энг йириги ҳисобланарди. Бу компанияларнинг фаолияти кўп жойларда иқтисодий секторларда тақиқланган. Японияда бундай агентликлар бозори маълум 18 хил турдаги касбларга нисбатан қўлланиши рухсат этилади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан қараганда бундай агентликлар, меҳнаткашларга нисбатан иш берувчи ўрнида намоён бўлади ва шунинг учун ҳам улар кўп мажбуриятларни ўзларининг зиммаларига оладилар. Вақтинча ишга жойлаштирувчи агентликларни бирлаштирувчи ва вакиллик қилувчи ташкилот бу — СИЕТТ (вақтинча ишга жойлаштирувчи корхоналарнинг халқаро конфедерацияси). Шунини айтиш керакки, юқорида айтиб ўтилган агентликлар кўплигига қарамай, бутун дунёда тан олинмоқда ва ўз фаолиятини халқаро доирада янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

5-§. Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид халқаро шартномалар, конвенциялар ва келишувларнинг тадбиқ этилиши

Ўзбекистон Республикаси томонидан бир неча халқаро шартномалар қабул қилинган ва конвенциялар ратификация қилинган бўлиб, улар жумласига 1935 йил 21 июнда Женевада қабул қилинган “Иш-

нинг давом этиш муддатини ҳафтасига 40 соатгача қисқартириш тўғрисида”ги 47-Конвенцияни; 1936 йил 24 июнда Женевада қабул қилинган “Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисида”ги 52-Конвенцияни; 1919 йил Женевада қабул қилинган ва 1952 йил 28 июнда қайта кўриб чиқилган “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-Конвенцияни; 1964 йил 9 июлда Женевада қабул қилинган “Иш билан таъминлаш нисбати тўғрисида”-ги 122-Конвенцияни ва бошқа бир қанча конвенцияларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 10-моддасида “Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар берилган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади”,¹ дейилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларнинг ёки халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясининг қоидалари “Меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланилади”, дейилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга тадбиқ этилади (ЎзР МК 11-м).

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатларининг муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаётган чет эл фуқаролари учун меҳнатни муҳофаза қилишга доир масалаларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари манфаатдор томонларнинг ўзаро битимлари билан белгиланади.

Ижтимоий таъминот масаласида мигрант-меҳнаткашнинг чет элда ишлаган даврлари ижтимоий суғурта жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битим) асосида чет элда ишлаганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар томонидан меҳнат дафтарчасига киритилган қайдномаларга қараб аниқланади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элданги иши Ўзбекистон Республикасида ишлаганида тўғри келадиган стаж-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Т.: “Адолат”, 1996 й.

нинг 1/3 ҳиссасидан ошмаган миқдорда, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзгача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, умумий иш стажга қўшилади.

Чет элга доимий яшаш учун чиқиб кетишдан олдинроқ тайинланган пенсиялар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига чиқиб кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги ҳолатга кўра пенсия миқдори ҳисобидан чет элга чиқиб кетиш олдидан олти ой аввал тўланади.

Бу фуқароларнинг чет элда бўлган вақти учун агар давлатлараро битимлари (шартномалар) ўзгача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, уларга меҳнатда ногирон бўлганлиги ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган пенсияларгина тўланади.

Ўзбекистонда ишга жойлаштирувчи пуллик бюролар мавжуд бўлиб, чет элларда фуқароларни, шунингдек, чет элларда ишлаш юзасидан хусусий меҳнат битимларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, Ўзбекистонга ишга келган чет эл фуқароларини ишга ёллаш ва ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолият кўрсатишига, кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда ишга жойлаштириш бўйича пуллик хизмат кўрсатувчи юридик шахсларнинг фаолият кўрсатишига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан бериладиган лицензияга биноан рухсат этилади.

XXII БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халқаро меҳнат муносабатлари ва меҳнат муносабатларига оид коллизия масалалари.
2. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг меҳнат ҳуқуқлари.
3. Чет элда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат ҳуқуқлари.
4. Халқаро меҳнат ташкилоти, унинг меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи Конвенция ва тавсияномалари ҳақида нималарни биласиз?

Тавсия этилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1992 й. (37-39-м.м.)

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, 1995 й. 21 декабрда қабул қилинган, 1996 й. 1 апрелдан кучга кирган, 1998 й. 1 май, 1998 й. 29 август, 1998 й. 25 декабр, 1999 й. 15 апрелда ўзгартириш ва қўшмчалар киритилган. ЎЗР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й. №1, 20-моддаси; 1999 й. №5, 124-моддаси.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида қонун, 1992 й. 2 июлда қабул қилинган.

Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1992 й. 13 январда қабул қилинган, 1993 й. 7 майда, 1994 й. 6 майда, 1995 й. 6 майда, 1998 й. 1 майда янги таҳрирда қабул қилинган. 1998 й. 25 декабрда, 1999 й. 15 апрелда ўзгариш ва қўшимчалар киритилган, ЎЗР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й. №5, 124-модда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида Қонун, 1993 й. 6 майда қабул қилинган. 1997 й. 25 апрелда, 1998 й. 29 августда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, ЎЗР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й. №5—6, 102-модда.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўғрисида Қонун, 1995 й. 22 декабрда қабул қилинган. ЎЗР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й. №12, 262-модда.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги Қонун. 1999 й. 30 августда қабул қилинган. ЎЗР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., №9, 183- модда.

Ўзбекистон Республикасининг пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонуни, 1993 й. 3 сентябр куни қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 1935 й. 21 июнда Женевада қабул қилинган “Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига қирқ соатга қисқартириш тўғрисида”ги 47-Конвенцияга қўшилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори.

Ўзбекистон Республикасининг 1936 й. 24 июнда Женевада қабул қилинган “Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар тўғрисида”ги 52-Конвенцияга қўшилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори.

Ўзбекистон Республикасининг 1964 й. 9 июлда Женевада қабул қилинган “Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисида”ги 122-Конвенцияга қўшилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. —Т.: “Адолат”-1996 й.

Аметистов Э.М. Правовое регулирование труда иностранных граждан в СССР // Сов. Гос. и право.- 1997.

Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник, М.:1994

Гасанов М.Ю. Трудовой кодекс: Развитии инициативы работников и работодателей. Народное слово. 14-18 ноября №221-224.

Гасанов М.Ю., Хван Л.Б. Международная организация труда и Узбекистан. // Экономика и статистика. 1993,35. 49—51-бет.

Глазырин В.В. Правовое регулирование труда иностранных граждан в России. Юрид.мир., май 1997, 32—43-бет.

Довгерт А.С. Правовое регулирование международных трудовых отношений. - Киев, 1992.

Жарков Б.И., Рожин В.В. Правовое регулирование труда иностранных рабочих. Сов.гос и право-1975.

Иванов С.А. МОТ: Контроль за применением международных норм о труде и его проблеме. // Гос и право. 1992. №7 17-25-бет.

Лазарев Л.В., Марышева Н.И., Пантелеева И.В. Иностранцы граждане: Правовое положение. Под. Ред. *Н.И. Марышевой.* - М.: Российское право, 1992.

Лунц Л.А. Курс международного частного право. Особенная часть. - 476-490-бет.

Лунц Л.А., Марышева Н.И., Пантелеева И.В. Иностранцы граждане: Правовое положение. Под.ред. *Марышева.*

Прокофьев Ю.А. Контроль за соблюдением законодательства о привлечении и использовани иностранной рабочей силы. Юридический мир, май, 1997, 44-45-бет.

Френкель Э.Б. Правовое регулирование занятости иностранцев на территории Германии. Уша жойда. 47-49-бет.

Юридическая энциклопедия. Под. Ред. *Тихомирова.* М. 1997.

XXIII БОБ

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА НИЗОЛАРНИ СУД ТАРТИБИДА КЎРИБ ЧИҚИШ

1-§. Халқаро фуқаролик жараёни тушунчаси

Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик ишларини умумий судларда, арбитражда, холислик судида кўриб чиқиш пайтида аксарият ҳолларда умумий ва махсус масалалар вужудга келади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик ишларини юри-тиш бўйича махсус масалалар халқаро фуқаролик жараёнининг бир жабҳасини ташкил қилади. Нотариат ва бошқа органлар томонидан халқаро фуқаролик муносабатлари иштирокчиларининг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши билан боғлиқ бошқа махсус масалалар ҳам халқаро фуқаролик жараёни тартибига киради. Айнан шу жабҳага одатда халқаро тижорат арбитражи ҳам киритилади. Кейинги йилларда савдо муносабатларининг барқарор ривожланиши-да унинг аҳамияти сезиларли даражада ортди.

Давлатнинг халқаро фуқаролик жараёнини тартибга солувчи ички меъёрлари процессуал ҳуқуқ — фуқаролик процессуал ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи жабҳаларига мансубдир. Халқаро хусусий ҳуқуқ фани шу меъёрларнинг қўлланиши масалаларини ўрганади. Халқаро фуқаролик жараёни муаммоларининг халқаро хусусий ҳуқуқ фани ўрганадиган муаммолар қаторига киритилишига сабаб — бу муаммолар келиб чиқиши жиҳатидан ўзаро ўхшаш ва моддий-ҳуқуқӣ ва процессуал институтлар жиҳатидан ўзаро боғлиқдир.

Барча давлатларда чет эл фуқароларининг ҳуқуқӣ ва муомала лаёқати борасидаги миллий тартиб ва фуқаролик процессуал ҳуқуқлар борасидаги миллий тартиб ўзаро бир-бирига боғлиқ.

Чет эл ҳуқуқ меъёрлари мазмунини аниқлаш жараёни коллизион меъёрларни қўллаш билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Халқаро судловга тааллуқлилик, ҳуқуқӣ ёрдам кўрсатиш, чет эл суд ва арбитраж қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш бўйича муаммолар чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг хусусиятларини акс эттиради.

Мазкур курсда халқаро фуқаролик жараёнининг қуйидаги масалалари устида сўз боради:

а) чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл ташкилотлари, чет давлат, халқаро ташкилотлар, уларнинг мансабдор

шахслари, чет давлат вакилларига оид фуқаролик суд ишларини юри-тиш борасидаги процессуал ҳолат;

б) фуқаролик ишлари бўйича халқаро судловга тааллуқлилиқ;

в) чет эл ҳуқуқи мазмунини аниқлаш тартиби;

г) чет эл судлари ва бошқа адлия идоралари топшириқларининг ижро этилиши;

д) халқаро тижорат арбитражи (шу жумладан, чет эл арбитраж қарорларининг этироф этилиши ва мажбурий ижро этилиши масалалари).

Чет эл фуқаролари иштирокидаги фуқаролик суд ишларининг юритилиши Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича *lex fori* коллизия меъёрининг натижаси эмас. Ўзбекистонда амал қилувчи коллизия ҳуқуқда, айталик, Квебек Фуқаролик кодексининг 10-китоби 3132-моддасидаги каби, суд ишларини юритишни суд ҳуқуқи деб белгилаб қўйган меъёрлар мавжуд эмас. **Процессуал ҳуқуқ – оммавий ҳуқуқ; умумий қонда бўйича, агар миллий қонунлар ва халқаро шартномалардан бошқа ҳолат келиб чиқмаса, бу меъёрларнинг амал қилиши коллизия муаммо вужудга келишига ва коллизия меъёрлар туфайли чет эл процессуал қоидаларининг қўлланишига йўл қўймайди.**

Чет эл процессуал ҳуқуқининг қўлланиши имконияти, асослари ва чегаралари масаласи алоҳида тадқиқотни талаб этади. Айни шу жойда таъкидлаш лозимки, халқаро ҳаёт шароитлари учун табиий бўлган миллий ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро ҳамкорликда амал қилиши шундай вазиятларга олиб келадики, чет эл процессуал ҳуқуқ институтининг қўлланиши масаласи пайдо бўлади. Ҳар ҳолда, маҳаллий коллизия меъёрлар тавсия этадиган чет эл ҳуқуқ меъёрининг оммавий-ҳуқуқий деб, қисман эса, процессуал деб таснифланиши унинг қўлланишини рад этиш учун асос бўла олмайди.

Қатор ҳуқуқий тизимлар томонидан процессуал ҳуқуқ институти сифатида қўриладиган даъво муддати институти бунга мисол бўла олади. Яқин ўтмишда чет эл оммавий ҳуқуқ меъёрларининг қўлланмаслиги тўғрисидаги тезис жуда мустаҳкам бўлган бўлса, эндиликда эса муайян ҳолатларда бундай меъёрларнинг қўлланиши имкониятлари анча кўзга ташланиб қолди. Шунга боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидagi янгиликни таъкидлаб ўтиш жоиздир: чет эл ҳуқуқ меъёри оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлганлигига асосланибгина уни қўллашни чеклаш мумкин эмас (1158-модда, 4-қисм). Шундай бўлса-да, чет эл процессуал меъёрларига мурожаат қилиш хусусий ҳуқуқ меъёрларининг қўлланишига нисбатан бошқа-чароқ асосга қўрилади ва бугунги кунда умумий қоидалардан истисно ҳисобланади. Бундай мурожаат одатда халқаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро битимда тааллуқли келишув мавжуд бўлганда талаб юборувчи адлия идорасининг илтимосига биноан чет эл судларининг топшириқларини бажариш ҳолларида юзага келади.

Халқаро фуқаролик жараёни муаммоларини ўрганиш халқаро хусусий ҳуқуқдан таниш бўлиб қолган тушунчаларни эслатади. “Миллий тартиб”, “тарафларнинг келишуви”, “ҳамкорлик”, “реторсия”, “оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ” — бу ва бошқа институтлар халқаро фуқаролик жараёни доирасида янгича аҳамият касб этади. Жумладан, халқаро фуқаролик жараёнида оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ асосан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, чет эл судлари ва арбитражлар қарорларини эътироф этиш ва бажаришда қўлланилади. Изоҳнинг тузилишида асосий тушунчалар бўлмиш “суверенитет”, “хавфсизлик” тушунчалари оммавий ҳуқуқ тоифасига мансубдир.

Халқаро фуқаролик жараёни меъёрларининг турли манбаларида оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ мана бундай таърифланади:

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўров, “агар бундай ёрдамнинг кўрсатилиши ёрдам сўралган Шартнома тузувчи Тараф суверенитетига ёки хавфсизлигига зарар етказадиган бўлса ёки унинг қонунларига зид бўлса” (Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги 1993 йилги Конвенция, 19-модда), рад этилиши мумкин.

1993 йилги Конвенциянинг 19-моддасида оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳнинг сўнгги қисми эътиборни жалб этади: “...Шартнома тузувчи Тараф... қонунларига зид бўлса”. Қонунлар ўртасидаги фарқ изоҳнинг қўлланишига асос бўла олмайди, шу сабабдан юқорида тилга олинган Конвенциянинг 19-моддасидаги қоида изоҳнинг тайинланишига нисбатан бизнинг доктринада шаклланган муносабатга унчалик мос келмайди.

Ҳуқуқий томондан қараганда изоҳ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ўртасида тузилган ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки тарафлама шартномаларда айниқса аниқ кўрсатилган.

1954 йилги Фуқаролик жараёни масалалари бўйича Гаага конвенцияси, 1959 йилги Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Европа конвенцияси ва Европа мамлакатлари ўртасида тузилган баъзи бошқа шартномаларда таъкидланадиги, топшириқнинг бажарилиши, ёрдам сўралган давлатнинг фикрича, унинг суверенитетига ёки хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса, ёрдамни рад этиш мумкин, лекин қонунлар ўртасидаги фарқ шундай рад жавоби учун асос қилиб олинмайди.

Халқаро фуқаролик жараёни манбалари ҳам, халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари каби, икки ёқлама хусусиятга эга: улар ички қонунлар билан бир қаторда халқаро шартномаларни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, бу борада 1954 йилги Фуқаролик жараёни масалалари бўйича Гаага конвенцияси, 1958 йилги Чет эл арбитражлари қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги конвенция, 1961 йилги Ташқи савдо

арбитражи тўғрисидаги Европа конвенцияси, 1972 йилги Иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик муносабатларидан келиб чиқувчи фуқаролик-ҳуқуқий низоларни арбитраж йўли билан ҳал этиш тўғрисидаги конвенция, 1961 йилги Чет эл расмий ҳужжатларини қонунлаштиришни легаллаштиришни талаб этишни бекор қилувчи конвенцияларни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида тузилган 1992 йилги Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги битим ва 1993 йилги Фуқаролик, оила ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияда ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ масалалари, ҳам халқаро фуқаролик жараёни масалалари ҳал этилади.

Халқаро фуқаролик жараёни масалаларини тартибга солувчи кўп сонли икки тарафлама халқаро шартномалар фуқаролик, оила ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларни ташкил қилади.

2-§. Судловга тааллуқлиликни белгилаш ва пророгацион битимлар

Халқаро хусусий ҳуқуқ тизимида халқаро судловга тааллуқлилик деганда чет эл элементи билан боғлиқ фуқаролик ишларини ҳал этиш бўйича суд ваколатлари назарда тутилади. Фуқаролик ишлари бўйича халқаро судловга тааллуқлилик тўғрисида барча давлатлар учун умумий мажбурий меъёрлар тизими мавжуд эмас, лекин баъзи халқаро шартномаларда — кўп тарафлама ва икки ёқлама шартномалар таркибига шу шартномалар орқали тартибга солинувчи ҳамкорлик доирасида қўлланадиган халқаро судловга тааллуқлилик тўғрисида қоидалар ҳам киради. Коллизион қоидалар моддий қонунлар “тўқнашуви”ни енгишга имкон беради, халқаро судловга тааллуқлилик тўғрисидаги қоидалар эса “юрисдикция низолари”ни ҳал этади. Бундай низолар ижобий (икки ва ундан ортиқ давлатларнинг процессуал меъёрлари бир иш юзасидан судловга тааллуқлиликка даъво қилади) ва салбий (икки ва ундан ортиқ давлатларнинг процессуал меъёрлари бир иш юзасидан судловга тааллуқлиликни рад этади) бўлади.

“Юрисдикция низоси”ни ҳал этиш ва қонунлар коллизиясини ҳал этиш қатор ҳолларда чамбарчас боғлиқ бўлади: юрисдикцияни танлаб олиш баъзан қайси ҳуқуқ қўлланилишини белгилаб беради. Масалан, 1993 йилги Фуқаролик, оила ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция бўйича (28-модда, 2-банд) эр-хотиндан бири Шартнома тузаётган Тарафлардан бирининг фуқароси, иккинчиси эса — бошқа Тараф фуқароси

бўлган ҳолларда никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўраётган идора қайси Тарафга мансуб бўлса, шу Тараф қонунлари қўлланади.

Фуқаролик ишлари бўйича халқаро судловга тааллуқлилиқ тўғрисида умумий мажбурий меъёрлар мавжуд бўлмаган ҳолларда *lis alib ipendens* муаммоси (худди шу иш бўйича чет эл судида ҳам жараён мавжудлиги, яъни суд масалани ҳал этиш учун қабул қилгани ва бу ҳолнинг даъвои кўриб чиқмасдан қолдириш учун асос бўлиши) вужудга келиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 152-моддасида агар шу ёки бошқа судда айнан шу тарафлар ўртасидаги айнан шу предмет тўғрисида ва шу асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, даъво кўриб чиқмасдан қолдирилиши таъкидланади. Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эл ташкилотлари иштирокидаги низоли фуқаролик ишларини Ўзбекистон Республикаси судларида судловга тааллуқлилигини аниқлашда ФПК да белгиланган судловга тааллуқлилиқ қоидаларини қўллаш масаласи ФПК нинг 388-моддасида ҳал этилади. Адабиётларда шундай муаммо қўйилади: юқорида келтирилган ФПК 152-моддасидаги қонданнинг қўлланиш чегараси қандай, агар муайян давлат билан суд қарорларининг ўзаро ижро этилиши тўғрисида битим тузилмаган бўлса, шу давлат судида иш қўзғатилган тақдирда мазкур моддага мурожаат қилиш мумкинми? Фикримизча, бу саволларга ФПК 152-моддаси қоидаларидан жавоб олиш мумкин, яъни:

1) агар Ўзбекистон Республикаси судига даъво тақдим этилишидан аввал чет давлатнинг ваколатли суди айнан шу тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан шу асослар бўйича низо юзасидан ишни қабул қилган ва юритаётган бўлса ёки қонуний кучга кирган қарор қабул қилган бўлса, суд бу даъвои кўриб чиқмасдан қолдиради ёки иш юритишни тўхтатади;

2) агар чет давлат судининг қабул қилган ёки қабул қиладиган қарори Ўзбекистон ҳудудида эътироф этилиши ёки ижро қилиниши шарт бўлмаса, ёки шу иш Ўзбекистон Республикаси судининг алоҳида ваколатига таллуқли бўлса, бундай оқибатлар вужудга келмайди.

Агар халқаро шартномада чет эл судларининг қарорлари Ўзбекистонда ижро этилиши кўзда тутилган бўлса, улар албатта ижро этилади. Масалан, 1993 йилги Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенциянинг 55-моддасида айтилишича, агар айнан шу тарафлар ўртасидаги айнан шу мавзуда ва шу асослар бўйича низо юзасидан Шартнома тузаётган Тараф ҳудудида иш мавжуд бўлса, агар қарор ҳам шу ерда эътироф этилиши ёки ижро этилиши лозим бўлса, агар учинчи давлат суди аввал чиқарган қарори қонуний кучга кирган бўлса ёки агар шу Тараф идораси томонидан мазкур низо юзасидан аввал иш қўзғатилган

бўлса, чет эл суди қарорини эътироф этиш ёки уни мажбурий ижро этишга рухсат бериш рад этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида халқаро судловга тааллуқлилик масаласини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш халқаро шартномалар, фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал қонуллари метёёрларида акс этган.

Бу гуруҳларнинг ҳар бирида алоҳида мустасно, муқобил ва келишилган судловга тааллуқлилик тўғрисидаги метёёрларни ажратиб олиш мумкин.

Алоҳида судловга мустасно тааллуқлилик деганда низои муайян давлат судловига тааллуқли деб белгилаш ва бошқа давлатлар судлари судловига тааллуқли эмаслигини қатъий таъкидлаш тушунилади.

Муқобил судловга тааллуқлилик **Ўз давлати ва чет давлатлар** орасидан истаганини танлаб олиш имконини назарда tutиadi.

Келишилган судловга тааллуқлилик тарафларнинг келишувига асосан судловга тааллуқлиликни белгилашда акс этиadi.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексида халқаро судловга тааллуқлилик ички судловга тааллуқлилик қоидалари асосида белгиланади (141-143-моддалар). ФПК нинг 388-моддасида назарда тугилишича, “чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган низоларнинг, шунингдек, лоақал биттаси чет элда яшаб турган тарафлар ўртасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси судларининг судловига тааллуқли бўлиши, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тугилган бўлмаса, ушбу Кодекс билан белгиланади”.

ФПКнинг 145-моддасида судловга тааллуқлиликнинг асосий қоида-си берилган: даъво жавобгарнинг яшаш жойи бўйича судга тақдим этилади. Юридик шахсга нисбатан даъво шу юридик шахс органи ёки мулки жойлашган жойидаги судга тақдим этилади. Даъвогарнинг истагига асосланган судловга тааллуқлилик қоидалари (ФПК 241-моддаси) қуйидаги имкониятларни беради: яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан — унинг мулки жойлашган манзил ёки унинг энг сўнгги маълум яшаш жойи бўйича даъво тақдим этиш; Ўзбекистонда яшаш жойи бўлмаган жавобгарга нисбатан — унинг мулки жойлашган манзил ёки унинг энг сўнгги маълум яшаш жойи бўйича даъво тақдим этиш; юридик шахс филиали фаолиятдан келиб чиқадиган даъвони — филиал жойлашган жойи бўйича тақдим этиш; алиментлар ундириш ёки оталикнинг белгиланиши бўйича даъволарни — даъвогарнинг яшаш жойи бўйича тақдим этиш; боқувчининг жароҳатланиши ёки унинг саломатлигига путур етганлиги туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвони — даъвогарнинг яшаш жойи ёки

зарар етказилган жой бўйича тақдим этиш; фуқаронинг ёки юридик шахснинг мулкига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвони — зарар етказилган жой бўйича тақдим этиш; бажариш жойи кўрсатилган шартномалардан келиб чиқадиган даъволарни — шартноманинг бажарилиш жойи бўйича тақдим этиш ва ҳ.к.

Иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги, мулкни хатлашдан чиқариш ҳақидаги, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъволар мулк (ер майдони) жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тааллуқлидир; мерос қолдирувчининг кредиторлари мерос во-рислар томонидан қабул қилингунига қадар тақдим этган даъволар мерос мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тааллуқлидир; йўловчи, багаж ёки юк ташиш шартномала-ридан ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъволар белгиланган тартибда талаб қўйилган транспорт ташкилотининг бошқармаси жой-лашган ҳудудда тақдим этилади (ФПКнинг 242-моддаси, “Судловга тааллуқлилиқнинг алоҳида ҳоллари”).

Ўзбекистон Республикасида хўжалик судларининг чет эллик шахс-лар иштирокидаги ишлар бўйича ваколатлари ХПК 223-моддасида бел-гилаб қўйилган. Умумий қоидага кўра, хўжалик судлари чет эллик шахс-лар иштирокидаги ишларни, башарти жавобгар ташкилот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, фуқаро эса шу ҳудудда яшаш жойи-га эга бўлса, кўриб чиқади. Хўжалик судлари чет эллик шахслар ишти-рокидаги ишларни қуйидаги ҳолларда ҳам кўриб чиқишга ҳақли:

1) чет эллик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса;

2) жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкка эга бўлса;

3) даъво Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижро этилиши ло-зим бўлган ёки ижро этилган шартномадан келиб чиққан бўлса;

4) мулкка етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги иш бўйича зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қўйишга асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат Ўзбекистон Республикасида содир этилган бўлса;

5) даъво Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги асоссиз бойишдан келиб чиққан бўлса;

6) шаън, қадр-қиммат ва хизмат обрўсини ҳимоя қилиш тўғри-сидаги иш бўйича даъвогар Ўзбекистон Республикасида турган бўлса;

7) ишнинг хўжалик судида кўрилиши ҳақида Ўзбекистон Рес-публикаси ташкилоти ёки фуқароси билан чет эллик шахс ўртасида битим мавжуд бўлса.

Биноларга, иншоотларга, ер майдонларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш, бинолар, иншоотлар, ер майдонларини ўзганинг ноқону-ний эгалигидан талаб қилиб олиш, мулкдорнинг ёки қонуний эгалик қилувчининг ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш билан боғлиқ

ишлар, башарти эгалик қилишдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаса, бино, иншоот, ер майдони жойлашган жойда кўрилади.

Йўловчи ёки юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган ташувчиларга нисбатан даъволар бўйича ишлар, шу жумладан, ташувчи жавобгарлардан бири бўлганда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойда кўрилади.

Судловга тааллуқлиликни белгиловчи келишув пророгацион ёки дерогацион битим шаклига кириши мумкин. Биринчисида, муайян давлатнинг судловига тааллуқли бўлмаган иш шу битим туфайли айнан шу судга кўриб чиқиш учун топширилади; иккинчисида муайян давлатнинг суди судловига тааллуқли бўлган иш бошқа давлатнинг судига топширилади.

1993 йилги Фуқаролик, оила ва жинойий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияда халқаро судловга тааллуқлилик (ваколат чегаралари) тўғрисидаги меъёрлар анча кенгайтириб берилган. II бўлимда (“Фуқаролик ва оила ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар”) фуқаролик ва оила ишларининг алоҳида турлари бўйича судловга тааллуқлилик тўғрисидаги қоидалар билан бир қаторда судловга тааллуқлилик тўғрисидаги умумий қоидалар ҳам келтирилади. Уларнинг қўлланиши низолашаётган тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун ижобий процессуал шароит яратиш имконини беради.

Конвенцияда бошқа қоида мавжуд эмаслиги туфайли, Шартнома тузаётган Тарафлардан бирортаси ҳудудида яшаш жойи бўлган шахсларга нисбатан даъволар, бу шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар, айнан шу Тараф судларига тақдим этилади, юридик шахсларга нисбатан даъволар эса шу юридик шахснинг бошқарув органи, ваколатхонаси ёки филиали жойлашган Тараф судларига тақдим этилади.

Ишда яшаш жойи (жойлашган жойи) турли Тарафлар ҳудудларида бўлган бир неча жавобгарлар иштирок этиши мумкин. Бу ҳолда низо даъвогарнинг истаги бўйича бирор жавобгарнинг яшаш жойи (жойлашган жойи) бўйича кўриб чиқилади.

Шартнома тузаётган Тараф судлари қуйидаги ҳолларда ишни кўришга ваколатли ҳисобланади:

– жавобгарнинг корхонаси (филиали) айнан шу ҳудудда савдо, саноат ёки бошқа турдаги хўжалик фаолиятини юритаётган бўлса;

– низо предмети бўлмиш шартномадаги мажбурият айнан шу ҳудудда бажарилган ёки тўла (қисман) бажарилиши лозим бўлса;

– шаън, қадр-қиммат ва хизмат обрўси билан боғлиқ даъво бўйича даъвогар айнан шу ҳудудда доимий яшаш жойи ёки жойлашган жойи мавжуд бўлса.

Конвенцияда кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги даъволарга нисбатан алоҳида судловга тааллуқлилиқ назарда тутилган. Бундай ишлар бўйича фақат мулк жойлашган жойдаги судларгина ваколатлидир.

Юк, йўловчи ва багаж ташиш шартномаларидан келиб чиқадиган ташувчиларга нисбатан даъволар транспорт ташкилотининг бошқармаси жойлашган жойи бўйича судга тақдим этилади.

Келишилган судловга тааллуқлилиқ тўғрисидаги қоидаларнинг Конвенцияга киритилиши ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар учун янгиликдир. Шартнома тузаётган Тарафлар судлари, башарти уларнинг ўртасида низони қайси судга топшириш тўғрисидаги ёзма келишув мавжуд бўлса, ишларни кўришлари мумкин. Бироқ, Конвенция меъёрларидан ва Тарафларнинг ички қонунларидан келиб чиқадиган алоҳида ваколатлар Тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

1992 йилги Хўжалиқ фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги битимда шу битим иштирокчилари бўлган МДХ мамлакатлари субъектлари ўртасидаги бундай низоларнинг судловга тааллуқлиги қуйидагича белгиланган.

МДХ аъзоси бўлган давлатнинг ваколатли суди юқорида тилга олинган низоларни қуйидаги ҳолларда кўриб чиқишлари мумкин:

а) агар жавобгар даъво тақдим этилган кунга келиб айнан шу давлат ҳудудида доимий яшаш жойига ёки манзилгоҳига эга бўлган бўлса.

Агар ишда МДХ нинг турли давлатлари ҳудудида жойлашган бир неча жавобгарлар иштирок этаётган бўлса, низо даъвогарнинг танлашига қараб улардан бирортаси жойлашган жойида кўриб чиқилади;

б) жавобгарнинг корхонаси (филиали) айнан шу давлат ҳудудида савдо, саноат ёки бошқа турдаги хўжалиқ фаолиятини юритаётган бўлса;

в) низо предмети бўлмиш шартномадаги мажбурият айнан шу давлат ҳудудида бажарилган ёки тўла (қисман) бажарилиши лозим бўлса;

г) етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш учун асос бўлган ҳаракат ёки ҳолат айнан шу давлат ҳудудида содир бўлган бўлса;

д) хизмат обрўси билан боғлиқ даъво бўйича даъвогарнинг айнан шу давлат ҳудудида доимий яшаш жойи ёки жойлашган жойи мавжуд бўлса;

е) контрагент-етказиб берувчи, пудратчи ёки хизмат кўрсатувчи (иш бажарувчи) айнан шу давлат ҳудудида бўлиб турган ва низо шартномани тузиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан боғлиқ бўлса.

1992 йилги битим келишилган судловга тааллуқлилиқни назарда тутди: агар тарафларнинг низони муайян судга топшириш тўғрисидаги ёзма келишуви мавжуд бўлса, МДХ аъзолари бўлган давлатларнинг ваколатли судлари ишларни кўриб чиқишлари мумкин.

Битимда, алоҳида судловга тааллуқлилик чегаралари аввало кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъволарга нисбатан белгиланган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг бундай ишлар бўйича даъволари мулк МДХ аъзоси бўлган давлатлардан қайси бирининг ҳудудида жойлашган бўлса, шу давлат судида кўрилади. Бундан ташқари, давлат органлари ва бошқа идораларнинг тўла ёки қисман меъерий хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатларининг ҳақиқий эмас деб топиллиши тўғрисидаги, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга шундай ҳужжатлар туфайли етказилган ёки юқоридаги органларнинг хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан мажбуриятларини тааллуқли даражада бажармаганлиги туфайли вужудга келган зарарни қоплаш тўғрисидаги ишлар айнан фақат шу орган жойлашган ҳудуд судида кўрилади.

1968 йилда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти давлатлари томонидан тузилган Юрисдикция ҳамда фуқаролик ва савдо ишлари бўйича суд қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги Брюссель конвенциясида судловга тааллуқлилик масалаларининг тартибга солиниши айниқса қизиқарлидир. Бу конвенция Ҳамжамиятнинг халқаро фуқаролик жараёни меъёрларини унификация қилиш борасидаги энг катта ютуқлардан биридир. Конвенцияда халқаро судловга тааллуқлиликни белгилаш учун фойдаланилган асосий мезон – бу жавобгарнинг домицилийси (доимий жойлашган ёки рўйхатга олинган жойи) ҳисобланади: конвенция иштирокчиларидан бўлган бирор давлатда домицилийси мавжуд бўлган шахс фуқаролигидан қатъи назар айнан шу давлат судларида жавоб беради. Бу қоидадан истиснолар жуда чекланган: конвенция иштирокчиларидан бўлган бирор давлатда домицилийси мавжуд бўлган шахслар конвенциянинг қатор бўлимларида, шу жумладан, суғурта тўғрисидаги, истеъмол шартномалари ва алоҳида судловга тааллуқлиликка оид низолар бўйича махсус юрисдикция масалалари ҳақидаги бўлимларда кўрсатилган қоидалар асосидагина бошқа давлат судларида жавоб беришлари мумкин.

1968 йилги конвенция муқобил судловга тааллуқлилик тўғрисидаги (баъзи тоифадаги низолар учун), махсус судловга тааллуқлилик тўғрисидаги (истеъмол шартномалари ва суғурта шартномаларидан келиб чиқадиган низолар учун), алоҳида судловга тааллуқлилик тўғрисидаги (кўчмас мулкка бўлган ашёвий ҳуқуқлар бўйича, давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги ёзувларнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги ва бошқа низолар учун), пророгацион битимларни тузиш тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади.

ЕАСТ аъзоси бўлган давлатлар ўртасида Фуқаролик ва савдо ишлари бўйича суд қарорларининг судловга тааллуқлилиги ва ижро этилиши тўғрисида битим тузилган (Лугано, 1988 йил).

3-§. Чет эл фуқаролари ва чет эл ташкилотларининг процессуал ҳолати

Чет эл фуқаролари ва чет эл ташкилотларининг Ўзбекистон Республикасидаги процессуал ҳолати барчанинг қонун ва суд олдида баробарлиги тўғрисидаги (Ўзбекистон Конституциясининг 18-моддаси), ҳуқуқ ва эркинликларнинг суд ҳимояси кафолатлари тўғрисидаги (Ўз Р Конституциясининг 44-моддаси), чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар борасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тенглаштирилганлиги тўғрисидаги (Ўз Р Конституциясининг 23-моддаси) ва бошқа конституцион меъёрларга асосланади.

Бузилган фуқаролик ҳуқуқлари ҳимоясини процессуал қонунчилик томонидан белгилаб қўйилган тартибда суд, хўжалик суди ёки ҳолислар суди амалга оширади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Чет эл фуқаролари ва чет эл ташкилотларига Ўзбекистон фуқаролари ва ташкилотлари билан тенг равишда процессуал ҳуқуқий лаёқатлар берилиши — Ўзбекистон Республикасида чет эл ҳуқуқ субъектлари мақомини белгиловчи миллий режим хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексида (386-модда) шундай қоида мустақамлаб қўйилганки, “чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар”. Кодекснинг худди шу моддасида чет эл ташкилотларига тааллуқли қоида ҳам берилган (улар Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар), лекин назария ва амалиёт бу қоида ни миллий режимнинг бошланишидан нишона деб билади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодекси ҳам процессуал ҳуқуқлар борасида чет эллик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси шахсларига тенглаштирилишидан келиб чиқади. Кодекснинг 221-моддасига биноан, чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун томонидан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ва фуқаролари билан тенг равишда процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларни бажарадилар.

Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунчилигида қонун ва суд олдидаги тенглик конституцион тамойили изчил олиб борилади. Хўжалик судида ҳам одил судлов корхоналар, муассасалар ва ташки-

лотларининг мулкчилик шаклидан, қаерда жойлашганлигидан, кимга бўйсунганидан қатъи назар, фуқароларнинг эса — жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣй ва ижтимоий мавқеидан, яшаш жойи, динга муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек, бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун ва суд олдидаги тенглик асосида амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодекси, 7-модда). Хўжалик жараёни ҳар қандай иштирокчисининг ҳуқуқӣй ҳолати фақатгина унинг процессуал ҳолати билан белгиланади (даъвогар, жавобгар, низо предметига нисбатан мустақил талаб қўювчи учинчи шахс, гувоҳ, эксперт ва ҳ.к.) ва жараён иштирокчиси ким эканлигига ва 7-моддада назарда тутилганидек бошқа белгиларга боғлиқ бўлмайди.

Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқӣй ёрдам тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси иштирок этган икки тарафлама шартномаларда Шартнома тузаётган Тарафлар фуқароларининг иккинчи давлат ҳудудидаги ҳуқуқӣй муҳофазаси қуйидагича амалга оширилади:

— бир Тараф фуқаролари иккинчи Тараф ҳудудида ўзларининг шахсий ва мулкӣй ҳуқуқларига нисбатан маҳаллий фуқаролар билан тенг равишда ҳуқуқӣй муҳофаза қилинадилар. Бу қоида Тарафлардан бирининг қонунларига мувофиқ ташкил этилган юридик шахсларга ҳам тааллуқли;

— бир Тараф фуқаролари иккинчи Тарафнинг фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ваколатли бўлган судларга, прокуратурага, нотариал идораларга (адлия бошқармаларига) эркин ва ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиш, маҳаллий фуқаролар билан тенг равишда суд мажлисларида сўзга чиқиш, даъво қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар,

1993 йилги Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқӣй ёрдам ва ҳуқуқӣй муносабатлар тўғрисидаги конвенцияда ҳуқуқӣй муҳофаза қилиш чегаралари белгилаб қўйилган. Шартнома тузаётган Тарафлар ҳудудида шахсий ва мулкӣй ҳуқуқларга нисбатан миллий режим фақатгина бошқа Тарафларнинг фуқароларига эмас, балки шу ҳудудда яшовчи барча фуқароларга ҳам тааллуқлидир. Шунга мувофиқ, фақатгина Шартнома тузаётган бошқа Тараф фуқаролари эмас, балки шу ҳудудда яшовчи барча фуқаролар ҳам шу Тарафнинг суд, прокуратура ва бошқа органларига эркин мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Айниқса, собиқ Совет Иттифоқи мустақил давлатларга бўлиниб кетгандан сўнг миллионлаб СССР фуқаролари турли давлатлар фуқароларига айландилар. Айнан шу шароитда ҳуқуқӣй муҳофаза муаммосининг шундай ҳал этилиши айниқса самаралидир. 1993 йилги Конвенция қоидалари Тарафларнинг қонунларига мувофиқ ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланади.

1992 йилги Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги битимда иштирок этган МДХ давлатларининг хўжалик юритувчи субъектлари:

а) МДХ таркибидаги бошқа давлат ҳудудида шу давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан тенг равишда ўзининг мулкый ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ва суд орқали муҳофаза қилишлари мумкин;

б) МДХ таркибидаги бошқа давлатлар ҳудудида эркин ва ҳеч қандай тўсиқсиз суд, арбитраж (хўжалик суди), ҳолислик суди ва тааллуқлича ишларни ҳал этишга ваколатли бўлган бошқа органларга мурожаат қилиш, суд мажлисларида сўзга чиқиш, даъво қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

МДХ давлатлари қонунларида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали муҳофаза қилиш борасидаги миллий режим улар томонидан бажарилиши лозим бўлган алоҳида талаблар билан, шу жумладан, муайян муддат ичида суд кетаётган давлатда яшаб туриш ёки даъвони қабул қилиш рад этилган ҳолда жавобгар қоплаши керак бўладиган суд харажатлари учун гаров пулини тўлаш билан боғлиқ эмас. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва халқаро шартномаларида чет элликларни суд харажатларини қоплашга мажбур этувчи *cautio judicatum solvi* институти мавжуд эмас.

1993 йилги Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция Шартнома тузаётган Тарафлар фуқароларини ва шу Тарафлар ҳудудида яшаб турган шахсларни маҳаллий фуқаролар билан бир хил шарт—шароитларда суд ва нотариал харажатларни тўлашдан озод этади.

Судларида Ўзбекистон фуқаролари ва ташкилотлари процессуал ҳуқуқларини махсус чеклаш мавжуд бўлган давлатларнинг фуқаролари ва ташкилотларига нисбатан жавоб тариқасида чеклашлар (реторсиялар) тайинланиши мумкин. Жавоб тариқасида чеклашларни тайинлаш Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига юклатилган (ФПКнинг 386-моддаси, ХПКнинг 221-моддаси).

4-§. Чет эл давлатнинг процессуал ҳолати

Давлатларнинг суверен тенглиги халқаро-ҳуқуқий тамойилидан келиб чиқадики, ҳеч бир давлат бошқа бир давлатнинг ҳоқимиятига (*par in parem non habet imperium*), унинг юрисдикциясига (*par in parem non habet jurisdictionem*) тобе бўлиши мумкин эмас. Давлат иммунитетининг халқаро-ҳуқуқий асослари фақатгина унинг чет эл суверен ҳоқимияти прерогативаларига мутлоқ ваколатларига тобе бўлмаслик ҳуқуқида

эмас, балки ўз прерогативаларини бошқа чет давлатга унинг розилигисиз ўтказмаслик мажбуриятида ҳам акс этади.

Албатта, бизни аввало фуқаролик-ҳуқуқий (кенг маънода) ва фуқаролик-процессуал муносабатлар ва уларда давлатнинг субъект сифатидаги иштироки қизиқтиради. Шундай муносабатларда иштирок этар экан, давлатга нисбатан бошқа давлат юрисдикциясининг таъсир этиши имкониятлари ва чегаралари юқорида тилга олинган халқаро-ҳуқуқий асослардан четда қолиши мумкин эмас.

Лекин, бошқа суверен юрисдикцияси чегарасида ҳаракат қила туриб, давлат органлари ва иммунитетли шахслари ўзларининг маҳаллий қонунлар ва маҳаллий ҳуқуқ-тартиботга бўлган муносабатларини белгилашда эркин бўладилар, деб тахмин қилиш нотўғри. 1961 йилги Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясида белгилаб қўйилганидек, конвенцияда назарда тутилган имтиёзлар ва иммунитетлардан қатъи назар, шундай имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланувчи шахслар ўзлари ҳозир бўлиб турган давлат қонуни ва қарорларини ҳурмат қилишга мажбурлар (41-модда). Шунингдек, улар мазкур давлатнинг ички ишларига ҳам аралашмасликлари лозим.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, иммунитет тамойили халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари қаторига кирмайди, биринчидан: у давлатлараро муносабатларни тартибга солишда асосий тамойил эмас. у фақат давлатларнинг халқаро мулоқотдаги вакиллиги йўналишида мавжуд; иккинчидан: у императив эмас, балки диспозитив хусусиятга эга, чунки давлатлар халқаро ҳамжамияти ўзаро манфаатлардан келиб чиққан ҳолда шундай истак билдирган. Бироқ, бу ҳолат давлатлар иммунитетни тамойилининг “давлат суверенитети – давлатлар билан халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатлар асоси” деган қисмидаги муҳимлиги ва аҳамиятини камайтиради деган гап эмас.

Давлат иммунитетининг асосий кўрсаткичи — бу давлат органлари (шу жумладан, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик идоралари, уларнинг ходимлари, давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилотлар, давлатларнинг шу ташкилотлардаги вакиллари, мансабдор шахслар) иммунитетидир.

Давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари иммунитетни мазмуни Вена конвенцияларида, яъни: 1961 йилги Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги конвенция, 1963 йилги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги конвенция, 1975 йилги Универсал турдаги халқаро ташкилотлар билан муносабатларда давлатларнинг вакиллиги тўғрисидаги конвенцияда очиб берилган. 1969 йилги Махсус миссиялар тўғрисидаги конвенция 1961 ва 1963 йилги конвенцияларни тўлдиради.

Дипломатик агент (яъни ваколатхона раҳбари ёки ҳукуматнинг дипломатик персонали аъзоси) фуқаролик ва маъмурий юрисдикциядан иммунитетга эга, лекин қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

1) ўзи бўлиб турган давлат ҳудудида жойлашган хусусий кўчмас мулкка оид ашёвий даъволар (агар бу мулкка ўз давлати номидан ҳукумат мақсадларида эгалик қилаётган бўлмаса);

2) мерос олишга оид даъволар (агар дипломатик агент бу ишда уни аккредитация қилган давлат номидан эмас, жисмоний шахс сифатида васиятни бажарувчи, мерос қолган мулкка нисбатан ҳомий, меросхўр ёки васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи бўлиб иштирок этаётган бўлса);

3) ҳар қандай профессионал ёки тижорат фаолиятига оид даъволар (агар дипломатик агент ўзи бўлиб турган давлатда ўз расмий фаолиятидан ташқари шундай фаолият билан шуғулланаётган бўлса).

Консуллик мансабдор шахслари ва консуллик хизматчиларининг улар бўлиб турган давлат суди ёки маъмурий органлари юрисдикциясига нисбатан иммунитетни қуйидагиларга тааллуқли эмас:

1) агар фуқаролик даъвоси консуллик мансабдор шахси ёки консуллик хизматчиси томонидан тузилган шартномадан келиб чиқса ва бу шартнома бўйича шу шахслар вакиллик қилинган давлат агенти сифатида мажбуриятларни ўз зиммаларига олмаган бўлса;

2) агар фуқаролик даъвоси шу шахслар бўлиб турган давлатда йўл-транспорт воситаси, кема ёки самолёт билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса туфайли етказилган зарар учун учинчи тарафдан тушган бўлса.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 105-моддасига биноан, ўз аъзолари бўлган давлатлар ҳудудида ўз мақсадларига эришиши учун шундай имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланади. БМТ аъзоларининг вакиллари ва унинг мансабдор шахслари ҳам ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ вазифаларни мустақил бажаришда зарур бўлган барча имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланадилар.

БМТ Бош Ассамблеяси 1946 йил февралда БМТ имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенцияни, кейинроқ эса, 1947 йил ноябрда Ихтисослаштирилган идораларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди. Бу идораларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари уларнинг ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон ҳудудида қатор халқаро ташкилотларининг бошқарув органлари ёки ваколатхоналари ишлаб турибди. Бундай ташкилотлар ва уларнинг органлари улар ҳақидаги халқаро шартномаларга мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати шу ташкилотлар билан тузган халқаро шартномаларга мувофиқ, Ўзбекистонда имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланадилар. Айтиб ўтилган шартномалар қаторига қуйидагилар ҳам киради:

– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида тузилган Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг доимий ваколатхонаси тўғрисидаги битим;

– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Иқтисодий иттифоқнинг Халқаро иқтисодий кўмитаси ўртасида тузилган шу кўмитанинг Ўзбекистон ҳудудида бўлиши тўғрисидаги битим.

Лекин, агар давлат битим тузган бўлса ва бошқа муносабатларда суверен вазифаларни адо этиш пайтидагидек эмас, балки бошқача — *ius imperii* доирасида эмас, балки *ius gestionis* доирасида иштирок этаётган бўлса, унда нима қилиш керак?

Хорижий мамлакатларда функционал, ёки чекланган иммунитет доктринаси кенг тарқалган. Унинг мазмуни шундаки, давлат тижорат, хусусий-ҳуқуқий фаолиятни амалга ошираётганда шу фаолиятдан келиб чиқадиган талабларга биноан иммунитетдан воз кечади. Бу доктрина қатор давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия, Сингапур ва б.) қонунларида, халқаро шартномаларда (1926 йилги Давлат судлари иммунитетига оид баъзи қоидаларнинг бирхиллаштирилиши тўғрисидаги Брюссель конвенцияси, 1972 йилги Давлатлар иммунитетига оид Европа конвенцияси), баъзи мамлакатларнинг суд амалиётида (Италия, Германия, Австрия, Франция, Бельгия ва б.) ўз аксини топган. Қонунларда иммунитетдан воз кечиш асослари, чегаралари ва шакллари, “давлат”, “тижорат фаолияти”, “савдо фаолияти” каби тушунчалар таърифи, чет давлатлар иммунитетига таъсир кўрсатмайдиган низолардан келиб чиқадиган талабларга, илк чоралар ва ижро ҳаракатларидан иммунитет бериш тартибига, иммунитет мавжудлигини белгиловчи орган ваколатларига, суд буйруғи ёки чет давлатга қарши жараён кўзғатилганлиги тўғрисидаги бошқа ҳужжатларни (процессуал хабарномани) топшириш ҳаракатларига оид масалалар ҳал этиб берилган.

Муаммонинг нақадар долзарблигини англаш қийин эмас. Сўз фуқаролик ишлари бўйича суд ишларини юритишда иштирок этишга жалб қилишдан, даъвони илк таъминланишидан, қарорни мажбурий ижро этишдан, давлатга тааллуқли мулкка нисбатан мажбурий чоралар кўрилишидан иммунитетлар ҳақида бормоқда. Хорижий мамлакатларнинг чет давлат иммунитетига доир қонунларида юрисдикцион иммунитет ҳамда илк чоралар ва ижро ҳаракатларидан иммунитет алоҳида ажратиб кўрсатилади. Қатор қонунлар (Буюк Британияда, Канадада, Австралияда ва б.) давлатнинг чет эл суди юрисдикциясига бўйсунушга розилик бериши унинг илк чоралар ва ижро ҳаракатларининг қўлланишига розилик беришидан далолат бермаслигидан келиб чиқади.

Давлатнинг иммунитетдан воз кечиши ҳоллари маҳаллий амалиётда ҳам маълум. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги савдо ваколатхоналари тўғрисидаги Низомда савдо ваколатхоналари судларда жавобгар сифатида фақат шу ваколатхона жойлашган мамлакатда тузган битимлари ва бошқа юридик ҳужжатларидан келиб чиқадиган низолар бўйичагина, ва фақат халқаро шартномалар ёки бир тарафлама

мурожаат орқали давлат савдо ваколатхонасини шу мамлакат судига бўйсунушига розилик берган ҳолдагина иштирок этишлари мумкинлиги назарда тутилган. Капитал маблағларнинг рағбатлантирилиши ва ўзаро муҳофаза қилиниши тўғрисида тузилган халқаро шартномалардаги умумий қоида — бу сармоядор ва сармояни қабул қилувчи давлат ўртасидаги инвестицион низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қоидадир (бундай низолар одатда сармояни қабул қилувчи давлатнинг ваколатли суди ёки арбитражи, Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ Комиссияси Арбитраж регламентига мувофиқ амал қилувчи “ad hoc” ҳолислик суди, шартномаларда доимий фаолият кўрсатувчи арбитраж деб юритилувчи Стокгольм савдо палатасининг Арбитраж институти томонидан ҳал этилади). Баъзи шартномаларда сармоядор низони Инвестицион низоларни тартибга солиш бўйича халқаро марказга топшириши мумкинлиги назарда тутилади (агар давлат мазкур Марказни таъсис этган 1965 йилги Конвенцияга аъзо бўлган бўлса).

БМТ Халқаро ҳуқуқ комиссияси тайёрлаган Давлатлар ва уларнинг мулки юрисдикцион иммунитетлари тўғрисидаги конвенция нормаларида “давлат” деган тушунча остида:

- давлат ва унинг бошқарув органлари;
- федератив давлатнинг таркибий қисмлари;
- давлатнинг суверен ҳокимияти йўлида амал қилишга ваколатли бўлган сиёсий бўлинмалари;
- давлат идоралари ва институциялари (давлатнинг суверен ҳокимияти йўлида амал қилиш ваколатлари доирасида);
- давлатнинг шундай сифатда фаолият кўрсатувчи вакиллари тушунилади.

“Тижорат битими” Конвенция меъёрларида қуйидагиларни англатади:

- товар сотиш ёки хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ҳар қандай тижорат шартномаси ёки битими;
- қарз бериш тўғрисидаги ёки молиявий мазмундаги ҳар қандай шартнома ёки битим, шу жумладан ҳар қандай қарз ёки битимга нисбатан кафолат ёки компенсация бўйича мажбуриятлар ҳам;
- тижорат, саноат ёки профессионал хусусиятга эга бўлган ҳар қандай шартнома ёки битим, меҳнат шартномалари бундан мустасно.

Конвенция нормалари давлат ва унинг мулкининг бошқа давлат судлари юрисдикциясидан иммунитетига нисбатан қўлланишини назарда тутди.

5-§. Чет эл ҳуқуқи мазмунини белгилаш (шарҳлаш)

Ишларни ҳал этиш пайтида судлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ равишда чет давлат-

лар ҳуқуқ меъёрларини қўллайдилар (ФПК, 12-модда, ХПК 13-модда). Қонунлар ва халқаро шартномалар чет эл элементи иштирокидаги хусусий ҳуқуқий муносабатларга нисбатан чет давлатлар ҳуқуқининг қўлланиши шартларини белгилайди.

Суд маҳаллий коллизия ҳуқуқ асосида қўлланиши лозим бўлган чет давлат ҳуқуқи мазмунини аввалдан билишга мажбур эмас. Лекин коллизия масала ҳал этилган бўлиб, чет давлат ҳуқуқи қўлланиши лозим бўлса, суд унинг кўрсатмалари мазмунини белгилаб олиши керак. Ўз талаблари ёки эътирозларига чет давлат ҳуқуқини асос қилиб кўрсатаётган тарафларга эмас, балки айнан судга унинг мазмунини белгилаб олиш (шарҳлаш) вазифаси юклатилади. Бундан келиб чиқадиги, суд ўз ташаббусига кўра ва ўзига юклатилган мажбуриятлар туфайли чет давлат ҳуқуқи мазмунини шарҳлайди (*ex officio*).

Чет давлат ҳуқуқи мазмунини шарҳлашдан мақсад ишни кўриб чиқиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳужжатни аниқлаш эмас, қабул қилинаётган қарорнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ёки халқаро шартномалари талабларига кўра меъёрий-ҳуқуқий асосларини белгилаб олишдир. Бошқача айтганда, судда чет давлат ҳуқуқи ишни кўриб чиқиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар билан бир қаторда исботланиши лозим бўлган ҳолат деб эмас, балки ҳуқуқий категория сифатида эътироф этилади. Чет давлат ҳуқуқи мазмунини белгиланида (шарҳлашда) ФПК 56-моддаси ва ХПК 55-моддасидаги ишда иштирок этаётган шахснинг ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаш мажбурияти тўғрисидаги қонда қўлланиши мумкин эмас.

Чет давлат ҳуқуқи меъёрларининг мазмунини фақат умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари, холислик судлари томонидангина эмас, балки чет давлат ҳуқуқини қўллашга ҳақли бўлган бошқа органлар томонидан ҳам шарҳланиши мумкин. Бошқа органлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига умумлаштирилган маълумотлар мавжуд: сўз чет давлат ҳуқуқи меъёрлари мазмунининг суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва бошқа органлар томонидан белгиланиши ҳақида боради. Чет давлат ҳуқуқининг нотариатда қўлланиши Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги қонунда назарда тутилган.

Бу ҳужжатларда аввало чет давлат ҳуқуқининг “ўз ватанида қандай бўлса, шундайлигича” қўлланиши талаб қилинади. Чет давлат ҳуқуқи меъёрларини қўллаётган орган уларнинг мазмунини шу давлатдаги расмий талқини, қўлланиш тажрибаси ва доктринасига мувофиқ равишда шарҳлайди.

Чет давлат ҳуқуқи меъёрларининг мазмунини белгилаш мақсадида уларни қўллаётган суд ва бошқа органлар ёрдам беришни ёки ту-

шунтириб беришни сўраб Адлия вазирлигига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳамда чет давлатнинг ваколатли органлари ва идораларига муурожаат қилишга ёки мутахассисларни жалб қилишга ҳақлидирлар (ХПК, 13-модда).

Қонун ишда иштирок этаётган шахсларга чет давлат ҳуқуқи тааллуқли меъёрларининг мазмунини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишга рухсат беради. Манфаатдор шахслар суд ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига чет давлат оила ҳуқуқи меъёрларининг мазмунини шарҳлашда бошқа бирор тарзда ҳам ёрдам беришлари мумкин.

Кўрилган чораларга қарамай, чет давлат ҳуқуқи меъёрлари ноаниқ бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи меъёрлари қўлланадиган лозим (ХПК, 13-модда).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳам чет давлат ҳуқуқи меъёрлари мазмунини аниқлашнинг шунга ўхшаш тартиби назарда тутилган (1160-модда). Чет давлат ҳуқуқи меъёрлари мазмунини белгилаш учун “оқилона муддат” тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ равишда қўлланилиши лозим бўлган чет давлат ҳуқуқи меъёрлари бузилганда ёки улар нотўғри қўлланилганда қандай оқибатлар юзага келади? Бундай ҳолларда чет давлат ҳуқуқи меъёрларининг бузилиши ёки уларнинг нотўғри қўлланилиши қарорнинг кассация тартибида бекор қилиниши учун асос бўлади. Моддий ҳуқуқ меъёрлари қуйидаги ҳолларда бузилган ёки нотўғри қўлланилган ҳисобланади:

- агар суд қўлланиши керак бўлган қонунни қўлламаган бўлса;
- агар суд қўлланиши керак бўлмаган қонунни қўллаган бўлса;
- агар суд қонунни нотўғри талқин этган бўлса.

Чет давлат ҳуқуқи меъёрларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши арбитраж суди қарорининг апелляция идораси томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши учун асос бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларда Тарафларнинг ҳуқуқий масалалар бўйича ахборот алмашиш тўғрисидаги мажбуриятлари ҳам ўрин олган. Масалан, 1993 йилги Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ, Тарафларнинг марказий адлия идоралари ўз ҳудудида амал қилган ёки амал қилаётган ички қонунлар ва уларнинг қўлланиш тажрибаси тўғрисида бир-бирларига маълумот бериб туришлари ҳақида шартлашиб олганлар. Ўзбекистон-Озарбайжон, Ўзбекистон-Қирғизистон, Ўзбекистон-Латвия, Ўзбекистон-Литва, Ўзбекистон-Молдова икки тарафлама ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларда шу давлатларда амал қилган ёки амал қилаётган қонунлар ва уларнинг қўлланилиши масалалари ҳақида маълумот берувчи адлия идоралари сифатида адлия вазирликлари ва прокуратуралар тилга олинади.

1992 йилги Хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги битимга биноан, битим иштирокчилари бўлган давлатларнинг олий суд органлари ва адлия вазирликлари ўз давлатларида амал қилган ёки амал қилаётган қонунлар ва уларнинг қўлла-ниши масалалари ҳақида бир-бирларига маълумот бериб турадилар.

Умумий ҳуқуқ мамлакатларида чет давлат ҳуқуқи мазмунини аниқлаш иш бўйича қарор қабул қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни аниқлаш жабҳасига киради. Шунга мувофиқ, “ҳужжат” (умумий маълум ҳужжатлар сирасига кирмайдиган, алоҳида ҳужжат) деб аталаётган чет давлат ҳуқуқий меъёри мазмунини исботлаш мажбурияти тарафлар зиммасига юклатилади, суд эса тақдим этилган далиллар билан чегараланади.

ГФР қонунлари судларга тарафлар тақдим этган далиллар билан чегараланиб қолмасдан, бошқа манбаларни ҳам жалб этишга ва судга маълум бўлмаган чет давлат ҳуқуқи мазмунини аниқлаш учун бошқа чораларни кўришга ваколат беради. Чет давлат ҳуқуқий *ex officio* меъёрлари мазмунини белгилаш Венгрия, Австрия, Туркия, Италиянинг халқаро хусусий ҳуқуққа оид қонунларида ҳам назарда тутилади.

Швейцариянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни чет давлат ҳуқуқи мазмунини белгилашни судга юклайди, бунда суднинг тарафларга ёрдам сўраб мурожаат қилишига йўл қўйилади. Мулк билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда чет давлат ҳуқуқи мазмунини аниқлаш тарафларга юклатилиши мумкин.

Франция судларида чет давлат ҳуқуқи мазмунини аниқлаш мажбурияти тарафларга юклатилган; шу билан бирга судлар, агар чет давлат ҳуқуқи меъёрлари уларга маълум бўлса, ўз ташаббусига кўра ҳам қўллашлари мумкин.

6-§. Суд топшириқларининг бажарилиши

Суднинг процессуал ҳаракатлари шу суд ўз фаолиятини амалга ошираётган давлат ҳудуди чегаралари билан чекланади. Амалий тажриба шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда процессуал ҳаракатларни чет элда амалга ошириш зарур бўлади. Чет давлат эса тааллуқли тарзда мурожаат қилинган тақдирда ўз ҳудудида шундай ҳаракатларнинг ижро этилишида ёрдам кўрсатиши мумкин. Алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқлар халқаро шартномалар ва миллий қонунлар асосида бажарилади. Лекин ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни тартибга солувчи халқаро шартнома ёки миллий қонунлар мажбур бўлмаган тақдирда ҳам шундай ёрдам кўрсатишни рад этиш халқаро ҳушмуомалалик асосларининг бузилиши деб қаралади.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларига алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқлар билан муурожаат қилишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлатлар судлари билан муносабатлари қонунлар ва халқаро шартномалар билан тартибга солинади. Нотариуснинг чет давлатларнинг адлия органлари билан ўзаро муносабатлари ҳам шунга мувофиқ равишда белгиланади.

Чет давлат адлия органлари топшириқларининг бажарилиши “ҳуқуқий ёрдам” тушунчасининг асосини ташкил этади. Чет давлатлар ҳуқуқида ҳуқуқий ёрдам ҳажмига, унинг кўринишларига, умуман, шу тушунчанинг ўзига нисбатан муносабат бир хил эмас. Ҳуқуқий ёрдам жабҳаларининг кенгайиб бориши кузатилмоқда, улар қаторига адлия органларининг топшириқларини бажариш, ҳужжатларни топшириш билан бир қаторда чет давлат ҳуқуқи тўғрисида маълумот олишда кўмаклашиш, ҳужжатларни жўнатиб юбориш кабилар ҳам киритилмоқда. АҚШ ва Буюк Британия судлари чет элда бўлган гувоҳларни суд томонидан вакил қилинган шахс (*comissioner*) орқали, тўғридан-тўғри ва кесишма сўроқни амалга ошираётган тарафларнинг вакиллари иштирокида сўроқ қилиш қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 390-моддаси ва ХПК 226-моддаси чет давлатларнинг судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларни бажаришда ёрдам бериш масалаларини ёритади. Мазкур моддаларда санаб ўтилган процессуал ҳаракатлар рўйхати тўлиқ эмас ва амалда чақириқ қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни топшириш билан бирга уларнинг қаторига тарафлар ва гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза ўтказиш ва жойни кўздан кечириш, ёзма далиллар олиш ва ш.к. ҳам киради. Бу меъёрларнинг матндан келиб чиқадики, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳужжатларни топшириш деганда процессуал ҳаракатларни бажаришга нисбатан мустақил ҳуқуқий ёрдам кўрилиши назарда тутилади. 1954 йилги Фуқаролик жараёни масалалари бўйича, 1965 йилги Чет давлатда ҳужжатларни топшириш тўғрисидаги, 1970 йилги Чет давлатда далиллар йиғиш тўғрисидаги Гаага конвенциялари ҳам ҳужжатларни топшириш ва айрим процессуал ҳаракатларнинг бажарилишини ҳуқуқий ёрдамнинг бошқа-бошқа турларига киритади.

Чет давлат судларининг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида берган топшириқлари қуйидаги асосларга кўра бажарилмайди:

- 1) топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки унинг хавфсизлигига таҳдид солса;
- 2) топшириқни ижро этиш суднинг ваколатига кирмаса.

Биринчи асос оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳнинг процессуал маънодаги таърифидир. Сўз чет давлат ҳуқуқи унинг оммавий тартиб

билан мос келмаганлиги учун қўлланиши мумкин эмаслиги ҳақида эмас, балки топшириқнинг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки унинг хавфсизлигига таҳдид соладиган бўлса, у ҳолда унинг ман қилиниши ҳақида боряпти. Иккинчи асос – ваколатли бўлмаганлик туфайли ижро этмаслик – оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳнинг таркибий қисми эмас, у процессуал ҳуқуқдан келиб чиқади.

Суд топшириқларини ижро этиш масалалари 1993 йилги Фуқаролик, оила ва жинойий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияда батафсил тартибга солинган. Унда ҳуқуқий ёрдам ҳажми тўлиқ бўлмаса-да, жуда кенг берилган, топшириқларнинг мазмуни ва шакли, уларни ижро этиш тартиби белгилаб қўйилган. Ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилаётган идоранинг илтимосига кўра шу Тарафнинг процессуал меъёрлари, башарти улар ёрдам берувчи Тарафнинг қонунларига зид бўлмаса, қўлланиши мумкин.

Конвенциянинг гувоҳларни, жабрланувчиларни, фуқаролик даъвогарлари ва жавобгарларни, уларнинг вакиллари, шунингдек, мутахассисларни чақиртириш тартибини белгилаб берувчи қоидалари бу шахсларнинг дахлсизлиги, тааллуқли харажатларнинг қопланиши, мутахассисларнинг иш ҳақи тўланиши кафолатларини назарда тутади. Ҳужжатларни топширишга бўлган талаблар ҳам аниқ тартибга солинган. Шартнома тузаётган Тарафлар ҳужжатларни ўз фуқароларига дипломатик ваколатхоналар ёки консуллик идоралари орқали топширишлари мумкин.

Шартнома тузаётган Тарафлардан бирортасининг ҳудудида тайёрланган ёки махсус ваколатли идора томонидан тааллуқли шаклда тасдиқланиб, гербли муҳр босилган ҳужжатлар Шартнома тузаётган Тарафларнинг ҳудудларида махсус тасдиқлашларсиз қабул қилиниши шарт.

Шартнома тузаётган Тарафлар бир-бирларининг илтимосларига биноан ўзларининг ҳудудларида амал қилаётган ёки амал қилган қонунлар ва уларнинг адлия идоралари томонидан қўлланиш тажрибаси ҳақида ахборот бериб турадилар. Ахборот Тарафларнинг марказий адлия идоралари томонидан берилади.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш пайтида сарфланган харажатлар Тарафларнинг зиммасига юклатилади. Ёрдам сўралган Тараф ёрдам сўраган Тарафдан бу харажатларнинг қопланишини талаб қилмайди.

Федерал қонунлар ва халқаро шартномалар томонидан тайинланган ҳолатларда нотариат органлари ва бошқа адлия органлари ҳам топшириқларни бажариш билан боғлиқ ҳуқуқий ёрдам субъектлари бўлишлари мумкин.

Судлар ва бошқа адлия органларининг топшириқлари чет давлатдан Ўзбекистонга ва Ўзбекистондан чет давлатга, башарти халқаро шартномаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, дипломатик тар-

тибда юборилади. Ўзбекистондан чет давлатга юбориладиган топшириқ Адлия вазирлиги — Ташқи ишлар вазирлиги — элчихоналарнинг консуллик бўлимлари йўналиши бўйича кетади.

1992 йилги Хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги битим қоидалари МДХ мамлакатларининг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришга хизмат қилади: мазкур битимга биноан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш пайтида шу битим аъзолари бўлган мамлакатларнинг ваколатли судлари ва бошқа органлари бир-бирлари билан бевосита алоқада бўладилар; ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ёки топшириқни ижро этишни сўраб мурожаат қилинганда ҳужжатлар ёрдам сўраган мамлакат тилида ёки рус тилида тақдим этилади.

1993 йилги Фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияда Тарафларнинг ваколатли адлия идоралари ўртасидаги алоқалар қуйидагича белгиланган (5-модда): “Мазкур конвенцияга амал қилинганда Шартнома тузаётган Тарафларнинг ваколатли адлия идоралари, башарти конвенцияда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ўзларининг марказий органлари орқали алоқада бўладилар”. 1997 йилда Москвада имзоланган Баённома билан 5-модда бошқача тахрирда берилди. Унинг мазмуни қуйидагича: “Мазкур конвенцияга амал қилинганда Шартнома тузаётган Тарафларнинг ваколатли адлия идоралари, башарти конвенцияда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ўзларининг марказий, ҳудудий ва бошқа органлари орқали алоқада бўладилар”. Шартнома тузаётган Тарафлар ўзларининг марказий, ҳудудий ва бошқа бевосита алоқаларини амалга ошириш учун ваколатли бўлган органлари рўйхатини ўзлари белгилайдилар ва бу ҳақда депозитарийга маълумот берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд топшириқларини юбораётганда тааллуқли тартибда халқаро шартнома мавжуд бўлган чет давлатларнинг фақатгина Адлия вазирликлари билан эмас, балки бошқа тааллуқли марказий органлари билан ҳам бевосита алоқа қилади.

Маҳаллий адабиётларда суд ва бошқа адлия идораларининг топшириқларини ижро этиш пайтидаги алоқалар процедурасини содда-лаштириш мақсадга мувофиқлиги масаласи қўйилган. Ўзбекистоннинг Гаагада имзоланган 1965 йилги Фуқаролик ва савдо ишлари бўйича судга оид ва суддан ташқари ҳужжатларни чет элда топшириш бўйича, 1970 йилги Фуқаролик ва савдо ишлари бўйича далилларни чет элда олиш тўғрисидаги, 1980 йилги Одил судловга эркин мурожаат қилиш тўғрисидаги конвенцияларга қўшилиши ҳақида тааллуқли қарор қабул қилиш таклиф этилган эди. Бу таклиф Адлия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланган бўлса ҳам, лекин шу пайтгача бизнинг мамлакатимиз мазкур конвенцияларга қўшилмаган.

Топшириқ қайси мамлакат ҳудудида ижро этилиши лозим бўлса, шу мамлакатнинг қонунларига мувофиқ ижро этилади. Халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолларда топшириқни ижро этувчи орган шунга мувофиқ чет давлатнинг процессуал меъёрларини қўллаши мумкин. 1993 йилги Фўқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияда ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи идора топшириқни ижро этишда ўз мамлакатининг қонунларини қўллаши мумкинлиги назарда тутилган. Ёрдам сўраган идоранинг илтимосига кўра, ёрдам кўрсатувчи идора ёрдам сўраган Тарафнинг процессуал меъёрларини қўллаши ҳам мумкин (агар бу меъёрлар ёрдам кўрсатувчи Тарафнинг қонунларига зид бўлмаса).

Мазкур ҳолларда чет давлат процессуал меъёрларини қўллаш тартиби қуйидагича: суд бу меъёрларнинг расмий талқини, тааллуқли давлат ҳудудида қўлланиш тажрибаси ва доктринасига мувофиқ равишда уларнинг мазмунини аниқлайди. Юқорида айтилганидек, коллизия меъёрлар алоҳида моддий-ҳуқуқий қоидаларни эмас, умуман чет эл ҳуқуқий тизимини мисол қилиб олади. Суд топшириқларининг ижро этилишида эса, фикримизча, сўз алоҳида чет давлатлар процессуал меъёрларининг халқаро шартнома ва чет давлат адлия идорасининг мурожаати доирасида қўлланиши тўғрисида кетади (албатта, бундай ҳолларда ҳам чет давлат меъёри ўз ҳудудида қандай бўлса, шундайлигича қўлланилади). Бу алоҳида меъёрларнинг мазмунини белгилаш бирмунча осон: чунки уларни қўллаш тўғрисидаги мурожаат ўз ҳуқуқ меъёрларини қўллашдан манфаатдор бўлган, тааллуқли сўровни тузган ва шу йўлда зарур ахборотни бера оладиган орган томонидан берилади.

XXIII БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасида чет элликларга қандай процессуал ҳуқуқлар берилган?
2. Чет эл ҳуқуқининг мазмуни қандай белгиланади?
3. Чет эл суди ҳимоясига бўлган ҳуқуқ қандай амалга оширилади?
4. Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларда суд топшириқларини ижро этиш учун қандай тартиб белгиланган?
5. Бир давлат судининг бошқа давлат судига мурожаат этиши қандай тартибда амалга оширилади?

Тавсия этилган адабиётлар

Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник, 2-е издание, перераб. и дополн. - М.: Международные отношения, 1994.

Луиц Л.А. Курс международного частного права: Особенная часть. - М., 1975.

Международное частное право: Учебное пособие / Под ред. *Г.К. Дмитриевой*. - М.: Юрист, 1993.

Панов В.П. Международное частное право: Схемы. Документы: Учебное пособие. - М.: Право и Закон, 1996.

Скаридов А.С. Международное частное право: Учебное пособие. - Санкт-Петербург: Изд-во Михайлова В.А., 1998.

Асьянов Ш.М., Книпер Р., Убайдуллаев З.С. Международный арбитраж. - Т., Изд-во Университета мировой экономики и дипломатии, 1999.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида шарҳлар. Акад. *Ҳ. Раҳмонқулов* таҳрири остида. - Т., "Адолат", 1999.

XXIV БОБ

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

1-§. Нотариал ҳаракатларнинг турлари

Чет эл элементи иштирокидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида нотариатнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ҳар йили Ўзбекистонда нотариал тартибда расмийлаштирилаётган, чет элда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлар сони ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идораларида ишлайдиган ёки хусусий тарзда фаолият кўрсатувчи нотариуслар, шунингдек, баъзи ҳолларда бошқа органлар ҳам амалга оширади. Нотариал ҳаракатларни чет элда амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консулик идоралари зиммасига юклатилган.

Нотариат ҳақидаги қонунда чет эллик фуқаролар ва юридик шахсларнинг нотариусларга мурожаат қилиши борасида ҳеч қандай чеклашлар белгилаб қўйилмаган. Нотариуслар уларга мурожаат қилган барча жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлари йўлида нотариал ҳаракатларни бажарадилар.

Нотариал идораларнинг фаолиятига қуйидагилар киради:

- чет элда амал қилиш учун мўлжалланган ҳужжатларни (шу жумладан, ишончномаларни) тасдиқлаш;
- чет элда тузилган ҳужжатларни қабул қилиш;
- чет эл фуқаросининг вафотидан сўнг унинг Ўзбекистон Республикасида қолган мулкни ёки Ўзбекистон фуқаросининг вафотидан сўнг чет эллик фуқарога қолдирилган мулкни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш;
- чет давлатлар органларида иш юритиш учун талаб қилинадиган далилларни таъминлаш ва ҳоказо.

Нотариат ҳақидаги қонунда нотариуслар томонидан чет давлат ҳуқуқи меъёрларини қўллаш имконияти назарда тутилган. Нотариуслар халқаро шартномалар талабларига мувофиқ тузилган ҳужжатларни қабул қиладилар, шунингдек, башарти бу халқаро шартномаларга зид бўлмаса, бошқа давлатлар қонунларида белгиланган шаклда тасдиқловчи ёзувларини ҳам киритадилар.

Нотариал ҳаракатларга оид меъёрларни назарда тутган халқаро шартномалар икки хилга бўлинади: булар фуқаролик, оила ва жино-

ий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги икки тарафлама шартномалар ҳамда консуллик конвенцияларидир.

Халқаро шартномаларда, Ўзбекистон Республикаси қонунларидаги каби, шундай коллизия меъёрлар мавжудки, улар нотариус муайян нотариал ҳаракатни бажаришда қайси давлат ҳуқуқини қўллаши лозимлигини белгилаб беради. Одатда коллизия меъёрлар мерос олиш билан боғлиқ муносабатларга тааллуқли бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига белгиланишича, мерос олиш бўйича муносабатлар мерос берувчининг сўнгги доимий яшаш жойи қайси мамлакатда бўлса, шу мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади. Бироқ, Ўзбекистонда жойлашган иншоотлар ва бошқа кўчмас мулкни ва шу мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқларни мерос олиш Ўзбекистон қонунлари бўйича тартибга солинади.

Фуқаролик кодексининг VI бўлимида жуда кўп коллизия меъёрлар мавжуд. Масалан, 1184-моддада мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи шу мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича белгиланади. Лекин битим предмети бўлган мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши, агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шу битим тузилган жой ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Халқаро шартномаларнинг консуллик легализациясидан озод қилиш тўғрисидаги меъёрлари катта амалий аҳамиятга эга. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ва МДХ мамлакатларининг фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларида назарда тутилишича, бир тараф ҳудудида белгиланган шаклда берилган ёки ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланиб, расмий муҳр билан мустаҳкамланган ҳужжатлар иккинчи тараф ҳудудида легализация қилинмасдан қабул қилинади.

Халқаро шартномаларнинг тарафлар органларининг бир-бирига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари тартибини бошқарувчи меъёрлари амалда катта аҳамиятга эга. Бу қоидалар ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларда мавжуд бўлиб, улар ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш пайтида тарафларнинг адлия идоралари ўзларининг марказий органлари орқали алоқада бўлишларини назарда тутади.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома мавжуд бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси адлия органининг мурожаатномаси Адлия вазирлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги орқали дипломатик йўл билан юборилади.

Нотариус чет эл фуқаролари ва мансабдор шахсларидан умумий маълумот мазмунидаги ёзма мурожаатнома олган тақдирда ўзи жавоб тайёрлаб, бевосита юборишига йўл қўйилади.

Нотариат тўғрисидаги қонунга биноан, нотариус Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ равишда чет эл ҳуқуқ меъёрларини қўллаши мумкин. Нотариус халқаро шартномалар талабларига мувофиқ тузилган ҳужжатларни қабул қилади, шунингдек, башарти бу халқаро шартномаларга зид бўлмаса, бошқа давлатлар қонунларида белгиланган шаклда тасдиқловчи ёзувларини ҳам киритади.

Агар чет эл ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда тузилган ҳужжатлар чет элга юборилиши мўлжалланган бўлса, уларни нотариал тартибда расмийлаштириш зарур. Бу ҳолда нотариуснинг вазифаси чет эл фуқаролик, оила ҳуқуқи меъёрлари билан танишиб чиқиш ва чет эл ҳуқуқида белгиланган шаклда тасдиқлаш ёзувларини киритишдан иборат бўлади. Чет эл ҳуқуқий меъёрларининг мазмуни тўғрисидаги маълумотни нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахсдан ёки тааллуқли тартибда Адлия вазирлигига сўровнома юбориш йўли билан олиши мумкин.

Тасдиқловчи ёзувларга келганда, сўз асосан ишончномаларни ёки фуқаро имзосининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш тўғрисида боради.

Бундай тасдиқловчи ёзувларнинг ички ҳуқуқий муносабатларда қўлланиладиган тасдиқловчи ёзувлардан фарқи уларнинг мазмунидир. Масалан, ишончномадаги тасдиқловчи ёзувларда ишонч билдирувчи нотариуснинг ҳузурига шахсан келгани, ишончномада кўрсатилган шахс сифатида унга маълумлиги, ишончномани нотариус ҳузурига шахсан имзолагани ва тааллуқли равишда шу ишончномани бераётганини тасдиқлагани кўрсатилган бўлиши мумкин.

Одатда чет элда фойдаланиш учун мўлжалланган ишончномаларда амал қилиш муддати кўрсатилмайди ва то ишонч билдирувчи томонидан бекор қилинмагунча ўз кучини сақлаб қолади.

Чет эл ҳуқуқига риоя қилинган ҳолда тузилган ҳужжат биз учун ғайри одатий номланиши (масалан: сертификат, аффидевит, декларация ва ҳ.к.), ҳужжатда тилга олинган шахсларнинг номлари, нотаниш юридик терминлари билан ажралиб туради. Асосий ҳужжатга унда баён қилинган асосий ҳужжатни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ёки фотосуратлар илова қилинган (тикиб қўйилган) бўлиши мумкин.

Чет элга юбориш учун мўлжалланган ҳужжатларнинг яна бир хусусияти шундаки, бу ҳужжат одатда икки тилда, матнлар ёнма-ён жойлаштирилган ҳолда тузилади. Бунда тасдиқловчи ёзув иккала матннинг остига ҳам ёзилади. Тасдиқловчи ёзув ўзбек тилида ёзилади. Ёзувда ҳужжатни тасдиқлаш билан бирга нотариус қилган таржиманинг ҳақиқийлиги ёки нотариусга таниш бўлган таржимоннинг имзосига гувоҳлик берилиши тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Муайян мамлакатда қабул қилинган қоидаларга қараб, агар матн бир варақда икки тилда параллел жойлаштирилган бўлса, тасдиқловчи ёзув ўзбек тилидаги матн остига лотин алфавитидаги ҳарфлар билан ёзиб қўйилади. Бунда тасдиқловчи ёзув икки марта: ўзбек тилидаги матн остига ўзбек тилида ва чет тилидаги ёзув остига чет тилида ёзиб қўйилади. Нотариус ҳам икки марта: ўзбек тилидаги матн остига ва чет тилидаги матн остига алоҳида лотин алфавитидаги ҳарфлар билан имзо чекади.

Ҳужжатни имзолашнинг алоҳида тартибига ҳам эътибор бериш лозим. Ариза, ишончнома, бошқа ҳужжатни имзолаганда фуқаро ўз фамилияси, исми, отасининг исмини ҳужжат матнида қандай кетма-кетликда ёзган бўлса, шундайлигича ёзиб қўйиши ва кейин имзо чекиши лозим.

Тасдиқловчи ёзувларни тўлдириш пайтида нотариуснинг фамилияси, исми, отасининг исми, ҳужжатни расмийлаштириш санаси (сўзлар билан) тўлиқ ёзилиши лозим. Ҳужжатни имзолаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми унинг паспортида ва ҳужжат матнида қандай кетма-кетликда ёзилган бўлса, шундайлигича ёзилади. Муҳр тасдиқловчи ёзувга ва нотариуснинг имзосига тегизилмаган ҳолда бўш жойга қўйилади.

2-§. Чет эл фуқароларининг ҳужжатларини тасдиқлаш, тан олиш тартиби

Чет элда бошқа давлатнинг ваколатли органлари мансабдор шахслари иштирокида ёки бевосита улар томонидан тузилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги органи томонидан легализация қилингандан сўнг нотариус ва бошқа органлар томонидан қабул қилинади.

Муайян давлатдаги консул бирор ҳужжатга ундаги шу давлат мансабдор шахсининг имзосини тасдиқловчи махсус ёзувни киритиб қўйиши легализацияга мисол бўла олади. Консуллик легализацияси фақат имзоларни тасдиқлашдангина эмас, балки ҳужжатларнинг консул бўлиб турган давлат қонунларига мувофиқлигини тасдиқлашдан ҳам иборатдир. Ўзбекистон давлат органлари томонидан берилган ҳужжатлар чет элга юборилганда ҳам легализация талаб қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида чет эл расмий ҳужжатларини легализация қилишни бекор қилувчи 1961 йилги Гаага конвенцияси амал қилади. Бу конвенцияда 36 давлат, шу жумладан, АҚШ, Франция, Англия, ГФР иштирок этади. Конвенциянинг мазмунини шундаки, легализацияни расмийлаштириш бўйича кетма-кет бажариладиган бир

неча операциялар ўрнига ягона формал амал бажарилади, яъни ҳужжатни берган давлат органлари томонидан ҳужжатга уни тасдиқловчи ўзига хос ёзув - апостил қўйилади. Конвенция иштирокчилари бўлган давлатлар учун апостилнинг шакли ягонадир. Апостил Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура ёки Архив идораси томонидан ҳужжатнинг ўзига ёки алоҳида вараққа қўйилади ва ҳужжат билан бирлаштириб қўйилади. Конвенциянинг аҳамияти ҳам шундаки, у фуқароларнинг ҳуқуқларига оид ва чет эл ташкилотларига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини бирмунча осонлаштиради.

Чет элда тузилган ҳужжатлар, башарти бу қонунларда ва халқаро шартномаларда назарда тутилган бўлса, легализациясиз ҳам нотариус ва бошқа органлар томонидан қабул қилинади.

Ишончномаларга тааллуқли масалалар Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш самарадорлигини таъминлашда муҳим амалий аҳамиятга эга. Ишончномаларга нисбатан фуқаролик қонунларининг вакиллик шартномаси тўғрисидаги қоидалари қўлланади, суддаги вакилликка нисбатан эса фуқаролик процессуал қонунлар қоидалари амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида консул ўз вакиллик фаолиятини ишончномасиз юритиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставига биноан, консул ўзи бўлиб турган давлат идораларида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари номидан, агар бу фуқаролар шу ерда бўлмаса, агар улар ишни бошқа бировга топширган бўлмаса ва бошқа бирор сабаб билан ўз манфаатларини ҳимоя қила олмаса, ишончномасиз ҳаракат қилиши мумкин. Бу вакиллик то ўша фуқаролар ўзларига мухтор вакил тайинламагунларича ёки ўз манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммаларига олмагунларича давом этади.

XXIV БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Чет эл элементи билан ўзаро муносабатларда нотариатнинг вазифалари?
2. Консуллик идораларига қандай нотариал ҳуқуқлар ва вазифалар берилган?
3. Хорижий ҳужжатларни легализация қилиш тартиби?
4. Апостиль ёзувини киритиш тартиби?

Тавсия этилган адабиётлар

Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник, 2-е издание, перераб. и дополн. - М.: Международные отношения, 1994.

Лунц Л.А. Курс международного частного права: Особенная часть. - М., 1975.

Международное частное право: Учебное пособие / Под ред. *Г.К.Дмитриевой*. - М.: Юрист, 1993.

Панов В.П. Международное частное право: Схемы. Документы: Учебное пособие. - М.: Право и Закон, 1996.

Скаридов А.С. Международное частное право: Учебное пособие. - Санкт-Петербург: Изд-во Михайлова В.А., 1998.

Асьянов Ш.М., Книпер Р., Убайдуллаев З.С. Международный арбитраж. - Т., Изд-во Университета мировой экономики и дипломатии, 1999.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. Акад. *Ҳ.Раҳмонқулов* таҳрири остида.- Т., "Адолат", 1999.

XXV БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХЎЖАЛИК СУДЛАРИДА НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

1-§. Хўжалик судлари ва хўжалик жараёни тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси хўжалик суди — фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари ва бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда суд ҳокимиятини амалга оширувчи алоҳида суд органидир. Хўжалик судлари алоҳида ваколатларга эга, хўжалик судлов ишларини юритиш эса Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодекси билан мустаҳкамлаб қўйилган ўзига хос хусусиятларига эга.

Хўжалик жараёни — хўжалик суди ва бошқа судлов ишларини юритишда иштирок этувчи шахсларнинг муайян ишни кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлари мажмуидир. У олти босқичдан иборат:

- биринчи инстанция судида иш юритиш;
- апелляция инстанциясида иш юритиш;
- кассация инстанциясида иш юритиш (суд қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини кассацион тартибда текшириш);
- назорат тартибида иш юритиш (суд қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини назорат тартибда текшириш);
- хўжалик судининг қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш;
- суд қарорларини ижро этиш бўйича иш юритиш.

Иш хўжалик жараёнининг барча босқичларидан ўтиб бориши мажбурий эмас, бу муайян ишда иштирок этаётган манфаатдор шахсларнинг ихтиёрига боғлиқ. Ишнинг биринчи инстанция бўйича ҳал этилиши ва кейин, даъвогарнинг истагига кўра, хўжалик суди қарорининг ижро этилиши мажбурийдир.

Давлат арбитражи органларининг хўжалик суди тизимига айлантирилиши мамлакатимизда мустақил ва самарали суд ҳокимияти шаклланаётганлигидан дарак беради. Тарихда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасидаги низоларни ҳал этиш бўйича турли вариантлар мавжуд бўлган. Кўп мамлакатларда хўжалик низолари умумий судларда ёки квази-суд органлари ёрдамида, ёки ихтисослаштирилган судларда (масалан, молия ва солиқлар борасидаги низолар бўйича) ҳал этилади.

2-§. Ишларнинг ҳўжалик судига тааллуқлилиги ва ҳўжалик судида судловга тааллуқлилиги

Ҳўжалик судига икки ёқлама хусусиятга эга бўлган ишлар: иқтисодий низолар ва бошқарув соҳасида келиб чиқадиган низолар тааллуқли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ташкилотлар, тадбиркор фуқаролар ўртасида вужудга келадиган иқтисодий низолар, тарафларнинг қандай идораларга қарашли эканлигидан қатъи назар, ҳўжалик судида кўриб чиқилади. Ҳўжалик судида кўриб чиқиладиган низолар қаторига жумладан қуйидагилар ҳам киради:

- тарафлар ўртасида тузилган шартномада ёки амалдаги қонунларда тарафлар ўртасида низо келиб чиқадиган ҳолларда мазкур низонинг ҳал этилиши ҳўжалик судига топширилиши назарда тутилган бўлса;

- шартнома шартлари ўзгартирилаётган ёки шартнома бекор қилинаётган бўлса;

- мажбуриятлар бажарилмаётган ёки лозим даражада бажарилмаётган бўлса;

- мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги даъволар;

- мулкдор ёки мулкнинг қонуний эгаси мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олаётган бўлса олиш ҳақидаги даъволари;

- мулкдорнинг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан фойдаланишга нисбатан тўсқинликларни бартараф этиш тўғрисидаги даъволари;

- бошқа асослар билан боғлиқ низолар.

Агар низолашаётган тарафларнинг бирортаси чет давлат ҳудудида жойлашган бўлса, шунингдек, чет эл инвестициялари билан боғлиқ ташкилотлар ўртасида низо вужудга келган бўлса ва бу давлатлараро битимда, халқаро шартномада ёки тарафлар ўртасидаги битимда назарда тутилган бўлса, бундай низолар ҳўжалик судида кўриб чиқилади.

Бошқарув соҳасидаги низолар, башарти бу низолар бирор ташкилот ёки тадбиркор фуқаро билан бошқарув органлари ўртасида вужудга келган бўлса, ҳўжалик судида кўриб чиқилади. Масалан:

- давлат органлари ёки бошқа органларнинг (муайян шахсларга ёки шахслар гуруҳига тааллуқли) ҳужжатлари, шу жумладан, ҳокимият ва бошқарув органларининг қонунга зид бўлган ва ташкилотлар ҳамда тадбиркор фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи қарорлари ҳақиқий эмас деб топилиши билан боғлиқ низолар; бирор корхонани тузиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш билан боғлиқ шундай ҳужжатларнинг ҳақиқий эмас деб топилиши билан боғлиқ низолар;

— шундай ҳужжатлар орқали ташкилотларга ва тадбиркор фуқароларга етказилган зарарни, шунингдек, юқоридаги органларнинг ташкилотлар ва тадбиркор фуқароларга нисбатан мажбуриятларнинг доим даражада бажармаганлиги туфайли етказилган зарарни қонун тўғрисидаги низолар;

— бошқарув органларининг ер майдонини беришни рад этиши ва ёки олиб қўйганлиги ҳақидаги қарорлари устидан шикоят бериш билан боғлиқ низолар;

— ташкилотни ёки фуқаронинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишни рад этиш ёки бунинг тўғрисида устидан шикоят бериш билан боғлиқ низолар;

— давлат органлари ва бошқа органларнинг ташкилотлар ва тадбиркор фуқаролардан пул маблағлари ёки бошқа мулкни хатланган тўғрисидаги қарорлари устидан шикоят бериш, шунингдек, қонунсиз равишда хатланган пул маблағлари ва бошқа мулкни қайтариш билан боғлиқ низолар;

— давлат органлари ва бошқа органлар, шу жумладан, монополияга қарши сиёсатни амалга оширувчи органлар, банклар, на юридик органларнинг ташкилотлар ва тадбиркор фуқаролардан ундирилган жарималари ва бошқа маблағларини ундириб олиш тўғрисидаги на юридик (агар қонунда уларнинг пул маблағларини ҳисобдан ўчириши мумкинлиги назарда тутилмаган бўлса);

— давлат солиқ идораси ва бошқа назорат органлари томонидан қонун талабларини бузган ҳолда иқтисодий (молиявий) жарима сифатида ҳисобдан ўчирилган пул маблағларини бюджетдан қайтариб олиш билан боғлиқ низолар.

Бошқарув соҳасида келиб чиқадиган, ХПК ва бошқа қонуний ҳужжатлар билан хўжалик суди ваколатига киритилган бошқа низолар ҳам айнан хўжалик судида кўриб чиқилади.

Хўжалик жараёнига хос хусусиятлардан бири — судловга тааллуқлилигининг икки хил кўрилиши, яъни ишнинг турига ва қайси ҳудудда кўрилишига қараб ажратилишидир. Ишнинг турига қараб судловга тааллуқлилигини белгилаш деганда ишларнинг турли миқёсдаги хўжалик судлари ўртасида тақсимланиши тушунилади. Умумий қоилага кўра, хўжалик судининг судловига тааллуқли бўлган ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хўжалик судларида кўрилади. Ҳудудий судловга тааллуқлилиги деганда эса бир хил миқёсдаги хўжалик судларининг ваколатлари тушунилади ва ўз навбатида у умумий ҳудудий, алоҳида, келишилган ва муқобил судловга тааллуқлилиги тушунчаларига бўлинади (ХПКнинг 26-33-моддалари).

3-§. **Ҳужалик судида иш кўзгатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш**

Ҳужалик судида суд жараёни ҳужалик судига даъво аризасини беришдан бошланади. Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши шарт:

- тарафларнинг номлари, уларнинг почта манзиллари;
- агар даъво баҳоланадиган хусусиятга эга бўлса, даъвонинг баҳоси;
- даъво аризаси учун асос бўладиган ҳолатлар ва ундирилиши талаб қилинаётган суммани тасдиқловчи далиллар;
- ҳар бир жавобгар билан низони бартараф этиш учун кўрилган чоралар ҳақида маълумотлар, чора кўрилиши талаб этилмайдиган ҳолатлар бундан мустасно;
- даъво талаби, агар жавобгарлар бир нечта бўлса - уларнинг ҳар бирига нисбатан алоҳида талаб;
- даъво аризасига илова қилинаётган бошқа ҳужжатлар ва далиллар рўйхати.

Даъво аризасида низони тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа муҳим маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ҳар бир жавобгар билан низони бартараф этиш учун кўрилган чоралар ҳақидаги ҳужжатлар, чора кўрилиши талаб этилмайдиган ҳолатлар бундан мустасно;
- жавобгарларга даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- белгиланган тартибда ва ҳажмда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- даъво талабига асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Даъвогар даъво аризасини тақдим этаётганда жавобгар тарафга даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхасини юбориши лозим.

Даъво аризасини қабул қилиш масаласини судьянинг яқка ўзи ҳал қилади. Аниқланган ҳужжатларга қараб судья даъво аризасини қабул қилиш тўғрисида (ХПК, 116-модда) ёки даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида (ХПК, 117-модда) ажрим чиқаради ёки даъво аризасини даъвогарга қайтаради (ХПК, 118-модда).

Низони ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқишни таъминлаш мақсадида судья ишни судда кўришга материалларни тайёрлаш бўйича зарур ҳолларда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- ишда иштирок этиш учун даъвогар даъво аризасида кўрсатмаган бошқа жавобгар ёки учинчи шахсни жалб этиш масаласини кўриб чиқади;

– ишда иштирок этувчи шахсларга, бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайди;

– ишда иштирок этувчи шахслардан ва бошқа ташкилотлардан низои ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, маълумотлар ва хулосаларни талаб қилиб олади;

– ишда иштирок этувчи ташкилотларининг мансабдор шахсларини ва бошқа шахсларни тушунтириш бериш учун чақиртириш масаласини ҳал этади;

– хўжалик суди мажлисини бевосита ташкилотнинг ўзида ўтказиш масаласини ҳал этади;

– низои ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишига йўналтирилган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Хўжалик судига даъво аризаси берилган кундан бошлаб 1 ойдан ошмаган муддат ичида низо кўриб чиқилиши, қарор чиқарилиши ва тарқатилиши лозим. Шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолар, шунингдек, бошқарув соҳасидаги низолар 1 ой ичида кўриб чиқилиши лозим.

Хўжалик жараёнида ишларни ҳал этиш процедураси фуқаролик жараёнидагига нисбатан камроқ формаллаштирилган. Низолар хўжалик судининг мажлисида бир ёки уч нафар судьялар ҳамда ишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахслар иштирокида кўрилади. Мажлисга раислик қилувчи судья:

– мажлисни олиб бориш тартибини белгилайди;

– суднинг таркибини эълон қилади;

– прокурор, эксперт, таржимон сифатида иштирок этувчиларни маълум қилади;

– жараён иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, уларнинг ҳуқуқлари амалга оширилишида кўмаклашади;

– мажлисга раҳбарлик қилиб, иш учун аҳамиятли ҳолатлар аниқланишини таъминлайди;

– мажлисда тааллуқли тартибни таъминлаш чораларини кўради.

Хўжалик суди мажлисида даъвогар, жавобгар ёки унинг вакили, эксперт ва бошқа иштирокчиларнинг сўзлари тингланиб, тарафларнинг ўзаро келишиб олишлари учун ҳаракат қилинади. Ҳар бир тарафга низои ҳал этиш учун зарур бўлган далилларни тақдим этиш ҳуқуқи берилиши лозим.

Хўжалик жараёнида ишни кўришни кейинга қолдириш (ХПК, 131-модда) ва танаффус қилиш (ХПК, 128-модда), иш юритишни тўхтатиб туриш (ХПК, 82-83-моддалар), даъвони кўрмасдан қолдириш (ХПК, 88-модда) каби ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин.

Қарор қабул қилиниши учун у қонунга, ишнинг фактик ҳолатларига зид бўлмаслиги керак ва у тарафларнинг ўртасидаги эришилган келишувни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Низо бир неча судьялар томонидан ҳал этилаётган бўлса, қарор оддий овозлар кўпчилиги билан қабул қилинади. Алоҳида ҳолларда, ўта муҳим ишлар бўйича қарорнинг қабул қилиниши 3 кундан ошмаган муддатга қолдирилиши мумкин, қарор ёзма ҳолда баён қилинади ва мажлисга раислик қилган судья томонидан имзоланади.

Қабул қилинган қарор иш кўриб бўлингандан сўнг мажлис раиси томонидан эълон қилинади. Мажлис раиси қарорнинг фақат хулоса қисмини эълон қилишга ҳақли. Тарафларга ҳужалик судининг қарори устидан шикоят қилиш тартиби тушунтириб берилади.

Қарорнинг кириш қисмида уни қабул қилган ҳужалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, тарафлар ва учинчи шахсларнинг номлари, низо предмети, суд таркиби, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилиши лозим. Низо бевосита ташкилотнинг ўзида кўриб чиқилган ҳолда бу ҳақда ҳам қарорнинг кириш қисмида маълумот берилади.

Қарорнинг баён қилиш қисмида даъвогарнинг талаблари, даъво аризаси юзасидан билдирилган мулоҳаза, тарафлар ва уларнинг вакиллари ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахслар аризалари ва тушунтиришлари, ҳужалик суди бажарган ҳаракатлар (далилларни кўздан кечириш ва текшириш, материаллар билан бевосита ўз жойида танишиш) мазмуни қисқача ифодаланган бўлиши лозим.

Қарорнинг асослангувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари; низонинг келиб чиқиш сабаблари; қарорнинг қабул қилинишига асос бўлган далиллар; тарафларнинг ўртасидаги ёзма келишув мазмуни (агар шундай келишувга эришилган бўлса); суд илтимосномаларни рад этиш учун асос қилиб олган важлар; тарафларнинг далиллари, уларнинг шартнома шартлари бўйича таклифлари ёки уларнинг келишуви; суд қарорни қабул қилишда асосланган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни (тўла ёки қисман) рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозим. Ҳужалик судининг хулосаси қандайдир ҳолатларнинг юзага келиш ёки келмаслигига боғлиқ бўлмаслиги керак.

Агар низо тўла ҳал этилмаган бўлса, бундай ҳолларда ҳужалик суди ажрим чиқаради. Низони ҳал этиш пайтида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда хусусий ажрим чиқарилади.

Агар ҳужалик суди қарори устидан кассация шикояти (протести) берилмаган бўлса, бу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 ой муд-

дат ўтгач қонуний кучга киради. Апелляция шикоят (протести) берилган ҳолда эса қарор, агар у бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлмаса, апелляция шикоят (протести) кўриб чиқилгандан сўнг қонуний кучга киради.

Хўжалик жараёнида апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритиш ХПКнинг III бўлимида тартибга солинган. Хўжалик судларининг қарорларини ижро этиш ХПКнинг IV бўлимида тайинланган қоидалар ва ФПКнинг қоидалари асосида амалга оширилади.

4-§. Чет эл инвестицияларининг халқаро муҳофазаси

Тажриба шуни кўрсатадики, дунё мамлакатларида капитал айланиб турмаса, хўжалик юритиш самарали бўлиши мумкин эмас. Саноати ривожланаётган мамлакат иқтисодиёти инвестицияларга асосланган саноат капиталининг айланиб туришига боғлиқдир. У ёки бу мамлакатда мавжуд ижобий инвестицион муҳит ва халқаро ҳамжамиятнинг инвестицион низоларни самарали ҳал этиш қобилияти биргаликда инвесторларнинг муайян мамлакатга инвестицияларни киритишига туртки бўла олади.

Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ) инвестицион низоларни ҳал этиш йўлида иккита халқаро конвенцияни ишлаб чиқди: булар 1965 йилги Давлатлар ва чет эллик шахслар ўртасидаги инвестицион низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Вашингтон конвенцияси ва 1985 йилги Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп тарафлама агентликни таъсис этиш тўғрисидаги Сеул конвенциясидир.

60-йилларнинг ўрталарида чет эл капитал сармояларининг шиддатли ривожланишида Вашингтон конвенциясининг қабул қилиниши айниқса муҳим аҳамият касб этди. Инвесторлар бўлмиш чет эл юридик ва жисмоний шахслари ҳамда капитал сармояларни қабул қилувчи давлат ўртасида вужудга келадиган низолар хусусий-ҳуқуқий хусусиятга эга (давлатлараро хусусиятга эга эмас) деб қаралар эди. Энг мураккаб жойи шундаки, низолашаётган тарафлар давлатнинг суверенлиги туфайли тенг мавқега эга бўлмас эди. Вашингтон конвенциясининг мақсади — ана шундай тоифадаги низоларни кўриб чиқишни миллий судларнинг инвестицион юрисдикциясидан олиб ташлаб, уларни кўриб чиқишни махсус шу мақсад учун таъсис этилган халқаро арбитражга топшириш эди. Бундай арбитраж вазифасини Вашингтон конвенцияси томонидан таъсис этилган ва ХТТБ нинг таркибий бўлими сифатида фаолият юритувчи Инвестицион низоларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ бажариши лозим эди.

Марказнинг мақсади муайян давлат ва чет давлат шахслари ўрта-сида вужудга келадиган инвестицион низоларни Вашингтон конвенцияси қоидаларига мувофиқ яраштирув ва арбитраж йўли билан ҳал этилишини таъминлашдан иборат.

Марказ таркибига Маъмурий кенгаш ва Котибият киради. Котибият ўз навбатида Воситачилар рўйхати ва Арбитрлар рўйхатини олиб боради. Маъмурий кенгаш таркибига конвенцияни имзолаган давлатларнинг ҳар биридан биттадан вакиллар киради.

Воситачилар рўйхати ва Арбитрлар рўйхатига Вашингтон конвенцияси қоидаларига мувофиқ равишда тайинланадиган, етарлича малакага эга бўлган ва ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажариш истагини билдирган шахслар киритилади.

Рўйхатларга киритилган шахслар ўз мажбуриятларини 6 йил муддат ичида бажариб борадилар. Ҳар 6 йилда рўйхатлар таркиби янги-ланиб туради.

Марказ ўзи кўрсатган хизматлари учун тушадиган маблағлар ва бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминланади; харажатларнинг даромаддан ортиб кетадиган қисми ХТББ аъзолари бўлган давлатлар ҳисобидан, уларнинг банк капиталидаги улушига пропорционал равишда қопланади. Банк аъзоси бўлмаган давлатлар учун эса Маъмурий кенгаш томонидан қабул қилинган қоидаларга мувофиқ маблағлар ажратилади.

Марказ тўла халқаро-ҳуқуқий субъект ваколатларига эга. Марказнинг ҳуқуқий ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- шартномалар тузиш;
- оддий ва кўчмас мулкни қўлга киритиш ва эгалик қилиш;
- процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартибини белгилаш.

Конвенцияни имзолаган давлатлар ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширишни таъминлаш йўлида Марказ қатор иммунитетлар ва имтиёзларга эга. Иммунитетлар деганда ҳужжативлар мулккий иммунитети, Маъмурий кенгаш раиси ва аъзоларининг шахсий иммунитети, воситачи вазифасини бажарувчи шахслар, арбитрлар, мансабдор шахслар ва котибият ходимларининг иммунитети назарда тутилади, масалан:

- юқорида санаб ўтилган шахсларнинг ўз фаолиятини юритиши билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишдаги суд иммунитети;
- иммиграцион чеклашлар ва чет элликларни рўйхатга олишга оид талаблар;
- чет давлат ҳудудида ҳаракатланиш борасидаги чеклашлар;
- Марказ архивларининг дахлсизлиги;
- бошқа халқаро ташкилотлар учун белгиланган режимдан фарқ қилмайдиган режимда алоқа каналларининг муҳофазаланганлиги;

— Марказнинг ҳужжативлари, мулки, даромади, шунингдек, Марказ томонидан амалга ошириладиган битимлар ва операцияларнинг ҳар қандай солиқлар ва божхона божларидан озод қилиниши.

5-§. Низоларни ҳал этиш тартиби

Муайян давлат (ёки унинг ҳар қандай ваколатли органи) ва бошқа давлат шахси ўртасидаги инвестицион муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг ҳал этилиши, агар тарафларнинг шу низони кўриб чиқишни Марказга тошширишга ёзма розилиги мавжуд бўлса, Марказнинг ваколатида бўлади.

Низолар куйидагича тартибда ҳал этилади:

1) ўзаро келишувга эришиш истагини билдирган тараф Бош котиб номига ёзма ариза билан мурожаат қилади. Аризада низонинг келиб чиқишига асос бўлган сабаблар, тарафлар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг арбитраж қондаларига мувофиқ келишувга эришиш истаги борлиги тўғрисида ахборот берилиши лозим. Бош котиб ўз навбатида мазкур аризанинг нухасини иккинчи тарафга юборади;

2) ариза рўйхатга олингандан сўнг бир ёки тоқ нафар Воситачилардан иборат бўлган Келиштирув ҳайъати тузилади. Воситачилар тарафлар билан келишилган ҳолда тайинланади;

3) Ҳайъат:

— тарафларнинг ўртасида низо келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолатларни аниқлайди;

— тарафларга низони ҳал этиш шартларини таклиф этади;

4) агар тарафлар ўртасида келишувга эришилса, Ҳайъат бу ҳақда ҳисобот тузади;

5) агар Ҳайъат келиштирув процедураси пайтида тарафлар ўртасида келишувга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилмаса, у ҳолда Ҳайъат процедурани тўхтатади ва тарафлар келишувга эриша олмаганликлари ҳақида ҳисобот тузади.

Арбитражга мурожаат қилиш тартиби ҳам юқоридаги тартиб билан бир хил. Арбитраж ариза рўйхатга олингандан сўнг имкон қадар қисқа муддат ичида тузилиши лозим. Арбитраж бир ёки тоқ нафар арбитражлардан иборат бўлиб, улар тарафлар билан келишилган ҳолда тайинланади.

Арбитраж тарафлар билан келишилган ҳолда ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ равишда низони кўриб чиқади. Тарафлар билан келишилмаган ҳолларда эса Арбитраж низода тараф сифатида иштирок этаётган давлат ҳуқуқини, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг муайян вазиятда қўлланиши мумкин бўлган меъёрларини қўллайди. Арбит-

раж ҳуқуқий меъёрларнинг мавжуд эмаслиги ёки ноаниқлигини асос қилиб кўрсатиб, ноаниқ қарорлар чиқаришга ҳақли эмас. Арбитраж низони кўриб чиқиш пайтида истаган вақтда, агар зарур бўлса, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– тарафлардан ҳужжатлар ва бошқа далилларни тақдим этишни талаб қилиш;

– низо билан боғлиқ жойларга бориш ва агар вазият шуни талаб қилса, текширув ўтказиш.

Арбитраж арбитражларнинг оддий овозлар кўпчилиги билан қарор қабул қилади. Арбитраж қарори ёзма шаклда тузилиб, шу қарор учун овоз берган арбитражлар томонидан имзоланади. Қарор арбитражда кўрилиш учун қўйилган масалаларнинг ҳар бири бўйича чиқарилиб, унда шу қарорнинг чиқарилиши учун асос бўлган ҳолатлар кўрсатилган бўлиши шарт. Арбитражлардан ҳар бири чиқарилган қарор юзасидан ўзининг шахсий фикрини, шу фикр кўпчиликнинг фикри билан бир хил бўлмаса ҳам, илова қилишга ҳақли. Тарафлар ўртасида Арбитраж қарорининг мазмуни ҳақида низо келиб чиққан ҳолда ҳар қайси тараф Бош котиб номига ёзма ариза тақдим этиш йўли билан қарорнинг талқинини талаб қилишга ҳақли. Ҳар қайси тараф, агар унга Арбитраж қарорига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги ҳужжатлар маълум бўлиб қолса ва бу ҳужжатлар қарор чиқарилган пайтда Арбитражга ва ариза берувчига маълум бўлмаган бўлса, шунингдек, ариза берувчининг бу ҳужжатларни билмаганлиги унинг ноҳўя ҳаракатларининг натижаси бўлмаса, Бош котиб номига ёзма ариза тақдим этиб, қарорнинг ўзгартирилишини талаб қилиши мумкин.

Қуйидаги асосларга кўра ҳар қайси тараф Арбитражга ёзма ариза тақдим этиш йўли билан қарорнинг бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли:

– Арбитраж тааллуқли тартибда тузилмаган бўлса;

– Арбитраж ўз ваколатлари чегарасидан чиқиб кетса;

– Арбитражлардан бирортасини оғдириб олиш ҳоллари юз берса;

– процедура қоидаларидан сезиларли даражада четга чиқиш юз берса;

– Арбитраж қарори керакли даражада асослаб берилмаган бўлса.

Қарорни бекор қилиш тўғрисидаги ариза Арбитраж қарор чиқаргандан кейин 120 кун ичида тақдим этилиши керак. Бироқ, агар сўз Арбитражнинг қарори Арбитражлардан бирортасини оғдириб олиш ҳужжатида асосланиб бекор қилиниши тўғрисида бораётган бўлса, у ҳолда ариза шу ҳужжат маълум бўлгандан кейин 120 кун ичида тақдим этилиши керак. Лекин ҳар қандай ҳолатларда ҳам аризани қарор чиқарилгандан сўнг 3 йилдан ошмаган муддат ичида тақдим этиш лозим.

Ҳар қайси тараф Арбитраж қарорининг талабларига бўйсунисга ва унга мувофиқ ҳаракатларни бажаришга мажбур, юқорида келтирилган қоидаларга асосан қарорнинг ижро этилиши тўхтатиб турилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар тарафлар ўртасида келишувга эришилса, Ҳайъат аъзоларининг ҳақи ва харажатларни қоплаш, шунингдек, Марказнинг кўрсатган хизмати учун тўланадиган ҳақ тарафларнинг ўртасида тенг тақсимланади. Ҳар қайси тараф келиштирув жараёнида ўзига сарфланган харажатларни ўз зиммасига олади. Арбитраж ишни кўриш пайтида тарафлардан кетган харажатларни, шунингдек, бу харажатларни (шу жумладан, Ҳайъат аъзоларининг ҳақини) ва Марказ кўрсатган хизмати учун ҳақни ким ва қайси тартибда тўлашини белгилайди. Бу масалалар юзасидан қарор Арбитраж қарорининг таркибий қисми ҳисобланади.

XXV БОБ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Арбитражнинг қандай турлари мавжуд?
2. Низоларнинг арбитражда кўрилиши қандай афзалликларга эга?
3. Ўзбекистон Республикасида арбитраж қарорларини ижро этиш тартиби қандай?
4. Арбитраж битимларининг тузилиши қандай хусусиятларга эга?

Тавсия этилган адабиётлар

Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник, 2-е издание, перераб. и дополн. - М.: Международные отношения, 1994.

Лунц Л.А. Курс международного частного права: Особенная часть. - М., 1975.

Международное частное право: Учебное пособие / Под ред. *Г.К.Дмитриевой*. - М.: Юрист, 1993.

Панов В.П. Международное частное право: Схемы. Документы: Учебное пособие. - М.: Право и Закон, 1996.

Скаридов А.С. Международное частное право: Учебное пособие. - Санкт-Петербург: Изд-во Михайлова В.А., 1998.

Асьянов Ш.М., Книпер Р., Убайдуллаев З.С. Международный арбитраж. - Т., Изд-во Университета мировой экономики и дипломатии, 1999.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. Акад. *Ҳ.Раҳмонқулов* таҳрири остида. - Т., "Адолат", 1999.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I боб. Халқаро хусусий ҳуқуқ тушунчаси, унинг предмети, тузилиши ва манбалари	
1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ тушунчаси ва унинг оммавий ҳуқуқдан фарқи	9
2-§. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг предмети	12
3-§. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг тузилиши (таркибий қисмлари)	16
I боб юзасидан назорат саволлари	20
Тавсия этилган адабиётлар	21
II боб. Халқаро хусусий ҳуқуқ манбалари	
1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаларининг умумий тавсифи	22
2-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва халқаро хусусий ҳуқуқ	26
3-§. Халқаро шартномалар	29
4-§. Давлат ички қонун ҳужжатлари	39
5-§. Одатларнинг аҳамияти	46
II боб юзасидан назорат саволлари	49
Тавсия этилган адабиётлар	50
III боб. Коллизион ва моддий-ҳуқуқий нормалар	
1-§. Коллизион норма тушунчаси ва аҳамияти	51
2-§. Халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда моддий-ҳуқуқий нормаларнинг тутган ўрни ва аҳамияти	54
3-§. Коллизион нормаларни изоҳлаш, шарҳлаш ва тадбиқ қилиш	59
4-§. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ	65

5-§. Ҳуқуқни қўлашда ўзаролик ва реторсиялар	67
III боб юзасидан назорат саволлари	69
Тавсия этилган адабиётлар	69
IV боб. Халқаро хусусий ҳуқуққа биноан жисмоний шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий ҳолати	
1-§. Турли давлатларда чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатлари. Жисмоний шахснинг шахсий қонуни, ҳуқуқ ва муомала лаёқати	70
2-§. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва муомала лаёқати	74
3-§. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳуқуқий ҳолати.	80
IV боб юзасидан назорат саволлари	83
Тавсия этилган адабиётлар	83
V боб. Юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати	
1-§. Юридик шахсларнинг халқаро ҳўжалик муносабатларда иштирок этиши	85
2-§. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати, қонуни ва муайян давлатга мансублигини аниқлаш	87
3-§. Ўзбекистон Республикасида чет эл юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати. Чет эллик юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳўжалик фаолиятида иштирок этиш шакллари. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияси иштирокида корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати	91
V боб юзасидан назорат саволлари	95
Тавсия этилган адабиётлар	95
VI боб. Давлатнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиси сифатидаги ҳуқуқий ҳолати	
1-§. Давлат - мулкий муносабатларнинг субъекти сифатида	97
2-§. Давлат иммунитет (дахлсизлиги) ва унинг турлари ...	100

3-§. Давлат томонидан тузилаётган битимларнинг ҳуқуқий ҳолати	106
VI боб юзасидан назорат саволлари	108
Тавсия этилган адабиётлар	109

VII боб. Халқаро хусусий ҳуқуққа биноан муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш

1-§. Муаллифлик ҳуқуқини халқаро ҳимоя қилишнинг умумий тавсифи	110
2-§. Муаллифларнинг чет элдаги ҳуқуқий ҳолати	113
3-§. Муаллифлик ҳуқуқини халқаро миқёсда ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар	116
4-§. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид халқаро актлари	124
5-§. Муаллифлик ҳуқуқини ўзаро ҳимоя қилишга оид Ўзбекистон Республикаси қатнашаётган шартномалари	129
VII боб юзасидан назорат саволлари	132
Тавсия этилган адабиётлар	132

VIII боб. Халқаро-хусусий ҳуқуқий муносабатларда интеллектуал мулк масаллари

1-§. Интеллектуал мулк объектларининг халқаро муомалада бўлишининг ўзига хос хусусиятлари	133
2-§. Интеллектуал мулк бўйича халқаро конвенциялар ва битимларнинг умумий тавсифи	136
VIII боб юзасидан назорат саволлари	151
Тавсия этилган адабиётлар	151

IX боб. Саноат мулк ҳуқуқи

1-§. Ўзбекистон Республикаси субъектларига тегишли саноат мулки объектларини чет мамлакатларда ҳуқуқий муҳофаза қилиш	152
2-§. Чет эллик субъектлар саноат мулки объектларини	

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий муҳофаза қилиш	154
3-§. Саноат мулки объектларини лицензия шартномалари асосида фойдаланиш	156
IX боб юзасидан назорат саволлари	160
Тавсия этилган адабиётлар	160
X боб. Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг индивидуаллаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқлари	
1-§. Товар белгисига бўлган ҳуқуқ	161
2-§. Фирма номига берилган ҳуқуқ	163
3-§. Товар тайёрланган жой номига бўлган ҳуқуқ	164
4-§. Халқаро хусусий ҳуқуқда фирром рақобатга қарши кураш масалалари	166
X боб бўйича назорат саволлар	169
Тавсия этилган адабиётлар	169
XI боб. Халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларда селекция ютуқлари, тижорат сирлари (ошкор этилмаган ахборотлар)нинг ҳуқуқий мақоми	
1-§. Селекция ютуқларининг ҳуқуқий мақоми	170
2-§. Ноу-хоу, тижорат сирлари ва ошкор этилмаган ахборотларга бўлган ҳуқуқлар	175
3-§. Тижорат сирлари ва ноу-хоудан фойдаланиш (ўтказиш, бериш) тўғрисидаги лицензия шартномаси	194
XI боб юзасидан назорат саволлари	196
Тавсия этилган адабиётлар	196
XII боб. Ташқи иқтисодий битимлар	
1-§. Ташқи иқтисодий битимлар тушунчаси	197
2-§. Ташқи иқтисодий битимлар	200
3-§. Битимларнинг мазмунига нисбатан тадбиқ	

қилинадиган ҳуқуқ.....	201
4-§. Ташқи олди-сотди муносабатлари бўйича халқаро конвенциялар. Намунавий шартномалар. Савдо атамалари	203
5-§. Техникавий ёрдам бериш ва корхоналар қуриш бўйича келишувлар	210
6-§. Концессиявий келишувлар.....	211
XII боб юзасидан назорат саволлари	216
Тавсия этилган адабиётлар	217

XIII боб. Эркин иқтисодий зоналар

1-§. Эркин иқтисодий зоналар тушунчаси, уларни ташкил этиш ва тугатиш асослари	218
2-§. Эркин иқтисодий зоналарнинг турлари	220
3-§. Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий режими ...	226
XIII боб юзасидан назорат саволлари	229
Тавсия этилган адабиётлар	230

XIV боб. Халқаро кредит ва ҳисоб-китобларга оид ҳуқуқий муносабатлар

1-§. Халқаро кредит ва ҳисоб-китобларга оид ҳуқуқий муносабатлар	231
2-§. Ўзбекистон Республикасининг валютага оид қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар	235
XIV боб юзасидан назорат саволлари	243
Тавсия этилган адабиётлар	244

XV боб. Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда ташиш

1-§. Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда ташишнинг умумий қоидалари	246
2-§. Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда темир йўларда ташиш.....	253
3-§. Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда автомобилларда ташиш.....	255

4-§. Юк ва йўловчиларни халқаро кўламда ҳаво йўлларида ташиш.....	261
5-§. Халқаро кўламда денгиз транспортларида ташишлар	263
6-§. Аралаш қатновда юкларни халқаро ташиш	266
XV боб юзасидан назорат саволлари	268
Тавсия этилган адабиётлар	268
XVI боб. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича даъво муддатлари	
1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича даъво муддатлари ва унинг аҳамияти	271
2-§. Ташқи иқтисодий битимларга қўлланилган даъво муддати қоидалари	278
3-§. Ташқи олди-сотди савдога нисбатан даъво муддатини қўллаш тартиби	279
XVI боб юзасидан назорат саволлари	284
Тавсия этилган адабиётлар	284
XVII боб. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан ашёвий ҳуқуқларни тартибга солиниши	
1-§. Ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланиладиган умумий қоидалар	285
2-§. Ашёвий ҳуқуқнинг вужудга келиши ва бекор бўлиши	290
3-§. Транспорт воситаларига ва давлат реестрида қайд этилиши лозим бўлган бошқа мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар	295
4-§. Йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар	300
5-§. Ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш	302
XVII боб юзасидан назорат саволлари	305
Тавсия этилган адабиётлар	306

XVIII боб. Халқаро хусусий ҳуқуқда шартномали мажбуриятлар

1-§. Шартномага инсбатан ҳуқуқ нормаларини танлаш ва қўллаш	309
2-§. Чет эл юридик шахси иштирокидаги шартномаларга нисбатан ҳуқуқий нормаларини тадбиқ қилиш	312
3-§. Тадбиқ қилинаётган ҳуқуқнинг амал қилиш доиралари ҳақида	316
XVIII боб юзасидан назорат саволлари	320
Тавсия этилган адабиётлар	321

XIX боб. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича шартномадан ташқари мажбуриятлар

1-§. Зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар	322
2-§. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етказилган зарарга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ	325
3-§. Чет элда етказилган зарарга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ	329
XIX боб юзасидан назорат саволлари	340
Тавсия этилган адабиётлар	341

XX боб. Оила ҳуқуқи

1-§. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича оила муносабатларининг тартибга солинишига умумий тавсиф	342
2-§. Оила ҳуқуқи соҳасидаги коллизион масалалар	344
3-§. Никоҳ тузиш	351
4-§. Никоҳнинг тугатилиши	357
5-§. Эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар	360
6-§. Ота-она ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар	362
7-§. Фарзандликка олиш	365
8-§. Васийлик ва ҳомийлик	366

XX боб юзасидан назорат саволлари	368
Тавсия этилган адабиётлар	368

XXI боб. Ворислик ҳуқуқи

1-§. Ворислик ҳуқуқи соҳасида коллизион масалалар	369
2-§. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ворислик ҳуқуқи	372
3-§. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда ворислик ҳуқуқи.	373
4-§. Эгасиз қолган мол-мулк	374
XXI боб юзасидан назорат саволлари	375
Тавсия этилган адабиётлар	375

XXII боб. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича меҳнат муносабатлари

1-§. Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий манбаларга умумий тавсиф	377
2-§. Меҳнат муносабатига оид инсон ҳуқуқини ҳимояловчи халқаро ҳуқуқий таъминот	383
3-§. Меҳнат муносабатларини миллий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш	384
4-§. Меҳнат бозорини ташкил қилишнинг ҳуқуқий аспекти	389
5-§. Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид халқаро шартномалар, конвенциялар ва келишувни тадбиқ этилиши	391
XXII боб юзасидан назорат саволлари	393
Тавсия этилган адабиётлар	393

XXIII боб. Халқаро хусусий ҳуқуқ тизимида низоларни суд тартибида кўриб чиқиш

1-§. Ҳалқаро фуқаролик жараёни тушунчаси	396
2-§. Судловга тааллуқлиликни белгилаш ва пророгацион битимлар	399

3-§. Чет эл фуқаролари ва чет эл ташкilotларининг процессуал ҳолати	406
4-§. Чет эл давлатнинг процессуал ҳолати	408
5-§. Чет эл ҳуқуқи мазмунини белгилаш (шархлаш)	412
6-§. Суд топшириқларининг бажарилиши	415
XXIII боб юзасидан назорат саволлари	419
Тавсия этилган адабиётлар	420

XXIV боб. Халқаро муносабатлардан нотариал ҳаракатларнинг турлари ва аҳамияти

1-§. Нотариал ҳаракатларнинг турлари	421
2-§. Чет эл фуқаролари ҳужжатларининг тасдиқлаш, тан олиш тартиби	424
XXIV боб бўйича назорат саволлар	425
Тавсия этилган адабиётлар	426

XXV боб. Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик судларида низоларни кўриб чиқиш тартиби

1-§. Ҳўжалик судлари ва ҳўжалик жараёни тушунчаси	427
2-§. Ишларнинг ҳўжалик судига тааллуқлилиги ва ҳўжалик судида судловга тааллуқлилиги	428
3-§. Ҳўжалик судида иш қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш	430
4-§. Чет эл инвестицияларининг халқаро муҳофазаси	433
5-§. Низоларни ҳал этиш тартиби	435
XXV боб юзасидан назорат саволлари	437
Тавсия этилган адабиётлар	437

Тошкент Давлат юридик институти ҳуқуқшунослик институтлари ва факультетлари талабалари учун 2002 йилда куйидаги дарсликлар чоп этилишини маълум қилади:

М. Х. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикасининг
жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм (рус тилида).

А. А. Иноятов. Ўзбекистон Республикасининг
меҳнат ҳуқуқи (Ўзбек тилида).

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ
Олий ўқув юртлари учун дарслик

МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО
Учебник для ВУЗов

INTERNATIONAL PRIVATE LAW
Manual for higher educational institutions

2002 йил 7 июль куни босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60×90¹/₁₆. Ҳажми 28 босма тобоқ.
Адади 5000 нусха. 110-буйртма.
Бепул тарқатилади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг
Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди.
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй, 2002.



«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002 йил.
Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 1-уй.

